

297
T-83

297



АЙДАРБЕК ТУЛЕПОВ

ИСЛОМ ВА АҚИДАПАРАСТ ОҚИМЛАР



2068966

«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИ ЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАХРИРИЯТИ

ТОШКЕНТ – 2014



1 O'QUV ZALI

Toshkent Axborot Texnologiyalari Universitet

172853

Axborot Resurs Markazi

УЎК 297
КБК 86.38
Т-83

Масъул муҳаррир:
Шайх Абдулазиз Мансур

Тақризчилар:
Аҳаджон Ҳасанов
Тарих фанлари доктори, профессор

Гулхумор Тўйчиева
Филология фанлари номзоди
Ҳайдархон Йўлдошхўжаев
Тарих фанлари номзоди

Иброҳимжон Усмонов
Тарих фанлари номзоди, доцент

Муслим Атаев
Тарих фанлари номзоди

Т-83 Тулепов, Айдарбек

Ислом ва ақидапараст оқимлар. Тўлдирилган нашр / Масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур. — Т.: «Sharq», 2014. — 536 б.

Ушбу асарда ислом дини никоби остида пайдо бўлган оқим ва фирқаларнинг юзага келиши, уларнинг ботил ақидалари, фаолият услублари, ўз замонасида уларга нисбатан муносабат масалалари тарихий фактлар ва асосли далилларга таянган ҳолда ёритилган.

Шунингдек, ушбу асарда Аҳли Сунна вал-Жамоа ақидасига биноан мазкур фирқаларнинг даъволари пуч эканлиги ҳужжат ва далиллар билан рад қилиниб, соф диний ақидамизга ёт эканлиги исботланган. Айни пайтда тарихий оқим ва фирқалар замонавий диний-экстремистик ҳаракаатлар учун ўзига хос манбаларга айлангани, уларнинг таъсирида шаклланган гуруҳлар фаолиятига хос хусусиятлар қиёсий таҳлил қилиниб, ижтимоий барқарор ҳаётга таҳдид солаётгани очиқ-ойдин баён қилинган.

Асар соҳа мутахассислари ва кенг китобхонлар оmmasига мулжалланган.

УЎК 297
КБК 86.38

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича Қўмитанинг 3753-рақамли рухсати билан чоп этилди.

ISBN 978-9943-26-133-4



9 789943 261334

© А.Тулепов, 2014.

© «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2014.

КИРИШ

Муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли хил ғаразли хуруж ва ҳамлалардан, туҳмат ва бӯхтонлардан ҳимоя қилиш, унинг асл моҳиятини униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга тўғри тушунтириш, ислом маданиятининг эзгу ғояларини кенг тарғиб этиш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда.

ИСЛОМ КАРИМОВ

Истиқлол шарофати билан серқуёш юртимизда диний ва миллий қадриятларимиз қайта тикланди. Диёримиз мусулмонларининг асрий орзу-умидлари рўёбга чиқа бошлади. Асосий қонунимизда эътиқод эркинлиги кафолатланди. «Виждон эркинлиги тўғрисида»ги Қонунда эътиқод қилувчиларнинг ҳақ ва ҳуқуқлари белгилаб берилди. Диний ташкилотлар фуқаролик жамиятининг ажралмас таркибий қисми эканлиги эътироф этилди. Муборак ҳаж ва умра сафарини ихтиёр этганлар учун кенг имкониятлар яратилди. Масжид ва мадрасалар сони эҳтиёжга яраша кўпайтирилди. Диний адабиётлар нашри йўлга қўйилди. Маънавиятимизни бойитиш учун барча шарт-шароитлар таъминланмоқда.

Афсуски, бу неъматлардан фойдалана туриб, ношукрлик қиладиган, ғанимларимиз ногорасига ўйнайдиган, ўз юртига қарата тош отадиган нобако р шахслар ҳам йўқ эмас.

Айниқса, дунёнинг турли давлатларида бўлгани каби бизнинг мамлакатимизда ҳам турли экстремистик, ақидапараст ва мутаассиб оқимларнинг ботил ақидаларига эргашиб, залолат ботқоғига ботиб қолган кимсаларнинг борлиги кишини ранжитади.

Қўлингиздаги китобда турли мутаассиб оқим ва фирқаларнинг пайдо бўлиш тарихи, уларнинг пуч ғоялари, мусулмонларга

келтирган зарарлари тўғрисида тарихий маълумотлар жамланган бўлиб, эътиқод шаклланиши жараёнида ҳар томонга оғиб, эътиқоднинг бош мазмунига путур етказган оқимлар билан замондошларимизни бохабар қилиб, уларни огоҳ этиш бизнинг мақсадимиздир. Тарихий воқеаларни таҳлил қилган киши ҳозирги асримизда эрта баҳор фаслида ердан бодраб чиқадиган кўзиқориндек пайдо бўлаётган янги оқимларнинг илдизлари, асослари ва ғоялари аслида тарихда бир вақт чиқиб, кейин саробдек сўниб, йўқ бўлиб кетган фирқалар билан ҳамоҳанг эканлигини идрок этади. Шунинг учун ҳам ислом дини тарихида илк пайдо бўлган диний-сиёсий фирқаларни имкон қадар барчаси тўғрисида маълумот беришга ҳаракат қилинди.

Шу билан бирга, ислом динидаги ақидавий йўналишлар ва фикҳий мазҳаблар тўғрисида ҳам тегишли маълумот берилди, чунки мўмин киши тўғри ақида билан ботил ақида ўртасидаги фарқларни яққол кўриб, ўзига хулоса чиқариб олиши даркор.

Кейинги пайтда сохта пайғамбарлар, имом маҳдийлар, Аллоҳдан ваҳий қабул қилишни даъво қилувчилар, ғайб илмидан хабар берувчилар, сохта эшонлар оз бўлса-да учрамоқда. Айниқса, ёшларимизнинг диний билими ўта саёз, турли фитна-фасод кўзғайдиган фикрлар ва ғояларни содда халқ онгига сингдиришга уринадиган чаласавод кимсаларга эргашиб кетмасликлари учун уларни тўғри йўлга солиш ва ҳушёрликка чорлаш мақсадида ушбу асарни ёзишга азму қарор қилинди. Ҳақ билан ботилни ажратиш учун ёзган ушбу асардан ҳосил бўлажак савобни марҳум падари бузрукворим ва марҳума волидаи меҳрибон онамнинг руҳи покларига бағишладим.

Шунингдек, мазкур китобни ёзишимда менга яқиндан ёрдам берган барча илм аҳлларига ўзимнинг чексиз миннатдорлигимни билдираман.

Муаллиф



ИСЛОМ ДИНИДАГИ АҚИДАВИЙ ЙЎНАЛИШЛАР

Исломдаги ақидавий йўналишлар сони тарихий манбаларда турлича берилган. Улардан энг асосий ва машҳурлари – суннийлик, қадария, муржиа, жабария, хорижия, мўътазила ва шиа кабилар.

Исломдаги йўналиш деганда муайян эътиқодий масала асосида бирлашган мусулмонлар мажмуаси тушунилади. Масалан, суннийлик йўналиши суннат ва жамоат асосида, хорижийлик ажралиб чиқиш ва қаршилик кўрсатиш, шиалик эса Али (р.а.) ва унинг авлодларини ҳаддан ортиқ эъзозлаш асосида бирлашган.

АҲЛИ СУННА ВАЛ-ЖАМОА

Уламолар нажот топувчи йўналиш бу «Аҳли Сунна вал-Жамоа» эканига иттифоқ қилишган. «Аҳли сунна» дегани Муҳаммад (а.с.) суннатларига эргашувчилар ва «вал-Жамоа» сўзи эса мусулмонларнинг кўпчилиги ортидан юривчиларни англатади. Демак, «Аҳли Сунна вал-Жамоа» – суннатга ва жамоага эргашувчилардир. Ҳақиқатан, бугунги кунда мусулмонларнинг аксари, яъни 92,5 фоизи «Аҳли Сунна вал-Жамоа»га мансубдир. «Аҳли Сунна вал-Жамоа» номини қисқартириб, «суннийлик йўналиши» деб ҳам юритилади. Ақида борасида мотуридия ёки ашъария таълимотига, фикҳда эса тўрт мазҳаб: ҳанафий, моликий, шофеъий ва ҳанбалий мазҳабларига мансуб бўлган мусулмонлардан ташкил топган жамоа суннийлик йўналишини ташкил қилади.

Аҳли Сунна вал-Жамоа эътиқодига амал қилувчи мусулмонлар ҳам икки хил йўналишга бўлингандир. Улар мотуридия ва ашъария номи билан танилган.

Мотуридия йўналиши

Мотуридия аталмиш ақидавий йўналишнинг асос ва қоидаларини Абу Мансур Мотуридийнинг ўзи кашф қилган эмас. Чунки

ақоиднинг асослари, арконлари ва бандлари унгача ҳам муайян даражада шаклланган эди. Ақида илми тобеинлар давридан бошлаб, яъни II ҳижрий асрда мустақил фан сифатида кўзга ташлана бошлаган.

Машхур тобеинлардан Ҳасан Басрий (21/642–110/729 й.) ақида масалалари бўйича толиби илмларга сабоқ берган. Муътазила оқимининг бошланиши ҳам ўша пайтда рўй бергани тарихий манбалардан маълум. Абу Ҳанифа (Имоми Аъзам) яшаган даврда эса ислом ниқоби остида турли оқим ва фирқалар юзага кела бошлаган. Мазкур оғиб кетган гуруҳлар билан курашиш учун энг аввало ақида мустаҳкам бўлиши зарур эди. Шунга кўра мазкур долзарб масалага Абу Ҳанифа бефарқ қараб тура олмаганлар. Улар ақида фанига оид биринчи асар – «Фикҳи акбар», Усмон Баттий (Бустий)га ёзган раддия, ўзларининг бешта васиятномаларини ёзиб қолдирганлар. Демак, мазҳабимиз асосчиси Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит (раҳматуллоҳи алайҳ) нафақат фуқаҳолар пешвоси, шунингдек, ақида ва илми каломда ҳам камол топган буюк сиймолардан биридир.

Шайх Абу Мансур ҳазратлари диний таълимни ўз даврининг етук ҳанафий уламоларидан олганлари, диний фанлар бўйича қанчалик чуқур билимга эга бўлганларини уларнинг ёзиб қолдирган асарларидан билиб олса бўлади.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, Абу Мансур ҳазратлари яшаган даврда ақида уламолари икки асосий манбага суянганлар. Биринчиси – оят ва ҳадислар ҳамда саҳоба ва тобеинларнинг ижмоъ¹ ва ижтиҳодлари², яъни нақлий далиллар. Иккинчиси – ақлий далиллар. Шайх Абу Мансур эса бошқаларга тақлид қилмасдан, нақлий далиллар билан ақлий далилларни уйғунлаштириб, ундан сўнг хулоса чиқарганлар.

¹ **Ижмоъ** – [араб. – *иттифоқ бўлиш, азму қарор қилиш*] муҳокама этиладиган масала юзасидан мужтахидларнинг бир фикрга келишуви; фикҳ манбаларидан бири. Барча мужтахидларнинг Пайғамбар (с.а.в.)дан кейинги даврларда бирор шаръий ишга яқдиллик билан иттифоқ қилишлари ижмоъдир.

² **Ижтиҳод** – [араб. – *ғайрат қилиш, интилиш*] фақих томонидан шаръий ҳукми ҳосил қилиш учун барча билим ва тоқатини ишга солиш. Ижтиҳод шаръий ҳукми келмаган ишнинг махсус қоидаларни ишга солиб шаръий ҳукмини аниқлаш учун қилинади.

Ақлий далил деганда фалсафа, мантиқ ва табиий фанлар кўзда тутилади. Ваҳоланки, салаф¹ уламоларининг кўпчилиги ушбу далилларни тан олмас, балки нақлий далилларнинг ўзи билан кифояланар эдилар. Шайх Абу Мансур эса, бу иккисидан ҳам муносиб равишда фойдаланиб, ўртаҳолликни ихтиёр қилганлар.

Дарҳақиқат, нақлий далилларни тўғри англаш учун ақлий далилларни пухта билиш шарт бўлган. Ақлнинг ҳам имконият даражаси чекланганини эътиборга олиб, Абу Мансур ҳазратлари инсоний ақл-тафаккур кўп ўринларда маълум ҳақиқатларни идрок этишга қодир эмаслигини уқтириб ўтадилар. Шу билан бирга, ақлнинг Аллоҳ томонидан ато этилган энг улуғ неъмат экани, ундан оқилона фойдаланиш зарурлигини ҳам таъкидлаб ўтадилар.

Мотуридия ақидасининг хусусиятлари

Юқорида айтиб ўтганимиздек, мотуридия ақидасига тааллуқли барча масалаларни шайх Абу Мансур Мотуридийнинг бир ўзи тузиб, тартибга солган эмас, балки ул зотга қадар ҳам Аҳли Сунна вал-Жамоа ақидаси маълум даражада шаклланиб улгурган эди.

Маълумки, Аҳли Сунна вал-Жамоа ақидаси ўша даврда уч буюк шахс томонидан ҳимоя қилинган, унинг асосий рукнлари ишлаб чиқилиб мусулмонларга тақдим этилган. Улардан биринчиси – Бағдодда Абул Ҳасан Ашъарий (260/873–337/935 й.), иккинчиси, Мисрда Абу Жаъфар Таҳовий (туғ. 230/845 й.) ва учинчиси Мовароуннаҳрда Абу Мансур Мотуридий (256/870–333/944 й.) сунний ақиданинг ҳимоячилари сифатида ислом тарихида чуқур из қолдирганлар.

Абу Мансур Мотуридий ҳазратларининг хизматлари шундан иборат бўлганки, ўша даврдаги ақидавий оқимларнинг салбий таъсирини кесиш, улар иддаолари, яъни мақсадларига раддия бериш, кучли ва асосли далиллар келтириш орқали ҳақиқий ислом ақидасини ҳимоя қилиш, илми калом, мантиқ ва мунозара қоидаларига суянган ҳолда хасмлар (даъвогарлар) жаҳолатига илму

¹ Салаф – [араб. – аждодлар, аввал яшаб ўтганлар]. Пайғамбар (а.с.) замони ҳамда ундан кейинги даврда яшаган саҳобий, тобей ва табаа тобейлар «салафи солих», яъни «солих аждодлар» дейилади. Мазкур истилоҳ улардан кейинги даврларда яшаган мусулмонларга нисбатан ишлатилмаган.

маърифат билан жавоб қайтариб, чин ихлосли мусулмонларни ақида соҳасида асос бўлувчи қўлланмалар билан қуроллантиришни ният қилган эдилар.

Замондошларимиз ва ҳаммамиз учун ақида борасида ҳар доим ёдда тутиб, эътибор қаратиш зарур бўлган бир неча муҳим масалалар мавжуд. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Мотуридия билан Ашъария ақидалари ўртасидаги айрим қарама-қаршиликлар:

Мотуридия ақидаси билан Ашъария ақидаси ўртасида айрим масалаларда қарама-қаршиликлар ҳар доим мавжуд бўлган ҳамда улар ҳозирги кунда ҳам бор. Бу масалаларни баъзи олимлар 15та, бошқалари 40 та ҳисоблаган, баъзилари ҳатто 50 тагача санаб етказганлар. Ихтилофга сабаб бўлган масалалардан асосийлари:

- Аллоҳнинг сифатларини зотий ва феълий сифатларга бўлиш;
- Аллоҳнинг сифатлари айна зотми ёки ғайри зотлиги;
- Мусо (а.с.) Аллоҳнинг каломини бевосита эшитганми ёки билвоситами;
- ирода билан ризо бирми ёки тафовутлими;
- Аллоҳни кўриш жоизлигига Ашъарий ақлий далил келтирганлиги;
- ёмон амалнинг содир этилиши бандаданми ёки у ҳам Аллоҳданми эканлиги, бунга Мотуридий ҳусну қубҳ ҳаммаси Аллоҳдан, фақат беҳикмат эмас, дейдилар;
- Ашъарий инсонга ўз тоқатидан ташқари ишга таклиф этилиши мумкин, Мотуридий эса мумкин эмас, деб айтади.

Шунингдек, Аллоҳни ақл билан таниш вожибми ёки нақл биланми, деган масалада Мотуридий ақл билан таниш вожиб деганлар.

- Имон билан Ислом бир нарса экани;
- бахтли ва бахтсиз инсонлар охир-оқибада ўзгариб-алмашиб қолишлари мумкинлиги;
- яхши ва ёмон амаллар банданинг хоҳиш-истаги ва Аллоҳнинг яратиши билан ҳосил бўлиши;

- муқаллиднинг имони мақбул бўлиши;
- имоннинг ўзи эмас, балки унинг нури, қуввати ортиб ёки камайиб туриши;
- имоннинг рукнлари иккита, яъни иқрор ва тасдиқдан иборат экани;
- амаллар имон таркибига кирмаслиги;
- савоблар ва гуноҳлар алоҳида ҳисобга олиниши.

2. Мотуридиянинг мўътазила ақидасидан фарқлари:

Шуни таъкидлаб ўтмоқ лозимки, диний фанлар қаторига калом илмининг киришига мўътазила тоифасининг ақлий мунозаралари ва қаршиликлари асосий сабаб бўлган. Улар ашъария ёки мотуридия каби ақлни нақлий далиллардан кейинги ўринга эмас, балки биринчи ўринга қўйганлар. Ақл ва фикрни асосий манба сифатида олиб, унга тўғри келмаса, ҳатто оят ва ҳадисларни инобатга олмаганлар. Шу билан нусусни¹ ақлга бўйсундирмоқчи бўлганлар. Бинобарин, шайх Мотуридий ҳазратлари бошқа оқимларга қараганда кўпроқ мўътазила фирқасининг қарашларига қарши раддиялар билан чиққанлар. Мўътазила фирқасининг ақлий ва фикрий далиллари нотўғри эканини исботлаш мақсадида калом илми билан шуғулланишга тўғри келган, буюк ҳамюртимиз кейинчалик мана шу мақсадда ишлаб чиқилган мазкур услуб билан Аҳли Сунна ақидасини ҳимоя қилишга муяссар бўлган.

3. Мўътазила фирқаларининг мотуридия ақидасига зид қарашлари. Мўътазила ақидасига кўра:

- Аллоҳнинг исми ва сифатлари азалий эмас, улар ҳеч қандай маъно ва мазмунга эга эмас. Аллоҳнинг исми билан сифатлари бир нарса.
- Бу дунёда ҳам, охиратда ҳам Аллоҳни кўриш мумкин эмас.
- Қуръон – махлуқ. У азалий эмас.
- Банданинг фойдасини кўзлаб иш қилиш Аллоҳнинг зиммасига вожиб.

¹ Нусус – оят ва ҳадислар.

– Банданинг қудрати ва тоқати Аллоҳга боғлиқ эмас. Феълларни банданинг ўзи яратади.

– Қатл этилган киши ажалидан олдин ўлган бўлади.

– Ҳалол – ризқ, лекин ҳаром – ризқ эмас.

– Аллоҳнинг иродаси ҳодисдир, қадим эмас.

– Аллоҳ фақат яхшилиқни ирода қилади. Ёмонлик унинг иродасидан ташқаридир.

– Амаллар имоннинг таркибига киради. Амал имоннинг асосий рукнидир.

– Имон озайиб, кўпайиб турувчи нарсадир.

– Гуноҳи кабира қилган мусулмон имон билан куфр¹ ўртасида қолади.

– Гуноҳи кабира эгалари дўзахда абадий қоладилар.

– Фақат яхши одамларни шафоат қилинади. Гуноҳкорларни ҳеч ким шафоат қилмайди.

– Жаннат билан дўзах ҳануз яратилмаган.

– Қабрдаги азоб ёки роҳат, қиёмат тарозуси, Пулсирот², Ҳавзи Кавсар³ кабиларнинг ҳаммаси йўқ нарса.

– Авлиёларда ҳеч қандай каромат бўлмайди.

– Муқаллиднинг⁴ имони қабул қилинмайди.

¹ **Куфр** – [араб. – *сатр, тўсмоқ; инкор этмоқ*] имонсизлик. Куфр уч хил бўлади: 1. Ҳақиқий куфр. Дилида ҳам, тилида ҳам ўзининг кофирлигини иқрор этувчи кофирлар куфр. Бундай одамлар ҳақиқий кофирлардир. 2. Инодий куфр. Аллоҳнинг ҳақлигини, Муҳаммад алайҳис-саломнинг ҳақиқий пайгамбар эканликларини яхши била туриб, қайсарлик ва арзимаган сабабларни кўрсатиб имон келтирмайдиганларнинг куфр. 3. Ҳукмий куфр. Яъни ҳақиқий эмас, балки баъзи бир шариатга хилоф ишларни қилиш ёки куфр сўзларини билиб-билмай гапириб қўйиш сабабли куфрга ҳукм қилинувчи ҳолат.

² **Пулсирот** – [форс., араб. – *йўл кўприги*] – қиёмат куни дўзах узра тортилган қилкўприк. Ҳар бир банда ундан ўтишга мажбур, кимдир яшиндек тез ўтади, кимдир секин ўтади, кимдир тубсизликка қолайди.

³ **Ҳавзи Кавсар** – ислом динида жаннатдаги, сувлари тиниқ ва ширин деб таъриф қилинадиган Кавсар номли чашма.

⁴ **Муқаллид** – имонига далил келтира олмайдиган, лекин мусулмонман деб юрувчи одам.

Мазкур нуқталардан кўриниб турибдики, мўътазила фирқаси бизнинг мотуридия ақидамызга тўғри келмаган алоҳида назарияга эга бўлган. Нозик ва қалтис жиҳати шундаки, юқорида айтиб ўтилган қарашлардан онгли зиёлилар, ҳатто уламолар ҳам чалғиб кетишлари ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳам сунний, ҳанафий, мотуридий ақидамызга оид китобларни кўпроқ мутолаа қилиш ва дилга жо этиш зарур эканлиги шак-шубҳасиздир.

Ашъария йўналиши

Ашъарийлик таълимотининг асосчиси Абул-Ҳасан Али ибн Исмоил Ашъарий 260/873 йилда Басра шаҳрида таваллуд топган ва 337/935 санада Бағдодда вафот этган. Тўлиқ номи Али ибн Исмоил ибн Исҳоқ ибн Солим ибн Исмоил ибн Абдуллоҳ ибн аби Бурда ибн аби Мусо Ашъарий бўлиб, машҳур саҳобий Абу Мусо Ашъарий (р.а.) нинг авлоди ҳисобланади.

Имом Ашъарий болалик давриданок муҳаддис ва фақиҳларнинг мажлисларида қатнашар эди. У Басра мўътазилийлари раҳбари бўлмиш Абу Али Жубоийдан таҳсил олади ҳамда ундан ақида илмини ўрганади. Шунинг учун ҳам у кўпроқ мўътазилийлар таъсирида вояга етди. Бошқа ақидалар намояндалари билан мунозара ва тортишувларни Абул-Ҳасан Ашъарий ўз зиммасига олар эди, чунки мунозарада Жубоий қийналар эди. Абул-Ҳасан 40 ёшигача мўътазилийлар таъсирида бўлди. Сўнг ўз устози билан баъзи масалалар жумладан, «аслаҳ» масаласида ихтилофга борди. Яъни Жубоий даъвосига кўра, Аллоҳ фақат бандасининг манфаатини – бандага аслаҳ (фойдали) ишни қилиши вожибдир. Ашъарий бу фикрга қўшилмайди.

Абул-Ҳасан ва Жубоий ўртасидаги мазкур ихтилофга доир куйидаги ривоят сақланиб қолган. Абул-Ҳасан Ашъарий устози Жубоийга: «Бири ёшлигида вафот этган, иккинчиси улғайиб солиҳ кишилардан бўлган, учинчиси эса кофир бўлиб дунёдан ўтган уч ака-укаларга қандай ҳукм қиласиз? Агар ёш ўлгани Аллоҳдан: «Мени нима учун акам манзиласига етгунимча ҳаётда қолдирмадинг?», деб сўраса, Аллоҳ унга нима деб жавоб беради?» – дея савол беради. Жубоий шундай деди: «Аллоҳ: «Сенинг бошқа аканг каби кофир бўлиб ўтишингни билган эдим. Сенга яхшиси

ёшлигингда ўлганингдир», – деб жавоб беради». Абул-Ҳасан: «Агар учинчиси: «Эй Раббим, нима учун ёшлигимда ўлдирмадинг, мен укам манзиласига рози эдим, деса-чи, Аллоҳ унга нима дейди?», деб сўраганида, Жубойнинг ранги ўчиб кетади ва жавоб беришга ожиз қолади.

Кўп мунозаралардан сўнг унинг тафаккурида бир қатор саволлар уйғонади ва ўзида сунний йўналишидаги олимларнинг фикрларига мойиллик сеза бошлади. Шундан сўнг у ҳар икки томоннинг ҳужжат-далилларини солиштиради. Ниҳоят, қаноат ҳосил қилгач, Басра жоме масжидида минбардан туриб: «Эй одамлар! Мени билганлар билади, билмаганлар билмайди, билмайдиганларга ўзимни таништираман. Мен Қуръонни махлук, яъни яратилган деб, билардим. Аллоҳ кўз билан кўрилмайди, ёмон ишларни мен ўзимча (яъни Аллоҳнинг иродасисиз) қиламан деб айтар эдим. Ҳозир мен тавба қилдим, мўътазилийларни рад қилишга киришаман. Ҳамма ҳужжат-далилларни ўрганиб чиқдим. Ҳеч бири бошқаси устидан кучли бўлиб чиқмади, сўнг Аллоҳдан ҳидоят сўрадим, у менга ҳидоят берди. Шунинг учун ҳам бир қанча вақт сизлар билан бирга бўлмадим. Мен илгари эътиқод қўйган нарсаларимни шу кийимимни ечганим каби ечаман», деб Абул-Ҳасан кийимларини ечади ва ёзган нарсаларини муҳаддис ва фақиҳлар жамоасига беради.

Абул-Ҳасан Ашъарий мўътазилий ва шу каби оқимларнинг фикрларини ҳар жойда рад қилади ва «аҳли сунна имоми», «аҳли сунна ҳомийси» деган номга сазовор бўлади.

Ашъарийнинг илмий хулосаларини ўкиб чиққан илм аҳллари уни ўзларига раҳнамо қилиб олдилар, ўзлари эргашган таълимотни унинг номи билан атаб, ашъарийлар сифатида танилдилар.

Хорижийлар: «Хорижий» сўзи араб тилидаги «хаража» сўзидан олинган бўлиб, «чиқмоқлик» маъносини англатади. Бинобарин, хорижийлар Али ибн Абу Толиб (р.а.) ва Муовия ибн Абу Суфёнга қўшилмай, уларга қарши бош кўтарган тоифадир.

Шиалар: «Шиа» сўзи луғатда, «тарафқаш» маъносини англатади. Истилоҳий маънода шиа Али ибн Абу Толиб ва унинг авлодларини

барчадан устун қўйиш оқибатида мусулмонлардан ажралиб чиққан йўналиш ҳисобланади.

Ислом дини шаклланишининг илк даврида суннийликдан фақат уммага раҳбарлик масаласидагина фарқ қилган шиалик, бора-бора ақидавий ва фикҳий масалаларда ҳам ундан ажралиб, алоҳида йўналишга айланди.

Мўътазила йўналиши: Бу йўналиш тобеинлар даврида Восил ибн Ато томонидан таъсис этилган, илоҳий таълимотга эмас, балки ақл, фикр ва фалсафага асосланган бўлиб, Аббосийлар халифалиги даврида тараққий этган. Мўътазила йўналишидан бир неча фирқалар пайдо бўлиб, улар Аҳли Сунна вал-Жамоадан катта фарқ қилади.

Бизнинг асримизда мазкур йўналишлардан Аҳли Сунна вал-Жамоа, Шиа ва оз миқдорда Хавориж йўналишига мансуб мусулмонлар мавжуд.

Қуйида мазҳаббошимиз Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг Аҳли Сунна вал-Жамоа йўналишидаги исломий ақидалар усулига оид «Фикҳи акбар» асарининг таржимасини келтириб ўтамыз. Таржима Шайх Абдулазиз Мансур тарафидан бажарилган.



«ФИҚҲИ АКБАР» КИТОБИ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

Тавҳид илмининг асли ва тўғри деб эътиқод қилишга лойиқ маълумотлар қуйидагилардан иборат:

Ҳар бир мусулмон одам дили билан тасдиқ этган ҳолда тили билан ушбуларни айтиши вожибдир:

Аллоҳга, Унинг фаришталарига, илоҳий китобларига, юборган пайгамбарларига, вафот этгандан кейин қиёматда тирилишига, Ўзи белгиллаган яхши-ёмон тақдирга ҳақ ва рост деб имон келтирдим. Охиратдаги ҳисоб-китоб, амаллар тарозуси, жаннат ва дўзах барчаси ҳақдир.

Аллоҳ таоло бирдир, лекин саноқ сон жиҳатидан эмас, балки Унга ҳеч қандай шерик йўқлиги жиҳатидандир. Чунончи, Ихлос сурасида Ўзи демишким: «(Эй Муҳаммад), **айтинг: «У Аллоҳ ягонадир. Аллоҳ беҳожат, (лекин) хожатбарордир. У туғмаган ва туғилмаган ҳам. Шунингдек, Унинг ҳеч бир тенги йўқдир».**

У ўзи яратган нарсалардан бирортасига ўхшамас. Унга ҳам бирор нарса ўхшаш эмас.

Ўзининг зотий ва феълий сифатлари билан азалдан бор бўлган ва абадий бор бўлур. Зотий сифатлари – ҳаёт, қудрат, илм, калом, эшитиш, кўриш, ирода. Феълий сифатлари – яратиш ва бошқа шу мазмунга далолат қилувчи сифатлар.

У ўзининг барча исм ва сифатлари билан биргаликда доим бўлган ва абадий бўлажак. Унга бирор исм ёки сифат кейин қўшилиб қолган эмас.

Шунингдек, У Ўз илми билан олимлигича ҳамон келмоқдаким, илм Унинг азалий сифатидир. Қудрати билан қодирлигича ҳамон келмоқдаким, қудрат Унинг азалий сифатидир. Каломи билан гапирувчи ҳолида келмоқдаким, калом Унинг азалий сифатидир. Яратиши билан холиқлигича ҳамон келмоқдаким, яратиш Унинг азалий сифатидир. Иш қилиш (феъл) билан иш қилувчи (фоил) ҳолида ҳамон келмоқдаким, феъл Унинг азалий сифатидир.

Демак, феъл эгаси – Аллоҳ, феъл эса Унинг азалий сифатидир, феълнинг маҳсули – яратилган (махлуқ¹), Унинг феъли эса яратилувчи эмас. Шунингдек, унинг барча сифатлари азалдан пайдо қилинган ҳам, яратилган ҳам эмас. Кимки уларни яратилган ёки пайдо қилинган деса ёки (сўралганда) жим туриб қолса ёхуд у тўғрида шубҳага борса, у Аллоҳга кофир бўлур.

Қуръон – Аллоҳнинг каломи. У мусхафларда битилган, қалбларда ёдланган, тилларда ўқилган, Муҳаммадга (а.с.) нозил қилингандир. Қуръон билан қилган талаффузимиз, уни ёзган битигимиз, уни қилган қироатимиз махлуқ (яратилган)дир, лекин Қуръон махлуқ эмасдир.

Аллоҳ таолонинг Қуръондаги Мусо ва бошқа пайғамбарлар (а.с.), Фиръавн ва Иблис тўғрисида келтирган қиссаларининг барчаси Аллоҳнинг каломидир. Аллоҳнинг каломи махлуқ эмас. Мусо ва бошқа яралганларнинг каломи махлуқдир. Қуръон эса уларнинг эмас, балки Аллоҳнинг каломидир.

Қуръонда Аллоҳнинг Ўзи хабар берганидек, Мусо (а.с.) Аллоҳнинг каломини эшитган. Мусога гапирмасдан олдин ҳам Аллоҳ таоло мутаккалим (гапирувчи) эди. Барча мавжудотни яратмасдан олдин ҳам У холиқ (яратувчи) эди. Унинг мислидек нарса йўқдир ва У эшитувчи ва кўрувчидир.

Аллоҳ таоло Мусо (а.с.)га сўзлаган пайтда азалдан ўз сифати бўлиб келган каломи билан сўзлаган. Унинг барча сифатлари махлуқотларнинг сифатларидан тубдан фарқ қилади, яъни У билади, лекин биз билгандек эмас. Қудрати бизнинг қудратимиздек эмас. Кўради, лекин биз кўргандек эмас. Эшитади, лекин биз эшитгандек эмас. Гапиради, лекин биз гапиргандек эмас. Биз тил, оғиз, лаб каби воситалар ва ҳарфлар билан гапирамиз. Аллоҳ таоло воситасиз ва ҳарфларсиз гапиради. Ҳарфлар махлуқ, Аллоҳнинг каломи эса махлуқ эмас.

Аллоҳни нарса деб аташ мумкин. Лекин уни ўзга нарсалардек тасаввур қилмаслик шарти билан мумкин. Аллоҳни нарса деганда жисмсиз, модда сиз, модданинг сифатларисиз, чегарасиз, акссиз, тенгсиз, мислсиз деб билиш керак бўлади.

Қуръонда Ўзи айтганидек, Аллоҳнинг қўли, юзи, нафси (Ўзи) бор деб биламиз. Булар Унинг сифатларидир, лекин қандай,

¹ Махлуқ – [араб. – яратилган нарса]. Аллоҳ яратган олам шу жумладан инсон ва бутун жониворларнинг, ашё, ўсимлик олами, барча мавжудотнинг умумий номи.

қанақа дейилмас. Ҳатто «қўли»ни қудрати ёки неъматидеб таъвил этилмас. Акс ҳолда, унинг бир сифатини йўққа чиқарилган бўлур. Бу эса қадарийлар ва мўътазиллийлар сўзидир. Биз айтамызки, «қўли» ўзига хос, кайфиятсиз сифатдир. Шунингдек, Унинг ғазоби ва ризоси ҳам ўзига хос кайфиятсиз сифатларидандир.

Аллоҳ таоло борликни яратганда уни бирор нарсадан олиб яратган эмас. Аллоҳ барча нарсаларни яратмасдан олдин ҳам азалдан билар эди. Барча нарсаларнинг тақдир ва қазосини Унинг ўзи белгилаган.

Бу дунёдаги ва охирадаги ҳар бир нарса фақат унинг хоҳиши, илми, қазоси, қадари, Лавҳул-маҳфузга¹ ёзиб қўйилиши туфайли содир бўлади. Лекин ёзиб қўйиши тавсиф йўли билан бўлиб, ҳукм йўли билан эмас, яъни мажбурий эмас. Қазо, қадар ва хоҳиш Аллоҳнинг азалий сифатларидир. Фақат уларнинг моҳият ва кайфияти бандасига маълум эмас.

Яратилмаган нарсани Аллоҳ таоло яратмай туриб йўқ деб билгани каби, уни яратгандан кейин қандай ҳолатда бўлишини ҳам билур. Шунингдек, мавжуд нарсани Аллоҳ таоло мавжудлигидаги ҳолатни қандай билса, унинг йўқ бўлиб кетиш ҳолатларини ҳам шундай билур. Яна Аллоҳ таоло тик турган кишини тик турганлик ҳолатини қандай билса, у ўтиргач, ўтирганлик ҳолатини ҳам шундай билиб турур. Лекин бу билан Унинг илми ўзгариб қолмайди ёки унда янги илм пайдо бўлиб қолмайди. Ўзгариш ва турланиш махлуқот ва мавжудотларда содир бўлур.

Аллоҳ таоло инсонларни яратганда куфр ва имондан холи қилиб яратган. Сўнгра уларга хитоб қилиб, баъзи нарсаларга буюрган, баъзи нарсалардан қайтарган. Шулардан кейин кимки куфрни танлаган бўлса, демак, у ўз ихтиёри билан ҳақиқатни инкор этгач, Аллоҳ таолонинг тавфиқидан маҳрум ҳолда куфрни танлаган бўлур. Шунингдек, кимки имонни танлаган бўлса, у ҳам ўз ихтиёри, иқтидори, тасдиғи ва Аллоҳнинг тавфиқи ҳамда ёрдами билан имон келтирган бўлур.

Одам (а.с.)нинг пушти камаридан қиёматгача дунёга келадиган зурриётларни майда заррачалар шаклида чиқариб, уларга ақл

¹ **Лавҳул-маҳфуз** – [араб. – муҳофаза қилинган лавҳ]. Аллоҳ инсониятнинг тақдирларини ёзган улкан китоб. Аллоҳ таоло ҳамма нарсадан олдин Лавҳ билан Қаламни яратиб, то қиёматгача яратадиган нарсаларини ва бўлажак ишларни, илоҳий китобларни, тақдир ва қазони унга битиб қўйган.

ато этди ва уларга хитоб қилиб, ўз тоатига буюрди, маъсиятдан қайтарди. Улар Аллоҳни Раббимиз деб иқроор бўлдилар. Бу уларнинг имонидир. Бас, туғилган ҳар бир инсон авлоди шу фитрат (табиат) билан дунёга келур. Шундан кейин кимки куфр йўлини тутса, демак, у мазкур имонни ўзгартирган бўлур. Кимки имон¹ келтириб, тасдиқ этган бўлса, демак, у имонида барқарор қолиб, унда давом этибди.

Аллоҳ таоло ҳеч кимни куфрга ҳам, имонга ҳам мажбур этмагай. Шунингдек, ҳеч кимни мўмин ёки кофир қилиб яратмагай. Балки инсонларнинг ҳар бирини мустақил шахс сифатида яратган. Имон билан куфр бандаларнинг ишидир. Аллоҳ таоло куфрга кетган кишини ўша пайтнинг ўзида кофир деб билади. Қачонки у шундан кейин яна имон келтирса, ўша пайтнинг ўзида уни мўмин деб билади ва дўст тутади. Лекин Унинг илми ҳам, сифати ҳам ўзгармаган бўлади.

Бандаларнинг ҳаракат ва ҳаракатсиз ҳолатидан тортиб барча феъллари ҳақиқатан уларнинг касб ва фаолиятлари ҳисобланади, лекин шуларни ҳам Аллоҳ яратади. Уларнинг ҳаммаси Аллоҳнинг хоҳиши, илми, қазоси ва қадари билан юзага келади. Тоат ва савобли ишлар Аллоҳнинг амри, муҳаббати, ризоси, илми, хоҳиши, қазоси ва тақдири билан амалга оширилади. Итоатсизлик ва гуноҳ ишлар эса, Аллоҳнинг илми, қазоси, тақдири ва хоҳиши билан амалга оширилса-да, Унинг муҳаббати, ризоси ва амри билан эмасдир.

Барча Пайғамбарлар кичик ва катта гуноҳлар, куфр ва қабих ишлардан покдир. Илло улардан айрим саҳв-хатоликлар содир бўлгани рост.

Муҳаммад (с.а.в.) Аллоҳнинг ҳабиби, бандаси, расули, набийси, сафий ва нақийсидирким, У зот зинҳор бут ва санамларга

¹ **Имон** – [араб. *ишонч*]. Шариатда эса жаноб пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) Аллоҳ таоло тарафидан келтирган барча хабарларига тил билан иқроор этиб, дил билан тасдиқлашга айтилади. Имоннинг турлари: 1. Таҳқиқий имон. Бу энг олий даражадаги имон саналиб, илоҳий маълумотларни эшитганда ёки ўқиганда уларга худди кўргандек ишонувчилар, яъни пайғамбарлар имонидир. 2. Истидлолий имон, яъни далилли имон. Аллоҳнинг борлигига кўп ёки лоақал биргина ақлий ёки зоҳирий далил келтира оладиган мўминлар имони. Бу уламолар имони ҳам дейилади. 3. Тақлидий имон. Бу ота-оналарга ёки бошқаларга тақлид этиб ўзини мусулмон сановчи, Аллоҳнинг борлигига далил айтолмайдиган мусулмонлар имонидир.

сиғинмаганлар, Аллоҳга асло ширк келтирмаганлар ва асло кичик ва катта гуноҳга қўл урмаганлар.

Пайғамбарлардан кейин одамларнинг энг афзали Абу Бакр Сиддик, сўнгра Умар ибн Хаттоб, сўнгра Усмон ибн Аффон, сўнгра Али ибн Аби Толиб (р.а.)дирлар. Улар ҳақ узра яшаб, ҳақ билан бирга ўтганлар. Уларнинг ҳаммасини дўст тутамиз. Расулulloҳ (с.а.в.) нинг саҳобаларидан ҳеч бирига ёмонликни нисбат бермаймиз, балки яхшилик билан ёд этурмиз.

Бирор мусулмонни қилган гуноҳи сабабли кофирга чиқармаймиз, гарчи гуноҳи кабира гуноҳ бўлса ҳам, уни ҳалол деб эътиқод қилмаган бўлса. Ундан имон исмини ҳам олиб ташламаймиз, уни ҳақиқий мўмин деб атайверамиз, уни фосиқ мўмин деб аташ мумкин, фақат кофир деб эмас.

Оёқ кийимига масҳ тортиш – суннат.

Рамазон оyi кечаларида ўқиладиган таровеҳ намози – суннат.

Ҳар қандай солиҳ ва фожир¹ мўминга иқтидо қилиб, намоз ўқиш жоиз.

Мўмин кишининг қилган гуноҳлари унга зарар қилмайди, демаймиз. Яна уни дўзахга киритмайди ҳам, демаймиз. Лекин у ерда уни абадий қолдиради ҳам демаймиз, ҳатто у фосиқ бўлган тақдирда ҳам. Аммо дунёдан имонли кетган бўлиши шарт.

Барча савобли ишларимиз қабул қилинур ёки гуноҳларимиз кечирилур ҳам демаймиз. Лекин айтамикки, ҳар ким қайси бир савобли ишни барча шартлари билан, уни бузиб қўядиган айблардан холи ҳолда адо этган бўлса ҳамда дунёдан шу ҳолатда ўтган бўлса, албатта, Аллоҳ таоло унинг яхши амалларини зое кетказмайди. Балки уни қабул этади ва унга яраша савоб ёзади.

Ширк ва куфрдан бошқа гуноҳларни қилган ва тавба қилмасдан олдин дунёдан мўмин ҳолда ўтган кишининг ҳукми Аллоҳнинг хоҳишига ҳавола – хоҳласа жазо беради, хоҳласа афв этиб, асло дўзах азобига дучор этмайди. Риёкорлик ва манманлик билан қилинган ҳар бир хайрли амалнинг савоби бекор қилинур.

Пайғамбарларга берилган мўъжизалар ва авлиёларга ато этилган кароматлар ҳақ ва ростдир. Аммо хабарларда ривоят

¹ **Фожир** – [араб. – *фоҳиш, уятсиз; бетавфиқ, гуноҳкор, бузук; ёлғончи*].

этилган Иблис, Фиръавн, Дажжол¹ каби Аллоҳнинг душманларига берилган ва бериладиган ғайритабиий имкониятлар мўъжиза ҳам эмас, каромат ҳам дейилмайди, балки уларнинг ҳожатларини раво этиш деб саналади. Зеро, Аллоҳ таоло ўз душманларига уқубат сабаби бўлсин деб уларни ўз майлларига қўйиб беради ва ҳожатларини ҳам (вақтинча) раво этиб туради. Улар бундан ғурурга кетиб, тажовузкорлик ва куфрда давом этадилар. Буларнинг ҳаммаси жоиз ва мумкин ишлардандир.

Аллоҳ таоло яратмасдан олдин ҳам яратувчи (холиқ) эди. Ризқ² бермасдан олдин ҳам розиқ эди.

Аллоҳ таоло охиратда кўринади. Мўминлар Уни жаннатда ўз кўзлари билан ташбиҳсиз, кайфиятсиз (бирор ҳолатсиз), кўрувчи билан Унинг ўртасида масофа бўлмаган ҳолда кўрурлар.

Имон - бу иқрор ва тасдиқдан иборатдир. Осмонлару Ер аҳлининг имонлари имон келтирувчи нарсалар жиҳатидан кўпаймайди ҳам, камаймайди ҳам. Аммо ишонч ва тасдиқ жиҳатидан озайиб-кўпайиб туради. Мўминлар имонда, тавҳидда ўзаро тенгдир, аммо амалда бир-бирларидан фарқ қилади.

Ислом – бу Аллоҳнинг амр-буйруқларига таслим ва итоат этишдир. Имон билан Ислом ўртасида луғавий жиҳатдан фарқ бўлса-да, лекин Ислом сиз имон, имонсиз Ислом бўлмас. Уларнинг иккиси астар билан авра ёки ич билан таш кабидир. Дин эса имон, ислом ва шариат аҳкомларининг йигиндисидир.

Аллоҳни барча сифатлари билан Китобида ўзи тавсиф этганидек ҳақиқий маърифат билан таниймиз. Лекин ҳеч ким Унга лойиқ ҳақиқий ибодат билан ибодат қила олмайди. Лекин Ўз Китобида буюрганидек, Расулининг суннатида кўрсатилганидек ибодат қилиши мумкин.

¹ *Дажжол* - [араб. – алдамчи, фирибгар]. Ислом динига кўра, қиёмат олдидан пайдо бўладиган ва мусулмонларни Худо кўрсатган тўғри йўлдан оздирадиган бир кўзли одамсимон махлуқ, шунингдек, у ал-Масиҳ ал-Каззоб ва ал-Масиҳ ал-Дажжолдеб ҳам аталади. Қиёматга яқин Дажжол ёвузлик тимсоли сифатида Имом Махдий билан жанг қилиб, охир-оқибатда мағлуб бўлиши ҳақида ривоятлар бор.

² *Ризқ* – [араб. – улуш]. Қуръонга кўра, Аллоҳнинг ҳар бир инсонга берган улуши, барча банданинг ризқини Аллоҳ белгилаб берган, ўлчаб қўйган бўлиб, уни фақат Аллоҳ таолонинг ўзигина беради.

Демак, барча мўминлар маърифат (Аллоҳни таниш), ишонч, таваккул¹, муҳаббат, ризо, хавф, умид ва имонда тенгдир. Бундан ташқари, амалларда эса, бир-бирларидан фарқ қилурлар.

Аллоҳ таоло ўз бандаларига нисбатан фазлу карамли ҳамда адолатлидир: баъзида бандасига қилган амалига яраша эмас, балки неча баробар ортиғи билан савоб ато этади. Гоҳида гуноҳига яраша жазо берур. Баъзан фазлига олиб, кечириб юборур.

Пайғамбарлар², жумладан, Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) нинг гуноҳкор, жазога мустаҳиқ бўлган кабира гуноҳли мўминлар ҳаққига қилажак шафоатлари ҳақ ва ростдир. Қиёмат куни амалларнинг ўлчаниши, тарозу ҳақ ва ростдир. Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг Ҳавзи Кавсарлари ҳақ ва ростдир. Хасмлар (даъвогарлар) ўртасида савоблари билан ҳисоб-китоб қилиниши, агар савоби бўлмаса, гуноҳларидан олиб берилиши ҳақ ва ростдир. Жаннат ва дўзах шу кунда ҳам мавжуддир. Улар абадийдир, фоний бўлмайдилар. Жаннатнинг ноз-неъматлари, ҳур-ғилмонлари ҳам абадий барҳаётдир. Аллоҳнинг жазоси ҳам, савоби ҳам абадий, туганмасдир.

Аллоҳ таоло хоҳлаган бандани Ўз фазли билан ҳидоятга йўллар. Хоҳлаган бандани Ўз адли билан залолатда қолдирур. Яъни Ўз розилиги сари бандага тавфиқ ато қилмас. Бу Унинг адолатидир. Шунингдек, мазкур бетавфиқ бандани жазолаши ҳам Унинг адли ҳисобланур.

Мўмин кишининг имонини шайтон мажбуран суғуриб олмайди, балки банданинг ўзи тарк этган пайтда шайтон уни олиб кўяди.

Қабрда Мункар ва Накир³ исмли фаришталарнинг кириб, марҳумдан савол сўрашлари ҳақ ва ростдир. Қабрда бандага

¹ **Таваккул** – [араб. – «таваккал» сўзидан – «бирон-бир зотга умид боғлаш», «ишониш»] ўзини Аллоҳ иродасига топшириш, фақат Унинг ризқ беришига умид боғлаш.

² **Пайғамбарлар** – пайғамбарларнинг адади Куръон, ҳадис ёки тарихий китобларда қатъий белгиланмаган. Баъзи манбаларда уларнинг сони 124 минг дейилса, бошқа жойда ундан ортиқроқ ёки камроқ адад кўрсатилади. Аллоҳ таоло ўтган пайғамбарларнинг аниқ ададини айтмаган. Куръони каримда 25та пайғамбарнинг номи очиқ ва равшан баён этилган. Улар: Одам, Идрис, Нух, Ҳуд, Солих, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб, Юсуф, Лут, Айюб, Зил-Кифл, Юнус, Мусо, Ҳорун, Шуайб, Илёс, ал-Ясаъ, Довуд, Сулаймон, Закарийё, Яхё, Исо ва Муҳаммад алайҳис-салоту вассаломлардир.

³ **Мункар ва Накир** – ислом дини таълимотига кўра, ўлганларни Раббинг ким, дининг нима, пайғамбаринг ким, деб қабрда дастлабки сўроқ қилувчи

руҳнинг қайтарилиши, кофирлар ва баъзи гуноҳкор мусулмонларни қабрнинг қисиши ва қабр азобини тортишлари ҳақ ва ростдир.

Уламоларнинг Аллоҳ сифатларини форс тилида (арабчадан бошқа тилларда) зикр этишлари жоиздир¹. Аммо «яд» сўзини Аллоҳга нисбат берилганда форс тилида «Дасти Худо», деб зикр этилмагай. «Аллоҳнинг юзи» деб айтиш жоиз, лекин ташбиҳсиз ва кайфиятсиз айтилиши шарт. Аллоҳнинг узоқлиги ва яқинлиги ўртадаги масофанинг узун-қисқалиги билан изоҳланмайди, балки яқинлик-банданинг мукаррамлиги, узоқлик унинг хорлигидир. Итоаткор банда Аллоҳга яқиндир, лекин кайфиятсиз яқиндир. Итоатсиз кимса Ундан узоқдир, лекин кайфиятсиз узоқдир. Яқинлик, узоқлик, юзма-юз бўлиш, жаннатда ёнма-ён бўлиш, Унинг ҳузурида туриш кабиларни кайфиятсиз деб билиш лозим. Яъни қандай ҳолатда бўлиши бизга маълум эмас.

Қуръони карим Расулulloҳ (с.а.в.)га нозил қилинган ва мусҳафларимизга ёзилгандир. Унинг барча оятлари фазилат ва улуғликда Аллоҳнинг каломи бўлгани учун баробардир. Аммо баъзи оятларнинг ўқилишининг ўзи фазилатли бўлса, бошқалари ундаги зикр этилган нарсалар сабабли фазилатга эгадир. Масалан, «Оятул-Курсий»да Аллоҳнинг улуғлиги, буюклиги ва сифатлари келтирилган. Демак, унда иккита фазилат – зикр ва мазкур фазилатлари жам бўлган. Кофирлар тўғрисида келган оятларда фақат зикр фазилати бўлиб, мазкур қайд этилганлар кофир бўлганлари учун иккинчи фазилат тушиб қолади. Шунингдек, Аллоҳнинг исм ва сифатлари фазилат ва улуғликда барчаси тенгдир, бир-биридан бу жиҳатдан фарқ этмас.

Расулulloҳ (с.а.в.)нинг ота-оналари фитрат (исломий табиат) да вафот этганлар. Амакиси Абу Толиб Ислумни қабул қилмаган фаришталар. Мункар ва Накир тақводор бўлган маййитларни то киёмат бўлгунга қадар тинч қўяди, гуноҳкорларни эса, аксинча, Аллоҳ қанча хоҳласа, шунча азоблайди. Мункар ва Накир номлари ҳадисларда эслатилади, Қуръонда эса бу фаришталар тилга олинмайди.

¹ Аллоҳ – арабча сўз бўлиб, ўзбекчага таржима қилсак, Тангри деган маънони билдиради. Форс-тожик тилида Худо дейилади. Аллоҳ лафзи деярли барча тилларда, Тангри сўзи эса фақат туркий тилларда қўлланилади. Худо сўзи форс-тожик, ўзбек, ҳинд, урду, дари ва туркий тилларда ишлатилади. Аллоҳ, Худо, Тангри сўзларига, одатда сифат қўшиб, Аллоҳ Таоло, Худойи Таоло, Тангри Таоло шаклида ишлатилади. Таоло – улуғ, олий деган маънони билдиради. Ўз мақомига қараб бошқа сифатлар ҳам қўшилади. Масалан: Аллоҳ субҳонаху ва таоло, Ҳақ таоло, Аллоҳ таборака ва таоло, Аллоҳ жалла жалолуху, Аллоҳи карим, Худойи бузруг, Парвардигори олам, Изид Таоло ва ҳоказо.

ҳолида оламдан ўтган. Қосим, Тоҳир, Иброҳим Расулulloҳ (с.а.в.) нинг ўғиллари, Фотима, Зайнаб, Руқайя ва Умму Кулсум кизларидир.

Ҳар кимга тавҳид ва ақида илмига доир бирор мушкул масала учраб қолса, то бирор олимни топиб, ундан сўраб, аниқлаб олгунига қадар: «Аллоҳнинг наздида тўғри бўлганига эътиқод қилдим», деб туриши лозим. Олимни излашни кечиктирмагай. Агар кечиктирса, узри қабул этилмас. Агар излашдан тўхтаса, у кофир бўлур.

Меърож¹ воқеаси ҳақ ва ростдир. Кимки, уни инкор этса, у залолат² ва бидъат³ аҳлидир. Дажжол ва Яъжуж-Маъжужнинг⁴ чиқишлари, қуёшнинг кун ботар томонидан чиқиши, Исо (а.с.) нинг осмондан тушишлари ва бошқа қиёмат аломатлари саҳиҳ хабарларда зикр этилганидек ҳақ ва ростдир. Аллоҳ таоло Ўзи хоҳлаган Бандасини тўғри йўлга ҳидоят этгай!



¹ **Исро ва Меърож** – Ислом тарихида Муҳаммад (с.а.в.)нинг Маккадан Қуддусга қилган тунги сайри (исро) ҳамда Қуддусдаги Аксо масжидидан осмонга кўтарилиши (меърож). Бу ҳақда Куръон оятлари ва ҳадиси шарифларда кенг маълумотлар берилган. Бу ҳодиса илоҳий мўъжизалар турига киргани учун моддийлик ва ақлий далиллар билан чегараланувчи кишилар уни инкор этадилар. **Исро** ва **Меърож** кечаси ислом оламида диний байрам сифатида ҳар йили ҳижрий ражаб ойининг 27-кечасида нишонланади.

² **Залолат** – бу сўз араб тилидан олинган бўлиб, ҳақиқатдан юз ўгириш, гумроҳлик, ҳақиқий эътиқоддан адашиш, айтиш маъноларини англатади. Ҳидоятнинг қарама-қаршиси.

³ **Бидъат** – [араб. – *янгилик киритмоқ, янгитдан яратмоқ*] номаъқул янгилик; дин ақидаларига хилоф янгилик. Куръон ва Суннатга хилоф равишда пайдо бўлган ҳар бир одат бидъатдир.

⁴ **Яъжуж ва Маъжуж** – яҳудийлик, христианлик ва ислом динларида икки ёввойи халқнинг номи. Ривоятларда Яъжуж ва Маъжужлар узун бўйли, кенг яғринли, баъзиларининг қулоғи бутун гавдасини қоплаб турадиган, қиёмат куни оламни босиб олиб, ҳаммаёқни хароб қилувчи даҳшатли ва беҳисоб халқ сифатида тасвирланган. Ақоид илми уламолари Яъжуж ва Маъжуж ҳақида ояти карима ва ҳадиси шарифларни мукамал ўрганиб, қуйидаги хулосани айтадилар: **Яъжуж** ва **Маъжуж** жуда ҳам кўп сонли бир қавм бўлиб, уларнинг чиқишлари қиёматнинг аломатларидан биридир. Улар ер юзини фасодга ва харобага тўлғазадилар. Уларнинг қачон чиқишини эса, Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч ким билмайди.

АҚОИДГА ДОИР ҚЎШИМЧА МАСАЛАЛАР

- Муҳаммад (с.а.в.) Аллоҳнинг танлаган қули ва охириги пайғамбаридир. Ул зотдан кейин қилинган ҳар қандай пайғамбарлик даъвоси ёлғондир. Ул ҳазрат барча жин ва Одам авлодларига юборилган ҳақиқий пайғамбардир.

- Аллоҳ таоло қиёматда қанча одам жаннатга, қанча одам дўзахга киришини азалдан билган. Ўша ададнинг миқдори асло камаймас ёки зиёда бўлмас.

- Бандалар дунёга келиб нима ишлар қилишини ҳам Аллоҳ таоло азалдан билган. Ҳар бир инсонни тақдирига мувофиқ амал қилиб борадиган қилиб қўйилган.

- Тақдирда бахтли деб ёзиб қўйилган одам ҳақиқий бахтлидир. Шунингдек, тақдирда бахтсиз ёки бадбахт деб ёзиб қўйилган инсон ҳақиқий бахтсиздир. Тақдир эса инсонлардан сир тугилади, у фақат Аллоҳгагина маълумдир. Бу сирни ҳатто Аллоҳга яқин бўлган фаришталар ҳам, пайғамбарлар ҳам билмайдилар. Тақдир тўғрисида чуқур ҳаёл суриш ёки баҳслашиш беҳуда ишдир, балки ҳаддан ошишдир. Бундан жуда эҳтиёт бўлиш зарур. Бу Аллоҳ таолонинг ўзига хос илм бўлиб, бандаларини тақдир тўғрисида фикр юритишдан қайтаради.

- Зоҳирий илмларни инкор этиш ёки ғайбий илмларни билишни даъво этиш куфр ҳисобланади. Зоҳирий мавжуд маълумотларни қабул этиш ва ғайбий илмлар даъвосини тарк этиш туфайли имон собит туради.

- Аллоҳнинг ҳузуридаги барча нарсалар тақдири ёзилган Лавҳ ва Қаламнинг ҳақлигига ҳам имон келтирамиз. Бутун одамзод бир бўлиб Лавҳи маҳфуздаги «бўлади» деб қўйилган ишни бўлдирмасликка уринсалар ҳам асло қўлларидан келмайди. Шунингдек, «бўлмайди» деб ёзиб қўйилган ишни ҳам бўлдира олмайдилар. Қиёматгача бўладиган ишларни қалам ёзиб битирган ва сиёҳи қуриб битган. Бир банда хато иш қилган бўлса, демак, тақдирида шундай қилиши кераклиги битилган, тўғри иш қилган

бўлса ҳам худди шундай. Аллоҳ таоло барча бўладиган ишларни олдиндан билган ва шу илмига биноан қатъий тақдирини белгилаб қўйгандир. Унинг тақдирини ўзгартирадиган бирор куч йўқ.

- Арш ва Курсий каби улкан мавжудотларнинг борлиги ҳақдир. Аллоҳ уларга ва бошқа нарсаларга ҳам муҳтож эмас, балки ҳамма катта-кичик махлуқот ва мавжудот унинг қўлидадир.

- Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломни дўстим деган, Мусо алайҳиссалом билан гаплашган. Буларга тасдиқ ила имон келтирамиз.

- Фаришталарга, пайғамбарларга ва уларга туширилган илоҳий китоб ва саҳифаларга¹ имон келтирамиз. Пайғамбарларнинг ҳаммаси ҳам тўғри ва ҳақ йўлда бўлганлар.

- Бизнинг қибламизга қараб намоз ўқигувчиларни мусулмон санайверамиз. Шарт шуки, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам келтирган барча хабарларни тасдиқласалар.

- Аллоҳнинг зоти тўғрисида чуқур фикр юритмаймиз. Унинг дини ҳақида ҳам баҳсу жадал қилмаймиз. Қуръони карим тўғрисида ҳам худди шундай. Қуръон Аллоҳнинг каломи, Жаброил алайҳиссалом уни Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламга таълим берган, деб имон келтирамиз. Қуръон сўзига тенг келадиган сўз йўқ. Уни яратилган демаймиз. Аллоҳнинг каломи махлуқ эмас, балки унинг лафзу ҳарфлари, қоғоз ва қироати махлуқ.

- Мўминларнинг гуноҳкорлари ҳаққига истиффор айтамыз. Уларга Аллоҳнинг азоби бўлишидан қўрқамиз. Аммо уларни Аллоҳнинг раҳматидан ноумид қилмаймиз. Аллоҳнинг азобидан хотиржам бўлиш ва раҳматидан ноумид бўлиш исломдан бегона қилиб қўяди. Ҳақиқат умид ва қўрқув ўртасидадир. Мўмин киши имондан чиқиши учун имонга киришига сабаб бўлган нарсаларни инкор этган бўлиши керак.

- Имон – бу Расули акрам саллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ томонидан келтирган барча хабарларга тил билан иқрор бўлиб, уларни дил билан тасдиқлашдир.

¹ **Илоҳий китоблар** – Аллоҳ Таоло ўтган пайғамбарларнинг баъзиларига саҳифалар, баъзиларига эса китоблар нозил қилган. Одам, Шис, Идрис, Иброҳим (а.с.лар)га нозил бўлган илоҳий ваҳийлар бир неча саҳифалардан иборат бўлса, Мусо (а.с.)га Таврот китоби, Довуд (а.с.)га Забур китоби, Исо (а.с.)га Инжил китоби ва Муҳаммад (с.а.в.)га Қуръон китоби нозил бўлди.

• Расулulloҳ (с.а.в.) орқали бизга етказилган барча шариат аҳкомлари ва изоҳларини ҳақ деб биламиз.

• Мўминман деб юрганларни қатъиян жаннатий ёки дўзахий деб айтмаймиз. То аниқ белгиси зоҳир бўлмагунча уларни кофир, мушрик ёки мунофиқ деб гувоҳлик бермаймиз. Уларнинг зоҳирига қараб мусулмончилик муомаласини қилаверамиз, ботинларини Аллоҳга ҳавола этамиз.

• Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам умматидан ҳеч кимга нисбатан қилич кўтаришни жоиз кўрмаймиз. Шариат вожиб қилган ҳад жазолари бундан мустасно.

• Подшоҳларимиз, раҳбар амалдорларимизга қарши, гарчи зулм қилсалар ҳам қарши чиқмаймиз, уларни дуои бад ҳам этмаймиз. Итоатдан бош тортмаймиз. Уларга итоат этишни Аллоҳга итоат этиш жумласидан ҳисоблаб, яъни фарз деб биламиз. Гуноҳ-маъсият ишларга буюрсаларгина итоат этмаймиз. Уларнинг ҳақиға дуои хайр қилиб турамиз.

• Суннат ва жамоатга эргашамиз. Ғайритабиий одатлар, хилоф ва тафриқадан қочамиз. Адолатли ва амонатли кишиларни дўст тутамиз. Зулм ва хиёнат аҳлини ёмон кўрамиз. Бизга аниқ бўлмаган шубҳали ишларни Аллоҳнинг илми ва ихтиёрига ҳавола қиламиз.

• Қиёмат куни қайта тирилишимизга, амалларимизга мувофиқ жазо ва мукофот олишимизга, номаи аъмолларимизни ўқишимизга, пулсирот кўприги ва амал тарозисига, ҳозир ҳам мавжуд ва ҳеч қачон йўқ бўлмайдиган жаннат ва дўзахга ишонамиз. Бу икки манзилни яратганидан кейин уларга муносиб ўз аҳлларини ҳам яратди. Ҳар бир инсон ўзи борадиган манзилига лойиқ амал қилиб боради, деб эътиқод қиламиз.

• Аллоҳ таоло ҳеч кимни тоқати ва қудрати етмайдиган амалга буюрмайди. Тоқат ва қудрат эса фақат шу амални бажаришда намоён бўлади. Аммо таклиф соғлом одамга амални бажармасдан олдин юборилиши мумкин.

• Бандаларнинг қилаётган амалларини аслида Аллоҳ яратади. Уларни тоқатлари етмайдиган амалга таклиф қилмайди. Уларнинг қудрати ҳам таклиф этилган нарсагагина етади. Бу қуйидаги «Ло ҳавла ва ло қуввата илло биллоҳ» калимасининг тафсиридир.

- Тирикларнинг марҳумлар ҳақиға қиладиган дуолари, садақа ва эҳсонлари фойдадан холи эмас.
- Аллоҳ таоло дуоларни қабул этувчи ва ҳожатларни раво кўрувчи Зотдир.
- У ҳамма нарсаға моликдир, Унга ҳеч ким молик эмас.
- Олам ва борлиқни бир лаҳза ҳам Аллоҳсиз тасаввур этиб бўлмайди. Кимки ўзини Усиз мустақил деб бир лаҳза тасаввур этса, диндан чиқиб, ҳалокат аҳлиға мансуб бўлур.
- Расулulloҳ (с.а.в.)нинг барча саҳобаларини дўст тутамиз. Дўст тутишда ҳаддан ошиб кетмаймиз.
- Расулulloҳ (с.а.в.) вафотларидан сўнг халифалик умматнинг афзали ва пешвоси Абу Бакр Сиддиққа, сўнгра Умари Форукқа, сўнгра Ҳазрат Усмон зуннураинга, сўнгра Ҳазрат Али Муртазо (р.а.) ларға насиб этди. Бу тўрт халифани «Хулафойи рошидин», яъни тўғри йўл тутган халифалар, дейилади.
- Саҳобалар ва тобеинлар аҳли хайр, аҳли фикҳ, аҳли ривоят, улуғ мартабали зотлардир. Уларни фақат яхшилиқ билан ёд этиш лозим. Кимки уларға ёмонлиқни нисбат берса, у ўта адашганлардан бўлур.
- Авлиёлардан ҳеч бирини пайғамбарларнинг ҳеч биридан ортиқ санамаймиз, балки бир пайғамбар барча авлиёлардан афзалдир. Авлиёларнинг кароматлари ҳақдир.
- Фолбинлар сўзини тасдиқ этмаймиз.
- Қуръон, ҳадис ва ижмои умматға хилоф сўзларни қабул қилмаймиз.
- Жамоатни ҳақ ва тўғри деб ҳисоблаймиз. Тафриқани залолат ва азоб деб биламиз.
- Аллоҳнинг дини Ерда ҳам, осмонда ҳам бир, яъни ислом динидир. Бу дин ўртаҳол, мукамал ва оммабоп диндир.
- Барча мавжуд нарсалар ҳақиқатан воқелик ва моҳиятға эға ва уларни билиб олиш ва идрок этиш мумкин. Суфастоя оқими бунга хилоф қилурлар ва айтурларки, мавжудотнинг барчаси гарчи бизға мавжуддек кўринса-да, аслида йўқ нарсалар бўлиб, улар хаёлий ва ваҳмий ҳиссиёт маҳсулидан ўзға нарса эмас.

• Мавжудот ва махлуқотларни билиш ва идрок этиш воситалари учта: соғлом сезги аъзолари, ишончли хабар ва ақл.

1) Инсондаги сезги аъзолари беш хилдир: эшитиш, кўриш, ҳид билиш, таъм сезиш ва бадан орқали сезиш аъзолари. Ҳар бири қайси вазифа учун тайин этилган бўлса, ўша билангина чегараланади (яъни кўз билан эшитиб бўлмаганидек, қулоқ билан ҳам кўриб бўлмайди).

2) Ишончли хабар икки хилдир:

Биринчиси – мутавотир саналган хабар. У шундай хабарки, кўпчилик оғзидан эшитилган бўлиб, улар ўзаро ёлғон гап тарқатишга келишиб олишлари мумкин бўлмаган кишилар бўлиши керак. Бундан ҳосил бўлган билимни «илми зарурий» («қатъий илм») деб аталади. Масалан, ўтган замонларда яшаган подшоҳлар, узоқ масофадаги мамлакатлар борлиги ҳақидаги хабарлар ва ҳоказо;

Иккинчиси – мўъжиза билан қувватлантирилган пайғамбар хабари. У истидлолий (далилли) илмни пайдо қилади. Унинг воситасида билинадиган илм ишонч ва собитликда мазкур «илми зарурий»га тенглашади.

3) Ақл ҳам билим воситасидир. Ақл воситасида дарҳол билинадиган илм «илми зарурий» деб аталади. Масалан, ҳар бир нарса ўз бўлақларидан катталиги дарҳол англашилгани каби. Ақлий далил билан билинадиган илмга эса «иктисобий» ёки «касбий илм» дейилади. Бирор нарсанинг моҳиятини англаб етишда илҳом билим воситаси бўла олмайди.

• Олам ўзининг барча ашёси билан биргаликда ҳодисдир. Яъни қачондир яратилгандир. Зеро, олам мураккаб ва мураккаб бўлмаган мустақил жисмлар ҳамда мустақил бўлмаган, балки бошқа жисмларга суяниб турувчи жисмлардан иборат. Мустақил ва мураккаб жисмлар учун мисол сифатида катта ва кичик мавжудотларни ҳамда мустақил бўлмаган сифатларга эса ранг, таъм ва ҳидларни келтириш мумкин. Яъни қизил олманинг ўзи мустақил, унинг ранги эса ғайри мустақил. Зеро, у олмадан айри ҳолда тура олмайди.

• Оламнинг яратувчиси Аллоҳдир. У яккаю ягона, қадим, тирик, қудратли, билимли, эшитувчи, кўрувчи, хоҳловчи, ирода этувчики,

ашёлардаги фоний сифатлар Унда йўқдир. У жисм ҳам, жавҳар ҳам эмас. Яна у тасвирланувчи ҳам, чегараланувчи ҳам, саналувчи ҳам эмас. У қисмларга бўлинувчи ва бўлаклардан таркиб топган ҳам эмас. У чексиз ва ниҳоясиздир. У қандай, қанақа ва нима деб сўралмайди. У муайян маконда қарор олиб турувчи эмас. Унга вақт ва замон дахлдор эмас. Бирор нарса Унга ўхшамас. Унинг билим ва қудрат доирасидан ҳеч нарса ташқарига чиқмас.

• Унинг мустақил, азалий сифатлари борки, улар Аллоҳнинг Ўзи ҳам эмас, Ўзидан ўзга ҳам эмас. Улар: илм, қудрат, ҳаёт, қувват, эшитиш, кўриш, ирода, хоҳиш, яратиш, ризқ бериш, гапириш каби Ўзига хос сифатлардир.

• Аллоҳни кўриш ақлан мумкин. Нақлий (Қуръон ва ҳадисда мавжуд) далилларга биноан ҳам қатъийдир. Мўминларнинг охиратда Аллоҳ таолони кўришлари хусусида қатъий хабарлар мавжуд. Кўриниш муайян макон ёки муқобил томонда бўлмайди. Шунингдек, кўз нурининг етиб бориши ёки Аллоҳ билан кўрувчи ўртасида қандайдир масофа бўлиши ҳам мумкин эмас. (Демак, кўриш ҳақ, лекин ҳолати тўғрисида баҳс юритиш мумкин эмас.)

• Бандаларнинг барча феъл-ҳаракатлари – хоҳ улар куфр, хоҳ имон бўладими, тоат ёки гуноҳ – маъсият каби ишлардан бўладими – уларни Аллоҳ таоло ўз иродаси, хоҳиши, ҳукми, қазоси ва тақдири билан яратади.

• Бандаларда ихтиёрий феъл ва ҳаракатлар бор. Шу сабабли савоб ёки гуноҳ орттирадилар.

• Инсоннинг тоқат ва қудраги унинг муайян ишни бажариши билан белгиланади. Мана шу ҳар қандай ишга сарф қилинадиган куч-қудратнинг ҳақиқатидир. Тоқат сўзи восита ва асбобларнинг соғломлигига қараб ўз тасдиғини топади. Аллоҳнинг таклифи (буйруқ ва тақиқлари) ҳам шу тоқат ва имконият чегарасидан ташқари қилинмайди.

• Бирор инсонни урилганда ҳосил бўладиган оғриқ ёки шишани синдирилганда ҳосил бўладиган синиқ ва шунга ўхшаш нарсаларнинг ҳаммасини Аллоҳ яратади. Бунда банданинг яратиш таъсири йўқдир.

• Қатл этилган мурда ҳам ўз ажали билан ўлган ҳисобланади. Ажал – бир.

• Ҳаром ҳам ризқ ҳисобланади. Ҳар бир инсон ўз ризқини – хоҳ у ҳалол бўлсин, хоҳ у ҳаром – тўлиқ истеъмол қилади. Бирор инсон ўз ризқини емади ёки унинг ризқини биров еб қўйди, деб тасаввур қилинмайди.

• Банданинг фойдасини кўзлаб иш қилиш Аллоҳнинг зиммасига вожиб эмас.

• Кичик гуноҳ учун жазо ва катта гуноҳ учун афв белигланиши мумкин. Бунда гуноҳни ҳалол деб эътироф қилмаган бўлиш шартдир.

• Ҳаром ва гуноҳ деб қайд этилган шаръий ҳукмларни ҳалол демоқ куфр ҳисобланади.

• Амаллар кўпайиб-озайиб туради. Имон эса кўпаймайди ҳам, камаймайди ҳам (балки, унинг нури зиёда ва кам бўлиб туради). Имон билан ислом сўзлари (луғавий жиҳатдан фарқли бўлса-да), бир хил маънода қўлланади. Бандада мазкур тасдиқ билан иқроп топилса, «Мен ҳақиқатан мўминман», дейиши дуруст бўлади. «Мен, иншоаллоҳ, мўминман», дейиши мумкин эмас.

• Пайғамбарларнинг юборилишида ҳикмат бор. Аллоҳ таоло башардан пайғамбарлар чиқариб, башарга юборган. Улар хушхабар берувчи, огоҳлантирувчи, одамларнинг дунёвий ва диний ишларида муҳтож бўладиган нарсаларни баён қилиб берувчидир. Аллоҳ таоло уларни турли мўъжизалар билан қувватлаган.

• Пайғамбарларнинг биринчиси Одам (а.с.), охиргиси Муҳаммад (с.а.в.)дир.

• Пайғамбарларнинг адади баъзи ҳадисларда ривоят қилинган. Лекин уларни муайян адад билан чегараламаслик афзал. Аллоҳ таоло айтган: **«Улардан баъзиларининг қиссаларини Сизга айтдик. Баъзиларининг қиссаларини эса, Сизга айтмадик»** (Ғофир, 78). Ададлари зикр этилган тақдирда пайғамбар бўлмаган кишининг уларга қўшилиб қолиши ёки пайғамбар бўлган кишини улар сафидан чиқариб қўйиш хавфи бор. Уларнинг барчаси Аллоҳнинг буйруқларини халққа етказувчи, содиқ ва насиҳатгўй зотлар бўлишган.

• Пайғамбарларнинг афзали – Муҳаммад (с.а.в.).

• Фаришталар Аллоҳнинг бандаларидир. Унинг барча буйруқларини тўлиқ бажарадилар. Улар эркаклик ёки аёллик жинси билан сифатланмайди.

- Аллоҳ таолонинг пайғамбарларига нозил қилган китоблари борки, уларда ўзининг буйруқ ва тақиқларини, ваъдаю танбеҳларини баён этган.

- Авлиёларнинг кароматлари ҳақдир. Узоқ масофани қисқа муддатда босиб ўтиш, зарур ҳолларда озиқ-овқат, кийим ва бошқа нарсаларнинг ҳозир бўлиши, сув юзида чўкмай юриш, ҳавода учиш, жонсиз нарсалар билан сўзлашиш, бало-офатларнинг даф бўлиши, душманларни доғда қолдириш каби ишлар валийлик мақомига етган кишида зоҳир бўлса, каромат, пайғамбарлардан содир бўлса, мўъжизадир. Ҳеч бир валий ўз диёнатида содиқ ва пайғамбарининг барҳақ элчи эканлигига иқрор бўлмагунича ҳақиқий валий бўла олмайди.

- Халифалик – ўттиз йилдир. Ундан кейинги давр эса подшоҳлик ва амирлик давридир.

- Мусулмонлар учун ҳукмларни жорий қилиш, ҳадларни барпо этиш, ҳожатларини раво қилиш, лашкарларини жиҳозлаш, садақотларини йиғиш, зўравонлик, ўғрилиқ ва қароқчиликни бостириш, жумъа ва ҳайит намозларини барпо этиш, фуқаролар ўртасида чиққан низо ва келишмовчиликларни бартараф этиш, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун берилган гувоҳликларини қабул этиш, қарамоғи йўқ сағир ва сағираларни (етимларни) турмуш қуришларини таъминлаш, ўлжалар тақсими ва бошқа ишларни а малга ошириш учун имом (подшоҳ) бўлиши лозим.

- Авлиёлар пайғамбарлар мақомига ета олмайди.

- Ҳеч бир банда Аллоҳнинг буйруқ ва тақиқлари зиммасидан соқит бўладиган ҳолатда эмас.

- Оят ва ҳадислар (нусус)дан, модомики бирор қатъий далил монелик қилмаса, зоҳирий мазмун олинаваради. Зоҳирий маънолари қолиб, «Ботин аҳли» иддао қилган ёт талқинларга ўтиб кетиш динсизликдир. Нусусни рад этиш эса куфрдир.

- Гуноҳни ҳалол деб билиш ва уни енгил ҳисоблаш ҳам куфрдир.

- Шариатни масхара қилиш куфрдир.

- Кимки Аллоҳ таолони Унга лойиқ бўлмаган сифатлар билан сифатласа ёки исмлари ва буйруқларидан бирортасини масхара қилса ёхуд Унинг ваъдаси ёки ваъдидини инкор этса, кофир бўлур.

• Аллоҳ таолонинг раҳматидан ноумид бўлиш куфрдир. Шунингдек, Унинг азобидан хотиржам бўлиш ҳам куфрдир.

• Йўқ нарса – нарса эмас.

• Мужтаҳидлар гоҳида хатога кетиб, гоҳида тўғри ижтиҳод қиладилар.

• Фаришталарнинг пайғамбарларидан инсонларнинг пайғамбарлари афзалдир. Оддий инсонлардан фаришталарнинг пайғамбарлари афзал. Оддий фаришталардан оддий инсонлар афзалдир.

• Барча мавжудот ва махлуқот илоҳи – Хожамиз Аллоҳ қадимдир ва комил сифатлар билан тавсиф этилувчидир.

• У ҳамиша тирик ва барча ишларнинг тадбиркоридир. Шунингдек, У ҳақ, тақдир этувчи ва улуғлик эгасидир.

• Бандаларнинг хайрли ва эзгу ишларини ҳам, хунук ва ёмон ишларининг ҳам рўёбга чиқишини ирода этувчидир, лекин ёмонликни норозилик ила ирода этар.

• Аллоҳнинг сифатлари зотининг айнан ўзи ҳам эмас, ўзидан ажралувчи ғайр ҳам эмас.

• Унинг зотий ва феълий сифатларининг барчаси қадим бўлиб, улар завол топиш ёки йўқ бўлиб қолиш каби нуқсонлардан холидир.

• Аллоҳни нарса деб ҳам атаймиз. Лекин бошқа нарсалардек деб билмаймиз. Шунингдек, Уни зот деб ҳам атаймиз. Лекин Уни олти томон (ўнг, чап, олд, орт, уст, ост)дан холи деб биламиз.

• Раббимиз жавҳар (модда, ядро) ҳам, жисм ҳам эмас. Бутун, баъз, зимнига олувчи каби сифатлардан ҳам холидир.

• Аршнинг парвардигори Арш устидадир, деймиз. Лекин унга ўрнашган ёки тегиб турувчи демаймиз. Балки улуғлаш маъносида Уни осмонда, тепамизда деб мажозан айтишимиз мумкин.

• Жазо берувчи (Аллоҳ)га ҳеч қачон вақт ҳам, йил ҳам, замон ҳам ўтмайди.

• Илоҳимнинг аёллар ва ўғил-қиз фарзандларга эҳтиёжи йўқдир.

• Шунингдек, улуғлик ва буюклик эгаси Аллоҳ ҳар қандай ёрдамчи ва кўмакчига ҳам мухтож эмас.

- Ўз ғолиблиги билан У барча халойиқни (қиёмат олдидан) ўлдириб, сўнгра тирилтиради ва ундан кейин қилмишларига мувофиқ жазолайди.
- Аҳли хайр, солиҳ бандаларга – жаннат боғлари ва нозу неъматлар, кофирларга эса азоб-уқубат етишдан ўзга чора йўқдир.
- Дўзах ҳам, жаннат боғлари ҳам фоний эмас. Уларнинг аҳли, яъни мўминлар ва кофирлар ҳам ўрин алмашувчи эмас.
- Жаннатда мўминлар Аллоҳни кўрадилар. Лекин бирор кайфият, идрок ёки ўхшашлик билан эмас, балки Аллоҳнинг ўзига лойиқ равишда кўрарлар.
- Аллоҳни кўрганларида мўминлар барча неъматларни унутгайлар. Аллоҳни кўриш мумкин эмас, дейдиган мўътазила аҳлининг ўша куни зиён қилишини кўринг!
- Фақатгина банданинг фойдасини кўзлаб иш қилиш ҳидоят ва олийлик эгаси бўлмиш муқаддас зот – Аллоҳнинг зиммасига фарз эмасдир.
- Шунингдек, пайғамбарларга олийқадр, пешво, ҳошимий, соҳибжамол пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) билан хотима бериш, яъни ул жанобни охирги пайғамбар деб билиш ҳам зарур фарзлардандир.
- Унинг шариати ҳамма вақт, то қиёмат ва рихлат кунигача боқийдир.
- Пайғамбарлар қасддан гуноҳ қилиш ва вазифадан четлашиш каби нуқсонлардан холидир.
- Аёл киши ҳаргиз пайғамбар бўлмаган. Шунингдек, қул ва фирибгар ҳам.
- Искандар Зулқарнайн пайғамбар сифатида танилган эмас. Шунингдек, Луқмон ҳам. Бу хусусда баҳслашишдан эҳтиёт бўл!
- Исо (а.с.) албатта дунёга қайта келади ва бадбахт, бузғунчи Дажжолни ҳалок этади.
- Валийга шу дунёда ато этилган кароматлар бор нарса. Авлиёлар Аллоҳ неъматига сазовор кишилардир.
- Авлиё ҳеч қачон пайғамбарлардан бирор нисбатда афзал бўлмаган. Балки у пайғамбар даражасига етиши мумкин эмас.
- Абу Бакр Сиддиқ шаксиз барча саҳобалардан афзал бўлган.
- Умари Форуқ Усмон Зуннурайдан афзал фазилатларга эга бўлган.

- Усмон Зуннурайн ҳақиқатан жанг майдонида жавлон қилувчи Ҳазрат Алидан афзал бўлган.
- Жасоратли Али улардан кейинги барча мусулмонлардан афзал бўлган.
- Оишаи Сиддиқа баъзи хислатлари билан Фотимаи Заҳродан афзал бўлган.
- Муовиянинг ўғли Язидни, унинг ўлимидан сўнг ўта ифвогар ва шаллақи одамдан бошқалар лаънатламаган.
- Муқаллид (ўз имонига далил келтира олмайдиган киши)нинг имони ҳам эътиборлидир. Бунга найзадек ўткир далиллар бор.
- Ақлли одамдан пастлигу баландликларни яратувчиси – Аллоҳни танимадим, деган узри қабул қилинмагай.
- Кишининг ўлими олди дан келтирган имони қабул қилинмагай. Зеро, у олдинроқ итоат этмади.
- Маълум муддатдан кейин диндан қайтишни ният қилган одам ҳақ дин (ислом)дан дарҳол чиқиб қолур.
- Ихтиёрий ҳолатда айтилган куфр лафзи, ўзини ғафлатга солгани ва бепарволиги учун диндан қайтиш (муртадлик) ҳисобланади.
- Маст ҳолатда ўйламай алжираб айтган беҳуда сўзлари туфайли куфрга ҳукм қилинмайди.
- Дунёмиз, балки Аллоҳдан ўзга бутун борлиқ қадим эмас, аксинча, кейин яратилгандир. Даҳрийлар даъво қилган «модда – асл, дунё унинг маҳсули», деган ақида нотўғридир.
- Ҳаром ҳам худди ҳалолдек ризқ саналади.
- Дуога шак йўқ. Яъни тириклар ва ўликлар ҳақиқа қилинган дуоларнинг таъсири кучлидир. Буни адашган тоифалар рад этурлар.
- Ҳар бир шахс Раббимнинг тавҳиди тўғрисида синов учун қабрда сўроққа тутилади. Яъни Раббинг ким, дининг нима, пайғамбаринг ким, деган саволлар берилур.
- Кофирлар ва баъзи гуноҳкор мўминларни ёмон феъллари туфайли азоблашга ҳукм қилинур.
- Қиёмат куни баъзиларга номаи аъмоли¹ ўнг тарафидан, баъзиларга орқа тарафидан, баъзиларга эса чап тарафидан берилур.

¹ Номаи аъмол – қилмишлари ёзиб қўйилган китоб.

ИСЛОМ ДИНИДАГИ ФИҚҲИЙ МАЗҲАБЛАР

Қуръони карим, ҳадиси шариф, ижмоъ, қиёс ва бошқа қўшимча манбалардан, табиийки, ҳар ким ҳам ҳукм чиқариб ололмайди. Фикҳ деб мазкур манбалардан тўғри ҳукм чиқаришга айтилади. Ҳатто бир оят устида саҳобалардек улуғ зотлар турли фикрда бўлганликлари тўғрисида ривоятлар бор. У пайтларда низоли масалаларни Пайғамбаримиз (а.с.)дан сўраб, аниқлаб олар эдилар. Лекин ул зоти бобаракотнинг вафотларидан сўнг секин-аста ихтилофли ва низоли масалалар кўпая борди. Шу билан бирга, Ўз динини қиёматгача давом эттиришни ирода қилган улуғ Парвардигори олам дин аҳкомларини шарҳлаб турадиган забардаст уламоларни дунёга келтириб туради. Ҳижратнинг иккинчи асридан бошлаб ислом шариатини мукаммал талқин қила оладиган йирик фуқаҳолар (фикҳ олимлари, ҳуқуқшунослар) етишиб чиқа бошлади. Уларнинг энг йириклари қуйидагилардир:

Имоми Аъзам Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит (80/699–150/767 й.);

Имом Молик Абу Абдуллоҳ Молик ибн Анас Асбаҳий (94/713–178/795 й.);

Имом Шофеъий Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Идрис (150/767–204/820 й.);

Имом Аҳмад Абу Абдуллоҳ Аҳмад ибн Ҳанбал Шайбоний (164/780–241/855 й.).

Мазкур мужтаҳид фуқаҳолардан бошқа кўплаб фикҳ олимлари яшаб ўтганлар, лекин уларнинг ижодий ишлари мукаммал равишда тўпланиб, китоб шаклига келтирилмагани боис мустақил мазҳаб соҳиби сифатида шуҳрат топмаганлар. Фақат мазкур тўрт мазҳаб соҳибларига таъкидланган мартаба насиб этган. Бу тўрт мужтаҳидларга Ислом оламининг етук уламо ва фузалолари таслим ила тақлид қилишни вожиб деб билганлар. Яъни мужтаҳидлик даражасига ета

олмаган уламолар ва авом халқ улардан бирларига эргашиб, улар мазҳабларига мувофиқ амал қилиб яшаш вожиб саналган. Чунки шундай қилинмаса, ҳар бир олим мустақил равишда ижтиҳод¹ қилаверса, тўртта эмас, тўрт юз мазҳаб пайдо бўлиши мумкин бўлиб, белгиланган қоидаларда парокандалик вужудга келиши мумкин эди.

Бугунги кунда дунёдаги тахминан 1,3 миллиард мусулмон аҳолисининг 92,5 фоизини суннийлар ташкил этиб, улар мазҳаблар бўйича қуйидаги нисбатда бўлинадилар: ҳанафийлар 47 фоизни, шофеъийлар 21 фоизни, моликийлар 17 фоизни, ҳанбалийлар 7,5 фоизни ташкил қилади.

Бутун ер юзи мусулмонларининг шунчалик кўп ва тарқоқ яшашларига қарамай, асосан тўрт мазҳаб билан кифояланганлари жуда мақбул ва маъқул ишдир. Бу тўрт мазҳаб ўртасида катта фарқлар кўзга ташланмайди. Жуда кўп масалаларда бир хиллик мавжудлигига сабаб ҳаммасининг ҳукм оладиган манбалари бир хил эканлигида бўлиб, улар ўртасида фақат жузъий ихтилофларгина мавжуд. Масалан, жанобатдан ғул қилишнинг фарз эканлиги хусусида мазкур мазҳаблар ўртасида ихтилоф йўқ. Аммо ғулда қанча фарз бор, деган масалада фикрлар ҳар хил тус олган. Имоми Аъзам мазҳабларида ғулда учта фарз – оғизни чайқаш, бурунга сув олиб ташлаш ва бутун баданни ювишдир. Имоми Шофеъий мазҳабларида эса фарз битта – бутун баданни ювиш. Оғиз-бурун бу зот наздида ички аъзолардан ҳисобланади. Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида эса оғиз билан бурун ташқи аъзолар, деб билинади. Шунинг учун уларни ҳам ювиш фарз.

Имоми Аъзам мазҳаби ўзининг мўътадиллиги, Исломнинг асл мазмун-моҳиятини иф одалаб бериши билан асрлар оша диёримиз мусулмонларининг ўзаро ҳамжиҳатлигида, турли ҳуқуқий муаммоларни осон ҳал қилинишида, айрим ҳолларда юзага

¹ **Ижтиҳод** – тўрт мазҳаб уламолари ижтиҳод тўғрисида шундай бир умумий фикрга келганларки, Исломнинг тўртта асосий манбалари – Қуръон, Сунна, ижмоъ, қиёс асосида фарз, вожиб, суннат, мустаҳаб, мубох, ҳаром, ҳалол каби шаръий аҳкомларнинг асосийлари ҳижратнинг II–III асрларида ижтиҳод билан белгиланиб бўлинган. Лекин ижтиҳод жараёни ҳеч қачон тўхтамайди. Чунки баъзи шариат аҳкомлари шариатга, заруратга, одамлар онгига, ҳатто иқлимга қараб ўзгариб туради. Лекин бу ўзгариш фақат кучли ҳуқуқшунос уламоларнинг ижтиҳоди ёки фатво си билан амалга оширилиши керак.

келадиган турли зиддиятларнинг бартараф этилишида муҳим асос бўлиб келмоқда.

Бизнинг Мовароуннаҳр мусулмонлари ислом дини кириб келган вақтдан бошлаб Имоми Аъзам (ҳанафий) мазҳаби кўрсатмаларига риоя қилиб келганлар. Ўтган уламоларимизнинг деярли ҳаммаси ҳам шу мазҳаб асосида асарлар битиб қолдирганлар. Халқимиз ҳам шу мазҳаб йўл-йўриқларига амал қилишга ўрганиб қолганлар. Уларга бошқа мазҳаб ҳукмларидан гапирилса ёки бошқа мазҳабдаги мусулмонларнинг бошқача намоз ўқиётганликларини кўрсалар, таажжубга тушишлари табиий.

Аммо ақидапараст оқим тарафдорлари диёримиз мусулмонларининг ҳанафий мазҳабига риоя этишларини инобатга олмай, ўзлари турли манбалардан ўқиган ёки эшитган бошқа мазҳабларга оид ёки динимиз таълимотларига зид фикрларни оммага тарқатиб, мўмин-мусулмонлар орасида иккиланишларни келтириб чиқаришмоқда. Ҳатто, бу борада бошқалар билан баҳс-мунозараларга ҳам киришадилар. Аллоҳ таоло бундай дейди: «(Эй инсон!) Ўзинг (аниқ) билмаган нарсаларга эргашма! Чунки кулоқ, кўз, дил-буларнинг барчаси тўғрисида (ҳар бир инсон) масъул бўлур (жавоб берур)» (Исро, 36).

Мустақиллик йилларида динимизга берилган имкониятларни, афсуски, суистеъмол қилган баъзи ёт тоифа ва фирқалар кишилар ўртасида турли ихтилофларнинг авж олишига сабаб бўлдилар. Бунинг биринчи бўлиб, ўзини «соф ислом таълимоти ҳимоячиси» сифатида таърифлаган оқим бошлаб берди.

Бу оқим ўзининг илк фаолиятини ҳанафий мазҳаби кўрсатмаларига қарши курашишдан бошлади. Улар ҳаёт моҳиятини хали англаб етмаган, ғўр ёшларни ўз таъсирига торта бошладилар. Чунки умри давомида маълум мазҳабда ибодат қилиб келган, кўп йиллик ҳаёт тажрибасига эга бўлган кексаларни йўлдан оздириш улар учун маҳол эди. Бу оқим динга эътиқод қилишда ҳеч қандай мазҳабга ёки имомга эргашиш шарт эмас, Қуръон ва ҳадисдан ҳар ким ўзи мустақил фатво олиб эътиқод ва ибодат қилиши лозим, деган даъвони илгари сурди.

Лекин улар ўзлари қилаётган даъволарига зид равишда, «рахнамоларининг фикри ва фатвосига қараб иш тутардилар. Биринчи ихтилоф намоз ибодатини адо қилиш борасида юзага келди.

Оқим тарафдорлари ҳанафий мазҳабида қатъиян ман қилинган: намозда «Фотиҳа» сурасидан сўнг «омин»ни баланд овоз билан айтиш, «рафъул-ядайн», яъни рукудан олдин ва кейин икки қўлини кўтариш каби амалларни намозхонлар орасида ёйишга уриндилар.

Натижада маҳаллий мусулмонлар орасида тамойиллар жиҳатдан ихтилоф юзага келди. Бу нарса соғлом эътиқодли мўмин-мусулмонларнинг қалбини ларзага солди. Улар ўз мазҳабларини ҳимоя қилишга киришдилар.

Аммо баъзи «аҳли илм»ларнинг масжидда ҳар ким хоҳлаганича намоз ўқиши мумкин, кексаларнинг ёшлар билан иши бўлмасин, асосийси, қанақа йўл билан бўлса ҳам намоз ўқияпти-ку, дея ихтилофларга лоқайд муносабатда бўлишлари оқим тарафдорлари тегирмонига сув қуйди. Улар янги-янги зиддиятларни авж олдиравердилар, намозда оёқни кериб туриш, суннат намозини ўқимаслик, фарз намозидан кейин бошқалар суннат намозини ўқиётган пайтларида ўтириб олиб тасбеҳ айтиш ва ҳоказо янгиликларни бирин-кетин киритавердилар. Яъни мусулмонлар «Аҳли Сунна вал-Жамоа» сифатида бирор-бир мазҳабга эргашишлари лозим. Аммо ихтилоф юқорида зикр қилинган «аҳли илм»лар ўйлаганидек, фақат намоз масаласида бўлиб қолмади, балки у мафкуравий зиддиятга айланиб кетди. Оқим тарафдорлари ҳанафий мазҳабига зид тарзда, ўзгаларни кофирга чиқариш, Аллоҳга ширк келтиришда асосиз айблаш каби бузуқ ақидаларни тарқата бошладилар.

Хўш, оқим аъзоларининг бундан мақсадлари нима эди? Нима учун кофирликда айблаш улар учун керак бўлиб қолди? Шу ўринда дунёдаги кўпоровчи оқимлар учун хос бўлган ва бир-бирига боғлиқ икки иллат тўғрисида тўхталиш ўринли:

1. Кофирликда айблаш.
2. Кофирларга қарши кураш – уруш эълон қилиш.

Бундай иллатлар «Ҳизбут-таҳрир», «Акромийлар», «Ихвонул-муслимин» каби деярли барча бузғунчи оқимларда учрайди.

Зеро, бузғунчилар ўз тарафдорларини ғоявий жиҳатдан бошқалардан ажратиб олиш мақсадида ўзига эргашмаганларни кофир деб айблайдилар. Ваҳоланки, Пайғамбаримиз (с.а.в.) ўзларининг муборак ҳадисларида одамларни «кофир» деб ҳақоратлашдан қайтарганлар.

Бинобарин, бир мазҳаб йўлини тутиб, ибодат амалларини адо этаётган мусулмонлар бошқа уч мазҳабга қандай муносабатда бўлишлари керак?

Ўтмишда буюк уламоларимиз, яъни ислом дини бўйича китоблар ёзиб қолдирган ишончли, муътабар олимларимиз айтиб, ёзиб қолдирганларидек, ҳар бир мусулмон шу тўрт мазҳаблардан бирини танлаб, унга амал қилиб яшаётган бўлса, у ўз мазҳабини тўғри деб билиши, лекин Аллоҳнинг наздида хато чиқиб қолиши ҳам мумкин деган эътиқодда бўлиши лозим. Бошқа мазҳаблар эса хато, лекин Аллоҳнинг наздида тўғри бўлиши ҳам мумкин, деган эътиқодда бўлиши лозим. Чунки танлаган мазҳаблари қанчалик тўғри ёки хато эканлиги фақат қиёмат куни маълум бўлади. Ҳадиси шарифда таъкидланганидек, ўша вақтда мужтаҳидлардан қайси бирларининг сўзи тўғри чиқса, икки ҳисса, нотўғри чиқса бир ҳисса ажр берилар экан. Демак, ҳар икки ҳолатда ҳам улар гуноҳкор бўлмас эканлар, чунки диллари пок, мақсадлари Исломга, мусулмонларга манфаат етказиш бўлгани учун Аллоҳ таоло уларнинг халқ тинчлиги ва хотиржамликда ибодат қилишлари йўлидаги илмий хизматлари эвазига албатта ажру ҳасанот ато этар экан.

Демак, ўз мазҳабини маҳкам тутган ҳар қандай мусулмон бошқа мазҳабларга нисбатан ҳам иззат-икром руҳида бўлиши лозим. Аммо ақидавий масалаларда фақат «Аҳли Сунна вал-Жамоа» эътиқоди тўғри, бошқа фирқа ва оқимлар эътиқоди ботил, деб билишлари зарур.

Ҳанафий мазҳаби. Ҳанафий мазҳабининг соҳиби Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит ибн Зутий, яъни Имоми Аъзам (раҳматуллоҳи алайҳ) Ироқнинг Куфа шаҳрида 80/699 йилда таваллуд топди. У киши аҳли сунна фикҳий мазҳаб бошлиқларидан энг аввал туғилгани ҳисобланади. Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг оталари Собит ибн Зутий Термиз, Кобул, Наса ва Анбор шаҳарларида яшаб, охири Куфада қарор топган ҳамда Абу Ҳанифа айнан шу шаҳарда дунёга келган. Ривоят қилишларича, Имоми Аъзамнинг отаси Собитни болалик чоғида бобоси ҳазрат Али (р.а.) хузурларига олиб келиб, унинг ҳақиға дуо қилишларини сўрайди. Ҳазрат Али (р.а.) Аллоҳ таоло бу боланинг ўзига ва зурриётига баракот берсин, деб дуо қиладилар. Ушбу дуо шарофатидан Собитнинг зурриётидан

Имоми Аъзам машҳурлик касб этди ва бу зотнинг мазҳаблари оламга ёйилиб, шогирд ва эргашувчилари сон-саноксиз бўлди.

Отаси Собит ибн Зутий Куфада ипак ва жун мато тижорати билан шуғулланган. Нуъмон ибн Собит кичик ёшида Қуръони каримни ёдлаган. Етти қоридан бири сифатида танилган Имоми Осимдан қироатни ўрганганлиги ривоят қилинади. Нуъмон ёшлигини тижорат билан ўтказганидан кейин Имом Шаъбий (туғ. 20/104 й.)нинг тавсия ва қўллаб-қувватлашлари туфайли таълим ва таҳсилни давом эттирган. Араб адабиёти, сарф ва наҳв, шеъриятни пухта ўрганган.

Имоми Аъзам вояга етган Куфа ва Ироқ турли эътиқодий ва фалсафий фирқаларнинг баҳс-тортишувлари қизгин тус олган минтақа сифатида танилган. Диндор оилада ўсиб улғайган Абу Ҳанифа ҳам бундай эътиқодий мунозара ва тортишувларда иштирок этиб турганлиги эҳтимолдан холи эмас.

Шаъбийнинг илмга тарғиб ва ташвиқини Абу Ҳанифа шундай ҳикоя қилади: «Кунларнинг бирида Шаъбийнинг ёнидан ўтиб кетаётсам, у мени олдига чақириб: «Қаёққа боряпсан?» – деди. Мен: «Бозорга», – дедим. У эса: «Буни айтаётганим йўқ, уламолардан кимнинг дарсига боряпсан?» – деди. Мен: «Ҳеч қайсининг», – деб жавоб берганимда Шаъбий: «Илм ва уламолар билан кўришиб туришни канда қилма. Сени ниҳоятда зукко илмга ташналигингни кўряпман», – деди. Бу сўзи менга далда берди. Тижоратни тўхтатиб, илм йўлини тутдим.

Абу Ҳанифа турли сиёсий ва ижтимоий ҳодисаларга тўла мураккаб икки давр – Умавийлар ва Аббосийлар даврларида яшаб, илмий фаолият олиб борди ва давлат ҳокимияти бир сулоладан иккинчи сулолага ўтишига гувоҳ бўлди. У сиёсий томондан алавийларни¹ ҳимоя қилган бўлса ҳам ҳеч қачон қўлига қурол кўтариб курашларда қатнашмади.

Абу Ҳанифа тобеинлардан саналиб, табаа тобеинларнинг улуғлари сафида зикр этилади. Ёшлик даврларида ўз даврининг барча фикрий оқимларини кузатиб, ихтилофларни холис ўрганганлиги зикр қилинади.

У Ҳаммод ибн Абу Сулаймон, Иброҳим Нахайй ва Шаъбийдек ўз даврининг буюк олимларидан фикҳ илмини ўрганди. Абдуллоҳ ибн

¹ Алавийлар – Али (р.а.) авлодлари ва уларнинг тарафдорлари.

Масъуд ва Али (р.а.)ларнинг фикҳини эгаллашга муяссар бўлган Қози Шурайх, Алқама ибн Қайс, Масруқ ибн Аждаълар фикҳидан ҳам фойдаланди. Абу Ҳанифанинг фикҳий қараши шаклланишида кўпроқ Иброҳим Нахайй фикҳий мактабининг таъсирини кўриш мумкин.

Дастлаб Абу Ҳанифа калом илмини ўрганишга берилди. Ушбу соҳада катта илм ва юксак малакага эга бўлишига қарамасдан уни эришган муваффақиятлари қониқгирмади. Ақоидга оид муаммоларни ақлий ва фалсафий далиллар билан исботлаш, яъни калом илми тавсия этган йўлдан эмас, балки фикҳ, яъни ҳуқуқшунослик йўлидан кетиш унга маъқул бўлди. Чунки Абу Ҳанифа ҳуқуқшуносликка алоқадор фанларни ўзлаштириш орқали одамларга кенг миқёсда хизмат қилиш ва уларнинг маънавий муаммоларини ечиб бериш имконини афзал билди.

Ибн ал-Баззознинг қайд этишича, Абу Ҳанифа кексалик чоғларида ўғли Ҳаммоднинг мутакаллимлар билан баҳс-мунозарада кўрганда: «Бизлар мунозара қилган пайтларда суҳбатдошимизнинг ҳақ ва тўғри йўлдан чиқиб қолишидан кўрқардик, лекин сизлар мунозара чоғида суҳбатдошингиз ҳақ йўлидан чиқишини истайсизлар. Ҳар ким ўз суҳбатдошини ҳақ йўлдан оғдирмоқчи бўлса, уни куфр томонга йўллайди, лекин унинг ўзи суҳбатдошидан олдинроқ куфр йўлига ўтган бўлади», – деган эди.

Бундан ташқари, Абу Ҳанифа «истиҳсон»¹ усулини қўллашда тортишувларга йўл қўймайдиган даражада илмни қўлга киритган. Унинг тижорат билан шуғулланиши халқнинг кундалик ҳаёти билан яқиндан таниш бўлишига имкон яратган, у тижорат сафарлари натижасида узоқ юртларда яшайдиган атоқли уламолар билан фикр алмашган ва бу ҳолат унинг илм соҳасида кенг эътибор қозонишига сабаб бўлган.

Абу Ҳанифа виқор ва салобат эгаси эди. Кўп фикрлаб, кам сўзлар эди. Тақво соҳиби, дунё аҳлига кам аралашар, фойдасиз ва бекорчи гап-сўзларни ёқтирмас, саволларга қисқа ва лўнда

¹ **Истиҳсон** – [араб. – бир нарсени яхши деб ҳисоблаш, яхшилаш, маъқуллаш]– фикҳга Абу Ҳанифа киритган тушунча. Шариат масалаларида қиёс орқали келиб чиққан хулосалардан мусулмонлар жамоаси учун қайсиниси фойдалироқ бўлса, ўшанисини қўллаш тамойили. Истиҳсон кишиларнинг ҳаётдаги эҳтиёжи ва урф-одатларига мослаштирилган.

жавоб берадиган зукко мужтахид эди. Фикҳни тартибли усул ҳолига келтириб, барча дунёвий масалаларнинг фойда ва зарарли ҳолатларини баён этиш натижасида ўз дунёқарашини соғлом ақида асосида шакллантирган эди.

Абу Ҳанифа ҳақида ула молар шундай дейдилар:

Абдуллоҳ ибн Муборак айтади: «Имоми Аъзамдек ақлли, улуғ кишини кўрмадим».

Ҳорун ар-Рашид шундай деган: «Кишилар кўз билан кўролмайдиган нарсаларни Абу Ҳанифа ақл кўзи билан кўради».

Али ибн Осим: «Имоми Аъзамнинг ақлини дунёнинг ярим аҳолиси ақли билан қиёсланса, Имоми Аъзам ақли устун келади».

Имом Абу Юсуф айтади: «Устозим Имоми Аъзамдек ақлли ва мурувватли инсонни кўрмадим».

Имоми Аъзамнинг ўғли Ҳаммод айтади: «Отам Имоми Аъзам кийимларига ўраниб масжид ичида ўтирардилар. Катта бир илон масжиднинг шифтидан кўкракларига тушди. Улуғ Имом жойларидан ҳатто қимирламадилар ва сесканмадилар. Сўнг илонни ушлаб, масжид ташига отдилар ва: «Ҳар нарса Аллоҳ таолодандир. У тақдир қилмаган ҳеч нарса бўлмайди. Шунинг учун, кўрқиб паришон бўлиш дуруст эмас, балки сабр ва ризо лозимдир», дедилар.

Бир куни бир одам Имоми Аъзамнинг ҳузурига кириб, бирнималар деди. Ҳазрат Имоми Аъзам унинг гапларини эшитиб бўлгач, бундай деган эканлар: «Бу каби бефойда сўзларни қўй. Одамларга ёқмайдиган кишининг сўзидан қочиш керак. Ким биз ҳақимизда ёмон гапирса, Аллоҳ уни кечирсин, ким биз ҳақимизда яхши сўзласа, Аллоҳ таоло уни раҳматига олсин. Аллоҳ таоло розилиги учун фикҳни ўрганишлар ва одамларнинг гап-сўзини кўйинглар».

Бир киши Имоми Аъзамдан сўради: «Алқама яхшироқми ёки Асвадми? (Яъни қай бири афзал?)» Имоми Аъзам бундай жавоб бердилар: «Мен икковларини дуо ва истиғфор ила ёд қилиб, таъзимларини бажо келтираман, бирларини бирларидан афзал дейишга ҳаққим ва ҳаддим йўқ».

Ибн Муборак бундай деган: «Имоми Аъзамнинг бирор душмандан шикоят қилганини ҳам, бировни ёмонлаганини ҳам эшитмаганман». Бакр ибн Маъруф айтади: «Ҳазрат Муҳаммаднинг (с.а.в.) уммати ичра Абу Ҳанифадан гўзал сифатлироқ ва яхши сийратлир оқ одамни кўрмадим».

Имоми Аъзам ҳазратлари шогирдлари ва бошқа одамларга жуда кўп икром ва эҳсон қиладиган, раҳмдил ва кичикфеъл эдилар. Бинобарин, уйлана олмайдиганларни уйлантирар, шунга муносиб нафақа ҳам берар эдилар. Яна керакли нарсалар юбориб, мурувват қилиб турардилар. Бир куни бир суҳбатдошларининг кийими кир бўлгани ва эскириб кетганига кўзлари тушди. Бошқалар чиқиб кетган вақтда ундан яна бир оз ўтиришини сўрадилар. Сўнгра унга: «Жойнамознинг тагида пул бор, олиб ўзингизга кийим харид қилинг», — дедилар. Ўша шогирдлари пулни олиб кетиб санаган эди, минг танга чиқди.

Имом Абу Юсуф айтибдилар: «Устозим ҳеч кимнинг сўровини қайтарган эмаслар, балки барчанинг ҳожатини раво қилардилар».

Ўғиллари Ҳаммод Фотиҳа сурасини хатм қилди. Улуғ имом домлага минг танга юбориб, яна узр айтдилар: «Узр, тақсир, арзирли нарса юборолмадик. Сиз «Озгина таълим бердим-ку», деб илмни хор тутманг. Бизда бу минг тангадан кўпроғи бўлганида, Қуръони мажиднинг таъзими учун юборар эдик».

Ҳар йилда бир марта Бағдодга мол юбориб, қилган тижоратларининг фойдасини йиғиб, уламолар ва дарс берувчи устодларнинг бир йиллик эҳтиёжлари учун керакли нарсалар олиб берар эдилар. Ундан ортган пулларни ҳам уламоларга бериб камоли камтарлик билан: «Эҳтиёжларингизга сарф қилиб, фақат Аллоҳ таолога ҳамд айтинглар. Ушбу нарсалар менинг молимдан эмас, балки Аллоҳ таолонинг фазли ва неъматидир. Мен фақатгина хизматчиман», дер эдилар.

Имоми Аъзам (раҳматуллоҳи алайҳ) Имом Вакиъга бундай деган эканлар: «Қирқ йилдан бери тўрт минг тангадан ошиқ пулни қўлимда тутмайман. Тўрт минг тангадан ошиғини чиқараман (тарқатаман). Шу тўрт минг танга ҳам олимлар нафақасининг сармояси учундир, йўқса бир танга ҳам сақламас эдим».

Ўзлари ва бола-чақалари учун кийим-кечакми, мевами ёки бошқа нарсами олмоқчи бўлсалар, олдин катта уламоларга олиб, сўнгра ўзларига олар эдилар. Имом Абу Юсуф айтади: «Бирор киши устозга берган нарсалари ва қилган эҳсонлари учун миннатдорлик билдирса, устоз хафа бўлиб, бундай дер эканлар: «Бу нарсалар Аллоҳ таолонинг сенга берган ризқидир, Унга шукр қил, менга эмас».

Имоми Аъзам устозлари имом Ҳаммоднинг саховат ва эҳсонларини кўп эслардилар. Ҳазрат Имоми Аъзам ўн йил имом Абу Юсуфнинг харажатлари ва нафақаларини бериб турган эканлар.

Имом Шақиқ айтади: «Абу Ҳанифа билан йўлдош бўлиб сафарга чиқдим. Бир одам Абу Ҳанифани кўриб, бошқа йўлга қочди. Абу Ҳанифа уни кўриб, қаттиқ чақирди ва ундан: «Нега қочяпсиз?» – деб сўради. У киши: «Сизнинг бир неча танга пулингиз менинг гарданимда турибди. Кўп замонлар ўтди, қашшоқ бўлиб қайтаролмадим. Шундан уяламан», – деб жавоб берди. Абу Ҳанифа: «Ундай бўлса, ҳаммасидан кечдим. Энди хотиржам бўлинг, мендан уялиб қочманг!»

Васлий Самарқандий айтади: йўлбошчимиз Имоми Аъзам ҳазратларининг ҳамма одамларга, хусусан, шогирдларига эҳсон ва саховатлари таҳсинга сазовор ва барчамизга ўрнақдир. Қани энди устозлик даъвосини қилгувчи ҳар бир мударрис Имоми Аъзамнинг бу гўзал одатларини ўзига дастуриламал билиб, шогирдларга марҳамат назари билан қараса, уларга саховат кўрсата олмаган тақдирда ҳам, ҳечқурса улардан бирон нима тама қилмаса, шунда балки шогирдлар ҳам илмли, ҳам ҳиммат ва мурувватли бўлармиди.

Абу Ҳанифа минглаб талабаларга сабоқ бериб, улардан қирққа яқини мужтаҳидлик мартабасига эришгани диққатга сазовордир. Абу Ҳанифа ўз фикрини энг тўғриси дейишдан қочар, ҳатто ўз фикри борлигини маълум қилар ва бундан яхшироқ ечимни топганга эргашишини айтар эди. Шунингдек, у талабаларига ўзидан эшитаётган ҳар бир фикрни ёзиб олмасликни, чунки эртага фикри ўзгариб қолиши мумкинлигини тайинларди. Демак, ҳеч қачон у мазҳабий таассублик йўлини тутмаган эди.

Абу Ҳанифа 150/767 йили Куфа шаҳрида вафот этди ва Бағдод шаҳрининг «Аскар Маҳдий» номли мавзеидаги Хайзурон номли қабристоннинг шарқий томонида дафн этилди. А.Деххудонинг ёзишича, унинг жаноза намози Ҳасан ибн Аммора имомлигида ўқилган.

Унинг илмий меросида бир неча васиятнома, «Муснад» ҳадис тўпламлари, «Фикҳи акбар» номли ақоидга доир бир қанча асарлар мавжуд. Булардан ташқари «ал-Фикҳул-абсат, «Китобул-олим вал-мутааллим», «Китобур-рисола», «ал-Қасидатун-Нўъмония», «Маърифатул-мазоҳиб» номли асарлари ҳам бизгача етиб келган. Турли манба ва тадқиқотларда нусхалари топилмаган бошқа асарлари ҳақида ҳам маълумотлар учрайди.

Ҳанафий мазҳаби II ҳижрий асрдан ер юзининг турли мамлакатларига тарқалиб, дастлаб Аббосийлар давлати ундан сўнг бошқа ўлкалар томонидан қабул қилинди. Хусусан, Ироқ, Эрон, Мовароуннаҳр, Хуросон ва Туркия ҳудудларида турли даврларда ҳукм юритган Аббосийлар, Сомонийлар, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар, Мисрда Айюбийлар, Мамлуклар, Мовароуннаҳрда Темурийлар, Бобурийлар, Шайбонийлар давлатлари ва Усмонийлар империяси томонидан расмий мазҳаб сифатида қабул қилиниб, барча ҳудудларида маъмурий идора ишлари ушбу мазҳаб асосида олиб бориларди.

Салжуқийларнинг бош вазири Хожа Низомулмулк (408/1018–485/1092) қўллаб-қувватлаши натижасида Мовароуннаҳр ҳудудида Шофеъий мазҳаби бир оз тарқалиб, ҳанафийлик билан рақобатга киришган бўлса ҳам Абу Заҳранинг фикрича, бундай рақобат фақат фикҳий мунозаралар доирасида чекланган бўлиб, бу эса фикҳ илмининг ривожига сабаб бўлган холос, аммо ундан ҳеч қандай мазҳабий адоват ва хусумат юзага келмаган.

Ҳозирги даврда ҳанафийликнинг жўғрофий ҳудуди Марказий Осиё давлатлари, Хитой, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Эрон, Ироқ, Саудия Арабистони, Яман, Миср, Жазоир, Тунис, Марокаш, Туркия, Индонезия ва бошқа мусулмон ўлкаларини ўз ичига қамраб олади. Абу Ҳанифа мазҳаби айтиб ўтилган мамлакатларнинг айримларида етакчи ўринни тутса, айримларида иккинчи ёки учинчи ўринда туради.

Ханафий мазҳаби Шимолий Африка мамлакатлари (Тунис, Жазоир, Марокаш)да ҳам тарқалган. Бу ўлкаларда ханафийлар сони унчалик кўп бўлмаса ҳам, аммо ушбу мазҳабга мансуб олимларга катта ҳурмат-эътибор билан қаралади. Тунис пойтахтида суд ишлари ханафий ва моликий мазҳаблари асосида юритилиб, ханафий суд тизими ва моликий суд тизими биргаликда олиб борилади. Мисрлик таниқли олим ал-Ливо Ҳасан Содиқнинг таъкидлашича, бу ерда ханафий мазҳабининг буюк муфтийлари маънавий раҳбарлик мақомида туриб, «шайхул-ислом» номи билан аталадилар.

Шунингдек, «Зайтуна» университети ўқитувчиларининг ярмини ханафийлар ва ярмини эса моликийлар ташкил этади. Ханафий мазҳаби тарафдорлари Ҳиндистонда 48 млн.га етиб борган бўлса, Жанубий Америка ва Бразилияда 25 млн. ханафий мусулмонлари мавжуд.

Моликий мазҳаби. Мазкур мазҳабга 94/713 йил Мадинада туғилиб, 178/795 йилда ўша ерда вафот этган Имом Молик ибн Анас қадимий Мадина ҳуқуқий мактабига таяниб асос солган. Унинг машҳур «Ал-Муватто» китоби моликий мазҳабининг асосий дастури ҳисобланади. Ушбу китобга кўплаб шарҳлар ёзилган. Шунингдек, Имом Моликнинг «Ар-Радду алал-қадария», «ал-Маъунатул-Кубро» каби асарлари ҳам мавжуд.

Имом Молик Мадинанинг машҳур олимларидан фикҳни ўрганиб, аҳли ҳадис қўллайдиган услубни қабул қилди ва ўз шогирдларини ҳам мазкур услуб руҳида тарбиялади.

Имом Молик асосан оят, ҳадис ва ижмоъга асосланиб ҳукм чиқарарди. Мадина аҳли олимларидан кўпчилигининг келишуви (Мадина шаҳри олимлари ижмоъси) унинг назарида ҳукм чиқариш учун бир ҳадис қувватига тенг ҳисобланган. Чунки у шаҳар аҳлини Пайғамбаримиз (с.а.в.) ва саҳобаларининг йўл-йўриқларини мукамал билиб олгани ва шунга асосан амал қилиб келганлари кўпроқ эътиборда тутарди.

«Исломда ҳуқуқ» китобида таъкидланишича, Имом Молик Мадина мактабига таъриф берганда ўзига хос амалиёт ва мантиқдан фойдаланиш орқали мўтабар ривоятларни бир-бирига қўшиб қўллаш услубига эга эканлигини юксак баҳолади. Унинг

илмий-ҳуқуқий қарашлари кўпинча тўғри ва уйғунлашганлиги билан эътиборли эди.

Ўрта асрларда моликий мазҳабининг фаолият маркази шимоли-ғарбий Африкага кўчиши натижасида ўша ерда кўпроқ ривожланди. Моликий мазҳаби ҳанафий мазҳаби каби урф-одатни тан олганлиги билан ажралиб туради. Моликий фақиҳларидан бири Алвонширезийнинг (ваф.1508 й.) айтишича, имкони борича урф-одатларни илоҳий қонунлар билан уйғунлаштириш фойдадан холи эмас. Моликийлар «масолиҳи мурсала» деб аталмиш манфаат принципини қўшимча манба сифатида усул-фикҳга киритганлар.

Доктор Муҳаммад Юсуф Мусо «Ислом фикҳи тарихи» китобида шундай келтиради: «Франция қонунчилиги ўзининг илк босқичларида Ислом фикҳидан, айниқса, Молик ибн Анас мазҳабидан кўп нарсаларни ўзлаштирган эди. Ушбу мазҳаб Мағриб мамлакатлари ва Андалус (Испания)да кенг тарқалган эди».

Ҳозирги кунда моликий мазҳаби Жанубий Миср, Фаластин, Судан, Эритрея, Сомали, Ливия, Тунис, Марокаш, Марказий ва Ғарбий Африка, Гамбия, Нигерия ва Арабистон яриморалининг шарқий қирғоқлари (Қувайт, Баҳрайн, Уммон)да тарқалган бўлиб, Марокаш ва Жазоир суд маҳкамаларида кўпроқ моликий мазҳаби асосида иш олиб борилса, Тунис суд маҳкамаларида моликий ва ҳанафий мазҳаблари тенг ҳуқуқли ҳисобланади.

Шофеъий мазҳаби. Мазкур мазҳабнинг асосчиси Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Идрис ибн Аббос ибн Усмон 150/767 йил Ғазода туғилиб, 204/820 йилда Мисрда ҳаётдан кўз юмган. У Макка олимларидан фикҳ илмини ўрганганидан кейин Мадинага бориб, Мол ик ибн Анаснинг дарс ҳалқасига қўшилди. Имом Молик вафотидан кейин Яманга ва ундан сўнг Бағдодга сафар қилди.

Имом Шофеъий Ироқда истиқомат қилган чоғларида Абу Ҳанифанинг шогирди Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийдан фикҳ илми бўйича сабоқ олди.

Шундай қилиб, аҳли ҳадис илми билан раъй ва қиёс¹ тарафдорлари илми Имом Шофеъийда бирлашди. Ундан кейин

¹ Қиёс – [араб.- таққослаш] Қуръон, сунна, ижмоъдан кейинги шариат манбаси. Қиёс аввалги манбаларда ҳукми келмаган бирор ҳуқуқий масала бўйича

Имом Шофеъий мазҳабга оид билимларини қайтадан ишлаб чиқиб, уларга айрим ўзгартиришлар киритди ва олдингидан фарқли услубни яра тишга муваффақ бўлди.

Имом Шофеъийнинг фикҳ бўйича машҳур асари «Китоб ал-Умм» (Она китоб, яъни асосий китоб) ва усулул-фикҳ бўйича «ар-Рисола» асари Шофеъий асос солган мазҳабнинг асосий манбаи ҳисобланади. Муҳаммад Муин унинг асарларидан яна олтитасини қайд этиш баробарида биринчи бўлиб усулул-фикҳ қоидаларини тартибга келтирганини алоҳида эътироф этади.

Имом Шофеъий ўзини илк Мадина ҳуқуқий мактабининг аъзоси ҳисобласа-да, унинг қарашларида шаръий истидлол ўз ривожининг юксак даражасига етиб борди. «Исломда ҳуқуқ» китобида берилган маълумотларга кўра, унинг даврида ҳуқуқий истидлол ниҳоят даражада ривож топди. Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан ривоят қилинган ҳадисларга чуқур ишончи унга бошқа бирор ҳадисни очиқ шаклда рад қилиш имконини бермайди. У фақат ривоятга қарши ривоят топилгандагина бундай имкониятга эга бўлади.

Мазкур манбада таъкидланишича, Имом Шофеъий ҳеч қандай истисносиз Пайғамбаримиз (с.а.в.) сунналарининг изидан бориш мақсадида асосий масалалар бўйича олимлар ижмоъини рад қилди. Акс ҳолда у Сунна бўйича қадимги мактаблар асос солган анъаналарни қабул қилиши лозим бўларди. Имом Шофеъий ижмоъ бўйича кўпроқ ўз қарашидagi ижмоъи умматга эътибор қаратди. Лекин кейинроқ Шофеъий мактабининг салоҳиятли вакиллари олимлар ижмоъсини қабул қилишга мажбур бўлдилар.

Имом Шофеъий – Молик ибн Анас, Аҳмад ибн Ҳанбал, Авзойи ва Суфён Саврий каби аҳли ҳадис ҳисобланади. Унинг: «Агар менинг мазҳабимда бирон-бир ҳадисга қарши бирон ҳукм топсангиз, ўша ҳадисни менинг мазҳабим деб билгайсиз», деган сўзи эътиборга лойиқдир.

Мажид Хаддурий фикрича, айрим камчиликлар бўлишига қарамасдан, шариат бўйича Имом Шофеъийнинг қарашлари бир-бирига боғланган етук мантиқий тизимдан иборат бўлиб, илк ҳуқуқий мактаблар таълимотидан устун туради.

улардаги шунга ўхшаш масалада берилган кўрсатмага асосан таққослаш йўли билан ҳукм чиқаришдир.

Ҳижрий III–IV асрларда Шофеъий мазҳаби Марказий Осиёда ҳанафий мазҳаби билан рақобатга киришган бўлиб, унинг йирик вакили сифатида тошкентлик буюк олим Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қаффол Шоший (291/904–364/975) номи тилга олинади.

Хайруддин Зириклийнинг ёзишича, Қаффол Шоший фикҳ, ҳадис, луғат ва адабиёт илми бўйича ўз асрининг машҳур олимларидан биридир. Турли мавзуда ёзган асарлари мавжуддир. Қаффол Шоший Тошкентда вафот этиб, қабри Ҳастимом (Ҳазрат Имом) мажмуасида жойлашган.

Ҳанбалий мазҳаби. Имом Абу Абдуллоҳ Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳанбалнинг онаси Ўрта Осиёнинг Марв шаҳридан бўлиб, отаси Сарахсдан экани манбаларда қайд этилган. У 164/780 йил Бағдод шаҳрида туғилган ва 241/855 йилда шу ерда вафот этган ва уни «Боби ҳарб» номли қабристонга дафн этишган.

Ибн Ҳанбал яшаган Бағдод шаҳри илму фан ривож топиш баробарида турли-туман эътиқодий қарашлар маркази ҳисобланиб, унинг илмий жиҳатдан камол топиши учун замин яратди.

У 183/799 йилгача Бағдодда таҳсил олгандан кейин илмини ошириш мақсадида Куфа, Басра, Макка, Мадина, Яман, Шом ва Жазоирга сафар қилади. Яна Бағдодга қайтиб, Имом Шофеъийнинг дарс ҳалқасида ўтириб, 195/811 йилгача фикҳ, усулул-фикҳдан таълим олган. Имом Аҳмад умрининг аксар қисмини ҳадис тўплашга бағишлади. Машҳур муҳаддислар, жумладан, Хушайм, Суфён ибн Уяйна, Иброҳим ибн Саъд, Жарир ибн Абдулҳамид, Яҳё ал-Қаттон, Вакиъ, Абдурахмон ибн ал-Ҳудо ва бошқа устозлардан сабоқ олди.

Имом Аҳмад илк марта фикҳ илмини ҳам ривоят, ҳам дирият¹ асосида ўрганиш учун Абу Ҳанифанинг шогирди ва суҳбатдоши, Аббосийлар буюк давлатининг қозил-қузоти Имом Абу Юсуфдан таълим олди. Лекин ундан кўпроқ фикҳни эмас, балки ҳадисни ўрганишга қизиқарди. Унинг ўзи «мен ҳадис ёзиб олган биринчи киши Абу Юсуф эди», деган.

У хулафои рошидин фикҳи, саҳобалар ва тобеин фикҳи, шунингдек, Имом Шофеъийнинг фикҳий услубини ўзлаштирди.

¹ Дирият – [араб. – ақл].

Аҳмад ибн Ҳанбал ўз даврида «имомул-муҳаддисин» (муҳаддислар имоми) сифатида тан олиниб, унинг «ал-Муснад» китобини тасниф қилиш орқали ниҳоятда катта ишга қўл урганлиги ўз даврида юксак баҳоланди.

Аҳмад ибн Ҳанбал мўътазила ақидасига қарши бўлиб, Қуръонни яратилган деб эмас, балки қадим деб эътиқод қилди. Шу сабабли у халифа томонидан таъқиб остига олиниб, икки йилу тўрт ой ҳибсда сақланди, таҳқирга учради ва 220/835 йили саройда қамчи билан саваланди.

Аҳмад ибн Ҳанбал ҳадисшунослик бўйича катта шуҳрат қозонди. Бир гуруҳ машҳур муҳаддислар, жумладан, Имом Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий, Муслим ибн Ҳажжож ундан илм олиб, ҳадис ривоят қилганлар.

Аҳмад ибн Ҳанбал ўзига хос фикхий қарашлари билан бошқа мазҳаб тарафдорларидан ажралиб турарди. Унинг эътиқодий қарашига биноан имон қалб билан тасдиқлаш, тил билан иқроп бўлиш ва бадан аъзолари билан амал қилишдир. Амал имоннинг жузъи бўлгани учун у кўпайиб-озаяди.

Гуноҳи кабираларга қўл урган киши ҳақидаги мўътазила қарашларига қарши туриб, бундай гуноҳни қилган киши мўмин эмас, деган фикрни рад қилади.

Аҳмад ибн Ҳанбал ўзига хос услубга таянган ҳолда ҳанбалий мазҳабига асос солди ва уни ривожлантиришда Маккада Ибн Аббос туфайли юзага келган илк ҳуқуқий мактабдан фойдаланди. У ўз мазҳабида Қуръон, Сунна, саҳобаларнинг сўзлари ва ижмоъсига асосий эътиборни қаратиб, қатъий зарурат сезмаган ҳолатлардан ташқари қиёсдан фойдаланмайди. Барча ҳадисларни, ҳатто хабари воҳид ва саҳобалар қавлини қиёсдан устун қўяди.

Ҳанбалий мазҳаби тарқалган минтақаларда раъй ва қиёсга катта эътибор қаратилмагани сабабли, одамларнинг манфаатини назарда тутган ҳолда барча ҳуқуқий муаммоларга ечим топа олмади ва бошқа мазҳаблар каби оммалашмади.

Имом Аҳмад ўзидан олдинги мазҳаблар ҳақида шундай фикр билдиради: *«Кимки динда тақлид йўқ деса, у Аллоҳ ва Расулуллоҳ (с.а.в.) наздида фосиқ бўлибди. Аҳли Суннадаги мазҳаб эгалари биз фойдаланаётган илмни бизга етказишган. Бу улардан ҳадисларни*

олиб, Суннани ўргандик. Улар ишончли, эргашишга арзийдиган одамларнинг имомларидир. Улар сизлардан олдин бўлишган, шундай экан, уларнинг йўлидан юриб, ўрганишлар ва ўргатиншлар».

XVIII аср ўрталарида Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб (1115/1703–1201/1787) мазкур мазҳабнинг қаттиққўллик тамойилларидан фойдаланиб, ваҳҳобийлик экстремистик оқимига асос солди.

Мазкур тўрт мазҳабдан ташқари мужтаҳид уламолардан бир қанчаси мустақил мазҳаб таъсис этиш ҳаракатида бўлганлар, лекин уларнинг асарлари тўлиқ таҳрирдан чиқмаганлиги ва барча ижтиҳодий фатволари мукамал тўпланмаганлиги боис мустақил мазҳаб муассислари сифатида эътироф этилмай қолганлар. Лекин уларнинг айрим фикҳий масалалар бўйича билдирган фикр-мулоҳаза ва фатволари айрим ислом манбаларида келтирилган. Шундай мужтаҳидлардан Ҳасан Басрий, Мужоҳид, Ато ибн Абу Рабоҳ, Иброҳим Нахайй, Имом Бухорий, Омир аш-Шаъбий, Авзойй, Абу Сулаймон аз-Зоҳирий, Абу Жаъфар ат-Табарий ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин.



ИСЛОМ УММАТИНИНГ ОҚИМЛАРГА БЎЛИНИБ КЕТИШИ

Жаноби Расулуллоҳ (с.а.в.) саҳобаи киромлар билан ўтирган ҳолларида ерга узун тўғри чизиқ тортиб, бу Аллоҳнинг йўлидир, деб айтдилар. Кейин унинг ўнг тарафига 36 та ва чап тарафига яна 36та чизиқлар тортиб, «Булар шундай йўлларки, ҳар бирининг бошида биттадан шу йўлга чақирадиган шайтон бордир», дедилар-да, сўнг қуйидаги ояти каримани ўқидилар: «**Албатта, мана шу (Менинг) Тўғри йўлимдир. Унга эргашингиз! (Бошқа турли) йўлларга эргашмангиз! Акс ҳолда, улар сизларни Унинг йўлидан айириб қўяди. Тақволи бўлишингиз учун (Аллоҳнинг) қилган ҳукм(лар)и мана шу(лар)дир**» (Анъом, 153).

Айни маънони Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг: «*Яҳудийлар 71 фирқага, насронийлар 72 фирқага бўлиниб кетган эдилар. Менинг умматим 73 фирқага бўлингай. Улардан биттасигина нажот топиб омон қолур, қолганлари эса дўзах аҳлидир*», – деб айтган машҳур ҳадиси шарифларидан ҳам тушунилади. (Бухорий, Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоятлари).

Саҳобалар: «*Жаннатга борадиган битта фирқа қайси?*», – деб сўрадилар. Расулуллоҳ (с.а.в.): «*Мен билан саҳобаларим тутган йўлдагиси*», – деб жавоб бердилар.

Яна бир саҳиҳ ҳадисда Расулуллоҳ (с.а.в.): «*Мажусийлар етмиш фирқага, яҳудийлар етмиш бир фирқага, насронийлар етмиш икки фирқага бўлиниб кетганларидек, мусулмон умматларим ҳам етмиш уч фирқага бўлинадилар. Булардан биттаси абадий нажотга эришадилар, қолганлари эса ҳалок бўладилар*», – дедилар.

Саҳобалар: «*Эй Аллоҳнинг расули, нажот топгувчилар кимлар?*», – деб сўрадилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) уларга: «*Бугунги кунда мен билан саҳобаларим турган йўлдагилар*», – деб жавоб бердилар (Имом Термизий).

Мазкур ҳадисларда баён этилган ва Пайғамбаримиз (с.а.в.) «*дўзахга боради*», «*ҳалок бўладилар*», деб огоҳлантирган фирқалар «Аҳли Сунна вал-Жамоа»нинг ақида усулларида ажраган ва уларга хилоф йўл тутганлардир. Чунки Пайғамбаримиз (с.а.в.) ва саҳоба (р.а.)лар умматни нажотга элтувчи ягона ақида йўлини кўрсатиб кетганлар. «Аҳли Сунна вал-Жамоа» ана шу ақида – Пайғамбаримиз (с.а.в.) ва у зотнинг саҳобалари ақидасидан четга чиқмаганлари учун уларни Пайғамбаримизнинг ўзлари «*фирқаи ножиya*» деб атадилар. Шубҳасиз, Пайғамбаримиз (с.а.в.) ва у зотнинг саҳобалари ақидаларидан четга чиққан ёки юз ўгирган фирқалар, гарчи улар ҳам ўз йўли ва ақидасини тўғри, ўзини фирқаи ножиya деб ҳисобласа-да, адашган фирқалардир. Зеро, фирқаи ножиyanинг ақида мезонини Пайғамбаримиз (с.а.в.): «*Мен билан саҳобаларим турган йўлдагилар*», – деб белгилаб бердилар. Яна бир ҳадиси шарифларида Пайғамбаримиз (с.а.в.): «*Ўзларингизга саводи аъзам (катта жамоат)ни лозим тутинглар*», – деб айтганлар. Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) ривоят қилган ҳадиси шарифда Расулulloҳ (с.а.в.): «*Албатта, Аллоҳ таоло менинг умматимни гумроҳликка жамламайди. Аллоҳнинг қудрат қўли жамоанинг устидадур. Кимки жамоатдан ажраса, дўзах ўтига тушади*», – деб марҳамат қилганлар.

Аҳли Сунна вал-Жамоани бошқа гумроҳ фирқалардан ажратадиган бир қанча аломатлар бўлиб, бу аломатларни яхши билмоғимиз даркор. Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) айтадилар: «*Аҳли Сунна вал-Жамоа*»нинг аломатлари *Шайхайнни*¹ яхши кўриш, *икки кувёвни*² ҳурмат қилиш, *икки қиблани*³ улуғлаш, *икки маййитга*⁴ намоз ўқиш, *икки имом*⁵ орқасида намоз ўқиш, *икки подшоҳга*⁶ қарши чиқмаслик, *икки оёқ кийимига масҳ тортмоқни жоиз деб билиш, икки тақдирга*⁷ рози бўлиш, *икки гувоҳликдан*⁸ ўзини тийиш». Ушбу масалалар «Аҳли Сунна вал-Жамоа»ни бошқа гумроҳ фирқалардан

¹ **Шайхайн** – Ҳазрат Абу Бакр ва Умар (р.а.)лар назарда тутилган.

² **Икки кувёв** – Ҳазрат Усмон ва Али (р.а.)лар.

³ **Икки қибла** – Каъба ва Байтул Мақдис.

⁴ **Икки маййит** – фосиқ ва солиҳ инсон.

⁵ **Икки имом** – фосиқ имом ва солиҳ имом.

⁶ **Икки подшоҳ** – одил подшоҳ ва золим подшоҳ.

⁷ **Икки тақдир** – яхши ва ёмон тақдир.

⁸ **Икки гувоҳлик** – бировга жаннатий ёки дўзахий деб гувоҳлик бериш.

ажратадиган катта аломатлардир. Бундан бошқа аломатлар ҳам мавжуд: *қабр азобини ҳақ деб билиш, жаннатда Аллоҳ таолонинг жамолини кўришга ишониш, пайғамбарлар ва солиҳ кишиларнинг шафотларидан умидвор бўлиш* ва бошқалар.

«Аҳли Сунна вал-Жамоа»нинг ақидавий ва амалий дастури Қуръони карим ва Пайғамбаримиз (а.с.) суннатларидир. Бу икки дастурга мос келмаган ҳар қандай ақида ботил бўлиб, унинг соҳиби ҳам адашган ҳисобланади.

Расулulloҳ (с.а.в.)нинг бу сўзлари вафотларидан кейин ўз тасдиғини топди. Қадария, муржиа ва хавориж фирқаларини ўз ҳадиси шарифларида номма-ном келтириб, улардан огоҳ бўлишни васият ҳам қилганлар.

Хулафои рошидинлар замонидан то Имом Мотуридий замонигача, асосан қуйидаги фирқа ёки оқимлар пайдо бўлиб, уммати муҳаммадия ўртасига тафриқа ва фитна солишга ҳаракат қилган эдилар: қадария, муржиа, хавориж, шиа, мўътазила, равофиз (рофизийлар), сабаия, зирория, жаҳмия, ботиния, қаромита, хуррамия, карромия (мужассима¹), жорудия, сулаймония (жаририя), бутрия, баҳния, муғирия, жаноҳия, мансурия, хаттобия, ҳулулия, азориқа, нажадот, суфрия, ажорида, хозимия, шаҳбия, маълумия, мажҳулия, маъбадия, рашидия, мукаррамия, ҳамзия, иброҳимия, воқифа, ҳафсия, ҳорисия, язидия, маймуния;

Мўътазила фирқаларидан – восилия, амрия, ҳузалия, наззомия, мурдория, маъмария, самомия, жоҳизия, хобития, ҳимория, хатотия, шаҳламия, асҳоби Солиҳ қубба, марисия, каъбия, жуббоия, баҳшамия;

Муржиа фирқаларидан – Абу Шимр, Муҳаммад ибн Шабиб ва Холидий фирқалари, юнусия, ғассония, савбония, сумания, марисия, нажжориялардан – бурғусия, заъфарония, мустадрика, карромийлардан – ҳақоикия, тароикия, исҳоқия.

Де мак, зикр этилганлардан 20 та фирқа рофизийлар, 20 та фирқа хаворижлар, 20 та фирқа қадарий ва муржиалар, 12 та

¹ **Тажсим** – Аллоҳни жисм кўринишида тасаввур этиш; кўпинча ташбиҳнинг синоними сифатида ишлатилади. Тажсим издошларини мужассима фирқаси деб аташади.

фирқа қолган нажжория, бакрия, зирория, жаҳмия, карромия каби оқимларга тақсимлаб чиқилса, умумий сони ҳадиси шарифда айтилган 72 та адашган фирқаларнинг ададига тўғри келади.

73-фирқа эса, Аҳли Сунна вал-Жамоа дея аталувчи мазкур ҳадиси шарифда қайд этилган ножия (нажот топувчи) фирқадирки, Абу Ҳанифа (Имоми Аъзам), Имом Молик, Имом Шофеъий, Имом Аҳмад, Авзойи, Саврий каби буюк мужтаҳид алломалар, уларнинг издош ва маслакдошлари унга мансубдир. Кенгроқ қилиб айтадиган бўлсак, бу саодатманд жамоага Жаноб Расули акрам (с.а.в.)дан тортиб, саҳобаи киромлар, тобеинлар, табаа тобеинлар, фикҳий мазҳабларнинг асосчилари, мужтаҳидлар, муҳаддислар, араб тили наҳви ва адабиёти намояндалари, қироат ва тажвид ровийлари, тасаввуф шайхлари, аҳли тариқатлар, шухадою солиҳу зоҳид бандалар ҳамда турли бузғунчи оқимларга эргашиб кетмаган мусулмонлар кирадилар.

Хулласи калом, Ислом ниқоби остида пайдо бўлган оқимлар тарихига эътибор берадиган бўлсак, уларнинг илдизлари узок ўтмишга бориб тақалишини кўриш қийин эмас.



ХОРИЖИЙЛАР ТОИФАСИ

Хорижийлар¹: Исломдаги илк оқим тарафдорлари. Халифа Али (р.а.) билан умавийлар ўртасидаги кураш давомида VII асрнинг иккинчи ярми бошларида вужудга келган. Улар ўз сафларига қўшилмаганларни «диндан қайтган» деб айблаб, уларга қарши мурасасиз кураш олиб борган диний-сиёсий оқим.

Муовия халифа Али ибн Абу Толиб ҳокимиятини тан олишдан бош тортиб, Дамашқда ўзини халифа деб эълон қилган. Шунингдек, бундай ҳодиса бўлишига асосан 36/656 йили учинчи халифа Усмон (р.а.) ўлдирилиши муносабати билан Али (р.а.) ва Муовия² тарафдорлари ўртасидаги кескин қарама-қаршиликлар сабаб бўлган. Мархум халифанинг яқин қариндоши бўлган Муовия халифалик тахтини эгаллаган Али (р.а.)дан айбдор жиноятчиларни топиб уларни жазолашни талаб қилган.

Муовия билан Али (р.а.) тарафдорлари ўртасида 38/658 йилда уруш бошланган. Уч ой давом этган уруш натижасида Али (р.а.) ва унинг тарафдорлари Муовия тарафдорлари (умавийлар) билан музокара олиб боришга мажбур бўлган. Бу ҳол Али (р.а.) ни ҳақиқий ворислик ҳуқуқига эга деб ҳисоблаган тарафдорлари ичида норозиликни келтириб чиқарган. Қўшиннинг бир қисми (12 минг киши) Али (р.а.)ни келишувчиликда айблаб, ундан ажралиб кетган ва кейинчалик Али (р.а.)га ҳам, умавийларга ҳам баб-баравар қарши кураш бошлаган. Ана шу гуруҳ тарафдорлари хорижийлар деб ном олган.

Хорижийлар ўзларини «диндан қайтган» деб эълон қилган сиёсий ва ғоявий рақибларга нисбатан мурасасиз бўлган. Уларнинг таълимотига кўра, халифа диний жамоа томонидан сайланади ва жамоага бўйсунди; ҳар қандай тақводор мусулмон (ҳатто қул ёки қора танли бўлса ҳам) халифа бўлиб сайланиши мумкин;

¹ **Хорижийлар** – (араб. – ажралиб чиққанлар, исёнчилар).

² **Муовия** - маккалик йирик савдогар ва қурайшийлар зодағони, Шом амири, Абу Суфённинг ўғли.

агар халифа жамоа манфаатларини ҳимоя қилмаса, вазифасидан бўшатилади ва ҳатто қатл этилади.

Хорижийларнинг фикрича, эътиқод амалий фаолият билан мустаҳкамланиши лозим. Гуноҳкор кишиларни жазолаш масалаларида хорижийлар муржиъийларга қарама-қарши турган.

Шунингдек, хорижийлар диндор кишининг ислом арконларига содиқлигини амалга оширган ишларига қараб баҳолаш керак деб ҳисоблаб, уларнинг талқинидаги ислом қоидаларига риоя қилмаган ҳар қандай ҳукмдорга бўйсунмаслик, уни ағдариб ташлаш зарурлиги ҳақидаги ғояни илгари суришган. Бундай қарашлар ўз навбатида ҳокимият учун курашнинг зўравонликка асосланган усуллари келиб чиқиши ва минглаб кишиларнинг ҳалок бўлишига олиб келган.

Умавий ва аббосий халифалар VII–IX асрларда хорижийларга қарши кескин кураш олиб борди. Бунинг натижасида хорижийлар қириб ташланди, улардан омон қолганлари Шимолий Африкада ўз давлатини ташкил этди. Хорижийлар халифаликдаги кўпгина кўзғолонларда қатнашган. Улар ўз қарашлари ва фаолиятига кўшилмаганларни кофирга чиқариш, уларга қарши «жиход» олиб бориш ҳақидаги ғояларни ишлаб чиқиб, террор услубини қўллаш орқали ҳукмдорларни жисмонан йўқ қилиш амалиётини бошлаб берганлар.

Каъбул-Аҳбордан ривоят қилинади: *«Шаҳид учун иккита нур, хорижийларни ўлдирган кишиларга ўн та нур бор. Жаҳаннамнинг эшиги етти та бўлиб, уларнинг биттасидан фақат ҳарурийлар киради. Улар бир вақтлар Довуд (а.с.)га ҳам қарши уруш олиб борган»*. Бани Саводдан ривоят қилинади: *«Али ибн Абу Толиб (р.а.)нинг шундай деганини эшитдим: «Аллоҳ таоло мени ёмон кўрган қавмни ёмонлик билан дўзахга киргизади»*.

Манбаларда келтирилишича, бидъатчилар жамоаси олти тоифа бўлиб, улар ҳам ўз навбатида, бир қанча фирқаларга бўлинади. Уларнинг барчаси бидъатчи, адашган ва Аҳли Сунна вал-Жамоадан ажралиб чиққан. Қиёмат кунида борар жойлари дўзахдир. Фақат Аллоҳ таолони ягона деб эътиқод қилиб имон билан дунёдан ўтганларгина бундан мустаснодир.

Бидъатчилар қуйидаги олтита тоифага бўлинадилар: ҳарурия, рофизия, қадария, жабария, жаҳмия, муржиа. Мана шу тоифалар Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтганлари каби етмиш икки фирқа. Етмиш учинчи тоифа эса нажот топишни умид қилган, жамоат¹ йўлини маҳкам тутган, (турли адашган) фирқалардан, бидъат ишлардан ўзини тийган, шунингдек, Пайғамбаримиз (с.а.в.) ва фирқаларга бўлинмаган саҳобаларга эргашган кишилардир. Улар қиёмат кунига қадар фирқаларга бўлинмайдилар, йўлбошчилари олимлардир, раҳнамолари эса Аллоҳ таолонинг Китобидир.

Ҳарурия: Ҳарурия фирқаси тарафдорлари Али ибн Абу Толиб (р.а.)га: «Сен ўз тинчлигингни ўйлаб, душманинг фойдасига ҳукм чиқардинг, шунинг учун сенинг динингга шубҳамиз бор», деб унга итоат қилишдан бош тортиб, Ҳарура² қишлоғига бориб макон тутганлари учун уларни «Ҳарурийлар» деб номланади. Шунингдек, бу фирқа аъзолари: «Биз ўзимизни Аллоҳ таоло йўлига сотганмиз», деганлари учун уларни «Шуротлар» ва Ҳазрат Али (р.а.)га шаккокларча қарши чиққанликлари сабаб «Шаккокийлар» деб ҳам аталганлар.

Ҳарурия фирқаси Али ибн Абу Толиб (р.а.)га қарши чиқиб, Ҳарура деган жойда йиғилдилар. Натижада Аллоҳ таолонинг изни билан Али ибн Абу Толиб уларни йўқ қилди. Оз қисмигина омон қолди. Ҳаруриянинг асл даъвосида Али ибн Абу Толиб (р.а.)ни кофир, деб эълон қилади ҳамда ундан воз кечиб, бошқа мусулмонларни ҳам бунга ундаган ҳолда Али (р.а.)ни кофирга чиқаришга даъват қилади. Уларнинг асл мақсади барча инсонларнинг Али (р.а.)ни ҳаддан ортиқ ёмон кўриб қолишидир. Уларнинг наздида имон сўз ва амалдан иборат бўлиб, Али ибн Абу Толиб (р.а.) унга амал қилмаган. Имон эса (бирор амални) сидқидилдан бажаришни талаб қилади. Шунинг учун ҳам улар наздида Али кофирдир.

Аҳли Сунна вал-Жамоа наздида имон сўз билан иқрор бўлиб, дил билан тасдиқлаш, амал эса унинг самарасидир. Али (р.а.) Аллоҳни тан олишда қосирликка йўл қўйгани йўқ, шунинг учун мусулмонлар бу масалада ихтилоф қилмайдилар. Лекин ҳарурийлар Али (р.а.)га амал масаласида ихтилоф қиладилар. Шундай экан, Али ибн Абу

¹ Бу сўздан мурод Аҳли Сунна вал-Жамоадир.

² Ҳарур – Ироқнинг Куфа шаҳри яқинидаги жой номи.

Толиб (р.а.) пок мўмин ҳисобланиб, кофирга чиқарилмайди. Чунки Али (р.а.) ислом динига қарши бирор иш қилгани йўқ, ҳолбуки, у ўз Раббини тан олган, бу эса имондир. Пайғамбаримиз (с.а.в.) сўзларига кўра, имон Аллоҳни ва ҳақ дини – Исломни тан олиш, амал эса унинг буйруқларини бажаришдир.

Анас ибн Моликдан ривоят қилинади: «Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Умматларимдан икки тоифа борки, улар учун шафоатдан бирор насиба йўқ. Улар қадарий ва ҳарурийлардир», дедилар». Ибн Аббосдан Шаъбий ривоят қилиб дейди: «Билмайдиганларингни кейинга қолдир, аммо муржиа бўлма. Аҳли байтни¹ яхши кўр, аммо шиа бўлма. «Аллоҳ таоло адолатга, эзгу ишларга ва қариндошларга яхшилик қилишга буюради», дегин, аммо қадарий бўлма. Эзгу ишларга буюриб, ёвуз ишлардан қайтар, аммо ҳарурий бўлма».

Азракия: Мутаассиблик² ғоялари ва амалиёти ривожда Нофий ибн Азрак (ваф. 66/685 й.) томонидан асос солинган, энг мурасасиз ва шафқатсиз жамоа номини олган – азракийлар оқими алоҳида ўрин эгаллайди. Азракийлар гуноҳи кабира (катта гуноҳ) қилган барча мусулмонларни кофир, уларнинг таълимотига қўшилмаган кишиларга қарши жиҳод эълон қилиш, ҳаттоки, қария, аёл ва болаларнинг қонини тўкишни ҳалол, деб билганлар.

Ҳасан ибн Ашраф шундай деб айтганини эшитдим: «Азракийлар наздида, бирон кишини мўмин деб айта олмаймиз. Чунки Пайғамбаримиз (с.а.в.) вафот этдилар. У зот бизнинг сўзда, амалда ва виждонда далилимиз бўлган эдилар. Икки имом (Абу Бакр ва Умар (р.а.)лар)дан кейин уммат бир-бири билан ихтилоф қилди. Азракийлар бу икки халифани ҳақ ҳисоблаганларни таъқиб қилдилар. Кимки бу даъвони хато деб билган бўлса, уни ўлдирдилар».

¹ **Аҳли байт** – Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг оилалари.

² **Мутаассиблик** – ўз эътиқоди тўғрилигига ўта қаттиқ ишониш, бошқа диний эътиқодларга мурасасиз муносабатда бўлиш. Мутаассибликка йўлиққан одамлар ёки уларнинг гуруҳлари жамиятда барқарорликни бузишга уринади. Инсоният тарихида мутаассибликдан ғаразли мақсадларда кўп фойдаланилган. Мутаассибликнинг пайдо бўлишига диний зиддиятлар, шунингдек, ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий муаммоларнинг ҳал қилинмагани ҳам сабаб бўлиши мумкин. Ислом дини мутаассибликка хайрихоҳлик билдирмайди. Аксинча, теран ўйлашга, бошқаларга нисбатан мурасали бўлишга чақиради.

Азрақийлар имон амалсиз фақат сўздан иборатлигини таъкидладилар. Шунинг учун Қибла¹ аҳлини кофирга чиқариб, ўзларигагина эргашиган инсонларни мўмин санадилар. Саид ибн Жаҳондан ривоят қилинади: Абдуллоҳ ибн Абу Авфий айтади: «Аллоҳ таоло азрақийларни лаънатлади ва Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Албатта улар дўзах итларидир», – дедилар».

Азрақийлар Аллоҳнинг амрига қарши ҳукм чиқарди. Улар: «Пайғамбаримиз (с.а.в.) бизнинг сўзда, амалда ва ички кечин-маларимизда далилимиз бўлдилар», – дейдилар. Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг фармонлари мўминларнинг ички дунёси эмас, балки кофирлар учун далил бўлиши керак. У зот инсонларга имонни фақат сўз билан зоҳиран қабул қилишни буюрганлар. Аллоҳ таоло бу ҳақда Қуръони каримда шундай марҳамат қилади: «**Айтинг** (эй, Муҳаммад!): «**Эй, китоб аҳли** (яхудийлар ва насронийлар), **биз билан сизнинг ўртамизда** (аҳамияти) **баробар бўлган бир сўзга келингиз ...**» (Оли Имрон, 64); «...Сизларга салом берган (ёки таслим бўлган) **кишига бу дунё матоҳини** (ўлжани) **кўзлаб: «Мўмин эмассан», – демангиз! ...**» (Нисо, 94).

Ўзидан бошқаларни кофирликда айблаш ислом дини таълимотига зид экани Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадислари ва уламоларнинг асарларида қуйидагича берилган. Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади: «Агар бир киши ўз биродарига: «**Эй кофир**» деса, иккисидан бири ўшандай (яъни кофир) бўлади».

Ибн Нажим айтадилар: «Агар бу масалада кофир дейиш учун **тўқсон тўққизта далил бўлса-ю, кофир демаслик** учун биргина далил бўлса, **тўқсон тўққизини қўйиб, ўша бир далилни олиш керак**. Аммо динда ҳаддан ошиб **ғулуға кетганлар** бу масалада **«мўмин дейиш** учун

¹ **Қибла** – Саудия Арабистонининг Макка шаҳридаги Каъба, Байтуллоҳ Масжиди ҳаром каби номлар билан аталувчи муқаддас бир бино бўлиб, у ер юзидаги барча мусулмонларнинг қибласидир. Яъни ибодат қилганда юзини қаратадиган томон шу марказ ҳисобланади. Каъба номларининг маънолари қуйидагича: 1. Каъба – баландлик, дўнглик, Ернинг энг баланд жойи. 2. Байтуллоҳ – Аллоҳнинг «уйи». 3. Масжиди ҳаром – уруш, жанжал ва фисқу фасод ишлари унда ва атрофида ҳаром қилинган масжид. 4. Байтул-атиқ – қадимий уй. 5. Қибла – юз ўгириладиган жиҳат, томон.

тўқсон тўққизта далил бўлса-ю, кофир дейиш учун биргина далил бўлса, тўқсон тўққизни қўйиб, ўша бир далилни олиш керак», дейишга бориб етдилар. Бу эса, барча исломий мазҳаблар ва уламоларнинг тутган йўлига тескардир».

Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайҳ) айтадилар: *«Агар қалб зулмга мойил бўлса, золимларни яхши кўради. Қайси тоифани яхши кўрса, улар жумласидан бўлади. Агар қалб Ҳаққа ва унга эргашиганларга мойил бўлса, уларга дўст бўлади».*

Жалолиддин Суютий айтадилар: *«Мусулмонни кофирликда айблаган одам уни ўлдирган билан баробардир».*

Ибодия: Хорижийларга мансуб тўрт асосий фирқа (жамоа) нинг энг «мўътадил» ҳисобланган қисмидир. VII асрнинг иккинчи ярмида яшаган Абдуллоҳ ибн Ибод Ташимий деган кимсанинг номи билан боғлиқ. Ташимийлик Абу Билол Мардос ибн Уддия бу фирқанинг илк пешволаридан бўлиб, у 62/682 йили ўлдирилган. Шундан сўнг бу фирқа бошқарувини Абдуллоҳ ибн Ибод ўз қўлига олган. Басрадаги хорижийлар орасида 65/685 йили бўлиниш содир бўлгани боис азрақийлар умавийларга қарши чиқишган, Абдуллоҳнинг ўзи Басрада қолиб, қуролли курашдан воз кечган ва хорижийларнинг «мўътадил» қанотига раҳбарлик қила бошлаган.

Абдуллоҳ ибн Ибоднинг ўртача йўлни танлаганининг сабаби умавийлар халифаси Абдулмалик ибн Марвон билан сиртдан келишув бўлгандир. Бу сиёсатни, яъни Абдуллоҳ ибн Ибоднинг умавийларга қарши юритган сиёсатини, Абу Шаъшаъ ибн Зайд Уздий давом эттиради. Унинг асли Уммондан бўлиб, ҳижрий сананинг юзинчи йиллар атрофида, Абдуллоҳ ибн Ибоддан кейин дунёдан ўтди. Абу Шаъшаъ Ҳажжож ибн Юсуф Сақафий билан дўстона муносабатга киришган бўлишига қарамай, улар орасидаги дўстлик узоққа чўзилмади. Ҳажжож бошқа ҳаворижлар каби ибодийларни қатл этишга буйруқ берди. Ҳажжож замонида ибодийларнинг улуғлари Уммонга қочиб кетдилар. Жобир ибн Зайднинг бир шогирди асли эронлик бўлиб, унинг оти Абу Убайда Муслим ибн Карима эди. Устози Жобир ибн Зайд вафогидан сўнг унинг ноибига айланган. Ўша вақтларда Ислом оламининг барча жойларидан ибодиялар илм олиш учун Басрага, яъни унинг

хузурига келишарди. Уммондаги ибодийлар тарихида қуйидаги зарбулмасал пайдо бўлган: «Илм Мадинада тухум қўйди ва Басрада жўжа очди ва Уммон томон парвоз қилди». Абу Убайда талабаларни илм тахсилдан сўнг исломий ўлкаларга даъват (таблиғ) учун юборади. Оқибат Басра шахри ибодияларнинг пинҳона даъват (таблиғ) марказига айланади.

Бани Умайянинг ҳукумати инқирозга юз тутгандан сўнг ҳокимият Аббосийлар қўлига ўтди. Мансур Давонқи бир муддат ибодийларга нисбатан яхши муносабатда бўлди. Абу Убайданинг ўлимидан сўнг Басрадаги ибодийларнинг обрўси тушди. Куфада, Хижоз, Ҳазрамавт, Яман ва Уммонда бу фирқанинг марказлари пайдо бўлди. Уммондаги хаворижлар I хижрий асрнинг охирида Басрадаги «Жобир ибн Зайд» ва фақиҳларнинг таъсирида ибодия фирқаси йўлини тутишди. Ҳажжож ибн Юсуф ибодийларни Уммонга бадарға қилгандан кейин у ерда исён кўтарилди ва Жаланди ибн Масъуд мазкур исён бошида турди. Мазкур исён Ҳазрамавт ва Ямангача чўзилди. Аммо исён 134/751 йилда Аббосийлар қўшинининг қўмондони Ҳозим ибн Ҳузайма бошчилигида бостирилди.

Ибодийларнинг энг таниқли жамоалари узоқ саҳроларда ва кишлокларда яшар эдилар. Уларнинг собиқ пойтахти «Назовий» эди. Ҳозирги вақтда ибодийларнинг мазҳаби Уммоний, Гофирий ва Ҳино каби қабилаларининг бош эътиқодий мазҳабига айланган.

Ибодия фирқаси кўпроқ шарқий Африка, Форс кўрфази, Кирмон атрофи ва Эронда тарқалди. Бу фирқа даъватчилари «Ҳомилатул илм»¹ деб аталган. Улардан бири Ҳилол ибн Атия Хуросоний бўлиб, Абу Убайданинг даъватчиларидан эди. Кўп жойларда даъват орқали мана шу мазҳабни анча ривожлантирди. Ибодия йўлини тутган донишмандлардан яна бири Абу Ғоним Бишр ибн Ғоним бўлиб, унинг «Алмадуна» номли китоби бор.

Ибодия фирқаси даъватчиларидан бири Салмат ибн Саъд Мағриб заминга борган ва Басранинг машойихларидан бўлган. Абдуллоҳ ибн Масъуд Тажибий деган киши Ливия ва Ғарбий Тароблусда ибодия фирқаси ривожига катта хисса қўшган. Барбар (Хаввора) қабиласини ўз фирқаси йўлига ўтишига даъват этган.

¹ Ҳомилатул илм – [араб. – илм кўтарувчиси].

Шундан сўнг Исмоил ибн Зайёд Нуфусий деган киши Тароблусдаги Барбар ибодийларининг қўллаб-қувватлашлари натижасида «Имом ад-дифоъ» унвонига сазовор бўлди. Аммо 132/750 йилда зайдийлар томонидан қатл этилади. Унинг ўлими туфайли Тароблус зайёдийлари хун тўлашларига тўғри келади. Шундан сўнг асли эронлик Абдурахмон ибн Рустам Карвонда ибодийлар ҳукуматини ташкил этади ва бир оз ўтиб, Тоҳират шаҳрини забт этади. Абдурахмон ибн Рустам 160/777 йилда Шимолий Африка ибодийларининг имоматлигига сайланади. Ҳақ замонда Абдурахмон ибн Рустамнинг икки ноиби, Абдулвахҳоб ибн Абдурахмон ва Афлах ибн Абдулвахҳоб туфайли Мағрибда ибодийларнинг таъсири кучаяди. VI ҳижрий асрдан бошлаб Африка шимолида фотимийлар ғалабасидан сўнг Ибодия фирқаси инқирозга учрайди ва Шимолий Африка ибодийлари узоқ-узоқ ўлкаларга кетишга мажбур бўлишди.

Ибодия фирқаси тарафдорлари таҳким воқеаси сабаб Али (р.а.) ни ва бошқа кўплаб машҳур саҳобийларни кофирга чиқарган. Ибодийлар имон – сўз, амал ва суннатдан иборатлигини тасдиқлайди. Улар: «Аҳли Қибланинг имон келтирганига шаҳодат бермаймиз, фақат йўлимизни тутган кишиларнигина имон келтирганига гувоҳлик берамиз. Аҳли Қиблани кофирга ҳам чиқармаймиз, чунки улар Аллоҳ ва унинг расулига куфр келтирмаганлар. Лекин биз уларни мунофиқ¹ деб ҳисоблаймиз. Чунки улар мусулмонларнинг баъзиларини имонда, баъзиларини эса куфрда эканлигини таъкидлаб, шу икки йўл ўртасида бўлишни хоҳлайдилар», – деб даъво қиладилар.

Ибодийларнинг «уммат ғами билан машғул бўлмаслик» ва «уммат ғамидан йироқ бўлмаслик» деган сўзлари бидъатдир. Имом Зухрий ва Бошқа имомларнинг сўзларига биноан, бу асоссиз ва

¹ **Мунофиқ** – мунофиқ деб дилида имони йўқ, лекин жонини ва молини сақлаб қолиш учун ёки сотқинлик, хиёнат мақсадида мусулмонлар сафига қўшилган, тилида имон калимасини айтиб, дилидаги куфрини яшириб юривчи кимсага айтилади. Шариатимиз ҳукми бўйича бундай одамларни то тили билан куфрини очик баён этмагунча ёки хиёнат ишлари фош бўлмагунча зоҳирига қараб мусулмонлар қаторига қўшиб гурилади. Чунки исломда шубҳа билан ёки ноаниқ далил билан қатъий ҳукм чиқарилмайди. Биз ҳар бир ишда зоҳирий далиллар билан иш қилишга буюрилганмиз.

маъносиз даъводир. Муслим қуйида Ибн Каҳлдан¹ ривоят қилган: «Бахтарий, Заҳҳок, Машриқий, Майсара ва Букайр ат-Той²дан иборат жамоат *«ибодийларни ўзига яқин тутиш, уларнинг мўминлигига гувоҳлик бериш, ишларига раҳбарлик қилиш ва улар билан муроса йўлини тутиш бидъатдир»*, деган фикрга иттифоқ қилганлар.

Ибодийлар Аллоҳнинг бирлигини эътироф этувчилар хусусида фикр юритиб, бу борада таъвил йўлидан бордилар ва ҳатто ўз қарашларида хатога йўл қўйдилар. Улар Аллоҳ таолонинг каломи бўлмиш Қуръони каримнинг тафсирини ўзгартиришга журъат қилиб, залолатга юз тутганлар. Аллоҳ таоло ҳам бу фирқани адаштирган. Катодадан ривоят қилинади: *«Ибодия ушбу умматнинг мажусийларидир»*.

Ибодия фирқасининг ҳақиқий асосчиси Жобир ибн Зайд Уммонда туғилган ва 99/717 йил вафот этган. Уммон ибодийлари IX аср охиригача мустақил бўлишган, ундан кейин мамлакат яна аббосийлар тасарруфига ўтган, лекин аср бошидан эътиборан ибодийлар Уммонда яна ҳокимият тепасига келганлар. Ҳозирда улар мамлакат аҳолисининг ярмидан кўпроғини ташкил этади.

Ибодийларнинг диний-сиёсий дастури асосини имомат ҳақидаги таълимот ташкил қилади. Ибодийлар имоматнинг мавжуд бўлиши шарт эмас, бир вақтнинг ўзида ислом дунёсининг турли жойларида бир неча имомлар бўлиши мумкин, деб ҳисоблаганлар. Имом шайхларнинг махфий кенгаши томонидан сайланиб, уларнинг қарори халққа эълон қилинган. Кўпинча сайловлар битта қабила ёки уруғ доираси билан чекланиб қолган. Ибодийлар имоми бир вақтнинг ўзида ҳоким (лашкарбоши, қози, фақиҳ) ҳам бўлган.

Ибодийлар ақидасида суннийлар ва мўътазилийларнинг ақидавий тамойиллари аралашиб кетган. Ибодийлар одамларнинг амалини вужудга келтирувчи Аллоҳдир, деб биладилар. Сиёсий ва диний сабабларга кўра, ҳар қандай кишини ўлдиришни рад этганлар. Ибодия таълимоти тарафдорлари гарчи кўп

¹ Бу шахс Каҳлон исми билан ҳам юритилади.

² У асли Букайр ибн Моҳондир.

мамлакатларга тарқалган бўлсалар-да, диний соҳада ҳам, сиёсий соҳада ҳам яқдил бўла олмаганлар.

Ҳозирги кунда Шимолий Африка, Уммон ва Занзибар оролида ибодия жамоалари мавжуд бўлиб, диний эътиқод ва маросимлари суннийлик ва шиаликдаги оқим, фирқалардаги эътиқод ва маросимлардан ўзининг айрим хусусиятлари билан фарқ қилади.

Муҳаккима: Бу фирқа Ҳазрат Али, Усмон, Жамал воқеаси қатнашчилари, Муовия ва унинг тарафдорлари, икки ҳакам, ҳакамлик судига розилик билдирувчилар ҳамда гуноҳ ишга қўл урувчиларнинг ҳаммасини кофирга чиқаради. Муҳаккима фирқасининг вакиллари томонидан уларга муҳолиф бўлган мусулмонлардан кўпчилик ҳарбий тўқнашув асносида қатл этилган.

Наждот: Бу фирқанинг асосчиси Нажда ибн Омир Ҳанафий Ҳарурий Хорижий бўлиб, ўз тарафдорлари гомонидан қатл этилган. Унинг қатл этилишига Нажда томонидан бемаслаҳат қилган ишлари сабаб бўлган. Улар қўйидагилардир:

Нажда тарафдорлари Мадинага бостириб киришганда Усмон ибн Аффон (р.а.)нинг қизларидан бирини асир олишгач, Нажда уни сотиб олади. Сўнг бу қиз Абдулмалик ибн Марвонга бериб юборилади. Нажда биродарлари, бизнинг душманларимизга қизни бериб юбординг, деб норозилик билдиришади.

Баҳрайннинг Қатиф деган минтақасига ҳужум уюштириб, аёллари ҳам асирга олингач, ўлжадан «хумс», яъни Аллоҳ ва расули улушини чиқармасдан асира аёлларни никоҳлаб олишга руҳсат берилганида тарафдорлар ўртасида норозилик авж олган.

Маст қилувчи ичимлик ичган кишига бериладиган таъзир жазосини бекор қилиб, сағира (кичик) гуноҳларни давомли қилган киши мушрик¹, кабира (катта) гуноҳларни давомсиз қилган киши

¹ **Мушрик** – мушриклик [араб. – шериклик, – Худонинг шериклари бор, деган тушунчадан] кўпхудоликнинг араб қабилалари ўртасида, Ислом вужудга келишидан олдин кенг тарқалган содда шакли. Мушрикий қабилалар турли санам, тош ва ҳ.к.га, шунингдек, бир қанча эркак ва аёл худоларга эътиқод қилган. Мушрик тушунчаси Қуръонда Худони яқка деб эътироф этмай, унинг шериклари бор, яъни худолар кўп, деб тасаввур қилинадиган қабилавий динлар таълимотига нисбатан ишлатилган.

мусулмон, деган ҳукми жорий этишгач норозилик кучайган. Ваҳоланки, сунний ақида бўйича, сағира гуноҳни давомли қилса кабира гуноҳга айланади. Кабира гуноҳни давомли қилган тақдирда ҳам кофир ёки мушрик эмас, балки фосиқ ё фожир ёки осий мўминлигича қолади.

Суфрия: Хорижийларнинг уч асосий жамоаларидан бири. VII асрнинг иккинчи ярмида Басра (Ироқ)да вужудга келган. Асосчиси – Зиёд ибн Асфар, унинг отаси исми «суфр» – асфарнинг кўплигидан олиниб, бу фирқа тарафдорларини суфрийлар деб аташган. Халифа Язид ибн Муовия даври (61/680–64/683 й.)да суфрийлар Басра атрофида Абу Билол Мирдос раҳбарлигида қўзғолон кўтарганлар.

Мирдос 62/681 йили ўлдирилиб, унинг тарафдорлари қирғин қилинган, Басрада суфрийларнинг ғоявий раҳбари ва бошлиғи Солих ибн Мусаррих умавийларни ағдариб ташлашга ва ҳукмрон доиралардан қасос олишга даъват этган. 76/695 йили Дажла (Тигр) дарёсининг юқори ҳавзасида суфрийлар қўзғолон кўтаришган. Солихнинг ўлимидан сўнг 77/696 йили қўзғолонга раҳбарликни Шабиб ибн Язид қўлга олган. Суфрийлар Ўрта Ироққа тарқалиб, Мадоинни эгаллашган ва у ерда мустаҳкам ўрнашиб олишган. Бироқ икки жангда кўп талафот кўрилган, Шабиб азракийлар билан қўшилиш мақсадида Кермонга чекинишга қарор қилган. Дарёдан кечиб ўтиш чоғида Шабиб сувга чўкиб кетганидан кейин 78/697 йили суфрийлар қўзғолони тезда бостирилган.

Суфрийлар жамоасининг вужудга келиши хорижийлар ўртасидаги диний-сиёсий ихтилофлар билан боғлиқ. Хорижийлар «кимни «кофир» деб ҳисоблаш лозим ва уларга қандай муносабатда бўлиш керак» деган масалада ихтилофга боришган. Азракийлардан фарқли равишда суфрийлар қўзғолонда қатнашмаган диндорларини кофир санаманганлар. Улар азракийлар томонидан ўз душманларининг аёл ва болаларини қатл этишни қоралаганлар, лозим бўлганда ўз эътиқодларини яшириш мумкин деб ҳисоблашган.

Шунингдек, улар гуноҳларни икки хилга ажратиб кўрсатганлар. Биринчиси – ҳад белгиланган гуноҳлар. Масалан зино, ўғрилиқ, пок аёлни зинокор дейиш, ноҳақ қон тўкиш. Бу ишларни қилганларни кофир дейилмайди, балки зинокор, ўғри, қозиф, қотил деб аталади.

Иккинчиси – ҳад белгиланмаган гуноҳлар, масалан намоз, рўза, закот каби амалларни тарк этган киши кофир саналган.

Сунний ақидага кўра эса намоз, рўза, закот каби фарз амалларни қасддан тарк қилган тақдирда ҳам мўмин киши кофир хисобланмайди, балки гуноҳкор саналади.

Ажорида: Бу фирқанинг асосчиси – Абдулкарим ибн Ажрод. Бу фирқа ўнга гуруҳга бўлиниб кетган, аммо ҳаммалари бир ақида атрофида бирлашган, яъни норасида балоғат ёшига етиши билан исломга даъват этилади ва калимаи шаҳодатни айтса, унга мусулмон номини берилади.

Бу тоифанинг Азориқа фирқасидан фарқи шуки, улар мухолифларининг мол-мулкларига тажовуз қилишни ножоиз санаганлар.

Атрофия: Бу фирқанинг асосчиси сейистонлик Ғолиб ибн Шозак бўлиб, у аввал Ҳамза ибн Азрақ Хорижий оқимида бўлиб, ўзининг ноқис ақли билан унга баъзи бир ўзгаришларни киритди. Унинг фикрига кўра, унинг атрофидаги халқ мусулмонлар бўлиб, шариятда тушунмайдиган нарсаларни тарк этишлари ва диний амалларда ақлга таяниб йўл тутишлари мумкин, дейди. Бу фирқанинг эътиқодлари ҳам худди қадарийлар каби ақлга таянган бўлиб, суннийлик ақидасига хилофдир.

Авния: Мазкур фирқа аъзолари: «Бирор шаҳарда имом (диний давлат раҳбари) қасддан халққа жабр бўладиган ҳукм чиқарса, имомнинг ўзи ҳам, мусулмон раияти ҳам ўша заҳоти кофир бўлади», – деган ақидалари билан бошқа хорижийлардан ажралиб туради. Уларнинг бу фикри жаҳолатдан бошқа нарса эмас. Чунки айтган фикрлари нақлан ва ақлан асоссиздир. «Раиятни кофир бўлади» дейиш эса Куръони карим оятига хилоф, Аллоҳ таоло: «(Қиёмат кунда) **ҳеч бир кўтарувчи (гуноҳкор) ўзга (инсон)нинг юкини (гуноҳини) кўтармас**» (*Фотир, 18*), деб марҳамат қилган.

Матбахия: Бу фирқанинг асосчиси Абу Исмоил Матбахий бўлиб, унинг ақидасига кўра, эрталаб бир ракат, кечқурун бир ракат намоз ўқиш фарздир. У ўзининг бу бузуқ ақидасига Куръони каримдан: «**Куннинг икки тарафида намоз ўқинглар**» (*Худ, 114*), оятини далил си фатида келтиради. Аммо мазкур оятнинг давоми бўлган

беш вақт намозни тўлиқ адо қилиш тўғрисидаги: «**Қуёш оғишидан то тун қоронғусигача намозни баркамол адо этинг ва тонгги ўқишни** (бомдод намозини) ҳам (адо этинг!) **Зеро, тонгги ўқиш** (фаришталар) **ҳозир бўладиган** (намоз)дир» (Ал-Исро, 78) оятини ўзининг ботил ақидасига тўғри келмаганлиги учун тан олмайди. Чунки ушбу оятдан беш вақт фарз намозларининг вақтларини англаб олиш мумкин. Масалан, қуёш оғиши билан пешин намози, соя икки баробарга етгач, аср намозининг вақти киради. Қоронғи тушиши, яъни қуёш ботиши билан шом, сўнгра хуфтон намозларининг вақти киради. «Тонгги ўқиш» эса – бомдод намозидир.

Матбахия фирқасининг ушбу ақидаларига эътиқод қилиб, Аллоҳ таолонинг оятларини кўр-кўрона инкор қилган кимсалар Аҳли Сунна вал-Жамоа наздида кофирдирлар.

Ҳозимия: Сижистонлик ажорида тарафдорлари шу ном билан аталган. Улар ақоид бўйича тақдир, иститоат, Аллоҳнинг хоҳиши каби масалаларда Аҳли Сунна вал-Жамоа билан бир хил эътиқодда бўлишган. Қадария ва унга эргашган маймуния фирқасини мазкур ақидаларда адашганлари учун кофир деб ҳисоблаганлар. Улар «валоят» ва «адоват», яъни Аллоҳ томонидан бандасини дўст тутиш ёки душман билиш масаласида кўп хорижийлар билан қарама-қарши фикрда бўлишган.

Шуайбия: Бу фирқанинг асосчиси Шуайб бўлиб, у Маймун исмли бир фирқа бошлиғидан қарз олади ва ўз вақтида узолмагач, қози олдида баҳслашиб қоладилар. Шуайб: «Қарзимни, Худо хоҳласа, узаман», – дейди. Маймун: «Худо ҳозир хоҳлаб турибди, уз!» – деди. Шуайб: «Агар хоҳлаган бўлса эди, мени қодир қилиб қўяр эди», – дейди. Маймун: «Қарзни узишга буюрган Аллоҳ экан, демак, У шуни хоҳлаган», – дейди. Шуайб шу гапдан кейин Маймундан узоқлашиб, алоҳида Шуайбия фирқасини таъсис этган. Маймуния билан Шуайбия фирқалари ажорида фирқасидан ажралиб чиққан тоифалардан саналиб, ақидада адашганлар сирасига киради. Уларнинг ичида энг ашаддий адашгани – бу Маймуния фирқасидир.

Жозимия: Бу фирқа хавориж тоифасидан бўлиб, баъзи бир манбаларда ҳозимия тарзида ҳам келади. Жозимия фирқасининг асосчисини баъзи бир манбаларда Жозим ибн Али дейилса, баъзи

бирларида эса Жазм ибн Осим дейилади. Жозимия фирқаси тарафдорлари «Шуайбия» фирқаси билан маслакдош бўлганлар.

Абдукаххор Бағдодий шундай деб ёзади: «Кўпинча Сейистоннинг «ажорда»си мана шу кодекс ва низомдадир. Худонинг қадри, қудрати ва иродаси ҳақида суннат аҳли усулига асосан айтадилар: «Яратувчи худодан бошқа эмас, унинг хоҳишидан бошқа бўлмаса ва қудрати ҳаракати биландир».

Жозимийлар: «Агар имон келтирса, Худо бандасини яхши кўради. Агар бандаси ҳаётида умуман кофир бўлса ҳам, борди-ю, умри охирида куфрдан юз буриб мўмин бўлса ҳам, барибир кофирдир», – деб ҳисоблайдилар.

Маълумия ва Мажҳулия: Бу икки фирқа ҳозимия фирқаларидан ҳисобланади. Икки масалада ўзидан олдинги пешволарига хилоф қарашда бўлишган, кимки Аллоҳнинг барча исмлари ва сифатларини билмаса, у жоҳилдир. Жоҳил эса кофирдир. Бандаларнинг феълларини Аллоҳ яратмайди, балки ўзлари яратади.

Мажҳулия фирқаси Маълумия фирқаси билан бир хил эътиқодда бўлишган. Фақат мажҳулия тарафдорлари Аллоҳнинг барча исм ва сифатларини банд билиши шарт эмас деб, Маълумия фирқасини кофирга чиқаришган.

Аллоҳнинг сифатлари Аҳли Сунна вал-Жамоа ақидасига кўра, инсон сифатларидан бутунлай фарқ қилади. Айтайлик, Аллоҳга кўрувчи, эшитувчи, билувчи сифатини берганимизда, унинг мазкур сифатлари айтганимиздек қадрланган эмас. Биз яқинни кўрамиз, яқиндаги товушни эшитамиз, шу хусусда муайян миқдорда билимга эгамиз. Аллоҳ таолога эса яқин-узоқ баробар. У ҳали гапириб улгурмаган, дилимиздан не кечганини ҳам билади. Кўп маълумотлар хотирамиз сустиги туфайли унутилиб туради. Аллоҳ эса бирорта катта ёки кичик воқеани ҳам асло унутмайди. Аллоҳ таолога бир дақиқа ҳам, миллион йил ҳам баробар. Яъни илми ўзгариб ёки камайиб қолмайди.

Аллоҳ таолога айрим сифатларни нисбат бериш асло мумкин эмас. Масалан, Аллоҳни ақлли, оқил, раҳмдил, сахий, жаҳлдор каби сифатламаймиз. Бундай сифатлар одамзодга хос. Аллоҳ таолони оқил эмас – олим, раҳмдил эмас – меҳрибон, сахий эмас – карамли,

жаҳлдор эмас – ғазабли, хурсанд эмас – рози каби иборалар билан таърифланади.

Аллоҳ таолонинг зоти ва сифатлари тўғрисида чуқур баҳс-мунозара юритиш шаръан ман этилади. Чунки унинг ҳамма сифатлари ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, ўзи яратган махлуқларнинг сифатларига сира ўхшамайди. Инсон ўзининг ноқис билими ва ақлига суянган ҳолда ҳар қанча уринмасин Аллоҳнинг беҳудуд зоти ва сифатлари моҳиятига ета олмайди. Шунинг учун Унинг борлигига чин имон келтириб, ожиз ақлни унинг моҳиятига етишга уринтиришга ҳожат йўқ. Сўфи Аллоёр айтганларидек:

*Фаришталар, набийлар етмадилар,
Бўйин сундилару фикр этмадилар.*

Аллоҳ таолони бирор нарсага ўхшатишмайди ва бирор нарсани ҳам Аллоҳга ўхшатишмайди.

Язидия: Бу фирқанинг асосчиси Язид ибн Аниса бўлиб, унинг ақидасига кўра, ажам халқларининг биридан пайғамбар чиқиб, Қуръони каримдан бошқа китобни олиб келади ва Муҳаммад (с.а.в.) тарғиб этган ислом динини мансух (бекор) қилади. Бу фирқанинг мазкур бузуқ ақидаси Қуръони каримнинг: **«Муҳаммад сизларнинг эркакларингиздан бирортасига ота эмасдир, балки у Аллоҳнинг элчиси ва пайғамбарларнинг муҳридир...»** (Аҳзоб, 40), деган оятига мутлақо зиддир. Шайх Абдулазиз Мансур ушбу оятнинг тафсирида шундай дейди: *Аллоҳ таоло Муҳаммад (а.с.)ни «Пайғамбарларнинг муҳри» деб атади. Зеро, ҳар бир муҳим ёзма ҳужжат охирида муҳр босилгани каби охириги пайғамбар келгач, пайғамбарлар китобига ҳам муҳр босилгандек бўлди.*

Язидийлар Аллоҳ таоло нинг мазкур оятини кўр-кўрона инкор қилганликлари сабаб, Аҳли Сунна вал-Жамоа наздида кофирдир.

Абдалия: Бу фирқа раҳбари Абдуллоҳ ибн Исо исмли бир шахс бўлиб, унинг бузуқ ақидасига кўра, ҳайвонлар, гўдаклар ва ўзини Аллоҳ йўлига бағишлаганлар чеккан жабр-ситамлари туфайли жуда кўп савобларга эга бўладилар. Қиёмат кунида бу жабрдийдаларнинг руҳлари катта ёшдаги гуноҳқорларга ўтиб, гуноҳқорларнинг гуноҳлари савобларга айланади.

Мутаолия: Бу фирқанинг асосчиси номаълум бўлиб, ақидаларига кўра, агар сув солинадиган идишга хамр (маст қилувчи ичимлик)дан бир томчи томиб кетса ва уни билиб ёки билмай ичган киши ўз-ўзидан кофир бўлади.

Саҳиҳ ақидамизга кўра эса ҳаром нарсани билмай истеъмол қилса гуноҳкор бўлмайди. Билиб туриб истеъмол қилса гуноҳкор бўлади, лекин кофир бўлмайди.

Салтия : Бу фирқанинг асосчиси – Салт ибн Усмон ёки Салт ибн Абу Салт бўлиб, асли ажорида фирқасидан келиб чиққан.

Фирқа ақидаси – сафларига бир киши келиб қўшилса ва Исломни қабул қилса, уни ўзларига дўст қилиб олишар, норасида болалари бўлса, то балоғатга етмагунларича уларни қабул қилмай, қачонки балоғат ёшига етганларида ислом динига даъват қилиш-қилмаслик ихтиёри таъминланар эди. Ваҳоланки, Пайгамбаримиз (с.а.в.)нинг ушбу сўзларига кўра, улар ислом фитратида туғилдилар. Яъни: *«Ҳар бир бола фитратда туғилади. Аммо ота-онаси уни насроний ёки яҳудий ёхуд мажусий¹ қилиб тарбиялайди».*

Мухтория: Хаворижлардан бўлмиш Мухтор ибн Абу Убайд Сақафий номидан олинган бу фирқа ақидасига кўра, Ҳазрат Алидан кейин имомлик Муҳаммад Ҳанафияга ўтган. Унинг шуҳрат топишига икки сабаб бор, яъни биринчиси ўзини Муҳаммад Ҳанафия тарафдори қилиб, унинг фойдасига даъват қилгани бўлса, иккинчи сабаб Имом Ҳусайн қотилларидан қасос олиш учун кечаю кундуз ҳаракатда бўлгани, дейилади.

Мухтория ақидасининг бузуқ жиҳатларидан бири – Аллоҳнинг илми ва иродаси ўзгариб, янгиланиб туришининг жоизлигидир. Яъни, билмаган нарсасини кейин билиши ёки қиламан деган ишида янглишиб, иродасини ўзгартиришидир. Бу эса Аллоҳ шаънига шаккокликдир.

Муҳаммад Ҳанафия аслида Мухторнинг қилиб юрган ишларига қарши чиққан. Мухтор 67/687 йилнинг ўн тўртинчи рамазон ойида 67 ёшида ўлдирилди.

Ҳамзия: Бу фирқанинг асосчиси – Ҳамза ибн Азрақ бўлиб, у Сижистон, Хуросон, Макрон, Қўхистон, Кирмон каби ўлкаларда яшаган ва кўп жанглarda ғалабага эришган.

¹ **Мажусий** – Куёш ёки оловга сиғинувчи оташпараст.

У муҳолифларини кофирга чиқарар ва жангда енгилган тарафнинг мол-мулкини ёқиб юборишга, ҳайвонларини сўйиб ўлдиришга, асирларни қатл қилишга буюрар эди. Унинг даври Ҳорун ар-Рашид даврига, яъни 179/795 йилга тўғри келади ва фитналари Маъмун халифалигининг дастлабки давригача давом этган.

Иброҳимия: Бу фирқанинг асосчиси ибодийлар оқимига мансуб Иброҳим исмли бир шахс бўлган. Одамларнинг Иброҳим йўлига юришларига бир воқеа сабаб бўлган. Бир куни Иброҳим ҳамфикр маслакдошларини меҳмондорчиликка ўз уйига таклиф этади. Меҳмонлар олдида ўз чўрасига иш буюради. Чўри бир оз сусткашлик қилгани учун Иброҳимнинг жаҳли чиқади ва чўрасини мусулмон бўлмаган кишига сотаман, деб қасам ичиб юборади.

Маслакдошлари унга мўмина чўрини кофирга сотиш мумкин эмас, деб эътироз билдиришди. Иброҳим эса Куръон оятидан далил келтириб, ҳар қандай тижорат (олди-сотди) ҳалол, деб ўз сўзида қатъий туриб олди. Бу ихтилоф аста-секин жанжалга айланиб, ўз замонасининг кўзга кўринган уламоларига хат ёзиб, фатво сўрашди. Уламолар ҳар қандай олди-сотди ҳалол, деб фатво беришди. Мазкур воқеадан сўнг бир неча кишилар Иброҳимга қаттиқ ихлос қилиб, уни ўзларига йўлбошчи қилиб олишди. Шу тариқа бу фирқанинг тарафдорлари иброҳимийлар деб атала бошланди.

Саолиба: Бу фирқанинг асосчиси – Саълаба ибн Мишкон ёки ибн Омир бўлиб, у Ажорида фирқаси бошлиғи Абдулкарим билан норасидалар ҳукми бўйича тортишиб, уни кофирга чиқаради ва Саълабанинг ўзи раҳбарликни қўлга олиб, фирқа номини ҳам ўз номига мослаб ўзгартиради. Кейинчалик бу фирқа яна кичик фирқаларга бўлинади ва инқирозга учраб, йўқ бўлиб кетади.

Маъбадия: Саълабия фирқасидан ажралиб чиққан бу фирқа Саълаба ўлимидан кейин раҳбарликни ўз қўлига олиб, Маъбад исмли шахсни ўзларига бошлиқ қилиб олишади. Олдингиларга хилоф равишда бу янги раҳбар одамлардан закот олиб, яна мухтож одамларга бериш ақлга сиғмайди, деб унинг сўзига қўшилмаганларни кофирга чиқарган.

Ахнасия: Бу фирқанинг асосчиси – Ахнас ибн Қайс бўлиб, унинг тарафдорлари ўзларига маъқул келмаган кишилардан узоқлашиб, улар билан бир жойда яшашни истамайдилар. Ахнасийлар наздида банда балоғатга етиб тирик бўлса, унга савоб ва гуноҳ амаллар ёзилаверади. Агар вафот этса, номаи аъмоли ёпилади. Аммо вафот этганидан сўнг унга ўзидан кейин қолдирганларидан яхшилик ҳам (савоб), ёмонлик (гуноҳ) ҳам ҳаж ва умра, шу билан бирга, солиҳ амалларининг савоби ҳам етиб бормади.

Аҳли Сунна вал-Жамоа ақидасига кўра, марҳум ва марҳумаларнинг авлод ва зурриётлари қилган савобли ишларидан уларнинг руҳлари баҳраманд бўлади. Айниқса, савобли ва хайрли ишларни қилиб, савобини ўтганларнинг руҳига бахшида қилса, албатта савоб етиб боради. Ҳажжи бадал ҳам Исломда машруъдир.

Шайбония: Бу фирқанинг асосчиси – Шайбон ибн Салама Хорижий. Бу фирқанинг тарафдорлари Аллоҳга ташбиҳ¹ исбот қилгани учун Аҳли Сунна вал-Жамоа ва бошқа фирқалар томонидан куфрга ҳукм қилинган. Абу Муслимга жанглarda ёрдам бергани учун Хавориж аҳлининг ҳаммаси бу фирқа тарафдорларини кофирга чиқаришган. Фирқа тарафдорлари иддаосига кўра, Шайбон ибн Салама кейинчалик ўзининг бузук ақидасидан қайтган.

Рушайдия: Саолиба фирқасидан бешинчи бўлиб ажралиб чиққан бу фирқа асосчиси Рушайд Тусийдир. Бу фирқа ақидаси деҳқончиликдан бериладиган ушр тўғрисида ўзгача фикрда бўлгани боис бошқалардан алоҳида ажралиб қолган. Уларга кўра, булоқ ва оқин дарё сувларида суғориладиган ер ҳосилидан закотга ярим ушр, яъни йигирмадан бир ҳисса ажратилади, ёмғир суви билан суғориладиган ер ҳосилидан ўндан бир ҳисса закот берилади. Зиёд

¹ **Ташбиҳ** – Худони одамларга ўхшатиб таърифлайдиган таълимот (антропоморфизм). Илк ислом илоҳиётида вужудга келган. Куръоннинг кўп сураларида Худо ҳам эшитади, кўриб туради, ушлайди, жазолайди деб таърифланади. Лекин Унинг кўриши, эшитиши ва бошқа сифатлари инсон сифатларидан тубдан фарқ қилади. Илк ислом илоҳиётчилари ичида ташбиҳ тарафдорлари Худонинг қиёфасини инсонга ўхшатиб талқин этганлар. Улар мўътазилийларнинг Худо ҳеч қандай сифатга эга эмас деган таълимотига қарши чиққанлар.

ибн Абдурахмон бу ҳукмга қарши чиқиб, булоқ ва оқин дарё сувида суғориладиган ерлардан ҳам ўндан бир ҳисса берилади, деган.

Мукрамия: Саолибанинг олтинчи фирқаси мукрамия бўлиб, асосчиси – Абу Мукрам ёки Мукрам ибн Абдуллоҳ Ижлий. Бу фирқа ақидасига кўра, намозни тарк этувчи одам Аллоҳга нисбатан жоҳил бўлибди. Зеро, Аллоҳга жоҳил бўлиш куфрдир.

Ҳафсия: Асосчиси – Ҳафс ибн Абу Миқдом бўлиб, у Аллоҳга имон келтириш билан ширк¹ ўртасида Аллоҳни маърифат билан таниш бор, деган ақидани илгари сурган. Унга кўра, маърифатдан сўнг пайғамбарлар, жаннат ва дўзахларни инкор этиб, гуноҳи кабираларни қилган одам мушрик эмас, балки кофирдир. Аллоҳни маърифат билан танимай, уни инкор этса кофирдир. Фирқа тарафдорлари ўз ақидаларида қарама-қарши фикрларни билдирганлари учун тезда назардан қолган.

Сунний ақидага кўра, Аллоҳни хоҳ маърифат билан, хоҳ маърифатсиз инкор этган киши кофирдир. Аллоҳни борлигига ишониб, унга бошқа сохта маъбудаларни шерик қилган кимса мушрик ҳисобланади.

Ҳорисия: Ҳорис ибн Язид Ибодий асос солган бу фирқанинг тарафдорлари тақдир масаласида мўътазила аҳли билан бир хил фикрда бўлишган.

Аҳли Сунна вал-Жамоага хилоф равишда банда бир ишни бажаришидан олдин унга қодир бўлади, деган ақидалари туфайли ибодиянинг бошқа фирқалари бу фирқа аҳлини кофирга чиқарганлар.

Аҳли Сунна вал-Жамоа ақидасига кўра, бандаларнинг феълларини Аллоҳ яратади, тоқат ва қудрат Аллоҳ томонидан бандага ишни бажариш арафасида берилади. Демак, иститоат феъл билан бир вақтда юз беради.

¹ **Ширк** – Аллоҳнинг илоҳиётда шериги бор деб эътиқод қилиш. Яъни, Аллоҳга ишониш билан бирга Унга илоҳликда бошқа жонли ва жонсиз нарсаларни баробар қилиш. Бошқача қилиб айтганда, худоликка яккаю ягона Аллоҳнинг ўзинигина хослаш ўрнига бошқани ҳам Унга шерик қилиш. Ширк «шерик» лафзи билан ўзақдош.

Шабибия: Бу фирқанинг иккинчи номи Солиҳия. Зеро, раҳбарликни Шабиб ибн Язид Шайбонийдан олдин Солиҳ ибн Масраҳ Та мимий ижро этган бўлиб, у азрақийларга мутлақо мухолиф эди. У Бишр ибн Марвонга (Абдул Малик ибн Марвоннинг биродарига) қарши ҳарбий юриш қилган. Ҳажжож ибн Юсуфга қарши олиб борган жангида Солиҳ оғир ярадор бўлиб, фирқа раҳбарлигини Шабибга васият қилган.

Шабибнинг Солиҳга хилоф ишларидан бири – аёл кишининг давлат раҳбари бўлишига тарафдор бўлганидир. Бунга далил сифатида Шабиб вафотидан кейин унинг онаси Ғазола фирқага раҳбарлик қилиб, Куфа шаҳрида минбарга чиқиб нутқ сўзлаганини келтирган.

Дарвоқе, Ҳажжож ибн Юсуф Шабибга қарши икки йилда йигирма марта лашкар юборган ва ҳар гал Шабиб ғалаба қозонган. Охири Шабиб минг нафар хорижийлардан саралаб олинган лашкар билан тунда Куфага бостириб бориб, уни қуршаб олади. У онаси Ғазола ва хотини Жухайзани ҳам ўзи билан бирга олиб борган эди. Икки юз аёллар найза ва қиличлар билан қуроллантирилиб олиб борилган.

Шабиб тунда Куфа шаҳридаги жоме масжид қоровулларини ва эътикофчиларини қатли ом қилдириб, тонг оттиради. Тонгда Ҳажжож тўрт минг нафар лашкар билан Шабиб устига бостириб бориб уни енгади. Шабиб Ироқнинг Анбор вилоятига қочиб кетади. Ҳажжож унинг ортидан уч минг лашкар юбориб, Дужайл дарёси соҳилида кўприқдан ўтаётган пайтида арқонни қирқиб юборади ва Шабиб сувга чўкиб ўлади.

Шабиб ўлганидан кейин унинг тарафдорлари онаси Ғазолага байъат қилиб, уни ўзларига раҳбар қилиб олади. Лекин озгина фурсатдан кейин Ҳажжож қўшини Ғазолани ҳам, Жухайзани ҳам, Шабиб қўшинидан бир қисмини қиличдан ўтказди, қолганларни асирга олади.

Тағлибия: Ҳарурияга мансуб учинчи фирқа бўлиб, улар Аллоҳ таоло бандалар аъмолини хоҳлайди, лекин яратмайди, тақдирини ҳам белгиламайди. Балоғат ёшига етмагунча болаларнинг имонли эканига гувоҳлик берилмайди, деб эътиқод қилади.

Аҳли Сунна вал-Жамоа олимлари ёш болалар имонига гувоҳлик беришади, чунки уларнинг барчалари Мийсоқ кунининг ҳақлигини тасдиқлагандилар. Шунинг ўзи уларнинг имонли ҳолда туғилишига далилдир. Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ушбу сўзларига кўра, улар ислом фитратида туғиладилар. Яъни: «*Ҳар бир бола фитратда туғилади. Аммо ота-онаси уни насроний ёки яҳудий ёхуд мажусий¹ қилиб тарбиялайди*».

Пайғамбаримиз (с.а.в.) яна: «*Улар жаннат аҳли учун хизматкор қилинган балоғатга етмаган мушрик болалардир, зеро, улар савоб олиш учун ҳеч бир амал қилмаган, жазо берилиши учун ҳам бирор гуноҳ содир қилмаган ал-мийсоқ аҳди устида вафот этганлардир*»,– дедилар.

Ҳозимия: Ҳозим ибн Али номли шахснинг тарафдорларидан бўлиб, уларнинг фикрича Аллоҳ таолони бандаларнинг амалларини яратувчиси ва барча амаллар Унинг хоҳиши билан бўлади, бирон-бир иш Унинг иродасисиз пайдо бўлмайди, ишни бажаришда банданинг дахли йўқ, деб даъво қилишади.

Макхул Насафий² улар ҳақида шундай фикр билдирган: «*Ҳозимийлар наздида, имон мажхул бўлиб, бандалар ўзларига имон даъвати етиб келмагунича, узрли ҳисобланадилар. Шариат қонунлари имонни қамраб ола олмайди. Улар бу сўзлари билан бандаларнинг тавҳидини назарда тутадилар, чунки улар имоннинг фақат сифатлар ва қонунлардан иборатлигига эътиқод қиладилар*».

Аҳли Сунна вал-Жамоа наздида, «(Эй, Муҳаммад!) **Сиздан илгари Биз юборган ҳар бир пайғамбарга ҳам: «Мендан ўзга илоҳ йўқ, бас, Менга ибодат қилингиз!» – деб ваҳий юборгандирмиз**» (Анбиё, 25) оятига кўра шаҳодат келтирган одам авлодидан ҳеч ким узрли ҳисобланмайди. Маълумки, ҳатто кофирлардан ҳам тавҳид даъвати етиб бормаган бирор кимса йўқ. Агар (унга) Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг тавҳид даъвати етмаган

¹ **Мажусий** – Куёш ёки оловга сиғинувчи оташпараст.

² **Макхул Насафий** – унинг тўлиқ исми Абу Мутиъ Макхул Фазл Насафий (ваф. 318/930 й.)дир. Унинг «Китоб фи т-тасаввуф» («Тасаввуф ҳақида китоб»), «Китоб ал-луълуйёт фил-мавоиз» («Мавъизалар бўйича жавоҳирлар»). «Аш-Шуъо» («Ёғду») «Китоб ар-радд ало аҳлил-бидаи вал-аҳвои» («Бидъатчи, адашган ва адаштирувчи фирқаларга раддиялар китоби») каби асарлари бор.

бўлса ҳам, Мусо (а.с.), Исо (а.с.)нинг даъвати етган бўлади ва агар бу иккисининг ҳам даъвати етмаган бўлса, Иброҳим (а.с.)нинг даъвати етган бўлади. Иброҳим (а.с.)дан олдин яшаган инсонларга ундан олдин ўтган пайғамбарлардан тавҳид етган бўлади.

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади: «...**Ҳар бир уммат ичида ҳам, албатта, бир огоҳлантирувчи** (пайғамбар) **ўтгандир**» (*Фотир, 24*). Шунингдек, пайғамбарлардан ташқари Аллоҳ таоло Ўзининг яккаю ягоналиги ва борлигини тасдиқловчи аломатлар ва ибратларни кўрсатиб қўйган. Бунга Аллоҳ таолонинг қуйидаги ояти каримаси далилдир: «(Эй, инсонлар!) **Ерда ишонувчилар учун аломатлар бордир, ўзларингизда ҳам. Ахир, (уларни) кўрмайсизми?!**» (*Зориёт, 20–21*).

Аллоҳ Иблисга: «**Албатта, Мен жаҳаннамни сен ва улар орасидаги барча сенга эргашган кимсалар билан тўлдирурман!**» (*Сод, 85*), деди. Инсон фарзанди ўз хатти-ҳаракатлари туфайли ё иблисга эргашади ё Аллоҳнинг тавҳидига бўйсунди. Аллоҳ таоло айтади: «**Мен жаҳаннамни барча (куфрдаги) жин ва одамлар билан тўлдиргайман**» (*Сажда, 13*). Шундай экан, ҳозимийлар даъво қилгани каби жин ва инсонлар тавҳид даъватидан беҳабар эмас.

Халафия: Халаф исмли бир шахснинг тарафдорлари бўлиб, улар яхшилик ва ёмонликни Аллоҳ таолодан деб билмайдилар. Халафийлар наздида, хоҳ у аёл, хоҳ эркак бўлсин, балоғат ёшидаги кишилар учун жиҳод қилмаслик ёки жиҳодни яшириш жоиз эмас. Кимки бу ишлардан бирини қилса ёки ундан бўйин товласа, кофир бўлади. Чунки мўмин жиҳод қилувчи ёки ҳақиқатдан қочувчи бўлади. Улар мустақил ҳаракат ва жиҳодни аёллар учун ҳам фарз ҳисоблайдилар. Бу фирқага мансуб бирор киши вафот этса, ўша ерда ҳозир бўлганларга қарата жасадга ишора қилиб: «**Ла ҳукма илло лиллах**»¹, – дейдилар.

Юқоридаги каби жиҳод тушунчасининг бузиб талқин этилиши, жуда кўп ножоиз амалларнинг қилинишига сабаб бўлади. Ислом дини манбаларида беғуноҳ инсонларнинг қонини тўкиш, ноҳақ одам ўлдириш, ғайридинларга озор бериш қатъиян ман этилган.

¹ **Ла ҳукма илло лиллах** – [араб. – ҳукм чиқариш фақат Аллоҳга хос].

Жиҳод масаласида ғулувга кетишнинг ислом дини таълимотига зид экани ҳадислар, уламоларнинг асарлари ва фатволарида муфассал баён қилинган. Масалан: Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади: «Жиҳод тўрт хилдир: Амри маъруф (яхши ишларга буюриш), наҳйи мункар (гуноҳ, ёмон ишлардан қайтариш), ўзининг зарарига бўлса ҳам рост сўзлаш ва фосиқ кишининг масхара қилишига чидаб туриш».

Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади: «Бир киши Расулulloҳ (с.а.в.)га: «Мен жиҳодда қатнашмоқчиман», – деди. У зот (с.а.в.): «Ота-онанг борми?» – деб сўрадилар. «Ҳа», – деб жавоб қилди у киши. Шунда Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Уларнинг ҳузурига бориб, ёрдам бер, хизматини қил! Шу сенинги жиҳодингдир», – дедилар».

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади: «Мусулмонларнинг афзали қўлидан ва тилидан мусулмонларга озор етмайдиганидир. Мўминларнинг афзали эса, хушхулқлироғидир. Муҳожирларнинг афзали Аллоҳ қайтарган нарсалардан ўзини йироқ тутувчидир. Жиҳоднинг афзали эса, Аллоҳ йўлида ўз нафси ва хоҳишига қарши қилинадиган жангдир».

Кавзия: Кавзийлар эътиқодида, бир кишининг бошқа бир кишига яқинлашиши, бир-бирига тегиб кетиши жоиз эмас, чунки улар атрофидаги кишилардан қайси бири пок, қайси бири нопок эканлигини билмайди. Шунингдек, одамлар билан аралашиб юриш, шу билан бирга, уларга ишониш ҳам мумкин эмас. Агар бу ишлардан бирортаси қилинса, уларга гусл ва тавба қилиш лозим бўлади, чунки қайтарилган ишларни бажарганлиги сабаб умматнинг амаллари шубҳа остида қолади. Ислом ва унинг аҳли-пок кишилардир. Шундан келиб чиқиб, кавзийлар¹ кўзага бавл қиладилар, қўл бериб саломлашганда қўлқоп киядилар ва пок ҳолатда таомланиш мақсадида, таомдан олдин гусл қиладилар.

Аҳли Сунна вал-Жамоа наздида, инсонлар ўзаро бир-бирларига яқинлашишларида ҳеч бир зарар йўқ. Улар бирга юришлари мумкин. Чунки мусулмон киши гуноҳ содир қилиш билан најосат бўлмайди. Айтиш керакки, бу каби ҳолатларнинг инсонлар орасида содир

¹ **Кавзий** – бу сўз араб тилидан олинган бўлиб, луғатда «кўза» маъносини билдиради.

бўлиши табиий ҳол. Агар бундай ҳолат кавзийлар эътиқод қилгани каби бўлса, йигирма марта тавба қилсалар ҳам инсонларнинг ўз аҳли ва ходимлари билан бирга таом тановул қилиши ва улар билан бирга қўшилиб юриши мумкин бўлмай қолар эди. Чунки қайтарилган амаллар зоҳирий ва ботиний кўринишга эга. Ботиний амаллар кўринмайди ва билинмайди.

Иброҳим Нахайй¹(р.а.) шундай ривоят қилади: «*Пайғамбаримиз (с.а.в.) юриб бораётган эдилар. Бир вақт Ҳузайфа ибн Ямон Пайғамбаримиз (с.а.в.)га дуч келди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) унга ишонч билдирган ҳолда қўлидан ушлаб: «Сенга нима бўлди?»*, – дедилар. Шунда у: «*Эй, Расулуллоҳ! Мен жунубман*», – деди. *Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Мўмин киши нажас бўлмайди*», – дедилар».

Касария: Касарийлар эътиқодига кўра, бирор кишининг Аллоҳ унга белгилаб берган молидан бошқа кишига ажратиши, яъни закот бериши фарз эмас. Чунки барча одамларнинг амаллари шубҳали. Аллоҳ молларимиздан истифода этишга ҳақли бўлганларга беришимизни фарз қилган. Шунга кўра, амаллари шубҳали бўлган инсонларни бой қилишимиз шарт эмас. Лекин Аллоҳ таоло ер юзида унга, яъни закотга ҳақли инсонлар зоҳир бўлгани ҳолатида неъматларни ҳам кўпайтиради. Ибн Умар (р.а.) ўз молидан бир йилда икки марта закот берар эди: бир марта фақирларга бўлиб берар, иккинчисида эса султон хазинасига берар эди.

Аҳли Сунна вал-Жамоа наздида, бизга Аллоҳ таоло намоз билан закотни баробар фарз қилиб, у иккисини кетма-кет келтирди. Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай марҳамат қилади: «**Намозни баркамол ўқингиз ва закотни берингиз! Ўзингиз учун нимаики яхшилик² қилган бўлсангиз, уни (яъни савобини) Аллоҳ ҳузурида топажаксиз. Албатта, Аллоҳ қилаётган амалларингизни кўриб турувчидир**» (*Бақара, 110*). Шу ояти каримага мувофиқ кимки у иккисини бир-биридан ажратса, юқоридаги оятга қарши чиққан бўлади. Бу ҳақда Расулуллоҳ (с.а.в.) шундай дедилар: «*Закотга қодир бўла туриб, уни бермайдиган кишининг намози қабул бўлмайди*».

¹ **Иброҳим Нахайй** – Иброҳим ибн Язид ибн Кайс ибн Асвад ибн Амр ан-Нахайй 46/667 йили туғилиб, 96/715 йилда вафот этган ироқлик фақиҳ.

² Бу ердаги «яхшилик»дан мурод намоз, закот ва садақадир (Мадорик тафсири).

Касарийлар тўғри эътиқод қилишлари лозим эди ҳамда Ибн Умар (р.а.) каби солиҳ кишилардан ибрат олиб, бир йилда уч марта закот берсалар ҳам кам. Чунки улар (узоқ йиллар мобайнида) закот бермасдан келганлар. Хумайддан ривоят қилинади: «*Хасан ибн Алига: «Насроний ва яҳудийларга садақа берса бўладими?»*, – дедим. У: «*Ҳар қандай хайрли иш ажр (савоб)дан холи эмас*», – деди».

Шамрохия: Абдуллоҳ ибн Шамрохнинг тарафдорлари ҳарурияга мансуб саккизинчи фирқадир. Шамрохийлар эътиқодига кўра, аёллар муаттар ҳид кабидир. Уларни никоҳсиз ва маҳрсиз ҳидласа ҳам бўлади. Агар муҳаббат ростгўйликка уланса, хўжайинлик қилиш олиб ташланиши керак, чунки муҳаббат аҳли намоз ва рўзани тарк қила оладилар ва гуноҳ қилишда, ҳатто никоҳсиз аёллар билан ётишда ихтиёрли бўладилар.

Аслида, шамрохийлар ҳуббия тоифасига мансуб фирқа бўлиб, уларнинг далиллари Аллоҳнинг «... **Ана шулардан бошқа аёлларга зинокорона эмас, (балки) молларингиз (маҳр) билан уйланишингиз сизларга ҳалол қилинди...**» (Нисо, 24) оятига асосланади. Ваҳоланки, мазкур оят Ислом тарихида Хайбар жангидан кейин мансук қилинган, яъни, бу каби никоҳлар ножоиз ҳисобланадиган бўлган.

Шунингдек, оятдан маҳрсиз никоҳ бўлмаслиги маълум бўлади. Бинобарин, ҳанафий мазҳаби бўйича никоҳ ўқилган пайтда маҳр тўғрисида ҳеч қандай гап айтилмаса ҳам урф-одатда жорий бўлган миқдордаги маҳр эрнинг зиммасига ўз-ўзидан тушаверади. Борди-ю, маҳр миқдори белгиланса, ўша миқдордаги маҳрни адо этиш эр зиммасига тушади. Бошқа мазҳабларда никоҳ ўқилган пайтда маҳр миқдорини белгилаш шартдир. Усиз никоҳ дуруст ҳисобланмайди.

Шунингдек, шамрохийларнинг яна ботил эътиқодига кўра, шамрохийлар ота-онани ўлдиришда уларнинг қони сирда (пинҳонда) ҳаромдир ва ошкорада ҳалолдир, деб эътиқод қилганлар.

Маҳкамия: Улар таҳким воқеасидан сўнг Али ва Муовия (р.а.) ларни кофирга чиқарганлар. Маҳкамийлар ўзаро низолашган икки киши ўртасини ислоҳ қилишга қиёмат кунигача ҳеч ким ҳақли эмас,

деганлар. Кимки жабрланувчи ишига ҳукм чиқаришга жазм этса, агарчи у Қурайш қабиласидан бўлса ҳам кофир бўлади, деб эътиқод қиладилар. Ваҳоланки, Қуръони каримнинг Хужурот сураси, 10-оятида **«Албатта мўминлар (динда) ўзаро биродардирлар. Бас, сизлар икки биродарингиз ўртасини тузатиб (истох этиб) қўйингиз ...»**, дейилган.

Байҳасия: Улар хаворижларнинг бир тоифаси бўлиб, Байҳас ибн Ҳайсам ибн Жобир тарафдорларидир. Байҳасия эътиқодига кўра, имон илм бўлиб, жоҳил (илмсиз) имонсиздир. Ҳақни ботилдан ажрата олмайдиган ҳар қандай инсон – кофир. Чунки у ҳаром билан ҳалолни билмайди. Ҳаромдан ҳалолни ажрата олмайдиган инсон эса кофирдир. Суннатлар воситасида фарз қилинганларни ажрата олмайдиган инсон ҳам кофир. Чунки у фарз қилувчи зотнинг кимлигини билмайди.

Аҳли Сунна вал-Жамоа наздида, имон илм эмас, илм эса имон бўла олмайди. Чунки илм талаб қилиш мўминларга, имон келтириш эса кофирларга фарз қилинган. Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг қуйидаги сўзлари бунга далил бўлади: «Албатта, илм имондан бошқа нарса бўлиб, у имон қоида-қонунларидандир». Пайғамбаримиз (с.а.в.) шу тариқа, мўминларга имон қоидаларини билишни лозим тутдилар.

Байҳасия қарашлари ҳақ бўлганида, «Биз билмаймиз», деган сўзларига биноан фаришта ҳамда пайғамбарларнинг барчаси кофир бўлар эди. Байҳасийларнинг ҳар иккала даъвоси жуда ҳам нотўғри. Чунки улар Муҳаммад (с.а.в.)нинг китоб ва имонни билмаган вақтида кофир бўлганлигига даъво қиладилар. Чунки уларнинг наздида, имон илмдир.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади: **«Аллоҳ сизларни оналарингиз қоринларидан бирор нарсани билмайдиган ҳолингизда чиқарди ва шукр қилишингиз учун сизларга қулоқ, кўзлар ва қалбларни берди»** (Наҳл, 78), **«Инсонларни ўша асосда яратган Аллоҳнинг яратувчилигини (англангиз!)»** (Рум, 30).

Бу фирқанинг яна қуйидаги ботил ақидалари мавжуд: Илм, ирфон ва амал биргаликда имондир. Аллоҳ таолонинг: **«Айтинг:**

«Менга ваҳий қилинган нарса (Қуръон)дан таом ейдиган кишига ўлимтик, тўкилган қон, чўчка гўшти – у, албатта, палид – ва (сўйишда) Аллоҳдан ўзганинг номи аталган «фиск» («ҳайвон»)дан бошқа ейиш ҳаром қилинган нарсани топмаяпман» (Анъом, 145) оятида айтилганидан бошқа нарсалар ҳаром эмас. Яъни ўлимтик, сўйилганда чиққан қон, чўчка гўшти, Аллоҳдан бошқанинг номи билан сўйилган ҳайвондан бошқа ҳамма нарсани истисносиз ҳалол деб эълон қилишган.

Бу фирқа тоифаларга бўлинган. Бир тоифада Мадинадан Маккага қайтиб келганларни дўст тутмаймиз, деса, бошқаси улар ўз ватанларига келгани учун уларни дўст тутаверамиз, деган.

Ҳар икки тоифа имом (шоҳ) кофир бўлса раият (фуқаролар) ҳам кофирдирлар, деган ақидада бирлашганлар.

Байҳасия ақидалари Аҳли Сунна вал-Жамоа ақидаларига мутлақо зиддир.

Росибия: Бу фирқа хаворижларнинг энг ашаддий радикал фирқаларидан биридир. Фирқа асосчиси Абдуллоҳ ибн Ваҳҳоб Росибий ал-Аздий бўлиб, Ҳазрат Али (р.а.) билан қаттиқ жанг олиб борган. Росибийлар жуда ашаддий қонхўрлардан иборат жамоа бўлиб, саҳоба Абдуллоҳ ибн Ҳабоб Артни ва уларга қўшиб аёлларнинг бир қисмини қоринларини ёриб ва бошқаларини қиличдан ўтказиб ўлдирдилар. Уларга қарши Ҳазрат Али (р.а.) ўзининг тўрт минг нафар саҳобалари билан қаршилик кўрсатиб, росибийларнинг барчасини қўлга тушириб, барчасини бошлиқлари Абдуллоҳ ибн Ваҳҳоб Росибий ал-Аздий билан бирга 38/659 йилда Нахравонда ўлдирилди.

Заҳҳокия: Бу фирқанинг асосчиси Заҳҳок ибн Қайс бўлиб, Байнанахр деган жойдан чиққан хорижийларнинг энг охирги тарафдорларидан бири эди. Дастлаб у қилган барча қилмишларидан пушаймон бўлиб, Муовия, Амр ибн Ос ва Усмон (р.а.)лардан кечирим сўраб, гуноҳлари ва барча қарзларидан воз кечишларини сўраб шартнома имзолади. Аммо Заҳҳок ибн Қайс тез орада атрофига тарафдор маслакдошлар йиғиб, Куфа шаҳрига бостириб бориб, шаҳар ҳокими Абдуллоҳ ибн Умар ибн Абдулазизни мағлуб этди ва Куфани забт этди. Бундан хабар топган

ҳукмдор Марвон ибн Муҳаммад уларга қарши катта қўшин юбориб, барчасини қўлга олиб Заҳҳок ибн Қайс билан бирга қатл этди.

Бу фирқанинг ботил эътиқодига кўра, агар киши «дор ат-тақия»да, яъни ўзининг диний эътиқодини яширадиган жойда бўлса, мусулмон билан кофирнинг никоҳи дуруст бўлади ва мусулмон киши ўзининг муслима канизагини кофирга сотса жоиз. Аммо мусулмонобод жойда бўлса, мусулмон аёлнинг ғайримусулмон билан никоҳи жоиз эмас, дердилар.

Абдакия : Бу фирқанинг асосчиси Абдак исмли киши бўлиб, унинг ботил ақидасига кўра, дунёнинг мол-дунёси ҳаммаси ҳаром ва мол-дунёдан ризқ-рўзи учун ортиқча талаб қилиш ҳам жоиз эмас. Дунё моли одил имомдан бошқага жоиз бўлмас ва ҳаромдир. Дунё мол-мулкини сотиш ҳам, олиш ҳам ҳаромдир, деган ботил ақидада бирлашганлар.



МЎЪТАЗИЛА ТОИФАСИ

Маълумки, ислом оламида мўътазила тоифаси бошқа оқимлардан кўра кўпроқ тарқалган ва аббосий халифалардан Маъмун даврида кенг ривож топган. Шу сабабли бўлса керак, ушбу тоифа ўзининг фалсафий ва ақидавий қарашлари билан кўпчилик мусулмонларнинг диққатини ўзига тортган. Мўътазилийларнинг гуноҳи кабира, қабр азоби, авлиёлар каромати каби масалалар бўйича ўзига хос қарашлари мавжуд. Аҳли Сунна вал-Жамоа уламолари ўз даврларида илмий асосланган, мўътадил ислом ғоялари асосида уларга раддиялар берганлар.

Восил ибн Ато ва Ҳасан ал-Басрийнинг гуноҳи кабира борасидаги баҳс-мунозараси мўътазила оқимининг пайдо бўлишига сабаб бўлган. Мўътазилалар «ал-манзила байн ал-манзилатайн» – «оралиқ ҳолат» фикрини илгари сурган. Унга кўра «гуноҳи кабира қилган киши мўмин ҳам, кофир ҳам эмас», балки у икки ҳолат ўртасида қолади. Абул Лайс¹ ўз тафсирида гуноҳи кабира қилган кишининг имондан чиқмаслигини айтиб ўтган. Мўътазила аҳли ўз иддаоларининг далили сифатида ушбу оятни келтирадilar: **«Йўқ асло! Кимки ёмонлик касб этса ва ўз хатолари уни ўраб олса, бас, ана ўшалар дўзах аҳлидирлар ва улар у ерда абадий қолувчилардир»** (Бақара, 81). Абул Лайс бу оятнинг мўътазилийлар томонидан берилган шарҳини келтириб ўтади ва оятни «ёмонлик бу – ширк, хато бу – катта гуноҳлардир», деб тафсир қилиш мўътазилалар ишидир», деб таъкидлайди.

Шунингдек, **«Албатта, Аллоҳ Ўзига ширк келтириш (гуноҳи) ни кечирмагай ва (лекин) ана шундан бошқа (гуноҳлар)ни Ўзи хоҳлаган бандаларидан кечирур»** (Нисо, 48) ояти шарҳи

¹ Абул Лайс Самарқандий – Абул Лайс Наср ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Иброҳим Самарқандий. Аллома 301/913 йили Самарқандда туғилиб, 375/985 йили шу ерда вафот этган. У «Фақиҳ», «Имомул-худо» номлари билан машҳур бўлган.

давомида гуноҳи кабира қилган киши дўзахда абадий қолади деювчиларга раддия беради: Ушбу оятда гуноҳи кабира қилиб, вафот этса, одам дўзахда абадий қолади, дегувчиларга раддия бор.

Мўътазилалар: «Кимки гуноҳи кабира қилиб кейин вафот этса, кофир каби дўзахда абадий қолади, кофирларга дўзахни ваъда қилганидек, рибохўрга ҳам дўзахни ваъда қилди», – дейдилар.

Аҳли Сунна вал-Жамоа уламоларидан Абул Лайс Самарқандий **«Албатта, Аллоҳ Ўзига ширк келтириш (гуноҳ)ни кечирмагай ва (лекин) ана шундан бошқа (гуноҳлар)ни Ўзи хоҳлаган (банда)ларидан кечирур» (Нисо, 48)** оятининг шарҳида ҳам гуноҳи кабира қилган кишининг дўзахда абадий қолмаслигига далил келтиради. Умуман, мазкур масалага тааллуқли оятлар шарҳида ҳар томонлама гуноҳи кабира қилган кишининг имондан чиқмаслигига, охиратда унинг гуноҳларини Аллоҳ кечириши ёки гуноҳи учун белгиланган жазо бериши мумкин, деб қарайди.

Мўътазилийлар Аллоҳ таолонинг **«Мени кўра олмайсан» (Азроф, 143)** деган оятини далил қилиб, инсон Аллоҳни кўзи орқали кўролмайдиган, деган фикрни илгари сурган эдилар. Гарчи бу ўринда Аллоҳ **«Мени кўра олмайсан»** деган бўлса-да, бошқа оят ва ҳадисларда Аллоҳни имон келтирган ва чиройли амал қилган кишиларнинг кўриши ҳақида сўз кетади. Аҳли Сунна вал-Жамоа уламолари Қуръон ва ҳадисни яхши билганлари учун бу ўринда унга хилоф сўз келмаганини, балки араб тилида «ҳеч қачон» маъносини берувчи сўзнинг бу дунё маъносида ишлатилишини, охират ҳаёти учун тааллуқли эмаслигини далиллашга ҳаракат қилганлар.

Мўътазилийлар қабр азобига далолат қилувчи оятни қадарийлар каби тан олмас эдилар. Лекин Аҳли Сунна вал-Жамоа олимлари қабр азобининг содир бўлишига оят ва ҳадислардан бир қанча далиллар келтирганлар. Шунинг учун суннийлик йўналиши уламолари ушбу оятлар шарҳи давомида унинг қабр азобига алоқадор эканлигини келтириб ўтганлар. Жумладан, қабр азобининг ҳақлигига **«(У азоб қабрдаги бир) оловдирки, улар эртаю кеч унга тутиб турилурлар. Қиёмат қойим бўладиган кунда эса, (дўзах фаришталарига): «Фиръавн зодагонларини**

ЭНГ ҚАТТИҚ АЗОБГА КИРИТИНГИЗ!» (дейилур)» (Ғофир, 46) оятини далил сифатида келтирадилар.

Ушбу оят қабр азобининг ҳақ эканига далолат қилади. Ҳадисда: «*Ҳар бирингиз вафот этганингиздан кейин ҳар кун эртаю кеч жаннатдаги жойингиз, мабодо дўзах аҳли бўлсангиз, дўзахдаги жойингиз ўзингизга кўрсатиб турилади. Бу ҳолат қиёмат кунигача давом этади*», – дейилган.

Ибн Масъуд (р.а.) сўзига кўра, сувга ғарқ этилган Фиръавн зодагонларининг руҳлари махсус яратилган қандайдир қора қушларнинг қорнида сақланиб, қиёмат кунигача эртаю кеч дўзахга тутиб турилади.

Қабр азоби деганда, мурданинг қабрга дафн қилинган бўлиши ёки жасаднинг бутун сақланган бўлиши шарт эмас. Зеро, Фиръавн ва унинг лашкари сувга ғарқ бўлгани тарихий ҳақиқатдир. Лекин руҳларининг азобда бўлиши оят ва ҳадисларда баён этилишига кўра, қабр азоби жасадга эмас, руҳга берилиши маълум бўлади.

Мўътазилийлар кўпгина ғайриоддий ҳолатлар бўлишини инкор этувчи тоифалардан саналади. Шунинг учун ҳам Аҳли Сунна вал-Жамоа уламолари уларнинг қарашларига раддиялар берганлар.

Мўътазила тоифасидан ҳам бир неча фирқалар вужудга келган.

Восилия: Бу фирқанинг етакчиси Восил ибн Ато бўлиб, у мўътазила йўналишининг энг биринчи асосчидир. Восил ибн Ато (80/699–131/749 й.) Ҳасан Басрий¹нинг шогирди бўлган ва фақат ақлга таяниб фикр юритганлиги сабаб Аҳли Сунна вал-Жамоадан ажралиб чиққан. Унинг фикрича, «гуноҳи кабирани қилганлар қиёмат кунда икки манзил ўртасида бўлишади», яъни мавжуд икки манзил (куфр билан имон) орасидаги яна бир манзил мавжуддир, деган ғояни илгари сурган.

¹ **Ҳасан Басрий** – Абу Саид ибн Абилҳасан Ясор (642–728) илк ислом динининг йирик илоҳиёт олими. Мадинада туғилган, 657 йилдан Басра шаҳрида яшаб, шу ерда вафот этган. Халифа Умар ибн Абдулазиз (681–720) даврида Басрада қозилик қилган. У мўътадил сиёсий қарашларга мос мавқеда турган: уммат бирлигини сақлаб қолишга ҳаракат қилиб, мусулмонлар ўртасидаги ҳарбий можароларни қоралаган.

Ҳарурийлардан ҳисобланган мўътазилийлар Али, Муовия ва битимга рози бўлмаган кишилар ихтилофлашган пайтда «саҳобаларнинг иши бизга шубҳа туғдирди», деган одамлардир. Уларнинг наздида, агар улардан аввалги иш тўғри бўлганида битим ҳам ҳаққоний бўлар эди. Биринчи иш ботил бўлиб, икки фирқанинг ҳеч бирига раҳбарлик қила олмасдан, улардан узоқлашади. Кимки у иккисига эргашса, хато қилган ҳисобланади. Чунки имон сўз ва амал бўлиб, улар ҳақида бизнинг билганимиз шубҳалидир.

Восил азрақийлар фитнаси даврида Ҳасан Басрийнинг суҳбатларида фаол иштирок этар эди. Бу давр уламолари кабира гуноҳ қилувчилар устидан турлича ҳукмларни баён этар эдилар. Масалан, бир фирқа хоҳ кичик, хоҳ катта гуноҳ қилган кишини мушрик деб атаса, бошқа бир фирқа аъзолари азрақийлар каби гуноҳкор бандаларни ҳам мушрик, ҳам кофир деб атар эдилар.

Яна бошқа бир фирқа уммат ижмоъ қилган катта гуноҳларни қилувчиларга кофир ва мушрик, улар ихтилоф қилган гуноҳларни қилувчиларга эса мужтаҳидларнинг хулосасига қараб баҳо берар эдилар. Яна бошқа бир фирқа гуноҳкор бандаларни мунофиқ деб аташар ва кофирдан ҳам баттар деб билишар эди.

Аҳли Сунна вал-Жамоа уламолари эса кабира гуноҳ қилувчи кишини фосиқ¹ деб ҳукм юритадилар. Бу ақида тобеинлардан бошлаб, то бизнинг асримизгача давом этиб келмоқда.

Восил ибн Ато буюк аллома Ҳасан Басрийнинг тўғри таълимотидан юз ўгириб, хаворижлар ақидасини қўллаб-қувватлагани учун устозининг дарсидан маҳрум бўлиб, ўзи алоҳида фирқа ташкил қилиб олади ва Ҳасан Басрий бу фирқага мўътазила фирқаси, деб ном беради.

Ибн Умар (р.а.)дан ривоят қилинади: «Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Агар саҳобаларим тилга олинса, улар ҳақида ёмон сўзлашдан ўзингизни тийинг. Огоҳ бўлингларки, ким асҳобларимни сўкса, уларга Аллоҳнинг ва фаришталарининг лаънати бўлсин», дедилар.

Амравия: Фирқанинг асосчиси Амр ибн Убайд бўлиб, унинг бобоси Кобулда асир тушган қул бўлиб, Бани Тамим томонидан озод этилган.

¹ Фосиқ – [араб. – гуноҳкор]. Куфр ва ширкдан бошқа гуноҳ ишларни қилувчи.

Амр ибн Убайд тақдир масаласида Восил ибн Ато билан ҳамфикр бўлган. Шунингдек, гуноҳи кабира қилган киши мўмин ҳам эмас, кофир ҳам эмас деган ақидасини қўллаб-қувватлаган.

Ҳузайлия: Фирқанинг асосчиси Абул Ҳузайл Муҳаммад ибн Ҳузайл Лоф бўлиб, у Абдул Қайс қабиласида озод қилинган куллардан эди. Ислом ақидасида кўп хатоликларга йўл қўйган мазкур одамни танқид қилиб Жуббойи, Жаъфар ибн Ҳарб каби уламолар алоҳида китоблар таълиф қилишган.

Масалан, Абул Ҳузайлни кофирга чиқарилишига сабаб бўлган ақидаларидан бири жаннат ва дўзах абадий бўлмай, бир муддатдан кейин йўқ бўлиб кетади. Жаннат ва дўзах аҳли ўринларида қотиб қолади. Аллоҳ уларни на ўлдиришга, на ҳаракатга келтиришга қодир бўлмай қолади, деган ақидасидир. Ваҳоланки, ақоид китобларида жаннат ва дўзахнинг ва ундаги кишиларнинг абадийлиги қатъий равишда таъкидланган.

Шунингдек, жаннатнинг абадийлиги борасида Аҳли Сунна вал-Жамоа уламолари Абу Ҳурайра (р.а.) томонидан ривоят қилинган Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг қуйидаги ҳадиси шарифларини раддия сифатида келтирадилар. *«Дедикки: «Ё Расулulloҳ, жаннат нимадан яратилган?» Айтдилар: «Сувдан». «Ё Расулulloҳ, жаннатнинг биносидан бизга хабар беринг!» Расулulloҳ айтдилар: «Жаннат тилло ва кумуш ғиштардандир. Унинг лойи мушкдан, тупроғи заъфарондан, унинг кичкина тошчалари марварид ва ёқутдандир, ким унга кирса, неъматланади, ноумид бўлмайди ва абадий қолади, ўлмайди, кийими ҳўл бўлмайди ва ҳеч ҳам ёшлиги кетмайди».*

Маймуния: Маймун ибн Имрон тарафдорлари бўлиб, улар ёмон ишларни Аллоҳ таолодан деб билмайдилар ва оталарни ўз қизлари билан никоҳланишини жоиз деб қарашган. Шу сабаб бу фирқа кўп одамларни жиркантирган. Маймуния фирқаси фикрича, умматнинг ҳақ йўлда юриши фақат имом (ҳукмдор) туфайли бўлади. Имом эса биз суйган инсонларнинг розилиги билангина тайинланади. Кимки уларнинг маслаҳатисиз имомликни даъво қилса, у бадбахт душмандир.

Ҳарурийлар фирқаси даъволари ва фирқаланишларига кўра ўн икки тоифага бўлинади. Макҳул Насафий уламо Яҳё ибн Яманнинг Жаъфар томонидан айтилган ушбу ривоятини

келтиради: «Хорижия фирқасига мансуб бир кишининг орқасида намоз ўқиш ҳақида Маймун ибн Михрондан сўрадим. У: «Зарари йўқ, биз Ҳажжож ибн Юсуфнинг орқасида намоз ўқир эдик, у эса азрақий ҳарурийлардан», – деди. Мен унга қараб: «Азрақий, ҳарурий кимлигини биласанми?», – дедим. Маймун ибн Михрон: «У шундай инсонки, агар бирор киши унинг фикрига қарши чиқса, гарчи уни маломат қилиш ҳалол саналса ҳам, уни кофир ҳисоблар, Ҳажжож ҳам худди шундай эди», – деди».

Наззомия: Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Сайёр Наззом (ваф. 835–36 ёки 845 й.) – Басра мактабида таълим олган мўътазилийларнинг машҳур намояндаси; унинг издошлари ўзларини наззомия (наззомийлар) деб аташган.

Наззомийнинг асарлари сақланмаган. Унинг қарашлари шогирди Жоҳиз¹ асарларида келгириб ўтилган. Жоҳизнинг гувоҳлик беришича, Наззом ва унинг издошлари «итлар ва хўрозлар устида олиб бориладиган тажрибани намоз ва Қуръон ўқишдан ..., ҳаж ва жиҳоддан афзал кўришган», «чорёрлар»ни қоралаганлар, машҳур муҳаддислар Абу Ҳурайра² ва Абдуллоҳ ибн Масъуд³ларни сохта ҳадис айтганликда айблаганлар.

Наззомийларнинг наздида, ижмоъ, хабару-л-воҳид ва қиёс ҳужжат эмас, шунингдек, банда қодир бўлган нарсани Аллоҳ ярата олмайди. Иброҳим Наззом: «Аллоҳ ҳеч нарса эмас» деган эътиқоддаги ҳар қандай инсон Уни ҳаракатсизликда айблаб,

¹ **Жоҳиз** – унинг тўлиқ исми Абу Усмон Амр ибн Баҳр Жоҳиздир. Мўътазилийлар оқими назариётчиларидан бири. «Ал-Жоҳизия» деб ном олган илоҳиёт мактабининг асосчиси. Унинг ҳайвонот оламига бағишланган 10 жилдли «ал-Ҳайавон» номли, араб тили нотиклигига оид «ал-Байон ваттабийн», бахил одамлар ҳаётидан олинган ҳажвий ҳикоялар ёзилган «ал-Бухало» каби асарлари ҳозирги кунгача етиб келган.

² **Абу Ҳурайра** – машҳур саҳобий, ровий, фақиҳлардан бири. Асли исми Абдурахмон ибн Саҳр ал-Давсий Абдушамс (602–679 й). Расулulloҳ (с.а.в.) томонидан Абдуррахмон деб аталган. Мушукларни жуда севган. Бир кун унинг этагида бир мушук боласини кўрган Расули Акрам (с.а.в.), «Абу Ҳурайра» – мушукнинг отаси дея лутф этган ва у ҳам бундан ифтихор этиб, ушбу лақаб билан шуҳрат топган.

³ **Абдуллоҳ ибн Масъуд** – саҳобий, буюк фақиҳ ва мужтаҳидлардан бири, Муҳаммад (с.а.в.) хизматларида турган зотлардан. Унинг тўлиқ исми Абу Абдурахмон Абдуллоҳ ибн Масъуд ибн Рофия ибн Ҳабиб ал-Ҳузалий (590–653 й.)

вахмийлар қарашларини инкор қилган бўлади. «Аллоҳ – бир нарса» деган эътиқодидагилар эса Уни муайян бир нарсага ўхшатиб, кофир бўлади. Чунки «нарсa»га шубҳа-гумон ва ўзгариш мансуб бўлиб, «Аллоҳ улардан холи», дейди.

Аллоҳ таоло бошқа нарсаларга ўхшамайдиган нарса бўлиб, Ўзини васф қилган нарса билан сифатланган. Аллоҳнинг исми ва сифатлари бир. Фақат уларнинг маъносигина турлича. Аллоҳ таоло барча сифатлари билан азалийдир. Исм зотсиз, зот эса исмсиз бўлиши мумкин эмас. Чунки исмлар зотларнинг акси, зотлар эса исмларнинг асидир.

Ҳадасия: Бу фирқанинг тарафдорлари икки кишининг муриди бўлиб, бири Аҳмад ибн Хобат, иккинчиси Фазл Ҳадасий исмли кишилардир. Уларнинг иккаласи Наззомнинг шогирдлари эдилар. Фазл Ҳадасий ҳадасияга мансубдир, бу шаҳар Ефрат соҳилидадир, унинг номи баъзи китобларда Ҳадаий деб ёзилган, аммо унинг энг тўғриси Ҳадасийдир.

Бу фирқа тарафдорларининг ботил эътиқодига кўра, Исо Масих Худонинг ўғлидир. Худо уни фарзандликка қабул қилди, фақат туғилиш йўли билан эмас. Масих шундай кишидирки, қиёмат кунда яратилиш ҳисобига етишажак, деб ўз эътиқодларини исботлаш учун Қуръони каримдан қуйидаги оятларни келтирадилар: **«ва Раббингиз (ҳукми) ва фаришталар саф-саф бўлиб келганда»** (*Фажр, 22*) ва **«Улар (ҳақни инкор этувчилар) балким, соябон булутлар остида Аллоҳ ва фаришталар келганда иш тугашини (қиёматни) кутаётгандирлар. (У кунда) барча ишлар Аллоҳга оширилажак, албатта»** (*Бақара, 210*).

Шунингдек, фирқа тарафдорлари қушларнинг ҳам пайғамбарлари бор, туя ва бошқа ҳайвонлар, ҳашаротлар ҳам анбиёга эгадирлар, деб Қуръони каримдан **«Албатта, Биз Сизни ҳақ (дин) билан, хушxabар берувчи ва огоҳлантирувчи қилиб юбордик. Ҳар бир уммаг ичида ҳам, албатта, бир огоҳлантирувчи (пайғамбар) ўтгандир»** (*Фотир, 24*) оятини далил қилиб келтирадилар.

Бу фирқанинг тарафдорлари таносухни тан олиб шундай дейдилар: «Худо бошида махлуқни бир зарб билан жаннатда

яратди ва сўнг уларни Одам қилган гуноҳи сингари жаннатдан чиқарди».

Асвория: Фирқанинг асосчиси Али Асворий бўлиб, Абул Хузайлнинг издошларидан эди. Сўнгра у Наззом фирқасига қўшилган, залолатда авжига чиққан. Бузуқ ақидаларидан бири Аллоҳнинг бир нарсанинг бўлмаслиги ҳақидаги илми унинг тақдирида ҳам бўлмайди, деган сўзидир. Бу эса Аллоҳнинг қудратини чеклаб қўйиш демакдир. Аллоҳнинг илми ва қудратини чеклаб қўйиш эса куфрдир.

Мурдория: Фирқанинг асосчиси Исо ибн Субайх бўлиб, унинг лақаби Абу Мусо Мурдордир¹. Уни «мўътазила йўналишининг роҳиби» деб ҳам аташар эди. Унинг бузуқ эътиқодларидан бири – одамлар ҳам Куръони карим оятларига ўхшаган оятларни келтиришлари мумкин, деган. Шунингдек, у Аллоҳ таоло бандаларига зулм қилиши ва ёлғон гапириши ҳам мумкин, деган. Яна у кимки Аллоҳ таолони кўз билан кўриш жоиз, деса кофирдир, деган.

Мурдор ўзининг устозларини ҳам кофирга чиқарган ва улар ҳам Мурдорни кофир, деб ҳукм қилганлар.

Жуббоия: Фирқа раҳбари – Абу Али Муҳаммад Жуббой. У Эрон билан Басра оралиғидаги Хузистонда яшаб, минтақа аҳолисини залолат йўлларига кириб кетишларига сабабчи бўлган. Ақидаси мўътазилия бўлиб, Басра аҳолиси шу мазҳабга эътиқод қилиб келар эди.

Жуббойнинг бузуқ ақидаларидан бири шу эдики, Аллоҳ таоло бирор бандасининг тилагини бажо келтирса, бандасига итоат этган бўлади. Зеро, ўзганинг муродини амалга ошириш унга итоат қилиш демакдир, деб даъво қилар эди. Бу ақидаси Абул-Ҳасан Ашъарий томонида н рад этилганига қарамай, у ўз фикридан қайтмаган.

Яна бузуқ ақидаларидан бири – Аллоҳга қилган ишига қараб исм беришни жоиз, деб билишдир. Масалан, унинг ақидасига биноан Аллоҳ аёлларга ҳомила ато этса, Унинг номи «Аёлларни ҳомиладор этувчи» бўлиши керак эмиш. Жуббой 303/916 йилда вафот этган.

¹ Мурдор - [форс. - «булғанган», «ифлосланган», «нажас»].

Жуббойнинг ўзи ҳам, ўғли Абу Ҳошим ҳам шу каби хаёлий ва бузуқ ақидалари билан кўпчиликнинг Аҳли Сунна вал-Жамоа эътиқодидан чалғиб, адашиб кетишига сабабчи бўлишган.

Солимия: Бу фирқанинг асосчиси Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Солим (ваф. 296/909 й.)дир. Муҳаммад ибн Солим Басрада X–XI асрда фаолият юргизган Саҳл Тустарийнинг яқин сафдош ва шогирдларидан биридир. Баъзи бир хусусий масалалардан ташқари унинг қарашлари устозиникидан фарқ қилмаган.

Муҳаммад ибн Солим қатъий зоҳидликни тарғиб этган. Ўзини тўлиқ Аллоҳ иродасига топшириш (таваккул), синоатларга бардош бериш, турмуш қурмаслик ва бошқа. Солимияга кейинчалик Муҳаммад ибн Солимнинг ўғли Аҳмад ибн Солим раҳбарлик қилган пайтда фирқа узил-кесил шаклланган ва таъсир доираси кенгайган. Фирқага баъзи масалаларда¹ Басра муътазилийларига ён босган моликий мазҳабдаги илоҳиётчи ва суфийлар кирган.

Муҳаммад ибн Солимни Мансур Ҳаллож қарашларига хайрихоҳ бўлганлиги учун Бағдоднинг машҳур олимларидан Абдулқоҳир Бағдодий, Абул Музаффар Исфарионий, улар билан бир қаторда суфий ханбалий Абдулқодир Жилоний қаттиқ танқид қилишган ва уни ҳулулия² тарафдорлари қаторига киритганлар. Бундан илгарироқ уни машҳур суфий – Шофеъий Ибн Ҳафиф танқид қилиб, «Ар-рад ала Ибн Солим»³ асарини ёзган.

Баҳшамия: Жуббойнинг ўғли Абу Ҳошимга эргашган адашганларнинг фирқаси шу ном билан аталган. Бу атама Абу Ҳошим сўзидан олинган бўлиб, «Абу Ҳошимия» сўзининг қисқартирилган шаклидир.

Фирқанинг бузуқ ақидаларидан айримларини санаб ўтамиз:

Инсон бир ишни бажаришдан олдин унда бажариш қудрати мавжуд бўлади, деб эътиқод қилинган. Ваҳоланки, Аҳли Суннага кўра, инсон бир ишни қилишни ирода қилиб, бажаришга ҳаракат қилган пайтда қудрат берилади. Унинг сўзига кўра, мукаллаф одам

¹ Баъзи масалаларда, хусусан, инсон иродаси, эркинлиги ва тақдирни олдиндан Аллоҳ томонидан белгиланганлиги ўртасидаги нисбат ҳақида.

² **Ҳулулия** – Аллоҳни инсонда мужассам бўлиши.

³ **Ар-рад ала Ибн Солим** – [араб. – *Ибн Солимга раддия бериш*].

тоат-ибодат қилмай вафот этса, азобланади. Зеро, у осийдир ва гуноҳ иш қилиши ҳам мумкин эди. Бири гуноҳ қилгани учун, иккинчиси уни тарк этмай бажаргани учун. Кабира гуноҳ қилувчиларга икки ҳисса жазо берилар эмиш.

Бировнинг қилган иши учун бошқа одамнинг савоб ёки гуноҳга эга бўлиши. Масалан, муҳтожга садақа қил деб буюрган киши садақани олган кишининг миннатдорчилик билдиришига эга бўлади. Гуноҳ ишни буюриб, қилдирган киши гуноҳни қилган киши томо нидан маломат қилиниши жоиз эмас.

Бир гуноҳдан тавба қилган одамнинг тавбаси, агар у бошқа гуноҳни қилишда давом этса, қабул бўлмайди, деган ақидаси. Ваҳоланки, банда қайси гуноҳдан тавба қилиб кечирим сўраса, ўша гуноҳни Аллоҳ таоло кечириши мумкин. Бунда унинг бошқа гуноҳлардан бутунлай қайтган бўлиши шарт қилинмаган.

Гуноҳ қилишга ярамай қолган одамнинг тавбаси ҳам қабул бўлмайди, деб даъво қилинган. Ваҳоланки, Абу Ҳошимнинг ўзи доимий равишда ичкилик билан қаёт кечириб, маст ҳолида вафот этган экан.

Аллоҳ таоло борлиқни бутунлай йўқ қилиши мумкин. Лекин бир қисмини алоҳида йўқ қилишга қодир эмас, деган ақидаси.

Ҳажда Арафотга бориб, унда туриш, Каъбани тавоф этиш, Сафо билан Марва орасида саъй қилиш вожиб эмас, чунки бу ишларни уловга минган ҳолда ҳам бажариш мумкин эди, деб даъво қилган.

Умуман, мўътазила фирқасига эътиқод қилувчиларнинг ўзлари ҳам бир хил ақидада бўлишмаган, балки бири-бирининг фикрига қарши чиқиб, ақидавий ихтилофда умр кечириб ўтишган.

Ҳимория: Бу фирқа мўътазиладан чиққан бир тоифа бўлиб, қадария таълимотининг энг манфур жиҳатларини ўзларига олганлар. Масалан Ибн Ҳобитдан «таносух»¹ни, Аббод ибн Сулаймондан маймун ва чўчқаларнинг ҳаммаси олдин одам

¹ **Таносух** – рухнинг кўчиб юриши ҳақидаги нотўғри ақида. Ўлганларнинг руҳи (жони) янги туғилган инсонларда, ҳатто ҳайвон ва ўсимликларда қайта мужассамланиши ҳақидаги тасаввурлар браҳманизм, ҳиндуизм ва Юнонистонда метемпсихоз каби диний эътиқодларнинг илк шакллари билан боғлиқ равишда вужудга келган. Аммо ислом динида таносух ақидаси бутунлай рад этилади.

бўлишиб, кейин куфрлари туфайли ҳайвонларга айланганини, Жаъд ибн Дирҳамдан маърифатнинг ўзи феъл ўрнига ўтишини олишган. Яна улар инсон ҳам ҳайвонларни ярата олади деб, далилига бир одам гўштни иссиқ жойга кўмса ёки офтобга қўйса, у айнаб – ачигач, ундан қуртлар пайдо бўлишини келтирганлар. Бу билан инсонни Аллоҳга тенглаштирмоқчи бўлишган. Ваҳоланки, Қуръони каримда Мусо (а.с.) қавмидан бир жамоаси Аллоҳнинг қарғишига қолиб, чўчка ва маймунларга айланган. Бу ҳақда Қуръони каримда шундай баён қилинган: **«Айтинг: «Аллоҳ наздида бундан ҳам ёмонроқ «савоб» (жазо олувчилар) тўғрисида сизларни хабардор қилайми? (Улар) Аллоҳ лаънатлаган, ғазаб қилган, улардан (баъзиларини) маймун ва чўчкаларга айлантирган ҳамда шайтонга ибодат қилганлардир. Ана ўшалар макони ёмон ва тўғри йўлдан кўпроқ адашган кимсалардир».** (Моида, 60). Лекин бу дегани ҳозирга ча мавжуд барча чўчка ва маймунлар аслида одам бўлган дегани эмас.

Шунингдек, яна ушбу оят шунга далолат қиладики, одам маймундан эмас, балки тарихда баъзи осий кишилардан маймун ва чўчкалар пайдо бўлган. Тафсирларда айтилишига қараганда, шанба куни балиқ овлашдан қайтарилган бир қабила яҳудийлари Аллоҳга ҳийла ишлатиб итоатсизлик қилганлари учун Аллоҳ уларни маймун шаклига киритиш билан жазолаган. Исо (а.с.) га нозил бўлган дастурхон неъматларига ношукурчилик қилган кофирларни эса Аллоҳ таоло жазолаб, чўчка шаклига киритиб қўйган.

Сифотия: Бу фирқа мўътазиладан чиққан бир оқим бўлиб, «илоҳий сифатлар»ни эътироф этувчиларнинг умумий номи. «Ас-сифот» терминини бу маънода дастлаб мўътазилийлар «нуъут» термини ўрнига муомалага киритганлар.

Мўътазилийлар Аллоҳнинг сифатлари ва моҳияти ҳақидаги масалани мусулмон илоҳиётининг бош ақидасига айлантирганлар. Аллоҳнинг ягоналигидан келиб чиққан ҳолда мўътазилийлар «илоҳий сифатлар»ни мустақил мавжудлигини инкор этганлар. Улар Аҳли сунналар исботлайдиган Аллоҳнинг тўқсон тўққиз сифатини Унга ноўрин нисбат берилган, деб даъво қиладилар ва у сифатлар билан Аллоҳни эмас, балки унинг бандаларини

сифатлаш мумкин, дейдилар. Сифотийлардан баъзилари «илоҳий сифатлар»ни махлуқлар сифати билан теглаштирган, шунинг учун уларни мушаббихийлар (инсонга ўхшатувчилар) деб ҳам аташган. Бошқа бирлари «илоҳий сифатлар»ни ғоя, «илоҳий субстанция»да мавжуд бўлган моддий бўлмаган реаллик деб ҳисоблашган.

Ровандия: Бу фирқанинг асосчиси III ҳижрий асрда Бағдодда яшаган худосиз файласуф Абу-л-Ҳусайн Аҳмад ибн Яҳё ибн Исҳоқ ибн Ровандий эди. Бу кимса Кошон қишлоғидан бўлиб, ўз даврининг монийлик¹ тарафдорларидан бири эди. Ҳукумат монийларни таъқиб этгани боис у қочиб кетиб, Ибн Ловий деган яҳудий кимсанинг уйида яширинади. Бир қанча вақт у ерда қолиб, ўзининг «ал-Домиғ лил-Қуръон» номли асарини ёзди.

Ровандий дастлаб мўътазила оқимига эътиқод қилар ва кейинчалик эса монийлик йўлини тутди. У жаннатдаги боқий дунёни инкор этувчи ва Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ни таъна ва масхара қилиб «Кўҳна олам» номли китоб ёзди. Тазкиранависларнинг қайд этишларича, унинг илмий меросини 114 та асар ташкил этиб, шулардан 12 таси ислом шариати арконларини таъна қилиб ёзилган. Шундай китобларидан бири «ал-Зумурруд» бўлиб, унда ислом арконларини истеҳзоли ва масхара руҳида рад қилишга уринган. Мазкур асарида «ақл»ни «нақл»дан устун қўйган ҳамда пайғамбарлар ваҳийси ва уларнинг мўъжизаларини, малойикаларни ва Қуръоннинг фасохатини

¹ **Монийлик** – Эронда III асрда вужудга келган дин. Асосчиси Моний. Моний коинотда нур билан зулмат, руҳий асос билан моддий асос, яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги ўзаро курашни эътироф этишга асосланади. Нур, руҳий асос, яхшилик оламида Худо, иккинчисида – шайтон (иблис) ҳукм суради. Монийликка кўра, икки олам кураши фалокат билан тугайди, натижада моддий асос олами ҳалокатга учраб, руҳ озодликка чиқади. Монийлик таълимотига кўра, бу дунё ёвузлик дунёсидир. Инсон 2 унсур (руҳ – нур фарзанди, жисм – зулмат фарзанди)дан иборат мавжудот бўлгани учун зулмат кучларига қарши курашда нур кучларига ёрдам бера олади. Моний само нури элчиси ҳисобланган. Монийликда зардуштийлик ва христианлик ғоялари мавжуд. Монийлик дунёнинг кўп мамлакатларига, жумладан, Италиядан то Хитойга қадар тарқалган. VIII асрда Уйғур хонлигида ҳукмрон динга айланган. Монийлик VIII–IX асрларда Ислом тарафдорларининг таъқибига учради. Кейинчалик Европа ва Осиёда барҳам топди. Хитойда у XIV асрга келиб тақиқланди.

инкор қилган. Аммо бу китоб йўқолиб кетган бўлиб, «Мажолис ал-муайяда»¹ деб номланган китобда ундан олинган сон-саноксиз иктибослар ҳозиргача сақланиб қолган. Ибн Хайёт ал-Мўътазилий ўзининг «ал-Интисор» китобини мазкур асарга раддия сифатида ёзган.

Худосиз файласуф Абу-л-Хусайн Аҳмад ибн Яҳё ибн Исҳоқ ибн Ровандий 298/911 йили Бағдод ва Руқа шаҳарлари ўртасидаги Молик ибн Тукқага қарашли Руҳба деган жойда вафот этди.

Иттиҳодия: Бу фирқанинг тарафдорлари мўътазила оқимиға мансуб Аҳмад Хобид билан қуйидаги фикрига ҳамоҳанг фикрда бўлганлар. У шундай деган: «Оламини икки зот – Худо ва Исо (а.с.) бошқаради. Бири «Қадим», иккинчиси «Ҳодис». Ҳар иккаласи бир-бирига муттаҳид (бирлашган)дир». Сўфиянинг Иттиҳодия фирқаси ушбу фикрга қўшилиб шундай дейди: «Агар кишининг қалби мусаффо бўлиб, маърифат нури билан мунаввар бўлса, иккилик хонасидан югуриб чиқади ва «сен» ва «мен» иборасида маъно қолмайди ва ҳақиқат ошкор бўлади. Шунда ориф маъруфга айланиб, ошиқ маъшук ва маъшук ошиқ бўлади. Худолик ва бандалик ўртадан фарқ кўтарилади ва шунда Худо билан банда ўзаро бирлашади, яъни ягона ҳолатга келади».

Хаддошия: Бу фирқа ровандийлардан ажралиб чиққан бир жамоа бўлиб, Хаддош лақабли асли исми Аммор ибн Бадилнинг имомлигини муқаддаслаштириб, Хуросонда исён кўтардилар. Аммор ибн Бадилнинг Хаддош деб лақаб олишига сабаб унинг юзи қаттиқ тирналган, яъни юзида чақалари кўп бўлган.

Табарий ва Ибн Асир ёзадилар: «Хаддош дастлаб насроний бўлиб, Куфада мусулмонликни қабул қилди ва Хуросонга келди. Дастлаб у ўзини Касирнинг пешвоси сингари Аббосийнинг тарғиботчиси деб таништирди. Кўп ўтмай Хаддош даъват мавзусини ўзгартириб, ибодо йўлини, яъни рухсат этилган, жоиз ва ҳалол қилиш йўлини танлади. Мусулмонларнинг аёллари бир-бирига ҳалол деган иддао билан чиқди. Хаддош Ботиния фирқасини биринчилардан ошкор қилган шахсдир. Хаддош ўзининг барча кирдикорларини

¹ **Мажолис ал-муайяда** – бу асарнинг муаллифи ровандия фирқасининг энг йирик тарғиботчиси Ал-Муаййид Фиддин Ҳибатуллоҳ ибн Али Имрон Шерозий Исмоилий бўлиб, халифа Мустансир Фотимий даврида яшаган.

имом Муҳаммад ибн Али ибн Абдуллоҳ ибн Аббос кўрсатмаси асосида амалга ошираётганини кўп таъкидлар эди. Яъни, Хаддош Аббосийлар даъвати ниқоби остида маздакийлик ва шуюийлик ақидаларини тарғиб қилишга киришиб, диний маросимлар ниқоби остида халқни Исломга эътиқодсиз қилишга уринарди.

Табарий Хаддош ҳақида шундай ёзади: «Хаддош ёлғончи ва уйдирмачи одам эди, халқни Хуррамия динига даъват этарди. Хуросон ҳокими Асад ибн Абдуллоҳ унинг даъватларидан огоҳ бўлгач, уни қўлга олиб, қулоқ, бурнини кесиб, сўнг қатл этишни буюрди».

Каъбия: Улар Бағдод «мўътазила» фирқаларидан ва Каъбий номи билан машҳур бўлган Абул Қосим Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Балхийнинг муридлари бўлиб, Басра мўътазилийлари билан кўп масалаларда келишмас эдилар.

Шундай масалалардан бири шуки, Басра мўътазилийлари айтардилар: «Худойи таоло ўз яратганларини кўра олади, лекин ўзини кўра олмайди». Лекин Каъбий: «Худойи таоло на ўзини ва на ўзидан бошқасини кўра олади, у ўз илми маъносидан бошқасини кўра олмайди», – дерди.

Яна бир масала шундан иборатки, Басра мўътазилийлари айтардилар: «Эшитиш ва билиш Худо билан эмас». Аммо Каъбий ва Бағдод мўътазилийлари: «Худо бирон нарсани англаш маъноси билан англамас ва эшитганда қулоқ билан эшитмас эди. Унинг эшитиш ва билиш сифатини, доно бўлганидан баъзи нарсаларни эшитиши ва кўришини, бошқалар эшитадиган ва кўрадиган нарсаларни субъектив равишда изоҳлади», – дедилар.

Каъбий айтдики, бирор кимса ўлдирилса, уни ўлди деб ўйлаш керак эмас ва банда мафаатини кўзлашни Худога вожиб билди.

Басра мўътазилийлари куч ва қудрат маъноси бўлган соғлиқ ва хотиржамликдан бошқаси бало-офатдан, деган фикрдалар. Лекин Каъбий: «У сихат-саломатликдан бошқа нарса эмас», – деб айтди.

Шуни айтиш керакки, Каъбий Ибн Ҳайётнинг шогирди ва Бағдод мўътазилийларидан бўлиб, «ал-Мақолот» китобининг муаллифидир. У 319/931 йилда вафот этди. У мўътазиланинг саккизинчи табақасидан эди.

Мутавассимия: Бу фирқа нинг номи арабча «тавассум» сўзидан олинган бўлиб, «тавассум»нинг луғавий маъноси «бир нарсани фаросат билан кўриш» ва бирор белги орқали «фаҳмлаш, пайқаш, англаш»дир. Бу фирқа аъзолари айтадилар: «Ўзинг билан қулоқ бўлсин, қулоқ эса дил билан бўлсин ва дил нимани истаса (айтса) шуни бажар. Панд-насиҳатни ёдингда тут, чунки у дилингни ойнасидир. Агар дил пок ва нуроний бўлса, ҳамма нарса раббоний илҳом билан яқин келади, агар кўнгил қоп-қора бўлса, инсон табиатидаги зангдан бошлаб, сенга яқин келган ҳар нарса гуноҳ ва айб бўлади».



РОФИЗИЯ ТОИФАСИ

Рофизия¹: Ўрта асрларда сунний ислом илоҳиётида изчил йўлдан четга чиққан оқимлар, хусусан, шиалар (Абу Бакр (р.а.) ва Умар (р.а.)нинг ҳуқуқини рад этганлари учун) Рофизийлар деб аталган. Кейинчалик Али ибн Абу Толиб (р.а.)ни эъзозлашда ҳаддан ошдилар ва ҳатто уни, яъни Али (р.а.)ни Пайғамбар (с.а.в.) ва муҳожиру ансорийлардан ҳам устун қўйдилар.

Рофизийлар ҳарурийлар каби: «Имон амалда эмас, балки фақат сўздан иборат», – дейди. Али маъсум (гуноҳдан пок) эди, бирон-бир гуноҳ унга нисбат берилмайди. Шунинг учун улар Алига эътимод қилишда ҳаддан ошдилар ва унга бутун вужудлари билан боғланиб қолдилар.

Рофизийлар насронийлар Исо (а.с.)нинг йўл ва сўзларини инкор қилганлари каби Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг суннатларини рад этдилар. У (Пайғамбаримиз)нинг муҳаббатига тажовузкорлик қилдилар ва шу сабабли «рофизийлар» номини олдилар.

Шаъбийдан ривоят қилинади: *«Рофизийлар ҳайвон бўлганларида ёввойи эшак, агар қуш бўлганларида, албатта, йиртқич бўлар эдилар».*

Ибн Аббос (р.а.)дан Ато ривоят қилиб, дейди: *«Қадарийлар сўзи куфр, ҳарурийлар сўзи ҳалокат, рофизийлар сўзи эса залолатдир».* Ибн Аббос (р.а.) Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади: *«Қиёмат яқинлашганда бир қавм пайдо бўлади. Улар аҳли байтимнинг муҳаббатини ўзиники қилиб олган рофизийлардир».*

Аҳли Сунна вал-Жамоа уламолари: *«Али (р.а.) қанчалик улуғ зот бўлмасин, Аллоҳнинг ҳузурида пайғамбарлар даража жиҳатидан ундан кўра улуғроқдир»*, – дейдилар. Инсонларнинг бирортаси пайғамбарлардан улуғроқ даражани орзу қилмайди, агар орзу

¹ **Рофизия** – бу сўз араб тилидан олинган бўлиб, «тарк этиш», «рад этиш», баъзан «маслагидан қайтиш» маъноларида келади. Рофизийлар – Аҳли Сунна вал-Жамоа йўлини рад қилувчилар.

қилса ҳам бу истак унда шайтон васвасаси туфайли пайдо бўлади. Шайтон (инсонларни) нимагаки дучор қилса, Аллоҳ таоло уларнинг барчасини бекор қилиб, ўз оятлари билан ҳукм қилади.

Абу Аёш (р.а.)дан шундай ривоят қилинади: *«Менга маълум бўлишича, Иблис бидъатчилар ҳузурида тўхтайдди. Рофизийлар (гуноҳларининг сабабчиси сифатида) унга ишора қилсалар, (Иблис) улардан уялиб, бошини эгган ҳолда: «Менга улардан кўра севимлироқ қавм йўқ. Уларни ҳеч қачон гуноҳга даъват этмадим. Даъват этган тақдиримда ҳам, улар буборада мендан-да ўзиб кетдилар», – дейди».*

Рофизия тоифасидан ҳам яна бир неча фирқалар вужудга келган.

Алавия: Рофизийлардан пайдо бўлган фирқалардан биринчиси алавий рофизийларидир. Алавийларнинг эътиқодига кўра, пайғамбарлик, аслида, Аллоҳ таоло томонидан Али ибн Абу Толиб (р.а.)га юборилган бўлиб, Жаброил (а.с.) хато қилган. Шунингдек, улар Али (р.а.)га нисбатан «Алини Аллоҳ раҳмат қилсин» жумласини қўлламасдан, аксинча, «Аллоҳнинг салавоти бўлсин», деб айтадилар. Зеро, улар «Али, албатта, Аллоҳнинг элчиси», деб таъкидлайдилар.

Алавийлар Пайғамбаримиз (с.а.в.)ни инкор қилганлари сабаб у зотдан бирорта ҳам ҳадис келтирмадилар. Шу билан бирга, улар Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг суннатларини ҳам инкор қилдилар. Абу Бухтардан ривоят қилинишича, Али ибн Абу Толиб (р.а.)нинг ўзи шундай деганлар: *«Икки хил инсон ҳалокатга учрайди: динда ҳаддан ташқари чуқур кетувчи ва жаҳл-ғазабга берилувчи».*

Аллоҳ таоло ва Унинг Расули динда ортиқча ғулувга боришдан огоҳлантиради, ҳатто Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.) бундай деганлар: *«Динда ортиқча ғулувга боришдан эҳтиёт бўлинглар. Зеро, ғулувга бориш сизлардан олдин ўтганларни ҳалок этиб, қон тўкишга ва ҳаромни ҳалол қилишга олиб келди».*

Омурия: Омурийлар фикрича, Али (р.а.) Муҳаммад (а.с.)нинг пайғамбарликдаги шеригидир. Уларнинг далили: *«Сен мен учун Ҳоруннинг Мусо (га бўлган яқинлиги) кабисан. Фақат мендан кейин пайғамбар йўқ»*, ҳадиси шарифига асосланади. Улар ушбу ҳадисни таъвил қилиб, шундай дейди: *«Ҳорун пайғамбарликда Мусо (а.с.)га*

шерик бўлган эди ва шу тариқа, улар ўзларининг бундай нотўғри фикрларини давом эттириб, алавийлар фирқаси иддаоларидаги Жаброил (а.с.) йўл қўйган «хато» билан боғлиқ даъволарни ҳам инкор қиладилар».

Аҳли Сунна вал-Жамоа наздида, ушбу ҳадиснинг ўзи уларга раддия бўла олади. Чунки Пайғамбаримиз (с.а.в.) Али (р.а.)га: *«Сен мен учун Ҳоруннинг Мусо (га бўлган яқинлиги) кабисан. Фақат мендан кейин пайғамбар йўқ»*, – дедилар. Маълумки, У зот вафот этгандан кейин пайғамбарлик тўхтади ва Муҳаммад (а.с.)нинг *«Мендан кейин пайғамбар йўқ»* деган башоратлари ўз исботини топди. Мусо ва Ҳорун масаласи бошқача, чунки Ҳорун Мусо (а.с.) дан аввал вафот этди (ҳар иккисига Аллоҳнинг салавоти бўлсин). Шундай экан, Али (р.а.) қандай қилиб Пайғамбаримиз (с.а.в.) учун Ҳоруннинг Мусодаги ўрни каби бўлади, ҳолбуки, Али (р.а.) Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан кейин ҳам бир неча йил яшаган.

Расулуллоҳнинг мазкур ҳадисларини Аллоҳ таолонинг қўйидаги сўзи ҳам тасдиқлайди: **«Муҳаммад сизларнинг эркакларингиздан бирортасига ота эмасдир, балки у Аллоҳнинг элчиси ва пайғамбарларнинг муҳридир»** (*Аҳзоб, 40*). Шайх Абдулазиз Мансур ушбу оятнинг тафсирида шундай дейди: Аллоҳ таоло Муҳаммад (а.с.)ни «Пайғамбарларнинг муҳри» деб атади. Зеро, ҳар бир муҳим ёзма ҳужжат охирида муҳр босилгани каби охирги пайғамбар келгач, пайғамбарлар китобига ҳам муҳр босилгандек бўлди.

Шиа: «Шиа» сўзи луғатда «тарафдор» маъносини англатади ва уларнинг эътиқодига кўра, Али (р.а.)га Пайғамбаримиз (с.а.в.) васият қилганлар ва (шунга кўра) Али (р.а.) Пайғамбаримиз (с.а.в.) нинг ўринбосаридир. Пайғамбаримиз (с.а.в.) Али (р.а.)га Аллоҳ таоло йўлида амал қилишга буюрдилар.

Уларнинг эътиқодига кўра, инсонлар Расулуллоҳ (с.а.в.) вафотларидан кейин У зотнинг буйруқларини инкор қилдилар ва Али (р.а.)дан бошқа инсон (Абу Бакр Сиддик)га байъат қилдилар ҳамда шу тариқа, кофир бўлдилар. Шиа тарафдорлари ўз сўзларига Аллоҳнинг: **«Дарвоқе, сизларнинг дўстингиз фақат Аллоҳ, Унинг Расули ва имон келтирганлар ҳамда намоз ўқийдиган**

ва рукуъ қилган ҳолларида ҳам закот (садақа) берувчилардир» (Моида, 55) ояти каримаси¹ билан далил келтирадилар».

Аҳли Сунна вал-Жамоа наздида, Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан кейин халифалик Абу Бакр, сўнг Умар (р.а.)ларга насиб қилиб, уларнинг халифалигига муҳожирлар² ҳам, ансорлар³ ҳам рози бўлган. Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Менинг умматим залолат устида бирлашмайди», – деганлар. Шунга мувофиқ бутун уммат Абу Бакр ва Умар (р.а.)ларнинг халифалигига байъат қилганлиги сабаб иккисининг бошқа ҳар қандай инсондан бу даражага муносиброқ эканлиги маълум бўлади.

Шиалик оқимининг Аҳли Сунна вал-Жамоа ақидасидан фарқ қиладиган асосий қарашлари қуйидагича:

Ширк. Яъни, шиа фирқаларидан Ҳазрат Али ва ундан кейинги имомларга сиғиниш керак дейдиганлари бор. Бунда улар ўзларича Қуръони карим китобига қилган изоҳларига суянадилар.

Бадъ. Яъни, Аллоҳ ҳам инсон каби олдин билмаган нарсаларини ўрганиб билиб боради, дейдилар. Аҳли Сунна вал-Жамоа уламолари эса Аллоҳнинг илми азалий, у ўзгармайди, Унга номаълум бўлган илм йўқ, дейдилар.

Исма. Яъни улар Али ибн Абу Толибдан бошлаб ўн икки шиа имомларини худди пайғамбарлар каби гуноҳ ишлардан пок деб эътиқод қиладилар.

Таҳриф. Қуръони каримни ўзгартириб юборилган деб санайдилар. Мусулмонлар қўлидаги ҳозирги Қуръони каримнинг кўп жойи тушириб қолдирилган ва унга ёт нарсалар қўшилган, дейдилар.

¹ Бу оят Ҳазрат Али ибн Абу Толиб (р.а.) хусусида нозил қилинган. У киши намозда рукуъга энгашиб турганларида, бир гадо келиб тиламчилик қилади. Ҳазрат Али бармоғидаги узукни чиқариб, гадо томонга отиб юборадилар.

² **Муҳожир** – [араб. – кўчиб ўтган] Макка фатҳига қадар Муҳаммад (с.а.в.)га эргашиб Мадинага кўчиб борган мусулмон.

³ **Ансор** – [араб. – ёрдамчилар, сафдошлар] Муҳаммад (с.а.в.) саҳобийлари табақасининг номи. Маккадан 622 йил Мадинага кўчиб борган мусулмонлар (муҳожирлар)га ва Муҳаммад (с.а.в.)га ёрдам берган ҳамда ислом динини қабул қилган мадиналик Авс ва Ҳазраж қабилаларининг вакиллари. Ансорлар муҳожирлар билан бирга илк мусулмон жамоасини ташкил этган.

Маҳди йга итоат. Охирзамонда чиқадиган имом Маҳдийга биринчи бўлиб, Муҳаммад, сўнг Али, Ҳасан, Хусайн ва бошқа имомлар қўл бериб байъат (итоат қилишга қасамёд) қилармишлар.

Халифа ва улуғ аёл саҳобаларни хорлаш. Улар Абу Бакр, Умар, Усмон ва Муовияни ҳамда Оиша, Ҳафса, Хинд ва Уммулҳакамларни бутлар деб атайдилар ва уларни ашаддий душман деб ҳисоблайдилар.

Фотимага эътиқод. Шиалар Муҳаммад (с.а.в.)нинг фақат Фотима деган бир қизлари бўлган, қолган Зайнаб, Руқия, Уммулкулсумлар бошқаларнинг қизлари, дейишади.

Муҳаммад (с.а.в.)нинг амакилари Аббос ва Ақилни мусулмон санамайдилар.

Саҳобаларни инкор этиш. Абу Бакр, Умарни ва уларни яхши кўрувчиларни кофир деб биладилар.

Нифоқ. Ши аҳли тақия, яъни икки юзламачиликни савоб ишлардан ҳисоблайди.

Мутъа. Улар маълум муддатга аёлни никоҳлаб олиб, сўнг ташлаб кетишни шаръан жоиз деб ҳисоблайдилар.

Хизматкор аёллар билан беникоҳ алоқа қилишни жоиз дейишади.

Ўз аёлларига «лавота»ни (ортига яқинлик қилишни) жоиз деб ҳисоблайдилар.

Имом Хусайнга мотам туғиб, ҳар йили Муҳаррам ойининг ўнинчи куни дод солиб йиглаш, ёқа йиртиш ва юзларини уриб қонатишни савоб ишлар сирасига киритадилар.

Шунингдек, ши а оқимида яна қуйидаги ақидалар илгари сурилади:

Имом ат, яъни Пайғамбар ўринбосарлиги ёки ислом давлати раҳбарлиги Пайғамбар васиятига биноан фақатгина Пайғамбарнинг кизи Фотимадан туғилган Алининг эркак авлодларига хос деб ҳисоблашади.

Ибн Жалдун таъкидлашича, шиалар ақидасига биноан имомат масаласи ислом қондаси ва динининг асоси бўлгани учун уни белгилаш ҳамда тайинлаш ислом жамоаси (уммат)га

топширилган эмас. Пайғамбар томонидан ушбу ваколат умматга берилмаган. Ислом жамоаси учун имомни тайинлаш Пайғамбарга вожибдир. Улар наздида, саҳобаларнинг афзали ва Пайғамбар томонидан биринчи халифа қилиб танлангани Али ибн Абу Толиб эди.

Шиалар ақидасига биноан, «имомлар» оддий инсонлар жумласидан бўлмай, қуйидаги хусусиятларга эга бўладилар:

Биринчидан, фақат Пайғамбарнинг қизи Фотимадан туғилган зотлар ва уларнинг болалари Пайғамбар оиласи ҳисобланиб, улар имомлик ваколатининг ҳақиқий ва қонуний эгаларидир.

Иккинчидан, имом пайғамбар эмас. Имомлар пайғамбар билан оддий инсонлар ўртасида туради.

Учинчидан, имом ҳар қандай гуноҳдан пок бўлиб, ҳеч қачон гуноҳ ва хато қилиши мумкин эмас.

Тўртинчидан, имом барча бўлиб ўтган ва қиёмат кунигача юз берадиган ишлардан илҳом орқали воқифдир.

Бешинчидан, Қуръонни тафсир қилиш фақат имомга хосдир.

Шунинг учун шиалар имоми суннийлар имоми, яъни халифасидан фарқли ўлароқ, биринчи муаллим, ғайбни билувчи, Пайғамбар билимларининг меросхўри бўлган зот ҳисобланади. Сафо Забиҳулло¹ айтишича, Али зоҳирий ва ботиний (ички) билимларни Пайғамбардан ўрганган. Унинг қобилияти ўзидан кейин авлодларига ҳам ўтган. Имомларнинг ҳар бири ўз замонида аҳолини ўз илмларидан хабардор қилиб келганлар. Шунинг учун шиалар имомлардан ривоят қилинмаган ҳадисларни қабул қилмайдилар.

Шиаларга, айниқса, жаъфария мазҳабига хос бўлган бир қатор хусусиятлар қуйидагилардир:

- имомат – давлат бошқарувини имомларга хос деб ишониш;
- Қуръонни ва ундан кейин ўз имомлари томонидан ривоят қилинган ҳадисларни асосий манба сифатида қабул қилиб, ижмоъ ва қиёсни рад этиш;
- айрим намозларни бир вақтда қўшиб ўқиш;

¹ Сафо Забиҳулло – «Ислом маданиятида ақлий фанлар тарихи» асарининг муаллифи.

— таҳорат қилишда оёқларни ювмасдан унга масҳ тортиш;

— вақтинча никоҳни қонуний деб билиш (Эрон Ислом Республикаси Фуқаролик қонунининг 6-бўлим 1075–1077-моддаларида вақтинча никоҳ «Никоҳи мутъа» номи билан қонуний деб қабул қилинган);

— тақия, яъни хавфли жойларда ўз эътиқод ва мазҳабини яшириш;

— азон айтишда «ашҳаду анна Алиян валиюллоҳ» (гувоҳлик бераман Али Аллоҳнинг валийси, яъни дўстидир) иборасини қўшиб айтиш;

— аҳли китоб¹ аёлларига уйланишни ҳаром деб билиш.

Шунингдек, улар талоқ икки одил киши гувоҳлигида айтилса қонуний кучга эга бўлади, бола бир аёлни бир кеча-кундуз ёки кетма-кет ўн беш марта эмгандагина эмизиш ҳукми жорий бўлади, деб ҳисоблайдилар.

Шиалик оқими асосан икки гуруҳга бўлинади: ғулот, яъни кўп муболага қилувчи шиалар ва муътадил шиалар.

Низорий исмоилийлар имомни пайғамбардан устунроқ қўяди. Негаки, уларнинг ақидасига кўра имомат бир ўлмас ва доимий асл (асос)дан иборат. Агар имом бир лаҳзага ушбу дунёдан кетганида эди, ҳамма нарсалар нобуд бўларди. Аммо нубувват (пайғамбарлик) вақтинча бир мазҳабий ишдан иборат бўлиб, Худо ўз пайғамбарини имомнинг нотиғи (сўзловчиси) сифатида юборади.

«Исломда ҳуқуқ» китобида берилган маълумотларга кўра, Оғахоннинг издошлари бўлмиш ҳиндистонлик хўжалар ўз имомларини «Мавлоно, ҳозир бўлган имом», яъни «Ғойиб бўлмаган имом» деб атаганлар. Баъзи бошқа гуруҳлар эса бундан ҳам чуқур кетиб, «Пири Садриддин» таълимоти асосида ўз имомларини ҳинд

¹ **Аҳли китоб** – [араб. – *китоб аҳли*, мазмунан ўз диний китобига эга бўлган халқлар] – ислом ақидасига кўра, мусулмонлардан олдин илоҳий китобга (Таврот, Забур, Инжил) эга бўлган умматлар. Аҳли китобга христианлик ва яҳудийликка эътиқод қилувчилар киритилган. Ҳозирги кунда Забурга эътиқод ва амал қилувчилар бўлмаганлиги сабабли аҳли китоблар дейилганда насоро ва яҳудийлар тушунилади.

мазҳаблари эътиқоди таъсирида Вишну, яъни инсон қиёфасига кириб, ерга келган Худо деб эълон қилганлар.

Мазкур хатоликни уларнинг сиғиниши жараёнида очиқ-ойдин кўрса бўлади, яъни улар: «...Худо ўзини шоҳ Мавло Али Муртазо вужудида кўрсатган. Биз ҳақиқатга бўлган ишқимиз туфайли сенинг ҳулулинг¹ (Алининг вужудига кирганинг)ни эъзозлаймиз...», деб худолик сифатини Алига берган ҳолда ўз эътиқодларини намоён қилганлар. Айна ҳолда хўжалар Худонинг бирлиги, Муҳаммаднинг пайғамбарлиги ва амирул-мўминин Алининг муқаддаслигига гувоҳлик берганлар.

Муътадил шиалар асосан учта мазҳабга бўлинади. Уларнинг асосий фарқлари имомларнинг сони нечта бўлишидан келиб чиқади. Улар жаъфария, исмоилия ва зайдия мазҳабларидир.

Исҳоқия: Исҳоқ ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абон тарафдорлари. Исҳоқийлар эътиқодига кўра, пайғамбарлик Одам (а.с.)дан то қиёмат кунига қадар муттасил равишда давом этиб, мавжуд бўлади. Аллоҳ таоло бандалари ўртасидан Ўзининг пайғамбарликдан иборат ҳужжатини кўтармайди. Зеро, ҳужжатни кўтариб, яна тушириши амри маҳолдир. Кимки аҳли байт ва Куръони карим илмини чуқур ўрганса, у, албатта, пайғамбардир. Аҳли Сунна вал-Жамоа наздида эса, Аллоҳнинг пайғамбари Муҳаммад (с.а.в.) дан сўнг пайғамбар бўлмайди.

Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбарларнинг энг охиргиси ва у зоти шарифнинг умматлари эса умматларнинг энг охиргисидир.

Насрия: Бу фирқа икки кичик гуруҳ Насрия ва Исҳоқия гуруҳларидан ташкил топган бўлиб, шиалар орасида энг тажовузкори ҳисобланади. Исҳоқия тарафдорларининг бузук ақидаларидан бири «илоҳ» лафзини аҳли байтлардан бўлган имомларга нисбатан қўллаш мумкин ёки мумкин эмаслиги масаласидир. Уларнинг аксар тарафдорлари, Ҳазрат Али (р.а.) ни илоҳ дейиш мумкин, дейдилар. Насрия гуруҳи эса Ибн

¹ **Хулл** - [араб. ҳалла феълидан – кўчмоқ, жойлашмоқ] – бир буюмнинг бошқасида бўлиши, жойлашиши, намоён этиши. Исломда хулл тарафдорлари ғолий шиалар ҳисобланиб, улар Али (р.а.) ва айрим суфийларни илоҳийл аштирганлар.

Мулжамга шундай нисбат берадилар, чунки, «У вафот этганидан кейин носутлик ҳолатидан чиқиб (тупроқдан ясалган жасаддан руҳи чиқиб) лохутлик (латифлик) ҳолатига қайтган», дейдилар. Мазкур фирқанинг бузуқ ақидаларини қўллаб-қувватлаб, ёрдам берувчилар ҳам бўлган.

Афтахия: Бу фирқа шиалардан ажралиб чиқиб, имомликни имом Жаъфар Содикдан унинг ўғли Ҳазрат Абдуллоҳ ибн Жаъфарга ўтишини эътироф этади. Бу фирқа тарафдорлари олти имомлик имоматга то имом Жаъфар Содикгача деб эътиқод қиладилар. Ундан сўнг Жаъфар Содикнинг ўғли Абдуллоҳ Афтахни имом деб тан оладилар. Абдуллоҳ ибн Фотиҳнинг калласи катта ва кенг пешонали бўлганлиги сабаб унинг лақаби «афтах»¹ эди.

Абдуллоҳ имом Жаъфар Содикнинг тўнғич фарзанди бўлганлиги боис у шундай дерди: имомлик аввалги имомнинг катта авлодидадир. Ҳазрат Жаъфар Содик шундай васият қилдилар: «Менинг мажлисимда ўтирган ҳар бир одам имомдир. Имом вафот этса, унинг жасадини имомдан бошқа одам ювмасин, жаноза намозини ўқимасин, унинг узугини қўлига тақмасин ва маййитни ерга имомдан бошқа ҳеч ким қўймасин ва мен шундай ишларнинг мутаваллиси эдим».

Шайх Муфид ёзади: «Жаъфари Содикнинг бу айтганлари имомлик катта авлоддан бошқаси бўлмасин, дегани ҳадиси шарифдан бўлиб, ҳеч ким уни баён этмаган, чунки у билан бир шарт бирга бўлган. Мазкур шарт шундайки, имом ўринбосари айб ва гуноҳлардан холи бўлиши даркор». Аммо Абдуллоҳ ибн Жаъфар эса айбдан холи эмас эди, чунки у муржиа тоифасидан эди.

Баъзи Бир ривоятларга кўра, бир куни Абдуллоҳ отаси Жаъфар Содикнинг ҳузурдаги мажлисга борди. Жаъфар Содик ўғли Абдуллоҳ то йиғиндан чиқиб кетмагунича жим ўтирди. Мажлис аҳлларидан бири жим турганлик сабабини ҳазратдан сўради. Жаъфар Содик ўғли Абдуллоҳнинг муржиа тоифасидан эканлигини айтди.

Имом Жаъфар Содикдан сўнг аксарият мусулмонлар Абдуллоҳга эргашиб кетдилар, аммо мустаҳкам эътиқод эгаларигина ундан юз

¹ Афтах – [араб. – катта каллали, кенг пешонали].

Ўғирдилар. Чунки улар Абдуллоҳнинг ҳеч қандай илми йўқлигини билар эдилар. Жаъфар Содикнинг вафотидан етмиш кун ўтгандан сўнг Абдуллоҳ ҳам вафот этди. Абдуллоҳнинг ўғли йўқлиги сабабли имомат унинг укаси Мусо Козимга ўтди. Афтахийларнинг аксарияти Мусо Козимнинг имомлигини тан олдилар.

Абдуллоҳ ибн Жаъфар ҳашвия ва муржиа тоифасига мойил эди. У ўлгач, ундан фарзанд (ўғил) қолмади. Унинг қабри Бастом шаҳрида, Боязид номи билан танилган Али ибн Исо ибн Одам қабри ёнидадир.

Новисия: Басралик Ажилон ибн Новисга нисбат берилган. Улар жаъфарийлар ҳам деб айтилади. Новисийлар наздида, Али (р.а.) Муҳаммад (с.а.в.)га яқин қариндош, жанг қилишда жуда чидамли бўлганлиги сабаб ушбу умматнинг энг афзалидир. Улар Абу Бакр ва Умарнинг фазилатларини инкор қиладилар ҳамда «Кимки Абу Бакр ва Умарни Алидан устун кўрса, у кофир бўлибди», деб айтадилар ҳамда ўзларининг бу даъволарига бир қанча оятларни далил келтирадилар.

Абу Ҳанифадан ривоят қилинишича, Али (р.а.): «Сизларга ушбу умматнинг пайғамбаридан сўнг яхшилари ҳақида хабар берайми?», – деди. Улар: «Хабар беринг!», – дедилар. Али (р.а.): «Абу Бакр ва Умар», – деди.

Аҳли Сунна вал-Жамоа уламолари шундай дейдилар: «Али ибн Абу Толиб Абу Бакр ва Умарни ўзидан афзал билди. Шундай экан, биз унинг шахсиятига чуқур киришиб кетиб гуноҳкор бўлмаслигимиз керак. Кимки Абу Бакрдан Алини афзал кўрса, муҳожирлар ва ансорларга қарши чиққан бўлади».

Ҳакамдан ривоят қилинади: «Али ибн Абу Толиб (к.в.): «Мени Абу Бакр ва Умардан афзал кўрманглар», – деди.

Нажжория: Бу фирқа шиалардан ажралиб чиққан бўлиб, Абулқосим Нажжорни Худо деб эътиқод қилган. Нажжорийлар ўз даврида Яман ва Ҳамадон ноҳияларида ал-Мансур номидан исён ҳам кўтарганлар.

Ханноқия: Бу фирқа шиалардан ажралиб чиққан бўлиб, Абу Мансур Ижлийнинг тарафдорлари ва муридлари эди. Бу фирқанинг

асосчиси эса Абу Мансур Ижлийнинг ўғли Хусайн бўлиб, у ўз тарафдорларига мухолифларини бирин-кетин бўғиб ўлдиришни буюргани учун уни Умар ал-Ханноқ лақаби билан аташар эди. У отаси Абу Мансур Ижлий каби пайғамбарликни даъво қилди. Унинг ботил эътиқодига қарши чиққанларни ўз тарафдорларига уйларига тўсатдан бостириб бориб, бўғиб ўлдиришни буюриб, «бу иш пинхоний жиҳоддир», деб фатво берди. Шунинг учун ҳам унинг тарафдорларини ханноқийлар, яъни бўғиб ўлдирувчилар деб аташган.

Ханноқийларнинг бу қилмишларидан халифа Маҳдий Аббосий хабардор бўлиб, уларнинг барчасини қўлга тушириб, дорга остирди ва йиғган барча бойликларини тортиб олди.

Яъқубия: Бу фирқа шиалардан ажралиб чиққан энг ашаддий радикаларидан бўлиб, улар Муҳаммад ибн Яъқуб асҳобларидан эдилар. Уларнинг ботил эътиқодига кўра, Али (р.а.) булутлар орасида дунёга келган эмиш.

Нўъмония: Бу фирқа шиалардан ажралиб чиққан бўлиб, унинг тарафдорлари Мўмин Алтоқ номи билан машҳур бўлган Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Нўъмон Аҳулнинг муридларидир. Аллома Тусий Абу Жаъфарни гоҳида имом Жаъфар Содиқнинг шериги ва гоҳида имом Мусо Козимнинг дўстларидан, деб ҳисобларди. Абу Жаъфарнинг ақидалари ўта бузуқлиги сабаб мухолифлари унга Алтоқ, яъни шайтон деб лақаб берган эдилар. Шунинг учун ҳам Абул-Ҳасан Ашъарий бу фирқани шайтония деб атаган.

Нажжория: Мазкур фирқа шиалардан бўлиб, унинг тарафдорларининг аксарияти Ҳинд сайидларидан бўлиб, уларнинг боболари бўлмиш Саид Жалол Розий Ироқ томондан Бухорога келади. Аммо бу ернинг маҳаллий аҳолиси ҳанафий мазҳабида собитқадам эканлигини кўриб, ўзининг эътиқоди билан бу ерда яшаши қийин бўлишини фаҳмлайди. Сўнг бу ерни тарк этиб, Кобулга кўчиб ўтади. У ерда ҳам ҳанафий мазҳабига эътиқод қилувчилар кўплиги сабабли Ҳинд вилоятига борди ва маҳаллий аҳоли билан ўз диний эътиқодини яшириб кун кечиради.

Имомия: Шиаликдаги асосий оқимлардан бири бўлиб, Али (р.а.) авлодига тааллуқли ўн икки имомнинг имомликларини

эътироф этишади ва бошқаларнинг имомлиги уларнинг фикрича ботилдир. Шунинг учун ҳам имомийларнинг иккинчи номи исноашрийлардир¹.

Имомийлар ўн биринчи имом Ҳасан Аскарӣ (ваф. 259/873 й.)дан кейин унинг ёш ўғли Муҳаммадни охирги, ўн иккинчи имом деб тан оладилар. Ривоятларга кўра, бу имом йўқолган деб ҳисобланади. Имомийлар уни «яширинган имом», яъни Маҳдий деб эълон қилиб, у қайтиб келиши билан адолат тантана қилади, деб ҳисоблайдилар. «Яширинган имом»га эътиқод имомийларнинг асосий ақидаларидан биридир.

Шунингдек, улар охирги имом келишини ҳамон кутадилар. Имомийлар: «Ҳусайннинг авлодидан имом бўлмаса, дунё бўлмайди. Имом – ер аҳлининг энг билимдони. У илми ҳеч кимдан ўрганмайди, балки унга Жаброил (а.с.) ўргатади. Агар у вафот этса, ўрнига унга ўхшаш имом алмаштирилади. Кимки Жаброил (а.с.) илм ўргатадиган имомни билмаса, унинг ўлими жоҳилият давридаги ўлим кабидир. Ҳаётӣ дунёда имомлиги ошкор бўлган ёки мазкур сифатларни ботиний мужассам қилган имом, албатта, бўлиши шарт», деб эътиқод қиладилар.

Саккокия: Бу фирқанинг асосчиси III ҳижрий асрнинг биринчи ярмида яшаган имомия фирқасининг мутакаллимларидан бири Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Халил Саккок бўлиб, у Аллоҳни ўзича бир олам ва Унинг олами васфини Унинг зоти сифатидан деб ҳисоблаган. У Абу Муҳаммад Ҳишом ибн Ҳукм (ваф. 199/815 й.)нинг шогирди ва Жоҳиз, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Искофӣ, Абулфазл Жаъфар ибн Ҳарб каби бир неча машҳур «мўътазил» олимларининг замондошларидан эди.

Усулия: Бу фирқа имомийлар диний-ҳуқуқ тизимидаги оқимлардан бири. Унда шариат масалаларида қиёс ва ижмоъ асосида обрўли илоҳиётчиларнинг берган фикрларига асосланиш кенгроқ ўрин олган. Шунинг учун усулия имомийлар орасида ахборийлардан кўра кенгроқ тарқалган.

Ахбория: Бу фирқа X асрда шаклланган бўлиб, имомийларнинг диний-ҳуқуқ тизимидаги оқимларидан бири. Унинг тарафдорлари

¹ **Исноашрийлар** – бу сўз араб тилидан олинган бўлиб, ўн иккинчилар, яъни ўн икки имом тарафдорлари маъносини англатади.

Ахбор¹ ривоятларини фикҳнинг асосий манбаи деб ҳисоблайди. Ахборийлар имомийларнинг яна бир ҳуқуқий оқими бўлган усулияга қараганда камроқ тарқалган.

Исноашария: Исноашария фирқаси шиа мазҳабининг энг кўп тарафдорларга эга оқимларидан бири бўлиб, ўн икки имомга эътиқод қилади. Улар Ҳазрат Али (р.а.)дан бошланиб, Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ал-Маҳдий Оли Муҳаммад (с.а.в.) билан тугайди. Уларни аввал сабъия ёки етти имомлик фирқаси деб атаганлар. Улар эътиқод қиладиган ўн икки нафардан иборат имомлари сонини Қуръоннинг қуйидаги оятларига ишора қилиб, уларга таянадилар: «Аллоҳ Исроил авлодидан аҳд олди ва Биз улардан ўн икки йўлбошчини (танлаб) юбордик...» (*Моида, 12*), «Уларни ўн икки уруғ-уммат қилиб бўлиб ташладик ва Мусодан қавми сув талаб қилганда, унга: «Асойинг билан тошни ургин!» – деб ваҳий қилган эдик, (ургач) ундан (тошдан) ўн икки чашма отилиб чиқди...» (*Аъроф, 160*), «Албатта, Аллоҳнинг наздида ойларнинг адади – Аллоҳнинг осмонлар ва Ерни яратган кундаги битигига мувофиқ – ўн икки ойдир...» (*Тавба, 36*).

Исноашария оқимининг баъзи далилларига қараганда имомлик фақат яқин қариндошлардан иборат. Имомийлар наздида имомликка лойиқ инсон ва унга қўйилган талаблар қуйидагича:

Имомнинг ахлоқан софлиги вожибдир, чунки имом маъсум ва пок бўлмаса, аҳкомларни етказишда унга ишонч сусаяди, ундан ташқари эҳтимол имом вазифасини бажариш ва бошқаришда адолатга хилоф иш тутиши мумкин.

Имомни тайинлаш фитна ва низони бартараф этиш воситасидир, чунки имомни халқ тайин этса, бу низо ва ихтилоф кескинлашади.

Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳаётлик вақтларида Мадинада узоқ сафарга чиққанларида ўз ўринларига ўринбосар (халифа) тайинлаганлар. Модомики ҳаёт бўла туриб, ўзларига ўринбосар тайинлаган эканлар, қандай қилиб ўзларидан сўнг халифа тайинламасинлар.

¹ **Ахбор** – [араб. – хабарнинг кўплиги, хабарлар] – шиаларнинг муқаддас ривоятлари. Муҳаммад (с.а.в.) ва Али (р.а.)нинг сўзлари, фаолияти тўғрисидаги ривоятлар тўплами. Ахбор Қуръондан кейинги муқаддас манбалардан ҳисобланади. Сунна Муҳаммад (с.а.в.) ва саҳобаларнинг, ахбор эса фақат пайғамбар ва унинг оила аъзолари, Али (р.а.) ва бошқа имомларнинг фаолияти ҳақидаги ривоятларни ўз ичига олади. Ҳадис олимларининг истилоҳида ахбор сўзи ҳадис сўзининг синоними шаклида қўлланилади.

Исноашария фирқаси «Насси жалий»¹га ишонадилар, яъни «Насс»ни ва ошкора тайин этишни эътироф этадиган кишилар айтадилар: Худонинг расули (с.а.в.) «Насси жалий»га ғадир кунида² ўзига ўринбосар танладилар ва ошкора равишда уларни умматга имом этиб тайинладилар.

Исноашарийлар Ҳазрат Али (р.а.) имоматига Қуръони каримнинг қуйидаги оятларини далил қилиб келтирадилар: **«Дарвоқе, сизларнинг дўстингиз фақат Аллоҳ, Унинг Расули ва имон келтирганлар ҳамда намоз ўқийдиган ва рукуъ қилган ҳолларида ҳам закот (садақа) берувчилардир»**³. (*Моида*, 55). **«Ана, энди бугун, динингизни камолига етказдим, неъматимни тамомила бердим ва сизлар учун Исломни дин бўлишига рози бўлдим...»** (*Моида*, 3). **«Эй, Расул! Раббингиздан Сизга нозил қилинган нарса (оятлар)ни (одамларга) етказинг! Агар (буни) қилмасангиз, Унинг рисоласи (топшириғи) ни етказмаган бўлурсиз. Аллоҳ Сизни одамлар (зарари) дан сақлагай....»** (*Моида*, 67). **«(Аммо) агар сизлар унинг (Пайғамбарнинг) зарарига ҳамкорлик қилсангиз, у ҳолда, шубҳасиз, Аллоҳнинг ўзи ҳам, Жаброил ҳам, аҳли солиҳ мўминлар ҳам унинг ҳимоячисидирлар...»**. (*Таҳрим*, 4).

Яна бошқа бир ояти каримани далил қиладилар: **«Сизга келган шу (ҳаққоний) билимдан кейин (насронийлардан) ким Сиз билан (Исо) тўғрисида баҳслашмоқчи бўлса, (ундай кимсаларга) айтинг: «Келинлар, ўғилларимиз билан ўғилларингизни, хотинларимиз билан хотинларингизни, ўзимиз билан ўзларингизни чорлаб, сўнгра (биргалиқда) илтижо қиламиз, бас, ёлғончиларга Аллоҳ лаънатини тилаймиз»**⁴. (*Оли Имрон*, 61).

¹ **Насс** – насс иккига насси жалий ва насси хафийга бўлинади. Насси жалий, яъни очиқ ҳужжат. Ундан мурод оят ва ҳадисларнинг зоҳирий маънолари. Насси хафий эса, очиқ-равшан бўлмаган ҳужжат. Ундан мурод оят ва ҳадисларнинг зимнидаги яширин маънолар.

² **Ғадир кун** – Ҳазрат Али (р.а.)ни Муҳаммад (с.а.в.)га ўринбосар деб эълон қилинган кун.

³ Бу оят Ҳазрат Али ибн Аби Толиб (рз.) хусусида нозил қилинган. У киши намозда рукуъга энгашиб турганларида, бир гадо келиб тиламчилик қилади. Ҳазрат Али бармоғидаги узукни чиқариб, гадо томонга отиб юборадилар (Мд.).

⁴ Мазкур оятнинг тафсирида Шайх Абдулазиз Мансур қуйидагича изоҳ беради: Нажрон қабиласининг епископи Оқиб бошчилигида насронийлар баҳслашув белгиланган жойга яқинлашганларида Пайғамбаримиз набиралари – Ҳасан, Хусайн ва қизлари Фотима билан келаётганини кўришади. Шунда Оқиб ўз

Исноашарийлар мазкур оятларни шундай шарҳлайдилар: Бу оятларни келтиришдан мурод, Ҳазрат Али (р.а.)нинг валийлигидир, чунки бунга бундан олдинги ҳадисларга таянадилар.

Исноашария оқими аъзолари имомлар қуйидаги меросга эга деб эътиқод қиладилар: Ҳазрат Али (р.а.) шаҳид бўлмасдан олдин ўз «Китоб»и ва «Аслаҳа»сини ўз фарзанди Имом Ҳасанга топширди ва шиа улуғлари ҳузурида шундай марҳамат қилдилар: Эй фарзандим, Расулуллоҳ (с.а.в.) менга буюрдиларки, сени ўз васийим қилдим. Расулуллоҳ (с.а.в.) ўз «Китоб»и ва «Аслаҳа»сини менга ато қилганларидек, сизга топшираман. Менга буюрдиларки, сизга топшириқ берайин, қачонки қазо кунингиз етса, уларни Ҳазрат Ҳусайнга топширинг. Сўнг юзларини Ҳазрат Ҳусайнга буриб айтдилар: Худо пайғамбари (с.а.в.) сизга топшириқ берадилар, имоматнинг омонатини сақлагин. Шунингдек, ўз фарзандингиз Али ибн Ҳусайнга топширсин ва Али ибн Ҳусайн ҳақида буюрдиларки, у ҳам имомат омонатини ўз фарзанди Муҳаммад ибн Алига топширсин.

Шиаларнинг ўн икки имомларининг номлари тартиб билан қуйидагича келган:

Имом Али ибн Абу Толиб шаҳид (40/660 й.

Имом Ҳасан ибн Али шаҳид 49/669 й.

Имом Ҳусайн ибн Али шаҳид 61/681 й.

Имом Али ибн Ҳусайн шаҳид 95/714 й.

Имом Муҳаммад Боқир шаҳид 115/733 й.

Имом Жаъфари Содик шаҳид 148/765 й.

Имом Мусо Козим шаҳид 173/789 й.

Имом Али Ризо шаҳид 203/818 й.

Имом Муҳаммад Жавод (Тақий) шаҳид 220/835 й.

Имом Али Тақий шаҳид 254/868 й.

Имом Ҳасан Аскарӣ шаҳид 260/874 й.

Имом Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ал-Маҳдий (ғойиб бўлишининг бошланиш санаси 329/941 й.).

издошларига: «Эй, насронийлар жамоаси! Ортингизга қайтаверингиз! Мен биз сари келаётган шундай зотларни кўраяпманки, улар агар Аллоҳдан тоғни кўчиришни сўрасалар ҳам ижобат қилиши аниқ», – деб қайтиб кегишган экан (Мд.).

Исноашарийларнинг эътиқодига кўра, имомларни пайғамбарлар сингари Худо томонидан руҳни кўтарувчи (илҳомлантирувчи) деб биладилар ва шундай дейдилар: имом умумхалқ устидан раҳбарлик қилади ва унинг мақоми оддий инсондан устундир. Худо одамни яратган кундан бошлаб, Ўз нурина пайғамбарларга ва улардан сўнг имомларга тажаллий қилади. Имомни оддий инсон қаторидан анча юқори олиб чиқади, уни асрлар, балки минг йиллар ҳеч бир зарарсиз ва озорсиз, заифлашмасдан ва қаримасдан оддий инсонда ҳаёт ва ўлимга омил бўладиган жисмоний бадан билан яшашга қодир қилади ва Худо амри билан ғойиблик тузоғидан зухур бўладилар.

Қизилбошлар: Бу фирқа тарафдорлари Анатолияда қизил салла кийиб юрганлари учун уларни қизилбошийлар деб аташар эди. Шунингдек, дастлаб қизил салла Шоҳ Исмоил Сафавий ва унинг лашкарининг шиори ҳамда Султон Ҳайдарнинг қизил тожи рамзи ҳисобланган, ўн икки тарами ўн икки имом нишонаси деб ҳисобланган.

Қизилбошлар фирқаси курд ва турклардан ташкил топган бўлиб, уларнинг ботил эътиқодига кўра, соч олинмайди, узун соқол қўйилади, беш вақт намозни ўқиш шарт эмас, рамазон ойида рўза тутилмайди, фақат муҳаррам ойининг бошида ўн икки кун рўза тутиб, Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайннинг шаҳид бўлгани учун йиғлайдилар.

Шунингдек, фирқа тарафдорларининг яна бошқа ботил эътиқодига кўра, муқаддас фаришталар Исо (а.с.), Мусо (а.с.) ва Довуд (а.с.)ларнинг баданига ҳулул қилган ва Худо ўзи эса Али (а.с.) да гавдаланар эмиш. Шунингдек, Исо (а.с.) ва унинг онаси Марям бинт Имронга илоҳий тус берадилар. Улар беш вақт намоздан фақат шом намозини овоз чиқариб ўқийдилар. Гоҳида эса ўз ибодатларида мусиқий асбоблар чалардилар. Уларнинг ибодатлари сирасига «чироқ тутувчилар кечаси», яъни туркчасига «чироғи сундирон» деб номланган алоҳида маросимлари бор. Улар мазкур маросим кечасида ўз гуноҳлари учун йиғлаб, пушаймонлик изҳор этадилар, сўнг бир парча нонни шароб қуйилган косага солиб, маросим иштирокчиларига тенг тақсимлайдилар. Курдлар эса бу маросимда бир қўйни сўйиб, гўштини нон ва шароб билан халққа тарқатадилар.

Қизилбошлар ўз диний раҳнамоларини «дада» деб, уни Худо билан инсонлар ўртасидаги восита деб эътиқод қиладилар.

Самития: Бу фирқа шиалардан ажралиб чиққан бўлиб, унинг асосчиси Яҳё ибн Самитдир. Унинг тўлиқ исми борасида ихтилофлар мавжуд. Муаррих Бағдодий ўзининг «Тарихи Бағдод» асарида Яҳё ибн Шамит, аллома Шаҳристоний Яҳё ибн Аби Жамит, аллома Муқарразий Яҳё ибн Шамит ал-Аҳмасий, аллома Мажлисий эса ўзининг «Баҳор ул-анвор» номли китобида Яҳё ибн Аби ал-Сабт ва унинг фирқасини эса «Сабтия» деб кўрсатган. Аллома ал-Мамқоний «Ганқиҳ ал-Мақол» китобида унга Яҳё ибн Аби ал-Сабт деб мурожаат қилиб, унинг шахсиятига алоҳида тўхталиб, шундай таъриф берган: Яҳё ибн Аби ал-Сабт ёвуз ниятли ва ҳадисда заиф киши бўлган.

Хусайния: Бу фирқа тарафдорлари асли шиалардан бўлиб, уларнинг ботил эътиқодига кўра, имомлик риштаси Али ибн Абу Толибдан Али ибн ал-Хусайнга (Зайнал Обидин) етказди. Шунингдек, уларнинг иддаоларига кўра, Али ибн ал-Хусайн Абу Муҳаммад ибн Али имоматига рухсат берди ва Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Али эса Абу Мансур Ижлийнинг имоматлигини васият қилди.

Бу фирқа тарафдорлари ўзларининг ботил эътиқодларига ўзлари қарши чиқиб, икки фирқага, яъни хусайния ва муҳаммадияга ажралиб кетди.

Хусайнийларнинг ботил эътиқодига кўра, Абу Мансур ўғли Хусайн ибн Абу Мансурни ўзига ўринбосар қилиб тайинлаб, ўзи эса ундан кейин имом бўлди. Шунингдек, хусайнийлар ўз молининг бешдан бир қисмини ўз имомларининг ҳақи деб ҳисоблайдилар. Муҳаммадийлар эса Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Ҳасан имомлигини тан оладилар. Бу икки фирқа ҳам ўзлариинг ботил эътиқодлари сабаб залолатда ҳаёт кечириб, бу дунёдан ўтиб кетишган.

Зайдия: Шиалиқда вужудга келган фирқа тарафдорлари. VIII аср ўрталарида пайдо бўлган. Араб халифалигида зиддиятлар кескинлашиб, гуруҳлар ўртасидаги кураш кучайган, умавийлар ҳокимияти ўртасидаги кураш кескин тус олган, умавийлар ҳокимияти инқирозга учраган даврда вужудга келган. Фирқа

шиаларнинг бешинчи имоми Муҳаммад Боқирнинг укаси Зайд ибн Али Зайнул-Обидин номи билан аталган.

Зайд ибн Али фақиҳ ва муҳаддис эди. Унинг фикҳий услуби Ибн Аби Лайло ва Абу Ҳанифа услубига яқин бўлган.

Зайдийларнинг фикрича, бешинчи имом Зайд ибн Али ибн Ҳусайн Зайнул-Обидин бўлиб, ундан кейин келган имомлар хатоларга йўл қўйганлар. Улар ҳуқуқий масалалар бўйича суннийларга анча яқин бўлиб, Куръон ва Суннадан кейин қиёсни шариат асослари деб биладилар, раъй, ижтиҳод ва истиҳсонни ҳуқуқий асос сифатида қабул қиладилар.

Улар биринчи ва иккинчи халифалар Абу Бакр ва Умар (р.а.) ларни бошқа шиалар каби хатокор деб билмайдилар ва уларга эҳтиром билан қарайдилар.

Зайдийлар: «Ҳусайн болаларининг барчаси намозларда умматларнинг имоми бўлиб, улардан бир киши топилса, уларнинг итоатгўйи ёки ярамаси бўлсин, бошқаларнинг орқасида намоз ўқиш мумкин эмас», – деб эътиқод қиладилар.

Бассом ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинади: «*Бани Умайянинг орқасида намоз ўқиш ҳақида Муҳаммад ибн Алидан сўрадим. У: «Уларнинг орқасида намоз ўқийверинг», – деди. «Инсонлар наздида сизлар бу ишни қилмайсизлар», – дедим. Ҳасан: «Улар ёлғон гапирадилар, Имом Ҳасан ва Ҳусайн Марвоннинг орқасида намоз ўқир эдилар, ҳолбуки, Ҳусайн Марвонни минбарга чиққан ҳолатида то у ердан тушгунича ҳақорат қилар эди. Бу ҳол ҳар қандай имом ортида намоз ўқиш учун далил эмасми?!», – деб жавоб берди.*

Зайдийлар кўзғолони 250/864 йилда Шимолий Эронда ғалаба қилиб, мустақил давлат вужудга келди. Табаристон, Дайлам, Гилон вилоятларини ўз ичига олган бу мустақил давлатдаги зайдия имомлари тахминан уч юз йил ҳукмронлик қилган. 289/901 йилда зайдийлар Яманда ҳам ҳокимиятни қўлга киритиб, мустақил давлат тузган. Яманда зайдийлар ҳукмронлиги 1962 йил 26 сентябрь инқилобигача, яъни Яман республика деб эълон қилингунча давом этган.

Зайдийлар Зайдни сўнгги бешинчи имом ҳисоблаб, ундан кейинги шиа имомларини тан олмайди. Улар ўз ақидалари ва

маросимлари жиҳатидан шиалар ва суннийлар ўртасида туриб, ҳар иккала оқимга нисбатан муросасизлик йўлини тутади. Зайдийлар яширинган имом Маҳдийга ишонмасликлари, Алидан илгариги уч халифа (Абу Бакр, Умар, Усмон (р.а.)ни лаънатламасликлари, тақийя тамойилини ва мутъа (ёки сийға) никоҳини инкор этишлари билан шиалардан, авлиёлар ва мозорларга сиғинишни ҳамда дарвешлик ва зоҳидликни инкор этишлари билан суннийлардан ажралиб турадилар. Ўз ақидаларида мўътазилийлардан ирода эркинлиги ва Қуръонни Аллоҳ яратганлиги тамойилини, хорижийлардан эса, диний эътиқодни амалий фаолият билан мустаҳкамлаш кабиларини қабул қилиб олганлар.

Ҳозирги кунда Яман аҳолисининг ярмидан кўпроғи зайдия фирқасига мансуб. Саудия Арабистонида, Покистон ва бошқа давлатларда ҳам бор.

Мутрифия: Бу фирқанинг асосчиси Мутриф Шихобий исмли шахс бўлиб, у Зайдия фирқасидан ажралиб чиққан, энг қаттиқ адашганлардан бири ҳисобланади. Чунки бу фирқа савоб ишларнинг энг улуғи – Пайгамбаримиз (с.а.в.)нинг саҳобаларини ҳақорат қилиш, деб эътиқод қилади. Яна бир бузуқ ақидаларига кўра, мусулмонлар намоз ўқиши учун махсус кийими бўлиши шарт.

Мутрифия фирқасининг бу хатти-ҳаракатлари Пайгамбаримиз (с.а.в.) ва саҳобаи киромларнинг қилган ишларига бутунлай зиддир. Чунки Расуллуллоҳ ва саҳобалар кийиб юрган одатий либослари билан намозни адо қилаверганлар.

Абтария: Абтария¹ ёки Батария (Бутурия ҳам дейилган) Зайдия фирқасидан ажралиб чиққан бўлиб, бошқа бир номи Солиҳия деб аталган. Бу фирқанинг асосчиси Ҳасан ибн Солиҳ ибн Ҳай ибн Сарват деган киши бўлиб, Абтар унинг адабий таҳаллуси ҳисобланган.

Навбахтий дейди: «Абтариялар пайгамбардан сўнг Али (р.а.) энг юқори мартабали имоматга лойиқ деб, даъво қилишади».

¹ **Абтар** – араб тилидан олинган сўз бўлиб, чўлтоқ, думи калта ва охири яхшиликка олиб келмайдиган иш маъноларини англатади. Шунингдек, абтар сўзининг ҳам бир неча тафсиллари мавжуд. Масалан, абтар – барча яхшиликлардан маҳрум; номи ўчадиган; насл-насаби қурийдиган; сулоласи қирқилган ва ҳоказо.

Бу тоифа Али (р.а.)нинг энг ашаддий тарафдорлари бўлиб, Али (р.а.)нинг муҳолифларини дўзах аҳли, деб ҳисоблайди. Лекин Абу Бакр ва Умар (р.а.)га берилган байъатни маъқуллаб, Ҳазрат Усмон (р.а.) ҳақида сўз борганда индамайдилар. Улар келтирган хужжат-далилларга кўра, Али (р.а.) халифаликка муносиб ва лойиқ бўлса-да, аммо ўзидан олдин бошқаларга рози бўлишининг маъноси шуки, буни ҳаққи бўла туриб, уни ўзидан бошқага рози бўлишига ўхшайди.

Бундан ташқари, Муҳаммад Боқир ва Жаъфари Содик (р.а.) ларнинг замондошлари ва 137/755 йилда оламдан ўтган Салим ибн Абу Ҳафсанинг ёронларидир. Шунингдек, улар Имом Мажжод, Ҳазрат Боқир ва 122/740 йилда вафот этган Саламатубну Куҳайлнинг асҳоблари ҳисобланади. Бу кишилардан ҳаммалари ҳазрат Алини (р.а.) Пайғамбар алайҳиссаломнинг энг яхши асҳоблари деб иқроп бўлганлар.

Зайдиянинг бир фирқасининг номи ҳам «Аталият» деб аталган. Бу тоифа ҳам Абтария ҳисобланиб, 145/762 йилда вафот этган Ҳорун ибн Саъид Ажалийнинг издошларидир. Улар Али ибн Абу Толибни дўст тутишга даъват этардилар. Суннийлар наздида, бу тоифа шиаларнинг энг яхшиси деб тан олинган. Айни ҳолда Абу Бакр ва Умар (р.а.)ларнинг имоматлигини тан олиш баробарида Али (р.а.)ни улардан юқори қўярдилар. Аммо Усмон, Талха ва Зубайрни мазаммат қилишган. Али (р.а.)нинг авлодларидан¹ ҳар бири билан ҳамроҳ бўлиш ва жангга киришишни вожиб деб билишарди. Улар имоматда муайян бир шахсни таъкидлаб кўрсатмасдилар. Балки Ҳазрат Алининг авлодларидан бирор киши чиқса, она тарафи ким бўлишидан қатъи назар, уни имом деб билишарди. Абдулқоҳир Бағдодий: «Батария фирқаси Абу Бакр ва Умар (р.а.)ларнинг халифалигини дуруст деб билишарди. Агар одамлар Али (р.а.)нинг имоматлигига иқроп бўлганларида яхшироқ бўларди, дейди», деб келтирган.

¹ Али авлодлари – Али ибн Абу Толиб авлодлари. Манбаларга кўра, Али (р.а.)нинг турли хотинларидан (8 ёхуд 9) кўплаб фарзандлари – 14 (ёки 18) ўғил ва 19 (ёхуд 17) қизи бўлган. Уларнинг ичида энг машҳурлари Муҳаммад (с.а.в.)нинг қизлари Фотимадан туғилган Ҳасан ва Ҳусайн ҳамда бану ханифа қабиласидан бўлган хотинидан туғилган. Муҳаммад ибн ал-Ҳанафия ҳисобланади.

Аммо бу нарса улар орасида фисқ-фасод ва куфрга сабаб бўлмаслиги лозим. Шу жиҳатдан бу гуруҳ Ахли Сунна вал-Жамоа наздида ҳурматга лойиқ ҳисобланган. Абул-Ҳасан Ашъарий шундай дейди: «Батария шианинг бошқа фирқаларига хилоф равишда маййитларни бу дунёга қайтишини инкор этади».

Иброҳимия: Ушбу фирқа вакиллари Иброҳим ибн Мусо ибн Жаъфар ибн Муҳаммад исмли шахснинг 200/816–17 йиллардаги издошлари ҳисобланади. Бу тоифа аввал Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Исмоил ибн Тобо-тобонинг даъватчилари бўлишган. Ундан сўнг Иброҳим ибн Мусо Яманда етакчилик даъвоси билан чиқди.

Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Исмоил ибн Тобо-тобо Кўфада исён кўтарганида Абу Сароё унга байъат берди. У бир қисм тарафдорларини мусулмон мамлакатларга ўз қарашларини тарғиб қилиш мақсадида юборди. Шулардан бири Иброҳим ибн Мусо ибн Жаъфар бўлиб, у Яман шаҳрига ҳеч қандай қаршиликсиз кириб борди. Ямандаги Санъо шахрининг барча аҳли унга байъат беришга келдилар. Лекин Абу Сароё қатл этилгандан сўнг Иброҳим ибн Мусо Яманда исён кўтариб, ўша ердаги одамларнинг кўпини қатл эттиргани боис унга яманликлар жаззор (қассоб) деган лақабни беришди.

Аббосийлар халифаси Маъмун ар-Рашид исённи бостириш учун кўшин юборди. Бу тўқнашувда исёнчилар таслим бўлиб, Иброҳим эса асир ол инди ва халифа Маъмун ҳузурига Ироққа олиб кетилди. Маъмун Иброҳимнинг акаси Али ибн Мусо ар-Ризога нисбатан ҳурмат-эҳтироми боис укаси Иброҳимнинг гуноҳидан ўтди.

Абу Саройия: Бу фирқанинг асосчиси Сиррий ибн Мансур Шайбоний га мансуб араб сардорларидан бири бўлиб, Абу Сароё унинг куниясидир. Абу Сароё шиалар томонидан кўтарилган исёнларнинг бош сабабчисидир.

Абу Сароё авваллари Харбанд (эшак сақловчи), яъни эшак билан киракашлик қилувчи лақабини орттирган. Сўнг у йўлтўсарлик қилиб, ўз атрофига анча одамларни тўплади. Шундан сўнг Арманистонга сафар қилиб, у ерда уч юз отлиқ билан Язид ибн Мазид Шайбонийнинг хизматига кирди ва тез орада бошлиқлардан бирига айланди.

Ҳорун ар-Рашиднинг ўғли Амин қатл этилгандан сўнг Маъмун халифаликни эгаллади. Шу пайтда Абу Сароё икки юз отлик билан исён кўтариб, ҳукумат сардорларидан бирини қуршовга олди ва унинг молу дунёсини талон-торож қилиб, дўстларига бўлиб берди. Шундан сўнг кўтарилган исён авжига чиқиб, Анбор ва Рикқа шаҳарларини қўлга киритди. Ўша ерда Абу Сароё Иброҳимия фирқасининг асосчиси Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн Ҳасан ибн Ҳасан ибн Али ибн Тобо-тобо Алавий билан учрашиб, уни Бани Аббосга қарши исён кўтаришга ундади ва ўзи унга байъат бериб, бутун қўшин қўмондонлигини ўз зиммасига олиб, 199/815 йили ҳар иккови Куфа шаҳрини қўлга киритдилар.

Ҳасан ибн Саҳл бу хабарни эшитгач, ўн минг қўшинни унга қарши юборди. Абу Сароё унинг лашкарини тор-мор келтирди. Мазкур исёндан беш ой ўтгандан кейин Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн Ҳасан ибн Ҳасан ибн Али ибн Тобо-тобо Алавий 199/815 йилнинг ражаб ойида Кўфа шаҳрида вафот этди ва уни шу ерда тупроққа қўйилди.

Баъзиларнинг айтишича, Абу Сароё Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг аҳли байтлари номидан исён кўтариб, халифалик ишини Аббосийлардан Али (р.а.) авлодларига олиб бермоқчи эди. Шу сабабдан Муҳаммад ибн Иброҳимни ўрнига Алавийлардан нисбатан ёши кичикроқ Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Зайд ибн Али ибн Ҳусайн ибн Алини имомликка кўтарди.

Ўз-ўзидан маълумки, Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Зайд ибн Али ибн Ҳусайн ибн Али халифаликни фақат номигагина бошқарарди. Барча ҳукумат ишларини Абу Сароё Расулуллоҳнинг аҳли байти номидан бошқарарди. Шу пайтларда Абу Сароё танга зарб этиб, ўзининг дирҳамлари устига: **«Албатта, Аллоҳ ўзининг йўлида гўё туташ бинолардек саф тортиб, жанг қиладиган зотларни севар»** (*Саф, 4*), оятини ёздириб қўйди.

Шу йиллари Абу Сароё ҳаддидан ошиб, катта қўшин тўплаб, Басра ва Восит шаҳарларига йўл олди. Восит шаҳрида Ҳасан ибн Саҳл томонидан тайинланган шаҳар ҳокими Саъид Хараший номли киши билан жанг қилишга киришди. Бу жангда Саъид Харашийнинг қўли баланд келиб, Абу Сароё мағлуб бўлди. Ҳасан ибн Саҳлнинг фармони билан 200/816 йили Абу Сароёни қўлга

олдилар, боши танасидан жудо қилиниб, жасадини иккига бўлиб, Бағдоднинг катта кўпригининг икки чеккасига осиб қўйилди.

Афтасия: Бу фирқанинг асосчиси Ҳусайн ибн Ҳасан бўлиб, Афтас¹ унинг лақабидир. Аввал Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн Ҳасан Мусаннийнинг вазирларидан бири бўлиб, «Ибн Таботабо» деб аталар эди ва у зайдия имомларидан эди. Муҳаммад ибн Иброҳимнинг ўлимидан сўнг Афтас халқни ўз томонига оғдириш мақсадида даъват қила бошлади. Афтас ўз тарафдорлари билан 200/816 йили Мадина шаҳридан чиқиб, Абу Сароё қўшинига қўшилди. Афтас Абу Сароё қўшини билан Маккага борди ва Каъбанинг устидаги каъбапўшни ечиб олиб, Абу Сароё Куфадан юборган ипак каъбапўшни ёпди. Улар аббосийларни таъқиб этиб молларини мусодара қилди. Абу Сароё ўлдирилгач, Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Али ибн Ҳусайнга қўшилди.

Ҳусайния: Бу фирқа тарафдорлари Ҳусайн ибн Али ибн Ҳасан ибн Ҳасан ибн Али ибн Абу Толибга ўзларини мурид деб ҳисоблар эдилар. Бу фирқа тарафдорлари ўзларининг ботил эътиқодлари сабаб мавжуд ҳукумат, яъни Аббосий халифа ал-Ҳодийга қарши исён кўтарди. Лекин кучлар тенг эмаслиги сабабли Макка шаҳридан олти мил. масофада жойлашган Фах деган жойда Бани Ҳошим жамоаси томонидан тор-мор қилинди. Исёнчиларнинг барчаси қатл этилиб, жасадлари қузғунларга ем бўлсин деган мақсадда дашт-биёбонга ташланди.

Жорудия: Бу фирқанинг асосчиси Зиёд ибн Аби Зиёд бўлиб, у Абулжоруд исми билан машҳур бўлган. Фирқанинг ақидаси бўйича Муҳаммад (а.с.) ўзларидан кейин хазрат Али (р.а.)ни халифа бўлишлигига васият қилган. Бу васиятга амал қилмаганлари учун саҳобаларнинг барчаси кофирдир. Фирқанинг тарафдорлари Муҳаммад Ҳанафия охирзамонда имом Маҳдий бўлиб чиқади, деб эътиқод қиладилар.

Жорудия тарафдорлари саҳобалар устидан куфр ҳукмини юритганлари учун Аҳли Сунна вал-Жамоа эътиқоди бўйича кофир ҳисобланади.

¹ Афтас – араб тилидан олинган сўз бўлиб, ясси (пажак) бурунли; пучук; бурни қанқайган каби маъноларни англатади.

Иброҳимия: Иброҳимия фирқаси Иброҳим ибн Абдуллоҳ ибн Ҳасан ал-Мусанний ибн Ҳасан ибн Али ибн Абу Толибнинг 97/715–145/762 йилдаги издошлари эди. У мазкур Иброҳимнинг укаси покдомон деган лақабни олган Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Ҳасан Мадинада Аббосий Мансурга қарши исён кўтаргандан сўнг Иброҳим ҳам Ироқда бош кўтарди.

Иброҳимнинг отасининг оти Абдуллоҳ Маҳд бўлиб, умавийлардан бўлмиш «Валид II»ни халифалик тахтига ўтирганидан сўнг Абвода ташкил қилинган Бани Ҳошим улуғларининг йиғинида қатнашиб, Бани Умайяни ўғли Муҳаммадни халифа деб тан олишга чақирди. Шу тариқа 32 ёшли Муҳаммадга байъат қилинди. Аммо имом Жаъфари Содиқ бундан бош тортди ва нотинч замонда Бани Ҳошимнинг бош кўтаришини маслаҳат бермади. Шундан сўнг бу икки оға-ини, яъни Муҳаммад билан Иброҳим халифалик даъвосида саъй-ҳаракатни бошлади. Ислом юртининг шарқий ва ғарбий ҳудудларига ўз вакиллари яннатди.

Бани Аббос Бани Умайя устидан ғолиб келганларидан сўнг, халифалик Абдуллоҳ Саффоҳ қўлига ўтди. Абдуллоҳ Саффоҳ жуда қисқа муддатда Аббосийлар халифалигини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратиб, Муҳаммад билан Иброҳимларнинг фаолиятларига эътиборни сусайтириб қўйди.

Абдулло Саффоҳнинг вафотидан сўнг, унинг укаси Мансур халифалик тахтига ўтирди. Мансур уларни бутунлай йўқотишга азму қарор қилди. «Покдомон Муҳаммад» 145/763 йилнинг ражаб ойида Мадина шаҳрида Мансурга қарши исён кўтарди. Бошқа тарафдан акаси Иброҳим ҳам Басрада ўз тарафдорлари билан шу йилнинг Рамазон ойида укасининг ёрдамида исён кўтарди. Оз муддатда Ироқ, Ахвоз ва Форсни қўлга киритди. Аббосий Мансур бу исённи бостиришга киришиб, Бағдоддан Кўфага қараб йўл олди ва кўфаликларни бу исёнда Иброҳимга қўшилмасликлари тадбирини қилди. Сўнг амакиваччаси Исо ибн Мусони катта қўшин билан Ҳижозга юборди. Мадинада «Покдомон Муҳаммад» устидан ғалабага эришди.

Покдомон Муҳаммад Исо ибн Мусо томонидан ўлдирилгандан сўнг Мансур амрига мувофиқ Иброҳимни тор-мор келтириш

учун Исо ибн Мусо Басрага юборилди. Иброҳимнинг Басрада тарафдорлари кўп бўлиб, Исо ибн Мусонинг биринчи ҳужумини қайтарди. Лекин Иброҳим укасининг хабарини эшитгандан сўнг Ҳасаний ва Ҳусайний шиалари орасида ихтилоф пайдо бўлди. Аббосийларга бу ихтилоф жуда қўл келиб, Исо ибн Мусо Иброҳимни енгишга муваффақ бўлди. Иброҳим жангда оғир яраланиб, 145/763 йилнинг 25 зулқаъда ойида дунёдан ўтди.

Сулаймония: Мазкур фирқанинг иккинчи номи Жаририядир. Бу фирқанинг ақидасига кўра, халифалик ёки имомлик маслаҳат асосида тузилади. Уларнинг маслаҳатига кўра, Пайғамбаримиз (а.с.)дан кейин халифаликка Абу Бакр ва Умардан кўра ҳазрат Али ҳақлироқдир. Сулаймония Усмон(р.а.)дан нафратланиши билан бирга унинг куфрлигига гувоҳлик берар эди. Бу фирқа назарида кимки ҳазрат Али (р.а.) билан уруш қилса кофирдир, шу жиҳатдан сулаймония Оиша, Талҳа ва Зубайрни Али (р.а.) билан жангга киргани учун кофир ҳисоблайдилар.

Мақризий ёзади: «Сулаймон ибн Жарир ўша пайтда Мансур Аббосий шароитига қарши кўтарилди. У бу фирқани Салим ибн Жарирга мансуб деб биларди».

Сулаймон ибн Жарир «бекор қилиш» ва «нафсни тийиш» масалаларида имомия шиасини танқид ва таъна остига олди ва деди: «Имом илм нуқтаи назаридан умматнинг донишманди бўлиши шарт эмас, фақат мусулмонларни бошқарса етарлидир ва ҳатто мужтаҳид (шиа қонуншуноси) ва билимли, тажрибали бўлиши шарт эмас ва ҳалол билан ҳаромнинг фарқини тушунса етарлидир.

Аҳли Сунна вал-Жамоа ақидасига кўра, бу фирқа тарафдорлари Усмон (р.а.)ни кофирга чиқаришгани учун кофирдир.

Иброҳимия: Бу фирқа Ироқнинг Мосул шаҳрига қарашли «Тилаъфар» деб номланган жойида истиқомат қилган шиалардан ажралиб чиққан. Бу фирқанинг ода тлари, урф ва расм-русумлари кўпроқ «Шабания» фирқасини эслатади. Бу фирқанинг бошқалардан сир тутилган «Шабан» номли диний китоби ва «Гулбонг» деган шиори ҳам бўлган. Уларнинг ботил эътиқодига кўра, етти, ўн икки ва етмиш сонлари муқаддас саналган. Етти

сонини подшо, ўн икки ва етмиш сонини унинг қуллари, деб эътиқод қилишган.

Замона уламолари томонидан бу тоифани худди шабакиялар каби шиалик Кокония фирқасига тааллуқли, деб эътироф этилган.

Тарифия: Бу фирқанинг асосчиси Солиҳ ибн Тариф исмли шахс бўлиб, унинг тарафдорлари уни пайғамбар деб даъво қилганлар. Уларнинг даъволари шу даражага бориб етганки, улар ислом шариатидан воз кечиб, ўз шариатларини тузганлар ва бу шариатга эргашиб кетганлар ҳам бўлган.

Бу фирқанинг мазкур бузуқ ақидаси Қуръони каримнинг: «**Муҳаммад сизларнинг эркакларингиздан бирортасига ота эмасдир, балки у Аллоҳнинг элчиси ва пайғамбарларнинг муҳридир....**» (Аҳзоб, 40), деган оятига мутлақо зиддир. Албатта Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбарларнинг энг охиргиси ва у зоти шарифнинг умматлари эса умматларнинг энг охиргисидир.

Тарифийлар Аллоҳ таолонинг мазкур оятини кўр-кўрона инкор қилганликлари сабаб, Аҳли Сунна вал-Жамоа наздида кофирдир.

Бутурия: Бу фирқа асосчилари икки шахсдан иборат бўлиб, улар Ҳасан ибн Солиҳ ибн Ҳай ва Касирунаво Абтардир. Бу икки шахс эътиқоди ҳам Жаририя фирқасининг эътиқодига ҳамоҳанг бўлса-да, лекин ҳазрат Усмон (р.а.) шаънига нолайиқ сўз айтишдан тилларини тийганлар. Ҳасан ибн Солиҳ 167/784 йилда вафот этган.

Юқорида таъкидланган уч фирқа (жорудия, сулаймония, бутурия) зайдия тоифасидан бўлиб, уларни умумлаштириб яъқубия деб ҳам аталади. Уларнинг ботил эътиқодига кўра, кабира гуноҳ эгалари мўмин бўлсалар-да, дўзахда абадий қолурлар. Бу сўзни улардан олдин хаворижлар ҳам айтганлар.

Ҳасания: Бу фирқанинг асосчиси Ҳасан ибн Зайд ибн Ҳасан ибн Али ибн Абу Толиб бўлиб, асли Зайдия фирқасидан ажралиб чиққан.

Ҳасан ибн Зайд 250/864 йилда Мозандарон ҳукмдори Сулаймон ибн Абдуллоҳ ибн Тоҳир ибн Тоҳирга қарши исён кўтариб, Жўржонни забт этди. Ҳасан ибн Зайд вафотидан сўнг укаси Муҳаммад ибн Зайд фирқага бошчилик қилди. Аммо Муҳаммад

ибн Ҳорун бу фирқага катта қаршилиқ кўрсатиши оқибатида фирқа тарафдорлари таъқиб остига олиниб, Муҳаммад ибн Зайднинг ўзи курашларда вафот этди. Унинг вафотида сўнг бу фирқа саробдек сўниб йўқ бўлиб кетди.

Умария: Бу фирқанинг асосчиси зайдийлардан бўлмиш Яҳё ибн Умар ибн Яҳё ибн Ҳусайн ибн Ҳусайн ибн Зайд ибн Али бўлиб, 235/850 йилда Мутаваккил Аббосий даврида Хуросонда ғалаён кўтарганлиги сабабли Абдуллоҳ ибн Тоҳир уни хийла билан қўлга тушириб, Мутаваккил Аббосий хузурига олиб келди. Мутаваккил Аббосий эса унинг барча қилмишларидан қаттиқ ғазабга келиб, зиндонга ташлади.

Яҳё ибн Умар бир қанча вақт зиндонда бўлиб, у ердан озод бўлди. Аммо у ўзининг ботил эътиқодидан қайтмасдан ал-Мустаъин биллоҳ даврида бир гуруҳ кўчманчи араблар билан Куфада ғалаён кўтариб, зиндонларни очди, байтулмолдан жуда катта бойликни олиб чиқди. Яҳё ибн Умар Куфа яқинидаги Шоҳи деган жойда Муҳаммад ибн Тоҳир билан тўқнашган вақтда Умария фирқасини жуда кўп ўзларига ўхшаган бошқа ботил гуруҳлар ҳам уларни қўллаб-қувватладилар. Бу тўқнашувда Яҳё ибн Умар мағлуб этилиб, қатл этилди ва бошини эса ал-Мустаъин Аббосийга жўнатди.

Яҳё ибн Умарнинг тарафдорлари Яҳё ибн Умарни ўлмаган, тирикдир, (бир куп) исён кўтаради ва Бани Аббос устидан ғалаба қилади, деб эътиқод қилганлар.

Яъқубия: Бу фирқанинг асосчиси Яъқуб ибн Ади Куфий бўлиб, зайдийлардан ажралиб чиққан. Бу фирқа тарафдорлари қабр азоби, мункар-накир саволи ва шафоатни инкор этар эдилар. Шунингдек, фирқа тарафдорлари Абу Бакр, Умар ва Усмон (р.а.) ларнинг имомлигини рад қилардилар, аммо уларни хатокор ва залолатда деб ҳисобламасдилар.

Ямония: Бу фирқанинг асосчиси Муҳаммад ибн Ямон Куфий исмли шахс бўлиб, асли зайдийлардан бири эди. Баъзи бир манбаларда эса фирқа асосчисини Ямон ибн Рабоб деб ҳам қайд этилган. Ямонийларнинг ботил эътиқодларига кўра, улар Худони инсон суратида тасаввур қилиб, Унинг юзидан бошқа барча қисмлари барбод бўлади, деб ҳисоблардилар. Шунингдек,

улар қиёмат кунига ишонмас ва бу дунёни фоний ҳисобламас, ўлакساني ейиш ва май ичишни ҳалол, деб санардилар. Шунингдек, уларнинг яна бир ботил эътиқодига кўра, Қуръонда Аллоҳ ҳаром деб ҳисоблаган нарсаларнинг ҳаммаси буюк шахслар исмига ишора бўлиб, улар Абу Бакр, Умар ва Усмон (р.а.)лар бўлиб, уларни Худо яхши кўрмаган, деб иддао қилар эдилар.

Алиилоҳия: Шиаларнинг яширин жамоасидир. Эронлик шиалар ҳақ тарафдорларини «алиилоҳийлар» деб атайдилар. Бу жамоа тахминан XIV асрда вужудга келган. Ғарбий Эрон ва Шарқий Туркияга, кейинчалик Афғонистон, Ироқ, Сурия, Озарбайжоннинг жанубига ёйилган.

Алиилоҳийлар Али азалдан илоҳий ва у Одам Атодан то Муҳаммад (а.с.)га қадар бўлган пайғамбарларда, шиа имомлари ва келажакда Маҳдийда мужассамланади, деб ҳисоблайдилар. Алиилоҳийлар жаннат ва дўзахни инкор этиб, жоннинг янгича шаклга киришига ишонишади. Улар дарвешларга ўхшаб жазавага тушишади, шунингдек, уларда насронийликдаги каби муқаддас учлик ақидаси ҳам мавжуд.

Фавотия: Бу фирқанинг асосчиси Фавот ибн Аҳнаф номли киши бўлиб, уларнинг ботил эътиқодларига кўра, Худо ўз фарзандлари бўлмиш Али (р.а.) ва имомларнинг вужудларига кириб, ўзининг яратувчи, амр қилувчи, ўлим, ҳаёт ва тақдир берувчи сифатларини топширди ва фаришталар Али (р.а.) ва имомлар учун нозил бўлди деб эътиқод қиладилар.

Муҳаммадия: Бу фирқа тарафдорлари Муҳаммад ибн Абдуллоҳ исмли шахсинг муридлари бўлиб, улар Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Ҳасан ибн Ҳасан ибн Али ибн Абу Толиб ўлмаган ҳам, ўлдирилмаган ҳам, балки у Нажд воҳасининг Ҳожир исмли тоғида барҳаёт, охирзамонда имом Маҳдий исми билан чиқади, деб эътиқод қиладилар. Бу иддаоларига далил сифатида Пайғамбаримиз (а.с.)нинг: *«Имом Маҳдийнинг исми менинг исмига, отасининг исми эса отамнинг исмига ҳамоҳангдир»*, деган ҳадисларини келтирадилар.

Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Мадина шаҳрида Аббосий халифалардан Мансур Абу Жаъфар даврида қатл этилган.

Уларнинг бу иддаолари асоссиз экани мазкур имом маҳдийликни даъво қилган шахс қиёматдан олдин вафот этгани билан ўз исботини топди. Зеро, ҳақиқий имом Маҳдий қиёмат аломатларининг энг машҳурларидан бўлиб, у Дажжол билан бир даврда чиқиши ҳадисларда баён қилинган. Модомики, мазкур маҳдийлик даъво қилган шахс даврида Дажжол чиқмади, шунингдек, Исо (а.с.) ҳам осмондан тушмадилар, демак унинг даъвоси ўз-ўзидан ботил эканлиги маълум бўлди.

Баёния: Бу фирқанинг асосчиси Баён ибн Самъон бўлиб, у ўзини пайғамбар, деб эълон қилган. Унинг тарафдорлари Аллоҳ таоло «**Бу (Қуръон ёки мазкур гаплар) одамлар учун баёнот ҳамда тақводорлар учун ҳидоят ва насиҳат (манбаи)дир**» (*Оли Имрон, 138*), оятида Баён ибн Самунни номини Қуръонда келтирган деб ишора қиладилар, баъзи бир жоҳил инсонлар уларнинг бу бемаъни гапларини тасдиқлашган ҳам.

Шунингдек, Баён ибн Самъон Қуръони каримнинг баъзи бир оятларини ҳам ўзининг бузуқ раъйи билан тафсир қилар эди, масалан: «**Унинг «юзи»дан бошқа барча нарса ҳалок бўлувчидир**» (*Қасос, 88*) оятини «Ҳамма нарсалар қаторида Аллоҳнинг ҳам барча аъзолари фоний бўлади, фақат юзи қолади», дерди. Ваҳоланки оятдаги «юзи»дан мурод Ўзидир.

Баёнийларнинг яна бир ботил ақидасига кўра, имомлик Муҳаммад Ҳанафиядан унинг ўғли Абу Ҳошим Абдуллоҳга, ундан Баён ибн Самъонга ўтган. Фирқа бошлиғини баъзилар набий деб, Муҳаммад (с.а.в.) шариатини мансух қилган, деса, бошқалар уни илоҳ деб эътиқод қилишган. Ўзининг даъвосига кўра, гўё илоҳий руҳ пайғамбарлар ва имомлар орқали Абу Ҳошимга, ундан Баён ибн Самъонга ўтган эмиш.

У тўғрисида Дамашқ амири Холид ибн Абдуллоҳ Қасрий эшитиб, ўзининг Ироққа валийлик қилган йиллари уни ҳийла билан қўлга тушириб, дорга остирган ва унинг пуч даъволарига барҳам берган.

Аббосия: Аббосийлар фикрича, Пайғамбаримиз (с.а.в.) вафот этганларидан сўнг у зотнинг меросхўри Аббосдир. Чунки у Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг амакилари бўлиб, амаки Пайғамбаримиз (с.а.в.)га бошқа инсонлардан кўра яқинроқдир. Шунингдек, у Пайғамбаримиз (с.а.в.)га ота томонидан яқин қариндош ва

инсонлар ичида энг яқини бўлиб, шу сабаб Аббос инсонларнинг энг афзалидир. У Абу Бакрдан ҳам кўра халифаликка ҳақли бўлган. Бунга Аллоҳ таолонинг: «**Қариндошлар эса, Аллоҳнинг Китобида бир-бирларига яқинроқдирлар**» (Анфол, 75), ояти каримасини далил қилиб келтирганлар.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) тириклик чоғларидаёқ Абу Бакр (р.а.) ни мусулмонларга ўз ўринларида намоз ўқиб беришга буюрдилар. Шу тариқа ҳаётлик вақтларидаёқ уни ўзларига ўринбосар қилганликларини билдирганлар. Шунга кўра, у Зот вафот этганларидан сўнг барча мусулмонларнинг розилиги билан Абу Бакр (р.а.) халифа этиб сайланган. Эътиборлиси, халифаликни Аббос (р.а.) ҳам, унинг ўғли Абдуллоҳ ҳам талаб қилмаган. Аксинча, улар Абу Бакр (р.а.)га итоат қилган ҳолда эргашганлар.

Боқирия: Бу фирқа тарафдорлари ҳазрат Алининг имом Хасан ўғилларига мансуб зурриётдан Муҳаммад ибн Али Боқирнинг халифа бўлиши тўғрисида Ҳазрат Али васият қилиб кетган, деб эътиқод қиладилар. Улар бунга далил сифатида Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.)нинг тушларида Пайғамбаримиз (а.с.) Муҳаммад ибн Али Боқирга салом юборганликларини келтирадилар.

Бунга раддия сифатида Аҳли Сунна вал-Жамоа уламолари Пайғамбаримиз (а.с.)нинг Ҳазрат Умар ва Али (р.а.)лар орқали Увайс Қаранийга¹ ҳаётлик даврларида салом юборган бўлсалар-да, уни халифа этиб сайламаганликларини келтирадилар.

Шунингдек, уларнинг яна бир эътиқодига кўра, ҳазрат Али ибн Абу Толиб (р.а.)нинг набираси Али ибн Ҳусайн отасининг васиятига кўра, имомликни Боқир номи билан танилган имом Муҳаммад ибн Али ибн Ҳусайндан тортиб олиб, уни «Маҳдий Мунтазир» деб

¹ **Увайс Қараний** (ваф. 37/657) – Муҳаммад (с.а.в.) даврларида яшаган бўлса ҳам у зот билан учрашмаган. Ривоятларга кўра, Расулulloҳ (с.а.в.) Ухуд тоғи этагидаги жангда (4/625 й.) муборак икки тишларидан ажралганларида (бошқа манбаларга кўра олдинги пастки жағларидаги бир тишга тош тегиб майдалаб юборган) бундан хабар топган Увайс Қараний Муҳаммад (с.а.в.)га бўлган юксак ҳурмати юзасидан, ул зотга душманлар етказган ситамни ўзида синаш мақсадида аввал бир тишини, сўнгра шубҳага ўрин қолмаслиги учун ўзининг барча тишларини суғуриб олган. Муҳаммад (с.а.в.) унга саҳобалар қаторига қўшилишини таклиф этган. Муҳаммад (с.а.в.) вафоти олдидан ҳазрати Али (р.а.) га хирқаларини Увайс Қаранийга топширишни васият қилган. Увайс Қараний Али (р.а.)нинг Муовия билан бўлган Сиффин жангида ҳалок бўлган. Бошқа маълумотларга кўра, Увайс Қараний Ҳунанда вафот этиб, шу ерга дафн этилган.

атади. Боқирия фирқаси тарафдорларининг ботил эътиқодига кўра, Муҳаммад ибн Али Боқир ибн Ҳусайн қиёматга яқин келиши кутилаётган имом Маҳдийдир.

Муқаддас ислом динимиз кўрсатмаларига биноан қиёматга яқин инсонларни яхшиликка чорловчи, уларни ягона ҳақ дин байроғи остида бирлаштирувчи «Маҳдий»нинг келиши ҳақида ҳадислар мавжуд. Суннийлик ақидасига кўра, Маҳдийнинг қачон ва қаерда пайдо бўлишини фақат Аллоҳ таоло билади.

Мутаносихия: Мутаносихийлар фикрича, руҳ Аллоҳ таоло яратган махлуқлар жисмида навбатма-навбат алмашиб юради. Муҳсин – яхши одамнинг руҳи саодатли бўлган бошқа бир махлуқнинг, ёмон одамнинг руҳи эса бошқа бир бадбахт банда жисмига киради.

Аҳли Сунна вал-Жамоа наздида, руҳ жисмлараро алмашиб юрадиган бўлса, инсон учун гўшт ейиш, шунингдек, бошқа инсонлар билан урушиш ҳалол бўлмайди. Чунки у чўққанинг гўштини тановул қиляптими ёки отаси билан урушяптими, билмайди. Аллоҳ таоло бундан қайтаради. Ҳар бир инсоннинг ўзигагина тегишли руҳи бўлади. Руҳлар жисмлараро кўчиб юрмайди, балки уч қаватли зулматда банда Аллоҳ томонидан яратилаётган бир вақтда ҳар бир банда учун алоҳида руҳ ато этилади. Шундай экан, бирор кимсага ўзганинг руҳи берилмайди.

Руҳларнинг бошқа руҳларга ўз ўрнини бўшатиб бермаслигига қуйидаги ҳадис далолатдир. Ибн Аббосдан ривоят қилинади: *«Мен Расулulloҳ (с.а.в.) ортларида уловга мингашиб кетаётганимда шундай деб айтаётганларини эшитдим: «Аллоҳ руҳларни ризқлардан тўрт минг йил олдин яратди».*

Бандаларнинг ризқи рўзи турлича бўлгани каби руҳлари ҳам ҳар хилдир. Сизларнинг бирортангиз бошқа инсоннинг ризқини ея олмаганингиз каби бир инсоннинг руҳи ҳам бошқасининг жисмига кирмайди. Ҳар бир инсон учун алоҳида руҳ берилади.

Гайбия: Бу фирқа IX ҳижрий асрда яшаган Али Ҳайдар исмли шахс пешволигида вужудга келган бўлиб, уларнинг иддаолари бўйича Худо бу дунёга тажаллий қилган, яъни кўринган ва кейин ўзини ғойиб тутган. Ҳозирги замон унинг ғойиблик давридир.

Ана ўша ғойиб бўлган Худо Алидир, деб эътиқод қиладилар. Улар исмоилийлар каби Худонинг сифатларини Унинг ғойиблигида деб биладилар.

Ҳабибия: Бу фирқанинг бузуқ фикрларига кўра, ҳар ким Ҳақнинг муҳаббат шаробини ичса, унинг дили-жони дўстликка ва олам ишқи хаяжонга (ҳаракатга) келади, ўқиш муҳим бўлмаган намоз ва ибодатда у ҳазратга яқинлашади. Саодатга яқин келиши билан Ҳақ таоло уни дўстликка қабул қилади. Унинг сифатлари тубдан ўзгаради ва кучи ўзгартирилади, гўё унинг тилида Худо бордек, кўзида кўриш, қулоғида эшитиш (кучаяди). Худони кўриб туради, Худога айтиб туради ва Худони эшитиб туради.

Хоразмий ёзади: «Уларни шунинг учун ҳабибия дейдиларки, Худога жаннат ва дўзах тамасида ибодат қилмайдилар, балки дўстлик ва ҳавас (иштиёқ) юзасидан уни эъзозлайдилар».

Мушъашаъия: Бу фирқанинг асосчиси Саййид Муҳаммад Мушъашаъ исмли кимса бўлиб, асли шиалардан ажралиб чиққан. Саййид Муҳаммад Мушъашаъ темурий Шохрух даврида яшаб, Хузистонда унга қарши исён кўтарди. У ўз даврида махдийликни даъво қилиб чиқди. Кейинчалик ҳазрат Алини Худо деб даъво қилди. Унинг бу ботил эътиқодидан ғазабга келган аслзодалар Нажафда унинг қасрини бузиб ташладилар. Тарафдорлари эса ўзи учун қурдирган мақбарасини ҳам бузиб, ёғочларини ёқиб юбордилар. Бу воқеалардан бир оз ўтгач, яъни 866/1462 йили ўзининг бузуқ эътиқодидан воз кечмай вафот этди.

Яҳёия: Улар шиа фирқаларидан, Яҳё ибн Абдуллоҳ ибн Ҳасан ибн Али Мусонинг укаси ибн Абдуллоҳнинг муридлари эдилар. Яҳё ибн Абдуллоҳ Аббосийлардан қўрқиб, пинҳон яшарди. Бир куни Фазл ибн Яҳёий Бармакий унинг яширин жойидан хабар топди ва Дайлам томонга боришини хабар берди ва унга йўлда ҳеч ким тажовуз қилмаслиги учун хат ёзиб берди. Ҳорун ар-Рашид бундан огоҳ бўлиши билан Фазлга хат ёзиб, Яҳёийни Бағдодга чорлашига буйруқ берди.

Яҳё ибн Абдуллоҳ Бағдодга етиши билан Ҳорун ҳурмат билан кутиб олди ва уни гуноҳкорликда, муттаҳамликда айблашни мўлжаллаб қўйди.

Сўнг Яхё ибн Абдуллоҳ ҳажга боришга рухсат сўради ва Ҳижозга борди. Бир қанча вақтдан кейин Ҳорун уни Ҳижоздан чақирди, Масрур олдида Сардобийда ҳибсга олди.

Унинг қатл этилиши ҳақида фикрлар турличадир. Баъзилар айтадики, у зиндонда вафот этган. Бошқалари эса уни Ироқ шаҳарларидан Рофиқа қасабасида тириклайин устун тагига қўйиб, сўнг устунни унинг устига қўйиб юборганларини айтадилар.

Яна баъзилар айтадиларки, йиртқич ҳайвонларни бир неча кун оч қолдириб, Яхё ибн Абдуллоҳни уларнинг олдига ташладилар, улар эса уни тилка-пора қилиб ташладилар.

Масъудийнинг ривоят қилишича, Гилоннинг зайдия шиалари Яхёий Дайламда паноҳ топган, Гилонда йўқолган ва ҳалигача тирикдир, деган фикрдалар.

Шумайтия: Бу фирқанинг асосчиси Яхё ибн Шумайт бўлиб, унинг ақидасига кўра, халифалик Жаъфар Содиқдан¹ ўғли Муҳаммад ибн Жаъфарга ва уларнинг келгуси авлодларига ўтиши зарур ва имом Маҳдий ҳам улардан чиқармиш.

Жаворбия: Жаворбия радикал ва мушаббиха фирқалари ва Довуд Жаворбий муридларидандир.

Довуд Жаворбий Худонинг инсонга ўхшашлигини (ташбиҳини) тан олган эди ва унинг аъзоларини одамга ўхшатарди ва дерди: шарм ва Худо соқоли – бу икки соҳада бирон нима дея олмайман. Худонинг бошқа аъзолари – қўл, тил, кўз ва қулоғи ҳақида истаганингизча сўранг. Унинг бу жисмлари бўлишига қарамай, худди бошқа жисмлар сингари эмас, унинг гўшти бошқа гўштар ва унинг қони бошқа қонлар сингари эмас, шунингдек ҳеч бир яратилганлар унга ўхшамайдилар.

Унинг айтганларини келтирадилар: Худо танасининг юқори қисми то кўкрагигача бўшлиқ ва унинг бошқа аъзоси ораси тўладир. Унинг сочи жингалак ва кокили қорадир. Худонинг Аршда ўтирганлиги ҳақида Қуръонда айтилган нарсаларни, чеҳраси ва унинг икки қўли, унинг ёни, юқори ва пасти келтирилиб, уларни зоҳирга ўтказиш керак.

¹ **Жаъфар Содиқ** – унинг тўлиқ исми Жаъфар ибн Муҳаммад Абу Абдуллоҳ (тахм. 81/700-148/765). «Содиқ» лақабини тўғриси бўлганлиги учун олган. Мадинада туғилган. Жаъфар Содиқ насаби ота томонидан ҳазрат Алига, она томонидан ҳазрат Абу Бакр Сиддиққа бориб тақалади.

Ҳадисда келган: мўмин қалби Худойи раҳмон бармоқлари орасидадир, Худо Одам лойини қирқ кечаю кундуз ўз қўли билан қорди каби сўзлар ҳаммаси тўғри ва уларни зоҳирга кўчириш керак, дейди у.

У бошқа радикал ва жисмоний мушаббаҳани билишни ва инсонга Худо ташбиҳини Тавротдан олган.

Аммория: Бу фирқанинг асосчиси Аммор исмли шахс бўлиб, унинг ақидасига кўра халифалик Жаъфар Содикқа хос бўлиб, ундан кейин катта ўғли Абдуллоҳга ўтиши зарур. Халифалик Абдуллоҳга ўтгандан кейин фирқанинг номи ҳам ўзгарди. Абдуллоҳ калта бўйли ва ўта семиз (афтах) бўлгани туфайли унга эргашганларни Афтахийлар деб атай бошлаганлар.

Исмоилия: Шиалик ичида вужудга келган асосий фирқалардан биридир. Исмоилийлар ҳаракати VIII аср ўрталарида бошланган. X–XI асрларда Яқин ва Ўрта Шарқда кенг тарқалган. Исмоилиянинг келиб чиқиши имом Жаъфар Содик вориси масаласи юзасидан шиалар ўртасида келиб чиққан ихтилоф билан боғлиқ. Исмоилийлар турли даврларда, турли мамлакатларда ҳар хил ном билан аталган: ботинийлар, сабъийлар, таълимийлар, мулҳидлар ва ҳоказо.

Исмоилийларнинг шаклланиши Араб халифалигида зиддият ва халқ қўзғолонларининг куч айтиши оқибатида рўй берган. Шиаликнинг баъзи тарафдорлари аббосийлар билан ҳамжиҳат бўлиб, бошқа бир гуруҳ шиалар эса, аббосийларга қарши курашни давом эттиришда Жаъфар Содикнинг тўнғич ўғли Исмоилни еттинчи имом деб тан олиб, унинг атрофига жипслашган.

Аmmo Имом Жаъфар маишатга берилган Исмоил ўрнига кичик ўғли Мусо Козимни ворис этиб тайинлаган. Бундан норози бўлган Исмоил тарафдорлари унинг вафотидан (762 й.) кейин унинг ўғли Муҳаммад ибн Исмоилни имом деб эълон қилишган. Шу тариқа имомликни Исмоил авлодида сақлаб қолиш тарафдорлари ўзларини исмоилийлар деб атай бошлаган. Муҳаммад ибн Исмоил вафот этгач, унинг тарафдорлари ўртасида келишмовчилик чиққан. Баъзилар уни охириги – еттинчи имом деб билиб, Маҳдий сифатида қайта тирилади, деб ишонган. IX асрнинг иккинчи ярмидан бу таълимот тарафдорларини қарматийлар деб атай бошлаганлар.

Таъқиботлардан Сурия, Хуросон ва бошқа мамлакатларга қочган иккинчи гуруҳ ботиний (махфий) имомлар номини олган. Уларнинг фаол даъватлари туфайли Шимолий Африкада Фотимийлар халифалигига асос солинган.

X аср охирида Мағриб, Миср, Сурия, Фаластин, Ҳижозда исмоилийлар ҳокимияти ўрнатилган. XI аср охирларида исмоилийлар ўртасида тахт ворислиги даъвосида нифоқ чиқиб, улар икки гуруҳга, низорийлар ва мустаълийларга бўлиниб кетган. Низорийлар Фотимийлар халифалигига кирмайдиган шарқий ислом мамлакатлари (Эрон, Сурия ва бошқалар) да устун бўлган. Мустаълийлар эса, Миср ва ғарбий ислом мамлакатларида ҳукмронлик қилган. Ҳиндистон (Бомбей)даги ҳозирги исмоилийлар жамоалари мустаълийларнинг маънавий ворисларидир.

XI аср охирларида Сурия, Ливан, Ироқ ва Эроннинг тоғли жойларида ҳаракат қилувчи низорийлар таъқиблардан қочиб, аста-секин Ҳиндистонга кўча бошлаган. XIX асрнинг биринчи ярмидан низорийларнинг маънавий раҳбари Оғохон унвони билан юритилади.

Низорийларнинг Ҳиндистон ва Кениядаги қароргоҳларидан турли мамлакатларга низорийлар таълимотининг тарғиботчилари махсус юборилади. XVII аср бошларида мустаълийларнинг диний марказлари ҳам Ҳиндистон (Гужарот)га кўчади. Ҳиндистонга бориб ўрнашган мустаълийлар довудийлар деб, Яманда қолганлари эса сулаймонийлар деб атала бошланган, бироқ улар ўртасида ҳеч қандай ақидавий тафовут йўқ.

Умуман исмоилийлар таълимотига келганда, у иккига: зоҳирий (ташқи) – очик ва ботиний (ички) – махфий таълимотларга бўлинади. Зоҳирий таълимот шиаларнинг умумий таълимотидан кам фарқ қилади, у фирқанинг махфий таълимотидан беҳабар бўлган оддий исмоилийлар оммасига мўлжалланган. Исмоилия тарафдорлари эътиқодига кўра, инсоният тарихи Одам Атодан Қоимгача бўлган «буюк давр»дир. У етти «фитра»дан иборат. Уларнинг ҳар бирига муайян нотик (пайғамбар) тўғри келади: Одам (а.с.), Нуҳ (а.с.), Иброҳим (а.с.), Мусо (а.с.), Исо (а.с.) ва

Муҳаммад (с.а.в.). Ҳар бир пайғамбар даврининг еттинчи имоми кейинги пайғамбар (нотик)га айланади. Демак, Исмоилнинг ўғли Муҳаммад – еттинчи имом, у Қоим қиёфасида еттинчи пайғамбар бўлиб келиши ва «қиёмат қоим»гача ҳукм суриши керак.

Исмоилийлардан бир гуруҳи – нусайрийлар аслида «ғулотлар» жумласидан бўлиб, Алини Худо даражасига кўтариб, имом ва унинг қилмишлари, сўзлари ва фикрлари ҳақида ҳаддан ошириб сўзлайдилар. Ушбу ҳаддан ошган гуруҳ фаолияти ва эътиқоди бошқа шиа гуруҳлари, айниқса, жаъфарийлар томонидан мусулмонлик эътиқоди масалаларида инкор қилинади, уларнинг хато йўлдан кетаётганликлари танқид остига олинади.

Исмоилий мазҳабига мансуб ботиний ва қарматий фирқалари Исломда пайдо бўлган илк экстремистик гуруҳлардан бўлиб, қурол ишлагиш ва терроризм йўли билан ҳокимиятга эришиш учун кураш олиб борганлар. Улар дин ва давлат арбобларини кўплаб ўлдирганлар. Абу Мансур Мотуридий, уларга қарши ғоявий кураш олиб бориб, бир қатор китоблар ёзган. Исмоилийлар Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Афғонистон ва тоғли Бадахшонда яшайди.

Ханфария: Бу фирқанинг асосчиси Али ибн Фазл Ханфарий исмли шахс бўлиб, исмоилийларнинг Ямандаги тарғиботчиси эди. У дастлаб 290/903 йилда ўзини Маҳдий, деб эълон қилиб, Яман қабилаларининг бир гуруҳини ўз атрофига йиғди. Сўнг ҳукуматга қарши исён кўтариб, Забид ва Санъо шаҳарларини босиб олиб, ўз қароргоҳи қилиб Санъо шаҳридаги Мазанҳар деган жойни белгилади. У ҳаддидан ошиб ўзини пайғамбар деб эълон қилиб, муаззин азон этганда унинг номини пайғамбар деб, яъни, Али ибн Фазлни Аллоҳнинг расули деб шоҳидлик бераман, дерди. Шунингдек, у ўз тарафдорларига ўзини «Ерни ёйган ва тоғларни жунбишга келтирган ва баландга ўрнатган зот», деб таърифларди. Унинг ҳукмронлиги ўн уч йил давом этиб, ўз тарафдорлари томонидан захарлаб ўлдирилгандан сўнг барҳам топди.

Синония: Бу фирқанинг асосчиси Рошиддин лақабли Абул Ҳасан Синон ибн Салмон ибн Муҳаммад ибн Рошид ал-Басрий бўлиб, асли исмоилийларнинг наззорийларидан эди. Шунингдек, у Шом қалъасида исмоилийларнинг пешвоси ва даъватчиси эди. У

Салоҳиддин Аюбийнинг замондоши бўлиб, лекин ҳеч қачон унга бўйсунмаган эди.

Рошиддин жодугарлик сирларидан хабардор бўлиб, «таносух» ақидасини илгари суриб, ғайб илмини билишини, ўз душманлари бошларини кесиб ташлаб, улар билан сўзлашиши, турли хил алдов ва хийла-найранг билан халқни ўзига ишонтириб, содир бўладиган ҳодисани аввалдан хабардор эканлигини таъкидларди. Шунингдек, Муҳаммад ибн Исмоил унда хулул қилган деб, худоликни даъво қилди. Унинг тарафдорлари уни Худо деб сиғиниб, ўзларининг жони ва молини унга фидо қилардилар. У ислом динидан халқни қайтариб, шариат аҳкомларини ўз холича ўзгартириб бошқа бир динни жорий қилди. Султон Нуриддин Маҳмудга қарши бир неча бора жанглар қилди. Унинг ҳукмронлиги ўттиз йилча давом этди. Санон 588/1192 йили Шомда вафот этди.

Наззория: Улар исмоилия фирқаларидан бири бўлиб, асли фирқанинг пайдо бўлишига сабаб ал-Мустансир биллоҳ Фотимий вафотидан сўнг унинг икки ўғли – Мастали ва Наззор ўртасида отасининг ўрнига ўтириш борасида низо чиққан эди. Миср исмоилийлари Мустали тарафдорлари бўлиб, улар низода ғалаба қозондилар ва Масталини халифаликка сайладилар, Наззорни эса ўлдирдилар.

Наззорнинг ўлиmidан сўнг унинг тарафдорлари Миср ва Шомдан Яман ва Эронга қочиб, Аламутда Ҳасан Саббоҳ пешво ва раҳнамолигида наззория таълимотига асосланган бир давлат ташкил этдилар.

Наззорийлардан баъзилари Наззор ўлдирилмаган, балки яширин равишда Мисрга қочган ва Эронга келган, Толиқон тоғларида Наззория давлатини таъсис этган, деб ишонардилар.

Баҳра: Исмоилия оқимидан ажралиб чиққан бу фирқанинг иккинчи номи «Исмоилия мусталавия»дир. Фирқа тарафдорлари асосан Яман ва Ҳиндистонда истикомат қилганлар. «Баҳра» сўзининг луғавий маъноси хинд тилининг гужурот шеваидан олинган бўлиб, савдогар маъносини англатади. Баҳра фирқасининг илк пешвоси яманлик Абдуллоҳ Яманий исмли кимса бўлиб, 460/1068 йилда Ҳиндистонга бориб, фирқа таълимотини ёйган. Кейинчалик бу

фирқанинг бузуқ таълимотини Ҳиндистонда кенг тарқалишига 532/1138 йилда Муҳаммад Али деган шахс сабабчи бўлди. Муҳаммад Алининг вафотидан кейин Ҳиндистоннинг Комбой шаҳридаги қабри «Баҳра» тарафдорларининг зиёратгоҳига айланган.

Мазкур фирқа пешволари асосан 946/1539 йилгача Яманда истиқомат қилган. Шу йиллари фирқага пешволик қилган Юсуф ибн Сулаймон деган киши ўз қарашларини кенг ёйиш мақсадида Ямандан Ҳиндга борди ва Садахпур шаҳрига жойлашди. Баҳра аъзоларидан баъзилари уни муқаддаслаштириб, ўзларини Сулаймония фирқасига мансуб деб қарадилар. Юсуф ибн Сулаймон Гужурот минтақасига келиб, Аҳмадобод шаҳрида вафот этди, унинг қабри ҳам Баҳра тарафдорлари томонидан бир зиёратгоҳга айланди.

Кейинчалик Баҳра фирқасидан Довуд ибн Атабшоҳ деган кимса асос солган «довудия» оқими ажралиб чиқди. Довудия фирқасидан икки оқим ажралиб чиқди. Биринчиси «Баҳраи Алия» ва иккинчиси «Баҳраи нокушия» деб номланди. Баҳраи нокушия хиндуийликдаги ботил динлар каби ўзларига гўшт ейишни ҳаром деб билиб, гўшт еювчиларни гуноҳкорлардан деб ҳисоблайдилар.

Баҳра фирқаси тарафдорлари икки катта гуруҳга савдогарлар шиа ва деҳқон суннийларга ажралган. Баҳра фирқасининг аъзолари ўзлари эътиқод қиладиган китобни муқаддас санаб, ҳаммадан сир сақлайдилар. Умуман баҳра фирқасининг ботил эътиқодлари ҳақида «ат-Таржима аз-зоҳирия ли фирқат баҳратил боҳира» номли китоб мавжуд бўлиб, унинг бир қўлёзма нусхаси Бомбай кутубхонасининг Лондон қироллигининг Осиё анжумани бўлимида сақланади. Мазкур китобни К.М. Jhovery инглиз тилига «Aleqendary history of the Bohoras» номи билан таржима қилган.

Ражъия: Ражъия эътиқодига мувофиқ, Али ибн Абу Толиб ва унинг барча асҳоблари бу дунёга қайтади ҳамда душманларидан ўч олади. Подшо бу дунёда бошқаларга одиллик қилмаса ҳам уларга, албатта, адолат қилади. Ўша вақтда Ер юзида жабр, зулм каби адолат ҳам тўлиб тошади.

Аҳли Сунна вал-Жамоа наздида, вафот этган одам қиёмат кунига қадар дунёга қайтмайди. Куръони каримда: «**Биз сизларни ундан (ердан) яратдик, унга қайтарурмиз ва (қиёмат кунда) сизларни яна бир марта ундан чиқарурмиз**» (Тоҳо, 55) ояти билан далилланади. Аллоҳ таоло бошқа бир оятда: «**Айтинг:**

«Сизларга вакил қилинган ўлим фариштаси жонларингизни олур, сўнгра Раббингиз хузурига қайтарилурсиз» (Сажда, 11), деди, аммо: «Дунёга қайтарилурсиз», – демади. Шунингдек, Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Аллоҳга қасамки, ўлимдан сўнг чарчаш йўқ, ўлимдан сўнг фақат жаннат ёки дўзахдан ўзга ҳеч нарса йўқ», – дедилар. Шунингдек, Куръони каримда ҳам шундай дейилган: «Аллоҳ кимга нур (имон) бермаса, бас унинг (учун) ҳеч қандай нур йўқдир» (Нур, 40).

Ибн Аббос (р.а.)га: «Одамлар Али ибн Абу Толибнинг қайта тирилишига эътиқод қияптилар», – деб айтишганида у: «Улар қандай ҳам ёмон қавм экан-а! Ундай бўлса, уларнинг аёлларини никоҳлаб олмас, меросларини бўлиб олмас эдик».

Шайхия: Бу фирқанинг иккинчи номи «ҳасания» бўлиб, Ғарбий Хуросон (Эрон)да XIV асрнинг 30–80-йилларида мавжуд бўлган шиаликдаги оқим. Мозандаронлик дарвеш Шайх Халифа шайх Балуйи Амолийнинг муриди унинг асосчиси бўлиб, лекин устози қарашларида «нуксон» борлигини билгач, уни тарк этиб бирмунча вақт шайх Алоуддавла Самноний хонақосидан кўним топган. Сўнгра Сабзавор жоме масжидида яшаб, «исёнкорлик руҳи»даги ваъзлар билан чиқа бошлаган, унинг издошлари кўпайиб борган.

Сунний фақиҳлар фатво тузиб, унда шайхия раҳбарини масжидда дунёвий нутқлар сўзлаганликда, илоҳиётчиларнинг тақиқларини бузганликда ва яширин фаолият юргизганликда қоралашган. 1335 йили Шайх Халифа яширин суратда ўлдирилган ва 1342 йилгача шайхия оқимига шайхнинг муриди, Хуросон шаҳарлари аҳолисини шайхия оқимига даъват қилган Ҳасан Журий бош бўлган. У тарафдорларини яширин иш тутиб, қуроли чикишга тайёргарлик кўришга чақирган. Унинг тарафдорлари орасидан кейинчалик мўғуллар зулмига қарши кўтарилган ҳаракат аъзолари – сарбадорлар ҳам етишиб чиққан.

Тарихчи Хондамирнинг¹ фикрига кўра, шайх Ҳасан Журий сарбадорлар амири Масъуд буйруғига кўра 1342 йили қатл этилган,

¹ **Хондамир** – унинг тўлиқ исми Ғиёсиддин Муҳаммад ибн Хожа Хумомуддин ибн Хожа Жалолиддин Муҳаммад ибн Бурҳониддин Муҳаммад Шерозий бўлиб, Хондамир тахаллуси билан ижод қилган. Унинг таваллуд санаси баъзи бир манбаларда 878/1473 йил берилса, баъзи бирларида 881/1476 йил деб кўрсатилган. Бобур Мирзонинг ўғли Хумоюн билан ҳарбий юришдан қайтиб келаётганда 941/1534 йил Мандуда вафот этган. Васиятига биноан, Деҳлидаги

унинг вориси Дарвиш Азиз ҳам ўттиз йилдан сўнг ўлдирилган. Шайхия оқими XIV асрнинг 80-йилларигача мавжуд бўлиб, сўнгги сарбадорлар амири шайхйлар фаолиятини чеклаб қўйган.

Фидовия: Улар Суриядаги «исмоилия» фирқаларидан ажралиб чиққан ашаддий террорчилар тоифасидан эдилар. Улар ўзлари билан заҳарланган пичоқ олиб юрардилар. Агар бировни ўлдиришга қасд қилиб, ўлдира олмасалар кейинчалик ўша одам пичоқдаги заҳарнинг таъсирида ўлиб кетарди.

Мусавия: Бу фирқанинг ақидасига кўра, халифалик Жаъфар Содикқа хосдир. Ундан кейин эса ўғли Мусога ўтиши зарур. Мусо вафотидан кейин ҳам Мусони ўлмаган, балки Ҳорун ар-Рашид боғига кириб ғойиб бўлган ва охирзамонда чиқадиган имом Маҳдий ҳам унинг ўзидир, деб эътиқод қиладилар.

Унинг даъвоси юқорида Муҳаммадия фирқасининг даъвоси каби пуч эканлиги вафотидан сўнг ўз исботини топди.

Ровандия: Бу фирқа шиалардан ажралиб чиққан бўлиб, иддаоларига кўра Муҳаммад (с.а.в.) ўзидан кейин имомликка амакиси Аббос ибн Абдул мутталибни тайинлаган эмишлар. Бу фирқа тарафдорлари Абдуллоҳ Ровандий исмли кимса бўлиб, унга эргашганларнинг аксарияти Хуросон аҳолисидир.

Ровандия фирқаси тарафдорлари халифа Мансурни Худо, Макка губернаторини Жаброил (а.с.)нинг тажаллиси ва халифа қўриқчиларининг бошлиғини эса Ҳазрат Одам (а.с.) руҳининг тажаллийси, деб эътиқод қила бошладилар. Тарихчи Табарийнинг қайд этишича, Ровандийлардан баъзи бирлари Усмон ибн Наҳикни Одам (а.с.)нинг кўриниши ва Ҳайсам ибн Муовияни Жаброил (а.с.)нинг ердаги кўриниши, деб тасаввур қилардилар.

Халифа Мансур бу фирқанинг ботил эътиқодларидан хабар топиб, улардан икки юз нафар кишини зиндонга ташлади. Халифа Мансурнинг ушбу қароридан сўнг фирқа аъзолари орасида унга бўлган эътибор сусайиб, уни Худо деб атамай, фақат халифа экан, деб ҳисоблай бошладилар.

Навбахтий шундай дейди: Ровандийлар халифа Мансурни Худо деб эътиқод қиладиган вақтда шундай дер эдилар: Мансур

машҳур қабристонга, шоир Хусрав Дехлавий (651/1253–726/1325) ёнига дафн этилган.

бизнинг парвардигоримиздир, шунинг учун ўз пайғамбарлари ва вакиллари ни ўз бандаларининг қўли билан истаганча ўлдирган ва бизни ҳам шаҳид қилажак. Масалан, баъзи бандаларни бошларига уйини ағдариб қулатиш, бир қанчасини сувда, бир гуруҳини ёввойи ва йиртқич ҳайвонлар чангалида, анча миқдорини тўсатдан ўлим юбориш йўли ва бошқа сабаблар билан амалга оширади ва ундан ҳеч ким сўрашга ва эътироз билдиришга ботина олмайди.

Навбахтий шундай дейди: ровандийларнинг яна бир ботил эътиқодларига кўра, Муҳаммад ибн Али имом ва азиз Худо, у ҳамма нарсага қодир ва донодир, ҳар ким уни таниса, ҳар қандай ишни удалай олади, дер эдилар. Шунингдек, ровандийлар рухнинг кўчиб юриши, яъни ўлганларнинг руҳи (жони) янги туғилган инсонларда, ҳатто ҳайвон ва ўсимликларда қайта мужассамлашади, деб эътиқод қилишар эди.

Аблақия: Табарий бу фирқани «Ровандия» гуруҳидан деб қайд этган. «Аблақ» сўзи араб тилидан олинган бўлиб, «пес» деган маънони аңлатади. Бу фирқа вакиллари пес касаллигига чалинган бир кишига издош эдилар.

Бу фирқа вакиллари Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг амакиси Аббос (р.а.) авлодлари ҳақида ҳаддан зиёд муболағага йўл қўйишган. Аблақнинг бузуқ эътиқодига кўра Исо ибн Марямнинг руҳи Али ибн Абу Толибга ва шиаларнинг имомларига ҳулул қилиб, улардан Иброҳим ибн Муҳаммад Аббосий имомининг баданига кирди. Сўнг Абу Жаъфар Мансурга ҳулул қилгани учун барчаларини худолардир, деган даъвои қилган.

Шунингдек, Аблақ барча ҳаром ва ножоиз нарсаларни ҳалол ва жоизга чиқарган, ўз издошларидан бир гуруҳини уйига чақириб, едириб-ичиради ва улардан ўз хотинини қизғанмай, тўшакдош бўлишга рухсат беради.

Бу тоифа Абу Жаъфар Мансурни Иброҳимнинг ўринбосари сифатида тан олиб, уни илоҳлик даражасига кўтариб, Худо деб билишарди. Кўк гумбазли қаср устига чиқиб, худди қуш каби парвоз қилмоқчи бўлгандек, ўзларини ерга отиб ҳалок қилардилар. Улардан бир жамоат қуролланиб исён кўтарди ва эй Або Жаъфар «Анта, Анта» сен, ўша сенсан, яъни сен Худосан деб жар солди.

Бу исёндан Абумансур хабар топиб, ўз қўшини билан исён кўтарганларни ўраб олиб барчаларини қиличдан ўтказди.

Бу фирқа зоҳиран «Ровандия», яъни шиаларнинг Бани Аббос гуруҳидан ҳисобланган. Баъзан фирқа вакиллари Иброҳим ибн Муҳаммадни илоҳлик даражасига кўтарганлари боис уларни Иброҳимия ҳам деб аташарди. Бу ҳодисалар 158/775 йилда содир бўлган.

Муборакия: Бу фирқа тарафдорлари Жаъфар Содиқнинг Исмоил исмли ўғлининг ўғли Муҳаммад авлодидан туғилганлар халифаликка ҳақлидир, деб даъво қиладилар. Бу даъволарида улар Ботиния фирқаси билан ҳамфикрдир. Муаррихлар гувоҳлик беришига қараганда Муҳаммаддан фарзанд туғилмаган.

Лоиния: Бу фирқага мансуб кишилар Муовия ибн Абу Суфён (р.а.), Оиша разияллоҳу анҳо, Талҳа (р.а.), Зубайр (р.а.) каби ҳамда бу улуғ зотлардан бошқа саҳобаларни қаттиқ қоралаб, ҳақларига ҳар хил нотўғри ёлғон тухмат гапларни гапирганлар ва шуни ҳақ деб билганлар. Улар машҳур саҳобийларни лаънатлайдилар ва уларнинг ҳақларига ҳар хил нолойиқ сўзларни айтадилар.

Биз мўминлар саҳобаларнинг фақат яхшиликларини ёдга олишимиз керак, чунки улар Пайғамбаримиз (с.а.в.) билан машаққатлар чекиб, биргаликда кун кечирганликлари учун барча саҳобаи киромларни чиндан севиш зиммамиздаги ҳам фарз, ҳам қарздир. Ўз манфаатларимизни кўзлаган ҳолда саҳобаларни душман тутишимиз жоиз эмас. Бунга Пайғамбаримиз (с.а.в.) нинг: *«Саҳобаларим хусусида Аллоҳдан қўрқинглар, мендан кейин уларни дунёвий бир мато қилиб олманглар. Кимки, саҳобаларни яхши кўрса, мен ҳам уларни бор муҳаббатим билан яхши кўраман. Кимки, саҳобаларимни ёмон кўрса, мен ҳам уларни бор ғазабим билан ёмон кўраман. Кимки уларга озор берса, батаҳқиқ, менга озор берибди. Кимки менга озор берса, демак, Аллоҳ таолога озор берибди. Шундай экан, бундай кимсанинг Аллоҳ ғазабига гирифторм бўлиши аниқ»*,— деган ҳадислари далилдир.

Ибн Абу Қайсдан ривоят қилинади: «Бир куни Али ибн Абу Толиб (р.а.) Сиффин¹ шаҳридан қайтаётганида Куфага кириб, бир киши

¹ **Сиффин** – Ироқдаги Ҳазрат Али ва Муовия лашкарлари тўқнашган жойнинг номи.

Муовияни лаънатлаётганини эшитиб: «Бундан ўзингизни тийинглар ҳамда Муовиянинг олиб бораётган сиёсатини ёмон кўрманглар. Агар Муовия ҳокимиятини йўқотсангиз, ғайридинларнинг ҳар томондан бостириб келаётганини кўрасизлар», – деди.

Катодадан ривоят қилинади: «Мен Ҳасанга: «Эй, Абу Саид! Одамлар Муовия ва уни қўллаб-қувватлаганларнинг дўзахийлигига гувоҳлик бермоқдалар», – деб айтдим. Ҳасан: «Уларга Аллоҳнинг лаънати бўлсин, уларнинг дўзахий эканини қаердан биладилар?!», деди. Пайғамбаримиз (с. а. в.): «Қачонки саҳобаларим тилга олинса, ёмон сўзлардан ўзларингни тийинглар», – дедилар.

Бобакия: Бу фирқа тарафдорлари Бобак Хуррабийга эргашганлар бўлиб, шиа мазҳабидан ажралиб чиққан. Бобакнинг отаси Мадоин аҳлидан бўлиб, ёғ сотарди. У Озарбайжонга келиб, Биллобод туманининг Мимоз қишлоғидан жой олди. У ерда бир қизга кўнгил қўйиб, уни ўз никоҳига олди. Бобак шу аёлдан туғилди. Бобакнинг отаси Саблон тоғига борганида бир киши унинг орқасига ханжар урди ва шу зарба туфайли оламдан ўтди. Отасининг ўлиmidан сўнг Бобакнинг онаси доялик (энагалик) қила бошлади. Бобак ўн ёшга кириб, пода боқди. Шибл ибн Мунаққа хизматига кирди ва унинг ҳузурида чўпонлик қилиб юриб, унинг қулларидан танбур чалишни ўрганди.

Тарихчи Табарийнинг ёзишича, Бобак ёшлигида Табаристондаги маздакийлар раиси Ширвин ибн Варожаvand билан яқин алоқада бўлган. «Баён ал-адён» асарининг муаллифи Абул Маолий Муҳаммад Абдуллоҳ ал-Форисий шундай ёзади: Ардабилда Бобак ва унинг онаси қийин ҳаёт кечирганлари сабаб Муҳаммад ибн Равод ал-Аздийга қарашли бир қишлоққа кўчиб ўтганлар. Бу қишлоқ аҳолиси маздакийлар ва хуррабийлардан иборат бўлиб, уларнинг пешвоси Жовидон ибн Шаҳрак бўлган. Бобак шу вақтларда қовун сотган. Жовидон ундан бир неча марта қовун сотиб олиб юрган вақтда унинг танбурни яхши чалишини эшитиб, уни ўз олдига чақириб олади.

Муҳаммад ибн Исҳоқ ан-Надим шундай ёзади: Жовидон ибн Шаҳракнинг Абу Имрон исмли бир рақиби бўлиб, улар ўртасида жанжал бошланиб кетди. Уларнинг иккаласи ҳам Хуррабийлардан эди. Жовидон рақиби Абу Имронни жангда ўлдирди ва ўз тоғига

кайтиб кетди, аммо найза ўқидан яраланганлиги сабаб уч кундан кейин вафот этди.

Бобак Жовидон хизматида бўлиб турган пайтларида Жовидоннинг хотини Бобакка кўнгил қўйган эди. Жовидоннинг ўлимидан сўнг хотини Бобакни ҳузурига чақириб шундай деди: «Эй Бобак, сен тайёр тургин, мен эримнинг ўлимидан дод-фарёд қилмайман, балки халқни йиғиб, уларга шундай дейман: Эй халойиқ! Жовидон ўлими олдидан шундай деди: «Мен бу кечаси ўламан, менинг руҳим танамдан чиқиб, Бобак жисмига ўтади ва Бобакнинг руҳи билан уйғунлашиб кетади ва Бобак рўйи-заминга Худо бўлиб, маздак динини яна қайтадан тиклайди!»

Эртаси кун тонг отиши билан аёл халойиқни тўплаб, дейди: «Эй халойиқ! Жовидон ўлимидан олдин менга айтдики, бу кечаси мен ўламан, танамдан жон чиқиб, бу йигитнинг танасига киради».

Жовидоннинг маслакдошлари аёлнинг бу сўзига ишониб, қабул қилдилар. Сўнг аёл бир сигир келтиришни буюрди. Аёл сигирни сўйдириб, терисини шилдирди. Бир тоғорани олиб, уни шароб билан тўлғазди ва терининг устига қўйиб, унинг атрофига нонларни синдириб қўйди. У йиғилган халойиқни бирма-бир чақириб деди: «Эй халойиқ терининг устига чиқиб тепинглар, ҳар бирингиз бир бурдадан нон олиб, уни майга ботириб енглар ва шундай денглар: «Эй Бобакнинг руҳи! Худди Жовидон руҳига ихлос қўйганимиздек, сенга мурид бўлдик».

Халқ аёлнинг айтганларини бекаму кўст бажаришди. Сўнг Бобак аёлнинг қўлини қўлига қўяди ва унинг қўлидан ўпади. Шундан сўнг аёл Бобакка турмушга чиқади.

Бобак тарафдорлари кундан-кун кўпайиб, тарихчи олим Гардизий «Зайн ал-ахбор» асарида ёзишича, Сипахон (Исфахон), Ҳамадон ва Мосибзон халқи Бобак ҳуррабийлари тарафдорлари бўлган. Бобакнинг ўзи асосан Озарбайжоннинг Бадин деб аталувчи тоғлик минтақасидан қўним топган.

Бобак тарафдорлари ҳаддиларидан ошиб, 162/779 йил Исфахонда исён кўтариб, у ерни эгаллаганлар. У ерда Бобак ўттиз йил ҳаром қилинган нарсаларни ҳалолга айлантириб, кўп мусулмонларни қатл қилдирган. Озарбайжон ҳуррабийлари ҳам 192/808 йили халифаликка қарши исён кўтарганлар. Бобак

тарафдорлари ва Озарбайжон хуррабийлари 201/817 йили ўзаро бирикиб, Бобакни ўзларига пешво қилиб сайлаганлар.

Бобакийлар Озарбайжон ва Ғарбий Эронда даҳрийлик ғояларини илгари суриб, Бобак (181/798–183/800–223/838) бошчилигидаги Исломга қарши қўзғолон кўтарганлар. Қўзғолон кенг ёйилиб, Шарқий Арманистон ерларигача тарқалган. Иштирокчиларининг сони 300 минг кишига етган. Шу вақтда Византия билан бўлаётган уруш ҳамда Мисрдаги қўзғолон (214/830–218/833) халифаликка Бобак қўзғолонини бостириш имконини бермаган. Шунинг учун халифа Маъмуннинг вафотидан сўнг (218/833) халифа Муътасим (218/833–227/842) Византия билан яраш битими тузиб, асосий кучини Бобак қўзғолонини бостиришга юборди. Ҳамадон шаҳри яқинидаги жангда қўзғолончилар 218/833 йили оғир талафот кўрди. Араб манбаларида кўрсатилишича, бу жангда 60 минг киши ҳалок бўлган. 220/835 йил халифанинг энг йирик қўмондони ислом динига киришдан олдин Уструшана¹ афшини² бўлган Ҳайдар ибн Қавус³ араб қўшинига саркарда қилиб тайинланган.

Бобак халифа лашкарларини енга олмаслигига кўзи етиб, Византия императори Михаилнинг ўғли Туфилга хат ёзиб, уни

¹ **Уструшана** – Уструшана Суғд каби ўлка номи бўлиб, Уструшана номидаги шаҳар бўлмаган ва унинг аксарият қисми тоғ, ғарб томондан Самарқанд ҳудуди, шимол томондан Шош воҳаси ва Фарғонанинг айрим ҳудуди, жануб томондан Кешнинг озгина қисми, Сағаниён, Шумон, Вошғирд ҳудуди, шарқ томондан Фарғона ерлари билан тутшиб кетган. Уструшана мингақасининг ҳозирги жойлашган ҳудуди Жиззах ва Сирдарё вилоятларини ўз ичига қамраб олади.

² **Афшин** – илк ўрта асрларда Марказий Осиё ўн бешдан ортиқ кичик ҳокимликларга бўлинган бўлиб, улар турли номда юритилган. Бухоро воҳасида – бухорхудотлар ва вардонхудотлар, Миёнктулда – дабусшоҳлар, Уструшанада – афшинлар, Чоч ва Илокда – будун ва гудун ҳамда Суғд ва Фарғонада ихшидлар ҳукм сурган.

³ Уструшананинг афшини Ҳайдар ибн Қавус (197/813–218/833) йилларда халифа Маъмун хизматига ўтади ва кейинчалик 218/833–226/841 йиллари халифа Муътасим хизматида бўлган. Ҳайдар ибн Қавус араб қўшинига 220/835 йилда халифанинг энг йирик қўмондони сифатида тайинланади. У Кичик Осиёда юнонлар устидан ғалаба қилгани ва Бобак қўзғолонини бостиргани эвазига халифанинг юксак эътиборига сазовор бўлган. Ҳайдар ибн Қавус халифа саро йидаги баъзи бир мансабдор шахсларнинг унга нисбатан ноҳақ фитнаси туфайли 226/841 йилнинг июнида ислом динидан қайтганликда айбланиб, ўлим жазосига ҳукм этилган.

Озарбайжонга лашкар тортишга даъват этган. Аммо император бирор қарорга келгунигача Ҳайдар ибн Қавус маҳаллий мулкдорларнинг ёрдами билан қўзғолонни бостирган. Қўзғолончиларнинг охири таянч қалъаси Баз 222/837 йил қўлдан кетган. Аббосий халифалар уларга қарши йигирма йил уруш қилиб, охири Уструшана ҳокими Ҳайдар ибн Қавуснинг юқори жанговарлик маҳорати туфайли Бобакни хийла билан тузоққа туширишга имкон туғилган. Уни халифа Муътасим ҳузурига келтирилган. Халифа фармони билан Бобак филга миндирилган ҳолда шаҳарни айлантирилди. Шундан сўнг халифа Муътасим Бобак билан укаси Исҳоқни 223/838 йилда дорга остирган. Тирик қолган Бобак тарафдорлари эса халифанинг жазосидан қўрқиб, Румга қараб қочганлар.

Мозиёрия: Бу фирқанинг асосчиси Мозёр ибн Қорин бўлиб, қадимий Табаристоннинг маҳаллий амирлари хонадонидан бўлиб, отасининг вафотидан кейин Аббосий халифа Маъмун саройига борди ва мусулмонликни маъқул кўрди. Маъмун унга Муҳаммад деб ном берди. Табаристоннинг бир қисми ва Рўённинг ҳукмронлигини унга берди. Мозёр Табаристонга қайтиб келгач, ўз амакисини ўлдирди ва Табаристонни буткул забт этди. Хулоса шуки, Афшин иғвоси туфайли унинг ўзи тоҳирийлар билан душман эди ва зоҳиран Хуросон вилоятида тамаси бор эди, хирож юборишдан бўйин товлади.

Мозёр ибн Қорн 224/839 йилда очикчасига халифага қарши исён кўтарди ва қизил байроқли мазҳабни ошкор этди ва хуррамдинлар ақидасини қабул қилди. Деҳқонларни ғалаён кўтаришга ва молларни ўз ихтиёрлари билан топширишга мажбур этди. Мозёр ибн Қориннинг ўзи эса Табаристонда масжидларни вайрон қилди, Сори, Омўл ва Тамиша қалъаларини бузди, мусулмонларнинг катта қисмини Сори ва Омўлдан кўчирди. Хўрмузободда Сори ва Омўл орасидаги халқни маҳбус этди ва бир йиллик хирожни икки ой ичида зўрлик ва тазйиқ остида ундирди.

Бу фирқа тарафдорларини қизил байроқлилар деб ҳам аташар эди. Абдуқаҳҳор Бағдодий ёзади: «Мозёр муҳаммара (қизил байроқлар) динини Гўргон ва Мозандаронга ёйди. Уларнинг Қухистонида бир байрам бўлиб, ўша кечаси аёллари ва эркаклари давра қуриб майхўрлик қиладилар, муסיқа чаладилар, тўсатдан

чироқларни ўчирадилар, кийимларни ечадилар ва эркаклар аёлларига ёпишадилар. Бугун унинг муридлари қишлоқларда бўлиб, тоғларда яшайдилар, улар кўринишдан мусулмон бўлсалар-да, дилларида эса шу дин душманидирлар».

Баъзи бир манбаларда қайд этилишича, Мозёр дастлаб Шахриёр ибн Шарвин Бовақдий билан бўлган жангда мағлуб бўлди ва 201/817 йилда Маъмундан бошпана топди. Сўнг Мусо ибн Хафс билан уришиб, охири Муътасимга қарши исён кўтарди ва 204/820 йилда у халифа буйруғига биноан қамчи зарби билан уриб ўлдирилди. Унинг жасадини Сомрода дорга осдилар.

Хулоса қилиб айтганда бу фирқа тарафдорлари, яъни мозиёрийлар Журжонда Муҳаммара динини тарқатган Мозиёрга эргашганлар бўлиб, уларнинг фитнаси Муътасим биллоҳ халифалиги давригача давом этиб, Мозиёр дорга осилгандан кейин барҳам топган.

Мутараббисия: Мутараббисийлар рофизия фирқасидан бўлиб, таркидунёчиларга¹ тақлид қиладилар. Манбаларда бу фирқанинг Хашус қишлоғидаги асли найсобурлик Тоҳир ибн Саъид ибн Абдулмажид Искофий исмли шахс раҳбарлиги остида пайдо бўлганлиги айтилади. Мутараббисийлар бу кишини Муҳаммад (с.а.в.) умматининг Маҳдийси, дея даъво қиладилар.

Бу жамоа одамларга қарши қурол кўтариб урушга чиқди ҳамда ўзларига қарши чиққанларни кофирга чиқардилар, уларга эргашганлар тўғри йўлдан адашди. Уларнинг энг катта ёлғонлари Хизр (а.с.) орқали Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан ҳадис ривоят қилишлари бўлди. Мутараббисийлар ўз хатти-ҳаракатларини мутлақ ҳақ ҳисоблаганлари учун ҳам шайтоннинг бу каби фитнасига алдандилар.

¹ **Таркидунёчилик** — одамлардан, ташқи дунёдан, шунингдек, жамият ва оиладан ажралиб яшаш, кимсасиз жойларга бош олиб кетиш, дарбадарликда ҳаёт кечириш. Йирик динлар (брахманизм, буддавийлик, яҳудийлик, христианлик)га хос хусусиятдир. Таркидунё қилганлар одамлардан узоқда ва ғорларда ҳаёт кечиришган, ўзларини хилма-хил уқубатларга дучор қилганлар, оч-яланғоч яшаганлар. Айниқса, уйланиш, авлод қолдиришга, кундалик ҳаёт ташвишлари билан яшашга нафрат билан қарашган. Ислом динида бу каби роҳиблик йўқлиги ҳадисларда келган.

Ҳабиб ибн Абу Собитдан ривоят қилинишича, Али ибн Абу Толиб (р.а.): «Ушбу уммат етмиш неча фирқага бўлинади. Энг ёмон қавм аҳли байтни севиш сабабли тўғри йўлдан адашиб, уларнинг амалларига қарши чиққанлардир», – деди.

Яна бир ривоятда Али (р.а.): «Менинг мисолим Исо ибн Марям мисолига ўхшайди. Уни бир тоифа яхши кўриб, кейин шу муҳаббатлари кучлилигидан ҳалокатга учради. Уни бир тоифа ёмон кўриб, сўнг шу ёмон кўришларининг кучлилигидан ҳалок бўлади. Бир тоифа Исо (а.с)га муҳаббату ғазабда ўртада бўлиб нажот топди. Сизларнинг нажот топувчиларингиз ўрталикни лозим тутганингиздир», – деди.

Қатъия: Бу фирқанинг эътиқодига кўра, халифалик Жаъфар Содик ва унинг ўғли Мусога хосдир. Мусо Ҳорун ар-Рашиднинг боғига кириб кетмаган, балки вафот этган, деган қатъий фикрда туриб олганлар. Шунингдек, уларнинг ботил эътиқодига кўра, кейинги халифалик Муҳаммад ибн Ҳасандан бошлаб, ўн икки авлодгача боради ва ўн иккинчиси эса имом Маҳдий экан.

Ибоҳия: Бу фирқанинг номи араб тилидаги «ибоҳа» калимасидан келиб чиқиб, унинг ўзаги «Бавоҳа»дир. Мазкур калима зоҳир қилмоқ ва ошкор қилмоқ ва икки нарса ўртасида иккиланмоқ маъносини беради. Ибоҳия таълимотида мутлақ ҳукм йўқ, яъни бирор феълни қилиш-қилмасликка ихтиёрли бўлишдир. Бошқача қилиб айтганда, «ибоҳа»нинг фикҳий истилоҳида ҳукм талабдан холи бўлиши керак. «Тахйир» шундай ҳукмки, бажариш-бажармасликда ихтиёрли бўлишдир, яъни мукаллаф бир амални бажара олса-олмаса ҳам унга ҳеч бир гуноҳ йўқ. «Ибоҳа» ёки «Ибоҳат» луғатда мубоҳ қилмоқ, ҳалол қилмоқ ва жоиз санамоқ маъносида келган бўлиб, унинг зидди ҳазар қилмоқ ва таҳрим (ҳаром)дир.

Бу ҳақда Мавлоно Румий «Маснавий»да дедилар:

*Кин ибоҳат зин жамоат фош шуд,
Рухсати ҳар муфлиси қаллош шуд.*

Маъноси: Ушбу жамоада ибоҳат ҳукми фош бўлди ва маънавий қашшоқ ва маишатпараст, майхўр, беномус ва маккорлар учун йўл очилди. Яъни бу жамоада Аллоҳ ва унинг расули томонидан ҳаром қилинган маънавий ва жисмоний нарсалар мубоҳ қилинди ва Аллоҳнинг ғазабига учрадилар.

Шиаларнинг баъзи жамоаси биродарларимизнинг гарданига юкланган таклиф юкини олишимиз ва бирор ишни ёки нарсани ўзимиз учун ҳаром қилмайлик, дер эдилар. Яна баъзилари Қуръонда ва Суннатда келган ҳаром ва ҳалолнинг мақсади имомларнинг душманидан узоқ бўлмоқ ҳамда уларга ва уларнинг дўстларига яқинлашмоқдир. Яна баъзилари имомни танимоқ ва уларга нисбатан меҳр кўрсатмоқ улар учун кифоядир. Ҳаром нарсалардан парҳез қилмоқни ҳожати йўқ, деганлар. Агар шариятга хилоф бирор иш бўлса-да, ўзларига мубоҳ деб билардилар.

Абдулқодир Бағдодий ўзининг «ал-Фарқ байнал-фирақ» номли китобларида ибодия фирқаларидан бирининг номини тилга олиб ёзади: «Бобакия» фирқаси тоғларда маълум вақтларида байрамлар уюштирган. Ўша байрамда кечаси эркаклар билан аёллар жам бўлишар, базми жамшиддан сўнг, яъни майхўрлик, мусиқа ва наволардан сўнг туйқусдан чироқ ўчирилган ва кийимлар ечиб ташланиб, ким бўлишидан қатъи назар эркаклар аёллар билан бирга бўлишарди.

Мўътазилийлар яхши ва фойдали феъл раво ҳамда қабиҳ ва зиён келтирувчи феъллар нораво, дейдилар. Уларнинг Жоҳиз номли улуғларидан бири Қуръонда ва суннатда наҳий қилинмаган нарсани мутлақ мубоҳдир, дерди. Исмоилийлар агар диннинг ҳақиқати ошкор бўлса шарият ботил бўлади, дейдилар.

Ҳишомия: Фирқа асосчилари икки кишидан иборат бўлиб, бири Ҳишом ибн Ҳакам, иккинчиси Ҳишом ибн Солим Жаволиқийдир.

Мазкур фирқанинг энг асосий асосчиси Абу Муҳаммад Ҳишом ибн Ҳакам Куфий (ваф. 198/814 й.) бўлиб, кинда қабиласи мавлоси-машҳур илоҳиётчи-муноз арачи, шиалик ақидаси асосчиларидан бири, шиалар тарихчиси ва назариётчиси; унинг издошлари ўзларини ҳишомия деб аташган. У Восит шаҳрида туғилиб ўсган, Куфада яшаган. Имом Мусо ал-Козимдан 50 минг дирҳам олиб савдогарчилик билан шуғулланган ва Бағдодга кўчиб бориб савдо уйини бошқарган. Бағдодда вафот этган. Жаъфар ас-Содиқнинг шогирди бўлган Ҳишом ибн Ҳакам ёшлиқдан фалсафа ва илоҳиёт муаммоларига қизиққан.

Шиаларнинг уламолари билан кўп мулоқот қилиш оқибатида имомийлик ҳақидаги таълимотнинг энг катта тарғиботчиларидан бирига айланди. Мусо ал-Козим ўз тарафдорларини қувғин қилинишидан сақлаш мақсадида уни илоҳиёт билан шуғулланишини ва мунозаралар қилишини тақиқлаган.

Ўрта аср мусулмон уламолари Ҳишом ибн Ҳакамни антропоморфизм (Аллоҳни инсон қиёфасида тасаввур этиш) ҳақидаги таълимот асосчиси деб ҳисоблашган. Унинг қуйидаги ботил эътиқодлари бўлган. Дастлаб у Аллоҳни ёрқин, кўзни қамаштирувчи нурга, шаклсиз ёмбига, кристаллга қиёслаган. Сўнгра, у бундан қайтиб, Худо – бу жисм, у ҳеч қандай жисмга ўхшамайди, у ўз ҳолича мавжуд. Унинг интиҳоси ва ўзаро тенг уч ўлчамда чекланган, ранг, ҳид, ҳаракат қилиш, ором олиш ва бошқаларга эга, бироқ бу сифатларнинг барчаси бир-бирига ўхшашдир (унинг ранги унинг хидидир, унинг ҳиди унинг ҳаракатидир ва бошқалар). Унинг тураржойи – тахт, лекин бу жой Худонинг ҳаракати натижасида пайдо бўлган.

Ҳишом ибн Ҳакам 26 та асар ёзган, жумладан «Ихтилоф ан-нос фи-л-имома» рисоласи шиаликдаги илоҳиётга доир илк асарлардан ҳисобланади.

Жаволиқия: Бу фирқанинг асосчиси Ҳошим ибн Солим Жаволиқий бўлиб, у асли Имом Жаъфар Содиқ ва Имом Мусо Козим асҳобларидан эди. Унинг ботил эътиқодига кўра, Худонинг юзи Одам (а.с.) чехрасига ўхшайди, унинг ярми юқори қисми ўртаси эса бўшлиқ ва унинг ярим пасти семиздир. Худонинг сочи қора бўлиб, унинг дилидан дониш ва ҳикмат сарчашма олади. Худо порлоқ нур бўлиб ярқирайди, унда гўшт, қон ва ҳиссиёт йўқ, уни ақл билан идрок этиб бўлмайди.

Зурория: Мазкур фирқанинг асосчиси Зурора ибн Аъян бўлиб, у афтаҳийларнинг мазҳабида бўлган. Кейинчалик мусавия фирқасининг ақидасига ўтган. Унинг бузуқ ақидасига кўра, Аллоҳ таоло аслида тирик ҳам, қудратли ҳам, эшитувчи ва кўрувчи ҳам, олим ҳам бўлмаган. Балки бу сифатларни кейинчалик ўзи учун ўзи ярагиб олган.

Кейинчалик қадария ва курромия фирқалари зурория ақидасини ўзларига асос қилиб олиб, тавҳидда адашиб кетганлар.

Юнусия: Бу фирқанинг асосчиси Юнус ибн Абдурахмон Қумий бўлиб, у қатъия ақидасига эътиқод қилган. У Аллоҳга ташбиҳ ва маконни исбот қилмоқчи бўлган. У ўзининг бу даъвосига: «**Фаришталар эса (осмон) атрофида** (Аллоҳнинг амрига мунтазир бўлиб) **турурлар. Уларнинг устида Раббингиз Аршини у кунда саккиз** (фаришта) **кўтариб турур»** (Хоққа, 17), оятини далил қилиб келтиради. Ваҳоланки, унинг бу даъвоси мутлақо ботил бўлиб, мазкур оятнинг ҳақиқий мазмунини у бузиб талқин этган.

Нусайрия: Бу фирқа асосчиси Муҳаммад ибн Нусайр (ваф. 270/884 й.) шиаларнинг ўн биринчи имоми Ҳасан Аскарӣ билан асрдош бўлиб, бу фирқа III ҳижрий асрда имомия сафидан ажралиб чиққан.

Дастлаб ибн Нусайр ўзини Ҳасан Аскарӣ ҳузурига олиб борувчи эшик (боб) деб номлаган. Кейинчалик бобия ва баҳоия номи билан XIX асрда фаолият кўрсатган тоифа номи Ибн Нусайрнинг мазкур лақабидан келиб чиққан.

Ибн Нусайр ўзини пайғамбар¹ деб эълон қилган. Ҳазрат Али (р.а.)ни илоҳийлаштирган. Эркакларнинг эркаклар билан

¹ **Сохта пайғамбарлар** – Ислом тарихида ўзларини пайғамбар деб эълон қилган кўплаб шахслар бўлган. Расулulloҳ (с.а.в.) даврида ва ундан кейинроқ пайғамбарлик даъвоси билан чиққан шахслар: Мусайлима ибн Самома (Бану Ханифа), Айхала ал-Асвад (Яман), Тулайҳа ибн Ҳувайлид (Бану Асад), Сажаҳ (аёл, Тамим) ва бошқалардир. Уларнинг энг аввали Мусайламадир. Мусайлама–Арабистон яриморотида Муҳаммад (а.с.) даврларида пайғамбарликни даъво қилган, Ямома воҳасида яшаган Бани Ҳанифа қабиласининг диний раҳнамоси. Халифа Абу Бакр (р.а.) даврида у муганаббийлар (сохта пайғамбарлар) сафига киритилган ва 12/633 йили мусулмонларнинг бу қабиллага қарши жангида ҳалок бўлган. Сохта пайғамбарларнинг аёллардан энг аввали Сажаҳдир. Ўзини Худонинг элчиси деб эълон қилган ва исломни қабул қилган арабларнинг бир қисмини йўлдан уришга эришган. Сажаҳ тағлибийлар орасида вояга етган ва улар орасида тарқалган христианликдан яхши хабардор бўлган. Муҳаммад (а.с.) ҳаётликлари чоғидаёқ у Худони «булутлар эгаси» деб атаб, ундан хабарлар келаётганини билдирган. «Ваҳийлар»ни қофияли сажъ усулида, махсус минбалардан туриб айтган, ибодатга қақирувчи муаззини ҳам бўлган. Баъзи бир манбаларда Сажаҳ билан Мусайлама ўртасида никоҳ шартномаси тузилиб, мусулмонлар билан бўлган жангда уларнинг иккиси ҳам вафот этган, деган қарашлар учрайди. Яна бир бошқа манбада эса, Ямомага қилинган юришдан сўнг Сажаҳ Ироққа қайтиб, кейинчалик ўша ерда Исломни қабул қилган, дейилади.

никоҳланишини жорий қилган. Ибн Нусайр вафот этгандан кейин унинг ишини Муҳаммад ибн Жундуб давом эттирган.

Ундан кейин Муҳаммад ибн Жинон Жунбулоний фирқага ўзгартириш киритган. Яъни, тасаввуфга берилиб, ўз номига «Жунбулоний тариқати» деб ном берган.

Бувайҳийлар¹ ҳукумати бу тариқатни қўллаб-қувватлаган. Нусайрия издошлари ўз таълимотларини кўп мамлакатларда кенг тарқалишига эришган.

Нусайрийларнинг асосий ақидаси шиаларнинг биринчи имоми халифа Алини илоҳийлаштириш, унда Худонинг ўзи тажассум топган, деб ишонишдан иборат. Уларнинг диний таълимоти ва маросимларига насроний дини ва айрим қадимий эътиқодлар таъсир этган.

Насронийликдаги муқаддас учликка ўхшаш, нусайрийлар ҳам Муҳаммад, Али ва Салмон Форсийни Худонинг уч хил намоён бўлиши, деб эътиқод қилади. Ислом ақидасининг зоҳири ва ботини бор дейишади ва шу орқали уни бузишга ҳаракат қилишади. Барча ҳаром нарсаларни ҳалол санашади. Улар ўз фалсафаларини юнон, ҳинд, форс ва насроний фалсафаларидан жамлашган. Улар Қуёш, Ой ва ёритқичларга сиғинадилар, жоннинг кўчиб юришига ишонадилар.

Уларнинг эътиқодида яна қуйидаги чалкаш ўринлар мавжуд: Нусайрийларнинг бир қисми Алини Ойда яшайди, деб эътиқод қилади, баъзилари эса, Қуёшда яшайди, дейди. Нусайрийлар Муҳаммад (с.а.в.)ни Али яратган деб эътиқод қилади. Ҳажни эътироф қилмайди. Закотни бошқа мусулмонлардек белгиламайдилар, балки жумс (бешдан бир қисм) берадилар.

Аммо улар ўз эътиқодларини сир тутиб, барча маросимларини кечалари махфий адо этадилар. Улар намоз, рўза ва бошқа ислом маросимларидан воз кечадилар. Уларда масжид каби ибодатхоналар умуман йўқ. Нусайрийлар ҳозирги кунда Сурия ва Туркияда оз миқдорда мавжуд.

¹ **Бувайҳийлар** – Ғарбий Эрон ва Ироқда ҳукмронлик қилган сулола (320/932–447/1055). Асосчилари – ака-ука Аҳмад, Ҳасан ва Али. Уларнинг отаси Бувайҳ Эрон подшоҳи Баҳром Гур наслидан бўлиб, Дайлам (Гилон вилоятининг тоғли қисми)дан жангари қавмлар сардори бўлган.

Яъфурия: Бу фирқа имомийлардан бўлиб, Сулаймон ал-Ақтаъ асҳобларидан эди. Улар имомлар маърифати вожибдир ва Расулulloҳ (с.а.в.) томонидан келтирилган шариатга (қарши) қўзғолон ҳам вожибдир, имомни танимаган киши ўлса, жаҳолатда ўлган билан баробардир, деб эътиқод қилар эдилар. Бу фирқанинг баъзи тарафдорлари агар бир киши ўз имомини таниса, бошқа шариат шарт эмас ва унга ҳеч қанақа диний маросимлар (рўза, намоз) вожиб эмас, фақат имомни таниб олиши унга етарлидир ва бошқа ҳеч қанақа вазифа йўқ, дердилар.

Ботиния: Араб тилидаги ботин, ичкари, яширин, сирли маъноларини англатади. Ботинийлар оқими VIII асрда вужудга келган бўлиб, оқим тарафдорлари Қуръон оятлари ва ҳадисларни зоҳирий ва луғавий талқин этишга қарши чиққан.

Ботинийлар шундай дейдилар: Маънонинг махфий (яширин) бўлганлиги сабабли ҳар бир киши ботинни тушуниш, унинг мазмунидан хабардор бўлишга имкони йўқлиги учун инсон зоти имом ёки муаллимга муҳтождир. Зоҳирий маъноларни шарҳлаш ва ботиний маъноларни очиқ-ойдин изоҳлаб бериш имом ва муаллимларга боғлиқдир.

Ботиния фирқаси тарафдорлари ўзларини «исмоилия», «қарматийлар» ва ҳаттоки ҳуррабий динидагилар ҳам бизлардан эди, деб ҳисоблайдилар. «Табсират ал-авом фи маърифати мақолот ал-аном» китобининг муаллифи шундай ёзади: ботинийларнинг шу ном билан аталишига сабаб уларнинг қуйидаги сўзлари: Қуръондаги ҳар бир сўзнинг ва Расулulloҳ (с.а.в.) ҳадисларининг ботиний ва зоҳирий маънолари мавжуд. Сўзнинг зоҳири¹ бодом пўсти бўлса, ботини² унинг мағзидир, деб қуйидаги оятни далил қилиб келтирадилар: «...**Сўнгра улар (билан мўминлар) ўртасида дарвозали бир девор урилурки, унинг ичида раҳмат (жаннат), ташқарисида эса азоб (дўзах) бўлур**» (*Ҳадид, 13*).

Уларнинг иддаоларича, оят ва ҳадисларнинг зоҳирий маъноларини эмас, балки зимнидаги яширин мазмунларини олиш зарур. Бу таъкид билан улар ислом шариатига қарши чиққан

¹ Ташқи томон.

² Ички томон.

бўлдилар. Зеро, шариат ҳукми бўйича оят, ҳадис ва бошқа барча манбаларнинг иборалари зоҳирий, луғавий ва истилоҳий маъноларига асосланган ҳолда талқин этилади. Баъзи фасоҳат, киноя, танбех, истиора, ишора каби сўз ўйинлари, «муташибих» оятлар ва тасаввуфий талқинлар бундан мустаснодир.

Ботинийларнинг эътиқодига кўра, ҳар бир инсон тоат-ибодат моҳиятини тушунса ва ибодат қилиш ундан соқит бўлади. Бунга Қуръони каримдаги: «(Шунингдек) **Сизга аниқ нарса (ўлим) келгунига қадар Раббингизга ибодат қилаверинг!**» (*Ҳижр*, 99), оятини далил қилиб келтирадилар. Ботиния фирқаси пешволари ўз тарафдорларига шундай насиҳат қилар эди: Мен сенга насиҳат қиламанки, Қуръон, Таврот, Забур, Инжил ва барча пайғамбарларнинг сўзларини пучга чиқар, уларнинг шариатлари ва охиратга эътиқоди, ўлганларнинг қабрдан туришлари, осмон фаришталари ва ердаги жинларга бўлган ишончларининг ҳаммаси ботил эканлигини уқтир ва уларга шуларни ҳам билдиргинки, одамдан олдин халқ кўп бўлган эди, дунё эса «қадимий»дир.

Аҳли Сунна вал-Жамоа ақидасига биноан, ботинийлар шариатга хилоф эътиқодда бўлгани учун динсизлар қаторида саналган. Абдулқоҳир Бағдодий шундай айтади: «Ботинийлар даҳрий ва бидъат ахлидирлар, чунки жаҳоннинг қадимийлигини тан олади, пайғамбар ва шариатни инкор қилади, кўнгил тортган барча нарсаларни ҳалол деб ҳисоблайдилар. Бунга Қирвонда 322/934 йилдаги Маҳдия фирқасининг асосчиси Убайдулло ибн Ҳусайн Қирвонийнинг Сулаймон ибн Ҳасан ибн Саид ал-Жанобийга ёзган «ас-Сияса вал-балоғул ал-ақид ван-номус ал-аъзам» номли насиҳатомуз номасини ўзларига китоб деб билиб, ундан ўз сўзларига далиллар ҳам келтирганлар».

Мароғия: Бу фирқа ҳақида Ҳамидуллоҳ Муставфий ўзининг «Нуҳзат ул-қулуб» китобида қуйидагича маълумот беради. Бу фирқа тарафдорлари Аламутда яшайдиган ботинийлардан бўлган ва баъзилар уларни маздакийларга нисбат берадилар. Ҳозир бу тоифа Шохруднинг ўнг ва чап қирғоқларидаги қишлоқларда, айниқса, Аламутдан 8 км узоқликда жойлашган Вадигиндаги Гура қишлоғида кўп сонли оила бўлиб яшайдилар. Улар ўз диний

қарашларини бегоналардан яширишади. Ҳасан Саббоҳ ва унинг ўринбосари бўлган Бузург Умидни улуғ деб биладилар ва уларга катта ҳурмат кўрсатадилар. Исмоилия адабиётининг мутахассиси марҳум Иванов ўзининг «Аламут ва Ламсар» китобида уларнинг сонини минг оила деб кўрсатади. Уларни «каллабўзи» деб аташади, бироқ бу лақабнинг илдизи ва унинг қаердан келиб чиққанлиги маълум эмас. Баъзилар айтадилар: «Улар бўз тутами ва эчки калласини шу белги сифатида уйда сақлайдилар».

Мароғийлар бошқалар сўйган ҳайвонлар гўштини ейишдан парҳез қиладилар. Улар аёлда ҳомиладорлик белгилари пайдо бўлгач, унинг билан жинсий алоқа қилишни то кўзи ёригунча тўхтатадилар. Улар ўз кийимларига совун текизмайдилар, балки ўз либосларини гул билан ювадилар. Аёлларга ҳайз пайтида уй ишларига аралашиш ман этилади, худди зардуштий аёллар сингари алоҳида (ёлғиз) яшайдилар, шунингдек, бошқа мазҳабдагилар билан никоҳ қилишдан парҳез қиладилар. Ўз аёлларини талоқ қилишни ва қул сотиб олишни ҳам ҳаром деб билардилар. Шунингдек, улар Исломда тақиқланган, яъни ҳаром деб ҳисобланган нарсаларни ҳалол деб ҳисоблаганликлари сабаб Рашидиддин Фазлуллоҳ ўзининг «Жавомиъ ат-таворих» китобида мароғийлар эмас, балки малоъинлар, яъни лаънатланганлар деб атайди. Шунингдек, бошқа уламолар томонидан улар монийлар ёки маздакийлардан деб ҳисобланганлар.

Ишончли манбаларда ёзилишича, фирқа тарафдорлари қишнинг биринчи кечасида ва ёзнинг бошланишида улар катта бир хонада тўпланишиб, зикр тушиб, ўзлари ўйлаб топган махсус намозларини ўқиганларидан сўнг чироқни ўчирадилар ва улардан бири томдаги гожа деб номланган тешиқдан йиғилган аёлларнинг иштонларини бирин-кетин ичкарига ташлайди. Аёлларнинг иштонларини улар хонага кираётган пайтда олиб қўйилган бўлади. Эркаклардан ҳар бири у иштонлардан бирини тутиб олса, иштон эгаси бўлган аёл билан жинсий алоқа қилиш ҳуқуқига эга бўлган.

Қарматия: Исмоилийларнинг асосий шохобчаларидан бири бўлиб, уларни қарматлар ҳам деб аталади. Шунингдек, бу фирқага янги кирганларга таълим бериш қаттиқ қоида асосида олиб борилгани сабабли, уларнинг иккинчи номи таълимиёлардир.

Абул Лайс Самарқандий ўз тафсирида: «Илло, (шу дунёда) тавба қилиб ўзларини тузатган, Аллоҳ билан боғланиб, динларини Аллоҳ учун холис қилганлар, айнан улар мўминлар билан бирга бўлурлар. Мўминларга эса, Аллоҳ буюк мукофот ато этур» (Нисо, 146) ояти шарҳида қарматийларни ҳам зикр этиб, уларни мунофиқлар қаторига қўяди: «Аллоҳ уларга буюк нарсани ато этур, демади. Уларни ёмон кўриб, юз ўгириб шундай деди. Мунофиқлар бу зиндиклар ва қарматийлар бўлиб мўминлар орасида юриб, ўзларидан исломни ташқи жиҳатдан кўрсатиб, ўзаро йиғилганларида Ислом ва унинг аҳли устидан масхара қиладилар. Ана шулар ушбу оят аҳлидир». Қарматийлар аллома яшаган даврда кенг миқёсда фаолияти олиб борган.

Қарматийлар ҳаракати IX аср охирида Жанубий Ироқда вужудга келган, Сурия ва Яманга тарқалган, деҳқонлар, кўчманчи бадавийлар ва хунармандлардан ташкил топган.

Ҳаракат ўз номини унинг раҳбари ва ташкилотчиси Ҳамдон ибн Ашъаснинг лақаби Қармат (ёхуд Қарматуя, Қирмит)дан олган. Унинг маъноси манбаларда турлича, яъни «калта оёқ», «қизил кўз» тарзида изоҳланган. Бироқ Ҳамдонгача ҳам Қарматия номи бор эди, бу эса, Ҳамдон ўз лақабини ўша даврдаги мавжуд шиаликнинг бирон-бир ташкилоти номидан олган деб ҳисоблашга асос бўлади.

Қарматийлар аббосийлар халифалигига қарши қўзғолонларга бошчилик қилган. Улар ерга жамоа эгалигини, умумий тенглик ғояларини тарғиб этишган. Умумий тенгликка қуролларга эгалик қилиш киритилмаган. Улар Ислом маросимларини бажармаган, шариат қоидаларини тан олмаган, уларда масжид бўлмаган. Қарматийлар мусулмонларнинг зиёратгоҳлари, масалан, Каъба ва уердаги «қора тош» – ҳажар ал-асвадни бидъат деб ҳисоблаган.

Қарматийлар 284/899 йил Баҳрайнни босиб олиб, ал-Ақсода, яъни Шарқий Арабистонда ўз давлатини тузган, бу давлат XI аср охиригача мавжуд бўлган. Қарматийлар 318/930 йили ҳаж вақтида Маккага ҳужум қилиб, уни талон-торож этишган, ҳаж зиёратига борганларни ўлдиришган, бир қисмини қул қилишган, у ердаги «Қора тош»ни ўлжа қилиб олиб кетишган¹. Бу ҳол кенг халқ оммасини норозилигига сабаб бўлиб, XI аср охири ва XII

¹ Қора тош 20 йилдан сўнг ўз жойига қайтарилган.

аср бошларида Ироқ ва Эронда уларга қарши шиддатли кураш бошланган ва қарматийлар ҳаракати бостирилган. Кейинчалик қарматийлар исмоилийларнинг бошқа оқимларига қўшилиб, йўқолиб кетган.

Бақлия: Бу фирқа 295/908 йили Абу Ҳотам исми бир кимса бошчилигида Қаромита оқимидан ажралиб чиққан бўлиб, улар гўшт емай, фақат сабзавот ва мевалардан гайёрланган овқатларни истеъмол қилувчи ўтхўр эдилар. Абу Ҳотам ўз тарафдорларига, хайвонларни ўлдириш ва уларнинг гўштини истеъмол қилишни ҳаром қилиб, фақат кўкатлар ва шолғом ейишни ҳалол қилган. Шунинг учун ҳам бу фирқани Бақлия¹ деб аташди.

Абу Ҳотам ўзининг бадавий қўшиларида бирининг сардори Масъуд ибн Ҳаррис билан тил бириктириб, Куфа шаҳрининг ташқарисидаги халқни талаб, босқинчилик қилиб, уларнинг моллари ни тортиб ола бошладилар.

Бундан хабар топган Аббосий халифа Муқтадир 316/928 йилда Ҳорун ибн Ғариб сардорлигида уларга қарши лашкар юборди. Абу Ҳотам бу жангга ўз юзига Қуръони каримдан: «(Ўшанда) **Фиръавн (Мусо) пайғамбарга итоатсизлик қилгач, Биз уни қаттиқ ушлаш (жазолаш) билан ушладик**» (*Муззаммил, 16*) оятни, яъни Бани Исроилнинг фиръавнлар дастидан нажот топиши ҳақидаги оятни ёздирган ҳолда оқ байроқ кўтариб келди. Аммо исёнчи-қароқчилар ҳукумат қўшинидан сон ва сифат жиҳатидан кам бўлганлиги сабаб мағлуб бўлдилар. Ҳукумат қўшини уларнинг аксариятини қатл этди.

Абу Саъидия: Абу Саъид Тунова ва Мукний кўрфазида яшовчи аҳолининг Ҳасан ибн Баҳром ал-Жаннобийнинг издошларидан биридир. У «Қаромиталар» нинг улуғларидан бири ҳисобланади.

Ибн Ҳавқал: Абу Саъид дастлаб Басрада ун сотувчилик қилган. У Ҳамаюн Қарматига куёв бўлмиш котиб Абадон тарафидан Форсга юборилди. У ердан Баҳрайн ёки ҳозирги Аҳсога кузатилди ва ўша ерни даъват қилишга амр қилинди. Абу Саъид 286 йили Баҳрайнга қайтиб келди. Унинг атрофига саҳройи араблар ва «Кайсония» ва «Қаромита» фирқаларидан бир қанчаси йиғилди.

¹ **Бақлия** — араб тилидан олинган сўз бўлиб, ўтлар, кўкатлар ва полиз экинлари маъносини англатади.

Улардан қўшин ҳозирланиб, Аҳсонинг маркази бўлмиш «Ҳижр» шаҳрини қамал қилиб қўлга киритилди. Халифа Муътазилий Ибн Умар бошчилигида қўшинни уни мағлуб этишга юборди. Аммо бу лашкарнинг ўзи мағлубиятга учради.

Шундан сўнг Аҳсо, Қатиф ва Баҳрайннинг бошқа шаҳарларини ҳам қўлга киритди. Абу Саъиднинг издошлари уни «Саъид» лақаби билан аташарди. Оқибат унинг ўзи Сақлобий деган ходими томонидан ўз ҳаммомида 301/914 йилда ўлдирилди. Шундан сўнг ўғли Абу Тоҳир Сулаймон ибн Абу Саъид унинг ўрнига ўтирди. У Баҳрайнни тўлиқ эгаллагандан сўнг 317/929 йилда Макка шаҳрига ҳужум қилиб, тарвия куни¹ (Минода) ҳожиларнинг аксариятини қатл этди. Ҳажарул асвадни² Байтуллоҳдан чиқариб олди. Талон-торождан орттирилган мол-дунёнинг бир қисмини Ҳижр шаҳрига олиб кетди. Каъба эшигини синдириб, ўликларга қўшиб, зам-зам қудуғига ташлаттирди. Бундан хабар топган Африканинг волийси Абдуллоҳ Маҳдий қаттиқ ранжиди ва унга ҳажарул асвадни жойига қўйишни буюрди.

Абу Тоҳир Ҳажарул асвадни яна Каъбага юборишга мажбур бўлди. Дейдиларки, Ҳайит шаҳрида бир аёл киши томонидан уй тоmidан Абу Тоҳирнинг бошига ғишт билан уриши оқибатида мияси чақилиб кетиб, 332/944 йилда вафот этган.

Абу Тоҳирдан кейинги издошларидан бири шаҳар Султони бўлиб, одамларга сизларни намоз ва рўзадан озод қилдим ва сиз оқибат менга эмас, Абу Саъидга қайтасиз, дерди. Агар ўша шаҳар кишиларидан қайси мазҳабдасиз деб сўрасалар, улар биз Абу Саъидиймиз, дердилар. Улар рўза тутмас ва намоз ўқимасдилар. Лекин Муҳаммад мустафо (с.а.в.)нинг пайғамбарликларини тан олишарди.

¹ **Тарвия куни** – Минога чиқилиб, у ерда арафа кунининг тонгигача турадиган Зулҳижжа ойининг саккизинчи куни (бу кун Мовароуннаҳрда «ёлғон арафа», арабчада эса, «тарвия» куни дейилади).

² **Ҳажарул асвад** – ўзбекчасига қора тош демақдир. Бу тош Каъбанинг пойдеворига қўйилган бўлиб, эшигининг чап яқин бурчакка елка баробарида жойлаштирилган. Ҳожилар уни табаррукона ўпадилар. Чунки унинг жаннатдан чиққанлиги тўғрисида ривоятлар мавжуд. Ҳаж мавсумида уни жаноб Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳис-салом ҳам ўпганлар. Шунинг учун имкони бўлса ҳар бир ҳожи ўпиши, иложи бўлмаса, рамзий ишоралар ва такбирлар билан кифояланиши суннат бўлиб қолган.

Абу Саъид уларга мен яна сизнинг олдингизга қайтиб келаман, яъни у вафот этгандан сўнг қабрдан чиқиб, яна Аҳсо шаҳрига қайтаман, деди. Шунингдек, у фарзандларимдан олти киши бу подшоликни бошқаради ва доим қўллаб-қувватлашни ва уларга қаршилиқ қилмасликларини васият қилди. Мен қайтиб келгунимча айтганларимга риоя қилинган, деди.

Унинг издошлари томонидан Абу Саъидга атаб гўзал бир мақбара қурилди. Унинг фарзандлари учун олти курсили улкан тахт ясатилди. Олтита шоҳ бир жойда ўтириб кенгаш ўтказди ва олти шоҳнинг олтита вазири бўлиб, улар ҳам бир жойда ўтирарди. Агар биров намоз ўқиса, уни қайтармасдилар ва лекин ўзлари ўқимасдилар.

Абу Саъиднинг издошлари шундай эътиқодда эдилар: агар султон ўтирса ва ким унга гапирса, у яхши жавоб берсин ва доим тавозеда бўлсин ва ҳаргиз шароб ичмасин. Абу Саъиднинг мақбараси атрофида кеча-кундуз қоровуллик қилишни буюриб, унга атаб эгарланган ва жиловланган учқур отни тайёрлаб қўйсинлар. Агар Абу Саъид тирилик келса, ўша отга ўтиради.

Абу Саъид тириклик чоғида ўз фарзандларига: «Мен қайтиб келсам, мени танимайсизлар. Мени таниб олиш учун мабодо қайтиб келсам бўйнимга қилич солинг. Агар ҳақиқатдан мен бўлсам, дарров тириламан», – дерди. Буни ўзидан бошқа биронтаси, «Мен Абу Саъидман», деб даъво қилмаслиги учун айтган, дейдилар.

Абу Саъиднинг издошлари яшаган Аҳсо шаҳарида мушук, ит, эшак, мол, қўй ва бошқа ҳайвонлар гўштини сотардилар. Улар қайси ҳайвон гўштини сотсалар, унинг бошини гўшт ёнига қўйиларди. Одамлар қайси ҳайвон гўштини олаётганларини билишлари учун шундай қилишарди. У ерда итти семиртириб, худди қўй каби токи семизликдан юра олмайдиган даражага етказиб, сўнг сўйиб ер эдилар.

Шабошия: Шабошия қарматларнинг радикал фирқаси бўлиб, Басра ноҳиясидаги Аҳсода яшарди, уларнинг шайхларини Бани Шабош дейдилар.

Бу тоифа 380/990 йилдан то 480/1087 йилгача ўша ноҳияда ҳукмронлик қилган эдилар. Улардан икки киши – Абул Ҳасан Али

ибн Фазл ёки Ҳасан ибн Шабош (ваф. 444/1053 й.) ва ўғли Салил ал-Баракот Басрадаги Бувайҳий волийси вазирлигини бошқарган.

«Дурузия» фирқаси шабошияни ўзининг муридлари деб биладилар ва Муқтанийнинг 428/1037 йилда ёзилган рисоласи бу тоифага бағишланган. IX ҳижрий асрда Дуруз ва Форс кўрфази Жазбири ўртасидаги мадан ий алоқалар улар воситасида барқарор бўлган.

Хулмония: Фирқанинг асосчиси – Абу Хулмон Форисий Ҳалабий (ваф. 339/950 й.) бўлиб, унинг тарафдорларини хулмонийлар деб атаганлар. Дастлаб Дамашқда пайдо бўлган хулмонийларни суфийлар каторига қўшишган, улар пантеизмнинг¹ ёрқин акс этган шаклини тарғиб этганлар. Уларнинг ақидасига кўра, бу дунёда гўзалликнинг ҳар қандай кўриниши илоҳий мужассамотдир. Улар ҳар қандай гўзал деб топилган нарсага сажда қилишган.

Ақоид олимлари уларни Аллоҳни муайян нарсалар ва шахслар билан ўхшатишда, шариат кўрсатмаларига нисбатан беписанд муносабатда бўлишда ва руҳларни кўчиб юришини эътироф этишда айблаганлар.

Сабоия: Бу фирқа шиалардан ажралиб чиққан бўлиб, асосчиси Абдуллоҳ ибн Сабо исмли шахсдир. У асли Яман диёрининг Саньо шаҳрида яшаган яҳудий миллатига мансуб, кейинчалик ислом динини қабул қилган бўлиб, Ҳижоз, Басра, Куфага борди ва халифа Усмон ибн Аффон (р.а.) даврида Дамашққа сафар қилди. Ботил ақидаси сабаб бу шаҳарлардан уни қувиб юборишади ва кейинчалик Мисрга боради. Халифа Усмон (р.а.)га қарши кўтарилган фитнада мухолифларга бошчилик қилади.

Бу фирқа тарафдорлари Ҳазрат Али (р.а.)нинг ғойиблиги ва унинг бу дунёга қайтишини тан олган биринчи кишилар эди. Уларнинг фикрига кўра, Али (р.а.) ўлдирилмаган ва арабларни ўз ҳассаси билан ҳайдаб, жабр ва зулм ўрнига адолатни тўлдирмагунича ўлмайди.

Ривоят қилишларича, сабоия фирқаси тарафдорларидан етмиш киши Ҳазрат Али (р.а.)нинг олдига бориб, уни ўз тилларида Худо,

¹ **Пантеизм** – (пан... + юн. theos – Худо) – Худо табиат билан бир нарса, улар бир бутунни ташкил қилади, деб қарайдиган диний-фалсафий таълимот.

деб атадилар ва унга сажда қилдилар. Шунда Ҳазрат Али (р.а.) уларга қарата «Эй шўрингиз қурсин, бундай қилманг, мен ҳам сизлар сингари яратилганман, холос».

Мазкур етмиш киши бу амалдан ўзини тиймагани учун Ҳазрат Али (р.а.) ўз қўл остидаги мусулмонларга узун чуқур ўра ковлатиб, унга олов ташладилар. Қанбар исмли саҳобага барчасини ушлаб олиб, уларни оловга ташлашни буюрдилар. Ботил эътиқодларидан қайтмаганлиги учун уларнинг барчаси ҳалок бўлди.

Абдуллоҳ ибн Сабо Муҳаммад (с.а.в.)дан кейин имомчилик Ҳазрат Али (р.а.)да тўхташини ва Умар ва Усмон (р.а.)ларни биринчил ардан бўлиб ҳақоратлаб, сўкиб шаънларига барча ёмон гапларни ошкор айтган шахсдир. Ривоят қилишларича, Ҳазрат Али (р.а.) унинг айтган гаплари ҳақида сўраганида, у барчасига иқроп бўлди ва яна дедик, Ё Али (р.а.) дилимда шундай йўл топилдики, сен Худосан ва мен пайғамбарман. Шунда Али (р.а.) унга қарата: «Вой шўринг қурғур, шайтон сенга йўл топибди, Худо онангни азобга солибди», – дедилар. Ҳазрат Али (р.а.) уни ушлаб уч кун ҳибсда сақлаб, тавба қилишини буюрдилар. Акс ҳолда уни оловда куйдириб жазо берилиши таъкидланди.

Навбахтийнинг «Шиа фирқалар» номли китобида келтирилишича, Ҳазрат Али (р.а.) шаҳид бўлган вақтда сабоия фирқаси тарафдорлари: «Ҳазрат Али (р.а.) ўлган эмас ва ўлмайди ҳам, токи арабларни ўз ҳассаси билан ҳайдамагунича ўлдирилмайди», – деган экан.

Сабоия фирқасининг фикрига кўра, инсон ўлмайди, балки унинг жони парвоз қилади. Шунингдек, Ҳазрат Али (р.а.) тирикдир ва булутларда яшайди ва осмонда момақалди роқ бўлиши Али (р.а.) газабланаётганлигидан дарак берар эмиш.

Ҳашшошия: Бу сўз араб тилидаги ҳашиш¹ чекувчилар, яъни гиёҳвандлар сўзидан олинган бўлиб, улар исмоилийлар ичидаги яширин террорчилик билан шуғулланган фирқа тарафдорларидир. XI аср охирида Эронда исмоилийлар ҳаракатининг бўлиниб кетиши на тижасида пайдо бўлган. Асосчиси – Ҳасан ибн Саббоҳ (ваф. 518/1 124 й.). Эроннинг шимолий-ғарбидаги тоғлар орасида жойлашган Аламут қалъаси ҳашшошийлар жамоасининг маркази бўлган.

¹ Ҳашиш – [араб. – наша; рус тилида – 1) трава; сорная трава; 2) гашиш].

Ҳашшошийлар ҳаракати Сурия ва Ливанда, кейинчалик Хиндистонда ҳам тарқалган. Бу фирқа Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларидаги қарматлар ҳаракати билан узвий боғлиқ. Ҳашшошийлар халифалик ва салжуқийларга қарши курашган. Ҳашшошийларнинг раҳбарлари ўз душманларини ўлдиришни сиёсий курашнинг асосий воситаси деб билган.

Ҳашшошийлар ғоят яширин ҳолда иш кўрадиган ва тармоқланган террорчилик ташкилотини вужудга келтирган. Ўз мақсадларини амалга ошириш (ҳукмдорлар, подшолар, қироллар ва йирик намояндаларни ўлдириш)да фидойилар, яъни қашшоқ деҳқон ва шаҳарлик ёшлардан устамонлик билан фойдаланган. Террорчи фидойиларга гиёҳванд моддаларни истеъмол қилдириб, вафот этса шубҳасиз жаннатга тушишига уларни ишонтиришган.

Ҳашшошийлар бирмунча вақт бир қанча ҳукмронларга даҳшат солиб турган, кўплар, жумладан айрим Европа мамлакатлари императорлари ва қироллари ҳам ўз жонини сақлаш учун ҳашшошийларга тўлов тўлаб турган. Мўғул истилочилари 654/1256 йили Аламутни босиб олиб, Эронда ҳашшошийлар фирқасига барҳам берган. Сурия ва Ливандаги ҳашшошийларнинг охириги тарафдорларини 672/1273 йилда мамлуклар қўшини батамом кириб ташлаган.

Зоҳирия: Бу оқимнинг асосчиси Довуд ибн Али Исфаҳоний Зоҳирий (ваф. 270/883 й.)дир. Бу фирқанинг иккинчи номи довудиядир. Зоҳирийлар Қуръон таълимотини айнан тушунувчи ва сўзма-сўз талқин қилувчи оқим тарафдорларидир. Мазкур оқим ботинийларнинг зидди бўлиб, X–XIII асрларда тарқалган ва кейинчалик йўқолиб кетган.

Карромия: Бу оқим IX–XIII асрларда Бағдод халифалигининг марказий ва шарқий вилоятларида тарқалган. Асосчиси – Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Карром (190/806–255/869) бўлиб, Сейстонда тугилган. Нишопур, Балх, Марв, Ҳирот каби шаҳарларда таълим олган. Беш йил Маккада истиқомат қилиб, ўз юртига қайтаётиб, Қуддусда хонақоҳ барпо қилган. Сейстон ва Хуросонда ўз таълимотини тарғиб қилгани учун зиндонга ташланган. Қуддусда вафот этган.

Карромийларнинг фикрича, Худо – бутун борлиқнинг бирламчи асоси, у муайян жисмга эга. Худо – барча нарсаларнинг яратувчиси,

аммо инсон ўз фаолиятининг натижаларига таъсир кўрсата олади. Мўътазилийлар каби карромийлар ҳам инсон онги мустақил равишда, яъни ваҳий ёрдамисиз, яхшилик ва ёмонликни фарқ қилишга қодир, деб уқтирадилар.

Шунингдек, муржиъийлар сингари карромийлар бирор инсонни мусулмон деб тан олиш учун у Аллоҳни тил билан эътироф этса кифоя, амал билан тасдиқлаши шарт эмас, деб ҳисоблайди.

Ибн Карромнинг «Китоб ас-сирр» ва «Азоб ал-қабр» номли (бизгача етиб келмаган) асарлари ва «Худо жисмга эга» деган тушунчаси уламоларнинг кескин танқиди ва таъқибига учраган. Мўғуллар истилосидан сўнг карромийлар батамом барҳам топган.

Пасихония: Бу фирқанинг асосчиси Маҳмуд Пасихоний Гилоний бўлиб, ўз замонасида Маҳмуд Матруд ёки Мардуд номи билан машҳур бўлган. У 800/1398 йили бу янги фирқага асос солади. У дастлаб Ҳуруфия фирқасининг аъзоси бўлиб, Фазлуллоҳ Астрободийнинг ашаддий мухлисларидан бири эди. Пасихонийлар авваллари нуқтавия фирқаси тарафдорлари бўлиб, улар кўплаб қабиҳ ишлар қилганликлари сабабли ҳукумат томонидан таъқиб этилган.

Шоҳ Аббос 1102/1691 йил нуқтавия фирқаси тарафдорлари ҳаддиларидан ошиб, уламолар ва ҳукумат раҳбарлари жонига қасд қилиш ва баъзи бирларининг кўзларини кўр қилишга сабаб бўлганлари боис бутун мамлакат бўйлаб барча нуқтавийларни ҳибсга олишга фармон берди. Шундан кейин ҳукумат таъқибидан қутулиб қолган нуқтавийлар Эрондан Ҳиндистонга қараб қочдилар. Мамлакатда қолган нуқтавийлар эса Пасихония фирқаси тарафдорлари сифатида фаолиятларини давом эттирдилар.

Маҳмуд Пасихоний Арас дарёси соҳилида яшар, доно ва эҳтиёткор одам эди, умри давомида уйланмади ва 831/1428 йилда вафот этди. Баъзилар у кислота сепиб, ўзини ўлдирди, деб айтадилар, лекин унинг мухлислари бу гапни ёлғон дейдилар.

Нуқтавийларни «нуқтавий», «аҳли нуқта» деб ҳам айтишарди, чунки Маҳмуд Пасихоний ҳамма нарсанинг яратилиши ва пайдо бўлишини тупроқдан деб биларди ва уни нуқта деб атарди. Нуқтавийларни «воҳидия» ва «умано» деб ҳам аташган. Чунки

улардан қайси бири уйланмаган бўлса «воҳид», уйланган бўлса «амин» (ишончли) дейилган. Бу мазҳабда уйланмаслик мақталган ва Маҳмуд ўзининг қисқа умрида уйланмаган ва муридларини тоқўлидан келгунча бу ишдан парҳез қилишга чақирган эди. Уларни «Пасихониён», «Пасихониҳо» ва «Маҳмудия» ҳам деганлар.

Мусулмонлар бу гуруҳни «Малоҳида» ва уларнинг динини «Илҳод» (диндан қайтиш) деб аташган, чунки улар Худо, қайта тирилиш, жаннат, дўзах, у дунёни танимасдилар ва комил инсонни жуда ҳурмат қилганлар. Кўпроқ уни ҳақиқий от номи билан аташарди ва айтишардики, энди вужудга келган ҳамма нарсанинг шакли шамойили бор, вужудга келтирган зарарлар доим бу дунёдадир ва ҳар замонда шаклга киради, баъзида тош ва тупроқ шаклини олади, гоҳ гиёҳ, жонивор ва халқ шаклида намоён бўлади, ҳамма нарсанинг ҳозирги феъл-атвори, қилмиши ва кўринишидан бундан олдин қандай шаклу шамойилда бўлганини тушуниш ва фаҳмлаш мумкин. Уларни тушуниш ва фаҳмлашни «эхсо» ва эҳсо қилувчини «муҳсий» деб атаганлар.

Маҳмуд Пасихоний ўзини тайинланган Маҳдий деб атарди, ислом пайғамбари унинг келишидан хабар берган эмиш. У: «Ислом дини пучга чиқди ва араб даври поёнига етди. Бундан кейин дин у келтирган диндир, давр эса ажам (араблардан бошқа халқлар) давридир ва бу давр саккиз минг йил бўлажак. Унда саккиз бўладик, уларнинг биринчиси унинг ўзидир», – дер эди. Маҳмуд ўн олтита китоб ва бир минг битта рисола ёзган ва ҳар бирини алоҳида номлаган. Шулардан фақат биттаси етиб келган.

«Дабистон ал-мазоҳиб»да келтирилган: Маҳмуд Пасихоний ўзини «воҳид» (бир бўлак) деб атайди ва ҳазрат Муҳаммад (с.а.в.) ҳазрат Али (р.а.)га айтган: «*Мен билан Али бир нурмиз. Гуштинг – гўштим, жисминг – жисмим*».

Бу шунга ишораки, ҳамма анбиё ва авлиёнинг жасадлари ва энг яхши қисмлари ва қувватлари бирга келган ва ундан Муҳаммаднинг (с.а.в.) ва Алининг (р.а.) жасади яратилган ва ундан Маҳмуд танаси шаклланди. Унинг қонун-қоидаси (низоми)дан ёлғизлик кодекси тушунилади, унинг кодексини воҳид, кодексига тааллуқлини амин, дейдилар. Бутун умрни художўйлик, дарвешлик ва ёлғизликда

Ўтказиш унинг наздида мақталган ишдир, чунки унинг хоҳиши тааллуқликда бўлмаган, зарурат қароридан бошқадир. Шундай киши тараққий этиб, «воҳид» бўлади ва «мураккаби мубин» бўлган Аллоҳ мартабасига эришади.

Агар «амин»нинг аёл билан алоқа қилишга хоҳиши бўлса, умрида бир марта ёки йилда бир марта, бўлмаса чиллада бир марта, агар чидай олмаса ойда бир марта, ўзини тута олмаса, ҳафтада бир марта қилсин. Маҳмуд айтарди: «Муҳаммад (с.а.в.) дини бекор қилинди, энди дин Маҳмуд динидир».

Маҳмуд Пасихоний фикрига кўра, Худо инсонга нисбатан афзал ва устун куч-қудрат, қудратлилик намунаси эмас, балки унинг назарида, Худо «инсоннинг ўзи» кучлари намунасидир, чунки инсоният ўз ҳаёти давомида уларга йўл топишга саъй-ҳаракат қилади.

Пасихийларнинг ашаддий душмани бўлган Маҳмуд Дехдорий ёзади: «Вожиб ал-вужуд»ни инкор қилувчилар иккинчи тоифа бўлиб, таносухиянинг худосизларидир, улар ўзларини «нуқтавий»лар деб атайдилар ҳамда ўзларини Худо деб биладилар ва айтадилар: «Инсон ўзини танимаса, билмаса бандадир, ўзини таниши билан Худодир». Пасихийларнинг усулидан бири шуки, моҳият (негиз) мураккаб ва ҳис қилинадиган қисми эмас, улар ваҳдатни инкор қилувчилардир, тасаввурни ёлғон деб биладилар.

Пасихийларнинг шоир ва мутафаккирларидан аксарияти душманлари ва подшоҳлар таъқибидан ва қийноқ азобидан қочиб Ҳиндистон ва бошқа минтақаларга кетиб қолдилар, ватанни тарк этдилар. Жумладан, бу мутафаккир ва шоирлар: Муҳаммад Шариф Вуқуъий Нишопурий, Али Акбар Ташбиҳий, Сўфи Омийий, Ҳаким Ибодуллоҳ Кошоний ва Миршариф Омулийлардир.

Абдулқодир Бадауний шу тоифанинг машҳур шоири Али Акбар Ташбиҳий ҳақида ёзади: «У икки-уч марта Ҳиндистонга борди ва халқни «Пасихоний» ва «илҳод» динига даъват қилди. У ўз рисоласида Маҳмуд Пасихонийни Худо деб билиб, «Бисмиллоҳир роҳманир роҳийм» ўрнига айтган: «Ундан бошқа илоҳ бўлмаган жондан кўмак иста».

Зоргирия: Бу фирқа шиадардан ажралиб чиққан бўлиб, унинг тарафдорлари Бандар Аббос деган жойда истиқомат қилган. Бу фирқа тарафдорлари аслида африкалик бўлиб, ҳалигача уларнинг бир қисми суахилий тилида сўзлашади. Уларнинг турмуш тарзи жодугарликка ўхшаб кетади. Улар ўзларининг диний арбобларини, яъни шайхини «бобо», деб чақирадилар.

Бобо бу фирқанинг турмуш тарзида катта ўринни эгаллайди. Фирқа тарафдорлари ҳар бир ишда унга суянади. Агар бирор кимса касал бўлиб қолса «бобо»нинг олдига келиб унга ўз арзини етказган. Бобо бу кишига «зор»¹ кириб қолганини айтиб, бир неча одамлар билан давра қуриб, ёвуз руҳни касал шахс танидан йиғлаш ёки «лойиба» номли ноғорани чалиб, жин чалган кишининг баданига бамбак (қамишсимон ўсимлик) билан уриб, «зор»ни касалнинг танидан ташқарига чиқарар эмиш. Бу маросимни бажариш пайтида «бобо» жин чалган кишининг ёнида махсус гиёҳларни тутатади ва ҳаттоки ҳушидан кетиб ҳам қолади. Зорни ташқарига чиқариш маросимидан зоргир бир товуқ сўйиб қурбонлик ҳам қилади. Бобонинг ботил эътиқодига кўра, касалнинг танасига жойлашиб олган «зор» махсус гиёҳлардан ҳидлаб, ваҳий олар ва товуқнинг қонидан ичиб, касал танасини тарк этар эмиш. Гоҳида бобо ўрнида жодугар аёл бемор танидан «зор»ни ташқарига чиқаришга ҳаракат қилади. Ҳозирги кунда ҳам зоргирлар Африка қитъасида жуда кўп.

Шунингдек, бизнинг диёримиз вилоятларининг айрим минтақаларида ҳам мазкур фирқага ўхшаш кишилар борлиги маълум бўлмоқда. Уларнинг одатига кўра, бемор шифоси учун жонлиқ сўйиб, қонини унинг баданига суртиш ёки янги иморат қураётганлар жонлиқ сўйиб, қонини пойдевор устига тўкиб чиқиш урфга айланган. Ваҳоланки, бу иш шариатимизга мутлақо зид бўлиб, уни бажарувчи киши имондан ажраб, ширк йўлига кириб қолиши мумкин.

Яна ачинарлиси шундаки, диёримизнинг кўп жойларида беморларни мазкур бидъат ишларга буюриб турувчи азайимхонлар

¹ Бу фирқанинг қарашлари бўйича «зор»дан мурод шайтон, ёвуз рух, ёки жинлар эмиш. Зоргир эса, шайтон, ёвуз рух ёки жинларни касал танидан чиқарувчи шахс.

ҳам кўп учрайди. Улар турли хасталиқдан шикоят қилиб келган беморларга мазорларга бориб қурбонлик қилишга, қонини бемор баданига суртишга, ортган қонни бир идишга қуйиб турли жойларга қўйишга буюрадилар. Буларнинг ҳаммаси муқаддас ислом динимизга хилоф ишлардандир.

Тиббий нуқтаи назардан олиб қаралса, қоннинг таркибида турли юқумли касаллик тарқатувчи вирус, бактериялар борлигини ҳисобга олиш жуда муҳим. Айниқса, уй ҳайвонлари ва паррандаларнинг қони таркибидаги «торч» инфекциялари, ўлат, қутириш, вабо, грипп, гепатит, бруцеллёз, ботулизм, парранда гриппи ва бошқа бир қатор инфекцион касалликлар инсонларга хавф тугдиради. Инсон танаси ёки юзига суртилган ҳайвон ёки парранда қони таркибидаги турли вирусларнинг танага тарқалиш эҳтимоли жуда юқори. Иморатга суртилган қонга турли ҳашаротлар келиши табиий, чунки қон уларнинг озуқасидир. Ҳашаротларнинг қон билан озиқланиб, атрофга тарқалиши инсонлар ҳаёти учун ҳам ўта хавфли саналади. Шунингдек, қон каби нажосатлар жинларнинг озуқаси бўлгани сабабли, иморатга уни суртиш билан жинларни жалб этиб, оила хотиржамлигига путур етказилиши мумкин.

Шариатда оққан қон нажосат ҳисобланади. Ибн Аббос (р.а.) бу ҳақда: *«Сизга ҳаром қилинган нарса – оққан қондир. Бунинг ҳаром қилинишининг ҳикмати ифлос эканида ва пок хилқатли инсон табиатининг у нарсани қабул қилмаслигидир. Айни пайтда у ўлимтик сингари зарарлидир»*, – деб баён қилганлар.

Ҳайвон сўйилганда ундаги мавжуд барча микроблар, касалликлар ва бошқа зарарли иллатлар қон билан чиқиб кетади, бундай қондан фойдаланиш қони зиёнлидир. Аллоҳ таоло инсонга зарар келтирадиган нарсаларнинг барчасини ҳаром қилади. Жумладан, Қуръони каримда: *«Ўлакка ва қон сизларга ҳаром қилинди»* (Моид, 3), – деб таъкидланган.

Қон аслида ҳаром бўлиб, санокли ўринлардагина истеъмоли рухсат этилган. Қоннинг нажосат экани саҳобалар, тобеинлар ва тўрт мазҳаб уламолари томонларидан таъкидланган.

Башшория: Бу фирқа шиалардан ажралиб чиққан энг тажовузкор гуруҳлардан бири бўлиб, Башшор Шаъирий Куфийнинг тарафдори эди. Башшор аслида арпа сотувчи бўлиб, алавия фирқаси тарафдорлари билан маслакдош эди. Башшорийлар Муҳаммад (с.а.в.)нинг пайғамбарликларини инкор этар ва шундай дер эдилар: Муҳаммад Алининг бандаси эди ва Али парвардигордир. Шунингдек, у тўрт кишини Али, Фотима, Ҳасан ва Ҳусайнни Худонинг ердаги кўриниши деб биларди. У дерди: Ҳасан ва Ҳусайн сохта ва қалбакидир. Али эса ҳақиқийдир, чунки у уларнинг биринчисидир.

Имом Жаъфар Содик Башшор ҳақида шундай деган эди: Башшор Шаъирий – шайтон ибн Шайтондир¹, у одамларни алдаш учун денгиздан чиқиб келган.

Саъд ибн Абдуллоҳ ривоят қиладики, Абу Абдуллоҳ Жаъфар ибн Муҳаммад Башшорга қарата шундай деди: «Эй Башшор, менинг олдимдан дарҳол кет, Худо сени лаънат қилсин. Умид қиламанки, ҳеч бир хонадоннинг томи сенга соя бермасин. Эй кофир, эй фосиқ, эй мушрик, мен сендан нафратланаман». Башшор 180/797 йилда вафот этди.

Мутаволия: Бу фирқанинг тарафдорлари асли Ливан шиаларидан бўлиб, улар ҳаммаси қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи деҳқонлардан иборат. Мутаволийнинг маъноси Али ибн Абу Толибнинг шериклари, мухлислари демакдир ва унга тавалло қиладилар. Уларнинг сони ўз даврида етмиш минг нафардан ошган. Баъзи бир манбаларда қайд этилишича, улар аслида курд муҳожирлари бўлиб, Салоҳиддин Аюбий даврида Ироқдан Шомга кўчиб ўтганлар, улар асли эронликдирлар. Улар жуда кўнгли очик, меҳмондўст халқдир. Худди бошқа мутаассиб шиалар сингари ғайримусулмонларни нажас деб биладилар.

Бектошия: Бу фирқа тарафдорлари Ҳожи Бектош исмли шахсга ихлос қўйган кимсалардир. Ҳожи Бектош асли нишопурлик бўлиб, Али Аҳмад Яссавий қўлида таълим олган ва 738/1338 йилда вафот этган.

¹ Шайтон ибн Шайтон – Шайтон ўғли шайтон.

Бектошия фирқаси XVI асрда Анадўлида, яъни Кичик Осиёда ривожланди. Уларнинг ақидаси «Кизилбошия», «Шабк», ва «Алиилоҳия» фирқаларига ўхшаб кетар эди. Бектошия фирқаси бу фирқалардан шуниси билан фарқ қилар эдики, улар ўзларини ҳақиқий Аҳли Сунна вал-Жамоа аҳлидан деб биладилар. Аммо эътиқоди, амаллари ва хатти-ҳарактларидан айнан шиаларнинг мутаассиб оқимларидан бири эканликларини тасдиқлайди. Бектошиялар ҳам худди шиаларнинг бошқа оқимлари каби Абу Бакр Сиддиқ (р.а.), Умар ибн Хаттоб (р.а.) ва Усмон (р.а.)ларни ҳақорат қилиб, иснаашарийлар каби имоматга, айниқса, Имом Жаъфар Содик ва ўн тўрт имомларни улуғлаб, мақтайдилар.

Шунингдек, бектошийлар масиҳийлар каби илоҳий учликка эътиқод қиладилар. Яъни, масиҳийлар Худо, Марям ва Исони учлик илоҳ деб эътиқод қилса, бектошийлар Оллоҳ таоло, Муҳаммад (с.а.в.) ва Али (р.а.)ларга илоҳий учлик деб қарайдилар. Шунингдек, масиҳийлар сингари ўз шайхлари олдида гуноҳларини эътироф этиб, гуноҳидан кечишини сўрайдилар ва ўз дастурхонларига шароб, нон ва пишлоқ қўядилар. Шароб ичиш бектошийлар наздида ҳаром эмас ва аёллари ўз авратларини тўсишни билмайдилар. Бектошийлар ҳуруфийлар каби сонлар ва ҳарфларни муқаддас билиб, ҳуруфийлар пешвоси Фазлуллоҳ Ҳуруфийни жуда ҳурмат қилишади ва унинг «Жовидоннома»¹ номли китобини самовий муқаддас китоблардан бири, деб ҳисоблайдилар.

Бектошийларнинг кийиб юрадиган оқ тўнлари учбурчак шаклида ва баъзан иснаашарий имомлари ҳурмати учун ўн икки бурчакча етказилади. Уларнинг шайх пешволари бошига яшил салла ўраб юради. Шунингдек, бўйинларига таслимтош деб номланувчи тошдан мунчоқ тақиб, қўлига болта ва ҳасса ушлаб олишади. Бектошийлар ўзларини ҳақиқий мусулмон ҳисобласалар-да, намоз, рўза, ҳаж ва закот каби шарият аҳкомларини умуман бажармайдилар.

Повал фақирия: Бу фирқа Ҳиндистоннинг Бенгалия штатида вужудга келган бўлиб, унинг тарафдорлари ўз вақтида ярим миллион кишига етган. Бу фирқа тарафдорлари ўзларини ҳақиқий мусулмон ҳисоблаб, биз «фирқаи ножиya» миз, деб даъво ҳам қилган.

¹ Бу китоб форсийда «Ишқнома» ва туркийда эса «Фаришта ўғли», деб аталади.

Бу фирқанинг бузуқ ақидаларига кўра, Қуръони карим тўлиқ нозил бўлган вақтда қирқ пора бўлган ва унинг ўн пораси ҳазрат Али (р.а.)нинг маънавий камолотга етишишидаги илоҳий йўл ва имомлиги ҳақидаги кўрсатмалардир ва у ўн пора ғойиб бўлган эмиш. Бу ғойиб бўлган ўн порани ҳазрат Али (р.а.) қалбига жо этиб, ўзидан кейинги имомлар ва ўринбосар уламоларга қалбдан қалбга етказилган. Ҳозирги кунда бу ўн пора мазкур фирқанинг улуғлари қўлида эмиш. Уларнинг фикрига кўра, Қуръони каримнинг ҳозирги кўриниши авом халқ учундир. Аммо хос кишилар эса бу тоифанинг мухлислари кўкрагида сақланган бошқа ўн бўлимга мурожаат қилмоғи керак, деб биладилар.

Шунингдек, бу фирқанинг қуйидаги бузуқ қарашлари мавжуд бўлган: инсонни ҳақиқатга элтадиган йўл табиатга ихлос қўйишдир ва кимки бунга қаршилиқ кўрсатса, шу заҳоти кофир бўлади. Уларнинг фикрига кўра, инсонга берилган табиатнинг марҳамати тўрт нарсадир: сийдик (бавл), ахлат (нажас), ҳайз қони ва маний (сперма) дир. Улар бу нажасларни истеъмол қилиш ва уларга сиғиниш, энг олий ибодатдир, дейдилар. Бу фирқанинг ҳар бир тарафдори махсус ёғоч идишни ўзи билан бирга олиб юради ва бу нажасларни унга солиб, керакли пайтда тановул этади. Кимки бу фирқа ақидасига эътиқод қилса, бомдод пайтида уйқудан тургач ёғоч идишга сийиши ва бу «улуғ неъмат» учун Худога миннатдорлик билдириши керак.

Мазкур фирқа тарафдорлари ойда бир марта байрам қилар ва шу байрам кунида аёл ва эркаклар бир ерга тўпланиб, ерга озгина ун сегиб, ун устига ўтириб олиб маст қилувчи ичимликлар ичиб, кеч кириши билан бир-бири билан зино қилардилар. Эртаси кун тонгда барчалари уйқудан уйғониб, нажас билан булғанган унларни йиғиштириб, ўзаро тақсимлаб олардилар ва мазкур ундан нон пишириб, худди муқаддас таом сингари уни ердилар. Бу фирқанинг эркак ва аёлларида умуман ор-номус, ахлоқ-одоб ва ифбат деган нарсалардан асар ҳам бўлмаган. Аёллари кекса ёшга етиши билан мазкур фирқадан чиқариб ташланган.



ҚАДАРИЯ ТОИФАСИ

Қадарийлар бандаларнинг амалларига боғлиқ Аллоҳ таолонинг хоҳиши, қазоси, қадари, шунингдек, яратишини инкор қиладилар. Бу фирқа наздида, яхши ишлар Аллоҳдандир. Бундан мурод Аллоҳнинг хоҳишидир. «Ёмон ишларни ўзимиздан ёки иблисдан», дейдилар ва бу билан ёмонликнинг Аллоҳ хоҳиши ёки қазои қадарига боғлиқ бўлмаган ҳолда содир бўлишини назарда тутадилар. Қадария фикрича шайтон одамларга амалларини гўзал қилиб кўрсатиб, сўзларини қабих қилиб қўйди. Ҳаким бўлган Зот бирор нарсани¹ яратиши ёки уни хоҳлаши ёки бўлмаса, унга ҳукм қилиши ёки тақдирда белгилаб қўйиши, сўнг эса банданинг бу амаллари эвазига жазо бериши дуруст эмас.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади: **«Кимки яхши амал қилса, ўзи учундир. Ким ёмонлик қилса ҳам ўз зиёнигадир. Раббингиз бандаларга ноҳақлик қилувчи эмасдир»** (Фуссилот, 46).

Аҳли Сунна вал-Жамоа фикрича, осмон ва ердаги барча нарсаларнинг яратувчиси Аллоҳ таолодир. Осмон ва ерда бирор-бир нарса бўлса-ю, яратувчиси, қозиси ҳамда бошқарувчиси (Аллоҳ) бўлмаса, бу ақлга сиғмайдиган эътиқоддир. Бу Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзи билан далилланади: **«Аллоҳ барча нарсанинг яратувчисидир»** (Зумар, 62). Шунингдек, Аллоҳ яна: **«Албатта, Биз ҳар бир нарсани ўлчов билан яратдик»** (Қамар, 49), деб марҳамат қилади.

Абу Муҳаммад Сахавийдан қадарийлар ўзларини адолат аҳли деб эътиқод қилишларини ва улар Раббиларига «У бандаларининг ишидан ожиздир» деб нисбат берадилар ва шу билан Аллоҳнинг қудратини инкор қиладилар. Қадарийлар ботил қарашлари билан ўзлари қочган нарсалардан ҳам ёмонроғига дучор бўлдилар.

Қадарийлар ҳеч бир банда қилмаган ишни, яъни Аллоҳни инкор қилдилар ва ўз даъволарида ҳаммадан ҳам мажусийларнинг

¹ Ушбу сўздан мурод ёмонликдир.

қарашларига яқин бўлганлар. Ибн Умар (р.а.)дан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз (с.а.в.): «*Ҳар бир умматнинг мажусийлари бўлади. Бу умматнинг мажусийлари қадарийлардир. Агар уларнинг олдидан ўтсангиз, салом берманг. Касал бўлсалар, бориб кўрманг ва агар вафот этсалар, жанозаларига қатнашманг. Ана ўшалар Дажжол тарафдорларидир*», – дедилар. Яна бир ҳадиси шарифларида: «*Умматимни ҳалок қилувчилар қадарийлар ва асабийлардир*»¹, – дедилар.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) қадарийлар ҳақида яна бир қанча ҳадислар айтганлар: «*Қадария тақдир борасида Аллоҳнинг хусуматчи душманларидир*».

Умар ибн Хаттоб (р.а.) ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз (с.а.в.) марҳамат қилганлар: «*Қадарийлар билан бирга ўтирманглар, улар билан суҳбат ҳам қилманглар*».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоятларида Пайғамбаримиз (с.а.в.) дедилар: «*Олти тоифа кишига Аллоҳ ва дуоци мустажоб бўлган барча пайғамбарлар лаънат айтадилар. Уларнинг бири Аллоҳнинг қадарига ишонмайдиганлардир*». Абу Ҳурайра (р.а.) ривоятларида Пайғамбаримиз (с.а.в.) дедилар: «*Бу умматнинг энг ёмони қадарийлардир*».

Абу Дардо ва Абу Умома (р.а.)лар ривоят қилган ҳадисда жаноб Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «*Аллоҳ таоло уч тоифанинг сарфини (фарзини) ҳам, адлини (нафлини) ҳам қабул қилмайди: оқ бўлган фарзандни, миннат қилувчини ва тақдирга ишонмайдиган кимсани*».

Қадария тоифасидан ҳам бир неча фирқалар вужудга келган.

Аҳмадия: Қадария фирқаси қарашларига эътиқод қилувчилар бир неча тоифага бўлинган. Уларнинг энг биринчиси аҳмадия ҳисобланган. Аҳмадия фирқасининг эътиқодига кўра, Аллоҳ таоло бандаларга адолат қилишининг биринчи шарти уларга хатти-ҳаракатларида ихти ёр беришидир. Шунингдек, Аллоҳ таоло бандаларига мутлақ адолат қилиши учун уларга хатти-ҳаракатлари, хоҳиши, яратиши, қазо, қадар ва илми масаласида эркинлик бериши лозим. Шундагина У ўз бандаларига адолат қилган бўлади.

Аҳли Сунна вал-Жамоа наздида, Аллоҳ таоло бандаларга ўз амалларида тоқатларига яраша қудрат беради, шунингдек, Ўз буйруқларини бажара оладиган даражада имконият ато этади.

¹ **Асабийлар** – уруғчиликни даъво қилувчилар.

Жумладан, уларни ихтиёрий амал қилишдан мажбурлаб қайтармайди. Тоқати етмайдиган ишга буюриб, бажара олмагач, ўшанинг эвазига азобламайди. Мана шу Аллоҳнинг адолатидир.

Санавия: Ибн Жавзий айтадики, санавийлар оламни пайдо қилган нарса иккитадир, хайрли ишларни қилувчиси нурдир ва ёмон ишларни қилувчи қоронғилиқдир, деб айтадилар. Санавийлар фикрича, барча яхшиликлар Аллоҳ таоло, ёмонликлар эса иблис, Банданинг ўзи томонидан содир этилади. Муҳсин¹ яхши амалларни фақат илоҳий руҳ воситасида бажаради. Мусий² гуноҳ ишларни шайтоний руҳ туфайли қилади. Инсон жисмида голиб бўлган руҳ бандани ўз маконига етаклайди. Бунда «Рухуллоҳ»дан мурод жаннат, «Руху-ш-шайтон»дан мақсад эса дўзахдир.

Санавия фирқасига қарши Макхул Насафий ва Аҳли Сунна вал-Жамоа олимлари шундай дейдилар: «Агар масала сизлар айтганингиздек бўлса, илоҳингиз халқ, яъни оддий банда қилиши мумкин бўлган амалларни ҳам бажара олмайди. Ожиз зотга эса ибодат қилинмайди. Шундай экан, ҳар қандай амал, гарчи у иблис таъсири остида бажарилса ҳам, Аллоҳнинг қадари билан бўлади».

Ибн Осдан келтирилган бир ривоятда Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтдилар: *«Сизларнинг ҳеч бирингиз барча яхшилик ва ёмонликнинг тақдирдан эканлиги, инсон тақдирида бўлмаган нарсаларга дучор бўлмаслиги ва аксинча, тақдирига ёзилганларнинг албатта содир бўлишига амин бўлмагунича мўмин бўла олмайди».*

Кайсония: VII асрда шиалар орасидан ажралиб чиққан фирқа тарафдорлари. Шиаларнинг учинчи имоми Ҳусайн 61/680 йилда Карбало³ яқинида ҳалок бўлгандан кейин, тўртинчи имомни эътироф этишда улар орасида ихтилоф юз берган. Бир қисми

¹ **Муҳсин** – [араб. – савоб ишларни бажарувчи].

² **Мусий** – [араб. – гуноҳкор банда].

³ **Карбало** – Ироқдаги шаҳар. Карбало ҳудудий-маъмурий марказ саналади. Фурот дарёси водийсида, Бағдоддан 85 км жанубий-ғарбда жойлашган Шиаликдаги зиёратгоҳ шаҳар. Али ибн Абу Толибнинг ўғли Ҳусайн ибн Али 61/680 йилда Карбало яқинидаги жангда ҳалок бўлган. Карбалода дафн қилинган. Кейинчалик бу ерда мақбара барпо этилган ва мазкур жой шиалар учун зиёратгоҳ бўлиб қолган. Имом Ҳусайн мақбараси бир неча марта бузиб ташланган, кейинчалик салобатли иншоот мажмуаси қурилган. Карбало ҳар йили муҳаррам ойида мотам маросими ўтказиладиган марказ ҳисобланади.

Хусайннинг ўғли Али (Зайн ал-Обидин)ни имом деб таниса, бошқа гуруҳи Хусайн ўғилларининг жуда ёшлиги ва раҳнамоликка қобил эмаслигини рўкач қилиб, Алининг Бану Ҳанифа қабиласидан ўлжа сифатида олинган канизагидан туғилган, жанглarda иштирок этиб танилган ўғли Муҳаммад (16/637–81/700)ни тўртинчи имом деб эътироф қилган.

Барча манбаларда онаси мансуб бўлган қабила номига нисбат берилиб, у Муҳаммад ибн Ҳанафия деб аталади. Унинг тарафдорлари бўлган шиалар яқин сафдоши Мухтор ибн Абу Убайд Сақафий раҳбарлигида 66/685 йилда Куфада кўзғолон кўтариб, умавийларга зарба берган. Хусайнни ўлдирганларнинг кўпини жазолаган. Кўлга туширилган Куфа хазинасидаги пулларни исёнчиларга тақсимлаб берган. Бу исёнда Абу Амр Кайсон фаол иштирок этган (фирқанинг номи шундан). Кейинчалик ички ихтилофлар натижасида исёнчилар енгилиб, 68/687 йили Мухтор ибн Абу Убайд ҳалок бўлган. Муҳаммад ибн Ҳанафия бевосита кўзғолонда иштирок этмаган.

Кайсонийлар Али (р.а.)ни Пайғамбаримиз қизи Фотимага уйлангани учун эмас, ўзига хос имомлик хислати учун имом деб танийди, шу сабабли имомлик пайғамбар авлодига ўтиши шарт эмас деб ҳисоблаб, Алининг икки ўғли (Ҳасан ва Хусайн)дан кейин имомлик учинчи ўғлига ўтиши керак, деган ғояга асосланади.

Кайсонийлар фирқаси фикрича, бажарилаётган амаллар Аллоҳ томонидан ҳам, бандалар томонидан ҳам эканлигини билмаймиз. Лекин кўриб турибмизки, уларни бандалар бажараяпти. Бандаларнинг ушбу ишлари эвазига ўлимдан сўнг савоб оладиларми ёки жазо олдиларми, буни ҳам билмаймиз. Барча амаллар ичида энг мақбули ўз аҳли томонидан мақталганидир.

Аҳли Сунна вал-Жамоа наздида кимки юқоридаги каби фикр юритса, у бутун борлиғи билан кофир бўлади. Чунки бундай одам яхшилиқни ҳам, ёмонлиқни ҳам тан олмайди. Аслида, кайсонийлар даҳрий ва зоҳирий ишларни йўққа чиқарадиган занодика фирқаларининг ақидаларини бир қадар юмшатган.

Кайсонийлар фирқаси камайиб, кейинчалик IX аср ўрталарида тамоман йўқолиб кетган.

Ҳарёния: Ҳарёния фирқаси Кайсониядан ажралиб чиққан Ровандиядандир. Улар аввал Муҳаммад ибн Ҳанафия имомлигини

тан олган эдилар. Сўнг Ҳарён деб аталувчи Бани Аббос давлати соҳиби Абу Муслим Абдуллоҳ ибн Муҳаммаднинг шериклари бўлдилар.

Улар айтардилар: Муҳаммад ибн Ҳанафия бўлса, Али ибн Абу Толибдан сўнг имом эди (чунки Ровандия ишонардик, имомлик пайғамбардан кейин Аббоснинг ҳаққидир). Ўзидан сўнг ўғли Абу Ҳошим Абдуллоҳ ибн Муҳаммадни ўринбосари қилди. Абу Ҳошим эса Али ибн Абдуллоҳ ибн Аббос ибн Абдулмутталиб ҳақида васият қилди ва Али ибн Абдуллоҳ ўғли Муҳаммад ибн Алини ўз ўринбосари қилди. Муҳаммад ўғли Иброҳим Харронда ўлдирилган имомни ўзининг ўринбосарлигига тайинлади, сўнг Иброҳим укаси Абу Аббос Абдуллоҳ Саффоҳ ҳақида васият қилди. Абу Аббос Абдуллоҳ Саффоҳ дарҳол Абу Муслимни ўзига ўринбосар қилиб тайинлади.

Улардан баъзилари имоматни Абу Ҳошимдан сўнг акаси Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Ҳанафияники деб биладилар ва айтадилар: «Ҳасандан сўнг ўғли Али имом эди ва Али вафот этгандан кейин ундан фарзанд қолмади».

Муовия: Бу фирқанинг асосчиси Абдуллоҳ Толибий бўлиб, унинг тўлиқ исми Абдуллоҳ ибн Муовия ибн Абдуллоҳ ибн Жаъфар ибн Аби Толибдир. Абдуллоҳ Толибий таносух ақидасини илгари суриб, Худонинг руҳи Одам Атода жой олган ва ундан пайғамбарларга кўчган ва шу тариқа Муҳаммад (с.а.в.)га ва ундан сўнг Али ибн Аби Толиб жисмига ва Муҳаммад Ҳанафия ва унинг ўғли Абу Ҳошимга ва ундан сўнг менга, яъни Абдуллоҳ ибн Муовияга ҳулул бўлган дер эди. Шунингдек, у бу дунё ҳеч қачон тугамайди, яъни фоний эмас деган ботил эътиқодда эди. У ўз тарафдорларига зино ва бачабозликни ҳалол деб фатво ҳам берган.

Баъзи бир манбаларда таъкидланишича, Абдуллоҳ Толибий араб шоирларидан бири ва худосизликда айбланган ва қонхўр киши бўлган. У ўз давридаги ҳукуматга қарши бир неча бора исёнлар кўтарди. Минглаб тарафдорларга эга бўлди. Аммо Истахра шаҳрида Ироқ амири Хабир кўшинларига мағлуб бўлиб, 131/749 йили Абу Муслим зиндонида қатл этилди.

Мазкур фирқа тарафдорлари кейинчалик икки оқимга, яъни ҳарбия ва муғирияга бўлиниб кетди. Бу икки фирқа «таносух»

ва «азилла»¹ да чегарадан чиқдилар. Бу фирқаларнинг ботил эътиқодига кўра, Абдуллоҳ ибн Муовия Исфаҳон тоғ тизмаларида яширинган. У ўлмайдди, чунки пайғамбар башорат қилган ўша Маҳдийдир.

Муқаддас ислом динимиз кўрсатмаларига биноан қиёматга яқин инсонларни яхшилиқка чорловчи, уларни ягона ҳақ дин байроғи остида бирлаштирувчи «Маҳдий»нинг келиши ҳақида ҳадислар мавжуд. Суннийлик ақидасига кўра, Маҳдийнинг қачон ва қаерда пайдо бўлишини фақат Аллоҳ таоло билади.

Карбия: Бу фирқа тарафдорлари кайсонийлардан ажралиб чиққан бўлиб, унинг асосчиси Абу Карб Зарир деган шахсдир. Унинг ботил эътиқодига кўра, Муҳаммад Ҳанафия тирикдир ва у ҳозир Ризавий тоғида яшайди ва биз эса унинг чиқиши ва зуҳурини кутиб турибмиз, дер эди. Шунингдек, у яна Ризавий тоғида Муҳаммад Ҳанафиянинг макони бўлиб, унинг ўнг қўлида шер ва чап қўлида эса қоплон бор. Бу икки ёввойи ҳайвон уни қўриқлайди, Худонинг қудрати билан унинг олдида икки чашма қайнаб чиқиб турибди ҳамда унинг олдида бир ариқда сут ва бошқасида асал оқади, деб ўз тарафдорларини шунга ишонтириб, эътиқод даражасига кўтарган эди.

Муаммария: Фирқанинг асосчиси Муаммар ибн Аббод Суламий бўлиб, у даҳрийларга раҳбарлик қилган ва қадарийлар ишини давом эттирган, кўп бузуқ ақидаларни тарқатган шахс бўлган. Масалан, Аллоҳ таоло жисмларни яратган, лекин ранг, таъм, ҳид, ҳаёт, ўлим, овоз, эшитиш, кўриш каби сифатларни яратмаган, деган ақидаси тарғиб қилинган. Унинг фикрича, сифатларни жисмларнинг ўзи яратар эмиш. Шунингдек, унинг фикрича, Аллоҳ таоло ҳамма нарсени билади, лекин ўзини билмас эмиш.

Муаммар ибн Абод Суламий Ҳорун ар-Рашид даврида яшаб, 215/831 йилда вафот этган. «Ал-Муня вал-амал» китобида унинг номи Муаммар ибн Абод Суламий Абу Умар (Абу Муаммар) тарзида берилган ва у мўътазиланинг олтинчи табақасида келтирилган.

Муаммар ибн Абод Суламий: «Худо ранг, ҳид, таъм, ҳаёт, эшитиш, кўриш ва ўлим сингари сифатларни яратмаган, чунки

¹ Азилла – Аллоҳнинг сояси кўчиб юриши.

Худо фақат жисмни яратган, жисм эса ташқи хусусиятларни вужудга келтирган. Ҳаёт, ўлим, эшитиш, кўриш, ранг, таъм ва ҳид жисмдаги аҳамиятсиз ташқи хусусиятдан бошқа нарса эмаски, табиатан унинг феъл-атворидан ҳисобланади. Товушлар унинг олдида жисмлар ҳаракатининг табиий ҳолида садо беради. Жисмнинг йўқлиги (бўлмаслиги) унинг олдида жисмнинг табиий ҳаракатидан бошқа нарса эмас. Экиннинг яхшилиги ва унинг бузилганлиги ҳам экиннинг ҳаракатидандир», – деб айтди. У яна: «Ҳар йўқликнинг йўқлиги унинг табиий ҳаракати қабулидандир ва Худонинг аҳамиятсиз ташқи хусусиятида ярагиш ва фараз йўқ.

Қуръон ҳам унинг олдида жисм бўлиб, Худонинг каломи унга кирган ва Худои таолонинг ҳаракати (феъл-атвори) унинг сифати эмас.

Шу билан бирга, жисмларда арзимас ташқи хусусиятлар мавжуд бўлиб, уларнинг охири ва саноғи йўқдир. Ҳар доим у билан ҳаракатланиб жумбишга келса, у махсус ҳаракат жойига қараб, ўзидан бошқа маъно учун бор ва у маъно ҳам ўз жойига ихтисослашиб, маъно учун ундан ташқарида мавжуддир. Бу сўз ҳар маънонинг ўрнига қараб, ўзидан ташқари маъно учун ҳад-худудсиздир», – дер эди.

Шунингдек: «Ҳодисаларнинг охири йўқдир ва шу боис ҳодиса юз берса-да, Худо уларнинг саноғидан огоҳ бўлмайди», – деб айтарди.

У яна: «Одамнинг иродадан бошқа феъл-атвори йўқ ва бошқа ташқи хусусиятлар табиий ҳолда жисмларнинг феъл-атворидир», – дерди. Бунда Муаммарнинг баёни, ташқи хусусиятларнинг ниҳояси (охири) йўқлигида, ўша асҳобларнинг усуллари келиш ва сир бермасликдир. Улар пинҳон ва ошкор бўлишда мустаҳкам эдилар, ташқи хусусият ҳадисларини инкор қилиб, шундай дердилар: «Уларнинг ҳаммаси жисмда мавжуддир, агар жисмда ташқи хусусиятларнинг бири ошкор бўлса, унга қаршиси пинҳон бўлади».

У айтарди: «Инсон бу танадан бошқа ҳис қилинмайди, у тирик, доно, қодир ва озоддир, у танада донишманд, эҳтиёткор ва жаннатда неъмат бағишловчи ва оловда жазо берувчидир».

Яна у: «Худонинг мавжудлиги азалийдир, уни эски ва бурунгидир дейишимиз жоиз эмас, Худои таоло ўз ҳаракати билан илм топиши ва у ўзини таниши мумкин эмас, чунки унинг

наздида шарт шуки, билинувчи нарса бу оламдан бошқа бўлсин. Агар Худо ўзича нарсаларни билувчи бўлса, олим ва маълум бир нарса бўлажакдир ва бу эса ботилдир», – деди.

Бишрия: Фирқанинг асосчиси Бишр ибн Муътамир бўлиб, Қадария фирқаси тарафдорлари баъзи бир эълон қилган ақидалари туфайли уни кофирга чиқаришган. Шундай ақидаларидан бири – Аллоҳ таоло лутф эгасидир, агар шу лутфини кофирга кўрсатса, у имонни ихтиёр қилади, деган сўзидир. Шунингдек, Аллоҳ таоло одамларни дунёга келтириб ўтирмай, бир йўла жаннатда яратиб, уларга комил ақл берганда яхши бўлур эди, деган бузук фикрни олға сурган.

Шайтония: Шайтонийлар Муҳаммад ибн Али ибн Нўъмонга ёки Жаъфар ибн Аҳвалга нисбат берилган, у 160/777 йил вафот этган. Улар Аллоҳ таоло бирон нарсани бўлишидан аввал билмайди, деб эътиқод қилади. Шайтония фирқаси қарашларига кўра, Аллоҳ таоло шайтонни яратмаган. Кимки Шайтоннинг Аллоҳ таоло томонидан яратилганига ишонса, у «Аллоҳ таоло ўз бандаларининг гуноҳ ишларни қилишларига рози», деб айтган бўлади. Бу эса Аллоҳ таоло ҳақида нотўғри эътиқоддир.

Аҳли Сунна вал-Жамоа наздида, Аллоҳ, Унинг сифатлари ва феълларидан бошқа барча нарса махлуқ, яъни яратилгандир. Агар «Шайтон – махлуқ эмас», десак, унга раббониятни¹ нисбат берган бўламиз. Бундан эса шайтон Аллоҳ каби азалий, абадий, доимий, деган маънолар келиб чиқади. Маълумки, бу қараш – ширк. Шу сабаб, шайтоннинг махлуқ эканлигига гувоҳлик берамиз.

Аллоҳ таолога Шайтон: **«Мен ундан яхшиман, мени оловдан яратгансан. Уни (Одамни эса) лойдан яратдинг»** (*Аъроф*, 12), деб айтган вақтида лаънатланган. Шайтония фирқасининг раҳнамози ва раҳбари Иблис ўзининг махлуқ эканини шу тариқа тан олади. Унинг шогирдлари ва унга эргашганлар эса Шайтонга қарши чиқадилар ва унинг бу сўзини инкор қилиб, ҳатто Шайтоннинг ўзи тушунган нарсани тушунмаганлар. Кўриниб турганидек, Иблис шайтония фирқасига эътиқод қилувчилардан кўра ақллироқдир.

¹ **Раббоният** – Аллоҳ таолонинг парвардигорлик сифати.

Футия: Бу фирқанинг иккинчи номи ҳишомия бўлиб, унинг асосчиси Ҳишом ибн Умар Футий (ваф. 226/841 й.)дир. Футия фирқасининг боғил ақидасига кўра, «**Ҳасбуналлоҳу ва неъмал-вакил**» (*Оли Имрон, 173*) оятини ўқиш одамларга ҳаром қилинади, чунки «вакил» сўзи Аллоҳга нисбатан ишлатилмайди. Ҳолбуки, Аллоҳ таолонинг ўзи Қуръонда шу оятни келтириб қўйган ва Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳам ўз ҳадиси шарифларида Аллоҳнинг тўқсон тўққиз номидан бири «вакил» эканлигини марҳамат қилганлар.

Шунингдек, Футийнинг яна бир бузуқ ақидасига кўра, Аллоҳ таоло бир нарсани бир марта яратган бўлса, унинг ўхшашини ярата олмайди. Ерни ёмғир билан тирилтира олмайди. Аллоҳ инсонлар қалбини бирлаштира олмайди. Бу фирқа тарафдорлари бундай ботил ақидага эътиқод қилганликлари туфайли улар кофир саналган.

Искофия: Фирқанинг асосчиси – Муҳаммад ибн Абдулло Искофий. У Жаъфар ибн Ҳарбнинг айрим бузуқ ақидаларига қўшилиб залолат йўлига кирган. Бузуқ ақидаларидан бири – Аллоҳ таоло норасида гўдаклар ва мажнунларга зулм қилиб, уларга азоб бериши жоиз, ақлли кишиларга эса зулм қилмайди.

Демак, Искофий Аллоҳ зулм ва ёлғон гапиришга қодир эмас, деган сўзи билан Наззомнинг ақидасига хилоф қилган. Зулм ва ёлғонга қодир, деган сўзи билан ўзининг салафларига муҳолиф бўлган. Яна у: «Аллоҳ ақли йўқларга зулм қила олади, ақллиларга зулм қилмайди», – деган. Бу сўзи учун ўз салафлари уни кофирга чиқаришган. Ўзига хилоф сўз айтганлари учун у ҳам ўз салафларини кофирга чиқарган. Яна у: «Аллоҳни Мукаллим¹ деб аташ мумкин, Аҳли Сунна вал-Жамоа уламолари каби Мутакаллим² деб аташ мумкин эмас», деб чалғиб кетган.

Сумомия: Фирқа асосчиси – Сумома ибн Ашрас Нумайрий. Маъмун даврида у қадарийлар раҳбари бўлган. Маъмунни мўътазилий бўлишига даъват қилган, деган гаплар ҳам тарқалган.

Ақидада адашганлигига қуйидаги икки бидъат сўзи сабаб бўлган:

¹ Мукаллим – [араб. – гапиртирувчи ва гаплашувчи].

² Мутакаллим – [араб. – гапирувчи].

1. Аллоҳнинг амри туфайли Уни маърифат билан танимаганлар имон келтиришга ҳам, куфрдан сақланишга ҳам буюрилмагандир. Бошқа жонзот ва ҳайвонлардек мукаллаф бўлмаган ҳолда яшаб охиратга боргач, тупроққа айланиб кетади. Бу сўзига биноан даҳрийлар¹ ва зиндиқлар² охиратда тупроққа айланиб кетади. Шунингдек, гўдаклар ҳам на савоб иши ва на гуноҳ иши бўлмагани учун охиратда тупроққа айланиб кетади.

2. Фейл, ҳаракат ва ишлар ўз-ўзидан вужудга келади. Уларни қилувчиси ёки бажарувчиси йўқ.

Бу сўзи билан олам ҳам ўз-ўзидан вужудга келган, Аллоҳ яратмаган, деган фикр юзага келади. Бу эса куфрдир. Сумома ибн Ашрас 182/798 йилда вафот этган.

Ҳасбония: Бу фирқанинг ботил эътиқодига кўра, ашё, дард-алам ва лаззатларни идрок этишнинг ҳаммаси тасаввур ва хаёлдир, халойиқ ақл ва илҳомлари даражасида у нарсаларни идрок этади, ўртада ҳеч қандай ҳақиқат йўқ.

Айтадилар: улардан бир киши бир куни Аббосий халифа Маъмун олдида кирганида, мўътазиланинг улуғ кишиларидан Сумома ибн ал-Ашрас унинг олдида ўтирган эди. Сумома ундан сўради: «Сенинг мазҳабинг нима?» Жавоб берди: «Мен ҳамма нарсалар хаёл ва тасаввурдир, деб айтаман».

Сўнг Сумома ўрнидан туриб, унинг бошига қаттиқ зарба туширдик, бундан унинг чеҳраси қорайиб кетди. У киши

¹ **Даҳрийлик** – [араб. даҳр – вақт, тақдир, фалақ]. Ислом пайдо бўлмасдан илгари араб жамиятида кенг тарқалган ақида. «Ўлим», «тақдир», «ажалнинг етиши» маъноларини англатган. Даҳрийларнинг ақидасига кўра, ўлимдан сўнг ҳамма нарса тугайди, шунинг учун бугунги кун билан яшаб қолиш керак. Бундай ҳиссиёт Куръондаги қуйидаги сўзлар билан ифодаланган: «**Улар** (киёматни инкор этувчилар): «(Хаёт) **фақат шу дунёдаги ҳаётимиздир**. (Биримиз) **ўлиб**, (биримиз) **яшаб юраверамиз**. **Бизларни** (Аллоҳ эмас, балки) **фақат замон** (ўгиши)гина **ўлдиради**», – дедилар. **Ҳолбуки, уларда бу тўғрида бирор билим** (ҳужжат) **йўқдир**. **Улар фақат** (ўзларича) **гумон қилурлар, холос**» (*Жосия*, 24). Даҳрийлар дунё ҳодисотларини вақт, замон, давр, фалақ, тасодиф каби нарсаларга нисбат берар эдилар ва оғир кунларда мазкур нарсалардан шикоят қилиб, барча айбни ўшаларга юклардилар. Шунинг учун ҳадисда: «*Даҳрни (фалақни) сўкмангиз! Зеро, уни айлантириб турувчиси Аллоҳдир. Яъни фалақдан нолиш Аллоҳдан нолиш демақдир*», – дейилган.

² **Зиндиқ** – [араб. – ақидада адашган ашаддий кофир].

Маъмунга қараб деди: «Эй амир ал-мўминин, кўрдингми, бу беадаб бу йиғинда нима қилди?».

Сумома деди: «Мен сенга ҳеч нарса қилмадим. Мен сенинг бошингга Миср толе ёғини қўйдим, сен эса бошимга урди деб ўйладинг».

Ғаффория: Бу фирқанинг асосчиси Ибн Ғаффор исмли шахс бўлиб, унинг бузуқ эътиқодига кўра, Аллоҳ таоло чўчқанинг фақат гўштини ҳаром қилган, ёғини ва миясини эса ҳаром қилган эмас. Ибн Ғаффорнинг бу бузуқ эътиқодига ишониб эргашган тарафдорлари кофирлик мақомига эга бўлдилар.

Масаррия: Бу фирқанинг асосчиси Масарра исмли шахс бўлиб, унинг бузуқ ақидасига кўра, пайғамбарлик эришиладиган мақом бўлиб, ҳар қандай инсон салоҳиятнинг энг юқори поғонасига ета олса, пайғамбар бўлиши мумкин.

Аҳли Сунна вал-Жамоа уламолари Масаррия фирқасининг бу пуч даъволарига шундай раддия берганлар: «Агар ҳар бир инсон ўз ҳаракати ва юқори салоҳият билан пайғамбарликка эриша оладиган бўлса, «**Мен Аллоҳнинг бандасидирман. (У) менга Китоб (Инжил) ато этди ва мени пайғамбар қилди**» (*Марям, 30*) оятини ўйлаб кўрсинлар. Агарда Аллоҳ ирода қилса, бешиқдаги бола ҳам гапирар, ҳатто пайғамбар ҳам бўлиши мумкин экан. Исо (а.с.) гапирган вақтида бир кунлик ёки қирқ кунлик чақалоқ бўлгани тўғрисида ривоятлар бор.

Аmmo Масаррия фирқасининг бу пуч даъвосига эргашиб, залолат йўлига кирганлар озгина тафаккур қилганларида, чақалоқлигидаёқ пайғамбарлик башорати берилган Исо (а.с.) қачон ўша салоҳиятга эришган экан, деган саволни ўзларига берган бўлардилар.

Уламолар Аллоҳ таолонинг Закариё (а.с.)га: «**Аллоҳ сенга Яҳё исмли фарзанд хушхабарини берур ва у Аллоҳнинг сўзини тасдиқ этадиган, ўз қавмига пешво бўлиб, шахватлардан ўзини тиядиган солиҳ пайғамбарлардан бўлур**» (*Оли Имрон, 39*), оятини келтириб, ҳали дунёга келмаган Яҳё (а.с.)га пайғамбарлик мартабаси қайси салоҳияти учун берилди?» – деб, уларнинг адашган фирқа эканликларини исботлаб, фирқанинг ақидаларини: «**Аллоҳ пайғамбарликни қаерга қўйиш (кимга раво кўриш)ни яхши билувчидир**» (*Анъом, 124*), ояти билан тамомила рад қилганлар.

Аббодия: Бу фирқанинг асосчиси Аббод ибн Сулаймон. Унинг бузуқ ақида сига кўра, Аллоҳ мўминларни ҳам яратди, Аллоҳ кофирларни ҳам яратди. Бу гап нотўғридир. Бундай дейиш мумкин эмас. Унинг ўрнига «Аллоҳ одамларнинг ҳаммасини яратди» дейиш керак. Чунки, мўмин ҳам кофир ҳам инсондир.

Шунингдек, Аббоднинг бузуқ фикрларидан яна бири: «Аллоҳ таоло қаҳатчиликни ҳам, очарчиликни ҳам яратмаган»,– дейди. Алломалар унинг бу бузуқ фикрини ҳам Аллоҳ таолонинг «**Сизларни биров хавф, очлик билан, молу жон ва мевалар (ҳосил)ни камайтириш йўли билан синагаймиз.** (Шундай ҳолатларда эй, Муҳаммад) **сабр қилувчиларга хушxabар беринг**» (Бақара, 155), ояти билан рад қилдилар.

Жоҳизия: Фирқа асосчиси – Амр ибн Баҳр Жоҳиз бўлиб, у балоғат ва фасоҳатда замонасининг энг пешқадами бўлгани боис унга эргашганларнинг сони жуда кўп бўлган. Агар унинг ўта жоҳиллиги ва ақидада чалғиган жиҳатларини билишганда эди, Жоҳизни инсон деб атаганлари учун Аллоҳга истиғфор айтган бўлар эдилар.

Унинг бузуқ ақидаларидан бири – инсондаги маърифат ва ирода унинг табиатидан бўлиб, банда ўзининг иш ва ҳаракатларида ихтиёрли эмас, балки табиатан содир бўлади.

Агар ҳақиқатдан Жоҳизнинг айтганини тўғри деб фараз қилсак, банда ўзининг амаллари учун савоб ҳам, гуноҳ ҳам олмайди. Зеро, унинг фикрича, бу қилинган амаллар банданинг касби эмас, балки унинг табиатидан келиб чиққан нарсадир.

Яна шундай сўзларидан бири – Аллоҳ таоло яратган мавжудотлар ҳеч қачон йўқ бўлмайди. Зеро, У яратишга қодир, йўқ қилишга қодир эмас, деган таъкиддир. Яна унинг бузуқ ақидаларидан бири – Аллоҳ таоло ҳеч кимни дўзахга киргизмайди, балки жаҳаннамнинг ўзи дўзахий бандаларни ўз табиатига кўра ўз қаърига тортади.

Шаҳҳомия: Фирқа асосчиси – Абу Яъқуб Шаҳҳом бўлиб, у мўътазила фирқасининг машҳур пешволаридан бири Абу Али Жуббойнинг устозидир. Шаҳҳом мазкур Жуббой йўл қўйган ақидавий хатоликларнинг ҳаммасида шерик бўлган. Фақат бир ақидада ундан фарқ қилган. Бу фарқ бир яратилган нарсага иккита

яратувчининг бўлиши жоиз, деган сўзидир. Ваҳоланки, бу ақидаси ҳам ботилдир.

Хайётия: Фирқа асосчиси – Абул Ҳусайн Хайёт бўлиб, у адашган фирқаларнинг пешвоси Каъбийнинг устози бўлган. Хайёт Қадария фирқасининг ғояларини қўллаб-қувватлаган. Хайёт барча мўътазилийлар ва қадарийларнинг бир ақидасига қарши чиққан. Бу ақида яратилмаган нарсани нарса деб аташ жоизми ёки ножоизми, деган масаладир.

Аҳли Сунна вал-Жамоа эътиқодига кўра, яратилмаган йўқ нарса кўринувчи ҳам эмас, нарса ҳам эмас. Яъни нарса деб аталмайди.

Яратилмаган йўқ нарса устида кўп баҳс ва мунозара юритилганлари туфайли Хайётия фирқасини маъдумия номи билан ҳам атаганлар.

Каъбия: Фирқа муассиси – Абулқосим Абдуллох ибн Аҳмад Каъбий Балхий бўлиб, билиб-билмай айтган гаплари туфайли унга «Ҳотибу лайл»¹ деб лақаб берилган эди. Дарҳақиқат, барча илм ва фан соҳасида ўзини кўрсатмоқчи бўлиб нимадир деган, кимнидир инкор этиб, кимгадир ҳамфикр бўлган. Лекин ақлга ва нақлга тўғри келадиган фикрлари жуда кам бўлган. Аслида эса барча илмларни чала билган ва кўп чалғишлари билан танилган шахс бўлган.

Каъбийнинг бузуқ ақидаларидан бири – Аллоҳ таоло ўзини ва бошқа мавжудотларни кўрмайди ва бошқалар ҳам Уни кўрмайди, балки илми туфайли ўзини ва бошқаларни билади, деган сўзидир. Бу фикрга Наззом ҳам қўшилган. Басралик мўътазилийлар эса Аллоҳ таоло барча мавжудотни жисми ва сифатлари билан кўради, лекин ўзини кўрмайди, деб билганлар.

Шарикия: Шарикийлар Али (р.а.) Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг нубувватдаги шериги эканлигига эътиқод қиладилар. Шарикия фирқаси эътиқодига кўра, яхшилик ҳисобланганларнинг ичида фақат имон ғайримахлуқ бўлиб, қолган бошқа барча яхшиликлар махлуқдир. Шунингдек, ёмонликлар ичида фақат куфр азалий бўлиб, қолган барча ёмонликлар махлуқдир. Агар куфр ва имонни махлуқ дейилса, бу Куръони каримнинг махлуқ эканлигига олиб келармиш.

¹ Ҳотибу лайл – [араб. – тунда ўтин терувчи].

Шарикийлар фирқаси қарашларининг ҳайратланарли жиҳати шундаки, улар ҳатто Қуръон ва имон ўртасини фарқлай олмаганлар. Аллоҳ таоло шундай дейди: **«Эй, имон келтирганлар! Аллоҳга, Пайғамбарига, (шу) Пайғамбарига нозил қилган Китоб (Қуръон)га ҳамда илгари нозил қилган Китобга имон келтирингиз! ...»** (Нисо, 136). Аллоҳ бандаларни ушбу оят билан имонга чақирган вақтда Қуръоннинг азалий, имоннинг эса махлуқлиги аён бўлди. Яна Аллоҳ таоло: **«(Эй, Муҳаммад!) Шундай қилиб, амримиз билан Сизга Рухни (Қуръонни) ваҳий қилдик. Сиз (бундан) олдин на Китобни (Қуръонни) ва на имонни (моҳиятини) билувчи эдингиз. ...»** (Шўро, 52), ояти каримаси билан Қуръонни имондан ажратиб берди.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтдилар: *«Аллоҳ имонни яратди ва уни ҳаё ва сахийликка аралаштириб юборди. Шунингдек, куфрни яратиб, уни бахиллик ва ҳасадга аралаштириб юборди».*

Ваҳмия: Ваҳмийлар эътиқодича, бандаларнинг каломида ҳам, феълларида ҳам аслийлик, яъни зот бор. Аммо яхши ва ёмон ишларда аслийлик бўлмайди. Кимки аксинча эътиқод қилса, Қуръоннинг «махлуқ» эканлигини таъкидлаган бўлади. Аҳли Сунна вал-Жамоа наздида, ҳар бир нарсанинг асли бор. Ниманинг асли бўлмаса, у ҳеч нарса эмас.

Яратилмиш инсонларнинг каломи, ваҳмийлар айтганидек эмас, балки зотланган, чунки у – махлуқ. Биз асарларда кўрсатиб ўтилган яхши ва ёмон ишларнинг зотланганини, уларга гувоҳлик беришимиз учун ҳам иқрор бўлишимиз лозим. Чунки уларнинг барчаси қиёмат куни тарозида тортилади. Биз ваҳмийлар каби эътиқод қилмаймиз, чунки улар тарозини ва ундан бошқа қиёмат кунига дахлдор барча нарсаларни инкор қилдилар.

Рувайдия: Рувайдия фирқаси эътиқодига кўра, Аллоҳ томонидан нозил қилинган барча Китобларга, уларнинг носих¹ ёки мансух² бўлишидан қатъи назар, амал қилиш шарт. Чунки ҳақим бўлган Зотнинг бир сўзни айтиб, сўнг пушаймон бўлиши ёки ўз сўзидан қайтиши мумкин бўлмайди.

Уларнинг фикрича, Аллоҳ таоло бизни мансух оятларига ҳам, муташобих, яъни ўхшаш оятларига ҳам имон келтиришга буюрди.

¹ Носих – ўзидан олдинги ҳукмларни бекор қилувчи.

² Мансух – ҳукми бекор қилинган оят ёки ҳадис.

Аммо носих ва мансух оятларнинг ҳар иккисига бир вақтнинг ўзида амал қилишнинг иложи йўқ. Чунки улар ўзаро қарама-қарши маънога эга. Бу бандалар учун ароқ ва кайф берувчи гиёҳларнинг бир вақтнинг ўзида ҳам ҳаром, ҳам ҳалол бўлишига ўхшайди. Бу ҳолатда, қарама-қарши бўлганлиги боис, уларга амал қилиб бўлмайди.

Бу фирқа ҳақида Макхул Насафий шундай дейди: «Балх шаҳрида ўз қарашлари билан чиққан Ҳаробиза¹ фирқасининг мутакаллим олимлари наздида Иброҳим (а.с.)дан бошқа пайғамбар йўқ, чунки Аллоҳ таоло бир пайғамбарни юбориб, кейин пушаймон бўлиб, бошқа расул юбориши мумкин эмас».

Аллоҳ таолонинг буюрганларидан айримларини бекор қилиши пушаймон сабабидан эмас, балки бу Унинг бандаларига раҳм-шафқатини билдиради. Чунки Аллоҳ таоло ҳар хил қилиб яратган бандалари орасида қийинчиликларга бардошлилари ҳам, бардошсизлари ҳам бор.

Анас ибн Молик (р.а.)дан қилинган бир ривоятда Умар ибн Хаттоб (р.а.) шундай деди: «Эй, инсонлар! Ўз манфаатингиз учун ушбу Китобда келтирилган буйруқларга амал қилинг, муташобих оятларни ўзингиздан олимроқ кишига ҳавола қилинг. Орангиздан сабаби нузул, яъни оятларнинг туширилиш сабабидан беҳабар инсонларга тафсир илми билан машғул бўлишлари ман қилинди».

Мутабаррия: Мутабаррийлар фикрича, кимки Аллоҳ таолога осий² бўлиб, сўнг тавба қилса, унинг тавбаси қабул қилинмайди, чунки у Аллоҳ таолога қарши чиқишга журъат қилган бўлади. Шундай экан, имон келтириб, мусулмон бўлган ҳар қандай инсон Аллоҳга ҳадди сиғиб, гуноҳ содир қилган ҳолатида тавба қилса ҳам мағфират қилинмайди. Уларнинг иддаолари: «*Кимки муртад*³

¹ **Ҳаробиза** – санавийларнинг бир фирқаси.

² **Осий** – [араб. – исён қилувчи, итоатсиз, гуноҳкор]. Аллоҳнинг буйруқлари, пайғамбар суннатига риоя қилмайдиган, шаръан тақиқланган ишларга қўл урадиган шахс.

³ **Муртад** – [араб. – ислом динидан қайтган, ундан воз кечган, чекинган одам]. Агар бир мусулмон ўзининг ислом динидан бутунлай воз кечганини ёки бошқа динга ўтганини билдиrsa, у муртад ҳисобланиб, Исломда қилган барча амаллари барбод бўлади.

бўлса, уни ўлдиришлар» ҳадиси шариф таъвилига асосланган. Улар шоккия¹ фирқасига мансуб жамоа бўлиб, бу ҳукмда ҳеч бир кимсани истисно қилмаганлар.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади: «Бас, (Одам билан Ҳавво) ундан ейишлари билан авратлари очилиб қолди ва ўзларини жаннат япроқлари билан тўса бошладилар. Одам Парвардигорига осий бўлиб, янглишди. Сўнгра Парвардигори уни поклаб, тавбасини қабул этди ва хидоятга йўллади» (Тоҳо, 121–122).

Аҳли Сунна вал-Жамоанинг наздида, банданинг тавбаси қабул қилинади. Фақатгина ўлим олдидан келтирилган имон бундан мустасно. Аллоҳ таолонинг ушбу ояти каримаси бунга далил бўлади: «...Албатта, Аллоҳ (шунгача билмай йўл қўйган хатоларидан) чин тавба қилувчиларни ва обдон покланиб юрувчиларни севади» (Бақара, 222). У Одам (а.с.) ва бошқа пайғамбарлари қаторида барча бандаларидан ҳам тавбаларни қабул қилади.

Аллоҳ таоло барча мўминлардан тавбани қуёш мағрибдан чиққунича² қабул қилади. Пайғамбаримиз (с.а.в.) бу масалада шундай дедилар: «Кечасини ўтказган инсоннинг кундузи, аксинча, кундузини ўтказган банданинг кечаси қилган тавбаси учун қуёш мағрибдан чиққунига қадар Аллоҳнинг қўли³ очиқ бўлади».

Абу Ғолия Қуръони каримдан ушбу икки оятни ўқиди: «Албатта, Аллоҳнинг тавба қабул қилиши фақат ёмонлик (гуноҳ)ни билмасдан қилиб қўйиб, сўнгра тезлик билан тавба қилганлар учун (муқаррар)дир. Аллоҳ айнан ўшаларнинг тавбасини қабул қилур. Аллоҳ илм ва ҳикмат эгасидир». (Нисо, 17). «Гуноҳ ишларни қилиб юриб, қачонки, бирорталарига ўлим келганда, «Энди тавба қилдим» дейдиган, шунингдек, кофирлигича ўлиб кетадиганларнинг тавбалари эса қабул қилинмагай. Ана ўшалар учун аламли азобни тайёрлаб қўйганмиз» (Нисо, 18). Абу Ғолия юқоридаги келтирилган оятлар мазмуни ҳақида: «Биринчи оят мусулмонлар, ўртадагиси мунофиқлар, охиригиси эса кофирлар учун нозил қилинди», – деди.

¹ Шоккия – Аллоҳга шак келтирувчилар, яъни Унга шубҳа билан қарайдиганлар.

² Қиёмат куни қуёш тесқари, яъни мағриб томондан чиқади.

³ Аллоҳнинг қўлидан мурод Унинг тавбани қабул қилишидир.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай марҳамат қилганлар: *«Аллоҳ бандасининг қилган тавбасидан сизлардан бирортангиз йўқотган нарсасини топиб олгандан кўра кўпроқ хурсанд бўлади».*

Нокисия: Абу Али Ҳасан ибн Ашрафнинг: «Нокисийлар эътиқодига кўра, байъат барча нафл намозлари каби Пайғамбаримиз (с.а.в.) ва саҳобаларнинг ҳукмидир. Нокисийлар пок инсонлар қаторида саҳобалардан ҳам рози бўлдилар. Уларнинг фикрича, инсон байъатга хилоф қилса ҳам гуноҳкор бўлмайди», деб айтаётганини эшитдим».

Али ибн Абу Толиб (р.а.)дан ривоят қилинади: *«Қиёмат куни байъатни бузган ҳар бир кишига «мохов» деб мурожаат қилинади».* Амр ибн Осдан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз (с.а.в.): *«Кимки раҳбарга чин кўнгилдан қўл бериб, байъат қилса, тоқати етгунича унга итоат қилсин. Агар бирор киши раҳбар билан низо қилиш мақсадида келса, унинг бўйнига уринглар»*, дедилар.

Қосития: Қосития эътиқодига кўра, дунё неъматлари жуда яхши, банда у туфайли ўз охирати учун захира тўплайди. Шу сабаб ҳар бир банда умрининг тўққиздан бирини дунё талабида ўтказиши лозим. Зеро, дунё талаб қилиш ҳар бир мўмин учун фарз. Инсонларнинг дунё тўплашлари лозимлигига Қуръони каримдаги: **«Бас, қачонки, намоз адо қилинган, ерда тарқалиб, Аллоҳнинг фазли (ризқи)дан истайверингиз!»** (*Жумъа, 10*), ояти каримаси далил бўлади.

Аҳли Сунна вал-Жамоа наздида, инсон фақат молу дунё тўплаш билан машғул бўлиб қолмаслиги лозим. Чунки Пайғамбаримиз (с.а.в.): *«Кимки тонгда уйқудан дунё тўплашни мақсад қилган ҳолда уйғонса, Аллоҳ таоло унинг қалбига тўртта хислатни мажбуран юклаб қўяди ва у ўлгунича бунинг биронтасидан ҳам қутулолмайди. Биринчиси, абадий туганмас ғам-қайғу. Иккинчиси, ҳеч қачон фориғ бўлмайдиган меҳнат. Учинчиси, охири йўқ фақирлик. Тўртинчиси, адоғи йўқ орзу-умид»*, – деганлар.

Қоситийлар айтганидек, ибодатнинг энг афзали дунё талаб қилиш бўлганида, Пайғамбаримиз (с.а.в.) биздан бутун диққат-эътиборимизни фақат бу дунёга қаратишимизни талаб қилган бўлар эдилар.

Ибн Аббос (р.а.) айтади: «*Ерда тарқалиш вожиб эмас, хоҳлаган одам қолсин, хоҳлагани чиқсин. Куръонни билмай мансух оятларни носихдан, муҳкам оятларни муташобихдан, маданий оятларни маккийдан ажрата олмасдан Куръонда рухсат берилганларни жоҳилона вожибга чиқариш Аллоҳ таолога нисбатан айтилган ноҳақ туҳмат ва энг катта гуноҳдир. Бундай одам адашади ва одамларни ҳам адаштиради*».

Нажжория: Бу фирқа гарафдорлари Хусайн ибн Тужжорнинг муридлари бўлиб, унинг тўлиқ исми ҳақида ихтилофлар мавжуд. Баъзи бир манбаларда Абу Хусайн Нажжор ал-Мисрий дейилса, бошқа манбада Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Нажжор, деб ҳам келади. Аллома Шаҳристоний мазкур фирқани жабарийлардан ҳисоблаган. Нажжор 230/845 йил вафот этган.

Бу фирқа ақидада Аҳли Сунна вал-Жамоа ва қадария ақидалари билан уйғун нуқталари мавжуд бўлишдан ташқари ўзларига хос бузуқ ақидалари билан ҳам ажралиб туради.

Биз билан ўхшаш жиҳатларига мисол – Аллоҳ бандалари қиладиган иш-ҳаракатларни яратиб бериши, иш бажаришга кетадиган қудратни Аллоҳ ишга киришадиган пайтда ҳосил қилиши ва Аллоҳ хоҳлаган нарса бўлиши, хоҳламагани бўлмаслиги. Шунингдек, бандасининг қилган гуноҳларини хоҳласа кечириши.

Қадариялар билан ўхшаш жиҳатлари – Аллоҳнинг азалий илми, қудрати, ҳаёти ва бошқа сифатлари бўлмагани, Аллоҳни кўз билан кўриш мумкин эмаслиги ва Аллоҳнинг каломи қадим эмас, балки ҳодис экани.

Қадарийлар нажжорийларни Аҳли Сунна вал-Жамоа билан ўхшаш жиҳатлари борлиги учун кофир деб ҳисоблаганлар. Бизнинг уламолар эса уларни қадарийлар билан ўхшаш қирралари борлиги учун кофир деб атаганлар.

Нажжорийлар имон кўпаяди, лекин камаймайди, деб эътиқод қилишган. Шунингдек, улар: «Худонинг каломи ўқилса ҳар доим ташқи хусусият, агар ёзилса жисмдир ва агар қон билан ёзилса, у қон парчалари Худонинг каломи бўлади, қонни тўкиш пайтида Худонинг каломи эмас эди», – деб эътиқод қилар эдилар.

Шунингдек, нажжорийлар Қуръоннинг яратилиши ҳақида бир-бирлари билан баҳслашиб, жуда кўплаб янгидан-янги ақидаси бузуқ фирқаларнинг пайдо бўлишига сабабчи бўлдилар. Нажжорийлар ўзларининг ботил ақидаларига эргашмаган мусулмонларнинг барчасини кофирга чиқарганлар. Уларга мухолиф бўлган Барғусия, Зафарония, Мустадрика каби фирқалар ҳам нажжорийларнинг ўзларини кофирга чиқарганлар. Ваҳоланки, Аҳли Сунна вал-Жамоа наздида эса бу фирқаларнинг барчаси тўғри йўлдан адашиб залолатга кетган кимсалардир.

Муқотилия: Бу фирқанинг асосчиси «Муржиа» тоифасига мансуб Муқотил ибн Сулаймондир. Унинг ботил ақидасига кўра, Аллоҳ таолонинг ҳам бошқа махлуқлар сингари гўшти ва қони бор. Яна: «Аллоҳ таоло ҳеч қандай қудратга эга эмас», – дейди. Бу фикрлар аслида Ботиния файласуфларининг фикридир.

Аҳли Сунна вал-Жамоа уламолари уларнинг ботил қарашларини «Аллоҳнинг ўхшаши йўқдир» (*Шуро, 11*), ояти билан рад этадилар.

Заъфарония: Рай минтақасида яшовчи Заъфароний раҳбарлик қилган бу фирқа ақидалари бир-бирига зид бўлиб, халқ ичида шарманда бўлишган. Масалан, Заъфароний Қуръон Аллоҳдан ўзга нарсадир. Ундан ўзга бўлган нарсаларнинг барчаси махлуқдир, деб, яна Қуръонни ким махлуқ деган бўлса, ундан ит яхши, деб ўз сўзига хилоф ҳукм чиқарган.

Заъфаронийга эргашган райлик бир гуруҳ нодон одамлар ҳатто шу даражага етганларки, Заъфароний «анжад» деб аталувчи хурмони жуда яхши кўргани учун бу раҳбаримизнинг маҳбубаси, деб уни эмас эканлар.

Мустадрика: «Мустадрика» сўзининг маъноси ўзидан олдинги кишилар тополмаган нарсани топувчи демақдир. Гўё бу фирқа кишилари ўзларидан олдин ўтган мусулмонлар Қуръонни махлуқ эмас, деб хатога йўл қўйишган-у, булар Қуръоннинг махлуқ эканини топишган эмиш.

Бу фирқа кейинчалик икки қисмга бўлиниб кетган:

1. **Пайғамбаримиз** (с.а.в.) гўё айтган эмишларки, Қуръон шу ёзилган ҳарфлари билан бирга махлуқ. Кимки шу сўзни инкор этса, кофир бўлармиш.

2. Пайғамбаримиз (с.а.в.) мазкур гапни айтмаганлар, лекин шундай деб эътиқод қилганлар. Ким Қуръонни шу лафз ила махлуқ деса, кофир бўлур, деган икки хил ақидага бўлиниб кетишган.

Ҳатто улар ичида муҳолифларимизнинг барча гап ва сўзлари ёлғон деб эътиқод қиладиган тоифалар ҳам бўлган экан. Масалан, уларга муҳолиф томон қуёшни қуёш деб атаган бўлса, булардан ким уни қуёш деса, ёлғончи саналган.

Шундай тоифа кишисини Абдулқоҳир Бағдодий¹ учратиб, унга: «Агар мен сенга, сен зинодан эмас, шаръий никоҳдан туғилгансан, деса ёлғончи бўламанми?», – деб хижолатда қолдирган экан.

Жаъдия: Бу фирқанинг асосчиси Жаъд ибн Дирҳам бўлиб, Қуръони каримни махлуқ, деган фикр соҳиби ҳисобланади. Унинг бу бузуқ фикрини Жаҳм ибн Сафвон, Бишр Марийсий каби бошқа ақидапараст фирқаларнинг йирик намояндалари қўллаб-қувватлаб, кейинчалик эътиқод даражасига кўтарилишига сабаб бўлганлар. Шу тариқа бу бузуқ эътиқод халқ орасига тарқалиб кетиб, баъзи бир машҳур уламоларнинг азобланиши, ҳатто ўлимларига ҳам сабаб бўлган.

Жаъд ибн Дирҳам яшаган вақтда халифа Ҳишом ибн Абдулмалик (105/724-125/743 й.) ҳукмронлик қилар эди. Жаъд ибн Дирҳамнинг йўлдан озганлиги халифага маълум бўлиб, уни Басрага сургун қилади. Басра ҳокими Холид ибн Абдуллоҳ Қасрий бу малъуннинг Басрага келиб қолганини эшитиб, қаттиқ ғазабланади. Холид ибн Абдуллоҳ Қасрий Қурбон ҳайити намозини ва хутбасини ўқиб бўлгандан кейин, одамларга: «Боринглар, қурбонликларингизни сўйинглар, Аллоҳ қурбонликларингизни даргоҳида қабул қилсин, деди. Ҳоким Холид ибн Абдуллоҳ Қасрий ўз қурбонлигимни Жаъд ибн Дирҳам билан бирга қиламан», – деди ва минбардан тушиб, минбар ёнида ўтирган Жаъдни бўғзига пичоқ тортди. Ҳокимнинг бу иши мусулмонларга маъқул бўлиб: «Исломдан яна битта тажовузкор даф бўлди», – дейишди.

Жаъд ибн Дирҳам: «Мусо (а.с.) ҳеч қачон Аллоҳ билан сўзлашмаган ва Иброҳим (а.с.)ни эса Аллоҳ ўзига дўст тутмаган», – дер эди. Шунингдек, «Машорик ал-Анвор» китобида жаъдияни

¹ **Абдулқоҳир Бағдодий** – Абу Мансур Абдулқоҳир ибн Тохир ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Бағдодий (ваф. 429/1037 й.). Унинг 20 дан ортиқ асарлари бор. Энг машҳур асарларидан бири – «Ал-фарқ байнал-фирақ».

«Сабаия» фирқаларидан ҳисоблаб, улар хаворижлар қавмидан бўладилар ва хайрли иш (эзгулик)ни Худодан, кучли, қудратли ва ёвузликни эса ўзларидан деб биладилар. Улар Аллоҳ таоло ҳақида шундай дер эди: «Худойи таоло ёш, аммо сочи жингалақдир».

Муғирия: Фирқа муассиси – Муғира ибн Саид Ижлий. Холид ибн Абдуллоҳ Касрийнинг Ироқдаги ноиблиги даврида (106/724–120/738 йй.) имомия фирқасига ён босиб, имомлик Али ибн Абу Толибдан кейин унинг набираси Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Ҳасан ибн Алига ўтган ва уни Имом Маҳдий деб эълон қилинган.

Кейинчалик Муғира набийлик даъво қилган, «исми аъзам»ни билиши, у билан ўликни тирилтириши ва душман қўшинини енгиши мумкинлигини эълон қилган.

У Аллоҳга ташбиҳ исбот қилиб, Аллоҳ гўё унинг наздида нурдан яратилган бир эр киши бўлиб, унинг аъзолари 28 та араб ҳарфлари шаклида эмиш. Буларнинг ҳаммаси куфрдан бошқа нарса эмас. Ислом таълимотига мутлақо зиддир.

Ноибнинг амрига кўра, Муғира ва унинг бир гуруҳ издошлари қўлга олиниб, 118/736 йили гулханда ёқилган. Муғира тарафдорлари Жаъфар Содиқнинг имомлигини тан олмаганлар, уларнинг фикрича Муҳаммад Боқир (ваф. 114/732 й.) имомликни Маҳдий келишигача Муғирага васият қилган. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ 145/762 йили имомлик учун курашда ҳалок бўлган. Бироқ Муғира ва унга имом сифатида қасамёд қилган аббосий шиаларнинг бир қисми унинг вафот этганини инкор этганлар, уларнинг фикрларига кўра, унинг қиёфасидаги шайтон ўлдирилган, унинг ўзи эса, тоғларга яширинган ва айнан унинг ўзи, Муҳаммад (с.а.в.)га исмдош бўлгани туфайли, Маҳдий сифатида қайтар эмиш. Шундан уларнинг бошқа бир номлари – муҳаммадийлар келиб чиққан.

Бурғусия: Бу фирқанинг асосчиси Муҳаммад ибн Исо исмли шахс бўлиб, Бурғус¹ унинг лақабидир. Бурғусия фирқасининг ақидасига кўра, Аллоҳ таоло ҳар бир нарсанинг ўзига табиий сезги қувватини бериб қўйган, у ўша сезги туфайли табиий равишда азобланади, ҳаракатланади, ўсади ва ҳоказо. Унинг фикрлари бузуқ бўлганлиги сабаб, ўша давр уламолари куфрликда айблаганлар.

¹ Бурғус – Бурга.

Суфастоия: Бу фирқанинг асосчиси номаълум бўлиб, фирқа тарафдорларининг бузуқ ақидаларига кўра, борлиқнинг асли йўқ бўлиб, бу дунёдаги ҳамма ҳодисалар оддий тушдек нарсадир.

Суфастоия фирқасининг фикрлари маъқул бўлмаган кишилардан бири мазкур фирқага тааллуқли шайхлардан бирига шапалоқ тортиб юборди. Шайх унга ғазаб қилиб: «Бу нима қилиқ!?» – деди. Шунда урувчи киши: «Эй шайх, оддий тушлардан бири содир бўлди», – деди. Суфастоия фирқасининг шайхи мулзам бўлиб, лом-мим деёлмай қолди.

Ҳарбия: Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ҳарб Киндий раҳбарлигидаги бу тоифа ақидаси Баёния ақидасига монанд бўлиб, илоҳий руҳ пайғамбарлар ва имомлар орқали Муҳаммад Ҳанафияга ўтган, деган даъвони илгари суришган. Сўнгра мазкур руҳ Абдуллоҳ ибн Амрга ўтган деб таносух фалсафасини татбиқ этмоқчи бўлишган. Ваҳоланки, Баёния фирқаси ҳам, Ҳарбия фирқаси ҳам Ҳулулия фирқалари каби ислом доирасидан чиққан адашган фирқалар сафидан жой олган.

Муфаввиза: Бу фирқа ақидаси бўйича Аллоҳ таоло Муҳаммадни яратиб, унга оламни яратиш ва уни бошқаришни топширган. Алини иккинчи бошқарувчи, деб билишган.

Бу фирқа мажусийлардан ҳам ёмондир. Зеро, мажусийлар Аллоҳ шайтонни яратган, шайтон барча ёмонликларни яратган, дейдилар.

Зиммия: Бу фирқа ҳазрат Али (р.а.)ни Аллоҳ деб даъво қилган ва Муҳаммад (а.с.)ни ҳақорат қилган. Эмишки, Ҳазрат Али (р.а.) Муҳаммад (а.с.)ни одамларга юбориб, мен тўғримда уларга хабар бердеб буйруқ бергач, у бориб Али тўғрисида эмас, ўзи тўғрисида хабар бериб пайғамбар бўлиб олган эмиш. Бу каби сафсаталарни ўзларига шиор қилиб олган фирқаларнинг барчаси ислом динига бегона, куфр ботқоғига ботган гумроҳлардир.

Шария: Шарий деган шахс раҳбарлик қилган бу фирқа ақидасига кўра, Аллоҳ таоло беш киши ичига кириб олган эмиш. Улар – Муҳаммад, Али, Фотима, Ҳасан ва Ҳусайн. Бинобарин, шу бешта зот илоҳлардир. Уларнинг зидлари ҳам бор деб билишган. Лекин зидларини инкор этганлар ҳам бўлган, инкор этмаганлар ҳам бўлган.

ЖАБАРИЯ ТОИФАСИ

Жабарийлар қабих ва ёмон нарсаларни Аллоҳга нисбат берадилар ҳамда бандаларни гуноҳ ишлардан поклайдилар. Бу тоифа наздида, банда учун феълдан олдин ҳам, феъл билан бирга ҳам қудрат йўқ, чунки қудрат фақат Аллоҳникидир. Ушбу ҳолатда банда дарахтга ўхшайди, яъни шамол уни ҳаракатлантирса, ҳаракат қилади, аксинча бўлса, ҳаракатсиз қолади. Бу тоифа эътиқодида, қудратда тириклик ўлим, соғлом инсон беморга ўхшайди.

Жабарийлар залолатда бўлсалар-да, ўзларини нурли, ҳақ йўлдан бораётган йўловчи санаганлар ва уларга қарши чиққанларни эса нодонликда айблаганлар. Жабарийлар бир неча фирқага бўлинган. Айтишларича, Аллоҳ инсонлар зиммасига тоқати етмайдиган нарсани ҳам юклаши мумкин. Ҳамақийлар жабарийларнинг бу қарашини маъқул топса ҳам, жабарийлар ўйлаб топган бидъатларга қарши чиққанлар.

Аммо қадарийларнинг ҳамақийлар қарашини маъқуллашига келсак, бу борада жабарийлар каби йўл тутганлар. Шу тариқа, ҳамақийлар ақидаси жабарий ва қадарийлик фирқалари қарашлари ўртасида ривож топиб, улар феъл, хатти-ҳаракатларни бандаларга, қазо¹ ва қадарни² эса Холиққа нисбат бердилар. Улар: «Аллоҳ бандаларга гуноҳ ишларни тақдир қилган ва инсонлар гуноҳ амалларни қилишга мажбурдирлар», – дейдилар.

Жабарийлар мўътазилийлар фикрларига мутлақо қарши бўлиб, улар инсон ўз феълида мажбур, у ҳеч нарсани ўзи амалга оширмайди, гўё у ҳаводаги пат кабидир, деган тоифадир. Жумладан, жабарийлар: **«Биз фаришталарга: «Одамга сажда қилингиз!» – деб буюришимиз билан улар сажда қилдилар. Фақат Иблис**

¹ Қазо – Аллоҳ таолонинг ҳамма нарсаларни Аллоҳ таоло тақдирига мувофиқ равишда вужудга келтириши.

² Қадар – Аллоҳ таолонинг ҳамма нарсаларнинг келажакда қандоқ бўлишини азалдан белгилаб қўйиши.

бош тортиб, такаббурлик қилди ва кофирлардан бўлди» (Бақара, 34) оятини далил қилиб келтирадилар. «Жабарийлар оятнинг зоҳирини олиб, Иблис аслида кофир эди», – дедилар.

Бу тоифа яна шундай дейдилар: «Ҳар бир кофир Исломга кирса, демак, у аслида мусулмон экани билинади. Агар мусулмон кофир бўлса, унинг аслида кофир экани билинади. Чунки, ал-мийсоқ кун¹ кофир бўлган», – деганлар.

Аҳли Сунна вал-Жамоа эса: «Кофир агар исломга кирса, исломга киргунча бўлган вақти кофир бўлади. Мусулмон бўлгандан кейин олдинги қилган гуноҳлари кечиради. Мусулмон кофир бўлса, то кофир бўлгунча ўтган вақтда мусулмон бўлади ва диндан чиққач, амаллари зое кетади».

Аҳли Сунна вал-Жамоа уламолари хатти-ҳаракатларни бандаларга нисбат берадилар. Бажариладиган яхши-ёмон амаллар бандалар тарафидан содир бўлади ва уларнинг амаллари учун қазо, қадар, яратиш Аллоҳ таолодандир. Акс ҳолда, пайғамбар ва элчилар бекор бўлиб, Аллоҳ таолонинг қиёмат кунигадаги ҳисоб-китоб тарозиси бўлмас эди.

Ҳолбуки, Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади: «**Унинг касб этгани (яхшилиги) – ўзига ва орттиргани (ёмонлиги) ҳам ўзигадир»** (Бақара, 286). Яна айтади: «**(Бу) улар (дунёда) қилиб ўтган амалларининг мукофотидир»** (Воқеа, 24).

Абу Муҳаммад шундай таъриф беради: «Аҳли Сунна вал-Жамоа маъқул, улуғ, аъло ва энг яхши йўлдадир. Жабарийлар бу йўлни янада яхшироқ бўлишини истаб, натижада адашдилар ва (Аллоҳ томонидан) адаштирилди. Қадарийлар эса ҳақ йўлга эътибор қаратмади, натижада улар ҳам тўғри йўлдан адашдилар ва (Аллоҳ томонидан) адаштирилди. Ҳар иккиси залолатда бўлсалар-да, (қарашлари) бир-бирига зиддир. Ҳар бир тоифа ўзларини нурли ва ҳақ йўлдан бораётган йўловчи деб билиб, унга қарши чиққанларни эса «аҳмоқлик»да айбладилар».

У (жабарий)лардан қадарийларнинг фарқи шундаки, тақдирнинг яхшилиги ҳам, ёмонлиги ҳам Аллоҳдан эмас, Аллоҳ

¹ Ал-Мийсоқ кун¹ – Аллоҳ таоло келажакда яратиладиган барча бандаларининг руҳларини яратиб улардан аҳднома олган кун.

яхши-ёмонни ҳам, қалам ва лавҳул-мавҳузни ҳам яратган эмас, деб даъво қилишларидир.

Жабария тоифасидан ҳам бир неча фирқалар вужудга келган.

Музтаррия: Бу фирқа жабария тоифасидан ажралиб чиққан бўлиб, уларнинг даъвосича, яхши ва ёмон амаллар бандага боғлиқ эмас. Бирор киши Аллоҳнинг буюрганларига итоат этиш ёки Унинг қайтариқларидан ўзини тийишга қодир эмас. Тирик бандалар ўз хатти-ҳаракатларида ўликлар каби бўлиб, буларнинг барчасини Аллоҳ таоло бажаради.

Музтарриянинг далили: «**Сиз учун (эй, Муҳаммад!) бу ишда бирор ихтиёр йўқдир....**» (*Оли Имрон, 128*) ҳамда «... **Олдин ҳам кейин ҳам иш Аллоҳникидир....**» (*Рум, 4*), оятларига асосланган.

Музтаррийларнинг асл мақсади пайғамбарлар, набийлар ва китобларни бекор қилишдир. Бу тоифанинг қарашлари тўғри бўлса, тарози, ҳисоб-китоб бекор нарсага айланади. Ҳақиқатдан ҳам намозларни ўқиш, рўза тутиш, муборак ҳаж ибодатини адо этиш, силаи раҳм қилиш ва гуноҳ ишлардан тийилиш Аллоҳнинг амридир. Аллоҳ бу жайрли амалларга кимни ноил қилиб, гуноҳлардан сақласа, у мўминдир. Аммо Аллоҳ тўғри йўлдан адаштиришни хоҳлаган бандаси калбини, ботилдан ҳақни ажратиб олмаслиги учун, тор ва сиқик қилиб қўяди.

Анфолия: Анфоллийлар даъво қилишича, яхши-ёмон амалларнинг барчаси бандага мансуб, яъни бу амалларни банданинг ўзи мустақил бажаради. Аммо бунда банда ҳеч бир қудратга эга эмас, чунки куч-қувват (иститоат) фақат Аллоҳга хосдир. Бу ҳолатда инсонлар бўйнидан ип билан боғланган ит кабидирки, ит ўша (ип) туфайли яхши-ёмон нарсага мажбур қилинади. Уларга (ўзида мавжуд) куч-қувват фойда бермайди.

Аҳли Сунна вал-Жамоа наздида, Аллоҳ таоло, аслида, бандаларини (бирор йўлдан) қайтарса, уларга албатта олдин аниқ йўл кўрсатади. Аллоҳ таоло уларни бирор ишга мажбурламайди. Агарда қандайдир мажбурият юкласа ҳам, унга бунинг учун қудрат беради. Аллоҳ таоло бандаларига зулм қилувчи эмас.

Ибн Аббос (р.а.)дан ривоят қилинган бир ҳадиси қудсийда Пайғамбаримиз (с.а.в.) дедилар: «*Мен осмонга сайр қилдирилган*

вақтимда¹: «Эй Раббимиз, агар унутсак ёки хато қилсак, бизни койима», – дедим. Аллоҳ таоло: «Сен ва умматларингдан хато амалларни ва улар мажбур қилинган нарсани кўтардим», – деди. «Эй, Раббимиз, биздан илгари ўтган (яъни яҳудий)ларнинг зиммасига юкланган машаққатни бизнинг зиммамизга юклама», – дедим. Аллоҳ: «Бу сен ва сенинг умматларингга хосдир», – деди. «Эй Раббимиз, тоқатимиз етмайдиганларни бизга юклама», – дедим. Сўнг Аллоҳ: «Сен ва умматингнинг талабини бажараман», – деди».

Ибн Умар (р.а.) Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг Аллоҳ тили билан айтган ушбу ҳадиси қудсийни ривоят қилади: «Эй Одам авлоди! Сени ўз ҳолингга ташлаб қўймадим. Мен сени иззат ва ҳурматга сазовор қилдим. Тоқатинг етмайдиган нарсани зиммангга юкламадим», – деди».

Аллоҳ таолога зулм ва жабрни мансуб қилишда ҳеч бир фирқа анфоллийларга тенглаша олмайди. Бу тоифа эътиқодича, Аллоҳ таоло бандаларига тоқатидан ташқари нарсани таклиф қилади. Ҳолбуки, Аллоҳ таоло бу нарсадан покдир.

Маия: Маийлар эътиқодига мувофиқ банда амалларининг холиқи (яратувчиси) бўлиб, унинг феъл учун қудрати амал билан биргадирки, ундан олдин ҳам эмас, кейин ҳам эмас. Агар банда қоим–тик бўлса, ўтиришга ва аксинча, агар ўтирган бўлса, тик туришга қодир бўлмайди. Маийлар шундай дейди: «Кимки қудрат феълдан олдин пайдо бўлишини даъво қилса, у ўзининг Аллоҳдан беҳожат эканлигини тан олган бўлади ва диндан чиқади».

Аҳли Сунна вал-Жамоанинг наздида, қудрат феълдан олдин, чунки Аллоҳ таоло амр қилса ва банда уни бажаришни ирода қилса унга қудрат беради. Бу Аллоҳдан беҳожат бўлиш эмас, балки банда барча ишларида Аллоҳга муҳтождир.

Агар ҳолат маийлар эътиқод қилганидек бўлганида, Парвардигор Ўзининг илоҳлигида барча нарсага эҳтиёж сезар эди. У Ўзи Эшитувчи бўлгани ҳолда эшитишга яна бир бор муҳтож бўлар эди. Чунки банданинг мўмин, билувчи, эшитувчи ва кўрувчилигига эътиқод қилинса, бу унинг Аллоҳдан беҳожат эканлигига олиб келади.

¹ Исро ва Меърож кечаси назарда тутилмоқда.

Маия эътиқодига кўра, бандада эшитиш, кўриш, билиш, дин ва фахм-фаросат йўқ. Шу сабаб, банда бу каби ҳар бир нарсага яна бир бор эҳтиёж сезади. Аҳли Сунна вал-Жамоа уламолари томонидан маия фирқасига ижмоъ воситасида раддия берилади. Унга кўра, кофир имонга, мунофиқ маърифат (билиш)га, кўр кўзга, қар қулоққа муҳтож бўлиб, аксинча ҳолатда, кўрувчи кўзга, эшитувчи қулоққа, олим маърифатга, мўмин эса имонга эҳтиёж сезмайди.

Мафруғия: Мафругийлар фикрича, Аллоҳ таоло Қаламга қиёмат кунига қадар содир бўладиган нарсаларни ёзишни буюрар экан, ўша вақтда барча нарсалар яратилди. Ҳозирда Аллоҳ таоло яратишдан **фориф**. Аммо Қалам бандаларнинг сўзларида яратиш ҳақида бирор ойдинлик киритмади.

Аҳли Сунна вал-Жамоа наздида, Қалам содир бўлиши керак бўлган нарсаларнинг барчасини ёзиб бўлган. Аллоҳ таоло «**Ҳар куни У** (тинимсиз) **фаолиятдадир**» (*Ар-Раҳмон, 29*) оятига мувофиқ хоҳлаган вақтида хоҳлаган нарсасини яратади. Аллоҳ тирилтиради, ўлдиради, ризқ беради, оч кишига таом беради, асирга тушган кишини озод қилади, дуо қилувчининг дуосини ижобат қилади, бандаларига фарзанд беради. Аллоҳнинг ишларини санаб адоғига етиб бўлмайди.

Шундай экан, мафруғийларнинг юқоридаги қараши яҳудийларнинг «Аллоҳ таоло шанба кунидан бошқа ҳар куни ҳукм қилади, тақдир қилади ва яратади», деб эътиқод қилишларига ўхшаш бўлиб, бу Аллоҳ таоло Қаламга ёзишни амр этганидан буён бир марта яратиб, кейин ҳеч нарса яратмаган деган иддаони англатади.

Нажжория: Бу фирқанинг асосчиси – Ҳусайн ибн Муҳаммад бўлиб, Нажжор номи билан машҳур илоҳиётчи фикрларини қўллаб-қувватлаган унинг издошлари ўзларини нажжорийлар ёки ҳусайнийлар деб аташган. Нажжор Қум шаҳрида туғилган, дурадгорлик қилган. Нажжор мунозара қилишга ўчлиги билан шуҳрат қозонган. Айниқса, Басра мўътазилийлари раҳбари Наззом (ваф. 220/835, 221//836 ёки 230/845 й.) билан қизгин баҳс-мунозара олиб борган ва шулардан бири чоғида вафот этган.

Шаҳристонийнинг¹ фикрига кўра, Рай ва унинг атрофидаги кўпчилик мўътазилийлар Нажжор таълимотига амал қилганлар. Ибн ан-Надим Нажжорнинг 20 га яқин асари номини келтириб ўтган. Баъзи масалаларда у суннийлик, баъзиларида эса, мўътазилийлар билан бирга бўлган. Хусусан, барча мўътазилийлар каби у «абадий илоҳий сифатлар»ни инкор этган, бунинг учун уни сунний-сифатийлар танқид қилганлар. Шу билан бирга, мўътазилийларнинг инсон иродаси эркинлиги ҳақидаги ақидасини рад этган. Сунний сифатлардан бўлган Аллоҳ – инсон хатти-ҳаракатларининг ижодкори деган ва ҳаракат қилиш имконияти ҳаракат билан бир пайтда содир бўлади деган фикрга қўшилган. Аҳли Сунна вал-Жамоа уламолари уни жабарий деб ҳам аташган, чунки, у дунёда фақат Аллоҳ хоҳлаган нарсагина бўлади, деб ҳисоблаган. Ақоиднинг хусусий масалалари бўйича најжорийлар ичида ўзаро ихтилоф пайдо бўлгач, улар гуруҳларга бўлиниб кетишган ва улар ичида бурғусийлар, заъфаронийлар ва мустадрикийлар машҳурдир.

Нажжорийлар фикрича, Аллоҳ таоло бандаларга уларнинг феълларига кўра эмас, балки Ўзининг хоҳишига қараб азоб беради. Балоғатга етмаган болалар масаласи ҳам шу тариқа бўлиб, улар Аллоҳнинг хоҳишига қараб жазо ёки иқобга тортилади.

Аҳли Сунна вал-Жамоа наздида, Аллоҳ таоло бандани беسابаб жазолашдан йироқ. Болаларнинг масаласи эса икки хил бўлади: мушрикларнинг фарзандлари оталарининг амалларига кўра азобланмайди. Бунга Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг: «*Гўдаклар жаннат аҳлининг ходимларидир*», ҳадиси далилдир.

Маннония: Маннония фикрича, инсон қалб амрига қулоқ солиши лозим. Зеро, қалб яхши нарсани ўз нури билан хабар беради. Ёмон нарсалар ҳақида эса зулмати билан огоҳлантиради. Инсон яхши деб билганини амалга оширсин, ёмон деб ҳисоблаганидан эса сақлансин. Зеро, аломатлар инсонга Аллоҳ таолодан келадиган

¹ **Шаҳристоний** – Муҳаммад ибн Абдулкарим Шаҳристоний (1075-1153 й.) – шофийлик мазҳаби фақиҳи, ашъарийлар оқимига мансуб илоҳиётчи, дин ва диний-фалсафий таълимотлар тарихчиси, файласуф. У Эроннинг Хуросон вилоятидаги Шаҳристон шаҳрида туғилган. У 10 дан ортиқ асар ёзган, энг машҳур асарларидан бири «Китоб ал-милал ва-н-нихал» («Динлар ва мазҳаблар ҳақида китоб»)дир.

нарсалар учун фойда беради. Улар ўз даъволарига «Нафс қалбга хотиржамлик берган нарса яхшиликдир. Юрак унга қаршилик қилган нарса ёмонликдир» ҳадисини далил қиладилар.

Аҳли Сунна вал-Жамоа наздида, инсон яхшилик ва ёмонлик, жасад турли хоҳиш-истаклар уйи, дунё эса лаззат маъдани, яъни конидир. Лаззат ва хоҳиш-истакка мойил инсон жасади қалбни хотиржам қилмайди. Маннонийлар қалб ундаган ҳар қандай ишни бажаришга даъват қиладилар ва гўёки буни шайтоннинг тузоғи, васвасаси ва макр-ҳийлаларидан омон қоладигандек, Аллоҳнинг бандасига берган неъматни эканлигини уқтирадилар.

Маннонийлар шайтон Одам Ато ва Мома Ҳаввонинг жаннатдан қувилишига сабаб бўлган эмас, улар қандай қилиб унинг маломати, макри, тузоғига ишониб, алданадилар. Аҳли Сунна жавоби шуки, Аллоҳ таоло Ўз расули Муҳаммад (с.а.в.)га шундай марҳамат қилади: **«Агар сизни шайтоннинг шарри тутса, Аллоҳдан паноҳ тиланг! Албатта, У эшитувчи ва билувчидир»** (*Аъроф*, 200). Аллоҳ таоло яна айтади: **«Эй, Одам авлоди! Шайтон ота-оналарингиз (Одам ва Ҳавво)нинг авратларини ўзларига кўрсатиб (уялтириб) жаннатдан чиқаргани каби сизларни ҳам алдаб қўймасин!»** (*Аъроф*, 27). Аллоҳ таоло: **«Албатта, шайтон сизларга душмандир, бас, уни душман тутингиз!»** (*Фотир*, 6), деб марҳамат қилган.

Аҳли Сунна вал-Жамоа уламолари маннонийлар ва шайтон макридан хотиржам бўлмасликка даъват этадилар.

Ажзия: Улар жабария фирқаларидан бўлиб, айтадилар: Инсон иш-ҳаракат қилишга (бунёд этишга) мажбурдир ва у бу ишдан юз ўгиришга ҳаққи йўқ, балки у мукраҳ, яъни мажбурдир. У худди туядек бўлиб, итоат қилади ва унинг ҳайвондек таслим бўлишдан бошқа чораси йўқ.

Касбия: Касбийлар фикрича, бандаларга савоб ва гуноҳ ёзилмайди, балки роҳат-фароғат ва азоб-уқубат бандаларга тақсим қилиб берилади. Қодир банданинг ҳаракати билан зиёда бўлмайди, шунингдек, ожиз киши учун кам ҳам бўлмайди. Чунки буларнинг барчаси олдиндан белгиланган.

Баъзи манбаларда Уббод ибн Мансурдан ривоят қилинади: **«Дайён¹ ухламайди, яхшилик ва ёмонлик унутилмайди. Эй Инсон!**

¹ Дайён – Жазо берувчи, Аллоҳ таоло исмларидан бири.

Хоҳласанг, яхши амалларни қил, хоҳласанг, ёмон амалларни қил. Диёнатингга қараб тақдирланасан», – деган битик бор.

Ибн Умар (р.а.)дан ривоят қилинади: «Пайғамбаримиз (с.а.в.): *«Кимки яхшилик уруғини эккан бўлса, хурсанд ҳолда унинг ҳосилини йиғиб олиши аниқ. Ёмонлик уруғини сочган инсон ҳосилни надомат қилган ҳолда йиғиб олиши ҳам тайин. Ҳар бир экувчи (деҳқон) экканини олади»*, – дедилар».

Аҳли Сунна вал-Жамоа наздида, савоб ва гуноҳ «Агар (шундан кейин) эзгу иш қилсангиз – ўзларингизга эзгулик қилган бўлурсиз. Агар ёвузлик қилсангиз ҳам ўзингиз учундир» (Исро, 7), «Кимки янглишса, бас, ўзининг зарарига янглишган бўлади» (Юнус, 108) оятлари ҳамда Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг: «Одам авлодини барча амаллари ўзининг фойдасига ёки ўзининг зарарига бўлади» деган ҳадиси шарифларига кўра банданинг касбидир. Шундай экан, ҳар бир ақл эгаси касбийларнинг сўзига алданиб, амалдан қолмаслиги лозим. Дарҳақиқат, Аллоҳнинг раҳмати эзгу иш қилувчиларга яқиндир.

Собиқия: Собиқийлар эътиқодига кўра, барча инсонлар икки тоифага бўлинади: бахтли ва бахтсиз. Шундай экан, бахтли инсонга қилган гуноҳлари зарар бермайди, шунингдек, бахтсиз инсонга унинг яхши амаллари ҳам фойда бермайди. Шу сабаб, бирор амални қилиш ёки қилмаслик банданинг ўз ихтиёрида.

Аҳли Сунна вал-Жамоа наздида, қилинган амаллар ўз эгасига албатта ё зарар етказди, ё фойда келтиради. Амаллар ўз соҳибининг фойдаси ёки зарарига ҳал бўлади. Бунга далил «Бас, кимки (дунёда) зарра миқдорида яхшилик қилган бўлса, (қиёмат куни) уни кўрур. Кимки зарра миқдорида ёмонлик қилган бўлса ҳам, уни кўрур» (Залзала, 7–8), «Кимки ёмонлик қилса, ўша (ёмонлик) билан жазоланур» (Нисо, 123) оятлари ва «Кимки жаннатий бўлса, жаннат аҳлининг йўлидан боради. Аксинча, кимки дўзахий бўлса, дўзах аҳлининг йўлини тутуди», дейилган ҳадисда. Бу каби оят ва ҳадислар қилинган яхши амаллар ўз эгаларига дунё ва охирада манфаат беришига, қилинган гуноҳ амаллар эса ўз соҳибларига дунё ва охирада зарар етказишига, бинобарин асли ҳолат собиқийлар даъво қилганидек эмаслигига далолат қилади.

Хуббия : Хуббийларнинг эътиқод қилишича, кимки қалбини Аллоҳга боғлаб, Унинг муҳаббати шаробидан ичса, ундан шариат арконлари соқит бўлади. Аллоҳ унинг қалбида муножот қилиб туради. Банда эса қалбининг қолгани билан истифода этиши лозим бўлади. Инсон Аллоҳнинг муҳаббатини ўз қалбига жойласа, Аллоҳ унинг қалбини қамраб олади. Дўст дўстининг қалбини беҳудага ташлаб қўймаганидек, Аллоҳ уни ўзи сақлайди.

Аҳли Сунна вал-Жамоанинг эътиқодига кўра, Аллоҳга бўлган муҳаббатнинг белгиси Унинг буйруқларига итоат ва итоатига ҳаракат қилишдир. Бунга далил **«Айтинг (эй, Муҳаммад!): «Агар Аллоҳни севсангиз, менга эргашингиз. Шунда Аллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни мағфират этади» (Оли Имрон, 31) оятидир.**

Аллоҳ таоло муҳаббатнинг белгилари сифатида инсон нафсига эргашиши эмас, балки Ўзининг буйруқларига бўйсунитиши белгилади. Бу **«Эй, Довуд! Дарҳақиқат, Биз сени ерда халифа қилдик. Бас, сен (нафсу) ҳавога эргашиб кетмагин! Акс ҳолда, у сени Аллоҳнинг йўлидан оздирур. Албатта, Аллоҳ йўлидан озадиган кимсалар учун ҳисоб кунини унутиб қўйганлари сабабли қаттиқ азоб бордир» (Сод, 26),** ояти билан далилланди.

Аллоҳ ҳаром қилган амалларни бажараётган киши қандай қилиб Аллоҳнинг муҳаббатини даъво қилади?! Ҳолбуки, Аллоҳ таолога пайғамбарлардан кўра маҳбуброқ киши йўқ. Аллоҳ уларни Ўзи ҳаром қилган нарсалардан қайтарди. Аллоҳ таоло Одам (а.с.) га Ўзи тақиқлаган нарсани қилганлиги учун итоб қилди. Одам (а.с.)дан кейин бирин-кетин келган пайғамбарлар ҳам Аллоҳнинг муҳаббатини изҳор қилишган. Аллоҳнинг наздида, Ўзининг муҳаббатини изҳор қилган бирор инсон пайғамбарлардан кўра ҳурматлироқ эмас.

Шу билан бирга, инсон бу дунёда берилган чиройли суратига маҳлиё бўлиб, унга муккасидан кетади. Пайғамбарлар эса ўзига берилган неъматнинг ортигини истамаганлар. Дунёнинг роҳати ва неъматларини (Аллоҳ) қандай тақдир қилган бўлса, шундайлигича қабул қилганлар.

Хавфия : Хавфийларнинг эътиқодига кўра, Аллоҳ таолони дўст тутган инсоннинг Ундан қўрқиши тўғри эмас. Чунки дўст дўстидан

қўрқмайди. Одил Зотдан эмас, балки жабр қилувчидан қўрқилади. Аллоҳ эса адолат қилувчиларнинг энг одилидир. Шундай экан, кимки Аллоҳдан қўрқса, У Аллоҳ таолога золимликни мансуб қилибди. Шу сабаб, Аллоҳ таолодан қўрқиш ҳеч бир кишига ҳалол эмас.

Аҳли Сунна вал-Жамоа наздида, «Уларнинг ёнбошлари (ибодат қилиш учун) ўриндиқлардан ажраб турар (оз ухлайдилар). Улар Парвардигорларига қўрқув ва умидворлик билан дуо қиладурлар» (Сажда, 16) ва «Ва бизга рағбат ва қўрқув билан дуо қилар эдилар ҳамда Бизга (барча буйруқларимизга) итоат этувчи эдилар» (Анбиё, 90), каби оятларга мувофиқ Аллоҳ ва Унинг азобидан қўрқиш энг афзал ибодатдир. Бунда Аллоҳнинг зулмидан эмас, Унинг адолатидан қўрқиш назарда тутилган.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) Муоз ибн Жабал (р.а.)га: «Эй Муоз, мўмин кишининг қалби жаҳаннам кўпригидан ўтмагунча¹ ҳаяжондан холи, тинч ва хотиржам бўлмайди, шунингдек, қўрқуви ҳам босилмайди», – дедилар. Яна бир ҳадиси шарифларида Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Мўмин киши икки қўрқув ҳолати ўртасида бўлади. Биринчиси, ўтган вақт. Банда у вақт давомида Аллоҳ нималарни яратганини билмайди. Иккинчиси, қолган вақт бўлиб, бу вақт мобайнида Аллоҳ қандай ҳукм қилишини билмайди», – дедилар.

Бакрия: Бу фирқанинг асосчиси Бакр исмли шахс бўлиб, Ҳасан Басрийнинг асҳобларидан бири суфий Абдулвоҳид ибн Зайднинг жияни эди. «Ал-Мезон» асар и муаллифининг қайд этишича, унинг тўлиқ исми Бакр ибн Зиёд ал-Бахлий бўлган.

Бакрия эътиқодига кўра, инсон илми ошиб боргани сайин ибодат ҳам шунинг баробарида ундан соқит бўла боради. Бандалар илм ўрганувчи эҳтиёжини қондириши шарт. Чунки у молу дунёга (бошқаларга) шерикдир. Олим эҳтиёж сезган нарсани бермаган инсон унга зулм қилган бўлади. Чунки тафаккур юритиш барча ибодатларнинг яхшисидир.

Аҳли Сунна вал-Жамоа наздида, кимнинг илми зиёда бўлса, унда ҳаракат, ташвиш ва масъулият ҳам ошиб боради. Шунингдек, ундан ибодат ҳам соқит бўлмайди. Илми кўпайгани сари унинг Аллоҳдан қўрқиши – тақвоси ҳам зиёда бўлаверади. Бунга

¹ Жаҳаннам устидан қилкўприк орқали жаннатга кирмагунча.

Қуръони каримдаги: «Шунингдек одамлар, жониворлар ва чорва ҳайвонлари орасида ҳам ҳар хил ранглилари бордир. Бандалари орасида Аллоҳдан уламоларгина кўрқурлар. Ҳақиқатан, Аллоҳ қудратли ва мағфиратлидир» (Фотир, 28) ояти далилдир.

Махлуқотлар тўғрисида тафаккур қилиш масаласига келсак, ҳар доим ҳам яхшиликка фикр воситасида эришилмайди. Қай йўсинда бўлса ҳам ботил амаллар ҳақида фикр юритиш кўзланган мақсадга йўл кўрсатади. Жаъфар ибн Салмондан ривоят қилинади: «Молик ибн Динорнинг: *«Ким илмини кўпайтирса, масъулиятини оширибди»*, деганини эшитдим. Али ибн Абу Толиб (р.а.)дан ривоят қилинган бир ҳади сда Пайғамбаримиз (с.а.в.): *«Кимки илм ўрганиб, шу илм туфайли тақвосини кучайтириб, ҳаром амаллардан сақланмаса, у Аллоҳдан фақат узоқлашаверади. Аллоҳ таоло ҳам, ўз навбатида, унга фақат ғазабини кўпайтираверади»*, – дедилар.

Бакрия фирқасининг яна ботил ақидасига кўра, Худойи таоло қиёмат кунида ўзи учун шундай кўринадиган гавда (тана) яратганки, ўз бандалари билан ўша гавда орқали сўзлашади. Гуноҳи кабира қилганлар ва мунофиқ кимсалар шайтоннинг хизматкорлари. Бешиқдаги гўдаклар дардни ҳис қилмайдилар, ҳатто уларнинг танасидан бир парча кесиб олинса ҳам ёки уни оловда куйдирса ҳам, оғриқни асло ҳис қилмайдилар. Уларнинг йиғиси ва фарёди лаззати ва хурсандчилигидан бир нишонадир.

Шунингдек, Бакр саримсоқ пиёз ва пиёзни ейишни ҳаром деб ҳисоблаган. Инсоннинг қорни агарда гўлдираса, таҳоратнинг бузилиши, деб билган.

Ҳасабия: Ҳасабия эътиқодига кўра, дунёнинг барча бойликлари «Албатта, мўминлар динда ўзаро биродардирлар. ...» (Хужурот, 10) оятига асосан бандалар ўртасида тенг тақсимланиши керак. Биродарлик шундай нарсаки, бунда ота-оналари томонидан қолдирилган меросда уларнинг бири иккинчисидан афзал бўла олмайди. Мероснинг бу тарзда тақсимланишида бирор нарсани ўзгартириш ҳамда ўзича эҳтиёжига зарур нарсани олиш мумкин эмас. Чунки мероснинг миқдори аниқ. Шу сабаб, уни тўплаш, мулк қилиб олиш ва (ворисга) тўсқинлик қилишнинг барчаси ботил.

Аҳли Сунна вал-Жамоа наздида, бирор кишига ҳам ўзидан бошқанинг молини ўзлаштириб олиш ҳалол бўлмайди. Бунга фақат мол эгасининг изни билангина рухсат берилади. Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг Абу Хурайра (р.а.)дан ривоят қилинган ушбу ҳадислари бунган далилдир: *«Мусулмон кишининг қони, номуси ва моли мусулмон кишига ҳаромдир»* ва Абу Маъшар Иброҳимдан ривоят қилинган *«Аҳли Қибладан бўлган бир кишининг қонини ҳалол санаганимда ҳасабийларни ўлдиришга буюрган бўлар эдим»*.



ЖАҲМИЯ ТОИФАСИ

Жаҳмийлар ташбиҳ, яъни Аллоҳ таолони бирор-бир нарсага ўхшатмасликка интилиб, ундан-да ёмонроқ ҳолатга тушиб қолганлар. Улар ҳатто Аллоҳ таолонинг барча сифатларини маънан инкор қилиш орқали Аллоҳ таолони «ҳеч нарса»га, «йўқ»ка ўхшатиб қўйганлар. Уларнинг эътиқодида Яратувчини махлуқларга хос бўлмаган сифатлар билан аташ лозим. Бу билан улар Аллоҳ таолони «йўқ»ка, «ҳеч нарса»га қиёс қиладилар. Чунки яратилмиш ҳар бир сифатида «ҳеч нарса», яъни «йўқ» нарсага хилофдир. Чунки «йўқ» «мавжуд»га, «бор»нинг на собитлиги, на исми, боқий қоладиган «мавжуд»нинг на зоти ва на амали, хуллас, бирон жиҳати билан баробар бўла олмайди.

Улар Аллоҳ таолонинг мавжудлиги ва исмларини исбот қилиб бўлмайди, феъл (амал)лар эса махлуқ, яъни яратилгандир, дейди. Инсонларнинг ақл-заковати Аллоҳнинг мавжудлиги исботини ҳамда Унинг исмларини идрок эта олмайди. Зеро, Аллоҳнинг хузурида улкан, улуг¹ нарсалар кўп.

Аҳли Сунна вал-Жамоа наздида, Аллоҳ таоло бошқа нарсаларга ўхшамайдиган бир нарсадир, аксинча, У нарсаларни пайдо қилувчисидир. Аллоҳ таоло барча сифатлари билан азалий холиқдир ва махлуқ эса барча сифатлари билан махлуқдир. Банда барча амал ва сифатлари билан махлуқдир, Аллоҳ таолонинг феъл ва сифатлари эса махлуқ эмас. Зеро, Аллоҳ таоло бу олам яратилишидан аввал ҳам яратувчи бўлган.

Жаҳмийларнинг эътиқодига кўра, албатта, (Аллоҳнинг) холиқ сифати муҳдасдир². Чунки Аллоҳ таоло махлуқларни яратишидан олдин Холиқ, яъни яратувчи бўлмаган. Аҳли Сунна вал-Жамоа наздида эса, Аллоҳ таолонинг холиқлик (яратувчилик) сифати янгидан пайдо бўлган эмас. Балки Аллоҳ Ўз махлуқларини

¹ Инсон ақли етмайдиган.

² Муҳдас – [араб. – янгидан пайдо бўлган].

яратмасдан аввал ҳам Холиқ бўлган ва у азалий ҳамда доимий сифатдир.

Атодан ривоят қилинади: Пайғамбаримиз (с.а.в.): «*Умматимдан шундай инсон чиқадики, у «Жаҳм»¹ деб аталади. У умматларимга иблисдан кўра кўпроқ зарар етказувчидир*», дедилар.

Абу Муҳаммад шундай деди: «Жаҳмий ва жабарий қарашлардан қайси бири афзал эканлигини била олмадим. Уларнинг бири Аллоҳни бошқа нарсаларга ўхшатади. Бунга кўра, Аллоҳ ўзига Уни Аллоҳликдан четлатадиган сифатларни қабул қилди ва шу тариқа, Парвардигор бўлган Аллоҳ Ўз зотига бу сифатларни собит қилиш билан хато қилди. Бу кибрни даъво қилишдир».

Жаҳмия тоифасидан ҳам бир неча фирқалар вужудга келган.

Муъаттилия: Жаҳмияга мансуб бир қанча фирқа ва гуруҳлар ҳам борки, уларнинг энг биринчиси муъаттилиядир². Муъаттилийлар эътиқодига кўра, инсон ваҳм-тасаввурига келувчи ҳар қандай нарса махлуқдир. Шу сабаб Аллоҳни тасаввур қилиш мумкинлигини даъво қилган инсон кофир бўлади. Чунки Аллоҳ тасаввурга сиғмайди. Уларнинг қарашларида, Аллоҳ – ҳеч нарса. Чунки инсон тасаввурининг Аллоҳ таолони қамраб ололмаслиги исботланган.

Аҳли Сунна вал-Жамоанинг наздида, агар банданинг тасаввури фақат яратилмиш мавжудотларнигина қамрашга қодир бўлса, Аллоҳни исбот қилишнинг қандай далили бор? Аллоҳ Ўзини исбот қилиш билан бандаларга билдириш учун васф қилди. Аллоҳнинг мавжудлиги далиллар, сифатлар, феъллар ва исмлар орқали билдирилган. Аммо Аллоҳни бу дунёда фоний кўз билан кўриб бўлмайди. Охиратда эса фақат жаннат аҳли Уни кўрадилар.

Мурайсия: Мурайсия эътиқодига кўра, Аллоҳ таоло ўзини васф қилган фақат тўртта нарса – илм, қадар, хоҳиш, яратиш махлуқ эмас. Бундан бошқа барча нарса, ҳатто Аллоҳнинг барча сифатлари, исмлари ва феъллари ҳам махлуқдир.

Аҳли Сунна вал-Жамоанинг наздида, Аллоҳ таоло ўзини махлуқ ҳисобланган бирор сифат ёки феъл билан васф қилиши мумкин эмас, чунки Аллоҳ таолога мансуб барча сифатлар ғайримахлуқ – азалий.

¹ Жаҳм – [араб. – қовоғи солиқ, ҳўмрайган, хафа, ғамгин, юзни бужмайтириш].

² Муъаттиля – [араб. – Аллоҳ таолонинг сифатларини йўққа чиқарувчилар].

Мурайсийлар ўз қарашларидаги ҳам Аллоҳнинг, ҳам бандаларнинг сифатлари махлуқ деган ақидаси билан Аллоҳ таолони махлуқларга ўхшатган. Бундан Аллоҳ сифатларининг бандаларники сингари махлуқ эканлигига даъво қилинади. Аслида, Аллоҳ таолонинг исм ва сифатлари мурайсия қарашларидагидек эмас.

Аҳли Сунна вал-Жамоа уламолари мурайсийларга қарата шундай раддия берганлар: «Сизлар қандай қилиб Аллоҳ сифатларининг баъзиси яратилган, баъзиси эса яратилмаганлигини даъво қила оласиз?! Зеро, сиз айтганларингизга Аллоҳнинг Каломи – Куръони каримдан ҳам, ҳадиси шарифлардан ҳам бирор далил топа олмайсиз! (Бу ишингиз билан) сиз азалий ҳисоблаган Аллоҳ таолонинг тўртта сифати ҳам Унинг қолган барча сифатлари каби қалбингизга ташбеҳдан иборат бўлиб кириб қолишидан кўрқмайсизми? Бу масала хусусида фақат илмли кишиларгина фикр юритиши мумкин. Зотан, Холиқ зот Ўзининг барча сифатлари билан азалийдир».

Мултазиқия: Мултазиқия эътиқодига кўра, «Аллоҳнинг ҳад-чегараси бор», деб бўлмайди. Чунки У барча ерда ҳозир. Бироқ «Унинг чегараси йўқ», дейилса, «Аллоҳ ҳеч қаерда эмас», деган маъно келиб чиқади. Улар ўз қарашларига «У (Аллоҳ) осмонда ҳам илоҳ, ерда ҳам илоҳдир. У Ҳикматли ва Илмли (зот)дир» (*Зухруф*, 84) ояти билан далил келтирадилар.

Аҳли Сунна вал-Жамоа наздида, «**Илоҳингиз ягона илоҳдир. Ундан ўзга илоҳ йўқдир...**» (*Бақара*, 163) оятига мувофиқ ягоналик албатта муайян чегарага эга бўлади. Мултазиқийлар ваҳдониятни бекор қилишни инкор қилдилар. Балки ваҳдоният чегараланмаган ҳудуд бўлиб, У зот Аршнинг устидадир.

Аслида мултазиқийларнинг даъволаридан ёмонроқ қараш йўқ! Чунки Аллоҳ ҳар бир маконда мавжуд. Ер остида-ю, унинг устидаги очиқ ва ёпиқ бирор жой Ундан холи эмас. Ҳатто Фиръавн, мутакаббиру исёнкор бўлса ҳам мултазиқийлардан донороқ бўлган. «**Фиръавн айтди: «Эй, Ҳомон! Мен учун бир (баланд) минора қургин, шоядки мен (унинг устига чиқиб) йўлларга етсам осмонларнинг йўлларига. (Зора) Мусонинг илоҳини кўрсам ...»**» (*Ғофир*, 36–37), деб айтган эди. Фиръавн Аллоҳнинг

осмонда эканлигини билиб, Унинг ҳузурига чиқишни хоҳлади. Мултазиқийлар эса «Аллоҳ таоло бизнинг остимизда, Уни оёқларимиз билан босиб юрамиз», деб эътиқод қилади. Ҳолбуки, Аллоҳ таоло уларнинг бу каби бузуқ ақидалардан пок.

Воридия: Воридия фикрича, мўмин ҳеч қачон дўзахга кирмайди. Парвардигорини таниган ҳар қандай инсоннинг имони комил бўлиб, у жаннат аҳлидандир. Мўмин дўзахга абадий кирмайди, балки унинг устидан ўтказилади, холос. Дўзахга кирган инсонлар эса у ерда абадий қолади. Ибн Аббос (р.а.)нинг Аҳли Сунна вал-Жамоа номидан воридияга келтирган раддиясида келтирилишича «**Сизлардан ҳар бирингиз унга (жаҳаннамга) тушувчидирсиз»** (Марям, 71), оятидаги «ворид» – «тушувчи» сўзини «дохил», яъни «кирувчи», деб талқин этмоқ лозим.

Воридийлар Парвардигорини чин юракдан таниган инсоннинг имони комил бўлади, деб ҳисоблайди. Аммо бу қараш ҳақиқатдан йироқ. Чунки Аллоҳ таоло Ўз пайгамбарини бандаларга ҳар иккиси ҳам асосий мақсад ҳисобланган ёмондан қайтариш ва яхши амалларга йўллаш учунгина танитди. Аллоҳ инсонларнинг ботиний – ички маърифатини унинг ўзидан бошқа бирор кимсага билдирмайди.

Зиёдия: Зиёдия эътиқодига кўра, қалб кечинмаларини ўзига мансуб қилиш мумкин эмас, балки уни инкор қилиш керак. Кўз ва ҳиссий аъзолар воситасида идрок қилинадиган нарсалар бундан мустасно. Чунки ҳиссий аъзолар орқали идрок қилинмайдиган нарсалар кишининг қалбида ҳам мавжуд эмас. Шундай экан, идрок қилиб бўлмайдиган зотнинг борлигига гувоҳлик бериш ҳам шарт эмас.

Аҳли Сунна вал-Жамоа наздида, ҳатто ҳиссий аъзолар воситасида билинмаган қалб кечинмаларини ҳам инкор қилиш, унинг мавжудлигига шубҳа билан қарашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Ҳарқия: Ҳарқия эътиқодига кўра, Аллоҳ таоло кофирни олов билан фақат бир марта куйдиради ва у абадий ёнаётган ҳолида қолади ҳамда оловни ўчира олмайди. Инсон бир мартаба кофир бўлиб, шу ҳолида абадий қолганлиги туфайли бир марта куйдирилиб, дўзахда бутунлай қолиб кетади.

Аҳли Сунна вал-Жамоа уларга: **«Азобни тотсинлар деб, терилари куйиб битиши билан ўрнига бошқа (янги) териларни алмаштириб турамиз. Албатта, Аллоҳ қудратли ва ҳикматлидир»** (Нисо, 56), **«Уларга муқим (абадий) азоб (белгилангандир)»** (Моида, 37) каби ҳарқийлар қарашларининг ботил эканлигига далолат қиладиган бир қанча оятлар билан раддия берадилар.

Пайғамбаримиз (с.а.в.): **«Кофир дўзахга киритилганда унинг кийимининг остидан олов кириб туради. Олов кириб, унинг қалбини ҳам ўраб олади. Шундан кейин у дўзахдан кўтариб олинади ва у «Мен дўзахдан чиқарилдим», деб ўйлайди. Аммо шу вақт бир фаришта темир гурзи билан унинг пешонасига уради ва яна дўзахга қулайди ҳамда олов унинг бутун танасини ўраб олади. Шу тариқа, у дўзахга на ўлик ва на тирик ҳолда тушади. Зарбанинг кучидан у дўзахда қирқ йил қолиб кетади. Қирқ йил ниҳоясига етгач, унга ақли қайтарилади ва оловга уни маҳкам тутиб туриш буюрилади. Аҳли дўзахдан фаришта олдига кўтарилган ҳар қандай кимсага шу тариқа муомала қилинади. Дўзах фариштаси уларга ҳар кун итти марта шундай қилади»,** дедилар.

Махлуқия: Махлуқия эътиқодига кўра, Қуръони карим ҳам Аллоҳ таолонинг барча сифатлари ва феъллари каби махлуқдир. Қуръони каримнинг махлуқ эмаслигига эътиқод қилган ҳар қандай инсон Аллоҳ таолога азалий шерикликни даъво қилган ҳолда кофир бўлади.

Аҳли Сунна вал-Жамоа наздида, Қуръони карим Аллоҳ таолонинг Каломи бўлиб, У томонидан нозил қилинган ва Ундан ажратилмайди. Аллоҳ барча сифатларда тенг. Аллоҳга мансуб бирор нарса махлуқ – яратилган эмас. Яратилиш Аллоҳнинг сифатлари билан амалга ошади. Аллоҳ таолодан нимаики нарса яратилган бўлса, у махлуқ бўлади. Қуръон Аллоҳ таоло томонидан нозил қилинган бўлиб, Унинг маънолари махлуқ эмас. Холиқда махлуқлик сифати бўлмайди. Яратувчи яратилган эмас ва янгидан пайдо ҳам бўлмаган.

Аллоҳнинг **«Мендан ўзга бошқа илоҳ йўқ, бас, Менга ибодат қилингиз!»** (Анбиё, 25), деган сўзи ҳақида Ҳасан ибн Алидан ривоят қилинади: **«Кимки, ушбу оятни «махлуқ» деса, кофир бўлади».**

Фония: Фония эътиқодида жаннат ҳам, дўзах ҳам фоний бўлиб, боқий қолмайди. «Жаннат боқий қолади» дейиш дуруст эмас. Фақат Аллоҳ таологина боқийдир. Фония эътиқодидаги баъзиларнинг фикрича, жаннат ва дўзах ҳали яратилмаган. Улар қиёмат куни яратилади.

Аҳли Сунна вал-Жамоанинг наздида, жаннат ва дўзах абадул-абад боқий қоладиган макондир. **«У жойда кўнгишлар тилайдиган ва кўзлар лаззатланадиган (барча) нарса бордир. Сизлар у жойда (жаннатда) мангу қолурсиз»** (Зухруф, 71), «(Улар) туганмас ва ман этилмасдир» (Воқеа, 33), **«Унда абадий қоладилар»**, (Нисо, 57) оятларига асосан унда яратилган роҳат-фароғат ўз аҳли учун чексиз, у вайрон ҳам бўлмайди, йўқ бўлиб ҳам кетмайди.

Фония эътиқодига зид равишда, жаннат ҳамда дўзах – махлук, яъни яратилганлиги қуйидаги ҳадиси шарифдан аён бўлади. Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтдилар: *«Аллоҳ таоло Жаброил (а.с.)ни чақириб, уни жаннатга юборди: «Жаннатга қара, у ерда жаннат аҳли учун тайёрлаб қўйилган нарсаларни кўр!»*,– деди. Жаброил (а.с.) Аллоҳнинг ҳузурига қайтиб: *«Сенинг иззатинг билан қасам ичаманки, унинг ҳақиқий таърифини бирор жонзот унга кирмагунча эшитмайди. Эшитган тақдирда барча ёмон ишларини ташлаб, унга киришга ҳаракат қилади»*,– деди. Шунда Аллоҳ таоло унга: *«Яна бир марта қайтиб бор ва яна назар сол!»*,– деди. Жаброил (а.с.) Аллоҳ ҳузурига иккинчи марта қайтгач: *«Сенинг иззатинг билан қасам ичаманки, унга бирон кишининг киролмай қолишидан қўрқаман!»*,– деди. Шундан кейин, Аллоҳ таоло Жаброил (а.с.)ни дўзахга юбориб: *«Дўзахга тушиб, унга боқ. Унинг аҳли учун тайёрлаб қўйган нарсаларимга қара!»*,– деди. Жаброил (а.с.) Аллоҳнинг ҳузурига қайтиб: *«Сенинг азизлигинг билан қасам ичаманки, албатта, унга ҳамманинг киришидан қўрқдим!»*,– деди».

Ғайрия: Ғайрия эътиқодига кўра, Аллоҳ таоло бандаларига уларнинг ўзидан элчи юбориши мумкин эмас. Лекин Муҳаммад (а.с.) донишманд бўлиб, бу китобни инсонлар орасида озуқаларни тенг тақсимлаш учун аввал ўтганларнинг асарларидан кўчириб олди. Уларнинг қарашларида эркакнинг аёлга ёрдам бериши, бир кеча-кундузлик намоз етмишдан саксон вақтгача бўлиши,

шаръан барча молу давлат одамларга баробар тегишли эканлиги таъкидланади.

Аҳли Сунна вал-Жамоа наздида, Аллоҳ таоло бандаларни яратиб, уларни ўз ҳолига ташлаб қўйиши, уларга элчи юбормаслиги ҳамда бандаларни Ўзига тоат-ибодат қилишга буюрмаслиги мумкин эмас.

Аҳли Сунна вал-Жамоа уламолари ғайрийларга шундай раддия берганлар: «Сизлар Муҳаммад (с.а.в.)ни «донишманд» деб аташ билан унга қарши ёлғон гувоҳлик бердингиз. Расулulloҳ (с.а.в.) нинг «Азизликнинг Раббиси бўлган зотнинг элчисиман», деб турган ҳолатида унга ёлғондан ҳақим-донишманд сифатини қўшишга қандай ҳаддингиз сиғди? Ҳолбуки, Ҳақим бўлган зот ёлғон гапирмайди.

Қуръони каримда: «У ўзи хоҳлаган кишиларга ҳикмат (пайғамбарлик ёки Қуръон илмини) беради. Кимга (мазкур) ҳикмат берилган бўлса, демак, унга кўп яхшилик берилибди» (Бақара, 269), дейилган. Муҳаммад (с.а.в.): «Аллоҳнинг элчисиман», деди-ку! Сиз эса уни «донишманд» дейсиз. Сизнинг олдингизда икки йўл бор: ё уни тасдиқлайсиз, ё бўлмаса, рад қиласиз – ўзга чорангиз йўқ. Агар Муҳаммад (с.а.в.)ни ёлғончига чиқарсангиз, уни «ҳақим» деманг. Агар уни тасдиқласангиз, сўзларига кулоқ солиб, буйруқларига эргашишингиз лозим бўлади!»

Воқифия: Воқифия фирқаси Қуръони каримни махлуқ ҳам, ғайримахлуқ ҳам деб ҳисобламайди. Чунки уларнинг эътиқоди бўйича, на Қуръони каримда ва на ҳадиси шарифларда бу ҳақда ҳужжат келмаган. Шундай экан, бу масалада баҳс-мунозара юритишни тўхтатиш лозим. Воқифийлар Қуръони каримни махлуқ деган тоифа ҳам ғайримахлуқ деганлар ҳам ақидада адашган ва залолат ботқоғига ботган тоифалардир, деб ҳисоблайдилар.

Аҳли Сунна вал-Жамоа наздида, Қуръон ҳақида мулоҳаза юритишдан тўхташ (вақф) бидъатдир. Чунки бу ақидавий масаладир. Уни билиш зарур. «Аллоҳнинг илми, қудрати ва буюклиги ҳақида нима дейсизлар, у махлуқми ёки махлуқ эмасми?», деган саволга воқифийлар: «Махлуқ эмас», деб жавоб берсалар, уларга шундай деймиз: «Ундай бўлса, нима учун бу масалада фикр юритишда ҳам вақф қилмадинглар (ўзларингни

тийм адинглар)? Ахир, бу хусусда ҳам на Қуръон ва на суннатларда ҳужжат келтирилмаган-ку! Қандай қилиб Қуръон масаласида гапиришдан ўзингизни тиясиз? Бошқа нарсалар ҳақида аниқ баҳс юритганингиз каби У ҳақда ҳам аниқ гапирмайсизми?!»

Убайд ибн Абдулғаффор (р.а.)дан ривоят қилинишича, Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай марҳамат қилганлар: *«Саҳобаларим тилга олинса, улар ҳақида ёмон сўз айтишдан тийилинглари. Агар юлдузлар зикр қилинса, бу ҳақда баҳслашишдан тўхтанглари. Қуръон ёдга олинса, «У Аллоҳнинг каломиди, у махлуқ эмас», деб айтинглари».*

Бишр ибн Барлис (р.а.)дан ривоят қилинади: *«Қуръони каримнинг махлуқ эмаслигини ошкор қилинглари. Агар ҳақорат эшитиш ёки калтакланишдан қўрқсангиз, бу ҳақда сўзлашдан ўзингизни тийинг. «Қуръон – махлуқ эмас» дейишдан тийилсангиз, демак, «Қуръон – махлуқ», деган бўласиз».*

Қабрия: Қабрия эътиқоди қабр азобини инкор қилиб, унга шубҳа билан қарайди. Қабр кенгаймайди. Чунки у барча устунлари билан бирга тўрт газ кенгликда, холос. Унинг томонлари бир-бирига яқин масофада жойлашган. Қабрийлар шафоатни ҳам инкор қиладилар ва шафоатнинг жабр-зулм ва хоҳиш билан боғлиқ эканлигини таъкидлайдилар.

Аҳли Сунна вал-Жамоа наздида, **«Албатта, золим (кофир) бўлган кимсалар учун бундан (Қиёматдан) илгари (дунёда) ҳам азоб(лар) бордир»** (Тур, 47), **«Ким Менинг эслатмамдан юз ўгирса, (кофир бўлса), бас, унинг учун танг (бахтсиз) турмуш (қабр азоби) бўлиши муқаррар. Биз уни қиёмат кунида кўр ҳолда тирилтирурмиз»** (Тоҳо, 124) оятларига кўра қабр азоби ҳақ ва унинг кўрқинчли ҳолатда содир бўлишига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ.

Ҳасан (р.а.)дан ривоят қилинган қуйидаги ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай марҳамат қилганлар: *«Албатта, бу уммат ҳам ўз қабрларида (қабр азоби билан) жазоланади. Пешобдан сақланинглари, чунки барча қабр азоби пешоб (бавл) сабабли бўлган».* Ибн Аббос (р.а.)дан ривоят қилинади: Қуръонда бир азобнинг зикри бор. *«У қаерда зикр қилинган, деб сўралганда, у: «Албатта, золим (кофир) бўлган кимсалар учун бундан (қиёматдан) илгари (дунёда) ҳам азоб(лар) бордир. Лекин уларнинг аксарияти (буни)*

билмаслар» (Тур, 47) оятини ўқиб, «дўзах ўтидан бошқа азоб бордир», деди. Ибн Аббос (р.а.)дан ривоят қилинади: Умар ибн Хаттоб (р.а.) шундай деб айтаётганини эшитдим: «Эй инсонлар, тез кунларда қабр азобини инкор қиладиган қавм пайдо бўлади. Сизлар бу сўзга алданиб қолманг».

Лафзия : Лафзия эътиқодида иш-ҳаракат ва унинг бажарувчиси, кироат ва қироат қилинган нарса, лафз ва талаффуз қилинган нарса биттадир. Шунинг учун Қуръон қироат қилиш Қуръон ва Уни талаффуз қилишдан иборат. Бу ақида жаҳмиёларнинг «қироат ва қироат қилинган нарса биттадир», деган қарашларига тўғри келади. Бу икки фирқанинг фикри «Қуръон қироатининг лафзи махлуқ эмас», деган қарашдагина фарқ қилади. Чунки Қуръон талаффузи ёки қироати махлуқ бўлиб, Қуръон эса махлуқ эмас.

Аҳли Сунна вал-Жамоанинг наздида, Қуръон деганда лафз, аксинча, лафз деганда Қуръон тушунилмайди. Чунки лафз талаффуз қилувчи киши томонидан содир бўлади. Қуръон эса Аллоҳ таолодандир. Лафз яхши ҳам, ёмон ҳам бўлиши мумкинки, унинг ҳар иккиси махлуқдир. Лафзлар турли хил бўлади. Аммо Қуръони карим эса ўзгармас. Лафзлар ўткинчи, Қуръон эса боқийдир. Қуръон Аллоҳдан ажралмайди ва бандаларнинг лафзлари Аллоҳдан ажралади. Лафзларнинг яхшиси, ёмони, пасти ва баланди бор; Қуръони карим ҳақида «яхшиси, ёмони, пасти, баланди бор», дейилмайди. Чунки Қуръони карим тўлиғича барча яхшиликларни қамраган.



МУРЖИА ТОИФАСИ

«Муржиа» сўзи имондан а мални кейинга қўювчи деган маънони англатади. Демак, ибодат каби амалларнинг қабул бўлишида имон шарт эмас, имон келтириб калима айтган кишига амал шарт эмас. Бу ақида Аҳли Сунна вал-Жамоа эътиқодига зид бўлиб, имонсиз ҳолда қилинган ибодат ва савобли ишлар бефойда эканига қарши бўлган бузуқ ақидадир.

Тарихий манбаларга кўра, муржиа авваллари сиёсий оқим тусида бўлса ҳам, орадан кўп вақт ўтмай бошқа гуруҳлар каби ақидавий баҳсларга киришиб, имон, куфр ва мўмин кишини имонсиз кишидан ажратиш мавзулари бўйича кўп қиррали баҳс-мунозаралар олиб борганлар.

Муржиа тоифаси ақидасига кўра, имон Аллоҳ ва унинг пайғамбарларини тасдиқлаш баробарида Ҳазрат Муҳаммад (с.а.в.) ни унинг ҳақиқий элчиси деб ишонишдан иборат. Бундай имон эгаси бўлган кишига гуноҳ қилиш зарар қилмаганидек, кофир киши учун ҳам тоат ва ибодат қилиш фойда келтирмайди. Сафо Забихулло берган маълумотга кўра, айримларнинг фикрича имон фақат кўнгил ишончидан иборат бўлгани учун, мўмин киши тили билан куфр сўзларини айтиб, бут-санамларга ҳурмат кўрсатиб, ҳатто салиб (хоч)ни мақташ орқали таслис (учталиқ)га мойиллик кўрсатса ҳам қалбда мўмин бўлган ҳолда жаннат аҳлидан ҳисобланади.

Муржиийлар имонга амалсиз таянадилар. Улар: «Кофир (инсонга ҳар қанча қилинган) яхшилик фойда бермагани каби гуноҳ ҳам имонга зарар етказмайди. Имондан кейинги ўринда турадигани фарз, уни бажарсанг, дуруст ва агар унга амал қилмасанг, зиммангга ҳеч нарса юклатилмайди», дейдилар. Уларнинг яна бир бузуқ ақидасига биноан, ҳеч қандай амалга эҳтиёж йўқ, фақат қалбнинг тасдиғи кифоя этади.

Аҳли Сунна вал-Жамоа наздида, Аллоҳ таоло айтгани бўйича **«Зеро, намоз мўминларга (вақти) тайин этилган ва фарз (деб) битилгандир»** (Нисо, 103). Ибн Аббос (р.а.) айтади: *«Намоз-фарз қилинган маълум нарса»*. Агар Қуръонда намознинг фарз қилингани таъкидланса, биламизки, Аллоҳ айтганидек, намоз кофирларга эмас, балки мўминларга фарз бўлади. Чунки у имон қонунларидандир.

Ибн Ҳажар Маккий «ал-Хайротул-ҳисон» номли асарида бир гуруҳ кишилар Абу Ҳанифани муржийлардан деб ҳисоблаганликлари, лекин бу сўзнинг тасдиғи йўқ эканлигини қуйидагича исботлаган.

Биринчидан, «ал-Мавоқиф» кигобининг шарҳловчиси Ғассон ал-Муржийий ўз ақидасини Абу Ҳанифа номидан нақл қилиб, уни муржиага мансуб этган. Бу эса тухматдан бошқа нарса эмас. Шу тариқа у Имом Абу Ҳанифа раҳмагуллоҳи алайҳга ўз ақидасини нисбат бериш орқали ўз мазҳабини тарқатишга уринган. Чунки Абу Ҳанифа номи билан тарғиб қилинган ақидага оддий халқ орасида ишонч кучлироқ бўлган. Иккинчидан, мўътазила ақидасининг биринчи шаклланиш босқичида улар қазо ва қадар¹ масаласи бўйича ўзларига қарши бўлганларни муржийий деб атаганлар.

Имом Абу Ҳанифа бу борада ўз ақидасини шогирди Усмон Бустийга ёзган рисоласида баён этган. Усмон унга «Мен сизнинг муржийийлардан эканлигингиз ҳақида эшитдим», деб ёзганида, Имом унга жавобан бундай деб ёзганлар: «Билиб қўйки, мен айтаман: қибла аҳли мўминдурлар, бирон бир фарзни (фарз ибодатни) адо қилмаганлиги учун уларни имондан чиққан демайман, ҳар ким имон-эътиқод билан барча фарзларни бажариб Аллоҳга итоат қилган бўлса, у бизнинг ақидамызга биноан жаннат

¹ **Қазо ва қадар** – Исломда мўмин-мусулмонлар эътиқод қилиши лозим бўлган масалалардан бири. Уламолар «қазо» ва «қадар»ни қуйидагича таърифлайдилар: «Қадар – Аллоҳ таолонинг ҳамма нарсаларнинг келажақда қандоқ бўлишини азалдан белгилаб қўйишидир». «Қазо – ўша нарсаларни Аллоҳ таоло тақдирига мувофиқ равишда вужудга келтиришидир». Аҳли Сунна вал-Жамоа эътиқодига биноан балоғатга етган мусулмонга Аллоҳ таоло бандаларнинг ҳамма ишини, махлуқотларга боғлиқ нарсаларни аввалдан билишига имон келтириши вожиб бўлади. Қазо ва қадар Аллоҳга имон келтириш асосидаги Ислом ақидаларидан бири ҳисобланади.

аҳлидандир, ҳар кимки имон-эътиқод ва амални бирга тарк этган бўлса, у кофир ва дўзах аҳлидандир. Ҳар кимки имон эгаси бўлган ҳолда фарзларни тарк этган бўлса, у гуноҳкор мўмин ҳисобланади, Худо хоҳласа уни жазолайди, хоҳласа кечиради, бажармагани учун жазоласа, гуноҳ учун жазолаган бўлади, агар кечирса, унинг гуноҳини ўз фазли билан кечирган бўлади.

Аммо сен айтган муржиа номига келадиган бўлсак, адолатга асосланиб сўзлаб юрган қавмни қайси гуноҳи учун бидъат аҳли ушбу ном (яъни муржиа но ми) билан атайдилар?! Ахир улар аҳли адл¹ ва аҳли суннадурлар-ку! Аммо фақат душман тоифа уларни ушбу исм билан атаганлар».

Ибн Аббос (р.а.)дан ривоят қилинади: «Пайгамбаримиз (с.а.в.) дан муржиа ҳақида сўралди. Пайгамбаримиз (с.а.в.): «Аллоҳ муржиийларни лаънатлади. Улар намоз, закот, рўза ва ҳаж фарз эмаслигини таъкидлаб, имонга амалсиз суянган қавмдир», дедилар. Муржиа эътиқодида кимки юқоридагиларга амал қилса, дуруст, аксинча, амал қилмаса ҳам ҳеч нарса қилмайди (гуноҳ ёзилмайди).

Анас ибн Моликдан ривоят қилинади: «Пайгамбаримиз (с.а.в.): «Умматларимдан икки тоифаси борки, улар шафоатимга эришмайдилар. Улар муржиийлар ва қадарийлардир», – дедилар.

Муржиа тоифасидан ҳам бир неча фирқалар вужудга келган.

Торикия: Бу муржиа тоифасининг энг биринчи пайдо бўлган фирқасидир. Торикия эътиқодича, имон келтирган банда зиммасига Аллоҳ буюрган амаллардан бирортаси ҳам фарз бўлмайди. Аллоҳга имон келтириб, Уни қалби билан таниган ҳар қандай банда хоҳлаган ишини қилсин. Эзгу амалларни қилса, Аллоҳ унга жаннатни даражалари билан беради. Агар савоб

¹ Адл – Аллоҳ таоло одилдир. Жабр қилмас. «Аллоҳ яхши ишларнигина яратади. ёмонликни яратмайди ҳам, унга ҳукм ҳам қилмайди. Чунки, агар Аллоҳ ёмонликни яратиб туриб, сўнгра уни қилганларни азобласа, бу адолатга тўғри келмайди», деган ғояни мўътазила тарафдорлари илгари сурдилар. Мўътазиланинг бу қараши тақдирни инкор қилишга олиб боради. Суннийликка кўра, яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам яратувчиси ёлғиз Аллоҳдир, фақат савоб ишларни рози бўлиб, гуноҳ ишларни норози бўлиб яратади. Мотуридия таълимотида инсонда ирода эркинлиги мавжудлиги исбот этилган. Унга кўра инсон яхшилик ва ёмонликни танлаш ихтиёрига эга.

амаллардан ҳеч бирини қилмаса, Аллоҳ унга ҳам жаннатни беради, аммо даражалар бермайди. Банда барча гуноҳ амалларни содир қилган ҳолатда ҳам Аллоҳ унга жаннатни беради. Шу тариқа, улар дўзах ўтини инкор қиладилар ва дўзах фақат Аллоҳга куфр келтирган кишиларгагина хос эканлигини таъкидлайдилар.

Аҳли Сунна вал-Жамоа наздида, Аллоҳ имон келтиргандан сўнг фарз қилинган амалларни бажаришга буюрди ва Ўзи ман қилган амаллардан қайтарди. Гуноҳкор мўминларни ҳам жазолаши мумкин.

Сойибия: Сойибия эътиқодига кўра, Аллоҳ таоло бандаларини хоҳлаган ишларни қилиш учун ўз ҳолига ташлаб қўйиб, имондан бошқа ҳеч нарсани фарз қилмаган. Аллоҳ ҳузурда эзгу амалларни бажарган банда ҳам, бажармаган банда ҳам баробардир. Бандаларни бирор ишга буюриш ёки қайтаришга Аллоҳ таолонинг ҳаққи йўқ. Кимки Аллоҳга имон келтирса, унга жаннат даражалари билан берилади. Аллоҳга куфр келтирган инсонга эса дўзах даражалари билан берилади. Сойибиянинг далили «**Нимани хоҳласангиз, ўшани қилаверингиз!**» (*Фуссилат, 40*) оятига асосланади.

Аҳли Сунна вал-Жамоанинг наздида, Аллоҳ таоло бандаларни яратиб, сўнг уларни ўз ҳолига ташлаб қўйиши ёки улардан бепарво бўлиши мумкин эмас. Ибн Аббос (р.а.) Аллоҳ таолонинг «**Инсон ўзини бекор ташлаб қўйилади деб ўйлайдими?!**» (*Қиёмат, 36*) ояти тафсири ҳақида гапириб: «*Инсонлар ҳеч нарсага буюрилмаган ва бирор нарсадан қайтарилмаган ҳолатда ташлаб қўйилган, деб ўйлайдилар*», дейди.

Аллоҳ таоло Куръони каримда шундай марҳамат қилади: «**Балки (куфр ва бошқа) гуноҳларни касб этганлар ўзларини имон келтириб, солиҳ амалларни қилган зотлар билан тенг қилишимизни ва ҳаётлари ҳам, мамотлари ҳам баробар деб ўйлагандирлар?! Қандай ҳам ёмон (ноҳақ) ҳукм қилурлар?!**» (*Жосия, 21*). Яна бир ояти каримада шундай дейилади: «**Имон келтирган ва яхши амалларни қилган зотларни Биз ерда бузғунчилик қилиб юрувчи кимсалардек қиламизми?! Ёки тақводор зотларни фисқу фужур қилиб юрган кимсалар каби қилар эканмизми?!**» (*Сод, 28*).

Юнусия: Фирқа раҳбари – Юнус ибн Авн. Унинг ақидасига кўра имон қалбда ва тилда бўлиб, Аллоҳнинг маърифати ва Унга дил билан итоат қилишни билдиради, амал шарт эмас. Гуноҳлар ҳам имонга зарар етказмайди. Тилнинг ўзи билан имон келтирганда то пайғамбарлардан ҳужжат кўрсатилмагунча қабул бўлмайди. Пайғамбарлар келтирган барча ҳужжатларни билиш имондир, бир қисмини билиш имон эмасдир. Имоннинг айрим хислат ва аломатлари имон эмас. Барча амаллари мужассам бўлгандагина имон саналади.

Бу ақида Аҳли Сунна вал-Жамоа ақидасига мутлақо зиддир. Зеро, суннийлик ақидасига кўра, инсонда 99 та куфр аломати ва 1 та имон аломати бўлса ҳам у мўмин ҳисобланади.

Ғассония: Ушбу фирқа раиси Ғассоннинг ақидасига кўра, имон тил билан иқрор бўлиш ёки Аллоҳни севиш, Уни улуғлаш бўлиб, ўзини Аллоҳдан устун қўймаслик шарт қилинган. Имон кўпайиб туради, лекин камаймайди. У ўз ақидасини имон бобида Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ ақидаси билан бир хил деб даъво қилган. Лекин амалда унинг бу сўзи ёлғон экани маълум бўлган.

Зеро, Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ имон кўпаймайди ҳам, камаймайди ҳам, балки унинг нури ва қуввати кўпайиб-озайиб туради, деганлар. Ғассон эса, имон кўпаяди, лекин камаймайди, деган.

Шунингдек, имоннинг ўзи кўпайиб-озайиб турадими ёки унинг нури равшанлашиб–хиралашиб турадими, деган масалада Аҳли Сунна уламолари икки хил фикрни билдирганлар. Бу каби айрим энгил тафовутли масалаларда қайси томон фикри олинса ҳам унчалик зарари йўқдир. Аммо ақоид фанида шундай қарама-қарши фикрлар борки, биз фақат ўзимизнинг ақидавий мазҳабимизда қаттиқ туришимиз ва Аҳли Сунна вал-Жамоа уламоларининг сўзларини маҳкам тутишимиз зарур бўлади. Масалан, ақидамиз бўйича мўмин-мусулмон киши хоҳ катта, хоҳ кичик гуноҳ иш қилиб қўйса, гуноҳкор бўлади, лекин кофир бўлиб қолмайди. Аммо мўътазила ва хавориж мазҳабларининг уламолари, бунинг акси ўлароқ, мусулмон одам гуноҳ иш қилса, имондан чиқади, дейдилар.

Яна шундай эътиқод қиламизки, мўмин-мусулмон одам шариятда ҳаром дейилган нарсани ҳалол деса ёки ҳалол нарсани ҳаром деса ёхуд гуноҳ ишни инкор этиб, бу гуноҳ эмас, деса ёки намоз фарз эмас деса, имондан ажралиб кофирлар қаторига қўшилади. Шундай экан, бу каби нозик ва дақиқ масалаларни ўз вақтида билиб олишга ҳаракат қилмоқ даркор.

Тумания: Бу фирқанинг асосчиси Абу Муоз Туманий бўлиб, у Мисрдаги Туман қишлоғига мансубдир. Абу Муоз Туманий раҳбарлик қилган бу фирқа ақидасига кўра, имон куфрдан сақланмоқдир. Шунингдек, имон хислатларининг барчасини ўзида мужассам этмоқдирки, агар бир хислатни тарк этса кофир бўлиб қолармиш. Имоннинг айрим хислат ёки аломатлари имон деб аталмас эмиш. Масалан, намознинг ўзи имонга далолат қилмайди, дейдилар.

Савбония: Абу Савбон бошчилик қилган бу фирқа ақидасига кўра, имон – бу тил билан иқрор бўлиб, Аллоҳни ва унинг пайғамбарларини ҳамда ақл билан қилиш зарур бўлган ишларни тан олишдир.

Бу фирқанинг Юнусия ва Ғассониядан фарқи шундаки, қилиниши зарур бўлган амаллар шарият ҳукми билан эмас, балки ақл ҳукми билан белгиланишидадир.

Марисия: Бу фирқа Бағдодда пайдо бўлган ва унинг асосчиси Бишр Марисий эди. У фикҳда Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳга эргашган, лекин Куръонни махлуқ дегандан кейин Абу Юсуф ундан юз ўгирган. Унинг бузуқ ақидаларидан бири – бут ва санамларга сиғиниш куфр эмас, деган ақидаси бўлиб, сохта маъбудага сиғиниш куфр бўлмай, балки куфр аломати эмиш.

Мазкур бешта муржиа фирқаси имон таърифида ихтилоф қилишган ва амални имондан кейин қўйишгани учун Аҳли Сунна вал-Жамоа йўлидан четланган ҳисобланган.

Рожия: Рожия эътиқодида, Аллоҳ таоло фарз қилинган нарсаларни бандаларига буюрди ва қайтарилган нарсалардан қайтарди. Шу сабаб, Аллоҳ таоло қиёмат куни улар ўртасини ажратмагунга қадар, Аллоҳга итоат қилувчи инсонни итоаткор, аксинча, Аллоҳга осий бўлганларни, исёнкор, деб бўлмайди.

Бу нарсаларга умид қилиб, уларни итоаткор ҳам, гуноҳкор ҳам дейилмайди. Эҳтимол, гуноҳкор банда Аллоҳ севадиган кимсалардан бўлиши мумкин. Шунинг учун у «фосиқ» деб аталмайди. Итоаткор инсон эса Аллоҳ ёмон кўрадиган кимсалардан бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун у «итоаткор банда», деб номланмайди.

Аҳли Сунна вал-Жамоа наздида, Аллоҳга итоат қилган инсон итоаткордир. Аллоҳга осий бўлган инсон эса гуноҳкордир. Чунки тоат ҳам, маъсият ҳам зоҳирий бўлиб, инсонга ташқи аҳкомлар билан ҳукм қилинади. Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Аллоҳ учун яхши кўраман, Аллоҳ учун ёмон кўраман», – деганлар.

Агар рожиya фирқаси ҳақ бўлса, исёнкордан итоат қилувчини ажрата олмаймиз. Аллоҳ яхши кўрган инсонни ёмон кўриб, Аллоҳга яқин кишидан узоқлашамиз.

Рожийлар яна: «Инсонларнинг кофирларга қарши уруш олиб боришлари ҳам ҳалол эмас. Чунки улар ҳам Аллоҳга имон келтирганлардан бўлиши мумкин. Шунинг учун Аллоҳ таолонинг дўстлари билан урушиш мумкин эмас», деб эътиқод қиладилар.

Шоккия: Шоккия эътиқодича, имон сўз ва амалдан иборат. Барча амаллар имондандир. Йўлдан бошқаларга озор берадиган нарсани четга олиб қўйиш ҳам имондандир. Ҳеч бир амал имонсиз вужудга келмайди. Чунки амалларнинг барчаси имондир. Шоккия фирқаси амалсиз имонга суянади. Чунки уларнинг қарашларида имондан кейин фарз қилинган бирор амал йўқ.

Аҳли Сунна вал-Жамоа наздида, имон – «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ» шаҳодат калимасидир. Бу Аллоҳ таоло ҳатто кофирларни ҳам унга чақирган сўздир. Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтадилар: «Имон сўздир. Амал эса имоннинг аломатларидир». Ҳармала ибн Язид Ансорий ривоят қилади: Пайғамбаримиз (с.а.в.) менинг тилимни бир томонидан ушлаб: «Имон мана шу жойдадир», қўллари билан қалбимга ишора қилиб: «Тақво¹ мана шу жойдадир», – дедилар.

¹ Тақво – [араб. – сақланиш, парҳезкорлик, Худодан қўрқиш] Исломда диндорликни ифодаловчи тушунча. Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда тақво бир неча мазмунларда келади. Масалан, Аллоҳдан қўрқиш, дўзахдан сақланиш, парҳезкорлик ва бошқалар. Аллоҳга тақво қилиш ундан қўрқишдир. Ҳазрати Умар (р.а.)дан тақво нима, деб сўралганда, араблар сертикон

Амалия: Амалия эътиқодича, имон амалдир. Аксинча, имонни сўз ва амалдан иборат, деб бўлмайди. Зеро, ҳар қандай имон амалдир. Чин қалб билан имон келтиришга амал, дейилади. Ислом арконларини билиш ҳам амал ҳисобланади.

Макхул Насафий шундай дейди: «Мен тафсир қилган нарсаларни Аҳмад ибн Яъқуб Солиҳдан, у Ибн Аббос (р.а.)дан ривоят қилган. Ушбу оятларнинг барчасида имон «сўз» деб аталган. Шундай экан, жамоат ичида фитна келиб чиқмаслиги учун амалияга мансуб кишилар муташобих оятларни ҳам эътиборга олишлари лозим. Амалия наздида, маърифат ҳам, Қуръон қироати ҳам амалдир. Уларнинг бу каби қабих сўзларидан Аллоҳнинг ўзи асрасин.

Аҳли Сунна вал-Жамоа наздида, Аллоҳ таоло ва Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтганлари каби, имон сўздир. Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан ушбу ҳадис ривоят қилинади: *«Имон калом бўлиб, уни тасдиқлаш қалб билан амалга оширилади».*

Манқусия: Манқусия эътиқодига кўра, имон кўпаяди ва камаяди. Чунки имон сўз ва амалдан иборат. Айримларининг фикрича, имон кўпаяди, аммо камаймайди. Уларнинг далили «У (Аллоҳ) **Ўз имонларига яна имон кўшилиши учун**» (Фатҳ, 4) оятига асосланади.

Аҳли Сунна вал-Жамоа наздида, Аллоҳ таборака ва таолода кўпайиш ҳамда камайиш сифати бўлмагани каби имон ҳам кўпаймайди ва камаймайди. Чунки у Аллоҳнинг ваҳдониятини тасдиқлашдаги иқрордир. «Имон кўпайиб, камаядимми?» деб сўралган вақтда Пайғамбаримиз (с.а.в.): *«Имонинг кўпаймайди. Унинг камайиши эса куфрдир»*, – деганлар.

Ҳафс ибн Абдуллоҳ ривоят қилади: *«Мен Умар ибн Абдулазизнинг минбарда туриб: «Агар гумон қилувчи адашганларнинг айтганидек имон камайганида, ҳар биримиз ўз уйимизга имонимиздан нима кетиб, нима қолганини билмаган ҳолатда қайтган бўлар эдик», деганини эшитдим».*

майдондан яланг оёқ бўлиб, тикондан сақланиб ўтиб кетишни тақво деб атайдилар, деганлар. Ҳаётда гуноҳ ишлар ҳам худди тиконларга ўхшайди, ким улардан эҳтиёт бўлмаса, озор чекади, улардан сақланиб юрган киши эса, тақво қилган бўлади.

Мустасния: Мустасния эътиқодига кўра, имонда истисно бор. «Мен ҳақиқий мўминман», деб айтиб бўлмайди. «Мен ҳақиқий мўминман», деган инсон «Мен жаннатийман», деб айтган бўлади. Мустаснийлар ўз қарашларига **«Аллоҳ мўминлар ва мўминаларга остидан анҳорлар оқиб турадиган, мангу яшаладиган жаннат (боғ)ларидаги ёқимли масканларни ваъда қилди»**, (Тавба, 72) ояти билан далил келтирадилар.

Аҳли Сунна вал-Жамоа наздида, имонда истисно йўқ. Чунки истисно ўтган замонга далолат қилади. Ўтган замонда эса истисно қилинмайди. Шу сабаб, мўмин ҳақиқий мўмин бўлиб, кофир ҳам ҳақиқий кофирдир. Бунга *«Кимки ҳақиқий мўмин бўлмаса, у ҳақиқий кофирдир»* ҳадиси шарифига мувофиқ учинчи тоифанинг бўлиши мумкин эмас.

Иброҳим Тамимий (р.а.)дан ривоят қилинади: **«Аллоҳ динларни номма-ном зикр қилиб, «Дарҳақиқат, имон келтирган, яҳудий бўлганлар, собийлар** (фаришталарга сизинувчилар), **насронийлар, мажусийлар** (оташпарастлар) **ва мушрик бўлганлар»** (Ҳаж, 17), *деб марҳамат қилади. Агар душманлар билан мулоқотга киришсангиз, сизлардан «Қайси диндасиз?» деб сўрасалар, нима деб жавоб берасиз? «Мўмин бўлишни умид қиламиз», дейсизларми? Улар: «Динингиздан топганингиз фақат эҳтимолдир. Ундан фақат шуни топиб, бизга уруш қиляпсизларми?!», дейди-ку!»*.

Хорижа ибн Мусъаб (р.а.)дан ривоят қилинади: *«Кимки имонида шубҳага тушса-ю, сўнг мендан уйланиш хусусида маслаҳат сўраса, унга уйланиш ҳалол бўлмаслигини таъкидлаган бўлар эдим»*.

Ҳузайфа ибн Ҳаймон (р.а.)дан ривоят қилинади: *«Охир замон яқинлашганда бир тоифа қавм пайдо бўлади. Улар: «Биз мўминизми ёки йўқми, буни билмаймиз», деб айтадилар. Бу Дажжол чиқадиган вақтларда бўлади ва Аллоҳ уларни албатта Дажжолга йўлиқтиради»*.

Мушаббиха: Мушаббиха¹ эътиқодича, Аллоҳ инсон суратида бўлиб, Унинг сочи, тирноқлари, ажинлари, икки қоши, қони ва ундан бошқа нарсалари ҳам бор. Жаҳмия фирқаси Аллоҳга қиёсани мансуб қилишдан кўрқиб, Унинг барча сифат ва феълларини инкор қилади ва шу билан ҳар иккала фирқа барча даъволарида ҳаддан ошади.

¹ **Мушаббиха** – [араб. – ўхшатувчилар, ўхшатиш тарафдорлари]. Исломилоҳиётида Худони одамга ўхшатиб тасвирлайдиган таълимот.

Аҳли Сунна вал-Жамоа наздида, мушаббиха фирқасининг Аллоҳ таоло ҳақидаги фикрлари, агар У инсонда мавжуд аъзолар билан лафзан сифатланган тақдирда ҳам, мутлақо ногўғридир. Шунингдек, агар эшитиш, кўришга ўхшаган сифатлар инсонда топилса-да, Аллоҳ жаҳмия қарашларидаги фикрлардан ҳам узоқ. Чунки бу икки фирқа асл мақсаддан адашиб, йўлини йўқотди.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади: **«Эй, имон келтирганлар! Аллоҳга итоат этингиз, пайғамбарга ва ўзларингиздан (бўлмиш) бошлиқларга итоат этингиз! Бордию, бирор нарсада (дин ишида) келиша олмай қолсангиз – Аллоҳга ва охират кунига ишонадиган бўлсангиз – уни Аллоҳга ва пайғамбарига ҳавола қилингиз! Мана шу яхшироқ ва ечими чиройлироқ (иш)дир»** (Нисо, 59).

Абу Ҳанифа шундай деди: *«Ҳеч бир инсон Аллоҳнинг зоти ҳақида гапиришга ҳаққи йўқ. Аммо Аллоҳ ўзини васф қилганлар билан сифатланади. Аллоҳ ҳақида ҳеч бир нарсани ўз фикри билан айтиш мумкин эмас. Оламлар Раббиси бўлган Аллоҳ баракотли зотдир»*. Абу Ҳанифа яна айтади: *«Хуросон ўлкасида икки фирқа пайдо бўлди ва уларнинг ҳар иккиси ҳам тўғри йўлдан адашиб, бизга қарши бош кўтардилар. Улар жаҳмийлар ва мушаббихалардир»*.

Ҳашвия: Ҳашвий сўзи муайян кишига далолат қилмайди. Энг биринчилардан бўлиб шу лафзни тилга олган киши Амр ибн Убайд. У Абдуллоҳ ибн Умар Ҳашвий бўлган. Ҳашвийлар кўпдан-кўп ҳадис ривоят қилган бўлиб, ҳадислар мазмунини тушунмайдилар ва (энг ёмони) тушунишни истамайдилар ҳам. Ҳадисларда келтирилган кўрқитиш, рағбат, фарз ва суннатнинг барчаси бир нарса эканлигини таъкидлайдилар. Уларнинг фикрича, Пайғамбаримиз (с.а.в.) суннатларини тарк қилган ҳар қандай кимса Аллоҳнинг расулига қарши чиқибди.

Аҳли Сунна вал-Жамоа наздида, ҳадислар кўп бўлиб, улар даража жиҳатдан бир хил эмас. Чунки айримлари фарз, суннат, тарғиб ва тафзил, айримлари тахвиф (кўрқитувчи), тағлиз, таҳдид, айримлари мубоҳ, рухсат, ихтиёр, айримлари эса муҳкам¹ ва муташобих² ҳамда Қуръони каримда бўлгани каби носиху мансух бўлади.

¹ Маънолари аниқ оятлар.

² Ҳақиқий маъносини Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч ким билмайдиган ўхшатма оятлар.

Аҳли Сунна вал-Жамоа наздида, суннат икки хил бўлади. Биринчиси, фазилатли амаллар бўлиб, унга амал қилиш фазилатдир. Тарк қилиш эса гуноҳ эмас. Иккинчиси, фарз амаллар. Уларни тарк қилиш куфр ва залолатдир. Юқоридаги ҳадислар ҳашвийларга раддия бўла олади. Чунки Пайғамбаримиз (с.а.в.) айрим суннатларга амал қилишга буюрган бўлсалар, баъзи суннатларни тарк қилишни залолат ҳисобламадилар. Анас ибн Молик (р.а.)дан ривоят қилинган бир ҳадисда Пайғамбаримиз (с.а.в.): «*Ҳадисларимга тафсирлари билан зийнат беринглар ва маъноларини яхшилаб текширинглар*», дедилар.

Асария: Асария эътиқодига кўра, суннат, қиёс ва раъй – ботил. Дин муттасил боғланиб келган санаддир. Бир нарсани бошқа нарсага қиёслаш мумкин эмас. Улар ўз қарашларига «*Сизлар қиёс қилишдан сақланинг. Биринчи бўлиб Иблис қиёс¹ қилиб, Аллоҳга куфр келтирди. Қиёс сабабли қуёш ва ойга ибодат қилинди*», деган ҳадисни ҳужжат келтирадилар. Аҳли Сунна вал-Жамоа наздида, инсоннинг ҳаракати ҳад-чегара билмайди. Яъни, тўғри қиёс қилиши ҳам мумкин.

Асарийлар фикрича, ҳар бир киши ўзи учун тўғри далилга эга бўлмагунича ҳаракатланмаслиги зарур. Барча бахтсизликларни қиёс қилиш мумкин бўлган нарса тўғри далилдир. Нимаики, далилга тўғри келса, оли м уни олади. Ўз қиёси билан ижтиҳоддан сўнг хато қилса, уни рад қилади.

Асарийлар эса биринчи бўлиб қиёс қилган Иблисни (бу иши учун) Аллоҳ лаънатлаб, а зобига дучор қилганини таъкидлайдилар. Саййидимиз Муҳаммад (с.а.в.) шарофатидан Аллоҳ таоло биз билан фарзандларимизни шайтоннинг макру ҳийлаларидан қутқарди.

Ҳасан Басрий (р.а.)дан ривоят қилинади: «Пайғамбаримиз (с.а.в.) **«Уларнинг ишлари ўзаро маслаҳат (билан) бўлур»** (Шуро, 38) ояти

¹ Биринчи бўлиб шайтон ақлий қиёс қилган. Лекин қиёси нотўғри эди. Зеро, у лойнинг оловдан яхши эканига ақли етмади. Оловнинг табиатида енгиллик, ҳавойилик, ўткирлик бўлгани учун Иблис ўзини юқори олиб, такаббурлик қилди. Тупроқда оғирлик, камтарлик, ҳилм, сабр каби фазилатлар бор. Шунинг учун ҳам Одам (а.с.) айбига иқроп бўлиб тавба қилди. Тупроқ ёки лой оловни ўчиради. Олов тупроқни йўқ қила олмайди.

тафсирида: «Агар Аллоҳнинг каломида ва Пайғамбарнинг суннатида содир бўлмаган бир иш бўлса, у ҳақида раъй (фикр) аҳли билан маслаҳат қилинади», дедилар».

Саврия: Фақиҳ Абу Абдуллоҳ Суфён ибн Саъид Саврий Куфий муридлари фирқасидандир. Унинг аждодларидан бири Савр ибн Абдуманот деган киши бўлиб, шу сабабдан уни Саврий дейишарди. У 96/714 йилда Куфада туғилган ва ўша ерда ҳадис илмини ўрганган.

У зоҳид бўлиб, халифалар ва сарой аҳлига бефарқ эди, шунинг учун икки Аббосий халифанинг таъқибига учради ва ноилож ватанни тарк этди, бир қанча муддат Яман ва Ҳижозда истиқомат қилди. Сўнг Маккадан Басрага кетди. У ерда яшай бошлади ва 64 ёшида 161/777 йилнинг шаъбон ойида ўша шаҳарда вафот этди ва ўша ерда дафн этилди.

У фикҳда ҳадис аҳли мухлисларидан эди ва у тоифанинг ишончли кишиларидан ҳисобланарди. Баъзилар уни Молик ибн Анасдан устун деб ҳисоблашарди.

Муҳаммад ибн Исҳоқ ан-Надим унинг баъзи асарларини эсга олиб, улардан «ал-Жомийъ ал-кабир», «ал-Жомийъ ас-сағир», Китоб ал-фароиз» ва икки рисола қайд этади. Унинг Қуръони каримга битган тафсири бўлиб, Саолибий бу ҳақида ёзма маълумот берган.

Аммо илми каломда Суфён Қуръони каримда Худо учун келтирилган сифатни У зотнинг хислатларидан деб билади.

У фикҳ ри воятларида кўпинча шайхлар усулига ишора қиларди. У масх (тахоратда пешона ва оёқни ювиш)ни, этикда бўлса, масх ўрнига оёқнинг икки панжаси узра бажаришни жоиз деб биларди ва «бисмиллаҳ»ни сал енгил овозда тиловат қилишни афзал кўрарди. Жиҳодни то қиёмат кунигача боқий ва вожиб деб биларди.

У: «Ҳар бир мусулмон хоҳ адолатда ёки жабр-зулмда бўлса ҳам ҳукмдорларга итоат қилиши керак», – дерди. Уни зикр қилиб мақташга қарамасдан, бу васфда шиаликка мойиллиги бор эди. «Табақот ал-Хуффоз» китобининг муаллифи сўзига қараганда, ҳазрат имом Жаъфар Содик (р.а.) унинг шайхларидан бири эди.

Баъзиларнинг айтишича, у зайдия мазҳабидан эди, чунки зоҳид ва гўшанишин эди. Суфия уни ўзининг аввалги пешволаридан деб ҳисобларди.

Хашабия: Хашабия ёки сурхобия зайдия фирқаларига қарашли Сурхоб Табарий муридларидан бўлиб, Мухтор ибн Аби Убайд Сақфийдан кейин зуҳур қилдилар. Хашаб (ёғоч)дан бошқа қурол бўлмаганлиги учун уларни хашабия деб атадилар.

Ибн Тимия «Минҳож ас-сана» да ёзади: «Зайд дорга осилгач, унинг муридларидан бир гуруҳи кечалари унинг дор чўплари (ёғоч) ни зиёрат қилишга келишарди, шунинг учун уларни «хашабия» деб аташди».

Бу фирқа Ҳишом ибн Абдумалик даврида Зайд ибн Али ибн Ҳусайн шаҳид бўлгандан сўнг қўзғалдилар. Улар бошқа сабабдан айтдиларки, «Биз имом Маъсум билан қилич воситасида уруш қиламиз, аммо имом Маъсум бу асрда бўлмагани боис, то у келгунча бизнинг қуролимиз чўп (ёғоч)дир, шу билан курашга қўзғаламиз».

Сархубия: Зайдия фирқаларидан бўлиб, Сарҳуб лақабли Абул Жоруд Зиёд ибн Манзар муридларидандир. Улар айтадилар: «Ҳазрат имом Ҳусайн шаҳид бўлгандан кейин имомлик унинг фарзандларида ва Ҳасан (р.а.)да бўлиши керак, демак кимки унинг икки авлодидан исён кўтарса, имом вожибул-итоатдир.

Шунингдек, Ҳасан (р.а.) ва Ҳусайн (р.а.) фарзандларидан кимки имомликка даъво қилса, уйда ўтирсинлар, эшикни ўзлари учун бекитсинлар, ўз муридлари билан мушрик ва кофир бўлсинлар».

Улар Абу Холид Воситийга ҳам муридлик қилдилар.

Шайх Тусий уни имом Муҳаммад Боқир (р.а.) шерикларидан деб билади ва Ибн Надим уни Зайдий мутакаллимларидан, яъни суҳбатдошларидан деб ҳисоблайди.

Зиёд ибн Манзарга имом Муҳаммад Боқир (р.а.) Сарҳуб деб лақаб берган эди ва айтар эди: «Бу Сарҳуб – кўр шайтон, унинг жойи денгиздадир».

Араб тилида Сарҳуб қадди-қомати катта от, шоқол ва кўр дев бўлиб, унинг жойи денгиздадир. Кўпинча эркакларни эмас, аёлларни унга ташбеҳ қиладилар, гоҳида эркакларни Сарҳуб, аёлларни эса Сарҳуба де йишади.

Бидъия: Бидъия мусулмонлар ўртасида янги-янги амалларни ўйлаб топган кишилардир. Улар мусулмон раҳбарларининг амалларини инкор қилганлар. Чунки бу қилмишлари мусулмонларнинг ҳассасини синдириш ва уларнинг ҳукмларини бекор қилишга олиб келди. Уларнинг фикрича, агар уни гуноҳга буюрса ҳам ҳеч бир киши раҳбарга исён қилишга ҳаққи йўқ ва у шу ишда узрли бўлади. Чунки Пайғамбаримиз (с.а.в.) барча мусулмонларни ҳар қандай раҳбарга қулоқ солиш ва итоат қилишга буюрганлар.

Аллома Макхул Насафий шундай дейди: *«Бидъатчиларнинг амирга, унинг ҳар бир буйруғига итоат қилинади, деган эътиқоди нотўғри. Албатта, амирга итоат қилинади. Аммо Аллоҳга гуноҳ ҳисобланган ишда унга итоат қилинмайди. Яхши раҳбарга эргашишимиз лозим. Чунки унга итоат қилиш Аллоҳга итоат қилиш билан баробар. Раҳбар ёмон ишларни қилса, фуқаро унга мурожаат қилиб, яхшиликка чақирсин-у, зинҳор унга қарши қилич кўтармасин».*

Сувайб ибн Ғафла (р.а.)дан ривоят қилинади: *«Умар ибн Хаттоб (р.а.) деди: «Эй, Бани Умайя! Мендан кейин сен балки муҳолиф бўларсан. Амирга итоат қил, гарчи у қоп-қора алдоқчи ҳабаш қул бўлса ҳам. Урса ҳам, четлаштирса ҳам, зулм қилса ҳам, сабр қил».*

Муржия тоифаси қарашлари ҳамда уларга Аҳли Сунна вал-Жамоа берган раддиялар шулардан иборат бўлиб, улар ўн етти фирқадан иборат. Анас ибн Молик (р.а.)дан ривоят қилинади: *«Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Умматларимдан икки тоифага менинг шафоатим етмайди: муржия ва қадария», деганлар».* Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтдилар: *«Муржия ва қадария етмиш икки пайғамбар томонидан лаънатланди».* Иброҳим Тамимий: *«Муржия мўминми ёки кофирми билмаймиз»,* деб айтар эди.



ХУДОЛИК ДАЪВО ҚИЛГАН ШАХСЛАР

Инсоният тарихида энг қадимги даврлардан бошлаб «Парвардигор» тушунчаси мавжуд бўлган. У энг олий куч эгаси, энг олий қудрат соҳиби эканлиги эътироф этилган. Барча динларда «Парвардигор» тушунчаси унинг сифатлари кенг ва чуқур ишланган, бироқ ҳар бир дин мазкур сифатларни турлича талқин этган.

Табиий равишда, инсоният тарихида ҳамда турли динларда «яратувчи» тушунчаси мавжуд экан, унинг асл мазмуни ва моҳиятини мутаносиб ва тўғри англамаган ҳолда, ўзини, яъни инсонларни «Яратган»га тенглаштириш ҳолатлари ҳам учраб турган. Барча динлар ўзини «Худо», баъзи ҳолларда эса «пайғамбар», «набий» деб сохта даъво қилиб чиқувчиларнинг сўзлари ва амалларини қаттиқ қоралаганлар ҳамда уларни «худосизлар» қаторига қўшганлар. Инсоният тарихида мана шундай адашиб, ўзини «Яратувчи» ўрнида қўрган бир неча сохта даъвогарларнинг номлари ва амаллари сақланиб, ривоятлар тарзида бизнинг давримизга етиб келган. Токи, уларнинг хатолари ва ақидада адашганликлари оқибатида ширк йўлини тутганликларини очик-ойдин намоиш этиш, бу йўлдан эса чин ва ҳақиқий эътиқод қилувчиларни муҳофаза қилиш мақсади мужассам бўлган. Энг қадимги даврларда худолик даъвоси билан Намруд, Фиръавн каби шахслар чиққан бўлиб, уларнинг номлари бугунги кунда «худосизлик» намунаси сифатида эсга олинади.

Намруд: Иброҳим (а.с.) даврида Ироқ подшоҳи бўлган шахс. Кўпчилик муаррихлар сўзига кўра, Намруд Иброҳим (а.с.)ни туғилган шахрида, яъни Ироқнинг Кусо номли шахрида оловга ташлаган. Кусо Бобил шахрига қарашли бўлиб, уни оловга ташлаган жойи ҳам шу ердир. Намруд мамлакат аҳолиси бошидан қаттиқ очарчилик ўтказганидан кейин, уларга озиқ-овқат беради ва ўзи ясагирган бутларига ва ҳаттоки ўзига ҳам ибодат қилишларини буюради. Намруд жуда ҳаддидан ошиб, худолик даъвосини қилганидан сўнг Иброҳим (а.с.) уни якка

Аллоҳга имон келтириб, Унгагина ибодат қилишликка даъват этиб, улар сиғинаётган бутларини синдиради. Бу ҳақда Қуръони каримда шундай марҳамат қилинган: «(Иброҳим) айтди: **«Ахир, Аллоҳни қўйиб, сизларга бирор фойда ҳам, зиён ҳам етказа олмайдиган нарсаларга сигинасизми?! Сизларга ҳам, Аллоҳни қўйиб сиғинаётган бутларингизга ҳам туф-е! Ахир, ақл юргизмайсизми?!»** (Намруд бошчилигидаги мушриклар) дедилар: **«Уни ёқиб юборингиз!»** (Анбиё, 66-68). Шундан сўнг Намруд бошчилигидаги мушриклар катта олов ёқиб, Иброҳим (а.с.)ни манжаниқ (махсус тош отиш қуроли)га боғлаб, оловга отадилар. Уларнинг тақдири ҳақида Аллоҳ таоло шундай деди: **«Биз айтдик: «Эй, олов! Иброҳимга салқин ва омонлик бўл! Улар (Иброҳимга) макр қилмоқчи бўлдилар. Биз эса, уларнинг ўзларини кўпроқ зиён кўрувчи қилиб қўйдик»** (Анбиё, 69-70).

Аллоҳнинг қудрати билан Иброҳим (а.с.) омон қолади. Шу мўъжизани кўриб ҳам Намруд имонга келмайди. У ҳаддидан ошишда давом этиб, Аллоҳнингни ўлдираман деб осмонўпар минора қурдириб, унга чиқади ва самога қараб камондан ўқ узади. Шундан кейин Аллоҳ таоло Жаброил (а.с.)га амр қилади. У қаноти билан минорани уриб уст қисмини Намруд лашкари устига қулатади. Шунда Иброҳим (а.с.) унинг ҳаддан ташқари куфрга кетганига ишониб, Аллоҳдан унга бир бало юборишини сўрайди. Аллоҳ пашшалар қавмини Намруд аскарларининг қолганлари устига юбориб, Намруддан бошқа барчасини пашшалар чақиб бир сониянинг ўзида қириб юборади. Аллоҳ таоло агар хоҳласа инсон ҳаттоки пашшага ҳам кучи етмаслиги ҳақида шундай марҳамат қилган: **«Эй, инсонлар! (Сизларга) зарбулмасал қилинди. Бас, унга кулоқ тутингиз! Аниқки, сизлар Аллоҳни қўйиб, сиғинаётган нарсаларингизнинг барчаси бирлашганда ҳам, бир пашшани ярата олмаслар, агар пашша улардан бирор нарсани тортиб олса, уни ундан айириб ололмастар. Талаб қилувчи ҳам, талаб этилувчи (бутлар) ҳам заифлик қилурлар»** (Ҳаж, 73).

Намруднинг барча аскарлари қирилиб кетиб, унинг бурнига эса бир пашша кириб, сўнг бу пашша унинг миясига жойлашиб олиб унга қаттиқ азоб бера бошлади. Намруд бошига урса оғриғи озгина камаяр эди ва шу азоб билан қирқ йил умр кўради. Бир куни Намруд

қаттиқ азобларга чидай олмай ўз хизматкорига бошига тўқмоқ билан уришни буюради. Хизматкор тўқмоқ билан секин урганида Намруд қаттиқроқ уришни буюради. Хизматкор Намруднинг бошига тўқмоқ билан бор кучини йиғиб уриши оқибатида, унинг боши ёрилиб, ичидаги пашша учиб чиқиб кетади ва Намруд эса шу заҳотиёқ вафот этади.

Фиръавн: Қадимги Миср подшоларининг умумий номи. Фиръавнларнинг 31 сулоласи маълум. Қуръонда тилга олинган Фиръавн ўзини Худо деб эълон қилган золим подшоҳ. Аллоҳ унинг ҳузурига Мусо (а.с.)ни юборади. Аммо Фиръавн унга имон келтирмайди; аксинча, ўз қудратини намоёйиш қилиш учун: **«Фиръавн айтди: «Эй, Ҳомон! Мен учун бир (баланд) минора қургин, шоядки мен (унинг устига чиқиб) йўлларга етсам осмонларнинг йўлларига. (Зора) Мусонинг илоҳини кўрсам ...»** (*Ғофир*, 36–37), деб вазири Ҳомонга «осмонўпар» минора қуришни буюради. Бундан мақсади самога чиқиб, Мусо (а.с.)нинг айтаётган Худоси бор ёки йўқлигини билиб тушиш эмиш. Мусо (а.с.) ўз қавми билан Мисрдан чиқиб кетишга аҳд қилганда, аскарлари билан унинг кетидан қувади, лекин денгиз сувлари уни ўз домига тортади. Охирти паллада тавба қилса-да, Аллоҳ унинг тавбасини қабул қилмаган. Яна Фиръавннинг кейинги тақдири тўғрисида Қуръони каримда шундай дейилади: **«Мана бугун сендан кейингиларга белги (ибрат) бўлишинг учун жасадингни қутқарурмиз»** (*Юнус*, 92). Мазкур оятнинг тафсирида Шайх Абдулазиз Мансур қуйидагича изоҳ берадилар: Фиръавннинг қилмиши ва жазосини кейинги авлод эслаб юрсин, деган маънода Аллоҳ таоло унинг жасадини денгиздан чиқариб қўйишни ваъда қилган. Британия музейига унинг мумиёсиз ҳам ҳалигача чиримаган жасади топиб қўйилгани тўғрисида матбуотда эълон қилинганига анча бўлди.

Кунлардан бир кун Фиръавн ҳузурига Жаброил (а.с.) инсон шаклида келиб, ундан: **«Хожасининг ноз-неъматини еб, улғайгач, унга нонкўрлик қилиб, ундан ўзини юқори ҳисоблаган қулга қандай жазо берилиши керак»**, – деб фатво сўраганларида, Фиръавн: **«Ундай қулни сувга ғарқ қилиш керак»**, – деб фатво хати берган экан. Жон бериш олдидан ўша хатни ўзига кўрсатиб қўйилган экан (Хз.).

Ислом динида «Яратувчи» тушунчаси «Аллоҳ» номи билан бир хил маънода қўлланилади. Аллоҳ ягона, мутлақ яратувчи олий ва

муқаддас кучга тенг келтирилади. Аллоҳга инсонни тенглаштириш ширк саналади. Аллоҳ ўзи яратган махлуқларга умуман ўхшамайди, беназир, Бемисл олий сифат ва қудрат соҳиби сифатида баҳоланади. Ислом тарихида ҳам кўплаб шахслар худолик даъвосини қилиб, ўзларига оми халқни эргаштирганлар. Мазкур шахслар ташкил қилган фирқаларнинг умумий номи ҳулулиядир.

Ҳулулия: Ҳулулия яъни, худоликни даъво қилган фирқалар ислом тарихида ўн гуруҳга бўлинган бўлиб, ҳаммаси мусулмон давлатларидан чиққан. Мақсадлари – Яратувчининг якка-ягона эканига, яъни тавҳид масаласига шубҳа уйғотиш асосида ортодоксал динга футур етказишдан иборат бўлган. Уларнинг энг ашаддийлари рофизийлардан чиққан. Сабаъия, жаноҳия, хаттобия, нумайрия фирқаларининг барчаси ҳулулияга мансубдир.

Кейинчалик Мовароуннаҳрдан муқанначилар, Марвдан разомия ва баркукия фирқаси, сўнгра ҳалмония, ҳалложия, азофира ва хуррамия фирқалари чиққан. Буларнинг барчаси илоҳийлик даъво қилиб, шаръан тақиқланган нарсаларни ҳалол деб, фарз қилинган ибодатларни бекор қилишга қаракаг қилишган.

Ислом тарихида биринчилардан бўлиб пайғамбарлик ва худолик даъвосини қилган фирқалардан бири бу ғолий шиалардир. Ғолий шиалар еттинчи асрдан бошлаб Али (р.а.)ни пайғамбарлик ёки худолик даражасига кўтарганликлари учун ғолийлар, яъни муболаға қилувчилар деб аталган. Улардан баъзиларининг ақидасига кўра, Муҳаммад (с.а.в.) эмас, балки Али (р.а.) пайғамбар бўлиши керак эди, лекин Жаброил хато қилган бўлиб, ваҳийликни Алига эмас, балки ҳазрат Муҳаммадга тақдим этган.

Уларнинг яна бир гуруҳи Али (р.а.) шахсини худолик мақомига кўтаради. Улар наздида, Худо Алининг вужудига кириб, унинг жисму жони билан бирлашиб кетган эмиш. Айрим бошқа фирқалар эса, ҳар бир имом мавқеини илоҳийлаштиришга уринади, гўё ҳар бир имомнинг руҳига илоҳийлик (худолик) кирган бўлиб, илоҳийлик бир имом руҳиятидан бошқа имом руҳиятига ҳам ўтиб, шу тариқа илоҳийлик давом этар эмиш.

Сабаъия: Бу фирқанинг асосчиси Абдуллоҳ ибн Сабаъ исмли шахс бўлган. Сабаъия фирқаси Али (р.а.) шахсини илоҳийлаштиришни тарғиб қилган исломдаги энг дастлабки гуруҳ

саналади. Ривоятларга кўра, аслида Али (р.а.) нинг ўзи сабаъия гуруҳини гулханда ёндиришга буйруқ берган. Бунга жавобан сабаъийлар «Энди биз сенинг ҳақиқатан ҳам Худо эканлигини билдик, зеро фақат Худогин а ўт билан жазолайди», деганлар.

Сабаъийлар Али (р.а.)ни вафот этганлигини рад этадилар, уларнинг фикрича, у душманлардан ўч олиш ва адолат ўрнатиш учун қайтиб келар эмиш.

Шунингдек, улар Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг васиятларига кўра, Али (р.а.)ни Расулulloҳ (с.а.в.)нинг вориси деб эълон қиладилар. Сабаъийлар исломда биринчи бўлиб Али (р.а.)нинг имомлигини тўхташи ва уни қиёмат кунигача Маҳдий¹ сифатида қайтиши ҳақидаги ғояни илгари сурганлар. Бу тасаввурлар кейинчалик шиалар, хусусан, кайсонийлар орасида ривожланган, улар имомларни «яширин ҳолати» ва уларни Халоскор (ал-Маҳдий) сифатида қайтиб келиши ҳақидаги ғояни илгари сурганлар.

Жаноҳия: Тоифа раҳбари – Абдуллоҳ ибн Муовия ибн Абдуллоҳ ибн Жаъфар ибн Абу Толиб. Абдуллоҳ ўзини имом деб даъво қилган. Куфада у имомликдан кейин ўзини парвардигор деб эълон қилган ва Одам (а.с.)дан бошлаб илоҳий руҳ пайғамбарлар орқали унга ўтганини иддао қилган.

Бу тоифа ҳам жаннат ва дўзахни инкор этган, ароқ-май, зино, баччабозлик ва бошқа тақиқларнинг ҳаммасини ҳалол деб, ибодатларни вожиб эмас деб эълон қилган. Қуръон оятларини ўз нафсу ҳаволарига мувофиқ таъвил қилиб залолатга ботишган.

Уларнинг ақидасига кўра, Аллоҳнинг руҳи Одам (а.с.)га, сўнг ундан ўғли Шис (а.с.)га ўтган. Шу услубда кейинги буюк зотларга ўтиши давом этаверар эмиш. Яна бир ботил ақидаси шуки, ҳар бир мўмин кишига Аллоҳдан ваҳий келиб турар эмиш.

Абу Муслим Хуросоний жаноҳийлар сардори Абдуллоҳ ибн Муовия устига қўшин юбориб, уни ҳалок этган.

Хаттобия: Бу фирқанинг асосчиси Абул-Хаттоб Муҳаммад ибн Абу Зайнаб Асадий. Хаттобийларнинг асосчиси ва ғоявий

¹ Маҳдий – Исломда қиёматга яқин инсонларни яхшиликка чорловчи, уларни ягона ҳақ дин байроғи остида бирлаштирувчи «Маҳдий» (арабча – тўғри йўлдан огишмай юрувчи)нинг келиши ҳақида ҳадислар мавжуд. Суннийлик ақидасига кўра, Маҳдийнинг қачон ва қаерда пайдо бўлишини фақат Аллоҳ таоло билади.

рахнамосининг даъватига кўра, илоҳий руҳ то Жаъфари Содиққача бўлган Али (р.а.) хонадонига мансуб имомларга биринкетин жо бўлган. Куфа яқинига чодир ўрнатиб Абул-Хаттоб ўз тарафдорларини Худо имом сиймосида намоён бўлди деб Жаъфар ас-Содиққа ибодат қилишга чақирган. Бундан хабар топган Жаъфар ас-Содиқ Абул-Хаттобдан юз ўгирган ва уни дуоибад қилган. Шунда Абул-Хаттоб имомларнинг ҳаммалари илоҳлардир, имом Ҳасан ва имом Ҳусайн авлодини Аллоҳнинг ўғиллари ва севганлари деб атаган.

Кейинчалик Абул-Хаттоб илоҳий нур Алилардан ўзига ўтганлигини даъво қила бошлаган. Абул-Хаттобга эргашувчилар Жаъфар ҳам илоҳ, лекин Абул-Хаттоб ундан ҳам, Алидан ҳам буюк илоҳ, деган ақидада қолишган. Яна улар Муҳаммад, Али, Фотима, Ҳасан ва Ҳусайнларни Худо деб аташган. Ҳаром нарсаларни ҳалол деб билишган. Гуноҳ ишларни гуноҳ деб ҳисоблашмаган.

Абул-Хаттоб имомийлик меросий эканлигини рад этиб, имомлик – соф гоъвий фазилат, пайғамбарлар ва имомлар илоҳий мужассамликнинг кўринишидир, илоҳийлик – бу пайғамбарликдаги нур, пайғамбарлик – имомликдаги нур, дунё илоҳий нурдан маҳрум бўлиши мумкин эмас ва бу нур (имомлик) унга, еттинчи имомга ўтганлигини даъво қилган.

Хаттобийларнинг бир қисми 143/760 йил Муҳаммад ибн Исмоил тарафдорлари билан бирга Куфада аббосийларга қарши кўзғалон кўтаришган. Кўзголон бостирилиб, Абул-Хаттоб қўлга олинган, бир гуруҳ тарафдорлари билан бирга хочга тортилган. Уларнинг жасадлари ёндирилиб, каллалари халифа ал-Мансурга жўнатишган, халифа уларни уч кун Бағдод дарвозаларига осиб қўйишни, сўнгра ёқиб юборишни буюрган.

Қолган хаттобийлар бешта гуруҳга ажраб кетишган, улардан бири Абул-Хаттобнинг ўлганлигини инкор этиб, уни илоҳийлаштиришни давом эттирган, бошқалари эса, янги сайланган имомларни илоҳийлаштирганлар. Хаттобийлар учун умумий хусусият имомларни илоҳийлаштириш, уларнинг ғайритаб ий билимларига ишониш бўлган. Хаттобийлар жаннат ва дўзахни мажозий талқин қилганлар, ўликларни қайта тирилишини инкор этишган, руҳларнинг кўчишини тан олганлар. Барча

хаттобийлар дастлабки уч хулафои рошидин ва саҳобаларни, Али (р.а.)ни ўз вақтида имомликдан четлатганлари учун динсизликда айблашган.

Хаттобийларнинг ғоявий издошлари исмоилийлар – «еттичилар» бўлиб, уларнинг диний-сиёсий қарашлари, ўз навбатида қарматлар ҳаракати мафкурасининг муҳим қисмини ташкил этган.

Шалмағония: Бу фирқанинг асосчиси Ибн Азоқир лақаби билан танилган Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Али Шалмағоний бўлиб, шиалардан ажралиб чиққан имомийларнинг пешволаридан бири эди. У ўз даврида Аббосийларнинг иқтидорли вазири Абу ал-Ҳасан Али ибн Муҳаммад Фуротнинг ўғли Муҳсин билан дўстлиги сабабли вазирликка ишга кириб, котиблик мартабасига эришди. Бу пайтда исмоилия тоифасидан бўлган қарматлар ҳожилар қарвонига ҳамла қилиб, уларнинг бир гуруҳини ўлдирган вақт эди. Бағдод халқи Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад Фурот ва унинг ўғли Муҳсиндан рози эмасликлари сабаб уларни қарматлар билан ҳамкорликда айбладилар.

Муҳсин ўз душманларидан олдинроқ тадбир қўллаб ва қолган солиқларни талаб қилиб, Шалмағонийни вазирлик девонига ишга киритди ва унинг тадбири билан ўз душманларидан бир гуруҳини солиқни тўламаганликда айблаб ўлдирди. Аммо Ибн ал-Фурот ва унинг ўғли Муҳсин ўзларининг қарматлар билан бўлган алоқаси йўқлигини исбот қила оламганлиги сабаб халифа уларни 312/925 йилда қатл эттирди.

Шалмағоний бу воқеадан сўнг Бағдод шаҳридан қочиб, 320/932 йилгача Мусил шаҳри атрофида яширин тарзда яшаб юрди. Мамлакатдаги вазият бироз юмшагач, Бағдодга келди ва ўзининг янги ботил эътиқодларини тарқатишга киришиб кетди. У худоликни даъво қилиб, шариат ҳаром қилган нарсаларни ҳалол деб санаб, бачавозликка кенг йўл очиб берди.

Шалмағонийлар ўз хотинларини Ибн Азоқир ҳузурига унинг нуридан уларга ҳам юқсин деган бузуқ ақида билан ташлаб кетар эдилар. Улар Ибн Азоқирни Худо деб эътиқод қилар эдилар. Уларнинг бузуқ эътиқодларига кўра, Худо руҳи аввал Одам (а.с.)да, сўнг Шис (а.с.)га, ундан сўнг пайғамбарларнинг ҳар бирида ва анбиёларда

сўнг охирги имом Ҳасан Аскарӣдан кейин Ибн Азоқир баданига кирди, у Худо тажассум қилган инсон, деб эътиқод қилишар эди. Шунингдек, рўза тутиш ва ғул қилишни ножоиз ҳисоблаганлар. Ибн Азоқир ўзининг «Олтинчи ҳис» номли китобида зино ва фисқ-фужурни жоиз деб ўзини эса худолар худоси деб эълон қилди. Тарафдорларини ўзига сажда қилишга буюрди.

Хуруфия: Худодликка даъвогарлик қилган гуруҳларнинг яна бири бу ислом тарихида «хуруфийлар» номи билан машҳур бўлган. XIV–XV асрларда Эронда вужудга келган ғулот¹ шиа фирқаларидан бирининг тарафдорлари. Фирқага Фазлуллох Астрободий асос солган бўлиб, у тахминан 741/1340 йилда туғилган, у 788/1386 йилдан ўз таълимотини тарғиб қилиб чиққан. У араб ҳарфлари сирли мазмунга эга деган таълимотни илгари сургани учун «ал-Хуруфий», яъни луғавий маъноси «ҳарфчи» тахаллусини олган, фирқанинг номи шундан келиб чиққан.

Тарихий маълумотларга кўра, Фазлуллох Астрободийни Амир Темур Ширвонга бадарға қилган, шу сабабли хуруфийлар Темур ва унинг хонадонига мансуб ҳукмронларга нафрат билан қараган. Темурнинг Эрон ва Озарбайжон ерларида ҳукмронлик қилган ўғли Мироншоҳни дажжол деб таърифлашган. Хуруфийлар оз фурсат ичида Эрон, Озарбайжон, Туркия ва Сурияда тарқалган.

Хуруфийлар олам абадий, инсонда Худонинг қиёфаси акс этган, олам тараққиётининг ҳар бир босқичида Худо қиёфаси инсонда мужассамланиб намоён бўлади, ана шунда инсоннинг ўзи Худо бўлади, охирги пайғамбар – Муҳаммад, авлиёларнинг биринчиси Али, ўн биринчи имом Ҳасан Аскарӣ эса, имомларнинг охиргиси, Фазлуллох Астрободий – Худо тажассум топган биринчи инсон каби ақидаларни тарғиб қилганлар. Тез орада ерга Маҳдий келиб, илоҳий адолат ўрнатади, барчани тенг қилади, инсоннинг инсонга зулм қилиши тугайди, деб кутадилар.

¹ **Ғулот** – [араб. ғолий – *чегарадан чиққан*] – Ислом дини таълимотида жуда чуқур кетган фирқаларнинг умумий номи. Айрим ислом илоҳиётчилари шиаликдан ажралиб чиққан, лекин ўзларини мусулмон деб ҳисоблайдиган фирқаларнинг кўплари (исмоилийлар, нусайрийлар ва бошқалар)ни ҳам ғулот фирқалар деб таърифлайди ва уларни мусулмон ҳисобламайди. Ҳозирда экстремистик ҳаракатдаги тоифа оқимлар ҳам ғулот ҳисобланади.

Хуруфийлар мавжуд ҳокимиятга қарши қуролли кураш тарафдори бўлган. Улардан бир киши 830/1426-27 йилларда Хиротда temuрийзода ҳукмдор Шоҳрухга қарши суиқасд уюштириб, уни ярадор қилади, лекин у тир ик қолади. Қўлга олинган хуруфийлар махфий ташкилотининг аъзолари беаёв жазоланади ва жасадлари оловда ёндирилади. Хуруфийлар қаттиқ таъқиб остига олинади ва кейинчалик Эронда уларнинг издошлари туғаб кетади.

Нумайрия: Бу фирқанинг асосчиси Муҳаммад ибн Нусайр Нумайрий исмли шахс бўлиб, асли шиалардан эди. Дастлаб Муҳаммад ибн Нусайр имомликни ва кейинчалик эса пайғамбарликни ҳам даъво қилди. У таносух масаласини илгари суруб, Худойи таоло баъзи вақтларда Али (р.а.) жасадида ҳулул қиларди деган бузуқ ақидада собит турган. Шунингдек, у яна маҳрамлар билан никоҳни ва эркаклар билан жинсий яқинликни ҳалол деб ҳисоблаб, бу ишни камсуқумликдан, табиийликдан ва илтифот, хизматга тайёрликдан деб биларди ва бу иш яхши шахватга берилганликдандир ва Худо уни нораво ҳисобламаган», деб айтарди.

Нумайрий вафотидан сўнг унинг тарафдорлари Нумайрийнинг жисмига Аллоҳ ҳулул қилган, яъни кириб олган, деб иддао қилганлар.

Шу ва бошқа илоҳиятнинг даъво қилган Равофиз фирқалари кишиларининг барчаси диндан мутлақо чиқиб, залолатга кетган кимсалардир.

Муқаннаия: Ислом дини тарихида худоликка даъвогарлик қилган гуруҳлардан бири бу – Муқанниядир. Мазкур фирқанинг асосчиси Муқанна саналади. Муқанна – тарихий шахс бўлиб, у мураккаб тарихий даврда яшаган бўлиб, ўша даврнинг ўзига хос ўта мураккаблиги, инқирозларга мойиллиги, жамиятдаги адолатсизликнинг кучайиши, ички низолар ва турли уруш ҳамда қарама-қаршилиқлар, хусусан халифаликка қарши курашнинг авж олиши Муқанна шахсияти ва фаолиятида ўз аксини топган. Афсуски, собиқ шўролар даврида Муқанна шахсини миллий озодлик ҳаракатини олиб бориб, халифаликка қарши курашган инсон сифатида талқин қилиш кучли бўлган. Шу боис, бугунги замондошларимизнинг Муқанна шахсиятига бўлган муносабати ва

тарихий баҳоси ранг-баранг бўлиб, турли қарашлар ичида маълум фарқлар, тафовутлар мавжуддир.

Муқанна шахсияти, бир томондан, ислом дини ақидаларини бузиб кўрсатиш асосида ўзини илоҳий шахс сифатида тарғиб қилган бўлса, бошқа тарафдан, икки хил ақида ҳукмронлиги даврида, яъни мусулмонлар ва номусулмонлар қарама-қаршилиги даврида томонлар курашини ўзида акс эттирган шахс сифатида, учинчидан эса халифаликка қарши курашган оқим сифатида тарихда и з қолдирган.

Биз эса мазкур ўринда Муқанна шахсиятига нисбатан ислом манбаларида мавжуд бўлган тарихий фактлар асосида, шунингдек, Муқаннанинг ўзи илгари сурган ғоялари, шу жумладан худоликни даъво қилиши нуқтаи назаридан ҳолис баҳо берамиз. Мазкур ўринда ислом дини тарихи бўйича сақланиб қолган асарлар асосида тарихий ҳақиқатни баён қилиш усулидан фойдаланамиз.

Муқанна ислом эътиқоди тарихида ўзини аввал пайғамбар, кейинчалик, Худо ўрнида тарғиб қилган, Яратган номидан ислом ақидаларини ислоҳ қилишни даъво қилиб, турли нотўғри фатволар чиқариб, уларни янги дин номи билан ташвиқ қилишга уринган, кўпчилик фатволари боис кундалик ислом амалиётини бадном қилишга саъй-ҳаракат қилган инсон сифатида танилган.

Муқанна ўз ҳаёти ва фаолиятини ўзи яшаган давр ва жамиятни қайта қуришдан бошлайди. Муқаннанинг бош мақсади мавжуд ижтимоий бойликларни қайта тақсим этиш билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Мана шу мақсадда одамларни ўз атрофида бирлаштириш учун Муқаннага бирор бир ғоя керак эди. Шу боис, Муқанна ислом эътиқоди ва унинг турли ақоидларидан ўз мақсадларида фойдалана бошлайди. Муқанна ўз шахсиятининг улуғлиги, тарихийлиги ва асослигини, муҳими унинг илоҳийлигини кўрсатиш учун пайғамбарлик, худолик ғояларидан устамонлик билан фойдаланиб, ислом арконлари ва асосларини яхши билмаган оми одамларни ўз ортидан эргаштира бошлайди. Жамиятдаги тенгсизлик, адолатсизликдан хориган одамлар Муқаннанинг янги жамият барпо қилиш ғояси ортидан эргаша бошлайди.

Муқаннанинг ислом дини арконлари ва ислом таълимотига қарши олиб борган фаолияти ва ғоялари ҳаммага яхши маълум.

Муқаннанинг ишлари ва таълимотини ҳеч бир замонда ислом дини, хусусан ортодоксал ислом динини кучайтирган ва ёки уни тарғиб қилишга йўналтирилган саъй-ҳаракат сифатида баҳолаб бўлмайди. Чунки ислом арконларига биноан инсон худоликни даъво қилишга мутлақо ҳақли эмас, пайғамбарлик масаласида охириги пайгамбар Муҳаммад (с.а.в.) эжанлиги борасида ижмоъ қилинган. Муқанна эса мавжуд ислом арконларига қарши чиқади ва уларни ислоҳ қилишга уринади. Муқанна шахси ва унинг фаолияти борасида тарихий манбаларда¹ қуйидаги фикрларни тасдиқловчи тарихий фактлар билан бир қаторда кўплаб афсоналар ҳам сақланиб қолган. Тарихий манбаларда муқаннаия фирқаси ҳақида қуйидаги маълумотлар мавжуд.

Худоликни даъво қилган бу фирқа разомия йўлидан борган. Ақидаси – фақат ўз замонасининг имомини таниб олиш кифоя, шунда зиммасидаги омонатни адо этган бўлади. Кимки шу икки ишнинг уддасидан чиқса, улар зиммасидан барча вожиботлар соқит бўлади, яъни улар барча бошқа вожиб бўлган амаллардан озод саналади. Шунингдек, фирқа эргашувчиларига барча ҳаром саналган нарсаларни ҳалол деб фатво берилган. Шу асосда, намоз, рўза ва бошқа ибодатлардан озод қилинган.

Муқанна худолик даъво қилиб, ўзининг юз кўринишини оддий халқдан яшириш учун юзига ипақдан ниқоб тақиб юрган. Унинг асл исми Ҳошим ибн Ҳаким бўлиб, Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахийнинг ёзишича, у кўп ўқиган, ғоят зийрак бўлиб, кимёгарлик, сеҳр ва тилсим илмларини ўрганган. Араб, форс тилларини яхши билган. Бир кўзи кўр, боши кал ва башараси хунук

¹ Studies. Browne, LHP, I, 318-323; Barthold, Turkestan, 199-200; Gh. H. Sadighi, Les mouvements religieux iraniens aux II et III siècles de l'hégire, Paris 1938; S. Moscati, Studi storici sul califato di al-Mahdi, in *Orientalia*, N.S., xiv (1945), 333-344; A. Yu. Yakubovskiy, Vosstaniye Mukanni – Dviženiye L'udey v belikh odeždakh, in *Sov. Vostok*, v (1948), 35-54; B. Spuler, Iran in früh-islamischer Zeit, Wiesbaden 1952, 198-199; H. Laoust, Les schisms dans L'Islam, Paris 1965, 74; B. Scarcia Amoretti, in *Camb. hist. Iran*, iv, 495-503; E.L. Daniel, *The political and social history of Khurasan under Abbasid rule 747-820*, Minneapolis and Chicago 1979, 137-147; Шаҳобиддин Аҳмад ибн Абдулваҳҳоб ан-Нувайрий. Ниҳоят ал-араб фи фунун ал-адаб. Нашрга тайёрловчи Муҳаммад Жобир Абдулолий ас-Суҳайний. 1404-1984. – Ж. 22. – Б. 109-111; Атиф Шукрий Абу Авд. Аз-зандақа ва аз-занадиқ. – Уммон. Дор ал-фикр Уммон. 1938. – Б. 127; Тарихи Табарий. – Ж. 8. – Б. 135-138.

бўлганлигидан боши ва юзига кўк парда тутиб юрган. Шунинг учун ҳам «Муқанна», яъни «Ниқобдор» лақаби билан машҳур бўлган. Яъкубийнинг тасвирлашича, Муқанани Ҳошим ул-аъвар, яъни бир кўзли Ҳошим деб ҳам атаганлар.

Муқанна ёшлик чоғида кудунгарлик (матоларга оҳор берувчи) касби билан шуғулланган. Хуросон ноибларидан Абу Муслим даврида сарҳанглик (кичик лашкарбоши) ва Абдулжаббор Аздий даврида (140/757–142/759) эса вазирлик даражасига кўтарилган. Хуросон амири Абдулжабборнинг 142/759 йилда халифага қарши исёнида қатнашгани учун зиндонга ташланган. Бир неча йилдан сўнг зиндондан қочган.

Наршахий ўзининг «Бухоро тарихи» номли асарида Муқанна кўзғолонини тасвирлашда Иброҳим исмли муаллифнинг «Ахбори Муқанна» («Муқанна ҳақидаги хабарлар») асаридан фойдаланган.

Ўша даврда Бухорога Таъшода асмли аёл подшоҳлик қилган. Унинг ўғли Бунёд отаси ислом динини қабул қилганидан сўнг туғилган. Бир қанча вақт мусулмон бўлиб турди. Муқанна пайдо бўлиб оқ кийимлилар кўзғолони Бухоро қишлоқларига тарқалгач, Бунёд уларга мойил бўлиб ёрдам берди ва натижада оқ кийимлиларнинг қўллари узайиб, улар ғалаба қозондилар. Алоқа (хат-хабар) ишлари бошлиғи бу ҳақда халифага хабар юборди, халифа Маҳдий ибн Мансур эди. Маҳдий ибн Мансур Муқанна ва оқ кийимлилар ишларидан воқиф бўлганидан кейин муқанниячилар ҳаракатини бўйсундириш учун (Бухорога) отлиқ аскарлар юборди.

Бунёд Фарахший 166/783 йили қасрида мажлис (тузиб) шароб ичар ва дарчадан қараб ўтирар эди. У узоқдан шошилиш билан келаётган отлиқларни кўрди ва улар халифа томонидан эканликларини фаросат билан англаб, қарши чора кўришга киришар-киришмас отлиқлар етиб келдилар ва ҳеч бир сўз айтмасдан қиличларини қиндан суғуриб, унинг бошини кесдилар. Бунёд ибн Таъшоданинг ўлиmidан сўнг барча одамлари қочиб кетди, (халифа юборган) отлиқлар ҳам қайтди.

«Ахбори Муқанна» (номли китоб)нинг муаллифи Иброҳим ва Муҳаммад ибн Жарир Табарийларнинг айтишларича, Муқанна Марв атрофи аҳолисидан, Коза деб аталган қишлоқдан бўлиб, номи Ҳошим ибн Ҳаким бўлган. У аввалига хунармандчилик билан

шуғулланиб, сўнг илм ўрғанишга машғул бўлади. У кўзбўямачилик, сеҳр ва тилсим илмларини ўрганди. Кўзбўямачиликни яхши билиб олиб, пайғамбарлик даъвосини ҳам қилди ва уни Маҳдий ибн Мансур 167/784 йилда ўлдирди.

Муқанна кўзбўямачиликни ўрганган ва ғоятда зийрак бўлиб қадимги (олимлар) илмларига оид кўп китобларни ўқиган ва жодугарликда устоз бўлган эди. Унинг отасининг исми Ҳаким бўлиб, у Абу Жаъфар Давонақий давридаги Хуросон амирининг Балхдан чиққан лашкарбошиларида бири эди.

Ҳошим ибн Ҳакимни Муқанна дейишларига сабаб шу эдики, у жуда хунук, боши кал ва бир кўзи кўр бўлганидан ҳамиша боши ва юзига кўк парда тутиб юрар эди. Шу Муқанна Аббосийлар даъватчиси Абу Муслим замонида Хуросон лашкарбошиларида бири бўлиб, Абдулжаббор Аздийга вазир бўлди ва пайғамбарлик даъвосини қилди ва бир қанча вақт шу даъвода турди. Абу Жаъфар Давонақий одам юбориб, уни Марвдан Бағдодга олдириб келди ва бир неча йил давомида зиндонда тутди.

Шундан кейин у зиндондан қутулиб яна Марвга қайтиб келди ва одамларни йиғиб: «Менинг ким эканимни биласизми?» – деб сўради. Одамлар: «Сен Ҳошим ибн Ҳакимсан», – дедилар. У: «Янглишдингиз, мен сизнинг ва бутун оламнинг Худосиман» ва яна: «Ўзимни қандай ном билан аташни истасам атайбераман», деди ҳамда: «Мен жалққа ўзимни Одам (Ато) суратида, кейин Нуҳ суратида, кейин Иброҳим суратида, кейин Мусо суратида, сўнг Исо суратида, кейин Муҳаммад мустафо суратида, кейин Абу Муслим суратида кўрсатган зотман, энди эса мана ўзингиз кўриб турган суратдаман», – деди. Одамлар: «Бошқалар пайғамбарлик даъвосини қилган эдилар, сен эса худолик даъвосини қиляпсан», – дедилар. Муқанна: «Улар нафсоний эдилар, мен эса руҳонийман ва уларнинг (баданлари) ичида эдим, менда шундай қудрат борки, ўзимни қандай суратда кўрсатишни истасам, шундай суратда кўрсата бераман», – деди.

Муқанна ҳар бир вилоятга нома ёзиб, уни ўзининг ташвиқотчиларига берди. Номага мана шуларни ёзди: «Раҳмли ва меҳрибон тангри номи билан, саййидлар саййиди Ҳошим ибн Ҳакимдан фалончи ўғли фалончига, ҳамд Худога бўлсин,

ундан бошқа Худо йўқ. У Одамнинг ҳам Нух, Иброҳим, Мусо, Исо, Муҳаммад ва Абу Муслимларнинг ҳам Худосидир. Сўнгра (сўз шуки), қудрат, эгалик, иззат ва ҳужжат Муқаннаникидир; менга имон келтиринг ва билингни, подшоҳлик менга хос, азизлик ва худолик меники, мендан бошқа Худо йўқ, кимки менга имон келтирса, жаннат ўшаники, кимки менга имон келтирмаса дўзах уники».

У ҳали Марвда турган вақтидаёқ ҳар ерга даъватчиларини юборди ва кўп халқни йўлдан оздирди. Марвда араблардан Абдуллоҳ ибн Амин номли бир киши бор эди, у Муқаннага имон келтирди ва қизини унга хотинликка берди. Ана шу Абдуллоҳ Жайхундан ўтиб Нахшаб ва Кеш шаҳарларига келди ва ҳар ерда халқни Муқанна динига чақириб, кўп кишини йўлдан оздирди. Муқаннага эргашганлар Кеш шаҳрида ва унинг қишлоқларида кўпроқ эди.

Дастлаб Муқанна динига эътиқод қилиб, унга кирган ва унинг динини юзага чиқарган қишлоқ Кешга қарашли бўлган Субах номли қишлоқ бўлади. Мазкур қишлоқ аҳолисининг энг улуғ кишиси — Умар Субахий эди. Улар халифаликка қарши кўзғолон кўтардилар. Қишлоқнинг амири араблардан бўлиб, солиҳ бир киши бўлади, бироқ кўзғолончилар уни ўлдирадилар. Сўғднинг кўпчилиги қишлоқлари Муқанна динига киради. Бу давр мазкур худудга эндигина ислом дини кириб келган, ҳали у чуқур илдиз отмаган давр бўлиб, Бухоро қишлоқларида кўпчилик аҳоли ҳали яккахудоликка эътиқод қилмаган давр бўлади. Шу боис, улар ислом эътиқодига ишонмайдилар. Ниҳоят мазкур фитна кенгайиб кетади, чунки муқанначилар ва мусулмонлар орасида қаттиқ қарама-қаршилиқ вужудга келади. Муқанна ўз тарафдорлари учун атрофдаги мусулмонларнинг қони ва молини ҳалол деб ҳукм чиқарди. Шунга кўра, муқанначилар карвонларни, қишлоқларга бостириб кириб, уларни вайрона қилар эди. Муқанна тарафдорлари вилоятларни талар, мусулмонларнинг хотин ва болаларини асир қилиб, қарияларни ва ўзларига қаршилиқ кўрсатган барча эркакларни ўлдираб эдилар.

Муқанна ўз тарафдорларига мусулмонларнинг қони ва молини улар учун ҳалол деб ҳукм чиқарди. Унинг тарафдорлари вилоятларни

талар, мусулмонларнинг хотин ва болаларини асир қилиб, қария ва уларга қаршилик қилган эркакларни ўлдирар эдилар.

Муқаннанинг ҳаммаслаклари бўлган оқ кийимлилардан бир гуруҳи 159/776 йилда Нумижкат қишлоғига бориб, у ернинг барча аҳолисини ва кечаси масжидга кириб ўн беш кишини ҳамда муаззинни ҳам биргаликда ўлдирдилар.

Маоз ибн Муслим Сўғд ва Самарқандга бориб, оқ кийимлилар билан икки йилгача кўп урушлар қилди, гоҳ у ва гоҳ душман ғалаба қозонар эди. Икки йилдан кейин у Хуросон амирлигидан истеъфо берди ва Мусайяб ибн Зухайр Забий Хуросонга амир бўлди ва Бухорога келди. Шу вақт Бухоро амири Жунайд ибн Холид эди, уни Хуросон амири Хоразмга юборди.

Бухорода Муқанна саркардаларидан бўлган Кулортегин номли бир саркарда бор эди, у лашкар ва мулозимлар тузиб Мусайяб билан урушлар қилди.

Муқанна ўзига қароргоҳ қилиб Сом тоғидаги қалъани (Шахрисабз шаҳри яқинида) танлади. Самарқанд, Бухоро, Кеш, Наршах шаҳарлари қўзғолон марказига айланган. Халифа Мансур Жаброил ибн Яҳёни Озарбайжондан катта ҳарбий куч билан Мовароуннаҳрга юборган, аммо Жаброил муқанначилардан енгилган. 10 минг аскар билан Жаброилга ёрдамга юборилган Уқба ибн Салим биринчи марта Кеш ва Самарқандда Ғарича бошлиқ, иккинчи марта 14 минг аскар билан Термиз яқинида Сархама ва Кай ёки Ғузий бошлиқ муқанначилар томонидан тор-мор келтирилди. Натижада Нахшаб ва Чағониён вилоятлари муқанначилар қўлига ўтди. Қўзғолон 159/776 йилдан Бухоро воҳасида кучайиб кетди.

Наршах қалъаси қўзғолончиларнинг қўрғонига айлантирилган. Бунда «оқ кийимликлар»нинг катта қисми тўпланган. Шу йили Наршах қалъаси яқинида «оқ кийимликлар» билан араблардан Бухоро амири Хусайн ибн Маоз ва Самарқанд ноиб Жаброилнинг бирлашган қўшинлари ўрта сида 4 ой мобайнида жанг бўлди. Жангда «оқ кийимликлар»нинг қўли баланд келди, аммо сон жихатдан кўп бўлган араб қўшинлари Наршах қалъаси девори остидан узунасига 50 газли лаҳим кавлаб, уни қулатгач, қалъага бостириб кирганлар. Қалъа ичида давом этган шиддатли жангларда муқанначилар

енгилган, қўзғолон бошлиқларидан Ҳақим ибн Аҳмад ва Ҳашвийлар ўлдирилган. Наршахдаги қўзғолон бостирилгач, араблар асосий кучни Муқаннанинг маркази бўлган Самарқанд ва Кешга ташладилар. Халифа Маҳдий 160/777 йилда Муқаннага зарба бериш учун Нишопурга келди. Хуросон ноиби Маоз ва Ҳирот амири Сайд Хараший бошлиқ катта қўшин Самарқандга юборилди. Муқанначилар билан бўлган жангда араб қўшинлари мағлубиятга учради. Натижада Маоз Хуросон ноиблигидан истеъфога чиқди. Самарқанд 2 йиллик тўқнашувлардан сўнг таслим бўлди. Сўнгра арабларнинг бирлашган қўшинлари Муқаннага қарши ташланди. Наршах ва Самарқандда «оқ кийимлилар» енгилгач, Муқаннанинг Сом тоғидаги истеҳкоми қамал қилинди. Узоқ давом этган қамалдан сўнг тинкаси қуриган муқанначилар таслим бўлдилар. Муқаннанинг укаси Қабзам 3000, Сом қўргони мудофаасига қўмондонлик қилаётган Сархама 3300 кишилиқ қўшини билан Сайд Харашийга таслим бўлдилар.

Муқаннанинг ҳаёти, хусусан унинг ўлими борасида турли афсоналар тарихий манбаларда сақланиб қолган.

Масалан, Муҳаммад ибн Жаъфарнинг ривоят килишича, Муқанна лашкаридан мовароуннаҳрликлар, турклар ва бошқалардан иборат эллик минг киши унинг қалъаси дарвозасига йиғилиб, сажда ва зорий қилиб ундан дийдор кўрсатишни сўрадилар. Ҳеч бир жавоб ололмагач, яна сўрашда давом этиб: «Ўз эгамизнинг дийдорини кўрмас эканмиз, бу ердан қайтиб кетмаймиз», – дедилар.

Муқаннанинг Ҳожиб номли бир қули бор эди, Муқанна унга: «Бандаларимга, айт, Мусо мендан дийдор кўрсатишни сўради, тоқат қилолмаслиги сабабли кўрсатмадим. Мени кўрган ҳар бир киши тоқат қилолмай дарҳол ўлади», – деди. Улар ялиниб-ёлвориб яна сўрайвердилар ва: «Биз дийдор истаймиз, агар ўлсак, бу айни муддао», – дедилар. Муқанна: «Фалон куни келинг, сизга дийдор кўрсатаман», деб ваъда берди.

Шундан кейин Муқанна қалъада ўзи билан турадиган хотинларга буюрди, улар Сўғд, Кеш ва Нахшаб деҳқонларининг қизларидан иборат бўлиб, юзта хотин эдилар. Муқаннанинг шундай одати бор эди: қаерда хушрўй хотин бўлса, унга хабар берар эдилар ва

Муқанна уни олдириб келиб ўзи билан бирга сақлар эди. Қалъада у билан бирга шу хотинлар ва ўша хос қулдан бошқа ҳеч ким бўлмас эди. Қалъадагиларнинг озиқ-овқат каби эҳтиёжлари бўлса, ҳар куни бир марта қалъа дарвозаси очилар, ташқари томонда эса бир вакил бўлиб, у керакли нарсаларни тайёрлар, ҳалиги қул вакилни чақириб у нарсаларни қалъа ичкарасига олиб киргач, яна қалъа дарвозасини беркитар эди.

Шундай қилиб, у ўша хотинларнинг ҳар бирига ойна олиб қалъанинг тепасига чиқиб бир-бирининг рўбарўсига туришга ва қуёш нури ерга тушган пайтда барча ойналарни қўлга олиб, бетафовут бир-бирига рўбарў қилиб тутишга буюрди. Халқ тўпланган эди. Қуёш нури ойналарга тушгач, унинг акси билан ўша жой нурга тўлиб кетди. Шу вақт Муқанна қулига: «Ана қаранг! Худо ўз юзини кўрсатяпти деб, бандаларимга айт», – деди.

Тўпланган халқ қараб, бутун жаҳоннинг нурга тўлганини кўриб кўрқдилар ва ҳаммалари бирдан сажда қилиб: «Эй Худо! Қудратинг ва улуғлигингни шунчалик кўрганимиз етади, бундан кўпроқ кўрсак юрагимиз ёрилади», – дедилар. Улар ҳануз саждада эканлар, Муқанна яна қулига: «Саждадан бошларингизни кўтаринг! Худо сиздан рози ва гуноҳларингизни кечди, деб умматларимга айт», – деди.

У жамоа кўрққан ва ваҳимага тўлган ҳолда бошларини саждадан кўтардилар. Шу вақт Муқанна: «Ҳамма вилоятларни сизлар учун ҳалол қилдим. Кимки менга имон келтирмаса, унинг қони, моли ва фарзандлари сиз учун ҳалол», – деди. Шундан кейин у жамоа талончиликка берилиб кетди. Бу жамоа бошқалар олдида фахрланиб: «Биз Худони кўрдик», – дер эди.

Муҳаммад ибн Жаъфарнинг Кеш деҳқонларидан бўлган Абу Али Муҳаммад ибн Ҳорундан ривоят қилишича, Абу Али шундай деган: «Менинг бувим Муқаннанинг ўзи учун олиб келиб қалъада сақлаб турган хотинлари жумласидан бўлган экан.

У шундай ҳикоя қилар эди: «Бир куни Муқанна хотинларни ўз одати бўйича овқат ейишга ва шароб ичишга ўтирғизиб, шароб ичига заҳар солди-да, ҳар бир хотин учун биттадан хос қадах тутқизиб айтди: «Мен ўз қадахимдаги шаробни ичганимда, сизлар ҳам қадахларингизни бутунлай бўшатишингиз лозим». Ҳамма

хотинлар ичдилар, мен эса ичмасдан шаробни қўйлагим ёқасига тўқдим, Муқанна буни пайқамади.

Ҳамма хотинлар (ҳушсиз) йиқилиб ўлдилар; мен ҳам ўзимни уларнинг орасига ташлаб ўлганга солиб ётдим. Муқанна менинг ҳолимдан беҳабар эди. Кейин Муқанна ўрнидан туриб қараб, ҳамма хотинларнинг ўлиб ётганини кўрди-да, ўз қулининг олдига борди ва қилич билан унинг калласини кесди. Муқаннанинг фармони билан уч кундан бери тандир қизитаётган эдилар. Муқанна ўша тандир ёнига бориб кийимини ечди ва ўзини тандирга отди. Тандирдан бир тутун чиқди. Мен у тандир олдига бориб унинг вужудидан ҳеч асар кўрмадим. Қалъада бирор тирик киши йўқ эди.

Унинг ўзини ўзи куйдиришига сабаб шу эдики, у ҳамиша: «Қачон бандаларим менга бўйсунмасалар, мен осмонга чиқиб у ердан фаришталарни олиб келаман ва уларни бўйсундираман», дер эди. «Халқ Муқанна фаришталарни олиб келиб, бизга осмондан ёрдам бериш учун осмонга чиқиб кетди; унинг дини дунёда (абადий) қолади», десин деб Муқанна ўзини ўзи куйдирди. Кейин у хотин қалъа дарвозасини очди ва Саъид Ҳараший кириб у ердаги хазинани олди».

Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Наср шундай дейди: «Бу қавмдан Кеш ва Нахшаб вилоятида, Кушки Умар, Кушки Хиштигон ва Зармон қишлоғи каби Бухоро қишлоқларида ҳозирда ҳам сақланиб келмоқда. Улар ўзлари Муқаннанинг ким эканлигидан бутунлай хабарсиз бўлсалар ҳам унинг ўша динидалар. Уларнинг тутган йўллари шуки, намоз ўқимайдилар, рўза тутмайдилар ва жунуб бўлганларида ғусл қилмайдилар, лекин омонатга хиёнат қилмайдилар. Бу одатларининг ҳаммасини мусулмонлардан яширин тутадилар ва мусулмонлик даъво қиладилар.

Бундан минг йил олдин вафот этган машҳур олим Абдулқохир Бағдодийнинг ёзишича ўша пайтда муқанначилар Иблoқ тоғларида одамлардан ажраган ҳолда ваҳшиёна ҳаёт кечириб ўтганлар. Ибодатсиз, ҳаром-ҳариш фарқига бормай, аёллардан умумий фойдаланишиб, ўлимтик ва чўчқа гўштларини еб дунёдан ўтиб кетишган.

Мансурия: Бу фирқанинг асосчиси Абу Мансур Ижлий бўлиб, саҳройи ва саводсиз одам бўлган. Шиаларнинг бешинчи имоми Муҳаммад Боқир 114/732 вафотидан сўнг Абу Мансур Куфада даъват билан чиққан, ўзини шу имомнинг вориси (халифаси), ишончли вакили деб эълон қилган.

Сўнгра у пайғамбарликка даъво қилиб, гўё Аллоҳ уни ўзига яқин олиб, сурёний тилида уни ўғлим деб атаганлиги борасида гапирган. Пайғамбарлик унинг олти авлодида давом этажаги, сўнггиси Маҳдий бўлишини даъво қилган. Аллоҳ ерга ўз «xabарчилари»ни юборишини тўхтамаслигини тарғиб қилиб, Абу Мансур ўзини ерга қулаб тушган «осмоннинг бир парчаси» (кисф, шундан мансурийларнинг бошқа номи – кисфийлар) деб эълон қилган.

Унинг наздида осмон деганда Муҳаммад (а.с.) уруғлари – хошимийлар, ер деганда эса – шиалар тушунилган. Унинг даъвоси: Аллоҳ Муҳаммад (а.с.)ни Қуръон билан, уни эса – Қуръон шарҳи билан юборганлигига асосланган.

Яна мансурийларнинг бузук фикрига кўра, имомлик Ҳазрат Алидан унинг зурриёти орқали Боқирга ўтган ва Ижлий унинг ўринбосари бўлган, сўнгра у осмонга кўтарилган, Аллоҳ унинг бошини қўли билан силаган ва менинг тўғримда халққа хабар бер, деб ерга туширган.

Бу фирқа тарафдорлари жаннат, дўзах, қайта тирилиш кабиларни мажозий маънода талқин қилиб, амалда уларни инкор этганлар. Қуръондаги жаннат шу дунё неъматлари, дўзах эса, шу дунё мусибатлари деб таъвил этишган ва ўз мухолифларини бўғиб ўлдиришни ҳалол деб билишган.

Бу фирқа тарафдорлари Муғира фирқаси ақидасига ҳамоҳанг ақидага амал қилиб, улардан фарқли ўлароқ зинокорлик ва баччабозлик каби фаҳш ишлар билан ҳам мунтазам шуғулланганлар.

Ироқда Юсуф ибн Умар Сақафий Бағдод волийси бўлган даврда (120/738–124/742) фирқанинг қилмишларидан воқиф бўлиб, уларнинг раҳбари Ижлийни осиб ўлдириб, фирқа тарафдорларининг барчасини қатли ом қилган.

Мансурия оқимининг тирик қолган тарафдорларига Абу Мансурнинг ўғли Хусайн раҳбарлик қилган. У ҳам пайғамбарликни даъво қилган. Унинг издошларини хусайнийлар деб аташган. Уларнинг фаолияти ўттиз йилча давом этган.

Халифа Маҳдий даврида (158/775–169/785) Хусайн қўлга олиниб, халифа ҳузурига келтирилган ва унинг буйруғига кўра хочга тортилган. Халифа ундан қолган жуда катта бойликни мусодара қилиб, унинг издошларини таъқиб этиб, қатл эттирган.

Мансурия таълимоти Ироқда фаолият олиб борган шиаларнинг бошқа таълимотлари каби ўз мазмунига яҳудий-христиан динлари хусусиятларини сингдириб, уларнинг баъзи унсурларини киритган. Жумладан, Абу Мансурнинг даъвосига кўра, Аллоҳ биринчи бўлиб Исо (а.с.)ни яратган.

Товусия: Бу фирқанинг асосчиси шиалардан бўлмиш Товус ал-Урафо лақабли тамаки сотувчи Оғо Мухаммад Козим Исфаҳоний эди. Товус ал-Урафо асли неъматуллоҳия тариқатидан бўлиб, Исфаҳонда туғилган ва муридлик қўлини Ҳожи Зайнал-Обидин Ширвонийга берган.

Товус ал-Урафо Техронга келиб, ўзини энг олий маънавий камолотга эришган киши, деб даъво қилди. Шунингдек, у худолик даъвосини қилиб шундай дерди: 124000 пайғамбар ва 12 имом унга ҳулул қилган, яъни вужудига сингган ва у ўзини пайғамбарлар ва имомларнинг халифаси ва ердаги тажаллийсиман, агар уларнинг ҳаммаси бу дунёга қайтиб келсалар, менга итоат этадилар. Мен Қуръон, намоз, рўза ва ҳажнинг ботиниман, менинг қудратимдан ҳеч нарса ташқарида эмас. Тириклар ва ўликлар ишини текшириш (тергов қилиш) менинг ишимдир. Кимки ўн икки йил буткул менга итоат қилса ва мендан фармон олса, комил инсон бўлади, янги нарса яъни, руҳ бўлади ва у қуёшларнинг қуёши бўлади.

Фирқа тарафдорлари Товус ал-Урафого олам кўзи билан қараш лозим, зоҳирий кўз билан эмас дердилар. Унинг тарафдорларининг эътиқодларига кўра, улар гўшт топиб, Товус ал-Урафо учун қозон қайнатиб, қозонни эса қозон осган мурид бошига қўйиб олий маънавий такомилга эришган одам оёғи олдига қўйиб, ўз меҳмонларига тақсим қилар эди. Улар бу расм-русумни «ниёз» деб атайдилар.

Товус ал-Урафога агарда ўз муриди ҳадялар олиб келса, унга бошқа сен учун намоз йўқ, чунки мен бу ниёзингни қабул этдим, дерди. Товус ал-Урафо 12 93/1876 йилда Техронда вафот этди ва Рай шахридаги Ҳазрат Абдулазим қабристонинг Сирожил-мулк мақбарасига дафн этилди.

Яҳёия: Бу фирқанинг асосчиси Яҳё ибн Зайд ибн Али ибн Ҳусайн ибн Али ибн Абу Толиб бўлиб, отаси Зайд ибн Али ибн Ҳусайн Зайнул-Обидин вафотидан сўнг Хуросонга борди, Сарахсга етган пайтда «маҳкама» ва «хавориж»дан чиққан баъзи кишилар Бани Умайяга қарши урушга чиқишга ундадилар. Аммо Яҳё уларнинг таклифини қабул қилмай Балхга кетиб, у ерда Ҳариш ибн Умар ибн Довуд ҳузурида бироз яшаб қолди.

Аммо Яҳё ибн Зайд Балхда истиқомат қилиб юрган вақтларида ўз атрофига тарафдорлар йиғиб, халқни нотўғри йўлга бошлаётгани хабари Хуросон ҳокими Наср ибн Сайёрга етиб бориб, уни ҳибсга олди ва Марв қалъасидаги зиндонга ташлади. Бироқ қалъадаги баъзи бир мансабдор шахсларнинг кўмаги билан зиндондан қутилиб чиқиб, атрофига бир юз йигирмадан ортиқ кишини йиғиб Абаршаҳр ҳокими Умар ибн Зарора билан урушди ва Умар ўлдирилди. Бундан хабар топган Наср ибн Сайёр шомликлардан иборат саккиз минг сипоҳийлар билан уни таъқиб этиш учун жўнатди.

Наср ибн Сайёр томонидан юборилган қўшин Журжон вилоятидаги бир қишлоқда Яҳё ибн Зайдга етиб олиб, уч кун урушди. Хуллас, Яҳё ибн Зайд ўлдирилди ва унинг жасадини Журжон дарвозасига осиб қўйдилар. Яҳёнинг тарафдорлари бўлмиш қора либослилар у ерга боргунга қадар унинг жасади дорга осилиб турди ва улар келиб, жасадни пастга тушириб, дафн этдилар.

Хуррамия¹: Хуррабийлар икки турга бўлинган. Биринчи тури ислом дини келгунча чиққан монийлик-маздакийларга² хос

¹ **Хуррамия** – [форс. *хуррамдин* – «хуш, хуррам эътиқодга эга»].

² **Маздакийлик** – Диний-фалсафий таълимот. Асосчиси Маздак шарафига шундай ном олган. Маздакийлик Зардуштакон номли «ашаддий» монейлик тариқатидан келиб чиққан бўлиб, бу тариқат баъзи маълумотларга кўра, III асрда, бошқасига кўра эса, V асрда вужудга келган. Унинг мухлислари эзгуликнинг ёвузлик устидан узил-кесил ғалаба қозонишига ишонганлар. Маздакийликда асосий ёвузлик бо йликка ҳирс қўйиш ва камбағаллик деб таъкидланади. Ижтимоий зулмга қарши кураш муқаддас вазифа ифатида талқин этилади ва

бўлиб, дин ва урфда тақиқланган барча ишларни, гуноҳларни бекор қилиб, хусусий мулкчиликни инкор қилишган, мол-мулк ва аёллардан оммавий равишда фойдаланиш мумкин деган ғояни илгари сурганлар. Бу фитна то Ануширвон давригача давом этган. Ануширвон уларни қатли ом қилгандан кейин ибодия ҳаракати барҳам топган.

Иккинчи тури Хуррамдиния бўлиб, ислом дини келгандан кейин нам оён бўлган. Улар икки қисмга бўлинган – Бобакия ва Мозиёрия. Бу икки қисмнинг умумий номи Муҳаммадир.

Низомулмулкнинг таърифига кўра, хуррабийлар ислом душмани, улар нафақат шариатни, балки умуминсоний ахлоқий нормаларни ҳам инкор этганлар, улар барча ман этилган нарсаларни, жумладан, бошқаларнинг мол-мулки ва ҳатто аёлларига эгалик қилишни ҳам жоиз деб ҳисоблашган.

Хуррабийлар баъзи инсонларни, жумладан, Абу Муслим¹– Маҳдий, Абу Муслимнинг қизи Фотиманинг ўғли Ферузга

унга диний тус берилади. Маздакийликнинг асосий ғояси мулкий тенгликни ўрнатишдан иборат. Бу тенглик барча моддий бойликларга деҳқонлар жамоаси орқали эгалик қилиш, яъни моддий бойликлар одамларга тенг тақсимланиши керак, деб тасаввур этилади. Табақавий тенгсизликни йўқотишнинг самарали усули сифатида хотинларни умумий деб эълон қилганлар. Бу ғоя халқ оммаси ичида кенг тарқалиб, маздакийлик ҳаракатининг мафқураси сифатида хизмат қилган. Мусулмон тарихчиларининг бир қисми маздакийлик ғоясининг асосий унсурларини ўзлаштириб олган хуррабийларни маздакийлик билан айнан бир деб ҳисоблаганлар. Зардуштийлардан маздакийлар муқаддас оловга эътиқод қилмаслиги билан ажралиб туради. Маздакийлар ҳаракати жамоа ҳуқуқларини қайта тиклаш, ер-сув ва мол-мулкка баробар эгалик қилиш, ҳамманинг тенг ҳуқуқли бўлишини таъминлаш учун кураш шиори остида бошланган. Маздакийлар ҳаракатининг бошланғич даврида сосонийлар подшоси Кубод I (488-531) бу ҳаракатдан ўз манфаатлари мақсадларида фойдаланишга интилган ва маздакийлар ёрдамида йирик ер эгалари, зодагонлар ва зардушт коҳинлари (мубодлар)нинг мустақилликларини тугатмоқчи бўлган. Лекин маздакийлар ҳаракати кучайиб кетиши, зодагонлар ва коҳинларнинг мол-мулкларини тортиб олиниши шохни чўчитиб қўйган. Кубод I нинг ўғли Хусрав I Ануширвон 528-529 йили маздакийлар ҳаракатини шафқатсиз бостирган ва Маздакни қатл эттирган.

¹ Абу Муслим (лақаби; бошқа лақаблари Або Муслим, Абу Муслим Хуросоний, Абу Муслим Марвазий; асл исми Абдуррахмон ибн Муслим тахм. 109/727–138/755) – Хуросон ва Мовароуннаҳрда умавийлар сулоласига қарши ҳаракат раҳбари. Абу Муслим 130/747 йили умавийларга қарши тайёрланаётган ҳаракатга раҳбарлик қилиш учун Марв воҳасига жўнатилган. У ғалаба қозониб,

маъбуд сифатида қараб, улар бутун фаолиятларини исломни бузишга қаратганлар. Улар зардуштийларнинг ғоявий меросхўри бўлганлар.

Хуррамийлар мафкурасининг асосини дуализм – ёруғлик билан зулмат ўртасидаги кураш ташкил қилган. Улар кишиларнинг умумий тенглиги, солиқ ва мажбуриятларни бекор қилиш, моддий бойликларни тенг тақсимлашни ёқлаб чиқишган. Назарий жиҳатдан хуррамийлар ёвузликка қарши қуролли курашни инкор этадилар, амалда эса VIII-X асрда халифаликдаги барча қуролли халқ ҳаракатларини қўллаб-қувватлашган. X асрда халифа қўшинлари хуррамийлар қалъаларини тор-мор келтиргач, хуррамийларнинг аксарияти шиаликка ўтган. XV асрдан кейин хуррамийлар атамаси манбаларда учрамайди.

Комилия: Бу фирқага Абу Комил асос солган бўлиб, унинг ақидасига кўра имомлик бир нур бўлиб, у шахсдан-шахсга кўчиб юради. У бир шахсга пайғамбарлик шаклида ўтса, бошқасига имомлик шаклида ўтиб, кейинчалик пайғамбарликка айланади. Улар ўлим олдидан руҳ бир танадан бошқасига ўтади, деган ботил фалсафага ишониб адашганлар.

Абу Комилнинг ақидасига кўра, Ҳазрат Алига байъат қилмаганлари сабабли барча саҳобалар ҳам, уларга қарши курашган Ҳазрат Али ҳам кофирдирлар.

Албоия: Албо ибн Зиро Давсий ёки Асадий номидан олинган бу фирқа Ҳазрат Алини Муҳаммад (а.с.)дан устун қўйиб, аслида Али пайғамбар мавқеида юборилган деб, Муҳаммад (а.с.)ни мазаммат қилганлари учун бу фирқага «Замима»¹ деб иккинчи ном ҳам берилган.

Ғуробия: Мазкур фирқанинг бузуқ ақидаси шуки, гўё Аллоҳ таоло пайғамбарликни Жаброил (а.с.) орқали Алига юборган.

халифалик 133/750 йил аббосийлар қўлига ўтгач, Хуросон волийси бўлди. Абу Муслим Хуросон ва Мовароуннаҳрни обод этиш борасида бирмунча ишлар қилади. Жумладан, Самарканд рабоди қурилади, Бухоронинг жанубий-шарқий қисмини суғорувчи Абу Муслим канали қазилади. Абу Муслимнинг халқ орасидаги обрў-эътибори ошиб кетади. Унинг оми халқ орасидаги таъсири кучаяди. У Хуросонни мустақил идора этишга уринади. Шундан кейин у халифа Мансур бўйруғи билан ўлдирилади.

¹ **Замима** – [араб. – мазаммат, масҳара қилувчи].

Жаброил (а.с.) янглишиб, уни Муҳаммад (а.с.)га топширган. Ғуроб сўзи қарга мазмунини англатади. Шу сабабли уларни «ғуробия» деб ҳам аталган. Яъни «Қарға қарғага ўхшайди» деган мақолдан олиб мазкур фирқага ном қўйилган. Уларнинг фикрига кўра, қарғалар бир-бирига ўхшаганидек, Али ҳам ҳазрат Муҳаммад (с.а.в.)га жуда ўхшаш бўлган, шунга кўра Жаброил адашган, деб ақидада адашиб кетганлар.

Яна ботил эътиқодларидан бири – Али расул, унинг авлоди ҳаммаси расуллардир, деб эътироф этишларидир.

Улар ўзларига эргашганларга: «Қанотли фариштага, яъни Жаброилга лаънат ўқинглар», деб буюрар эканлар.

Разомия: Фирқа Разом ибн Разм номидан олинган. Бу фирқа кишилари Хуросондан чиқишган. Улар имомликни Абу Муслим Хуросонийга нисбат беришган. Бундан ташқари унинг жисмига илоҳий руҳ кирган деб иддао қилишган. Улар Абу Муслимнинг ўлиmidан сўнг уни Жаброил, Микоил ва бошқа фаришталардан улуғ, Абу Муслим ўлгани йўқ, у бир кун қайтиб келади, деган эътиқод билан уни кутиб ўлиб кетишган.

Абу Муслимия: Бу фирқа Абу Муслим Хуросоний номи билан машҳур бўлиб, оқим тарафдорлари Абу Муслим Хуросонийни тирилик қайтиб келади, деб эътиқод қилади.

Абу Муслимнинг ўзи Имом Иброҳимга етишишдан олдин, шиаларнинг «Кайсония» ва «Муғирия» фирқалари билан яқин муносабат ўрнатган эди. Бу фирқанинг бузуқ эътиқодига кўра, арвоҳ жисми тарк этгандан сўнг бошқа баданга кўчиб ўтади, агар жасад аввалги жасаднинг ҳамжинси бўлмаса ҳам, деган таносух ақидаси таъсирида бўлган.

Навбахтий шундай ёзади: Абу Муслимия фирқаси тарафдорларининг фикрига кўра, Абу Муслим ўлмаган, у тирик, деб ишонади. Ҳар қандай амални қилишни маъқул топиб, вожиб амалларни тарк қилардилар. Улар имонни фақат имомни танишдан иборат, деб билардилар. Булар эътиқод қўйган динга асос солган кишилар хуррабийлар бўлгани боис уларни хуррамдинлар, дейишарди.

Дурузия: Бу фирқа номи «дарзай» сўзидан олинган бўлиб, «тикувчи», «бичиқчи» маъносини англатади. Мазкур оқим шиаликда вужудга келган фирқадир. Унинг асосчиси тикувчилик билан шуғулланган Ништегин Дарозий (ваф. 410/1019 й.) лақабли кишидир. Бу кишининг асл исми номаълум. Насроний тарихчилар ўз манбаларида уни Муҳаммад ибн Исмоил деб қайд этиб, асли эронлик, Наштегин эса лақабидир, деб таъкидлаганлар. Друзлар номи ҳам мана шу Ништегин Дарозий исми билан боғлиқ.

Ништегин Дарозий 408/1017 йилда Мисрга бориб, асли эронлик Ҳамза ибн Али Завзаний деган киши билан танишади ва унинг ёрдамида халифа саройига яқинлашиб олади. Ўша вақтлар фотимийлар халифаси (384/996–412/1021 йй.) Ҳаким даври бўлган. Ҳаким умрининг охирида ўзини Худо деб эълон қилган ва ўзига эътиқод қилишни талаб этган. Ништегин Дарозий биринчилардан бўлиб, Ҳакимни Худо сифатида тан олиб, унинг тарғиботчисига айланди. Ҳаким сирли равишда ўлгач, Ливан ва Антиливан тоғларида яшовчи халқлар унга Худо деб эътиқод қила бошлаган.

Ништегин Дарозий Ҳаким тириклик пайтида шундай ақидани илгари сурди: май ичиш ва яқин қариндошларга (махрамларга) уйланиш мумкинлиги ва таносух ақидасини тан олганлигини эътироф этди. Миср халқи унинг бу ғайриисломий ақидасига қарши ғалаён қилгани боис, у шарманда бўлишдан қўрқиб, Мисрнини тарк этишга мажбур бўлди. У Шом (Сурия) га кўчиб борганидан сўнг турк қуллар томонидан ўлдирилди. Айтишларича, унинг ўлими Ҳамза ибн Али Завзаний томонидан уюштирилган экан.

Дурузларнинг қарашлари исмоилийларнинг қарашларига яқин туради. Друзлар ақидаси сирли бўлганидан ҳам қирқ ёшга етмагунча фарзандларига ўргатишмайди. Уларнинг ақидаси бир қанча дин ва мафкуралардан ташкил топган. Жаннат, дўзах, савоб, жазо ва Қуръонни бутунлай инкор қилишади, ўзларининг хос мусхафлари мавжуд. Мусулмон уламолари друзларни диндан чиққан оқим деб эълон қилган.

Дурузлар ақидасига кўра, Худо одам қиёфасига кириб, одамлар ичида пайдо бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам друзлар Ҳакимнинг қайтишига ишонишади.

Дурузлар Куръон мазмунини мажозий талқин қилади. Жоннинг кўчиб юриши тўғрисидаги тасаввур туфайли ўлимга бефарқ қарайдилар, ислом дини маросимларини бажаришни шарт эмас, деб ҳисоблайдилар. Диний байрамлардан¹ фақат қурбон ҳайитини ва шиаларда мотам маросими ҳисобланган ашурони нишонлайдилар.

Дурузлар суннийлар томонидан таъқиб этилгани учун шиаларга хос бўлган тақия² талабларига амал қиладилар. Барча исмоилийлар каби друзлар ҳам шариатни тан олмайдилар. Дурузлар икки қисмга: «омий», яъни «беҳабар» ва «уққол», яъни «билимдонлар», «хабардорлар»га бўлинади.

Дурузларда масжидга бориш ва намоз ўқиш одати йўқ. Уларнинг ибодатхоналари «халво» деб аталади. Бу ерда пайшанба кунлари фақат «уққол»ларгина тўпланади. Ўрта асрлардан бошлаб друзлар ўзларининг меросий мулклари ва ҳукмдор амирлар сулоласига эга бўлган.

Тавҳидия: Бу фирқа Дурузлардан ажралиб чиққан бўлиб, ўз мазҳабида етти устундаги топширик (масъулият, бурч)ни тан олади ва уни диний тавҳиднинг етти хислати дейишади:

Биринчиси – садоқат ва ростгўйлик;

Иккинчиси – биродарликни сақлаш;

Учинчиси – ибодат ва бўҳтонга оид нарсаларни тарк этиш;

Тўртинчиси – иблислар ва золимларга нафрат;

Бешинчиси – ўз замони имомига нисбатан тавҳид калимаси;

Олтинчиси – унинг кўрсатма ва буйруқларига рози бўлиш;

Еттинчиси – сир ва ошкораликда унинг кўрсатмасига итоат этиш.

¹ **Диний байрамлар** – Ер юзидаги барча мусулмонларнинг энг улуғ диний байрами – Рамазон оғи тугагандан кейин янги Шаввол ойининг биринчи кунини нишонладиган рўза ҳайити ва хижрий йил ҳисоби бўйича 12-ой, яъни Зил-ҳижжа ойининг 10-кунини нишонладиган қурбон ҳайитидир. Булардан ташқари Меърож кечаси, Лайлатул-қадр кечаси, Бароат кечаси, Ашуро, Мавлидун-Набий, жума каби диний байрам саналувчи кун ва кечалар ҳам бор.

² **Тақия** – «эхтиёткорлик», «жонини сақлаш учун ўз динини яшириш»ни англатувчи термин. Шиаликнинг етакчи тамойилларидан бири. Сунний мусулмонлар учун «тақия» фақат назарий аҳамиятга эга. У фақат мусулмон учун ўлим хавфи туғилган чоғидагина лозим, шунда ҳам у фикран изох бериши керак бўлади.

Умайрия: Бу фирқанинг иккинчи номи ижлиядир. Фирқа раҳбари – Умайр ибн Баён Ижлий бўлиб, уларнинг ақидасида Абул-Хаттобдан кейинги имом Умайр ибн Баёндир. Улар Жаъфари Содикни Худо деб билиб, унга ибодат қилишган. Бу хабар Язид ибн Умарга етгач, фирқа бошлиғи Умайрни тутиб, осиб ўлдирган.

Муфаззалия: Бу фирқа раҳбари Муфаззал ибн Умар бўлиб, улар Жаъфари Содикдан кейин ўғли Мусо Козимни имом деб санашган. Шунинг учун бу фирқанинг иккинчи номи Мусавия дейилади.

Мусо Козимнинг ўлими тўғрисида ихтилоф бор. Бир ривоятда уни Ҳорун ар-Рашид асир олиб зиндонга ташлаганда ўлган дейилса, бошқа ривоятда Яҳё ибн Ҳолид уни заҳарлаб ўлдирган дейилади. Қабри Бағдодда.

Сабоҳия: Ҳасан ибн Сабоҳ «Назория» даъватини ўзлаштириб, сўнгра уни Исфаҳонга ёйишга ўтади. Кўпчилик уни қабул қилади. Исфаҳондан туриб ён атрофдаги мамлакатларга ҳам даъватчилар юборилади. У Мисрга бориб, у ердаги зиндиқу фосиқлардан қўшимча таълим олиб, жоҳил, содда одамларни ўзига тобе қилади. Уларга рофизийларнинг афсоналарини гапириб, Ҳазрат Али тарафини олиб, унинг душманларига қарши жангга чақиради.

Султон Маликшоҳ уни бу йўлдан қайтишга буюриб элчи юборади. Элчилар уламоларнинг унга қарши ёзган фатволарини топширадилар. У ўқиб кўриб, элчилар гувоҳлигида ёнида турган издошларига: «Мен сизлардан айримларингизни ўз хожаси олдига юбораман», деб улардан бирини ўзини сўйиб ўлдиришга буюради. У дарҳол ёнидан пичоқ чиқариб ўзини сўяди. Иккинчисига қалъадан ерга ўзини ташлашга буюради. Сўнгра элчига: «Мана сенга жавоб», дейди. Султонга бу хабар етиб боргач, унга бошқа элчи жўнатмай кўяди.

Эронда турли номлар остида назория таълимотини кенг ёйишга ўтдилар. Уларнинг бир номи Фотимия бўлса, бошқа номи Ҳашшошун, яъни гиёҳвандлар бўлган. Зеро, ўзларига жалб қилиш учун одамларга ҳашиш¹ деб аталувчи гиёҳ тарқатишган. Ўзларига қарши чиққанларни ҳуфёна йўқотишган. Шундай қилиб, Ҳасан ибн Сабоҳ кўп ёшларни йўлдан уриб, маишат билан маст қилиб, ўз домига тушириб, дунёдан кўз юмади.

¹ Ҳашиш – [араб. – *наша*; рус тилида – 1) *трава*; *сорная трава*; 2) *гашиш*].

Унинг вафотидан кейин, яъни 518/1124 йилдан бошлаб унинг ишларини Киё, Бузруг, Умид, ундан кейин ўғли Муҳаммад ибн Киё, ундан кейин Ҳасан давом эттириб, барча фарз ибодатларни бекор қилади. Аёллар ва мулкларни хусусийликдан умумийликка ўтказди. Ҳасан 561/1166 йили қатл қилинади. Унинг ишини ўғли Муҳаммад 607/1211 йилгача давом эттиради. Ундан кейин ўғли Ҳасан ота-боболаридан фарқли ўлароқ Ислом фарзларини ўз жойига қайтариш, масжидлар фаолиятини тиклаш каби хайрли ишларни қилишга ўтгач, 617/1220 йилда фирқа тарафдорлари бўлган ўз одамлари уни ўлдирадилар.

Муғул босқинчилари кириб келгач, назорийчиларнинг охири авлоди Хуршоҳ Мангу Қоон қўлида ҳалок бўлади. Назория ва исмоилия таълимоти кейинчалик Ҳиндистонда давом этиб, у ерда ҳинд тасаввуфи ва бошқа таълимотлар ўзаро бирлашиб, инглиз истилоси давригача давом этади. Инглизлар мазкур таълимот раҳбари Оғохонни қўллаб-қувватлаган.

Булардан ташқари Миср, Ҳиндистон ярим оролининг ҳудудларида мустаълия, тоййибия, бухара каби фирқалар ҳам пайдо бўлган. Фотимийлар ва бухара тоифаси имомлик Фотимаи Захро авлоди орқали давом этиши керак, деган ақида билан яшаб ўтишган.

Убайдия: Бу фирқа асосчиси – Убайд Муктаиб. Унинг ақидасига кўра, ширкдан бошқа ҳар қандай катта ва кичик гуноҳлар кечирилади. Банда тавҳидда собитқадам бўлса, унга ҳеч қандай гуноҳ ишнинг таъсири бўлмайди.

Бу фирқанинг бузуқ эътиқодларидан бири – Аллоҳ инсон суратидадир, деган иддаосидир.

Чароғкуш: Бу фирқа асосчиси асли бадахшонлик Носир Хисрав исмли шахс бўлиб, Бухорода таҳсил олган ва жуда зеҳни ўткир толиби илмлардан бири бўлган. Амир Тегин Салжут унинг илмига маҳлиё бўлиб, уни ўзига яқин тутар ва хонадонига меҳмонга чақириб турар эди. Бир куни у амир Тегин Салжутни хонадонига бориб, «мен Муҳаммад динини барҳам топдираман»,– деди. Бу воқеадан сўнг у ғойиб бўлиб, қирқ йилгача кўринмайди. Қирқ

йилдан сўнг қайтиб келиб, Ўзини халққа Мукно¹ деб таништиради. Шаҳрисабз яқинидаги Талли деган жойдаги бир ғорни ўзига маскан қилиб олади. Табобат илмидан хабардор бўлгани учун касалларни даволаш билан шуғулланади. Одамлар шифо истаб турли шаҳар ва қишлоқлардан кела бошлайди. Унга ихлос қўйган мухлислари оқ кийим кийиб, унинг хизматига ҳозир у нозир бўладилар.

Кундан-кунга касаллар шифо топа бошлагандан сўнг, унга ихлос қўйганлар сони ҳам орта бошлайди. Бир куни у ғорга кириб кетиб, уч кундан кейин у ердан чиқиб, «мани бу эрта расул, яъни ялавоч қилдилар»², дейди. Шундан кейин яна «барчаларингиз айтингиз: Носир Хисрав расули ҳақдир», – дейди. Одамлар, агарда пайғамбар бўлсанг, бизга бирон бир мўъжиза кўрсат, дейдилар. Носир Хисрав йиғилганларни карахт ҳолатига тушириб, шундай деди: «Ушбу чинор дарахти орқали Жаброил менга сўзлайди», деб айтади. Ҳаммалари чинор дарахти олдига келадилар, дарахтдан овоз чиқиб, «Мен Номуси Акбар, яъни Жаброилдурман, Носир Хисрав Худонинг пайғамбаридир», дейди. Йиғилганларнинг барчаси ақдан озгандай ул малъунга имон келтирадилар.

Байт:

*Ул эски дарахтдан чиқибким товуш,
Эшитти ҳаммадин кетиб ақлу ҳуш.*

*Мани бул сўзимдин еманг сиз малул,
Бу Мукно бўлубдур, Худоға расул.*

Унга имон келтирган одамлар ундан «охирзамон пайғамбари ҳақида нима дейсиз», дедилар. Носир айтадики: «Ман шарҳи Қуръондирман, менга нима тайёрланган бўлса, мен ўшанга амал қиламан. Расулдан сўнг унинг саҳобалари ўз нафсларига берилиб, йўлдан адашдилар. Бу шариат етмиш икки мазҳабга бўлинибди, деб Жаброил менга ваҳий келтирди. Мен пайғамбарман, бу етмиш икки мазҳабни ўзимнинг бир мазҳабимга бўйсундириб қўяман». Унга тобе бўлган одамлар яна сўрайдилар: «Сенинг мазҳабинг қайси?». У бадбахт «Чароғкуш», деб жавоб беради. У яна шундай дейди: «Меним мазҳабимда намоз ўқишнинг ҳожати

¹ Мукно – лақаб.

² Мени бугун эрталаб пайғамбар яъни, хабар етказувчи қилиб тайинладилар.

йўқ». Одамлар дейдиларки: «Нима учун намоз ўқишнинг ҳожаги йўқ?» Носир: «Бизга ғайб¹ илми ато бўлди, биз Худони таниймиз, Худони таниганимиздан кейин бошқа нарсаларга ҳожат йўқ», – деб жавоб бер ади.

Носир Хисрав ўз асҳобларига дейдики: «Мўмин мўминга биродардир, ҳаргиз молу мулкларингизни бир-бирингиздан дариг тутманг. Ҳеч бир мол-мулк сизларга ўз хотинингиздан афзал эмас. Хотинларингизни бир-бирингиздан аямангиз, агарда хотинларингизни биров зино қилаётганини кўрсангиз асло ҳеч нима демангиз, гўё ўз нафсингизни ўлдиргандек бўлинг. Ҳар кимки ўз нафсини ўлдирса, валий бўлади. Зоҳирингизда сўфи бўлинг, ботиний суратингизни ўзингиз билурсиз, фисқ² ботинда ҳалолдир. Агар хотинингизга биров яқинлик қилса, хурсанд бўлиб, ич-ичингиздан севининг. Майни ичингиз, ҳаргиз ғусл қилмангиз деб, саҳобаларимни атрофдаги шаҳар ва қишлоқларга юбордим ва дедим: «Эй одамлар, сизларни машаққатли шариатга бўйсунитдан озод қиламан, қиёмат кунининг азобидан сизларга нажот бераман. Дунё ҳаргиз охир бўлмас, қиёматдан мурод ўлгандан кейин тирилмоқлик йўқ, ҳар кимнинг яхши феъли, маишати жаннатдур, қибла сизларга даркор эмас. Киши Худони талаб қилса, қибла нима учун керак? Олам қадимдир, хотинларингизни ўзгалар зино қилса, зиёни йўқдир, яна шароб, чоғар³ ичинглар, маст бўлиб қолманг, мастлик ҳаромдир. Рамазон ойининг ўн еттинчи кунини ҳайит байрами қилинг, чунки Ҳазрат Али ўлган кундир».

Бу воқеалар 749/1348 йилда бўлиб, Носир Хисрав «хижрий йил⁴ тугади, бу кундан бошлаб «чароғкуш⁵ санаси бошланади», дейди

¹ **Ғайб** – [араб. – йўқлик, барча кўринмас нарсалар, келажак] ғойиблик, инсон сезги аъзолари билан ҳис эта олмайдиган, билиш имконлари билан идрок эта олмайдиган ҳодисалар. Мусулмонлар ғайбга имон келтирадилар.

² **Фисқ** – [араб. – бузуклик, ахлоқсизлик, фаҳш] ахлоқий бузуклик, фаҳш; бировнинг орқасидан ёмонлаб тарқатилган уйдирма; ғийбат, иғво; тўғри йўлдан адашиш.

³ **Чоғар** – май, ичкилик, шароб.

⁴ **Хижрий йил** – Хижрий-қамарий тақвим Муҳаммад (с.а.в.)нинг Маккадан Мадинага хижрат қилишлари (кўчишлари)дан ҳисоблана бошланган ва 622 милодий йилнинг 16 июлидан амалга киритилган сана (йил) номи. Хижрий йил халифа Умар ибн Хаттоб (р.а.) томонидан 17/638 йилда жорий этилган.

⁵ **Чароғкуш** – [форс. – чироқ ўчирувчи]. Яъни Муҳаммад (а.с.) чироғини ўчириб, ўз динини тузувчи. Аллоҳ таоло Ўз ҳақ пайғамбари Муҳаммад (с.а.в.)

ва ўша кундан бошлаб ўзини Абдулқийём номи билан аталишини эълон қилади. У жуда кўплаб одамларни даволаганлиги учун Мовароуннаҳрда машҳур бўла бошлаган.

Аҳли Сунна вал-Жамоа уламолари Носир Хисрав ва унинг оқ кийимли барча тарафдорларини кофир деб атадилар. Шундан сўнг Носир ўз қавми билан бирга уламолар томонидан кофирга ҳукм қилинганлигини эшитиб, ўз тарафдорларини «Фидойи Носир» деб атади.

Куфрга ҳукм қилинган бу қавм барча мусулмон уламоларига қарши ҳаракатлар бошлашади ва шу йилнинг ўзида Бухоро, Самарқанд ва Балхда тўрт мингдан ортиқ муллаларни қатл қиладилар. Самарқанддаги Соҳибул ҳидоят номли энг катта уламо Носир Хисравни кофирликка ҳукм қилгани сабаб, Носир Хисравнинг фидойи тарафдорларидан бири табиб суратида бориб, кўзини даволайман деб алдаб, алломани кўр қилиб қайтади. Уларнинг дастидан жуда кўплаб олиму уламолар яшириниб, баъзилари эса қочиб қутуладилар. Носир Хисрав бир неча йиллар ўзининг ботил куфрона таълимотини тарқатиб, халқ ва давлатга жуда кўп зиён-заҳматлар етказди. Унга эргашган одамлар кофир бўлиб, дунёдан кўз юмиб кетдилар.

Носир Хисрав ўзининг куфр таълимотини Мовароуннаҳрда ёйиб юрган вақтда Амир Темур ҳазратлари ўн тўрт ёшда бўлган Носир Хисравга қарши кўплаб ҳукмдорлар жанглари олиб борганлар, ammo унинг тарафдорлари кундан-кунга кўпайиб, қудратли бўлиб,

ни «нурли чироқ» деб атаб шундай марҳамат қилган: **«Аллоҳнинг изни билан (Сизни) Унга (Унинг динига) даъват қилувчи ва (йўл кўрсатувчи) нурли чироқ қилиб ҳам (юбордик)»** (*Аҳзоб, 46*). Мазкур оятнинг тафсирида Шайх Абдулазиз Мансур қуйидагича изоҳ беради: Муҳаммад (а.с.)ни Аллоҳ таоло Қуръони каримда «нурли чироқ» деб атаганини икки хил тафсир қилиш мумкин. Биринчидан, ул зот бамисоли қоронғу кечада йўлни ёритиб берувчи чироқдирларки, умматларини ширк зулматидан имон нури сари олиб чиқдилар. Иккинчидан, «нурли чироқ» – бу Қуръони карим. Бу тафсирга кўра, Расул (а.с.) шу нурли чироқнинг эгаси, деб изоҳланади (Мд.). Яна Қуръони каримда шундай дейилган: **«(Улар) Аллоҳнинг нури (дини)ни оғизлари (инкорлари ва ширклари) билан ўчирмоқчи (йўқ қилмоқчи) бўладилар. Аллоҳ эса, гарчи кофирлар ёқтирмасалар-да, Ўз нуруни камолига етказмасдан қўймагай»** (*Тавба, 32*).

ҳаддидан ошиб кетган. Мовароуннаҳрдаги мусулмонларга дунё тор бўлиб, жуда кўп шаҳар ва қишлоқларидаги имони заиф одамлар «Носир Хисрав ҳақ пайғамбар» деб унга имон келтирганлар.

Ўша вақтларда Носир Хисрав ўзининг кофир фидойиларидан бирини Шаҳрисабзга юборади. У Амир Темурнинг отаси Тарағай баҳодир тунда ётган ётоқхонасига хуфёна кириб, Тарағай баҳодир ётган ёстикқа ханжарни санчиб, унинг кўкраги устига бир хатни қўйиб чиқиб кетади. Тонгда Тарағай баҳодир уйқудан туриб хатни ўқиб кўради. Бу хатда шундай сўзлар ёзилган бўлади: «Носир расули Худодур, амир Тарағай баҳодир келиб, имон келтурсин, бўлмаса омонлик йўқ, ҳалок бўлғай!».

Бу воқеадан сўнг Тарағай баҳодир ўғли Темур билан маслаҳатлашади. Соҳибқирон отаси Тарағай баҳодирга ул малъуннинг олдиға бормастикни маслаҳат беради. Аммо Тарағай баҳодир ўғли Темур билан бирга боришини ихтиёр қилади.

Носир Хисрав билан суҳбат қургани Тарағай баҳодир ўғли Темур билан бирга боришганда, унинг қавмлари Носирга сажда қилишини буюрадилар. Бу гапдан Носир хабардор бўлиб, «Булар ҳали янги келган, аввал менга имон келтурсун, сўнгра сажда қилмоқға буюрга йман», деб иккисига ўз шариатидан сўзлаб беради ва уларни чинор дарахти ёнига олиб бориб, шундай дейди: «Эй мукно, сан шаҳодат берғил мани набилиғимга». Шупайт дарахтдан «Анта расулуллоҳ»¹, деган овоз чиқади.

Бу бўлган воқеадан Носир Хисравнинг сўзларига Тарағай баҳодир ишонишига бир баҳя қолаётганини кўрган Амир Темур Носир Хисравга шундай дейди: «Эй Носир, шарҳи Қуръонман деюрсан, Қуръонда саждаи таҳиййат манъдур»². Амир Темурнинг ёшлиги сабаб ҳали етарли диний билими бўлмаса ҳам Носир билан кўп муноқаша қилади. Носир Хисрав: «Эй амир Тарағай баҳодир ўғлингга айтгин менга итоат қилсин», – дейди.

Тарағай баҳодир Темурни Носир Хисрав олдиға олиб келади. Шунда Носир Хисрав ундан «Нима жавоб дерсан, имон

¹ Анта расулуллоҳ – Сен Аллоҳнинг пайғамбарисан.

² Бу жумланинг маъноси қуйидагича: «Эй Носир, сен Қуръоннинг шарҳиман деяпсан, ахир Қуръонда одамга сажда қилиш ман қилинган-ку».

келтурурсанми ё йўқ», деди. Тарағай баҳодир эртага эрталаб жавобини айтаман, деб уйига қайтиб, ўғли билан маслаҳатлашганда Темур: «Эй ота, имон келтирмангизким, ул кофирдур. Ман бу кеча Самарқандга борурман, уламолар олдиларига бориб кўрайчи, нима дер эканлар. Уламолардан бири келиб Носир билан баҳс қилсин, сиз ундан эрталаб бориб ўн кунга муҳлат сўранг», деб Самарқандга йўл олди.

Амир Тарағай эса эрталаб Носир олдига бориб, унга имон келтиришини ва ўн кун муҳлат беришини сўрайди. Шунда Носир Хисрав Тарағай баҳодирни ўлдирмаслигини айтиб, унинг ўғли Темур Самарқандга у билан баҳслашиш учун одам олиб келишга кетганидан хабардор эканлигини ҳам таъкидлаб қўяди.

Соҳибқирон Амир Темур Самарқандга бориб барчани йиғиб, кимки уламо бўлса бориб, Носир Хисрав билан баҳслашиб, уни ноҳақлигини исботлашини ва қиёматда шафоат истаса расули акрамни танитиб қўйишини айтади. Шунда барча уламолар йиғлаб бундай қилолмасликларини, Носир уларни ўлдириб юборишини, шунинг учун улар беркиниб юрғанларини айтдилар ва олимлар, ҳатто Соҳиби ҳидоя ҳам ожиз эканини йиғлаб айтишади.

Шунда Амир Темур улардан Соҳиби ҳидоянинг олдига олиб боришни сўрайди. Аллома эса кўзлари боғлоғлиқ ҳолда дарс ўтаётган бўлади. Шунда Соҳибқирон: «Ман қулингиз амир Тарағай ўғли бўлурман, хизматингизга келдим. Қадами шарифингизни Носир олдиға еткурсангиз», – дейди.

Соҳиби ҳидоя, Носир Хисравни «кофир» деганида, унинг одамларидан бири табиб бўлиб келиб, унинг кўзларини кўр қилиб қўйганини шу боис у ҳам Носирдан қўрқишини айтади.

Носир Хисрав эса Амир Темурни Самарқандга кетганини билиб, унинг кетидан ўзининг фидойиларидан бирини юборади ва Амир Темурни ёлғончи қилишни тайинлайди. Ўша фидойи келиб, илм аҳлининг мажлисига қўшилади ва ҳаммага «Бу Носирнинг одами», деб гувоҳлик беради. Амир Темур эса: «Мен Тарағай баҳодир ўғлидурман», – дейди. Лекин улар ишонмай уни Низомулмулк мадрасасига қамаб қўйишади. Тунда аллома туш кўради, тушига Расулulloҳ (с.а.в.) кириб, унга: «Эй Бурҳониддин, турғил ул йигит

чин сўзлар. Ул йигитни топиб, малоҳидалар олдиға анинг бирла борғил, зафар топгайсиз», – дейди.

Соҳиби ҳидоя уйқудан уйғонгач кўзлари яна кўра бошлайди ва Амир Темурга қайтиб кетаверишни, ортидан эса илм аҳлини йиғиб етиб боришини айтади. Амир Темур йўлга чиқади. Аллома ҳам тўрт мингдан зиёд муллаларни олиб йўлга чиқади.

Амир Темур Шаҳрисабзга ўнинчи кун етиб келади. Отаси эса Носирга «Ўғли келиб имон келгирса, у ҳам имон келтиришини» айтиб турган эди. Соҳибқирон бориб Соҳиби ҳидоя келаётганини, у Носир Хисрав билан баҳслашишини, агар баҳсда ғолиб чиқса, унга имон келтиришини ва унга уч кун муҳлат беришини сўрайди. Уч кун ўтгач Носир Амир Темурни ўлдирмаса, ўзи ўйлаб топган дини йўққа чиқишини ўйлайди ва Тарағайнинг олдиға бориб, тезда имон келтиришни, агар имон келтирмаса, уни ўлдиришини айтади.

Соҳибқирон қаршилик кўрсатгани учун юз киши унга ташланиб турганида аллома келаётганини кўрадилар. Муллалар овозларини чиқариб: «Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур расулulloҳ», деб келишарди. Фидойилар шу заҳоти Амир Темурни қўйиб юборишади.

Соҳиби ҳидоя келиб қараса, Носир олтин курсида ўтирган бўлади. Аллома ким савол беришини сўраганида, Носир: «Мен савол бераман, сен жавоб берасан», – дейди. Соҳиби ҳидоя ўтирган еридан тушмоқчи бўлиб: «Савол берувчи зиёдами ёки жавоб берувчи», деб сўраганида, Носир: «Жавоб берувчи», – дейди. Аллома ундан ўрнидан туришини ва олтин курсига ўзи ўтиришини айтганда, Носирнинг мунофиқлиги туғиб: «Унда саволни сиз беринг», – дейди. Шунда, аллома ундан нима хоҳлашини, мақсади нима эканини сўраганида, у расул бўлмоқчилигини айтади. Носир Хисравдан мўъжиза талаб қилишади. У эса чинорда Аллоҳ юборган Мукно номли фаришта борлигини ва у Носирнинг расуллигига гувоҳлик беришини айтади. Соҳиби ҳидоя унга Мукно бошқа жойда гувоҳлик берсин деганида, у мулзам бўлиб қолади.

Шариатингда нима бор, деб сўралганда, у «шариатида намоз ўқимаслик, Худони таниса бўлди, мўминлар бир-бири билан

қариндош бўлгани учун мол ва аёлда шерикликни» айтади. Шунда аллома унинг ақидаси Ботиллигини, ақидасига кўра мол-дунё аралашиб, қайта тақсим бўлганда кимга тегишини сўраганда Носир жим бўлади, бир аёлни турли эркак зино қилса-ю бола туғилса, отаси ким бўлишини сўраганда, мулзам бўлади. Шунда Носир Хисрав эртаси куни эрталаб Мукнони олдига бориб, ундан сўрашларини, шунда ҳам Носир мулзам бўлса, уларга бўйин эгишини айтади. Соҳиби ҳидоя, Тарағай баҳодир ва Амир Темур рози бўлишади. Улар кетаётганларида Носир эртасига қуролсиз келишларини, уларда ҳам қурол бўлмаслигини айтади.

Эртаси куни Соҳиби ҳидоя Тарағай баҳодир билан Амир Темур олдиларига келади. Келишилганидек кетаётганларида Амир Темур «Носир макр қилмасин», деб ёнига қилич беркитиб олади. Носир Хисрав эса ўнтача одамга қаландар кийимини кийгизиб, қурол бериб қўйган бўлади. Уларга агар Мукно ўлдиришга амр қилса, мусулмонларни ўлдиришларини айтиб, уларни тайёрлаб қўйган бўлади.

Ҳаммалари келиб чинор олдида йиғилишади. Носир Мукнодан унинг пайғамбарлигига гувоҳлик беришини сўради. Мукно бетоблигини, агар чинор илдизига Тарағайни қонини қуйсалар тузалишини ва гувоҳлик беришини айтади. Шунда ҳалиги ўнта фидойи Тарағайни ўлдиarmoқчи бўлади. Амир Темур чаққонлик билан отасини ҳимоя қилади. Кўп жангдан сўнг қўрғонга кириб олишади. Кечаси Амир Темур жосус кийимида бўлиб, Носирнинг лашкарига қўшилиб олади. Бир киши қора кийимда тоғ томон кетаётганини кўриб, Амир Темур ўзига икки кишини ҳамроҳ қилиб, кетидан кузатади. У ғор томон боради. Ичкаридан бир киши чиққанида ҳалиги қора кийимли унга эрталаб нима дейиш зарурлигини ўргатади. Амир Темур бу қора кийимлик Носир Хисрав эканини фаҳмлайди.

Носир кетгач, Амир Темур ва шериклари ичкарига киришади, у ерда чиноргача йўл бўлиб, бир киши ўтирарди. Ундан сўрашганда, унинг оти Мукно, у Носир айтганини қилишини, 40 йилдан бери одамларни алдаб келишларини айтади. Одамлар орасига уни олиб боришади. Улар Мукнони осиб ўлдиришади, чинорни эса ёқиб юборишади.

Носир эса ўзини оқлаб, бу туҳмат эканлигини, унга яна ваҳий келишини, энди у бошқа дарахтда бўлишини айтиб, тарафкашларини тинчлантиришга ҳаракат қилади. Шундан сўнг айрим адашганлар йиғлаб, ялиниб, нотўғри иш қилишганини тан олишади.

Амир Темур икки мингтача лашкарини ва янги мусулмонларни олиб жангга ҳозирланади. Носир Хисрав тарафкашларидан бўлган Замонбек исмли киши жангга киради ва Носирнинг олдига келиб, ваҳий келдимми, йўқми сўраб туради. У еттинчи марта келганида Носир ваҳий келганини ва у Амир Темурни ўлдиришга Замонбек буюрилганини айтади. Замонбек ростдан шунга буюрилганлигини сўраса, Носир унга: «Ёлғон гапирсам каллам танимдан жудо бўлсин», – деб қасам ичади. Замонбек бориб қараса, Амир Темур ёшгина йигитча экан. Шунда Замонбек Амир Темурни ўлдиришга шайланиб найзасини кўтаради, Амир Темур уни кулоқ-бурни аралаш қиличлайди.

Кейин Замонбек 40 йил Носир ваҳий тўғрисидаги воқеа билан у ўз тарафдорлари ва халқни алдаб келганлигини англайди, ўзини хато қилганлигини билади. Замонбек ғазабланганидан Носир Хисравнинг калласини танасидан жудо қилади. Калласини олиб бориб Тарағайга кўрсатади, у эса Амир Темурга хабар беради. Шунда Амир Соҳибқирон Носир тарафдорларини тирик қолдирмасликни айтади. Уларнинг ҳаммасини бир жойга ҳийла билан жамлаб, ўт қўйиб, ёқиб юборишади. Қочганларни ҳам тутишади. Фақат уларнинг орасидан биргина аёл қочиб қутулиб қолади. Бугунги кундаги барча «чароғкушлар» авлоди ўша аёлдандир¹.

Юқорида баён қилинган тоифалар бидъат аҳлидир. Уларнинг барча иддаолари китобимизда баён қилинди. Уларни адаштирган ва залолатга чақирган нарсаларнинг асли ва унсури суннатдир. Бу ҳақда мазкур асар бошида баён этган эдик. Уларнинг ҳар бири одамлар орасида учраб турадиган мавжуд нарсалардир. Ушбу китоб орқали ақидапарастларнинг барча даъволарини билганимиздан кейин, улардан эшитганларимиздан нажот тилаган ҳолда қисқа баён билан чегараландик. Шу билан, динда

¹ Салоҳиддин Тошкандий. Темурнома: Амир Темур Кўрагон жангномаси. Нашрга тайёрловчи П.Равшанов. – Т.: Чўлпон, 1991. – Б. 60–71.

содир бўладиган ихтилофлар, ҳодисалар, фирқалар ва инсонларда учрайдиган турли ҳолатлар ойдинлаштирилди. Ўзига эзгуликни истаганлар Пайғамбарими з (с.а.в.)нинг Аҳли Сунна вал-Жамоа топадиган савоби тўғрисидаги сўзларига майл билдирса ва Аҳли Сунна вал-Жамоанинг фазли тўғрисида баён қилинганларни идрок этишни хоҳласа, Аҳли Сунна вал-Жамоа йўлини маҳкам тутсин. Аҳли бидъатнинг биз огоҳ этган даъволаридан сақлансин. Ихтилоф аҳлининг биз қайтарган ишларидан ўзини тийсин. Биз келтирган ҳужжатларга, раддияларга ҳамда уларнинг ёмонлигини, қабих амалларини очиб берган далилларимизга таянсин. Кимки ўткир зеҳн билан бу каби фирқалар ҳақида тафаккур қилиб, ушбу китобда ёзилганларга амал қилса, Аҳли Сунна вал-Жамоага таяниб билдирилган фикрларга биноан улардан сақланса, унинг тўғри йўл топиши, шунингдек, турли фирқаларга илмсиз ҳолда кириб қолмаслиғига умид қиламиз.



ЗАМОНАВИЙ ОҚИМЛАР

Ислом дини тарихида ислом аркон ва ақидаларини бузиб талқин қилишга саъй-ҳаракат қилган турли оқимлар, ранг-баранг фирқалар ва уларнинг шаҳобчалари кўп бўлган. Улардан айримлари ўз даврид аёқ фаолиятини тўхтатиб, ўша даврнинг дин пешволари, яъни уламолар томонидан қораланган. Давр ҳукмдорлари эса уларга ни сбатан жамиятдаги тинчлик, ҳамжиҳатлик, белгиланган анъанавий ислом удумларини бузганликлари учун жазо чораларини қўллаганлар.

Бироқ мазкур тарихий оқимлардан баъзи бирлари бугунги кунда ҳам сақланиб қолган бўлиб, ўзларининг бузуқ ақидаларини содда халқ, айниқса, ёшларни йўлдан уришда қўллаб келмоқдалар. Улардан баъзилари очик ҳаракат қилаётган бўлса, бошқалари зимдан ва хуфиёна фаолият олиб бормоқдалар. Шу билан бирга дунё миқёсида турли янгидан бунёд бўлаётган экстремист диний оқимлар, ҳаракатлар, секталар ҳам талайгина.

Бугунги кунгача ўз фаолиятини сақлаб қолган баъзи тарихий, шунингдек, янгидан тузилган ақидавий оқимларнинг эътибори бизнинг мамлакатимиз фуқароларига ҳам қаратилган бўлиб, улар наздида халқимиз тоталитар тузум даврида ўз анъанавий эътиқодидан маҳрум бўлган ва улар осонликча ўз домимизга тушишлари мумкин, деб ҳисоблайдилар.

Шу боис, биз «замонавий оқимлар» бўлимида ҳам тарихда мавжуд бўлиб, то шу бугунги кунгача фаолиятини тугатмаган фирқа ва йўналишлар ҳақида ҳам янгидан ташкил қилинган эътиқодий гуруҳлар ҳақида ҳам маълумотлар беришни лозим, деб топдик. Энг муҳим бўлган нарса шундаки, уларнинг барчаси ўз фаолиятини ўсиб келаётган ёш авлод тафаккурига йўналтирган бўлиб, уларнинг мақсади бизнинг анъанавий эътиқодимизга таҳдид солиб, унга путур етказишдан иборат. Шу боис, биз мана шундай гуруҳлар тарихи ва ақидалари борасидаги маълумотларни холис тарзда ўқувчиларга етказишимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

Мазкур бўлимда замонавий оқим ва террористик ташкилотлар тўғрисидаги маълумотлар хронологик тартибда жойлаштирилди.

XVI – XVII асрларда юзага келган оқимлар

Равшания: Афғонистонда вужудга келиб, афғон ва пуштун қабилалари орасида кенг тарқалган диний-мистик фирқа бўлиб, асосчиси Равшан Боязид Ансорий (932/1525–980/1572 й.)дир. Боязид Ансорий бу диний фирқанинг бошлиғи ва сардори бўлиши билан бир қаторда, бадиий ва тарихий асарлар муаллифи, адиб, равшанийлар адабиётининг асосчиларидан биридир.

Боязид Ансорий «Пири равшан», яъни «Нур тарқатувчи пир» номи билан пуштун қабилалари орасида кенг шуҳрат қозонади. Яъни, мазкур фирқа ўз замонасида «биз янги нур, равшанлик тарқатувчилармиз» деган шиор билан чиқиб, ўзларини ислом арконлари ва шариат ақоидларини ислоҳ қилувчи, деб таъриф берганлар. Улар ўзларини ёруғлик тарқатувчилар сифатида талқин қилиб, ўз номларини равшанийлар деб аташган. Боязид Ансорий фикрига кўра, унинг издошлари ислом эътиқодида вужудга келган қоронғуликдан барча мўминларни ёруғлик, яъни равшанликка олиб чиқишни мақсад қилиб олган.

Равшанийлар ҳаракатини диний-мистик, экстремистик ва радикал оқим сифатида баҳолаш ўринли бўлади. Боязид Ансорий асос солган мазкур ҳаракат афғон ва пуштун қабилалари орасида етмиш йилдан ортиқроқ фаолият олиб борган.

Ислом дини уламоларидан бири Охунд Дарвиза ўз даврида Боязид Ансорийни «Пири Торик», яъни равшан эмас, балки нурсиз «Қора пир» номи билан атаган. Чунки аслида Боязид Ансорий ислом арконлари ва шариат ақоидларини ўзича талқин қилиб, исломда фарз қилинган аксарият амалларни (масалан, намоз, ҳижоб, рўза, ҳаж) бекор қилади.

Ислом тарихида Боязид Ансорий радикал экстремистик диний қарашлар тарғиботчиси сифатида, жамият тарихида эса феодал ва ижтимоий зулмга қарши қуролли қўзғолон кўтарган тарихий шахс сифатида баҳоланади. Боязид Ансорийнинг бузғунчи қарашлари халилий, момандий, даудзай, бангаший, гагиёний, юсуфзай каби пуштун ва афғон қабилалари томонидан қўллаб-қувватланди.

Бироқ ислом уламолари Боязид Ансорий қарашлари ва унинг ўзини «ақидапараст», «мулҳид» ва «мутаассиб» деб эълон қилишади. Унинг баъзи диний-ғоявий қарашлари то шу бугун ҳам Афғонистонда, жумладан, Жанубий Вазиристонда, Покистонда афридийлар ва оракзийлар қабилалари ичида оз миқдорда бўлса ҳам сақланиб қолган. Бу эса равшанийларнинг замонавий издошлари ҳали ҳам мавжудлигини тасдиқлайди.

Боязид Ансорий ўз даврининг мавжуд ижтимоий муаммоларини ҳал этишда ислом дини омилидан устамонлик билан фойдаланиб қолишга уринади. Боязид таълимотига кўра, у яшаган даврда ислом дини бузилган бўлиб, нотўғри талқин қилинган. У барчани жамиятда «ҳақиқий» ислом арконларини ўрнатишга чақиради. Бу йўлда, ҳатто қуролли кураш усулини тарғиб этиб, одамларни кўзғолонга даъват этади.

Боязид Ансорий мавжуд ижтимоий тенгсизлик, жамиятдаги тубанликдан қутилиш, жаҳолатни олдини олишда «ислом эътиқоди» масаласини байроқ қилиб кўтариб чиқади. Боязид Ансорий пайғамбарликни даъво этувчи инсон сифатида танилган. Ўзини ҳақиқий ислом динини ўрнатишга юборилган пайғамбар сифатида тарғиб қилади. Унинг фикрига кўра, агар «асл» ислом ақидалари қайта тикланса, жамиятдаги адолат ва тенглик ҳам қайта тикланади. Боязид Ансорий айнан ўзининг қарашлари асл ислом ақидаларини ўрнатишга йўналтирилганлигини таъкидлайди ҳамда мазкур қарашлар ҳақиқий ислом эътиқодини ўрнатишда ягона тўғри йўл, деб даъво қилади. Бинобарин, агар одамлар унинг йўлидан кетса, тўғри йўлни топган бўлишларини овоза қила бошлайди. У жамиятдаги ижтимоий тенгсизликнинг вужудга келишида ўз даврининг амалдорлари ва ҳукмдорларни айблайди. Эътиқод масаласида дин пешволарини субутсизлик ботқоғигига ботиб кетган, деб айтади.

Боязид Ансорий ўзининг ансорийлар авлодидан эканлигини, даъво қилади. Бироқ тарихчи олимларнинг фикрига кўра, бу маълумотни манбалар тасдиқламайди. Боязид Ансорийнинг издошлари ўзларининг ғоявий раҳнамоси шахсиятини муқаддаслаштириш учун мана шундай афсонани ўйлаб топиб, кенг тарқатишга уринганлиги кейинчалик маълум бўлади.

Олим Охунд Дарвиза ўзининг «Махзан ал-ислом» (Ислом қадриятлари) асарида Боязид Ансорийнинг ғайриисломий ақидалари, равшанийлар ҳаракатининг асл мақсадлари ва уларнинг ислом арконларига зид бўлган ўринларини таҳлил қилиб берган. Мазкур китобда Боязид Ансорийнинг қарашларидаги ислом динига зид бўлган қуйидаги ақидалари мавжуд бўлганлигини таъкидланади.

Боязид Ансорий ўз китоби «Хайр ул-Баён»ни Куръони каримга тенглаштиради, унинг фикрига кўра, Куръони карим Аллоҳ томонидан Муҳаммад (с.а.в.)га туширилган бўлса, «Хайр ул-Баён» китоби ҳам Боязидга Яратган томонидан нозил қилинган.

Унинг фикрига кўра, Аллоҳни Пири комилсиз англаб бўлмайди. Пири комилга эргашиш Аллоҳни таниш йўли ҳисобланади. Пири комил эса Боязид Ансорийнинг ўзидир. Боязид Ансорий ўз издошларига ўзини пайғамбар ва Худо деб эълон қилиб, «Мен сизларнинг пайғамбарингиз ва Худоингизман», дейди.

Боязид Ансорий фикрига кўра, Аллоҳга етишда саккиз босқич (мақом) мавжуд (шариат, тариқат, ҳақиқат, маърифат, қурбат, ваҳдат, фано, сукунат). Уларнинг энг аввалгиси шариатдир. Барча мўминлар мазкур босқичларга қатъий риоя этиб, улардан ўтиши даркор. Мазкур саккиз босқични тўла эгаллаган мўмин баъзи амаллардан, хусусан, намоз, рўза, закот, ҳаж амалларидан бутунлай озод этилиб, эркинликка эга бўлади.

Боязид Ансорий руҳларнинг кўчиб юриши ва кўчиб ўтишига ишонади, руҳларнинг кўчиб ўтиши унинг эътиқодининг ажралмас таркибий қисми сифатида талқин этилади.

Боязид фикрига кўра, Аллоҳ бу дунёдаги ҳамма нарсани ўз мазмунига қамраб олади, оламда Аллоҳдан ўзга нарсанинг ўзи йўқ, демак, оламдаги барча нарсалар Аллоҳнинг ўзидир.

Боязид намозда томонни тайин этмади, яъни юзини қиблага қаратиб турмас эди ва **«Машриқ ҳам, Мағриб ҳам Аллоҳникидир. Бас, қайси тарафга юзингизни қаратсангиз, ўша томонда Аллоҳнинг «юзи» мавжуддир»**, деб (*Бақара, 115*) оятини далил қилиб келтирарди.

Боязид: «Сувда ғусл қилиш шарт эмас, шамол эсиши билан бадан пок бўлади, чунки тўрт унсур пок қилувчидир», – деб айтарди.

Боязид: «Ҳар ким Худони ва ўзини танимаса, одам эмас, сигир ва қўй син гаридир, уни ўлдириш жоиздир», – дерди. Шунинг учун у ўз мухолифларини ўлдиришга буюрар эди ва дер эди: «Ҳар ким ўзини танимаса, мангу ҳаётдан ва абадий ҳаётдан хабари йўқ мурдадир. Уларнинг моли бундай мурданинг ворислари бўлса, тирикларга етишади».

Боязид Ансорий гўёки ўз зиммасига юклатилган вазифаларни Муҳаммад (с.а.в.) зиммаларига юклатилган вазифалар билан тенглаштиради. Шунга кўра, Боязид Ансорийнинг расмий ислом дини вакиллари билан қарама-қаршилиги ва кескин кураши вужудга келади. Конитуромлик уламолар Боязидни сохта пайғамбарликда диндан чиққан инсон, Аллоҳ иродаси ва ислом таълимоти, хусусан шариат арконларини бузиб талқин қилган сохта уламо сифатида баҳолашади. Боязид эса ўз ўрнида амалдорлар ва ислом пешволарини ёлғон эътиқод қилувчилар деб атайди. Қарама-қаршилик шу даражага етадики, Боязид ўз отаси раъйига қарши чиқади.

Боязид Ансорийнинг отаси Абдуллоҳ, шайх Муҳаммадининг ўғилларидан бири бўлиб, мазкур оилада диний арбоблик йўли билан кун кечириш анъанага киритилган ҳамда Абдуллоҳнинг ўзи ҳам шайх бўлиб, Вазиристонда қозилик қилган. Боязид Абдуллоҳнинг иккинчи хотинидан бўлган фарзанди эди. Болалигидан ўз онасидан айри ҳолда, ота уйида ўғай она қўлида тарбия топган.

Дастлабки диний таълимни Боязид ота ҳовлида, кейинчалик бироз вақт Поинда номли бир мулладан олади. Оилавий юмушларнинг ҳаддан ташқари ортиқ даражада унинг зиммасига юклатилиши унга чуқур билим олишга йўл бермайди.

Боязиднинг ботил эътиқодининг шаклланишига мустақил равишда Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ давлатларига савдо-сотик билан бориши жуда катта таъсир кўрсатади. Хусусан, Боязид Самарқанддан Ҳиндистонга отларни олиб бориб, уларни сотиш

билан шуғулланади. Мазкур сафарларда Боязид жуда кўп одамлар билан танишади. Уларнинг ичида ислом давлатларида ақидапараст мутаассиб оқимлар сифатида айбланган турли экстремистик ва радикал фирқа ва гуруҳлар вакиллари ҳам бор эди.

Ўша даврда Боязид танишган одамлардан бири – мулла Сулаймон исмли шахс бўлиб, у Панжобдаги исмоилийлар оқимининг вакили бўлган. Мулла Сулаймон Боязид Ансорийни ислом арконларига зид бўлган «руҳларнинг кўчиб ўтиши» ғояси ҳамда исмоилия фирқасининг диний қарашлари билан таништириши Боязид тафаккурига жуда чуқур салбий таъсир ўтказади.

Бир неча йил давомида Боязид турли хил диний адабиётларни мустақил ўрганади. Кейинчалик Боязид Олий ҳақиқатни, яъни Аллоҳ ҳақиқатини англаганини эълон қилади. Сўнг Боязид ўзининг Аллоҳ овозини эшитгани, Аллоҳ унга одамлар орасига кириб, улар ичида Яратган сўзларини тарғиб қилишга фатво берганини ошкора айта бошлайди. Аллоҳ Боязиддан одамларнинг фикрларига нур беришни, яъни уларнинг қарашларини «равшан» қилишни талаб этганини айтади. Шунга кўра, Боязид Ансорий ўз ҳаракатини «равшанийлар» ҳаракати деб номлайди. Аввалига у ўз уйида ҳамфикрларни йиғиб, Қуръони карим оятлари ва Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ҳадислари ислом уламолари томонидан нотўғри талқин қилиниб, исломнинг асл моҳияти бузилаётганлиги, одамларни тўғри йўлга чорлаш зарурлиги ҳақидаги масалаларни муҳокама қилади. Мазкур мажлисларда одамлар «нотўғри» йўлдан кетаётганлиги айтилиб, тўғри йўлни эса фақат Боязид Ансорий кўрсатиши мумкинлиги таъкидланади. Боязид ўзини барча мусулмонларнинг пири, деб эълон қилади.

Расмий дин вакиллари Боязид қарашлари оддий ва саводсиз аҳоли ўртасида кенг тарқалаётганлигидан ташвишга тушиб, унинг қарашлари шариатга мутлақо зид эканлигини уқтиришга ҳаракат қилишади. Бироқ Боязид ислом уламоларини ёлғончи ва қуруқ тухматда айблай бошлайди. Гўёки, диний уламоларнинг амаллари Қуръондан узоқ ва шариатга мос келмаслигини тарғиб эта бошлайди. Ижтимоий адолатсизликдан чарчаган халқ Боязид

тарафига ўтиб, уларга зулм қилган амалдорларга қарши кураша бошлайди.

Равшания фирқаси фаолияти Бобурийлар сулоласининг вакили Акбаршоҳ (1542-1605) подшоҳлиги даврига тўғри келади. Бу давр ўз ўрнида Акбаршоҳ томонидан «дини илоҳий» тарғиб этилаётган ва ишлаб чиқилган даврга тўғри келади. Бу эса ўз давридаги мавжуд турли динлар, хусусан ислом, оташпарастлик ва буддизм асосида янги, барчанинг эътиқодини бирлаштирувчи ягона динни яратишга бағишланган ғояни илгари суради. Табиийки, Боязид Ансорий мавжуд шароитдан устамонлик билан фойдаланиб, ўзини «дини илоҳий»га қарши чиққан куч сифатида намоён қилади.

Боязид Ансорий бир неча мартаба қуроли кураш олиб боради. Улардан муҳимлари Тирах йўлидаги Чора деган жойда, Нангархар яқинидаги Торраг деган жойдаги бўлган урушлар ва қуроли тўқнашувлардан иборат.

Боязид Ансорий ўлимидан сўнг ҳаракат сиёсий-ижтимоий тус олиб, ҳаракатни унинг ўғиллари Умар, Хайриддин, Нуриддин ва Жалолиддинлар давом эттиришади. Шунингдек, кейинчалик унинг неваралари Аҳдад, Абдулқодир, Каримдодлар қўшиладилар. Уларнинг барчаси курашларда вафот этади.

Боязид Ансорий бир неча рисоалар муаллифидир. Унинг диний-мистик ва ижтимоий ғоялари мазкур китобларда ўз аксини топади. Боязиднинг «Холнома» асари автобиографик асар ҳисобланиб, унда муаллифнинг ҳаёти, олиб борган кураши ва ғоялари тизимли равишда берилган. Шунингдек, Боязиднинг «Фатҳ ат-толибин», пуштун тилидаги «Дъ илм рисола», «Хайр ул-Баён» каби асарлари ҳам мавжуд.

Боязид Ансорийнинг «Хайр ул-Баён» асари унинг ақидалари ва таълимоти баён қилинган бош асарларидан саналади. Асар қирқ қисмдан иборат. Китобда муаллифнинг эътиқод, Аллоҳ, тавҳид, қабр азоби, тарозу, Аллоҳнинг расуллари, Охират куни, мўминларнинг кундалик мажбуриятлари, Пири комил таълимоти, Аллоҳга етишликнинг саккиз мақоми каби масалалар муҳокама қилинади. Боязид Ансорий мазкур асарда Яратганга «Эй, Аллоҳ!», деб мурожаат этади. Сўнгра, гўёки Аллоҳ унга қўйилган саволларга

жавоб тариқасида «Эй, Боязид!», деб жавобларни беради. Яъни, Боязид Аллоҳ номидан ўз қарашларини сингдиришга уринади.

Унинг «Мақсуд ал-мўминин» китоби араб тилида ёзилган бўлиб, мазкур асар муаллифнинг тўнғич фарзанди Умарга бағишланган. Мазкур китоб равшанийлар ҳаракатининг диний-мистик қарашларини ўзида мужассам этган. Китоб 21 фаслдан иборат бўлиб, унда Аллоҳни англашнинг саккиз босқичи, мақомлари ва тариқат талаблари ифода қилинган. Шунингдек, асарда тавба, ҳалол ва ҳаром, зуҳд, фақр, сабр ва қаноат, таваккул ва ризога алоҳида эътибор қаратилган.

Боязид Ансорийнинг яна бир китоби – «Сирот ал-тавҳид» деб номланиб, 116 бетни ташкил қилади. Мазкур китоб Боязид Ансорийнинг ўлимидан аввал чоп этилиб, унинг бир нусхаси Акбаршоҳга тақдим этиш учун жўнатилган. Китобда Пири комилнинг шахсий ва ижтимоий хусусиятлари борасида фикрлар жамланган.

Ўз даврида Мовароуннаҳрда ҳам ўз тарафдорларига эга бўлган Равшанийларнинг ақидаси соф ислом ақидаларидан мутлақо фарқ қилган. Бу ҳақда Сўфи Оллоёр ўзининг «Сабот ул-ожизин» асарида фирқанинг бузуқ ақидасига шундай таъриф беради:

*Баний одамда бордур бир фариқа,
Тутурлар ўзларин аҳли тариқа.
Алар шаръи набийнинг душманидур,
Аларнинг оти яъни «Равшаний»дур.
Алар ўзларига ориф қўйиб от,
Ўқирлар омиларга яхши абёт.
Ва лекин айт ишур беҳуда маъни,
Ўзини йўлига солмоққа яъни.
Аларда бўлмағай ҳеч яхши нийят,
Аёлу аҳлида бўлмас ҳамият.
Жамиъи жониворлар тушса кўзга,
Ҳамиятлик бўлур тўнғиздан ўзга.*

*Аларнинг феълидур тўнғизга ўхшаш,
Шарифат мункиридур оғзига тош.*

*Аларнинг феълени ким яхши билди,
Бўлиб кофир яна ўтқа йиқилди.*

Шундай қилиб, XVI аср охири XVII бошларида афгон ва пуштун қабилалари ичида тарқалиб, ислом арконларини ислоҳ қилиш ва ислом эътиқодида янги тартибни ўрнатишни даъво қилган экстремистик радикал оқимлардан бири бу – равшанийлардир.

Дини илоҳий: Бу «дин»нинг асосчиси Акбар Жалолиддин Муҳаммад (1542.14. 10, Амаркоғ – 1605, Агра яқинидаги Сикандра қишлоғи) – Ҳиндистондаги бобурийлар салтанати ҳукмдори (1556 йилдан). Бобурнинг набираси, Ҳумоюннинг ўғли, 13 ёшида тахтга ўтирган (1556 йил 15 февраль). Дастлаб вазири туркман Байрамхон оталиқ ёрдамида тахтни бошқарган, сўнгра балоғат ёшига етгач, мамлакатни қаттиққўллик билан идора эта бошлаган. Салтанатини кенгайтириш учун муттасил курашган. Акбаршоҳ даврида Бобурийлар салтанати шимолда Балхдан тортиб, жанубда Годовари дарёсигача (Кашмир ва Афғонистон ҳудудлари билан), ғарбда Арабистон денгизидан шарқда Бенгалия қўлтиғигача бўлган улкан ҳудудни қамраб олган. Марказлашган салтанат тузиш мақсадида 1574 йилдан ички ислоҳотлар ўтказишга киришади: қўшин устидан назоратни кучайтиради ва уни қайта ташкил этиб, янгидан қуроллантиради, мамлакатни янги маъмурий туманларга бўлади.

Никоҳ ришталари орқали Ражпут князликлари билан алоқаларни мустаҳкамлаган. Ражпутлар оглиқ қўшини Акбаршоҳ қўшинининг асосини ташкил қилган. Йирик ер эгалари – жогирдорларнинг ўзбошимчалигига қарши бир қанча чоратадбирларни ўтказган, 1574 йил деҳқонлар, саркардаларга ер инъом этиш ўрнига хазинадан уларга маош тўлашни, мамлакатдаги ерлардан солиқ тўплашни ўз хизматчилари зиммасига юклаган. Акбаршоҳнинг бу сиёсати уламоларнинг қаттиқ қаршилигига дуч келган. Акбаршоҳ аҳоли орасида диний жиҳатдан ўзаро бирдамликка эришиш мақсадида ҳиндларни юқори мансабларга

тайинлай бошлаган ва янги дин – «дини илоҳий» жорий этган. Бу дин ўзида ҳиндуийлик, ислом, жапнизм ва зардуштийлик элементларини мужассамлаштирган ва Ҳиндистонда шоҳ Акбар томонидан жорий этилган дин.

Бу дин Ҳиндистондаги диний низоларни бартараф қилиш ва давлатни марказлаштириш мақсадида расм қилинган. Унда Қуёш ҳамма нарсадан юқори қўйилган, ақл ҳақиқатнинг олий мезони ҳисобланган. Шоҳ Акбар олий коҳин деб эълон қилинган. Шоҳ Акбар вафотидан сўнг бу дин кичик бир оқимга айланиб қолган.

Шоҳ Акбарнинг тарафдорлари уни «ижтиҳод маликасининг соҳиби» ва «зиллуллоҳ» (Худонинг сояси) деб атаб, унга итоат этишни Аллоҳ амрига итоат ва шаръий вожиб ва объектив фарз деб эътиқод қилдилар. Акбар тахтга ўтиришининг ўн икки йиллигида Фатҳпур Сикри шаҳрида «Масжиди жомеъ»да жума намозидан кейин минбарга чиқиб, ўзини илоҳий номи мазҳари ва итоаткор тайинланган имом деб эълон қилди. Сўнг ҳар жума кечаси шиа ва сунний ислом уламо ва машойихлари, поплар ва йасуъийлар, яҳудий аҳборлар, зардуштий мўбадлар, браҳман пондийатлари ва ҳатто худосизлар, даҳрийлар ва табиъийлар эркин ҳолда шу мақсадда ўз саройида қурилган махсус бинода бир-бири билан баҳсга йиғилсинлар, деган буйруқ берди, ўзи эса бу баҳсларда қатнашди ва ҳакамлик қилди.

Акбар «жизя» қонунини ҳиндлардан олиб ташлаб, ҳинд ва мусулмонларни бу жиҳатдан баробар қилди. Ҳайвонларга озор бериш ва сигирни сўйишни ҳам ҳиндларнинг браҳмани мазҳаби асосида тақиқлади. Сўнгра донишмандларнинг барчаси ҳиндларнинг илмий ва фалсафий китоблари таржимасига киришишларини белгилаб қўйди. Шу маънода ҳиндларнинг «Маҳобҳорат», «Рамаяна» каби китоблари форс тилига ўтирилди.

Акбар ўз динини эълон қилгандан сўнг, унинг саройида шундай одат ўрнатилган эдики, унинг номи муносабати билан, яъни унинг номи Жалолиддин Муҳаммад Акбар эди, тарафдорлари томонидан уни Ҳақ таолога тенглаштиришга ҳаракат қилинди ва бу дин тарафдорлари подшоҳ ҳузурида «салом» ўрнига: «Аллоҳу Акбар», дердилар ва бошқалар «Жалла жалалуҳу», деб жавоб берардилар.

Мазкур ихтиро қилинган дин Аҳли Сунна вал-Жамоа ақидасига кўра, номақул дин ҳисобланади ва унга эътиқод қилувчилар ислом динидан чиққан бўладилар.

XVIII – XIX асрларда юзага келган оқимлар

Ваҳҳобийлик: Ваҳҳобийлик – XVIII аср ўрталарида Арабистон ярим оролининг марказий қисми ҳисобланмиш Нажд вилоятида ислом динининг суннийлик йўналишидаги ханбалия мазҳаби таълимоти асосида пайдо бўлган. Унинг асосчиси Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб ҳисобланади. У 1703 йилда туғилиб, 1791 йилда вафот этган. Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб қози оиласида тарбия топган.

Муҳаммад ибн Абдулваҳҳобнинг экстремистик фаолияти XVIII асрнинг ўрталарида авж олган. Ваҳҳобий таълимотининг асосини «соф тавҳид» ғояси, фақат Аллоҳнинг ягоналигини тан олиш ташкил этади. Ваҳҳобийлар пайғамбар, авлиёларнинг шафоатларидан умидвор бўлиш, «муқаддас қадамжо»ларга зиёрат этишни рад қилиб, тасаввуфни тан олмайдилар. Шунингдек, уларнинг эътиқодига кўра суратга тушиш, марҳумлар руҳига тиловатлар ўқиш, хайри эҳсон қилиш кабилар ҳам ножоиз ҳисобланади. Бу оқим тарафдорлари ипак кийим кийиш, тасбеҳдан фойдаланиш, кўшиқ, мусиқа, театр, кино, тасвирий санъат ва умуман олганда, маънавий маданият тараққиётига қарши бўлган.

Ваҳҳобий оқими Салимхон III Усмонли турк халифалигини бошқарган замонда пайдо бўлиб, 1730 йилдан бошлаб эса ҳокимиятни эгаллаш учун мусулмон аҳоли бошига турли жабр-зулм, ёвузликлар ёғдирган. Ўша даврда ҳам ваҳҳобийлар ўзининг мафкурасига итоат этмаган кишиларни ўлдириб, мол-мулкни тортиб олиб, талон-тарож қилганлар.

Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб муқаддас Макка ва Мадинани 1788 йилда эгаллаб, у ердаги барча тарихий обидалар, саҳобалар дафн этилган жойларни ер билан яксон этиб, жуда кўп талафотлар етказган. Шу тариқа ваҳҳобийлар қайси шаҳар ёки қишлоққа кириб борсалар, у ердаги қабрлар, обидаларни бузганликлари учун оврўполиклар уларни «Обида бузувчилар» деб атаганлар.

Қайд этиш жоизки, ваҳҳобийлар ўзлари зулм ўтказган ҳудуддаги барча мусулмон аҳолисига ўз мафкурасини мажбуран сингдира олмаган. Уларнинг ўта тор мутаассиб таълимоти халқнинг каттиқ қаршилигига учраган. Имом Ғаззолий айтадилар: «Диний мутаассиблар диндан фойдаланган ҳолда кишиларга хужум қиладиган катта йўлдаги қароқчилардир».

XVIII аср охири ва XIX асрнинг биринчи чорагида ваҳҳобийлар тарафдорлари батамом қириб ташлангани тарихдан маълум. Бу оқимнинг ҳозирги замондаги тарғиботчилари ҳар қандай халқни, давлатни куфрда, ширқда айблаб, унга қарши курашиш учун қулай фурсат излайди. Айниқса, улар кишиларда мурасасизлик, ўзгалар фикрлари, манфаатларига ҳурматсизлик руҳини сингдиришга ҳаракат қилганликлари сабабли соғлом фикрловчи аҳолининг қаршилигига учрамоқда.

Ҳозирги замон ваҳҳобийлари ҳам диний-сиёсий оқим сифатида ислом дини пайдо бўлган пайтдаги ибтидоий шаклга қайтиш, бу таълимотни ер юзидаги мусулмон аҳоли орасида тарқатиш, «жиход», яъни тинч аҳолига қарши очикдан-очик уруш эълон қилиш йўлини танлаб, тарғибот-ташвиқот қилмоқдалар. Шунинг учун бу жинойий уюшма аъзоларини ваҳҳобийлар дейишдан кўра жиходчи-террорчилар дейиш маъқулроқдир.

Ваҳҳобийлик ва «Ҳизб ат-таҳрир» ўртасидаги фарқ хусусига келганда шуни айтиш керакки, биринчидан, ваҳҳобийлар – асосан пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) замонида ислом қандай ташкил этилган бўлса, шундай ҳолатда қайта ташкиллаштириш ғоясини илгари суради.

Иккинчидан, ваҳҳобийлар давлатни халифалик тарзида бошқариш тарафдори эмас. Ҳизбчилар эса айнан халифалик бошқарувини ўрнатишни истайдилар.

Учинчидан, ҳар икки оқим ақидада ҳам фарқ қилувчи фикрга эга.

Тўртинчидан, ваҳҳобий оқимида жиход эълон қилиш кўзда тутилса, «Ҳизб ат-таҳрир» бундай ҳаракатни аста-секинлик билан, босқичма-босқич амалга оширишни тарғиб қилади.

Ҳизбчилар биринчи босқичда фақат умматлар ўртасида динга эътиқод уйғотиш, намоз ўқиш, диний таълимни йўлга

қўйишга қаратилган фаол ҳаракатлар орқали одамлар онгига диний эътиқодни сингдириш, иккинчи босқичда, диний эътиқоди кучайган умматларнинг амалдаги давлат бошқарувига норозилигини уйғотишга ундовчи варақалар тарқатиш, зиддиятлар кучая бориши натижасида ўз-ўзидан учинчи босқичга ўтиш, яъни халифалик давлатини тузиш мақсадида давлат тўнтариши қилиш ва ҳокимиятни эгаллашни ташвиқ қилишади. Жиход фарзи айн, яъни бажарилиши шарт бўлган амал ҳисобланади. Ҳар учала босқич амалий натижа бермасагина ҳизбчилар қуролли кураш йўлига ўтиш энг маъқул йўл деб биладилар.

Оғахония: Оғахон исми аслида исмоилийлар оқимидаги низорийлар фирқаси раҳбарининг унвони. Ушбу хонадоннинг бобоси Қум шаҳрининг Кўҳак аҳлидан бўлмиш Сайид Абулҳасанхон эди. Бу зот Исмоилиянинг сайидларидан ҳисобланарди. Зандия давлатининг бошланишидан Оғомуҳаммад Қочор замонигача Кирмон вилоятида ҳоким бўлиб, ўзини Исмоил ибн Жаъфари Содикнинг авлодидан деб биларди. Ҳукуматдан четлангандан сўнг Қум шаҳрининг «Маҳаллот» номли жойида узлатда ўтирди, Ҳиндистонда ва Ўрта Осиёда кўп тарафдорлар орттирди. Улардан жуда кўп назр-ниёзлар келиб турарди.

Ўрта аср охирларидан бошлаб низорий исмоилийлар ўртасида ўз раҳнамола рини тирик Худо деб билиш, унинг амр-фармонларини сўзсиз адо этиш, унга назр-ниёзлар келтириб бериш одат тусига кирган.

Оғахонийлар оқими ҳам асли шиаларга мансуб исмоилия мазҳабида н келиб чиққан бўлиб, XIX асрнинг бошларида Эронда Ҳасан Али шоҳ деган шахс унга асос солган. У ўз атрофига ихлосманд кишиларни тўплаб, ишни қароқчиликдан бошлаган ва ўзининг зўравонлиги билан шуҳрат топган.

Оғахонийларнинг муридлари ўз назрларини дарёга оқизардилар ва бу моллар оқибат ўз имомларига етади, деб эътиқод қилардилар. Сайид Абулҳасанхон 1207/1793 йилда вафот этди. Шундан сўнг имомат унинг ўғли Ҳалилуллоҳга насиб этди. Исмоилия оғахониялари «Исоҳ»лик унвонларини «сўфиянинг муридларидан» иқтибос қилиб, уларга тақлидан ўзларини шоҳ

деб атардилар. Масалан, оти Муҳаммад бўлса, аввал «Алимуҳаммад» деб агашарди ва бир неча замон ўтгандан сўнг шу ном охирига «хон» қўшиб «Алимуҳаммадхон» деб аташадиган бўлишди. Ёки ўзларини Исмоилия шоҳларининг охиргиси Рукноддин Хуршоҳ (ҳеш таборидан) деб билардилар.

Шоҳ Халилуллоҳ имоматга етгандан сўнг Яздга сафар қилди. У шу шаҳарда икки йил турди. Унинг пайравлари ва шиаларнинг «Исна аширия» номли гуруҳлари орасида низо пайдо бўлиб, 1232/1817 йилда қатл қилинди. Бу воқеадан хабар топган Фатаҳлихон Кочор унинг ўғлини Техронга чақирди ва уни жуда иззат-икром билан қабул қилиб, отасининг қатлига сабабчи бўлганларнинг ҳаммасини топиб жазоларини беришни амр қилди. Сўнг Сарвхонум номли қизини унга никоҳлаб берди ва ўзини эса Қум ва Маҳаллотга ҳоким этиб тайинлади. Унга Оқохон (Оғохон) деб лақаб берди.

Ҳасанали шоҳ 1255/1840 йилда Ҳожи Мирзо Оқоси Садри Аъзам Муҳаммадшоҳнинг ҳаракатлари туфайли ноилож Маҳаллотни тарк этиб, Кирмон томон йўл олди. Йўл-йўлакай Бам қалъасига ҳужум қилиб, уни қўлга киритди.

Аmmo Муҳаммадшоҳнинг акаси Феруз Мирзо у билан жанг қилиб, Оғохонни мағлуб этди. Хатосини кечириб, ўзига омонлик берди, жуда дабдаба билан кутиб олди унга яна Қум ва Маҳаллот ҳукуматини берди.

Ҳасаналихон ҳеч ким безовта қилмаётгани боис аҳли аёли билан мол-дунёсини Карбалогога юборди. Сўнг Каъбани зиёрат қиламан деб Муҳаммадшоҳдан рухсат олди ва Кувир йўли орқали Кирмон томон йўл олди. Сўнг Оғохон Кирмонга йўл олди. Унинг ҳокимидан мағлуб бўлгандан сўнг Исфандиқага ва Жийруфтга борди. Мийнобнинг Гармсерида уруш учун қўшин ва жанг асбобини тайёрлади. Бир неча жангдан сўнг енгилиб, Қандаҳорга қараб қочди.

Қандаҳорда инглиз иш юритувчиларидан бири уни ҳимоясига олди. Инглиз ҳукумати том онидан унга ва ҳамроҳларига кундалик ҳаражатлари учун юз рупийдан беришга қарор қилинди. Инглиз маъмурлари билан ўзи ва биродарлари 1262/1846 йилнинг сафар ойида Синдга борди. Бир қанча вақтдан сўнг Эрон давлатининг

эътирози сабабли узоқ тура олмади. 1263/1847 йилнинг жумодул-аввалида Бенгал штатига йўл олиб, Калькуттада муқим яшай бошлади. Яна Бомбайга қайтди. Ўша ерда ўз ишларини ўнглаш учун корхона очди ва ушбу хонадон Ҳиндда қўним топди.

Ҳиндда яшовчи Исмоилия хўжалари билан Оғохон кишилари орасида ихтилофлар алангаланди. Алал-оқибат ихтилофни Жозеф Орналд деган киши ҳал қилди. Аммо масала Оғохон фойдасига ҳал бўлди. Бу воқеа 1282/1866 йилда содир бўлди. Шундан бошлаб Оғохон Ҳинддаги Исмоилия хўжаларининг пешвосига айланди.

Англия томонидан Ҳасан Али яширин алоқада бўлиб, улар манфаатига хизмат қила бошлайди. Лекин Эрон ҳукумати уни ҳибсга олади ва Англия ўртага тушиб, уни Эрондан чиқариб юбориш шарти билан қамоқдан озод қилинади. Сўнг у Афғонистонда иш бошлайди, лекин тез орада у ердан ҳам ҳайдалиб Ҳиндистонга боради. Бомбайда уни англизлар исмоилия тоифасининг бошлиғи (имоми) деб эълон қилади ва у ўзини шиа имомларининг вориси деб даъво қилади.

Юқорида айтганимиздек, Ҳасаналишоҳнинг лақаби (Оғохон) эди, яъни Оғохони аввал дердилар. Шундай қилиб, у 1298/1881 йили вафот этади ва Бомбайдаги Ҳасанобод мазоридида дафн қилинади. У ўз таржимаи ҳоли ҳақида бир рисола ёзди ва «Ибратафзо» деб номлаб Бомбайда чоп эттиради. Рисолада у ўзини «Муҳаммад Ҳасан ал-Ҳусайний», Ҳасаналишоҳ деб атаган эди.

Ҳасаналишоҳдан сўнг имомликни унинг ўғли Оғохоншоҳ ал-Ҳусайний ёки «Оғохони дуввум» (Оғохон II) Ҳинд Исмоилияларнинг пешвоси бўлди. У 1302/1884 йилга қадар ҳаёт эди. У анча ўқимишли бўлиб, мусулмонларнинг мазҳабларидан қатъи назар ҳаммасига бир хил муносабатда бўлиб, тез орада шухрат топади. Аммо унинг имоматлик даври узоққа чўзилмади.

Шундан сўнг «Оғохони саввум» (Оғохон III) лақабли саккиз ёшли ўғли Султон Муҳаммадшоҳ имоматга етди ва 1301/1885 йилдан 1957 йилгача исмоилиянинг пешвоси бўлди. Султон Муҳаммадшоҳга англиз ҳукумати томонидан «Сир» деб лақаб берилди. Шундан бошлаб у ҳинд Назорий Исмоилияларнинг руҳоний раҳбарига айланди ва шу қаторида у Шарқий Африка, Сурия, Марказий Осиё ва Эроннинг хожаларидан ҳисобланади.

Бу ўғил Оғохон III лақабини олиб Эрон маликасига уйланиб, ундан 1294/1877 йили бир ўғил кўради. Мана шу Оғохон III анча яхши ишлар қилса-да, лекин ўзи Европада яшашни ихтиёр қилиб, кўпроқ маишатга берилиб кетади. Тўрт марта, яъни Эрон маликасига, италян аёлга, француз ва гўзаллар маликасига уйланади. Оғохон III 1327/1909 йилда Эрон ҳукуматидан унга тобе бўлишини талаб қилди. Эрон давлати бунга розилик берди. Муҳаммадризо Паҳлавий унга «Ҳазратволо» деб лақаб берди. 1936–1937 йили имоматлигининг эллик йиллигига бағишлаб Осиё ва Африка Исмоилиялари Бомбай ва Найробида унинг вазнига тенг олмос ҳадя қилдилар. Оғохон 1957 йили 80 ёшда дунёни тарк этди.

У ўлими олдидан Карим номли набирасига имомликни васият қилади. Алихон ўғли Бирнис Каримхон бобосининг васиятига мувофиқ (1315/1936 йилда туғилган) йигирма бир ёшида имоматликни ўз зиммасига олиб, «Оғохония исмоилия»нинг пешвоси бўлди. Карим Оғохон Жуну деган жойда туғилиб, Ҳарвард университетиде таҳсил олди. Имоматлик мақомига сазовор бўлганлиги Шарқий Африкадаги Тонгониконинг «Доруссалом» шаҳрида нишонланди. Ҳозирда Оғохония оқими Найроби, Доруссалом, Мадагаскар, Бельгия, Ҳиндистон, Покистон ва Сурияда мавжуд.

Оғохонийлар бу имомни улуғлаб, гуноҳдан пок деб, ҳатто илоҳийлаштирганлар ва йиллик даромадларининг бешдан бирини унга атайдилар. Оғохонийлар ислом оламида эътибор қозонмаган, балки Ғарб мамлакатлари манфаатлари йўлида фаолият олиб борган бир тоифа кишилар бўлиб, уларнинг оёғи етиб борган жойда фитна-фасод ва нотинчлик содир бўлади.

Шайхия: Бу оқим XIX асрда Эронда шиалиқдан ажралиб чиққан оқим бўлиб, асосчиси шайх Аҳмад ибн Зайниддин Аҳсоий (1753-1826 й.)дир. Шайхия оқими мафқураси шиалиқдаги ахборийлардан фарқ қилган: шайхия оқими ривоятлар сонининг кўпайиб кетганлиги ва улар танқид қилинмаслигига қарши чиққанлар.

Шайхийларнинг эътиқодига кўра, 12 имом илоҳий ироданинг намоён бўлиши, Аллоҳнинг хоҳишларини шарҳловчилардир ва шу жиҳатдан улар – яралишнинг охирги сабабидир. Улар Аллоҳ

яратган барча нарсаларни акс эттирадилар, лекин ўзлари қувватга эга эмас.

Замонлар оша шайхия фирқаси ҳам кичик фирқачаларга бўлиниб кетди. Улардан бири каримхония бўлиб, унинг асосчиси Кермон шаҳридаги шайхиялар тарафдорларидан бири Ҳожи Муҳаммад Каримхон бўлиб, уни «саркор оғо» деб чақиришган. Иккинчи фирқача боқирия бўлиб, унинг асосчиси Муҳаммад Боқир Хандақободий бўлиб, у дастлаб Ҳожи Муҳаммад Каримхоннинг Ҳамадон шаҳридаги намояндаси эди. Сўнг мустақиллик даъвосини қилди. Бу шахс кейинчалик Мирзо Муҳаммад Ҳамадоний номи билан машҳур бўлди. Бу киши Ҳамадонда шайхия билан Болосарий ўртасидаги урушга йўл қўйган шахсдир.

Шайхиядан ажралиб чиққан яна бир фирқа бу Аҳқоқия деб аталиб, унинг асосчиси Охунд Мулло Боқир Эскуий бўлиб, у Карбалодаги шайхия олимларидан эди. Саид Козим Раштийнинг ўғиллари унинг қўлида ўқирди ва Саиднинг ўлиmidан сўнг, унинг ўрнини даъво қилди. Охунд Мулло Боқир Эскуий «Аҳқоқ ал-Ҳақ ва абтол ал-ботил» номли китобини Ҳожи Муҳаммад Каримхон Кермонийни рад қилиб ёзгани учун унинг фарзандлари ўзларининг оилавий номини Аҳқоқий деб қўйдилар. Бу фирқа тарафдорлари Озарбайжон, Карбало ва Қувайтда яшаганлар. Кейинчалик бу фирқанинг пешвоси Оқо Шайх Расул Аҳқоқийдир.

Шайхия таълимоти Эрондаги бобийлар ҳаракатига гоявий асос яратиб берган, бироқ шайхийларнинг унда иштирок этганлари номаълум. Лекин XIX аср ўртасида бобийларга тазйиқ ўтказиш, қувғин шайхийларни ҳам ўз домига тортиб кетган, уларни таъкиб этиш кейинчалик ҳам тўхтамаган.

Бобия: XIX асрнинг 40–50-йилларида Эронда шиалик ичида вужудга келган диний оқим. Бу оқим асосчиси – Мирзо Али Муҳаммад Шерозий (ваф. 1265/1849 й.) Боб лақаби билан танилган. У отаси Саййид Ризо Баззоз Шерозийнинг вафотидан сўнг амакиси Хож Саййид Али қўлида тарбия топди. У ўн етти ёшга кирганда отасининг касби – тижоратни танлаб, шу касбни давом эттирди ва Бушер портига борди. Қарийб беш йилча Бушерда яшади. Сўнг Шерозга қайтиб, савдо-сотиқни йиғиштирди. Маккага сафар қилади. Ироқда имомлар қабрини зиёраг қилишга муяссар бўлади.

Унинг Карбалода истиқомат қилиши тахминан икки-уч йилча чўзилади ва у ўн тўққиз ёшидан Шайхия пешвоси Саййид Козим Раштийга шогирд бўлади. У устози Саййид Козим Раштийдан унинг ахлоқий ва мазҳабий таълимотларини олади. Саййид Козим Раштий (ваф. 1260/1844 й.)нинг вафотидан сўнг йигирма тўрт ёшлигида Боб имоми замон Ҳазрат ҳужжати бин ал-Ҳасан ал-Муҳаммадга ўринбос арликка эришишга восита, яъни эшик бўлишга даъво қилади. 1260/1844 йилдан то беш ойгача шайхия фирқаси уламоларидан ўн саккиз нафари Саййид Али Муҳаммад Бобга қўшилади ва абжад ҳисоби билан, унинг ўзи билан ўн тўққизта бўлади, улар «хайй» ҳарфлари билан таниладилар. Мазкур ўн тўққизта уламолар қуйидагилар:

Саййид Али Муҳаммад Боб
 Мулло Ҳусайн Башруе
 Муҳаммад Ҳасан Ахват
 Муҳаммад Боқир Сағир (амакисининг ўғли)
 Мулло Ҳусайн Бастомий
 Мулло Худобахш Кучоний (мулло Али
 Розий номи билан машҳур)
 Мулло Ҳусайн Бажастоний
 Саййид Ҳиндий
 Мулло Муҳаммад Боқир Хавофий
 Мулло Жалил Урумий
 Мулло Аҳмад Абдали Мароғий
 Мулло Боқир Табризий
 Мулло Юсуф Ардабелий
 Мирзо Ҳодий Қазвиний
 Мирзо Муҳаммад Али Қазвиний
 Тоҳира Қуррат ал-Аъйн
 Мулло Муҳаммад Али Борфуруш (Қуддус)
 Саййид Яҳё Доробжардий
 Мулло Али Туршизий

Боб дастлаб шундай даъво қила бошлайди: «Мен имоми замон боби, яъни имон эшигиман. Халқ азалий ва абадий улур

ва муқаддас сирлар ва ҳақиқатларни тушуниш учун бу «боб»¹дан ўтиши керак ва шу йўл билан ҳақиқатга етишиши керак. Демак, улар менга имон келтириб, ул сир-асрорларга йўл топадилар.

Бир оздан сўнг унинг даъвоси яна ҳам чуқурлашиб, шундай даъво қила бошлайди: «Худойи таоло «Баён» китобини менга нозил қилди. Бунга Аллоҳ таолонинг қуйидаги оятлар далилдир: **«Ар-Раҳмон (меҳрибон зот) Қуръонни таълим берди. (У) инсонни яратди. Унга баённи (нутқни) таълим берди»** (*Ар-Раҳмон, 1-4*). Мазкур оятдаги «инсон»дан мурод «Али Муҳаммад» ва «баён»дан мурод менга нозил бўлган китобдир».

Бобнинг даъвосини ундан олдин ўтган шайхия фирқаси пешволари Шайх Аҳмад Аҳсобайи ва унинг шогирди Саййид Козим Раштий ярим ошкор ва махфий қилиб ўз нутқларида изҳор этган эди. Аммо Саййид Али Муҳаммад эса бу даъвони ошкор ва очик айтади. Бир сўз билан айтганда, Саййид Али Муҳаммаднинг иддаоси шиа назаридан қараганда унчалик янгилик ва ноёб эмас эди. Ундан аввалги ақидапарастлар ҳам шундай даъволар билан чиқишган эди. У қадамини каттароқ ташлаб, бироз муддатдан сўнг ўзини тайинланган махфий имом эканлигини тарғиб қила бошлади. Али Муҳаммад ўзи ёзган асарларида ўзини боб, зикр ва зот (каби) етти ҳарфда² ўқийди, ундан сўнг ўзини «Қоим, Махдий, Нуқта», деб атайти.

Ўзи ёзган китобларида келтирганидек, у пайғамбарлик силсиласининг аввалги ва охириги иродасининг охириги кўриниши эмас. Унинг «Баён» китоби ҳам охириги осмоний китоб эмас. Балки ундан кейин келадиган пайғамбар бўлган кишини Худо ошкора яратади.

Саййид Али Муҳаммад жуда ҳаддидан ошиб, «Байт ул-Ҳарам» ҳақида ўзиниг ботил даъволарини қилганидан сўнг, Шероз ҳоқими Низомуддавла номи билан машҳур Хусайн Хон Муқаддам томонидан у ҳибсга олинади. Уламолар олдида уни таёқ билан уриб, зиндонга ташлайдилар.

Кейинчалик Исфаҳон валийси, келиб чиқиши грузин бўлган Манучеҳрхон Мўътамаддавланинг махфий маъмурлари уни

¹ **Боб** – [араб. – эшик].

² Али Муҳаммад исми араб тилида етти ундош ҳарфдан иборат.

Ўғирлаб кетишган ва Исфаҳонга келтиришгунга қадар у олти ой шу шаҳарда зиндонда бўлади. Манучеҳрхоннинг ҳукуматга қарашли хос хилват жойи бўлган. Уни «иморати хуршид» деб номлашган. Бу машҳур иморатнинг усти ёпиқ бўлган. Боб мана шу ерда олти ой истиқомат қилган. Бироқ Эдуард Брауннинг хабар беришича, Боб у ерда бир йилгача яшаган.

Боб ўз таълимотини мустаҳкамлаш мақсадида ўзини Муҳаммад (с.а.в.)га тенглаштириб шундай дейди: «Муҳаммад маънавий мезон нуқтаси ва мен Али Муҳаммад Баён нуқтасиман ва бу иккиси ҳам бирдир». Шунингдек, унинг тарафдорлари ва айнан унинг ўзи шахсан ўзини пайғамбарлардан бири деб атайди. «Баён» ақидасига кўра, Одам (а.с.) Бобдан ўн икки минг икки юзу ўн йил олдин келган бўлиб, бошқа келган пайғамбарлар билан у бирдир.

Манучеҳрхон вафотидан сўнг унинг амакиси Гурчинхон Техрон давлати томонидан ўзининг амакиси ўрнига Исфаҳон ҳокими этиб тайинланади. Эрон бош вазири Ҳож Мирзо Оғосий буйруғига асосан Бобни кучли қўриқчилар муҳофазасида Техронга келтиришади. Ҳар хил кутилмаган тазйиқларнинг олдини олиш мақсадида Бобни Техрон дарвозаси орқасидан ўтказиб, Озарбайжонга олиб бордилар. Уни аввал Моку қалъасида зиндонбанд этдилар (1264/1848 й.). Шундан сўнг уни Табризга келтирилиб, Валиаҳд Носириддин Мирзо ҳузурида шаҳар уламолари Боб билан мунозара қиладилар, сўнг уни таёқ билан калтаклайдилар, у тавба қилади.

Бобнинг «Тавбанома»си Ҳожи Фатҳулло Мафтун Яздийнинг «Боб» ва Баҳо билан танишинг» китобида берилган. Унинг мактуби Носириддин Мирзо валиаҳдга ёзилган бўлиб, Ҳайдарободда (Ҳиндистон) чоп этилган.

Муҳаммадшоҳ Қожор вафотидан сўнг Бобни ҳимоя қилиб Зекжон ва Мозандаронда узлуксиз қўзғолонлар юз беради. Носириддиншоҳнинг буйруғига кўра, Бобни Чаҳрих қалъасидан Табризга келтирилиб, 1266/1850 йилнинг 27 шаъбон ойида ўша шаҳарда дорга осиб, ўққа тутадилар.

Эътизод ас-Салтане «Боб фитнаси» китобида шундай ёзади: «Кутилмаганда, бу воқеадан ўқ арқонга келиб тегди, Бобнинг

қўлини арқон билан боғлаган эдилар. Боб нажот топиб, олдга қараб қоча бошлади. У ўзини сарбозлардан бирининг ҳужрасига отди. Унинг бу қочиши шариатнинг ботилидан эди, чунки агар ўз кўкрагини очиб турганда бақириб айтарди: «Эй сарбозлар ва эй халойиқ! Менинг кароматимни кўрмадингизми?! Минг ўқдан биттаси ҳам менга тегмади. «Худонинг хоҳиши Ҳақни ботилдан маълум қилиб, бу шак-шубҳа халқ орасидан бартараф бўлсин».

Сарбозлар унинг қочишини кўрган заҳоти билдиларки, унинг ҳурмати ва мансаби бўлмагани учун ўша ҳужрага бориб, уни ушлаб боғладилар ва ўққа тутдилар. Унинг жасади ҳақида ихтилофлар мавжуд. Айтадилар: унинг жасадини ҳайвонлар еб кетсин, деб шаҳар ҳандақига ташладилар. Аммо баъзилар уни кечаси Сулаймонхон Соийн Қалъай томонидан ўғирланиб, сандиққа солиб Техронга келтирганлар ва «Роботи Карим» яқинидаги Имомзода Масъум қабристонидан дафн этганлар, деган фикрни билдирган.

Азалийлар айтадилар: «Жасад ўша имомзода Масъумда жойидадир. Аммо баҳойлар шу фикрдаларки, жасадни у ердан «Чашмаи Али»га яқин Мошоллоҳ масжидига олиб борганлар ва у ердан Техронга келтирганлар. Шундан сўнг бобийлар уйларида навбатма-навбат омонлик бўлган эди. Ўн саккиз йилдан сўнг Баҳоуллоҳ буйруғи асосида Акка шаҳрига олиб бориб, Кармал тоғининг этагида тупроққа топширдилар ва у ерни олий мақом деб атадилар».

Али Муҳаммад қатл этилиб, бобийларга суиқасд бўлгандан сўнг Носириддиншоҳ фармони билан Бобнинг ўринбосари Субҳ Азал исми Мирзо Яҳё Нурийни (1246/1831 – 1330/1912 й.) ва Баҳоуллоҳ исми билан танилган унинг укаси Мирзо Ҳусайн Али ва бир қанча бобийларни Ироққа бадарға қиладилар.

Бобийлар ақидасини қуйидагилар ташкил қилади: Боб таълимотининг асоси унинг «Баён» номли китобига асосланган бўлиб, улар эътиқод қилишларича, Боб бутун борлиқни яратган. Таносух¹ Боб ақидасининг асосини ташкил қилади. У 19-рақамни

¹ Таносух – руҳнинг кўчиб юриши ҳақидаги нотўғри ақида. Ўлганларнинг руҳи (жони) янги туғилган инсонларда, ҳатто ҳайвон ва ўсимликларда қайта мужассамланиши ҳақидаги тасаввурлар браҳманизм, хиндуизм ва

муқаддас деб билиб, ойларни ва ойлардаги кунларни 19 тадан қилиб бўлган.

Бобийлар эътиқодига кўра, ҳар Бобий киши ҳар куни «Баён» китобидан ўн тўққиз оятни ўқиши ва Худо номини 362 марта зикр этиши керак. Ўлган кишини биллурдан қилинган қабрга қўйиш лозим. Ёки ўликни сайқалланган тош ичига жойлаштириш даркор. Маййитнинг ўнг қўлида бир узук бўлиб, унинг кўзига «Баён» китобидан оят ўйиб ёзилиши керак, токи вафот этган киши қабрда кўрқмасин.

Инсон бошқага озор бермаслиги, қўшнисининг азият чекишига сабаб бўлмаслиги керак. Ким унга сўз айтса ёки мактуб ёзса жавоб бериши керак, мактубни йиртиш керак эмас, балки унинг эгасига етказишга амин бўлиши керак. Спиртли ичимликлар ичиш ва маъжунлар, яъни эликсир, куч ва қувват берувчи суюқликларни истеъмол қилиш ҳаром саналган.

Ҳар ўн тўққиз кунда ўн тўққиз кишини меҳмон қилиш вожибдир, гарчи сув ичса ҳам. Гадоёчилик қилиш ҳаромдир ва гадога пул бериш гуноҳларнинг гуноҳидир. Марҳум дафн этилгандан сўнг мерос унинг меросхўрлари ўртасида қуйидагича тақсим қилинади: ўтиллари 8/60, эри 7/60, отаси 6/60, онаси 5/60, акаси ёки укаси 4/60, синглиси 3/60 ва муаллим ҳам марҳум меросидан фойдаланади.

Шунингдек, Боб ақидасида Будда, Конфуций, Брахма ва Зардуштни пайғамбар деб эътиқод қилиш буюрилади. Исо масихни хочга михланган деб ишонадилар. Жаннат, дўзах, фаришталар, жинларни ва пайғамбарлар мўъжизасини инкор қиладилар. Аёллар сатри авратда ҳижоб¹ билан юришини ҳаром дейдилар.

Юнонистонда метемпсихоз каби диний эътиқодларнинг илк шакллари билан боғлиқ равишда вужудга келган. Аммо ислом динида таносух ақидаси бутунлай рад этилади.

¹ **Ҳижоб** – [араб. – *парда, сатр, ёпинчик*]. Ислолда аёлларнинг ҳуқуқи поймол қилинмаслиги, уларнинг номус, шараф ва ифбатларини ҳимоя қилиш мақсадида эркаклар кўзидан сақланишларига буюрилган. Лекин қайси аъзолари аврат саналиши ва қанча миқдорда очиқ юришлари мумкинлиги хусусида мужтаҳид уламолар ягона фикрга келиша олмаганлар. Масалан, Абу Ханифа (Имоми Аъзам) билан Имом Молик (р.х)лар аёлнинг юзи, икки қўли ва оёқларининг тўпиғи ости аврат эмас, очиб юриши мумкин деган бўлсалар,

Бобийлар шахсни ҳимоя қилиш, камбағаллардан олинадиган солиқларни бекор қилиш, йирик ер эгаларининг хусусий мулкини тугатиш, барча мол-мулкни тенг тақсимлашни талаб қиладилар. Мавжуд дин ва давлат тизимини ағдариб ташлашни тарғиб этади. Бобийлар таъқиб этилди, уларнинг кўзғолонлари шафқатсиз бостирилди. Қутулиб қолганлари яширинди ёки мамлакатни тарк этди. Бобийлик тарафдорлари Эронда, оз миқдорда Ироқ, Сурия ва Исроилда мавжуд. Боб вафотидан кейин Баҳоулло лақабли Мирзо Хусайн Али оқимга раҳбарлик қилган.

Баҳойлик: Диний-сиёсий ҳаракат бўлиб, XIX асрнинг иккинчи ярмида Эронда пайдо бўлган¹. Унинг асосчиси Мирзо Хусайн Али Нурий (1817–1892) «Баҳоулло»² деган номи билан танилган. Баҳоулло Бобийлар ҳаракатининг кўзга кўринган намояндаларидан бири. Мозандаронда туғилган. Бобийларнинг Эрон шоҳига уюштирган суиқасди муваффақиятсизликка учрагандан кейин Баҳоулло 1852 йили Ироққа қочган, бу ерда ўзини Боб ишини давом эттирувчи ва Худодан ваҳий олган Махдий деб эълон қилган.

Баҳойларнинг теологик ва этик нормаларни ишлаб чиқиш жараёни 1850 йилларнинг ўрталаридан бошланиб, Баҳоуллонинг вафотига қадар қирқ йил давом этди. 1858 йилда Бағдодда чиққан «Китоби имон» («Ишонч китоби») асарида Боб таълимотига бўлган муносабат акс эттирилган. У 1873 йилда Фаластинда «Китоб ал-ақдас» («Энг муқаддас китоб») асарини ёзади, унда баҳойлик мафкурасининг асосий ғояларини баён этади. Баҳойликнинг «Муқаддас ери» Акка³ шаҳридир.

Имом Шофеъий билан Имом Молик (р.х.)лар аёлнинг барча аъзоси аврат, хатто кўзлари ҳам кўринмаслиги керак, деб ҳисоблаганлар.

¹ **Акка** – Ўрта денгиз соҳилидаги шаҳар. Исроил давлатида. Қадимда Акко деб аталган бўлиб, Жанубий Финикиянинг йирик савдо маркази бўлган. Илк бор милоддан аввал XV асрга оид манбаларда зикр қилинади.

² **Баҳоулло** – [араб. *Аллоҳ нури, жилоси*].

³ Баҳойлик ҳақида қўшимча маълумотлар олиш учун қуйидаги манбаларга қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Ж. I. – Б. 663; Ислом энциклопедия. – Б. 46, 48; Encyclopedia of Religion / Lindsay Jones. – USA: Thomson Gale, 2005. – Т. 2; Ю. А. Иоаннесян. Бахаи религия // Православная Энциклопедия / Ред. Святейший Патриарх Московский и всея Руси Алексей II. – М.: Церковно-научный центр "Православная Энциклопедия", 2002. – Т. 4. – С. 391-393. – 752 с. А. А. Грицанов.

Баҳойлик таълимотига кўра, Баҳоулло охирги пайғамбардир. Ундан кейинги пайғамбар эса минг йилдан сўнг келиши мумкинлиги даъво қилинади. Таълимот ўзининг қуёш тақвимига эга: унга мувофиқ бир йилда 19 ой бўлиб, ҳар ойда 19 кун бор. Шунингдек, баҳойларнинг бузуқ ақидасига кўра, мавжуд динларни йўқотишнинг ҳожати йўқ, уларни қандайдир бир нуқсонсиз таълимот асосида бирлаштириш лозим. Аслида ҳамма динлар яхши, фақат уларни ортиқча ақида ва урф-одатлардан тозалаш керак. Муҳими – Худони севиш керак, чунки муҳаббат – тараққиётнинг шарти ва коинот қонунидир.

Баҳойлик ақидасининг айрим қисмлари Ислом ва насронийликдан олинган. Бундан ташқари, доасизм, зардуштийлик, конфуцийлик ва кришналикдан ҳам фойдаланилган. Баҳойлар баҳс ва мунозарада турли динларнинг диний адабиётларига мурожаат этадилар ва уларни асос қилиб келтирадилар.

Баҳойларнинг худоси мусулмонларнинг Аллоҳига тенглаштирилади. Насронийларнинг учлиги, Инжил ва Исо масиҳнинг отасиз дунёга келиши рад этилади. Иблис ва салбий кучлар мутлақо рад этилади, чунки баҳойлар ақидасига кўра ёмонлик бу яхшилиқнинг мавжуд бўлмаслигидир. Жаннат руҳиятнинг камолотга эришиши деб қаралса, дўзах эса бунинг аксидир. Баҳойлар Исломнинг 5 устунини ҳам рад этади. Баҳойлар қиёматга ва ўликлар тирилишига ишонадилар, лекин Исо (а.с.)нинг қайта тирилишини инкор этадилар.

Ибодатхоналари 9 эшик ва 9 устундан таркиб топган. Бу 9 динни бир жойга жамлангани рамзидир. Баҳойлар фикрига кўра, дин илм ва фанга қарши бўлмаслиги керак, шу туфайли улар инсон пайдо бўлиш эволюцияси ва Ернинг табиий пайдо бўлиш назарияларини маъқуллайдилар.

Баҳоулло томонидан ишлаб чиқилган баҳойлар жамоасини ташкил қилиш ва бошқариш тизими – маҳаллий, миллий ва

Бахай // Новейший философский словарь / Сост. А.А. Грицанов. – Мн.: Изд. В.М. Скаун, 1998. – 896 с; Stockman Robert The Bahai Faith and Syncretism // A Resource Guide for the Scholarly Study of the Bahai Faith. – 1997; Бахаи или бабиды // Малый энциклопедический словарь Брокгауза и Ефрона: В 4 томах. – СПб., 1907-1909; Бехаизм / Оксфордская Иллюстрированная Энциклопедия Всемирная история (с 1800 г. и до наших дней).

халқаро даражаларни ўз ичига олади. Жамиятга 21 ёшга тўлганлар қабул қилинади. Жамоя аъзолари фақат ўзларининг жамоалари учун ишлайдилар. Хайр-эҳсонлар фақат баҳойлардан қабул қилинади. Аёллар ҳукуматнинг юқори тузумига қўйилмайди.

Баҳойларнинг олий маъмурий маркази «Умумжаҳон адолат уйи» деб аталади. У Хайфа шаҳрида жойлашган. Баҳойларнинг «Умумжаҳон адолат уйи» хайр-эҳсон ҳисобига фаолият кўрсатади. У 9 кишидан иборат ҳақиқий аъзолар («Халқаро мажлис») томонидан бошқарилади. Улар «Миллий мажлис»лар раислари томонидан қурултойда яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар. 1963 йилда – биринчи, 1998 йилда эса саккизинчи қурултой бўлиб ўтган.

Баҳойлар ҳаракатини бошқаришда минтақавий маслаҳатчилар институти муҳим ўрин тутати. Улар «Умумжаҳон адолат уйи» томонидан 5 йил муддатга тайинланадилар. 1990 йил маълумотига кўра, уларнинг умумий сони 81 кишини ташкил этган. «Умумжаҳон адолат уйи»да – 9 киши, Африкада – 18 киши, Шимолий ва Жанубий Америкада – 17 киши, Осиёда – 216, Австралия ва Океанияда – 63 киши, Европада – 72 киши.

Миллий мажлис – баҳой жамоалари кўпчиликни ташкил этган давлатлардагина сайланадилар. Маҳаллий мажлис – баҳойлар нисбатан оз жойларда сайланиб, маҳаллий жамоани бошқарадилар. 1998 йилга келиб, дунёнинг турли мамлакатларида баҳойларнинг 175 та миллий ва 17867 та маҳаллий жамоалари фаолият кўрсатаётгани қайд этилган.

Баҳойларнинг йирик жамоалари диний маросимларини «Таъзим уйи»да бажарадилар. «Таъзим уйи»да Худонинг тасвири, шунингдек, ҳеч қандай безаклар бўлмайди. У ерда фақат ибодат қилиниб, муқаддас ёзувлардан парчалар ўқилади. Ҳозирги вақтда дунёда 7 та «Таъзим уйи» мавжуд бўлиб, улар АҚШ (Чикаго, 1953), Австралия (Сидней, 1961), Уганда (Кампала, 1961), Германия (Франкфурт, 1964), Панама (Панама, 1972), Ғарбий Самоа (Апия, 1984) ва Ҳиндистонда (Дехли, 1986) жойлашган.

Баҳойлар миссионерлик фаолиятини экология, оила, дунёвийлик ғоялари ва бошқа долзарб муаммоларга боғлаган ҳолда, ўзига хос «жозибали» тарзда олиб борадилар. Натижада, дунё миқёсида баҳойлар сони ортиб бормоқда. Бугунги кунда

баҳойларнинг ўз манбаларига кўра, XX аср охирларига келиб дунё миқёсида 6 миллион баҳой ҳисобланган. Улар 200 дан ортиқ мамлакатга ёйилган. Баҳойлар ўз анъанавий байрамларини ўтказди. Хайфа шаҳрига зиёратга бориб турадилар.

Баҳойлик дунёнинг деярли барча мамлакатларида тарқалганлиги сабабли халқаро ташкилотларга ҳам кириб бормоқда. 1948 йилда баҳойларнинг халқаро бирлашмаси (БХБ) БМТ ҳузурида ноҳукумат ташкилот сифатида қайд қилинган. 1970 йилда БХБ БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши ва Болалар фондида маслаҳатчи статусини олган. Бундан ташқари, БХБ Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти ва БМТнинг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш дастурлари билан ҳамкорлик қилмоқда.

Ўзбекистон ҳудудида баҳойларнинг илк вакиллари XIX аср охирларида Самарқанд шаҳрида пайдо бўлган. Уларнинг фаолияти натижасида 1928 йилга келиб баҳойларнинг биринчи маҳаллий жамоаси ташкил топган. Кейинчалик Бухоро, Тошкент, Когон, Андижон ва бошқа шаҳарларда ҳам маҳаллий жамоалар тузилган.

«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири қабул қилинган давргача баҳойлар жамоалари Тошкент, Самарқанд ва Навоий шаҳарларида рўйхатдан ўтиб фаолият кўрсатиб келган. Ваҳоланки, Ўзбекистонда баҳойларнинг 19 та маҳаллий жамоаси мавжуд бўлган. Демак, Тошкент, Самарқанд ва Навоий шаҳарларида расман фаолият кўрсатиб келган жамоалардан ташқари, уларнинг 16 жамоаси норасмий иш олиб борган.

Гарчанд баҳой жамоалари томонидан ички барқарорликка таҳдид солувчи ҳаракатлар содир этилмаган бўлса-да, уларнинг миссионерлик фаолияти Ўзбекистонда кенг тарқалган анъанавий диний конфессиялар томонидан қораланади. Баҳойларнинг айрим ҳудудлардаги хатти-ҳаракатлари туб аҳолининг норозилигини ҳам келтириб чиқарган ҳолатлари мавжуд.

Аҳмадийлик: Ғайриисломий моҳият ва диний-сиёсий мазмунга эга аҳмадийлик баъзи манбаларда «қодиёнийлик» ҳаракатига Ҳиндистоннинг Панжоб вилояти Қодиён қишлоғида таваллуд топган Мирзо Ғулом Аҳмад Қодиёний (1835–1908) томонидан асос солинган.

Ғулом Аҳмаднинг ислом асосларидан четлашишига ва ғайриисломий ғояларни яратишига замин яратган бир қатор омилларни қайд этиш мумкин. Хусусан, Ғулом Аҳмад табиб отасидан тиббиётга оид илмларни ўзлаштирган бўлса-да, диний илмларни ҳеч кимга шогирд тушмай мустақил ўрганган. Ғулом Аҳмаднинг ўгли Маҳмуд Аҳмад ибн Ғулом отаси ҳақидаги «Сийратул Маҳдий» («Маҳдийнинг ҳаёт йўли») номли китобида унинг илм олишда бирор устози бўлмаганини ёзади. Бу ҳам фикримизнинг исботи бўла олади.

Ғулом Аҳмаднинг ёшлигидан ҳиндуийлик, яҳудийлик, христианлик ақидалари билан танишгани ҳам унинг дунёқарошига кучли таъсир ўтказган. Ғулом Аҳмад ўзини ҳиндуийларнинг Аватари (Худонинг Ердаги кўриниши), яҳудийларнинг Машиаҳи (Исроил халқи ва инсониятни қутқариш учун Яратган томонидан юборилган, Довуд пайғамбар авлодидан бўлган шох), христианларнинг халоскори ва буддавийларнинг Майтреяси (Ерда пайдо бўлиши кутиладиган илоҳ) деб эълон қилгани ҳам шундай хулоса чиқариш имконини беради. Бу ҳолат бир томондан, ушбу таълимотнинг мазкур динларнинг қоришмасидан иборат эканини, иккинчи томондан, Ғулом Аҳмад Исломга мутлақо ёт бўлган ақида ва жамоага асос солганини кўрсагади.

Жамоа дастлаб баъзи мустамлакачи давлатларнинг мақсадли режаси асосида юзага келиб, уларнинг ҳимояси остида шаклланган. Ғулом Аҳмаднинг ҳаёт йўлини қунт билан ўрганиб чиққан уламоларимиз, унинг аввал бошида Панжоб вилоятига бостириб кириб, ўрнашиб олишга муваффақ бўлган инглиз мустамлакачиларига сидқидилдан хизмат қилганини қайд этишади. У фаолиятини дастлаб Исломга чақириқ билан бошлаб, атрофига мухлислар орттиргач, ўзини Аллоҳ томонидан юборилган «мужаддид», яъни динни янгилловчи – ислоҳотчи деб даъво қилган. Кейинчалик эса, эргашувчилари кўпайгач, аввалдан режалаштирилган мақсадга кўра, кутилган Маҳдий ва ваъда қилинган Масих, сўнгра пайғамбарлик даъвоси билан чиққан. Хатто унинг пайғамбарлиги Муҳаммад (с.а.в.)нинг нубувватидан ҳам аъло ва юксак экани эълон қилинган.

Асли марокашлик олим Идрис Шомихнинг «Қодиёнийлик – мустамлакачилик маҳсули» мақоласида таъкидланишича, 1869 йилда Британия қиролиги Ҳиндистондаги вазиятни таҳлил қилиш мақсадида ушбу мамлакатга бир гуруҳ олим ва дин уламоларини юборган. Ўрганиш натижаларига кўра, ҳукуматга тақдим этилган ҳисоботда Ҳиндистондаги мусулмонлар ўз раҳбарларигагина бўйсунishi, агар «Илоҳий илҳом» соҳиби бўлган бирор янги диний раҳнамо бўлса, унинг ортидан кўплаб одамлар эргашиб кетиши мумкинлиги ҳақидаги ғоя баён этилган. Мутахассислар айнан шу хулосага таяниб, динни янгилаш байроғи остида мусулмонларни Британия империясига тобе бўлишга чақирувчи, Ватан мустақиллиги учун кураш туйғусини сўндирувчи янги ҳаракатни шакллантириш режасини ишлаб чиқиб, кейинчалик мазкур режа амалиётга жорий қилинганини қайд этадилар.

Ғулом Аҳмад ўз фаолиятини аввалдан пухта ишланган режа асосида тизимли равишда амалга ошириб боргани, ўз асарларида мустамлакачиларга нисбатан юксак эҳтиром билан муносабатда бўлгани ҳам бундай хулосаларнинг ўринли эканини тасдиқлайди. Ўзига икки марта инглиз тилида ваҳий юборилгани, уларни ёш йигит суратидаги бир инглиз одам келтириши борасидаги иддао ва Ҳиндистон халқи озодликка эришиши йўлида ҳаракат қилган бир вақтда Ғулом Аҳмаднинг аксинча, Ватанни озод қилиш йўлидаги урушларни қоралаб, мустамлакачи ҳукмдорларга содиқ бўлишга чақиргани, бир томондан, унинг мустамлакачи хожаларини улуғлаш йўлида ҳеч нарсадан тап тортмаганини, иккинчи томондан, ҳаракат ортида аслида манфаатдор кучлар турганини фош қилади.

Ғулом Аҳмад қарашлари эволюциясининг таҳлили ҳам унинг асл моҳиятини чуқурроқ англашга ёрдам беради. Шу ўринда фаолиятининг дастлабки босқичида у ўзини соф ислом таълимоти ҳимоячиси сифатида намоён қилиб, турли динларга ўз раддияларини беришга уринганини таъкидлаш зарур. Бу даврда у ўзини «хокисор» бир мусулмон руҳонийси сифатида намоён қилиб, имкон қадар ўз атрофига тарафдорлар тўплашга интилади. У одамларни ортидан эргашишга чақириб, ўзини «ўз даъвати ва шахсий хусусиятларида Масихга ўхшаган киши», деб атайди.

Бу даврда Ғулом Аҳмад ҳанафийлик мазҳаби асосларини чуқур ўрганишга уриниб, ислом ақидаларига мос келадиган китоблар ёзади. Аҳмадийлар ўз таълимотининг исломга зид эмаслиги ва ўзларининг ҳанафийлик мазҳабида эканини исботлаш, ғайриисломий ақидаларини яшириш учун унинг айнан шу даврда ёзган китобларига урғу берадилар.

Ғулом Аҳмад ўз фаолиятининг иккинчи босқичида динни янгилаш ғоясини эълон қилади. Илк бор 1889 йил 4 мартда у Яратгандан ваҳий олганини, Худо унга динни янгилаш вазифасини топширганини эълон қилиб, ўз номи билан аталувчи «Жамоат ал-Аҳмадийя» ташкилотига асос солишини билдиради. Бу даврда у маълум ақидавий янгиликларни даъво қилган бўлса-да, ҳали «чегара»дан чиқмаган эди.

Ғулом Аҳмад фаолиятининг учинчи босқичи, ўзини «Имом Маҳдий», деб даъво қилиши билан боғлиқ. Бу босқични шартли равишда кейинроқ шаклланган ислом асосларини бузиш йўлидаги тизимли фаолиятининг остонаси, дейиш мумкин. Маълумотлар 1891 йилда ўзини «Маҳдий» эканини эълон қилган Ғулом Аҳмад бундай даъвони яқин кишиларидан бўлган Ҳаким Нуриддиннинг таклифи билан ғоялар кураши авж олган Панжоб аҳолисини ўз ортидан эргаштириш учун илгари сурганини тасдиқлайди. Умуман, Ғулом Аҳмад ва Ҳаким Нуриддин ўртасидаги муносабат ва мулоқотлар таҳлили ҳаракат фаолиятидаги кескин даъво ва ташаббуслар асосан Ҳаким Нуриддиндан чиққани, Ғулом Аҳмад эса фақат ижрочи бўлганини тахмин қилиш имконини беради.

Ғулом Аҳмад фаолиятининг тўртинчи босқичи унинг ўзини «Кутилган Масих», деб эълон қилиши билан боғлиқ. Хусусан, «Аҳмадий далиллари» ва «Ислом фатҳи» китобларида ана шундай ғояни илгари сурганини кўриш мумкин. Шу ўринда, Ғулом Аҳмад ўзининг дастлабки асарларида Исо (а.с.) ҳаёти борасида анъанавий ислом таълимотини инкор этмаганини, фақатгина ўзига хайрихоҳ бўлган тарафдорларни тўплаб олгачгина, бундай «янгиликка» қўл урганини алоҳида қайд этиш лозим.

Ғулом Аҳмад иддаосига кўра, Исо Масих осмонга кўтарилмаган, балки Кашмир томонларга қочиб келиб, 86 ёшгача яшаган ва

Сринагаре шахрида вафот этган. Шундан келиб чиқиб, у Исонинг ўлгани, бошқа қайтмаслиги, қайтувчи «Кутилган Масих» эса унинг ўзи экани ҳақидаги ғояни илгари суради.

Ғулом Аҳмад фаолиятида 1900 йилга келиб янги пайғамбарлик даъвоси илгари сурилган бешинчи босқич бошланади. Шундай иддаодан келиб чиқиб, у 1900 йилда «илҳом» хутбасини ўқийди ва 1901 йилда ўз тарафдорлари сонини аниқлаб, уларнинг ҳар бирини рўйхатга олиш ҳақида буйруқ беради. Ўзига эргашмаганлар, жумладан, мусулмонларни ҳам осий, жаҳаннамий эканини эълон қилади.

Унинг «Аллоҳ менга ваҳий юборди ва илҳом берди, ўзининг улуғ расуллари билан гаплашгани каби гаплашди», «Жоним қўлида бўлган Аллоҳ номига қасамки, у мени юборди ва пайғамбар деб атади», деган сўзлари Ғулом Аҳмад фаолиятининг бу босқичи мазмунини янада теранроқ англаш имконини беради. Ўзига эргашганлар ўртасида саросима келиб чиқишининг олдини олиш учун Ғулом Аҳмад бу даъвои билдиришда тадрижийликка ҳам алоҳида эътибор берганини қайд этиш лозим. Дастлаб, у Муҳаммад (с.а.в.)га тобе эканини, кейинроқ унинг соясилигини, охиروقибатда эса мустақил пайғамбар эканини билдиргани бундай ҳулосанинг ўринли эканини тасдиқлайди.

Қизиғи шундаки, Ғулом Аҳмад ўзини оддий пайғамбар эмас, балки «пайғамбарларнинг энг сараси», дейишгача бориб етади. «Аҳмадий далиллари» китобининг бешинчи жузида келтирилган «Аллоҳ барча набий ва расулларни бир киши қиёфасида мужассамлаштиришни истади ва ўша киши менман», деган сўзлари бунга далил бўла олади. Бундан ташқари, Ғулом Аҳмад Яратган томонидан ваҳий юборилиши ҳеч қачон тўхтамаслигини эълон қилиш билан неча асрлардан бери мусулмонлар эътиқод қилиб келадиган ақидага мутлақо ёт фикрни илгари сурди.

Ғулом Аҳмад фаолиятининг сўнгги – олтинчи босқичи бевосита унинг Яратганнинг сифатла рига эгалик қилиш ҳақидаги даъвоси билан боғлиқ. 1904 йилда у ўзини Кришнанинг одам қиёфасидаги кўриниши эканини эълон қилади. Яратган унга гўёки «Сен менга ўғил кабисан», деб ваҳий юборгани ҳақидаги иддаоиси бунинг

исботи бўлиш баробарида, Мирза Ғуломнинг соғлом фикрдан анча узоқлашиб кетганини кўрсатади.

Ислом асосларидан мутлақо узоқ ва соғлом фикр қабул қила олмайдиган ғояларни илгари сурганига қарамасдан, Ғулом Аҳмад ўз ортидан оз сонли бўлса-да, ўз ақидасида собитқадам бўлмаган маълум кишиларни эргаштиришга эришди. Бундай ҳолатни ўша даврда Ҳиндистон ярим оролида ҳукм сурган диний-ғоявий бўшлиқ билан изоҳлаш мумкин.

Ғулом Аҳмад 1905 йилда ўзининг ўлими ҳақида ваҳий келганини айтган бўлса-да, 1908 йилгача яшади. Унинг вафотидан сўнг ҳаракатга қисқа муддат давомида 1841 йилда туғилган, аҳмадийлик ғояларини тарқатишга ўзининг ҳиссасини қўшган Ҳаким Нуриддин бошчилик қилди ва у биринчи халифа деб эълон қилинди. 1914 йилда у вафот этгач, ҳаракат икки йўналишга бўлиниб кетди.

Аҳмадийларнинг кўпчилиги Ғулом Аҳмадга содиқ қолган ҳолда унинг 25 ёшли ўғли Башириддин Маҳмуд Аҳмадни иккинчи халифа этиб сайладилар. Айнан унинг қирқ йиллик фаолияти даврида «қодиёнийлар» номини олган мазкур йўналиш таъсирида аҳмадийлар ҳаракати бугунги кўламдаги таъсирга эга ташкилотга айланди. Аҳмадийлардан ҳам бир неча фирқалар ажралиб чиқди, улар қодиёнийлар, мирзавийлар ва лаҳорийлардир.

Қодиёнийлар 1947 йилдан бошлаб ўз қароргоҳларини Покистоннинг Рабва шаҳарчасига кўчиришгани сабабли уларни бундай аташ унчалик ҳам тўғри эмаслигини алоҳида қайд этиш лозим. Айни пайтда, Ғулом Аҳмаднинг «мирзо», яъни насаби улуғ кишилардан бўлгани сабабли аҳмадийларга нисбатан «мирзавий»лар атамасини ҳам қўллаш ҳоллари учрашини таъкидлаш зарур.

Ҳаракатнинг ғарблашган ва юқори лавозимли аъзолари пайғамбарлик ва халифалик масалаларида тортишувларга бориб, 1914 йилда Лаҳорда ўзларининг янги ташкилотига асос солдилар. Шундан келиб чиқиб «лаҳорийлар» номини олган йўналишга ёш ҳуқуқшунос, Қуръоннинг инглиз тилига таржимони Муҳаммад Али раҳбарлик қила бошлади.

Лаҳорийлар ҳам Ғулом Аҳмадни «ваъда қилинган Масих» деб билади. Унинг кўрсатмаларига амал қилмаган ва уни рад этганларни «кофир» деб ҳисоблайди.

Ғулом Аҳмадга нисбатан «қодиёнийлар»нинг «Масих мавъуд» («Ваъда қилинган Масих») ва «Маҳдий», «лаҳорийлар»нинг эса «Набий зиллий» («Пайғамбар сояси») ва «Набий ғайри ташриъий» («Шариат жорий қилмаган пайғамбар») номларини ишлатишида улар ўртасидаги фарқларни кўриш мумкин. Лаҳорийлар Ғулом Аҳмадни пайғамбар эмас, фақат динни янгиловчи, яъни мужаддид сифатида эътироф этиш билан ҳам қодиёнийлардан фарқланадилар.

Аҳмадийлар ўзларининг ҳанафий эканини таъкидлаб, бошқа мусулмонлардан деярли фарқ қилмасликлари, ихтилофлар айрим жузъий масалаларга оид эканига урғу бераётганлари ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Ваҳоланки, аҳмадийларнинг ақида борасидаги кўплаб қарашлари асл ислом таълимотига мутлақо зиддир.

Аҳмадийликнинг ғайриисломий ақидалари ҳаракат юзага келган даврдан бошлаб мусулмон уламоларининг жиддий норозилигига сабаб бўлиб келиш баробарида, Ғулом Аҳмаднинг баъзи қарашлари ҳиндуийлар ва христианларнинг ҳам эътирозларини келтириб чиқарганини алоҳида қайд этиш лозим.

Аҳмадийлар ўзларини мусулмон эканликларини даъво қилсалар-да, аслида уларнинг диний-ақидавий қарашлари асл ислом анъаналаридан йироқдир. Аҳмадийларнинг Маҳдий, ваъда қилинган Масих, пайғамбарлик, муқаддас қадамжолар, Исо (а.с.) ҳаёти, меърож, халифалик каби масалалардаги қарашлари бунга ёрқин мисол бўла олади.

Ғулом Аҳмад ҳеч бир далил-асоссиз ўзини мусулмонлар томонидан охирзамон арафасида пайдо бўлишига ишониладиган Маҳдий деб эълон қилган.

«Ал-мавсуъатул муяссара» номли китобда «аҳмадия» жамоасининг баъзи фикр ва эътиқодлари хусусида тўхталиб, қуйидагилар баён этилган :

– «Аҳмадия» жамоаси эътиқодига кўра, Аллоҳ рўза тутади, намоз ўқийди, ухлайди, уйғонади, ёзади, хато қилади, имзо чекади. (Аллоҳ уларнинг сўзларидан олий ва покдир);

– Мирзо Ғулом Аҳмаднинг илоҳи инглиз ва у билан инглизча хитоб қилади;

– пайғамбарлик нубуввати Муҳаммад (а.с.) билан тугамайди, балки у давом этади. Аллоҳ зарурат юзасидан Пайғамбарлар жўнатади, албатта Мирзо Ғулом Аҳмад жами ўтган Пайғамбарларнинг афзалидир;

– Жаброил (а.с.) Мирзо Ғулом Аҳмадга Муҳаммад (а.с.)га ваҳий олиб тушгани каби ваҳий олиб тушади ва у Қуръон каби илҳомланмаган;

– «Ваъда қилинган Масих», яъни Мирзо Ғулом Аҳмадга тақдим этилган китобдан бошқа Қуръон йўқ, унинг таълимотидан бошқа ҳадис йўқ. Мирзо Ғулом Аҳмаднинг раҳбарлигидан ташқари пайғамбарлик ҳам йўқ;

– «Аҳмадия» жамоаси асосчиси Мирзо Ғулом Аҳмадга Қуръони каримдан бошқа «Китобул-мубин» номли китоб туширилган;

– улар ўзларини мустақил дин, мустақил шарият эгалари ва Мирзо Ғулом Аҳмаднинг йўлдошларини эса саҳобалар деб эътиқод қилишади;

– улар учун «Қодиён» (Мирзо Ғулом Аҳмаднинг туғилган қишлоғи) ҳурматли ҳисобланади. Жамоанинг қибласи ва ҳаж қиладиган жойи ҳам ўша ердир;

– инглиз ҳукумати Мирзо Ғулом Аҳмаднинг йўлбошловчиси ҳисобланади, шу боис умумий итоатга мувофиқ, «иш боши» талабига кўра, жиҳод ақидасини бекор қилишга чақирилади;

– уларнинг эътиқодига кўра ҳамр, афюн ва бошқа маст қилувчи моддаларни истеъмол қилиш ё чекиш ихтиёрийдир;

Аҳмади йлар Исо (а.с.) осмонга кўтарилганини рад этадилар ва узоқ умр кўриб, вафот этгани ҳамда Кашмирдаги Сринагаре қабристонда кўмилганини таъкидлайдилар.

Уларнинг ақидасига кўра, Исо 13 ёшида ўз Ватанини тарк этиб, Ҳиндистонга келган ва таълимотини ёйган. Лаҳорийлар

эса қодиёнийлардан фарқли равишда Исо (а.с.)нинг отаси Юсуф Нажжор (христианлик таълимотига кўра, биби Марямнинг қаллиғи) бўлган, деб ҳисоблайдилар.

Шундай экан, қайд этилган мулоҳазалар аҳмадийларнинг бу борадаги иддаолари ислом таълимотига бутунлай зид эканини кўрсатади.

Ғулом Аҳмад пайғамбарликка ҳам даъво қилиб, Исломнинг бу борадаги ақидасига зид ғояни илгари суради. У жумладан, «Сизларнинг оранғизга Муҳаммад қайтадан юборилди. Унинг янги кўринишда пайдо бўлиши биринчи ҳолатининг такомилдир. Кимки Муҳаммадни мукаммалроқ сураатда кўришни истаса, қодиёнлик Ғулом Аҳмадга боқсин», деб ёзган.

Ислом уламолари ҳам пайғамбарлик тугаганига ижмоъ қилган бўлиб, ислом таълимотига кўра, Муҳаммад (с.а.в.)дан сўнг ўзини пайғамбар, деб эълон қилган киши ё каззоб, дажжол ёки мажнун ҳисобланади.

Қодиёнийларнинг «Фазл» газетасининг бир сонидаги: «У кўплаб пайғамбарлардан афзал эди ва ҳатто барча пайғамбарлардан ҳам афзал бўлган бўлиши мумкин», «Муҳаммад (с.а.в.) саҳобалари ва Ғулом Аҳмаднинг ўқувчилари орасида фарқ бўлмаган, фақат улар биринчи рисолатнинг кишилари бўлган бўлса, булар иккинчи рисолатнинг кишилари», деган фикрлари ҳам бунинг исботи бўла олади.

Аҳмадийларнинг ислом асосларидан узоқлашиб кетганини кўрсатувчи яна бир ҳолат уларнинг Макка, Мадина қаторида Қодиённи ҳам муқаддас шаҳар эканига эътиқод қилишларидир. Ғулом Аҳмад ўзининг «Бароҳин аҳмадийя» («Аҳмадий далиллари») китобига битган хошиясида, Куръондаги «унга ким кирса омонда бўлур», деган оятда Қодиёндаги масжид назарда тутилганини даъво қилган.

Қодиёндаги масжидни «Ал-Ақсо»га, Қодиённинг ўзини Макка шаҳрига, Лаҳорни эса Мадинага тенглаштиришгача бориб етган. У шунингдек, Қодиёндаги масжид олдида минора қурдириб, уни «Халоскор минораси», ушбу қишлоқдаги қабристонни эса «Жаннат боғлари», деб атаган. Аҳмадийлар ақидасига кўра, бу ерга кўмилганлар жаннатга киради.

Аҳмадийлар асосий зиёратгоҳ Каъбаи муаззама эмас, балки Қодиён шахридир, деб ҳисоблайдилар. «Фазл» газетаси сонларидан бирида ёзилган «Қуръондаги «минал масжидил ҳаром илал масжидил ақсоллази барокна ҳавлаҳ» оятида «Масжид ул-ақсо» сўзи ортида Қодиён назарда тутилган», деган фикрлар буни тасдиқлайди.

«Фазл» газетасининг яна бир сониди эса «Қодиёнга қилинадиган ҳаж «Байтуллоҳ»га қилинган ҳаж кабидир», дейилган.

Аҳмадийлик таълимотининг яна бир манбаи Ғулом Аҳмаднинг «Пайғам-и-сулҳ» асарида келган «Ислом – Ғулом Аҳмад таълимоти, Ҳаж эса Қодиён зиёратисиз мукаммал эмас. Чунки бутунги кунда Маккага ҳаж қилиш мақсадга эриштирамайди», деган сўзлар ҳам уларнинг бу борадаги ботил қарашларини фош қилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, сўнгги вақтларда «аҳмадия» ҳаракати ўз фаолиятини Марказий Осиё, айниқса, Ўзбекистонга олиб киришга жуда ҳам қизиқмоқда. Чунончи, ўз таълимотини бизнинг ўлкамизда ёйишдан манфаатдор эканлигига ишора қилиб, «Аҳмадийялик даъвати» китобида: «Бу киши (Мирзо Ғулом Аҳмад) ўзбеклар учун бегона ва ажнабий эмас. Чунки, у буюк саркарда соҳибқирон Амир Темурнинг амакиси Ҳожи Сайфиддин Барлос авлодида ндир», деб ўзларининг эътиборини тарихимиз ва маданиятимизнинг муштараклигига қаратишмоқда.

XX – XXI асрларда юзага келган оқимлар ва террористик ташкилотлар

Сохта салафийлик: Исломдаги аҳком ва фатволарни ҳар бир замон тақозосига қараб эмас, ҳижрий сананинг дастлабки уч асрига мувофиқ равишда ҳаётга татбиқ этишни тарғиб қилувчи оқимдир. Бу оқим араб ва мусулмон мамлакатларида тарқалган бўлиб, Ўрта Осиёга ҳам кириб келмоқда. Бу оқим тарафдорлари ислом динининг ҳар бир замон ва ҳар бир маконга мослаша олишини тан олмайдилар. Ўн тўрт асрдан бери Исломнинг етук алломалари, фақиҳу мужтаҳидлари қабул қилган фатволарга амал қилишга қарши чиқадилар.

Исломда «салаф»¹ деганда, ҳадисларга кўра, Пайғамбаримиз (а.с.) замонида ҳамда ундан кейинги икки даврда яшаган мусулмонлар тушунилади. Шунга кўра, ислом уламолари саҳобий, тобеъин ва табаа тобеъин, яъни илк мусулмонларни «салафи солиҳ», яъни «солиҳ аجدодлар» деб ҳисоблашда яқдилдирлар. Улардан кейинги даврларда яшаган мусулмонларга нисбатан «салаф» ёки «салафий»лар тушунчаларини ишлатиш мумкин эмас.

Сўнги йилларда «салаф солиҳларга эргашиш» шиорини ниқоб қилиб олган, мусулмон жамиятларини илк ислом даври ҳолатига қайтаришни тарғиб қилувчи мутаассиб, сохта салафийлар пайдо бўлганини алоҳида қайд этиш лозим.

Мутаассиблик кўринишларидан бўлган сохта салафийлик шаклланишининг тарихий илдизлари аслида илк ислом давридаги ижтимоий-маънавий муҳит билан боғлиқ. Хусусан, VIII аср охири ва IX аср бошларида «Қуръоннинг яратилганлиги» ҳақидаги ғояни байроқ қилиб олган мўътазила оқими вужудга келган эди. Бундай фикрларга қарши кескин кураш ўз навбатида «салаф солиҳ»лар анъанасига қайтиш ҳақидаги ғояларнинг кун тартибига қўйилишига олиб келди ҳамда сохта салафийлик ҳаракати шаклланишига замин яратди. Бироқ ҳали бу даврда ушбу ҳаракат мустаҳкам назарий асосга эга эмас эди.

Сохта салафийликнинг зарур ақидавий, ҳуқуқий ва фалсафий асосларга эга бўлиши суриялик Ибн Таймия (1263–1328) фаолияти билан боғлиқ. Умри давомида ўзининг агрессив қарашлари туфайли тўрт марта (1307, 1309, 1322 ва 1326 йилларда) қамоқ жазосига тортилган ва 1328 йилда қамоқхонада вафот этган мазкур шахс ҳаракатнинг назарий асосларини белгилаб берганини барча мутахассислар эътироф этадилар.

Ибн Таймия гўёки, асрлар давомида исломга турли бидъатлар кириб қолганини иддао қилиб, жамият ва мусулмонларнинг кундалик турмуш тарзи унинг талқинидаги Қуръон ва суннага асосланган ҳолда қатъий тартибга солиниши зарурлиги ҳақидаги ғояни илгари сурди. Унинг «давлатни шарият асосида

¹ Салаф – [араб. – «аждодлар», «аввал яшаб ўтганлар»].

бошқармаётган ҳукмдорга жиҳод эълон қилиш мумкин»лиги ҳақидаги қарашлари, бу борада эълон қилган «фатво»лари Ислом ғоялари билан ниқобланган радикал сиёсий ғояларнинг шаклланишига замин яратди.

Ибн Таймиянинг Пайғамбар (а.с.), саҳобий ва авлиёларнинг қабрини зиёрат қилиш ҳамда тавҳид, Аллоҳнинг макони, такфир¹ ва бошқа ақидавий масалаларда ашъария ва мотуридияга зид фикрлари ўша давр мусулмон уламоларининг кескин норозилигига учраб, кўплаб раддиялар битилди, кескин кураш олиб борилди. Шундай бўлса-да, бундай ғоялар кейинчалик турли мутаассиб гуруҳ ва ҳаракатлар етакчилари мафқурасига асос бўлиб хизмат қилди.

Жумладан, XVIII асрда ҳар қандай янгиликни инкор этадиган, тасаввуфни асло тан олмайдиган, тавассул, яъни восита орқали Аллоҳга мурожаат қилишни куфр, деб ҳисоблайдиган, ўзларига эргашмаганларни «кофир» деб эълон қилган ҳамда тарихий адабиётларда «ад-даъватуд дамавия», яъни «қонли даъват» номини олган ҳаракатлар пайдо бўлди. Уларнинг фаолияти натижасида «Пайғамбаримиз (с.а.в.) шафоатидан ҳеч қандай фойда йўқ», деган ғоялар тарқалиб, салавотлар баён қилинган китоблар ёқиб юборилди, муқаддас зиёратгоҳлар вайрон қилинди.

Сохта салафийлик ғоялари XIX асрнинг иккинчи ярмидан ўз олдига халифаликка асосланган ислом давлатини барпо этиш вазифасини қўйган «ислоҳотчилик», «панисломизм» ниқоби остида янгидан жонланди. «Ислоҳотчи салафий»лар номини олган бундай мафкура тарғиботчилари ҳисобланган Жамолиддин Афғоний (1839–1897), Муҳаммад Абдух (1849–1905) ва Абдурахмон Кавакбий (1854–1902)лар томонидан «мусулмон халқларининг диний-сиёсий иттифоқи» ғояси ишлаб чиқилди. Улар бу гоё остида анъанавий мазҳаблардан воз кечиш ва Исломнинг илк даврига қайтишга даъват қилдилар.

Ибн Таймия ва унинг издошлари ақида ва ибодат масалаларига кўпроқ эътибор қаратишган бўлса, сохта салафийликнинг

¹ **Такфир** – Бу ибора араб тилидаги «куфр» сўзининг ўзагидан олинган бўлиб, луғатда инкор қилиш, ёпиш, каффорат бериш каби маъноларни англатади. Истилоҳда эса мўмин кишини асоссиз сабаблар билан кофирга чиқариш демакдир.

ундан кейинги издошлари сиёсий ислохотларни амалга ошириш зарурлигини байроқ қилиб кўтардилар. Бу Ислоннинг сиёсийлашуви кучайишига ва «ислом халифалигини тиклаш» ғояларининг кенг ёйилишига олиб келди.

Маълумки, «Аҳли Сунна вал-Жамоа» эътиқодига кўра, ислом арконлари бешта: имон, намоз, рўза, закот ва ҳаж. Сохта салафийлик эса «жиҳод – олтинчи аркон ва жиҳод қилиш ҳар бир мусулмон учун фарзи айнди», деган ғояни илгари суради. Жиҳоднинг аввало ва асосан қуролли кураш сифатида талқин қилиниши диний экстремизм ва терроризмнинг янгича шакл ва мазмун касб этишига олиб келди. Бу ўз навбатида «ал-Ихвон ал-муслимин», «ал-Жиҳад ал-ислабий», «Шабоб Муҳаммад», «ат-Такфир вал-ҳижра» каби ўта радикал экстремистик диний-сиёсий ташкилот ва оқимларнинг вужудга келишига йўл очиб берди.

Замонавий воқелик террор ёки давлат тўнтариши йўли билан ҳокимиятни қўлга олиш сохта салафийлар томонидан асосий йўл сифатида танланганини кўрсатади. 1979 йилнинг ноябрида Арабистон яриморотида Жуҳайман Утайбий ва унинг тарафдорлари Маккадаги «Масжид ал-Ҳаром»га ҳужум уюштирди. Улар томонидан масжидни эгаллаш, умумхалқ қўзғолонини кўтариш ҳамда дастлаб Арабистон яриморотида, сўнг бошқа минтақаларда «ислом давлатини қуриш» режалаштирилган эди.

Ушбу воқеалардан сўнг сохта салафийлик ғоялари ва унга асосланган ҳаракатлар мазкур ҳудудда тазйиқ остига олинди ва ўз навбатида, араб дунёси чегарасидан чиқиб, бошқа минтақаларга тарқалди. Жумладан, XX асрнинг 70-йиллари охирида бошланган афғон можаросида диний омилдан фойдаланилиши натижасида ушбу ғоялар айрим экстремистик оқимлар томонидан «жиҳод» ғоясининг ўта радикал мазмунда талқин этилишига олиб келди. Бу эса, ўз навбатида, Афғонистонда сохта салафийликда жиҳодчилик қарашларининг кучайишига асосий замин яратди. «Толибон», «ал-Қоида» каби ҳаракатлар мазкур давлат ҳудудини жиҳодчилар тайёрланадиган ҳарбий лагерь ва плацдармга айлантди.

Қандай шаклда чиқмасин ва қандай ғоя остида ҳаракат қилмасин сохта салафийликнинг бузғунчи моҳияти ўзгармай

қолмоқда. Улар ҳар қандай янгиликнинг «бидъат» ҳисобланишида, анъанавий мазҳабларнинг инкор қилинишида, тасаввуфнинг умуман тан олинмаслигида ҳамда қабристонларни зиёрат қилиш мумкин эмас, дейишида ҳам сохта салафийликнинг бузғунчи табиати ёрқин намоён бўлади.

Сохта салафийларнинг динимиз асосларини бузишда изчил эканликларини алоҳида қайд этиш лозим. Ибн Таймия томонидан ўйлаб топилган тавҳиднинг иккига бўлиниши ҳақидаги қарашлар ислом асосларини бузишда илк қадам бўлган эди, дейиш мумкин. «Рабб (Парвардигор) – Яратувчи («тавҳид-рубубият»), Илоҳ (Худо) эса мусулмонларнинг ибодат қилиши ва сиғиниши лозим бўлган Зот («тавҳид-улуҳият»)» деган тамойилда ўз аксини топган бундай ёндашувдан Парвардигор бошқа, Худо бошқа зот экани ҳақида хулоса келиб чиқади.

Қайд этилган мулоҳазалар «Тавҳид-улуҳият» тамойили энг аввало, ислом шариати жоиз деб билган Расулulloҳ (с.а.в.)нинг ҳамда саҳобалар ва азиз-авлиёларнинг қабрларини зиёрат қилиш¹ каби амалларни бажарадиганларни куфр ва ширкда айблашга қаратилганини англаш имконини беради.

Ўзларини асл ислом тарафдорлари деб биладиган сохта салафийлар Мадинаи мунавварадаги саҳобаларнинг қабрларини бузиш билан кифояланиб қолмай, ҳатто Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг қабрларини вайрон қилишга ҳам уришиб кўришган эди. Қабрларни зиёрат қилган одам мусулмончиликдан чиқади, деган даъволар остида бундай ҳаракатларни содир этган сохта салафийлар кейинчалик ушбу масалада янада чуқурлашиб кетдилар. Уларнинг

¹ **Авлиё** – [араб. – *валий сўзининг кўплиги, Худога яқин одам*]. Тасаввуфда Аллоҳнинг зоти ва сифатларини яхши билган, унинг буйруқларини бажариб, гуноҳ ишлардан ўзини сақловчи, дунё лаззати ва шаҳвоний ишлардан юз ўгирувчи киши. Авлиё сўзи «азиз» сўзи билан бирга ҳам ишлатилади. Ислом анъанасида авлиёлар қайсидир бир иши, хизмати ёки хислати туфайли Аллоҳга яқин бўлиб қолган, дуолари мустажоб, солиҳ, қобил, камтар кишилардир. Авлиёлар пайғамбарлар даражасидан кейин туради. Ислом ақидаси бўйича Авлиёлар ҳар қанча кашфу кароматга эга бўлмасин бир оддий пайғамбарнинг мартабасига ҳам ета олмайди. Авлиёларнинг мазорларини зиёрат қилиб, руҳий озуқа олиш ислом динида савобли ишлардан ҳисобланади.

«Қабристонга бориш куфр . Бу куфр эса бутпарастларнинг куфридан ҳам кўрқинчлироқ», – деган қарашларни илгари сургани бунга мисол бўла олади.

Сохта салафийларнинг иддаоларига кўра, Расулуллоҳ (с.а.в.) ва саҳобалар мавлудни нишонламаганлар. Одамларнинг Пайғамбар (а.с.)га кўпчилик бўлиб салавот айтиши эса диндаги бидъат бўлиб, у залолатга етаклайди. Айни пайтда уларнинг фикрича, Пайғамбарни улуғлаш «Тавҳид-улуҳият»га мутлақо зиддир.

Сохта салафийларнинг Пайғамбаримиз (а.с.)га ҳурматсизлик қилиши у зотнинг ота-оналарини кофирликда айблашларида ҳам яққол кўринади. Уларга кўра Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ота-онаси гўёки мусулмон ҳолатда вафот этмаган. Уларнинг бундай ғайриисломий ёндашуви «нубувват» (пайғамбарлик) Муҳаммад Пайғамбарнинг ўзида, унинг сўзи ва амалида намоён бўлган, деган хулосага олиб келади. У зотнинг танаси, яъни жисмидан эса фойда йўқ. Чунки бу тана унинг мушрик ота-онасининг бир бўлагидир. Пайғамбар ўлди, унинг жасаидан фойда йўқ. Шу боисдан унинг қабри зиёратидан ва тавассул қилишдан маъно йўқ, деган қарашларга асосланади.

Ваҳоланки, барча диний манбаларда Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ажодлари ҳурматга сазовор ва юксак фазилатга эга инсонлар бўлгани қайд этилган. Ҳадисларда ҳам у зотнинг насл-насаби Исмоил (а.с.)га бориши хусусида маълумотлар бор. Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг «Фикҳи акбар» номли китобида таъкидланганидек: «Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ота-оналари ислом фитрати, яъни исломий табиатда вафот этганлар».

Ҳозирги кунда ҳам сохта салафийлар томонидан эътироф этилган мазҳабларнинг тан олинмаётгани, уларнинг: «Мазҳаблар турли ихтил офларга замин яратиб, мусулмонларнинг бирлигини бузмоқда», – деган даъволари ҳам уларнинг асл моҳиятини яққол намоён этади. Зеро, бундай иддаолари билан улар диний бирлик ва ақидавий яқдилликка раҳна солмоқда.

Шунингдек, сохта салафийларнинг иддаоларига кўра милодий йил¹ ҳисобини ишлатиш, бошқа дин вакилларининг байрам,

¹ Милодий йил – милодий тақвимга асос бўлган «милод» [араб. – туғилиш], янги эра, бизнинг эра – кўпчилик мамлакатларда қабул қилинган йил ҳисобининг

маданий тадбирларида иштирок этиш ва табриклаш, кийган кийимларини (жумладан, костюм, пальто, галстук тақиш, шим ва кўйлаklar) кийиш ҳам имонсизлик ҳисобланади.

Секуляризм (дунёвийлик) ва давлатнинг демократик тамойилларини қоралаш, инкор қилиш ҳамда давлат тўнтаришини амалга ошириш орқали ҳокимиятни қўлга киритиш ва халифаликка асосланган тузумни ўрнатиш сохта салафийларнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Сохта салафийлар ўз ғояларини ёйишда яширин «хужралар» тизими фаолиятини кучайтириш, унда, асосан, ёшларни ўқитиш ва уларга «халифалик», «жиход», «шаҳидлик»¹ ғояларини сингдириш орқали янги «жамоат»ларни тузишга асосий эътиборини қаратмоқда.

Ҳозирги кунда сохта салафийликка мансуб деб ҳисобланадиган юздан ортиқ ташкилот фаолият олиб бормоқда. Улар қаторида «ат-Тавҳид вал-жихад» (Фаластин), «Ат-талиъа ал-муқотила» (Сурия), «Фатҳ ал-ислам» (Ливан), «Жайш ал-Қудс ал-ислабий» (Иордания), «Ҳаракат аш-шабаб ал-мужаҳидин» (Сомали), «Жайш Аби Бакр ас-Сиддиқ ас-салафий» (Ироқ), «Хумаат ад-даъва ас-салафия» (Жазоир), «ал-Жихад ас-салафия» (Марокаш), «Толибон» (Афғонистон), «Туркистон ислом ҳаракати» («ТИХ»), «Иттиҳад ал-жихад ал-ислабий» («ТИХ» таркибидан ажралиб чиққан гуруҳ) ва бошқа бир қатор ташкилотларни санаб ўтиш мумкин.

боши ва йил ҳисоби системаси. Исо пайғамбар (а.с.)нинг туғилган кунидан бошланади; Исо (а.с.) туғилган кун 1-йилнинг 1 январидеб қабул қилинган. Тарихнинг мана шу санасигача даври эски эра (милоддан аввал), кейинги даври янги эра, бизнинг эра (милодий) деб аталади.

¹ **Шаҳидлик** – Ислом динига кўра Аллоҳнинг ризоси йўлида фидойилик қилган, имони, эътиқоди, номусини сақлаш йўлида золим душман қўлида қатл қилинган кишиларга Аллоҳ томонидан бериладиган даража демакдир. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ички касалликлар хуружи билан ўлган, жони, моли, ор-номуси ҳимояси йўлида ўлдирилган ва турли сабаблар билан фожиали ҳалокатга учраган кишиларга ҳам шаҳидлик мақоми берилади, деб башорат берганлар. Демак, Ислом нуқтаи назарида бошқа савобли ишлар каби шаҳидлик ҳам мусулмон кишининг ихлосу эътиқоди, амали ва мусибатларга сабр-тоқат қилиши эвазига бериладиган мукофотдир. Аммо бизнинг асримизда ўзларини портлатиб террор амалиётини амалга ошириш йўли билан беғуноҳ кишилар ҳаётига зомин бўлаётганлар ҳеч қачон шаҳид бўлмайдилар, балки улар оғир жиноят содир этган гуноҳкори азим бандалардир. Уларнинг шаҳидлик даъво қилишларига ҳеч қандай шаръий асос йўқ.

Ҳозирги кунда сохта салафийлар бир неча гуруҳларга бўлиниб кетган. Уларни умумлаштириб, икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчиси, давлат бошқарувида шариатнинг устуворлигига эришиш учун жангу жадаллар билан ҳаракат қиладиган радикал салафийлардир. Бу тоифадаги салафийлар «жиҳод» ғоясининг мазмунини бузиб талқин қилиб, унга жангарилик тусини бермоқда. Иккинчиси, ўзларини гўёки давлатдаги мавжуд қонун-қоидаларга бўйсунадиган ва уларга қарши чиқмайдиган қилиб кўрсатадиган, жангарилик фаолияти билан шуғулланмайдиган «мўътадил» салафийлар ҳисобланади. Улар ўзларининг мутаассиб фикрларидан қайтмаган ҳолда бошқа қарашларга нисбатан ҳурмат билан қарайдиганлар гуруҳига мансуб бўлиб, муайян мазҳабга мансуб бўлишни ёқламайди.

Замонавий шакл-шамойил касб этган бундай мутаассиблик аксарият ҳолларда ислом байроғи остида амалга оширилаётганини кўпчилик билади, аммо унинг ибтидоси қаерда эканидан ҳамма ҳам хабардор эмас. Илмий ўрганиш бундай оқимлар қарашлари ва амалиёти Мисрнинг Исмоилия шаҳрида юзага келган «Мусулмон биродарлар» (арабча – «Жамоат ал-Ихвон ал-муслимин», қисқача – «биродарлар») диний-сиёсий ташкилотининг ғоявий-ақидавий асослари, фаолият услубларига бориб тақалишини кўрсатади.

Бугунги кунда давлатнинг демократик тамойилларини қоралаш, инкор қилиш ҳамда давлат тўнтаришини амалга ошириш орқали ҳокимиятни қўлга киритиш ва халифаликка асосланган тузумни ўрнатиш глобал жиҳодчи салафийларнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Ушбу ғоянинг асосий мақсадини «ал-Қоида»нинг етакчиларидан бири, диний радикализм назариётчиси, «ал-Жиҳод» террорчи гуруҳи раҳбари Айман аз-Завоҳирий ўзининг баёнотларидан бирида шундай изоҳлаган: «Глобал жиҳодчи салафийликнинг асосий мақсади барча ислом ҳудудида шариатни ўрнатиш, бутунжаҳон ислом халифалигини барпо этишдир».

Қайд этилган маълумотлар «глобал жиҳодчи салафийлик» мафкурасининг жамиятдаги эътиқодий бирлик, барқарорлик ва тараққиёт учун реал хавф-хатарга айланганини кўрсатади.

Унинг таҳдидлари эса қуйидагиларда намоён бўлмоқда: сохта салафийлар жамиятни «мусулмонлар» ва «динсизлар»га бўлиш, бошқа диндагиларни «душман» деб эълон қилиш орқали динлараро адоват уйғотишга уринмоқда. 2000 йил Жакарта (Индонезия)даги черковда, 1998 йилда Кения ва Танзания давлатларидаги АҚШ ҳамда 2008 йил ноябрида Мумбай (Ҳиндистон)даги «Яҳудийлар маркази»да, 2010 йил сентябрида Бишкек (Қирғизистон)даги Яҳудийлар синагогасида содир этилган портлатишлар сохта салафийларнинг ўзга дин вакилларига нисбатан шафқатсиз услублардаги ҳаракатларига мисол бўла олади.

Улар нафақат бошқа дин вакиллари, балки шариат аҳкомларини улар наздида тўлиқ бажармаётган мусулмонларга қарши зўравонлик, қўпоровчилик ҳамда босқинчилик хатти-ҳаракатларини асослаш ва оқлаш учун «жиҳод» тушунчасидан фойдаланмоқда. Сохта салафийларнинг фикрича, ҳукуматга хизмат қилаётган давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари, ҳарбийлар ҳам «динсизлар» тоифасидан ҳисобланади. Бу йўлда улар давлат раҳбарларини, ҳокимият идоралари вакилларини обрўсизлантириш ҳамда расмий диний уламоларнинг мавқеларини заифлаштириш мақсадида уларнинг ҳаётига тажовуз қилишгача боришмоқда.

Замонавий технология ва коммуникация воситалари имкониятларидан фойдаланган ҳолда ўз гоёларини тарқатишга уриниш «глобал жиҳодчи салафийлик»нинг бугунги кундаги муҳим хусусиятларидан ҳисобланади. Тадқиқотлар жаҳон интернет тармоғида сохта салафийларнинг тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиши учун очилган бир неча мингдан зиёд веб сайтлари мавжудлигини кўрсатмоқда. Уларга, асосан, диний асосдаги низоларни келтириб чиқарадиган маълумотлар, диний экстремистик ва террорчи ташкилотлар раҳбарларининг турли баёнот ва мурожаатлари жойлаштирилмоқда.

Ироқдаги «ал-Қоида»нинг бўлими раҳбари Абу Мусъаб аз-Зарқовийнинг интернет саҳифаларида кенг тарқалган: «Аллоҳга ишонмаслиги – ғайридин нима қилиши ёки қаерда бўлишидан қатъи назар, уни қатл этиш учун етарли асосдир», – деган фикрини

мисол сифатида келтириш мумкин. Мусулмончиликка мутлақо зид бундай баёнот кўплаб террорчи ташкилотлар фаолияти учун ғоявий асос бўлиб хизмат қилаётганини ҳам афсус билан қайд этиш лозим.

«Бутунжаҳон исломий ахборот fronti» (арабча – «ал-Жабҳа ал-иъломия ал-исломия ал-оламия») «глобал жиходчи салафийлик»нинг бузғунчиликка даъват қилувчи материалларини интернет саҳифаларида тарқатувчи асосий бўғин ҳисобланади. Унга тегишли сайтда «Мина портлатиш ишлари», «Шаҳарлар ва тоғли ҳудудларда жанг олиб бориш санъати», «Заҳарловчи моддалардан қурол тайёрлаш ва ундан фойдаланиш», «Махфий операциялар ўтказиш методлари» каби қўпоровчилик ва террорчиликни тарғиб қилувчи саҳифалар мавжудлигини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур.

Марказий Осиё минтақасида «глобал жиходчи салафийлик» мафкураси ноанъанавий ҳисобланган диний ҳаракат ва оқимларнинг пайдо бўлиши ҳамда тарқалишида ўз ифодасини топмоқда. Диний-экстремистик гуруҳлар фаолиятининг глобаллашуви, уларнинг террорчилик ташкилотларига бирлашуви ва жинсий уюшмалар билан келишуви ушбу минтақадаги мамлакатлар барқарорлиги учун жиддий таҳдид солмоқда. Бугунги кунда ушбу ташкилотлар халқаро террорчи ташкилотлар билан узвий алоқада экани ва уларнинг фаолияти «ал-Қоида» томонидан молиялаштирилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Айниқса, сўнгги йилларда Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонда бир қатор террорчиликларнинг амалга оширилгани ҳар бир фуқарода ҳушёрликни янада оширишни талаб этмоқда.

Мусулмон биродарлар: («Ал-Ихвон ал-муслимин») уюшмасининг асосчиси шайх Ҳасан Банно (1906–1949) Қоҳирадан шимоли-ғарбда жойлашган Муҳаммадия шаҳрида туғилган. Унинг анъанавий диний таълим олиш жараёни отаси шайх Аҳмад Абдуррахмон Баннодан «мерос қилиб олган» модернизм руҳи билан суғорилган қарашларнинг таъсири билан уйғунлашиб борган.

Қоҳиранинг Дор ал-улум коллежида ўқиб юрган даврида Ҳасан Банно, Рашид Ридо ва салафия ҳаракатининг тарафдорлари билан

дўстона муносабат боғлаган. «Ал-Манор» журналининг доимий мухлиси бўлган Ҳасан Банно Жамолиддин Афғоний ва Муҳаммад Абду таълимотларининг «реформизм руҳи»ни ўзига сингдириб борган. Аммо унга Рашид Ридонинг «ислом ислоҳоти»нинг сиёсий ва ижтимоий жиҳатлари, «ислом давлати»ни барпо этиш, Исломнинг мукамаллиги, ғарбийлашишнинг хавфига оид гоялари кучли таъсир этган.

Бундан ташқари Ҳасан Баннонинг дунёқарашини унинг Мисрдаги «исломчилар» ташкилотларининг («Ахлоқий таълим жамияти», «Амр ал-маъруф ва наҳий ал-мункар жамияти») фаолиятида иштирок этиши шакллантирилиб борган, чунки бу жамиятлар шахсий маънавий камолотга интилиш ва Исломнинг ахлоқий тамойилларини тарғиб қилган.

Ўзининг тан олишича, суфийлик уни бутунлай ўзига жалб этиб олганига қарамай, у «мамлакат олдидаги бурч – муқаррар бурч, муқаддас уруш» эканлигига ишонган. Ҳасан Банно 1927 йил ўқишни битириб, Исмоилиядаги мактаблардан бирида ўқитувчилик қилади. Исломга қайтиш орқали мусулмонлар «летаргия» ва таназзулдан уйғонишлари мумкин деган фикрга амин бўлган Банно диний тўғарақлар ташкил қилиб, ўзини «исломнинг янгиланиши»га бағишлайди. Жозибатор шахс бўлган Ҳасан Банно диний ғайрат билан ишга киришиб, тезда ўзи атрофида тарафдорларини йиғади ва (1928) «Мусулмон биродарлар» уюшмасини ташкил қилади.

Сувайш канали ҳудудида Ҳасан Банно мусулмон мамлакатларига Ғарбнинг ҳар қандай сингиб киришини, шу жумладан, ғарбийлашган мисрлик элитанинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ғарбий моделларини ўзлаштиришга уринишларини ниҳоятда хавfli ҳисоблаган. Рашид Ридо сингари Ҳасан Банно ғарбийлаштириш Миср ва бутун ислом олами учун таҳдид солаётган аксарият сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларнинг манбаи, шу жумладан, сиёсий тарқоқлик, ижтимоий тенгсизлик, диндан чекиниш ва «ғарбий материализм ва секуляризм ҳужуми»нинг асосий сабаби эканлиги тўғрисидаги хулосага келди. У «исломга қайтишни» инқироз вазиятидан нажот деб ҳисоблаган.

Модернизм тарафдорларидан фарқли равишда Ҳасан Банно Ғарбдан бирон-бир илғор янгиликни ўзлаштириш имкониятларини инкор этиб, «исломнинг мукаммаллиги ва расолиги»га таянган. У XIX асрдаги Исломнинг тикланиш йўлидан борар экан, мусулмонларни «ислом тизимининг» тикланиши учун ягона манбалар бўлган Қуръон ва Суннага юз қаратишга чорлаган.

Тадқиқотчиларнинг қайд қилишича, «Мусулмон биродарлар» ўзларини исломдаги ислохотчилик ҳаракатининг муридлари (тарафдорлари), мусулмон ислохотчиларини – ўз ғояларининг манбаи, уюшмани эса «бундан аввалги ҳаракатларнинг амалий тўлдирувчиси» деб билганлар.

Ҳасан Баннонинг, «бизлар билан шиалар ўртасида ихтилоф мавжуд эмас, мутъа никоҳига ўхшаш ҳал қилиниши мураккаб бўлган ишлар ҳам йўқ», шунингдек, «яхудийлар билан ҳам ўртамизда диний хусумат йўқ, Балки иқтисодий хусумат мавжуд», деган фикрлари ҳам юқоридаги сўзларни қувватлайди.

Ҳасан Банно 1939 йилга келганда ташкилотга сиёсий тус бериб, ислом дини ва шариатни – «ҳаётнинг тарбиявий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жабҳаларида инсон тасарруфотларини тартибга солиб турувчи низом» тарзида эълон қилди.

Ташкилотнинг асосий ғояси сифатида ислом дини тарқалган мамлакатларда Қуръон ва шариатда ифодаланган қоидаларга тўлиқ риоя этувчи ислом давлатини барпо этиш белгиланиб, бу ғояни амалга ошириш учун бир неча босқичга бўлинган тактик режа ишлаб чиқилди.

Айрим тадқиқотчилар, шу жумладан проф. А.Ҳасанов «Ихвонул-муслимин» ташкилотининг асосчиси Баннонинг «сиёсат ва дин бир-биридан ажралмаслиги, чунки ислом бу – имон ва жамият, масжид ва давлат, бу дунё ва у дунёдаги ҳаёт эканлиги, пировард мақсад эса, умумжаҳон ислом давлати– мусулмон миллатлари федерациясини тузиш лозимлиги каби қарашлари ҳамда «Ислом давлати» ғоясини ишлаб чиққан»лигини эътиборга олиб уни «Ислом экстремизми отаси», деб баҳолаган.

«Мусулмон биродарлар»нинг ислом давлати тўғрисидаги тасавурлари Ҳасан Банно ҳамда Саййид Қутбнинг (1906–1966 й.) ғоялари таъсирида шаклланди. Саййид Қутб ҳам Дор ал-улум

коллежини тамомлаб, аввал мактаб ўқитувчиси, кейин эса Таълим вазирлигида инспектор бўлиб ишлади. 1948 йил у «Исломдаги ижтимоий адолат» асарини эълон қилди ва икки йил АҚШда яшаб, давлатнинг таълим тизимини ўрганди.

Мисрга қайтиб, Саййид Қутб «Мусулмон биродарлар»га қўшилди ва уларнинг ғоявий раҳбарига айланди. У дин тўғрисидаги бир қатор тадқиқотлар, 24 китоб ва жуда кўп мақолаларнинг муаллифи эди. Унинг диний асарлари қаторида «Ислом», «Бу ислом дини», «Ислом – келажакнинг дини», «Йўл босқичлари» кабиларни келтириш мумкин.

Дастлабки даврда Ғарбнинг тараққиётига қизиққан Саййид Қутб 1940 йилларда «ғарбийлашиш»дан ихлоси кайтди. АҚШнинг сиёсати ва бу мамлакатдаги ҳаётдан орттирган шахсий тажрибаси, Ғарбнинг «маънавий тубанлашиши»да ғарб цивилизациясининг таназзули, Америка ва Европа сиёсатининг арабларга қарши характери унинг қарашларига таъсир қилди.

Саййид Қутбнинг ўта кескин мулоҳазалари ва мақолалари уни уюшманинг раҳбарлик лавозимларидан бирига кўтарди ва 1954 йил ҳокимиятнинг асосий нишонига айлантирди. 15 йил қамоққа ҳукм қилинган Саййид Қутб у ерда ҳам ёзишни давом эттирди. У 1964 йил Ироқнинг президенти Абд ас-Салом Ориф воситаси билан озодликка чиқиб, бир неча ойдан кейин яна қамоққа олинди. Ҳокимиятга қарши фитнада айбланган Саййид Қутб ва унинг икки тарафдори қатл этилди.

Ҳасан Банно сингари Саййид Қутб «диний экстремистлар» томонидан «Ислом уйғониши учун шаҳид кетган» деб таърифланади. Унинг асарлари ҳозирги замон Миср ва мусулмон оламининг бошқа мамлакатларидаги «мусулмон биродарлар»нинг дунёқараши шаклланишига кучли таъсир кўрсатди ва замонавий ислом «ревайвализми»нинг асосий манбаига айланди.

Саййид Қутб нафақат Ҳасан Банно таъсирида бўлибгина қолмай, балки фундаментализмнинг покистонлик мафкурачиси Мавлоно Мавдудийнинг (жиҳод, Исломнинг инқилобий характери ва бошқа ғоялар) ғоявий давом эттирувчиси бўлган. Аммо Саййид Қутб анча кескин ва радикал хулосаларга келди.

Саййид Қутб ўз асарларида барча мусулмон жамоаларни Аллоҳ ҳокимиятини бандаларга топшириб, ислом шариатига амал қилувчи ҳокимга ўрин қўймаганликлари сабабли, кофир деб эълон қилди. Унинг фикрича, «барча олам аҳли жоҳилият даврида яшамоқда. Ислום ҳокимияти ўрнатилмаган ва шариат асосида иш олиб борилмайдиган ҳеч бир юртда Ислום мавжуд бўлиши мумкин эмас».

Саййид Қутбнинг мазкур асарлари ва фикрларини ўрганиб чиққан мутахассислар уни «ҳозирги замон ислом экстремизмининг асосчиси», деб эътироф этишган. Саййид Қутб Миср Араб Республикасида давлат тўнгаришини амалга оширишда айбланиб, 1966 йилда қатл этилган.

«Мусулмон биродарлар» ғоявий раҳбарининг фикрича, суфийлик унга сингиб кираётган хурофот ва ахлоқнинг бузилиши натижасида «йўлдан озмоқда». Уламолар ўрта асрларда «ботил қолиб», ҳозирги замон оламининг талабларига жавоб беришга ожиздирлар. Шу билан бирга, «Мусулмон биродарлар» Ғарбнинг ўзи таназзулга юз тутганини – жамиятнинг юқори табақалари омманинг устидан назоратни амалга ошириш мақсадида, парламент бошқаруви ва демократияни ўзларининг манфаатларига хизмат қилувчи қуролга айлантирганларини қайд этганлар.

«Мусулмон биродарлар» мамлакатларни озод қилиш, «халос бўлиш илоҳиёти» ғоясини илгари сурган ислом инқилобига даъват этганлар. Уларнинг эътиқод қилишича, турмушнинг барча соҳаларида ислом устунлигининг қарор топиши учун мусулмонлар нафақат «ғарбий христиан империализми», балки мусулмон «ғарбликлар»га қарши муқаддас урушни бошлаши лозим, чунки улар ҳам «исломчи»ларнинг назарида жабр ўтказувчилардан, золимлардан, кофирлардан иборат бўлган. Шундай экан, «мўмин-мусулмонлар, исломнинг ҳақиқий жангчилари» мазкур ислом ташкилотига ислом давлати учун курашга бирлашишлари керак. «Мусулмон биродарлар» мавжуд замонавий мусулмон жамоатлари «ноисломий» ёки «исломга қарши» характерга эга эканлигини назарда тутиб, ўзларини чин мусулмонларга етакчи бўлишлари зарурлигига ишонганлар.

«Мусулмон биродарлар»нинг шариат мазмунини тушунишлари, уларнинг мазкур масалада «эгиловчанлик»ларини қайд этиб ўтиш даркор. Уларнинг фикрича, мусулмонлар тўртта сунний мазҳабларнинг қоидаларига риоя қилишлари мажбурий эмас, чунки бу йўналишларнинг талқини маълум бир шароит билан белгиланган, шундай қилиб, қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Саййид Кутб шариатнинг доимий тамойиллари ва ҳуқуқий китобларда мавжуд бўлган тартибга солиш тизими ўртасидаги чегарани фарқлаш кераклиги, бундай тартибга солиш қоидалари ўзига хос шароитлар ва вазиятларда шариатни қўллаган одамлар томонидан тузилганлигини таъкидлаган.

«Мусулмон биродарлар» ташкилотидан ажралиб чиққан гуруҳ томонидан 1952 йилда «Ислом озодлик партияси» («Ҳизбут-таҳрир ал-исломий») тузилган бўлса, 1970-йилларга келиб, ундан «Ислом озодлиги» («ат-Таҳрир ал-исломий») ташкилоти ажралиб чиқди. Бундан ташқари «Мусулмонлар жамоаси» («Жамоат ал-муслимин»), «Социал ислоҳотлар жамияти» («Жамъият ал-ислоҳот ал-ижтимоъийя») ва бошқа гуруҳлар «Мусулмон биродарлар» ташкилотидан ажралиб чиқди.

Уларнинг фаолиятини ўрганган Ҳайкалнинг таъкидлашича, 70-йилларда бир қатор махфий диний гуруҳлар вужудга келди. Уларни ўтмишда қолган Ҳасан Баннонинг эмас, балки Абул Ало Мавдудий каби янги устозлар, шаҳид бўлган Саййид Кутб каби имомларнинг ғоялари руҳлантирарди. Уларнинг энг йирикларидан «Муқаддас жиҳод» («ал-Жиҳод ал-муқаддас») гуруҳи бўлиб, у 1980 йилда «ал-Жиҳод» номини олди. «Мусулмон биродарлар» гуруҳи 1978 йилда «ат-Такфир вал-ҳижра» («Кофир деб эълон қилиш ва ҳижрат қилиш») номини олди. Улар кўпроқ мавжуд ижтимоий-сиёсий тузумни ағдарилш бўйича тузумни танқид қилиш билан шуғулланиб, аниқ ишлаб чиқилган дастурни таклиф қилмас эдилар.

Нурчилар: Бу жамоа сиёсий ҳаракатдаги партияларга қараганда кўпроқ тасаввуф йўналишига яқинроқ исломий жамоа бўлиб, асосий мақсади Усманийлар халифалиги ағдарилгандан кейин ҳокимият тепасига келган Мустафо Камол Отатуркнинг дунёвий давлат тузумига қаршилик қилишдир.

Унинг муассиси – Бадиуззамон Саид Нурсий (1873-1960) бўлиб, Туркиянинг Битлис вилояти Андол шахрининг шарқидаги Нурс қишлоғида курд миллатига мансуб оилада туғилган. У ёшлигидан қобилиятли бўлиб, диний фанлар билан бир қаторда дунёвий фанларни ҳам эгаллаган, спорт билан шуғулланган, милтиқдан отиш, кураш, от чопиш каби ишларни яхши билган. У 15 йил ўқитувчилик қилгандан сўнг Истамбулга келиб, «Захро» университетига асос солган. Усманийлар давлати олий илмий кенгаши (Дорул-ҳикма)га аъзо бўлган.

Биринчи жаҳон уруши йиллари у турк армиясида офицерлик қилган ва кечки клуб йиғилишларида Қуръон илмлари бўйича маърузалар ўқиган. Рус разведкаси томонидан ушлаб, Сибирга олиб кетилгач, у Германия, Болгария орқали қочиб, яна Истамбулга келган. Андол қўзғолони йиллари Мустафо Отатурк уни саройга, катта лавозимга таклиф этади, лекин у буни қатъий рад этади ва сиёсатдан узоқлашиб, ибодат ва тарбия ишлари билан шуғулланади. Лекин Отатурк давлатига қарши даъватлари давом этгач, уни қамоқ ва сургундан боши чиқмай қолади.

Туркия Республикасининг ташкил топиши шариятга асосланган бошқарувни ўрнатиш тарафдори бўлган Саид Нурсий ҳаётида ҳам ўзгаришларни келтириб чиқарди. Таъқиб қилина бошлангач, у махфий жамоалар тузиб ўз даъватларини давом эттириш йўлига ўтди. Шундан сўнг ҳукумат томонидан гоҳ у, гоҳ бу шаҳарга сургун қилиниб, бир неча бор «Туркия Конституциясига таҳдиди ва шариятга асосланган давлат тузишни уюштиришда» айбланиб, судланди ва 23 йил умрини қамоқда ўтказди.

Айнан шу даврда у ўзига Бадиуззамон¹ лақабини олиб, Қуръони карим оятларининг шарҳлари ва диний кўрсатмалардан иборат «Рисолаи Нур» куллиётини ёзиб тугатди. «Нурчилик» ҳукумат томонидан таъқиб қилингани учун асар 1954 йилгача бирор-бир нашриётда чоп этилмай, ҳаракат фаоллари томонидан қўлда кўчирилиб, халқ орасида махфий тарқатилди.

Саид Нурсий шогирдларига «Сиёсатдан Дажжолдан қочгандек, қочинглар», деб таъкидласа-да, ўзи доимий равишда сиёсатга аралашигга ҳаракат қилар эди. У бутун умри давомида, даставвал

¹ Бадиуззамон – [араб. – замонанинг зўри, беназир].

султон Абдулҳамид II сиёсатини танқид қилгани, кейинчалик М. К. Отатурк ва унинг фаолиятини қоралагани учун ҳукумат томонидан таъқиб қилинди.

Саид Нурсийнинг «Кастамону лахикаси», «Земъалар», «Генчлик реҳбери», «Калимот», «Мактубот», «Ламъалар», «Шуъалар», «Асои Мусо», «Маснавийи Нурия», «Ишоротул Иъжоз», «Тарихчаи Ҳаёт», «Сиккаи Тасдиқи ғайбий» номли китоблари «нур»чиликни тарғиб қилишда асосий қўлланмалардан ҳисобланади.

«Рисолаи нур» 6000 саҳифалик китоби дунёнинг ўн беш тилига таржима қилиниб, Саид Нурсийнинг ғоялари тарғиб қилиниб, кенг тарқалишига сабаб бўлган. Уларнинг таржимасидан мақсад ҳам шу эди. Унинг ўзи мазкур китобга «Рисолаи нур» бу асрни ва келажак асрларни нурлантирган бир мўъжизаи Қуръониядир», дея баҳо беради.

Бироқ мазкур асар Туркия Жумҳуриятининг янги қурилган илк даврида «халифалик» кўринишидаги ислом давлатидан, европа менталитети руҳидаги секуляризм (дунёвийлик) принципи асосида давлат сиёсатининг юргизила бошланиши даврига умуман тўғри келмас эди. Фундаменталистик ғояларга жуда яқин бўлганлиги учун ҳам кескин эътироз ва давомий қаттиқ таъқибларга сабаб бўлган.

Нурсий Туркия давлатининг исломга бўлган муносабати туфайли, дунёвий давлат тузуми ўрнатилишига қарши чиққан ва атрофидагиларни мавжуд муаммоларни «исломга даъват этиш орқали ҳал қилиш»га чақирган. Унинг фикрича, «Рисолаи нур» вайрон этилган кичиккина хонани таъмир этмайди, балки вайронага айлантирилган ва буюк тоғлардек улкан тошлардан бунёд этилган ислом муҳити қалъасини таъмирлайди».

Нурсий тараққиёт сабабли юзага келган муаммоларни ҳал этишда диний амалдан фойдаланиб қолади. Ўз диний қарашларини замонага мос равишда яқинлашгирган. Китобнинг турли ижтимоий-сиёсий воқеаларни оддий ва енгил шарҳлаши сабабли, муаллиф «Бадиуззамон» («Вақт ҳаками») даражасига кўтарилади ҳамда бу ҳолат унинг мамлакат ва минтақада обрўси ошишига олиб келади. Бироқ у Туркия давлат тузуми ва отатуркчиликка қарши кураши туфайли сургун қилинади. Нурсий

1960 йил 23 мартда вафот этади ва Урфа шаҳрида дафн этилади. Аммо унинг қабри зиёратгоҳга айланиб, «Нурчилик»нинг янада кучайиб кетишидан хавфсираган расмийлар тўрт ойдан сўнг унинг қабрини очиб, хокини номаълум манзилга олиб бориб кўмадилар. Шу сабабли ҳозиргача унинг кўмилган жойи маълум эмас.

Унинг вафотидан сўнг, «нур»чилар ҳаракати етти йўналишга бўлиниб кетади. Улар «Фатҳулло Гулен» ёки «Фатҳуллачилар», «Янги Осиё» (раҳбари Меҳмет Кутлулар), «Янги насл» (раҳбари Меҳмет Биринжи), «Мед Зеҳра» (раҳбари Сиддик Дурсун), «Ажзи Менди» (раҳбари Муслим Гундуз), «Шура» (раҳбари Меҳмет Киркинжи) ва «Язижи» (раҳбарлари Хусрав Алтинбаҳак ва Саййид Нурий Эртурк) каби йўналишлари мавжуд.

Хусусан, ўзининг иерархик тузилмаси, қаттиқ интизоми, махфий низомга эгалиги билан ажралиб турадиган М.Сунгур бошчилигидаги тармоқ оммавий ахборот воситалари ва банк тузилмаларини шакллантиришни асосий стратегия қилиб белгилаган ҳолда фаолият олиб бормоқда. Меҳмет Кутлулар бошчилигидаги «Йени асячилар» (Янги осиечилар) тармоғи эса, асосан Туркиядан ташқарида фаолият олиб боришга ихтисослашиб, 1971 йилдан бошлаб «Йени Ася» кунлик ва «Кёпрю» ойлик нашрларини чоп этиб келаётганини қайд этиш лозим.

Юқоридагилардан ташқари даврий нашрларни чоп этиш билан шуғулланувчи Меҳмет Киркинчининг «Шура» (Мажлис), Сиддик Дурсуннинг «Мед Зеҳра», Муслим Гундузнинг «Ажзи Менди», Саид Нурсий Эртуркнинг «Язижи» тармоқлари ҳам мавжуд.

«Нурчилик»нинг тармоқларга бўлиниб кетиши Саид Нурсий мероси ва ғояларига турлича ёндашувнинг оқибати эди. Айни пайтда, бу ҳар бир тармоқнинг маълум бир соҳага ихтисослашувини ҳам келтириб чиқарди. Шу нуқтаи назардан қараганда, тасодифийдек туюлган тармоқлашув ортида ҳаракат фаолияти ва таъсир доирасини кенгайтириш стратегияси ётганини англаш мумкин.

«Нурчилик»нинг нисбатан кенг тармоқ отиши ҳақида гап кетар экан, бунинг бош сабаби сифатида, энг аввало, ҳаракат ғоялари ва фаолиятига Туркия жамиятининг ўзида зиддиятли муносабат мавжуд эканлигини қайд этиш лозим.

Ҳозирги кунда нурчиларнинг ёрқин кўзга кўринган намояндаси бўлмиш Фатҳулло Гулен (1942 йилда Туркиянинг Эрзурум шаҳрида туғилган) замонавий «нур» ҳаракати мақсадларини диний ва ирқий келиб чиқишидан қатъи назар, дунё халқларига ислом ғояларини тарқатиш, ягона диний бирликни яратиш ва Аллоҳнинг бирлигини исломий асосда инсониятга тан олдиришдир, деб қарамокда.

Нотиқлик ва одамларни ишонтира билиш қобилиятига эга бўлган Гуленнинг жамоатчилик олдидаги чиқишлари ва фаолияти турк жамияти томонидан кенг муҳокамага сабаб бўлмоқда. Унинг қаламига мансуб 24 китоб ва 130 дан зиёд турли видеокассеталар мавжуд.

Туркияда Гулен томонидан ташкил этилган турли жамғармалар, хусусий мактаблар, ширкатлар, ўқув курслари ўз фаолиятини кўрсатмоқда. Шунингдек, у «Бадиуззамон» жамияти «Saman yoli», TGRT телеканалига ва бир қанча радиостанцияларга эгалик қилади, даврий нашрлар бўлмиш «Заман», «Сызынты», «Йени умит», «Зафер», «Сур», «Бизим Аиле», «Фонтан», «Нур»лар фаолиятини назорат қилади.

Шунингдек, Туркиядан ташқари, масалан, Германияда нурчилар томонидан тил мактаби, иккита ўқув маркази, радиостанция, касалхона ва болалар боғчаси, Голландия, Швейцария, Болқон, Марказий Осиё, Яқин Шарқ ва Африка, АҚШ каби 50дан зиёд давлатларда ҳам қатор жамғармалар, хусусий мактаб, лицейлар, университетлар, тил курслари, махсус ётоқхоналар ва масжидлар фаолияти йўлга қўйилган. Таълим масканларида фаолият кўрсатаётган уч мингдан ортиқ ўқитувчиларга 400дан 1400 долларгача ойлик маош берилгани маълум.

Хорижий давлатлардаги таълим масканларининг очилишига жами 1 миллиард 205 миллион АҚШ доллари сарфланган ва ҳозирги кунда ҳам мазкур ўқув масканларининг ишини юритиш учун бир миллиард долларлик бюджет ҳар йили тасдиқланаётгани оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган.

Ислом миллати: Сектантчилик (гуруҳчилик), жанговар диний, қора миллатчилик ғоясига эътиқод қилувчи ва АҚШ давлатидан ажраб чиқишни истаганлар ҳаракати. 1930 йил Детройт шаҳрида

дастлаб майда буюмлар билан савдо қилувчи, кейинчалик Вали Фард Муҳаммад номи билан танилган шахс томонидан ташкил этилган.

У бутун Осиё ва Африка қора танлиларига ҳақиқий динни олиб келдим ҳамда ҳақиқий «ўзликни англаш» орқали оқ танли зулмидан озод бўламиз деган даъво билан чиққан. У ўз эргашувчиларига сиз америкалик эмассизлар, деб Америка байроғига садоқат ҳисси билан ишонмаслик, сайловларда қатнашмаслик ва ҳарбий хизматдан бош тортиш каби ғояларни олдинга сурган. Улар ўзларини ўтмишда йўқолиб кетган ва ҳозирда қайта яна тикланган Ислом миллати фуқароси деб билишлари ва АҚШ ё Африканинг бирон-бир ерида алоҳида қора танлилар миллатини тузиш асосий мақсадларидир. Дастлабки (№1) Ислом ибодатхонаси Детройт шаҳрида ташкил этилиб, «Ислом миллати» вакилларини «қора мусулмонлар» деб аташ бошлашди.

Вали Фард Муҳаммаднинг ўнг қўли Роберт Пуль (1897-1975) лақаби Алижо Пуль бўлиб, у Жоржия штатининг Сондерсвилля шаҳридан эди. Гуруҳнинг ривожланиши шу америкалик ҳабаш Элий (Алижо) Муҳаммад билан боғлиқ. У 1935 йилда ўзини 1934 йилда Ернинг Аллоҳи деб номланиб, сирли тарзда йўқолган Фард Муҳаммаднинг ўрнига келган деб эълон қилган.

У 1931 йил «Ислом миллати»га қўшилиб, Алижо Муҳаммад мусулмонча номини олади. 1934 йил Фард отанинг сирли ғойиб бўлиши билан «Ислом миллати» ичида диний раҳбарлик учун кураш бошланди. Алижо Муҳаммад ўз оиласи ва издошлари билан Чикагонинг жанубидаги четки ҳудудга келиб жойлашди ва шу тариқа бу ерда иккинчи (№2) Ислом ибодатхонасини бунёд эттиради, у ҳаракатнинг бошқароргоҳи сифатида фаолият юрита бошлади. У «Ислом миллати» асосий ғояларини қайта кўриб чиқиб, янги таълимот яратади. Бу таълимотга кўра устоз Фард «Аллоҳ» ёки унинг қора танли кўринишдаги тимсолидир. Алижонинг ўзи эса катта эҳтиромга эга бўлиб, Аллоҳ билан шахсан таниш бўлиб ва Худонинг ердаги элчисидир. Мазкур икки таълимот собитқадам мусулмонлар ва суннийлар томонидан бидъат деб баҳоланди. «Ислом миллати» доирасида икки сара ташкилот ривож топди: – эркаклар учун «Ислом меваси» (The Fruit of Islam) ва аёллар учун

«Ислом қизлари таълими» (Muslim Girls Training, MGT). Икки ташкилот ҳам ибодатхонадаги хавфсизлик учун жавоб берар, мажлисга келган барчани кузатар эдилар.

Алижо Муҳаммад «Катта эҳтиром эгаси» фаҳри унвони ёрдамида Фард таълимотни мустаҳкамлаб, уч асосий ҳолатга урғу берди: мустақил қора танлилар миллатини (black nation) тузиш зарурлиги; қора танлиларга асосланган ўзликни англаш, қайта тикланиш зурурлиги; мустақил иқтисодга эришиш зарурлиги. Аниқ бир географик ҳудудни атамаган ҳолда ўз ҳудудига эга бўлган алоҳида миллат тузиш ва уни бошқариш қора танлилар қўлида бўлиши керак, деб даъват қилар эди. Ҳаракат «Ўзинг учун қил» шиори остида жипслаша бошлаб, унинг моҳиятида қора танлилар учун тез орада иқтисодий ўзига тўқ бўлиш учун интилиш ётар эди. Оғир меҳнат, бирон нарсани қарзга олишдан бош тортиш, камолатга эришиш, мутаассиблик ҳаёт тарзи – буларнинг барчаси туфайли Алижо Муҳаммад ва унинг издошлари дунё бўйлаб юзлаб ибодатхоналар, кўплаб озиқ-овқат дўконлари, ресторанлар, наввойхоналар ва кўплаб кичик корхонлар барпо қилдилар. Бу унинг шухратини янада оширди.

Эркаклар кастюм билан капалак кўринишидаги галстук (бўйинбоғ) тақишар, аёллар эса рўмол ва узун кўйлак кийиб юришарди.

Алижо Муҳаммаднинг «Ўзлигингни англа» шиори ирқчилик натижасида, оқ танлиларнинг салбий муносабати сабабли қора танлиларга жуда керакли ғоя бўлиб хизмат қилди. Бу орқали Алижо Муҳаммад қора танлиларга алоҳида ўз қора миллатини ташкил қилиши кераклигига чорлар эди. Алижо Муҳаммад оқ танлилар «табиатан шайтонлиги», улар бутун тарихи давомида қора танлиларга озор бериб келаётгани ва бугунги кунга келиб ҳам шундай бўлиб қолиши ҳақида доимо таъкидлар эди. Ташкилот аъзоларига қора танлилар асл одам, оқ танлилар эса қора танли тентак олим Яъқуб томонидан яратилган норасо одамлар эканлиги ҳақида ўргатилган. Қора танлилар устидан назорат ўрнатиш уларга вақтинча насиб қилган. Лекин яқин вақт ичида қора танлилар ирқчилик урушида ғолиб бўлиш оқибатида оқ танлилар эришган юқори даражани ўзлаштириб, ҳукмронликни йўлга қўядилар.

Алижо Муҳаммад ўз таълимотини чуқур англаган шахс сифатида ўз шогирди Малкольм Иксни тан олган. У 1947 йилда Массачусетснинг қамоқхонасида жазосини ўтаётган вақтида Ислом миллати ташкилотига аъзо бўлган. Унинг ҳақиқий исми Малкольм Литтл бўлиб, барча ташкилот аъзоларига хос тарзда исмини ўзгартирган. У қулдорлик фамилиясини Иксга алмаштирган, инглизчадан таржима қилинганда «икс» олд қўшимчаси собиқ маъносини англатади. Масалан, икс христиан, икс қул, икс негр (ҳабаш). Озодликка чиққан муддати ва ўлдирилгунига қадар бўлган йиллар, яъни 1952 йилдан 1965 йилгача бўлган даврда Ислом миллати ташкилоти катта шуҳратга эга бўлди. Равон нутқи, ўткир ақли, ўзига хос маърузалари камбағал қора танлидан тортиб талабалар ва ёшларни ҳам ўзига жалб қилган. У Ғарб ва Шарқда ибодатхоналар (масжидлар) қурди. Шунингдек, у «Ислом миллати», «Муҳаммад айтади» каби газеталарни ўз уйи ер тўласида нашр қилган, қисқача айтганда ташкилот газеталарининг асосчисидир. Ўзининг кўплаб тарафдорларига эга, ташкилотнинг илғор вакили Икс Гарлемдаги №7 рақамли ибодатхона-масжид раҳбари этиб тайинланади, бир вақтнинг ўзида жамият алоқалари бўйича Алижо Муҳаммад билан фаолият олиб борган.

Юқоридаги ютуқларга қарамай ташкилотдаги ички вазият Иксни 1964 йилда Ислом миллатидан чиқишни ва суннийликни қабул қилишни тақозо қилди. 1965 йилнинг 21 феввалида у Гарлемнинг Аудубон Боллум рақс майдонида ўлдирилди. Иксдан сўнг Луис Фаррахан №7 масжиднинг раҳбари бўлди ва у муҳимлиги жиҳатдан Чикагода жойлашган штаб квартирадан кейинги ўринда турар эди. 1975 йилнинг феввалида Алижо Муҳаммаднинг ўлимидан сўнг унинг бешинчи ўғли Уоллес Дин Муҳаммад янги бош раис этиб тайинланди. Ўз исмини арабча Ворисга ўзгартирган Уоллес оқ танлилар энди шайтон эмасликлари ва ҳаракатга қўшилишлари мумкинлиги ҳақида эълон қилади. У қора ирқчиликка қарши чиқди, суннийликка даъват қилиш мақсадида Ислом миллати ташкилотига кўп ўзгартиришлар киритди.

Ташкилотга 1975 йилгача фақат афроамериканлар аъзо бўлиши мумкин эди. Ташкилот тарафдорлари оқ танлиларни шайтон сифатида кўришган, улар 400 йил давомида қора танлиларга озор бериб

келишади деган ғоя тарафдори бўлган. Улар интеграцияга қарши бўлиб қора ва оқ танлиларни аралаштириш вақти келди дейдилар. Қора танлилар ерда уларга ҳам ҳукмронлик қилиш, ўз давлатига эга бўлиш ҳуқуқини беришни талаб қиладилар.

Алижо Муҳаммад 1975 йилда вафот этганидан сўнг ташкилот парокандаликка учради. Алижо тарафдорларининг бир қисми суннийлик йўлини танладилар, бошқа қисми экстремистик ташкилотлар туздилар. Айнан мана шу йилларда Ислом миллати тарафдорлари америка ҳукумати ва жамиятига норозиликлар билдирдилар. Ислом миллати ташкилоти америкалик ҳабаш тутқунлар (қамоқдагилар) ўртасида сезиларни даражадаги ўринга эга.

Ташкилот 1976 йилдан бошлаб турли номлар билан атала бошлади: «Ислом миллатидан» «Ғарбдаги бутун дунё мусулмонлар жамияти»га (The World Community of Al-Islam in the West), «Америка ислом миссияси» (American Muslim Mission), «Америка мусулмон жамияти» (American Society of Islam) кабилар. Ғазетаси «Мусулмонлар журнали» (Muslim Journal) деб аталади. Имом Ворис Дин Муҳаммад мусулмонлар дунёсида АҚШдаги мусулмонлар раҳбари сифатида катта шухрат қозонди.

Ислом миллати ташкилотидан 1980 йилда «Жаммат ал-Фуқра» номли диний радикал гуруҳ ажралиб чиқди. (Шимолий Америкадаги жиҳодчилар кенгаши). Бугунги кунда Покистон билан алоқа қилишади.

Ислом миллати ташкилотининг фаол аъзоси Луиз Муҳаммад Алижо Муҳаммаднинг ўлиmidан сўнг раҳбар вазифасига тайинланишини тахмин қилган. У раҳбар этиб тайинланмаганидан сўнг 1978 йилда ўз гуруҳини тузади. Улар Алижо Муҳаммад таълимоти билан биргаликда Фаррахан киритган янги ғояларни тарғиб қилишган. Уларнинг газетаси «Охирги чақирик» деб номланган. Бугунги кундаги Ислом миллати ташкилоти томонидан кўп ишлатиладиган «Қора мусулмонлар» ибораси ҳам Фарраханнинг тарафдорлари томонидан кенг тадбиқ қилинган. 1980 йилларда у Алижо Муҳаммад томонидан Чикагода қурилган яқинлари ва тарафдорларини йиғиш учун мўлжалланган уйни ҳамда №2 номи Марямга ўзгартирилган ибодатхона (масжид)ни ўзлаштиради.

1995 йилда Фаррахан тарафдорлари Вашингтонда миллионлар марши уюштирдилар. Уларнинг мақсади афроамерикаликларни бирлаштиришга қаратилган. Маршда иштирок этганлар сони 400000дан 1 100 000 нафарга етиб борган ва Қўшма Штатлар тарихида биринчи катта марш, йиғилиш бўлган. Ислом миллати ташкилоти Вашингтонда ОИТС билан касалланганлар учун полик-линика очишади. Лекин наркотик билан шуғулланувчилар билан ҳам алоқада бўлганлар. Лос-Анжелесдаги гуруҳларни қайта тиклаш натижасида қора танли америкаликларнинг иқтисодий аҳволини ўнглашни давом эттирди.

Жума намозларида иштирок этишга, Рамазон ойида рўза тутишга даъват қилиниши унинг суннийлар тарафдори эканли-гини яққол намоён этар эди. «Ислом миллати» халқаро исломий анжуманларда қатнашиш билан бир қаторда, дунёдаги ислом дини етакчиларини Чикагога таклиф қилиб мажлислар уюштирган.

Ерда ўзини Аллоҳ деб эълон қилган Фард Муҳаммаддан кейинги раҳбар сифатида намоён бўлган Алижо Муҳаммад томонидан ташкил қилинган гуруҳ бир нечта грухларга бўлиниб кетади, улар-нинг ҳар бири ўзини Ислом миллати вакили деб атайди. Муқаддас китоби Қуръон, кўшимча манбалари ўз ғояларини намоён этувчи адабиётлардир. Адабиётларда фақатгина қора танлилар Аллоҳ-нинг суйган бандаларидир, фақатгина улар ҳақиқий мусулмон бўла оладилар, дейилади. Оқ танлилар тентак Яъқуб томонидан олти минг йил олдин яратилганлиги ва Аллоҳ томонидан уларга ХХ асргача ерда ҳукмронлик қилиш ҳуқуқи берилганлиги ёзилган. 1913 йилда бу давр тугаб, Ислом миллати таълимоти ҳам ўз-ўзидан сусая бошлади. Ислом миллати ташкилоти аъзолари ўз асосчила-рини жуда юқори ўринга қўйишган.

Бошқа динларга, айнан христианликка ҳаддан ташқари қарши эдилар. Христианларнинг аксарияти оқ танли бўлганликлари учун улар «кавказ шайтонлари» деб номланадилар (америка луғатла-рида оқ, европоидлар кавказликлар деб талқин қилинган). Йиғи-лишлар Жума кунлари амалга оширилади, унда Қуръон тиловат қилинади, гуруҳга тегишли таълимотлардан маърузалар қилинади. Ташкилотга аъзо бўлган ҳар бир кишининг исми биринчи навбатда арабчага ўзгартирилади. Ташкилот аъзолари сиёсий жиҳатдан

бир неча марта «Вашингтон маршлари»ни уюштирганлар. Ислом миллати ташкилотининг тарафдорларининг аксарияти АҚШда, уларнинг сони бир млн.га етади.

Малкольм Икснинг ташкилотда тутган ўрни

XX асрнинг 50-60 йилларида АҚШда ҳабашларнинг (негр) фуқаролик ҳуқуқи борасидаги кучли ҳаракатлар даври бўлди. 1920 йилларда Маркус Гарвей томонидан ишлаб чиқилган «қора миллатчилик» концепциясини янги тарихий шароитга мослаган ҳолда давом эттирган ва ривожлантирган Малкольм Икс (1925-1965) асосий рол ўйнади. Концепция асосида афроамерикаликларни ирқ сифатида тан олиш, ўз кучларига ишониш, қора танлиларни бирлаштириш ва сиёсий ҳукуматни қўлга киритиш туради.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Малкольм Икс 20 йил давомида ҳабашларнинг Ислом миллати миллий радикал ташкилотининг фаол аъзоси бўлган. У АҚШдаги қора танлиларга қарши қаратилган ҳар қандай вазиятга мусулмонлар динини асос қилиб ўз норозилиklarини билдирган. Миллатчиликка қарши ҳаракатлар афроамерикаликларни озод қилишга қаратилган ҳаракатлар натижасида радикал руҳдаги ҳабашларнинг ислом динини қабул қилиши АҚШда 60-йилларда ўзига хос социал, сиёсий ҳолатни вужудга келтирди.

Хорижда катта шуҳрат қозонган шу қора миллатчиларнинг бошлиғи Малкольм Икс Омаханнинг Небраска штатида баптист руҳонийси оиласида дунёга келган. Малкольм Икс олти ёшида Маркус Гаврей ғояларини кенг тарқатиш билан шуғулланадиган отасини Ку-Клукс-Клан номли миллатчилик ташкилоти аъзолари ўлдиришган. Унинг ёшлиғи ва ўсмирлик йиллари Мичиган штатининг Лансинг шаҳрининг қоратанли маҳалласида ўтади. Натижада кўп йиллик дарбадарликдан сўнг Малкольм Икс Нью-Йоркнинг Гарлем харобаларида яшай бошлади. Ўз эътрофига кўра: *«мен 8 миллион ньюйоркликлар ичидаги энг аблах фирибгар эдим – улар орасида 4 миллиони ҳалол кун кечирса, қолганлари улар ҳисобига яшайдиганларни ташкил этар эди»*

У ўша йиллар давомида пул билан боғлиқ турли говламачилик ишларида қатнашди. Ноқонуний ҳаракатлар, наркотиклар сотиш,

қуролли талончилик натижасида 1946 йил у 10 йил муддатга қамалиб, қамоқ муддатини Чарльстон номли Массачусетс давлат турмасида ўтади. Жазони ўташ давомида ислом динини қабул қилган оила аъзолари билан хат ёзишиш натижасида у Ислом миллати ташкилоти бошлиғи Алижо Муҳаммад ва унинг ҳаётини буткул ўзгартирган дин билан танишди. *«Мен қамоқда бўлган вақтимда мушоҳада юритишига етарлича вақтим бўлди ва натижада христианлик таълимотининг қанчалик даражада кўзбўямачилик асосида эканлигини тушундим»* – деб эслайди Малкольм Икс.

Малкольм Икс 1952 йил муддатдан олдин озодликка чиқиб, Ислом миллати сафига киради. Бир неча йиллардан сўнг у ташкилотнинг расмий аъзоси ва ет акчисига айланади. Бундан ташқари, у Алижо Муҳаммаднинг ишончли шогирди деб тан олинган. Алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Малкольм Икс Ислом миллатида олиб борган фаолияти давомида қилган маърузаларида устози Алижо Муҳаммадга бўлган чексиз ҳурматини таъкидлаб ўтган. У Алижо Муҳаммадни Аллоҳнинг ердаги охирги пайғамбари эканини таъкидлади. Интервьюлардан бирида *«Алижо Муҳаммад диний таълимотни тарқатди, ҳақиқат тарафдори бўлди, исломнинг озодлигини кўрсатиб берди. Табиийки, христианлик билан исломни солиштириб охиргисини танладим. Христианлик ўзини нобуд қилди. Бугунги кунга келиб шуни англадимки, ислом мен учун кўп нарса берди»*, деди.

Малкольм Икснинг диний фалсафа борасидаги қарашлари мураккабдир, шунга қарамай улардан бир неча асосийларини ажратиш мумкин: Яъқуб ҳақидаги афсона, ҳақиқий билим концепцияси, бутун дунё мусулмонлар билан бирлашиши, христианлик ва анъанавий черковларга нисбатан очиқдан-очиқ танқид ва бошқалар.

Ислом миллати ташкилотининг асосий диний қарашларини белгилаб берувчи Яъқуб ҳақидаги афсона Малкольм Икснинг қарашларини ривожлантиришини кўрсатиб берди. Ушбу афсона инсониятнинг келиб чиқиши ҳақида бўлиб, унда 66 триллион йил олдин кучли портлаш натижасида ер қуёшдан ажралган, бир неча вақт ўтгандан сўнг илк одам пайдо бўлгани ва қора танли бўлгани ёритилади. Оқ одамларни Аллоҳни ёмон кўрадиган Яъқуб

яратган, оқ одамларни шайтон асосида яратган, оқ одамлар ерни маълум вақт давомида бошқариши ва бир неча муддатдан сўнг раҳимли Аллоҳ томонидан ердаги ҳукмдорлик яна қора танлиларга қайтариб берилиши ҳақида ёзилган. Қора ва оқ танлилар орасидаги зиддият айнан юкорида кўрсатилгандек афсонавий характерга эга. Бундан хулоса қилиб айтишадик, қора танлилар илк пайдо бўлган Аллоҳнинг суюкли бандаларидир, оқ танлилар эса шайтон кўринишидаги одамсифат бандалардир.

Малкольм Икснинг диний фалсафаси асосида «ҳақиқий билим» ётади. Ушбу концепция асосида қора танлилар ўзлари ҳақида, Худо ҳақида, ватани ҳақида ҳақиқий билимга эга бўлмаган, уларнинг хотираларидан маданияти, анъаналари, тили, ўтмишдаги барча воқеалар оқ танлилар томонидан йўқ қилинган. Малкольм Икснинг фикрича, қора миллатнинг кутқарилиши ҳақиқий билимларни афроамерикаликларга қайтаришдадир, дейди. Бунда уларга Ислом миллати ёрдам бериши керак. У қора одамлар тарихи, ҳақиқий Худо Аллоҳ ва уларнинг ҳуқуқлари ҳақида барча ҳақиқатларни очиб беради. Билимлар борасидаги ҳақиқатни тўлиқ тарзда акс эттириши учун Малкольм Икс қуйидагиларни ёзади: *«Ҳақиқий билим шундан иборатки, инсоният тарихи бир неча йиллар давомида оқ танлилар томонидан ўзгартirilган, натижада қора танлилар тарихдан четлатилган. Ердаги биринчи одам қора танли бўлганлиги ва инсониятнинг Африкада пайдо бўлганлиги айна ҳақиқатдир».*

Қора ва оқ танлиларни ривожланиш тарихини таҳлил қилиш натижасида Малкольм Икс ўз концепциясида қуйидагиларни ёзади: *«Оқ одамлар тўрт оёқлаб эмаклаб юриб ғорларда яшаётган даврда, қора танлилар ўз буюк империялари, цивилизациялари, маданиятларига асос солиб бўлган эди. Оқ танлилар одам-шайтон кўринишида бўлиб, бутун умри давомида ўғрилик, товламачилик ва ўзга ирқ вакилларига нисбатан тубан ишларни қилиб келган».* Ўз халқи тарафдори бўлган Малкольм Икс оқ танлиларни қаттиқ танқид қилган. Шундай қилиб, афроамерикаликлар ўзлигини англаши учун ҳақиқий билимларга эга бўлиши керак. Малкольм Икс ушбу концепциянинг асосий тарафдорларидан бири бўлиб, уни фаол тарзда кенг тарғиб қилган.

Малкольм Икснинг дунёқараши ислом дини пайдо бўлган юрт – Саудия Арабистонига борганидан сўнг янада ўзгарди. Малкольм Икс Қоҳирадан Жиддага парвоз қилганини эслаб, шундай дейди: «Самолётда турли оқ, қора, қизил, сариқ танлилар бор эди, лекин уларнинг ҳаммалари ўша битта Аллоҳни зикр қилишарди ва бир-бирларига ҳурмат-эҳтиром билан мурожаат қилишар эди». Миллатчилик ватани АҚШда туғилиб катта бўлган Малкольм Икснинг фикри Саудияга борган сафардан сўнг ўзгарди. У ердаги аҳоли Аллоҳнинг иродаси билан тинч-тотувликда ҳаёт кечиришини кўриб қаттиқ таъсирланди. Ўз хатида у дўстларига қуйидагиларни ёзади: «Америкаликлар исломни тушуниши керак, у ягона дин бўлиб, жамиятдаги миллатлар, ирқлар ўртасида мавжуд бўлган муоммоларга барҳам беради. Ўз саёҳатларим давомида америкаликлар «оқ танли» деб атайдиган, лекин дин натижасида биз билан тенг даражага эга бўлганлар билан суҳбатлашдим ва ҳатто бир дастурхонда овқатландим. Мен ҳеч қачон турли ирқ ва турли тана рангига эга бўлган миллатларни бундай аҳил ва иноқ яшаганларини ҳеч қаерда кўрмаганман».

Шундай қилиб, Икснинг оқ танлилар борасидаги фикри ўзгарди. «Миллатчиликка қарши даво бор ва бу мусулмонлар динидир», дейди ва У ислом динини ёйишда асосий эътиборни оқ танли талаба ёшларга қаратади. Коллеж, университетларда тарбия олаётган ёшлар миллатчилик олиб келадиган салбий оқибатларни олдини олади деб ишонган.

Саудия Арабистонига қилган сафари Малкольм Иксни диний-ижтимоий қарашларига таъсир қилади ва 1964 йилда у Ислом миллати ташкилоти аъзолигидан чиқади. У устози Алижо Муҳаммад билан ўртасида бўлган дилхиралиқдан қийналади ва қора танли америкаликларга бировнинг таъсири остида миллатчилик ҳаракатини келтириб чиқармаслик, бировнинг ноғорасига ўйнамаслик ҳақида огоҳлантиришлар беради. Лекин, миллатлар ўртасидаги низолар давом этар эди. Малкольм Икснинг фикрича Ислом миллати ташкилоти ўз ақидасида қатъий туриб, сиёсий ишлардан узоқ бўлишни афзал кўрганлар.

Ислом миллати ташкилотидан чиққандан сўнг Малкольм Икснинг дунёқараши тубдан ўзгарди, дейиш нотўғри. Қора

танлилар фаолининг ижтимоий-сиёсий қарашлари радикал ҳолатда қолар эди. Икс ўлимидан олдин Гарлемда ўз масжидини очгани ва у қора танлиларни сиёсий фалсафасини асослаб беришга хизмат қилишини алоҳида таъкидлаб ўтади: *«Мен Нью Йоркда янги масжид барпо этмоқчиман, у «Мусулмонлар масжиди» номи билан машҳур бўлади. У бизга диний таскин беради ва ҳабашларнинг руҳиятига раҳна солувчи хавфларнинг олдини олишга хизмат қилади. Бизнинг сиёсий фалсафамиз қора миллатчилик бўлади. Бизнинг маданий сиёсатимиз қора миллатчилик бўлади».*

Дастлаб, Малкольм Икс ушбу масжидни барпо этишда унга ислом динига мансуб бўлмаган қора танлиларни жалб қилиш ва исломга киритишни режалаштирган. Лекин, фаолият бошланганида бошқа мусулмон бўлмаганларнинг қизиқиши ортиб бораётганини кузатган ҳолда у «Афро-америкаликларнинг бирлашган ташкилоти»ни тузди. Малкольм Икснинг фикрига кўра ушбу ташкилотнинг асосий вазифаси қора миллатчилик ва мусулмон динини тарқатишга қаратилган бўлиши керак эди.

Ислом миллати ташкилотидан чиққандан сўнг ҳам у устози Алижо Муҳаммаднинг қора танлиларни асл ватани бўлган Африка минтақасига қайтариш керак деган ғояси асосида фаолият олиб борар эди. Бу кўп вақт талаб қилишини ҳисобга олган ҳолда у қора танлиларни Америкада ўзлари ҳақларида ўйлашлари ва қайгуришлари кераклигини таъкидлаб ўтган: *«Мен мусулмонман ва доим мусулмон бўлиб қоламан. Менинг диним ислом. Мен ирқ бора-сида Алижо Муҳаммаднинг фикрига тўлиқ қўшиламан. АҚШда қора танлиларни оқ танлилардан тўлиқ ажратишнинг бир йўли уларнинг ўз ватанларига қайтариш бу энг тўғри танловдир. Лекин, сепаратизм узоқ муддатли бўлиб, бугунги куннинг ўзидаёқ АҚШдаги 22 млн. қора танлиларга озиқ-овқат, қийим-кечак, яшаш учун жой керак бўлиб турибди».*

Мусулмон дини ва қора америкаликларни ирқий тазийиқлардан қутқаришнинг асосий йўли этиб Малкольм Икс ислом динига киришни кўрсатади. Исломни қабул қилган турли ирқ вакиллари ибодатлар чоғида бир-бирларига ака-укадек муносабатда бўладилар, дейди. Бундан ташқари, ислом динигина биродарликка

чақириши, «бирорта давлат қонуний биродарликни таъминлай олмаслиги»ни таъкидлайди.

Малкольм Икснинг диний фалсафаси асосида христианликни қора халққа муносабатини танқид қилиш туради. Ўз маърузаларидан бирида Малкольм Икс: христианликни қабул қилган қора танлилар ҳақида гапириб ўтади, христианлар ўз динига қабул қилган қора танлиларга сизлар фақат нариги дунёда ўз мавқеларингизга эга бўлишингиз мумкин, бунинг учун бу дунёда ҳаракат қилишингиз керак, Худо сизларга жаннатдан жой ажратишини кутишингиз керак, деган гаплар билан турли тазйиқлар ўтказганларини айтиб ўтади. Қора миллатчилар бошлиғи оқ танли христианларни кўз бўямачи эканлигини таъкидларди. Унинг фикрича, қора танлиларни ёмонга чиқарадиган дин инсоният учун яхшилик келтирмайди. Жанубий Америкада ҳабашларнинг фуқаролик урушида қатнашган ёш, навқирон аскарлар черковга келганларида оқ танли руҳонийларнинг уларга черков эшикларини ёпганлари, христианлик динининг қандай даражада эканлигини белгилаб беради.

Христианликни танқид қилиш давомида у анъанавий қора черковга ҳам қарши чиқади. Уларни оқ танлилар билан келишган ҳолда иш тутиши ва натижада қора америкаликларни ёмон аҳволга келтириб қўйганликда айблар эди. Малкольм Икснинг таъкидлашича, *«Лос-Анжелсдаги ҳабашлар черковига 90 млн. доллар ажратилар экан, улардан фақат 60млн.ни уйларга сарфланарди, қолган пулларни йўқотмасдан айна қора танли черков аҳолиси учун сарфланишини йўлга қўйиб назорат қилиш керак».*

Христианликда бўлган қора танли америкаликларни қийин аҳволда қолганлигини кузатган Малкольм Икс уларга энг тўғри дин исломни таклиф қилади. *«Бугунги кундаги энг тўғри йўл миллатчилик, ирқчиликка барҳам бериш. АҚШга ислом дини керак бўлиб турибди, айниқса, қора америкаликлар унга муҳтождир»*, дейди Малкольм Икс.

«Мусулмонлар нимага ишонишади?» номли дастурда Ислом миллати ташкилотининг диний ақидалари кўрсатилган, улар:

— Биз биргина Худога ишонамиз, унинг исми Аллоҳ.

— Биз Муқаддас Қуръон, Муқаддас битиклар, пайғамбарларнинг китоблари, Эски аҳдга ишонамиз.

— Биз Библиянинг ҳақиқийлигига ишонамиз, лекин у ўзгартирилган, шунинг учун қайтадан кўриб чиқилиши керак.

— Биз Аллоҳнинг пайғамбарларига ва уларнинг одамларга берган таълимига ишонамиз.

— Биз инсонларни қайта тирилишига имон келтирамиз, фақат руҳий тирилишгагина.

— Биз Худонинг қаҳрига имон келтирамиз. Худонинг биринчи суди Америкада бўлади.

— Биз ҳабашларни оқ танлилардан ажратиш даври келганига имон келтирамиз.

— Биз Худога ишонувчилар ва ишонмайдиганларга адолат борлигига ишонамиз.

— Биз оқ танлилар билан қора танлиларни интеграцияга олиб келишни қора танлиларга қарши бўлганлар уюштирганига ишонамиз.

— Биз мусулмонлар одамларни ўлдирадиган жанглarda қатнашмаслигимиз кераклигига ишонамиз.

— Бизнинг аёлларимизга бошқа ирқ аёлларига қилинган ҳурматни қилишлари кераклигига ишонамиз.

— 1930 йилда Аллоҳ Фард Муҳаммад кўринишида келишига ишонамиз.

Қора мусулмонларнинг ижтимоий-диний фалсафалари ҳақиқий ислом динидан фарқ қилади. У қуйидагилардан иборат:

Қора танлиларни танланган халқ сифатида кўрилиши – қора мусулмонларнинг асосий ғояси ҳисобланади. Алижо Муҳаммад Қиёмат икки минг йилгача бўлиши, аниқ куни Аллоҳгагина маълум эканлигини айтган. Натижада, дунё қайтадан ташкил қилинади ва у асл эгаларига қайтарилади, дунёни айнан улар бошқарадилар. Улар дунёни Аллоҳ ёрдамида бошқарадилар.

Ирқий сеператизм концепцияси қора ва оқ танлиларнинг ажратилиши ва қора танлиларни алоҳида давлати тузилишини таъкидлайди.

Алижо Муҳаммад Аллоҳнинг ердаги охирги пайгамбари эканлиги ҳақидаги таълимотдир.

Таъкидлаш керакки, Қора Мусулмонларнинг асосий мақсади афроамерикаликларни ҳабашлар ҳаракатида бирлаштириб олиш бўлган. Уларнинг бош ғояси оқ танли америкаликлар ҳеч қачон қора танлилар тарафдори бўлмаслиги ва қора танлилар ўз давлатини тузиши кераклиги бўлган. Оқ танлилар шайтоннинг авлодлари бўлганлиги учун исломни тушунишга қодир эмасликларини Қора Мусулмонлар эътироф этишган. Лекин, Малкольм Икс ҳамма оқ танлилар ҳам ундай эмаслигини айтиб ўтган. Айнан мана шу қараш Ислом миллатининг норозилигига сабаб бўлди.

Қора мусулмонлар барча диний қоидаларга қатъий риоя қилган ҳолда беш маҳал намоз ўқишар, ҳафтада икки марта масжидга боришар эди. Шахсий тозаликни назорат қилишлари керак бўлган. Спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш тақиқланган. Мусулмон аёлларига очиқ, кўзга ташланадиган кийимларни кийиш тақиқланган. Номаҳрам билан бир бинога кириш тақиқланган. Аёллар овқат пишириш, тикиш, эри ва болаларига ғамхўр бўлиши шарт бўлган. Эркаклар оиласини таъминлаши ва ташкилотга янги аъзоларни жалб қилиши керак бўлган.

Ислом миллати ташкилоти юқоридаги қоидалардан ташқари ўз тарафдорларига кичик корхоналарини очиш талабини ҳам қўйган. Ушбу талаб кичик тадбиркорларни ўзига жалб қилган.

Алоҳида таъкидлаш керакки, Малкольм Икс ёрдамида Ислом миллати ташкилоти нафақат АҚШда, балки бошқа ҳудудларга ҳам маълум бўлди. Малкольм Икс мусулмон таълимотини тарқатишда қора танлиларни нафақат жисмоний кучини ошириш, балки ҳуқуқини билиш, ҳақини талаб қила олиш каби хусусиятларини шакллантирган. Қора танлиларнинг ислом нормаларига риоя қилишлари асосида ўз фуқаролик ҳуқуқини талаб қилишлари ҳам ётади. Мусулмонлар етакчисининг асосий ғояси ҳар бир мусулмон ноҳақликка қарши курашиши керак деган ғоялар бўлган.

Малкольм Икс ўзининг миллатпарварлиги билан афроамерикаликлар юрагида чуқур из қолдирган.

Ташкилот госяси

Ислом миллати ташкилотининг аёл аъзолари ўзига хос кийимлар кийган. Кастюмлари оқ бўйни очиқ бўлган. Ташкилот аъзолари Исломнинг беш арконига риоя қилишади, анъанавий исломдан фарқли равишда улардан уч тасига риоя қилиш шарт эмас. Улар ахлоқ-одобга, тўғри ҳаёт тарзини олиб боришга катта эътибор берадилар. Пархез тутиш, тамаки маҳсулотларини истеъмол қилмаслик, спиртли ичимликларни, чўчка гўштини истеъмол қилмаслик, наркотикларни қабул қилмаслик асосий талаблардан бири ҳисобланади.

Ислом миллати ташкилоти асосчиси Алижо Муҳаммад ловияли пирогга (пишириққа) эътиборини қаратган. Бу Ислом миллатининг миллий таоми бўлиб ҳар бир аъзо уни афроамерикаликлар ошхонасини тан олган ҳолда истеъмол қилиши керак бўлган. Ловияли пирогларни Ислом миллати ташкилоти аъзолари молиявий маблағни кўпайтириш мақсадида дўконларда сотаётганларини кузатиш мумкин. Никоҳдан ташқари жинсий алоқада бўлиш тақиқланади, никоҳда фақат ўзидан насл қолдириш мақсадида алоқа қилиш мумкин. Бола олдириш қатъийян ман этилади, агар онанинг ҳаёти хавф остида бўлсагина олдиришга рухсат берилган.

Ислом миллатининг асосий мақсади Аллоҳни ягона деб билиш, у Фард Муҳаммад қиёфасида намоён бўлишига, илк яратилган инсон қора танли бўлганига, афроамериканлар Иброҳим оиласига мансублигига ва улар танланган, ягона ирқ эканлигига ишонишади. Шунингдек, Ислом миллати ирқлар ўртасидаги ниқоҳни тақиқлайди. Юқоридагиларнинг ҳаммаси ташкилотнинг расмий ҳужжатлари ва китобларида кўрсатиб ўтилган. Ислом миллати ташкилоти аъзолари қора танлиларни қул бўлиши Библияда кўрсатилганига ишонишади.

Фард Муҳаммад одамларни уч тоифага бўлган: 85 фоизи қар, соқов, кўр одамлар бўлиб, улар давлатни бошқариш ва бирдамликда ҳаракат қилишга ярамайдиган кишилар тоифаси; 10 фоиз давлатни бошқарадиганлар, 5 фоиз солиқ кишилар тоифаси бўлиб,

улар ҳукумат ғояларидан таъсирланмаган ҳолда тўғри ҳаёт тарзини юритган ҳолда озодлик, эркин фикрлаш борасида доимо ҳаракат қиладилар.

Малкольм Икс бошқаруви даври у қора ирқ вакиллари юқори, лекин ирқчилик сабабли азият чекаётган қора танлиларни доимо устун қўйиб келган:

Аслида оқ танлилар қора танлиларга ён босаётганларини билладилар. Ҳатто сенатор Джеймс буни биллади. Биология ва генетикадан хабари бўлган ҳар бир шахс биладик, оқ рангли одам рецепторлари доимо яширин ҳолда намоён бўлади, қора танлилар ҳар доим доминант бўлади. Американинг иқтисодиётида ҳам оқлар доимо юқори даражада намоён қилинади. Диний фалсафада ҳам Исо (а.с.)ни, фаришталарни Шайтонни қоралигидан ташқари ҳамма мавжудотларни оқ деб ифодалаган. «Сем амаки»нинг сиёсати оқ танлиларни юқори кўриш қора танлиларни иккинчи даража деб билишга қаратилган. Замонавий фалсафа ҳам оқ танлиларни бир неча асрлардан буён юқори қўйиб келади.

Ислом миллати ташкилоти ирқлар ўртасидаги никоҳни тақиқлашади, бу ўн қонунда батафсил ёритилган.

Ислом миллатининг ғоясига кўра Ой билан Ер қачонлардир бир – бирига ўхшаш бўлган, Ернинг пайдо бўлганига 76 триллион йилдан ошган. Ундаги қуруқлик эса Осиё деб номланар эди. Қора танлилар Худо томонидан яратилган биринчи одамлар бўлиб, Ердаги қолган жигарранг, сариқ, қизил танлилар айнан улардан тарқалган деб ҳисоблашади.

Луис Фарраханнинг NBCга берган интервьюларидан бирида у Ислом миллати таълимотининг муаммоли саволларига жавоб берган:

«Биласизларми сариқ, жигарранг ва бошқа танли одамларни оқ одамдан келиб чиққан деб билиш мантиққа тўғри келмайди. Олимлар биринчи одам Африкада пайдо бўлгани ва ҳамманинг авлоди қорадан тарқалганлигини аниқлаганлар. Куръон Худо одамни қора лойдан ясаганини таъкидлайди. Агар оқлар қоралардан биринчи пайдо бўлганида сизлар қандай қилиб дунёга келган бўлардинглар? Бу мантиқсиз савол эмас. Бу илмий савол

бўлиб, илмий жавобни талаб қилади. Бу биз яхши, сизлар ёмон дегани эмас. Юқоридагилар таҳмин бўлиб, қора танлилардан оқ танлилар келиб чиққани айтиляпти, лекин одамнинг қандайлиги рангига қараб эмас, унинг ҳақиқатгўйлиги асосида аниқланади».

Шунингдек, муҳбирлар Фарраханга Алижо Муҳаммаднинг оқ танлилар «Кўк кўзли шайтонлардир» деган ғоясига қандай қараши ҳақида сўрадилар:

«Албатта сизлар қора танлиларга нисбатан яхши муносабатда бўлмагансизлар, ҳатто ўз юртингиздагиларга ҳам. Ҳақиқат шундаки, мамлакатда нотинчликни тарғиб қиладиган ҳар қандай одамларни шайтон деб аташ мумкин. Библияда Бобилнинг қулаши тасвирланган, қулашининг асосий сабаби эса у ерни жинлар макон қилганидир. Биз қадимги Бобил замонавий Бобилнинг тимсоли бўлган ва Американи унинг бир кўриниши сифатида қарашимиз мумкин (яъни Бобил жинлар сабабли парчаланган бўлса, Америка ҳам оқ танлиларни нотўғри бошқаруви сабаб парчаланиши мумкин демоқчи)».

Ташкилотнинг диний тасаввурлари

Ташкилот аъзоларининг эътиқодларига кўра, 66 триллион йил аввал ер юзида 13 та тараққий этган қора уруғлар яшаган бўлиб, технологик ривожланиш даражаси ҳозиргиларидан анча устун эди. Уруғлардан бирининг вакили бўлган олим у ердан ҳайдалгач, ерни портлатиб юбориб ундан бутун бир бўлакни ажрагиб олди натижада у ойга айланди. Фалокатдан сўнг 13 уруғдан 12 гаси йўқ бўлиб кетди ва биргина «шабазз» уруғи қолиб у аввалига Мисрдаги Нил водийларига яшаш учун жойлашиб у ерда қадимги цивилизацияга асос солди ва натижада Арабистон ярим оролига кўчиб ўтиб у ерда муқаддас Макка шаҳрига асос солди.

Малкольм Икс 1962 йилдаги нутқида таъкидлаганидек, ҳақиқий қори одамлар тундек қора майин тери ва текис шойидек қора сочларга эга бўлганлар, аммо Шабазз исмли олим уруғининг исми билан бир ҳил яшаётган инсонларнинг тери ва сочлари дағалроқ бўлиши учун Марказий Африка минтақаларини ўзлаштиришни таклиф этди. Бу билан уруғнинг бошқа олимлари рози бўлмадилар, натижада олим ўз оиласи билан Африка чангалзорларида

яшашга бош олиб кетди. Иқлимнинг оғирлиги ва ҳаётнинг қийинчиликлари туфайли уларнинг авлодларининг териси дағаллашиб сочлари эса жингалаклашиб кетди, Малькольм Икснинг қайд этишича, Африкада оз бўлсада текис сочларга эга (негрлар) хабашлар ҳозир ҳам бор. Мил.авв 4084 йилда Шабазз қабиласидан бўлган Яъқуб исмли ёвуз олим ва дохий ҳокимиятни ўз қўлига олиш мақсадида сохта одамларни яратди ва 59 999 нафар издошларини, ҳақиқий қораларни йиғиб, Патмос оролига яшашга кетдилар ва у ерда юз йиллар давомида ранги тўқ чақалоқларни ўлдириб борилди. Натижада шу йўл билан олти юз йилдан кейин оқ ирқ аниқроғи яҳудийлар келтириб чиқарилиб, улар бошқа оқ одамларнинг аждодларига айландилар ҳамда ҳақиқий қора одамларни ривожланган цивилизациядан сиқиб чиқара бошладилар ва бу билан оқ одамларнинг ҳукмронлик даврини бошладилар. Шу билан бирга оқ одамлар ва айниқса, яҳудийлар орасида Яъқуб пайғамбар сифатида эътироф этилади.

Ташкилотнинг мафкураси

Ислом миллатининг мафкураси 13 та устунга асосланиб, уларнинг асоси сифатида исломнинг асосий қонунлари олинган.

1. Ягона Худога имон бўлиб, унинг исми Аллоҳдир.
2. Муқаддас Қуръон ва Библиядаги барча пайғамбарларга имон.
3. Муқаддас Қуръоннинг ҳақлигига имон.
4. Аллоҳнинг пайғамбарларига ва улар инсонларга келтирган муқаддас битикларга имон.
5. Маънавий қайта тирилишга имон. Қора танлилар биринчи бўлиб қайта тириладилар шу билан бирга Аллоҳ томонидан танлаб олинган халқ рад этилади. Янги танлаб олинганлари эса афро-америкаликлар бўлади. Шунингдек, барча солиҳ кишилар ҳам қайта тирилтирилади.

6. АҚШдан бошланадиган охират кунига ишонч.

7. Қора миллат буткул оқ америкаликларнинг ҳукмронлигидан оқ одамлар томонидан уларга берилган исмлар, оқ хўжайин ва қора қул билан боғлиқ исмлардан озод бўлиши лозимлигига

ишонч. Барча қора одамлар европаликлар билан боғлиқ бўлмаган ўз исмларига эга бўладилар.

8. Адолат ва ҳақпарварликнинг ердаги барча инсонларга тенглиги ва миллатлар аро тенгликка ишонч. Озод қилинган қулнинг собиқ хўжайини олдидаги мақоми тенглик ҳисобланмайди.

9. Интеграция сиёсати мунофиқлик ва қора халқнинг ўзига хослиги, уларнинг тенглик ҳисси ва дўстлигини йўқотишга ҳаракат бўлиб, қора миллатга Американинг янги тарихини бошлаш вазифаси қўйилган. Агар оқ одам қора одам билан дўстлашадиган бўлса, у ўзининг самимийлигини фақатгина АҚШнинг қора ва оқ халқлари тенг ҳуқуқлилигини тўлиқ тан олгандагина исботлаши мумкин.

10. Мусулмон биродарлар тўғри исломга эргашишлари ва инсонларни ҳаётига зомин бўлувчи урушларда қатнашмаслигига ишонч, бироқ Америка мусулмон биродарларига алоҳида ер ажратиб бериши лозим.

11. Аёлни ҳурмат қилиш ва бошқа миллатлар вакиллари уни қандай ҳимоя қилса шундай ҳимоя қилиши кераклигига ишонч.

12. Аллоҳ 1930 йилнинг июль ойида Фард Муҳаммад (Ислом миллати ташкилоти асосчиси) қиёфасида намоён бўлгани ва у христианлар интиқ бўлиб кутган масиҳ мусулмонлар учун эса Маҳдий эканлигига ишонч.

13. Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқлигига ва кун келиб У барча миллатлар тинчликда яшовчи мултимаданиятли давлат яратишига ишонч.

Анъанавий исломга ўхшаш ва фарқли жиҳатлари

Чикагодаги Марям масжиди ёки ислом ибодатхонаси «Ислом миллати»нинг асосий муқаддас жойларидан бири ҳисобланади. Диннинг асоси сифатида ислом олинганига қарамай Ислом миллати динида бир қатор салмоқли фарқлар ва бидъатлар мавжуд бўлиб, анъанавий исломдан фарқли равишда исломнинг беш аркони қисман эътироф этилади:

Ягона Худо Аллоҳга имон (Ислом миллати вакиллари ташкилот асосчиси Вали Фард Муҳаммадни Аллоҳ эди деб ишонишади);

Кундалик беш вақт намозни адо этиш (Ислом миллати вакиллари намоз ўқишни мажбурий деб ҳисобламайдилар ва Исломни қабул қилиш ҳамда Аллоҳга ишонишнинг ўзи етарли дейишади);

Исломий рамазон рўзасига амал қилиш (Ислом миллатига эргашадиганлар рўза тутишни мажбурий деб билмайдилар);

Закот, Ҳаж ёки Маккага зиёратни адо этиш (Ислом миллатига эргашувчилар зиёратни амалга оширишни фарз деб ҳисобламайдилар);

Ислом миллатига эргашувчиларни масжидларида маъруза заллари икки тарафдан аёллар ва эркакларникига бўлинган ибодат қилувчилар учун ўриндиқлар ва «мусалло» деб номланувчи ибодат зали мавжуд.

Анъанавий исломдан фарқли равишда Ислом миллатига эргашувчилар Муҳаммад (с.а.в.)ни охирги пайғамбар деб ҳисобламай, Аллоҳ Фард Муҳаммад, яъни ташкилот асосчиси сиймосида намоён бўлган. Алижо Муҳаммад эса унинг охирги пайғамбари бўлган, деб ҳисоблайдилар. Ислом миллатига эргашувчилар ўз асосчиларини мастер Фард Муҳаммад деб номлайдилар. Ўз эътиқодларини эса Қуръоннинг «**Ҳар бир уммат учун пайғамбар** (юборилган). **Бас, пайғамбарлари келганда, уларга** (умматларига) **зулм** (ноҳақлик) **қилинмаган ҳолда ўрталарида одилона ҳукм қилинур**» (Юнус, 47) оятини далил қилиб келтириб, у ерда ҳар бир халқнинг ўз пайғамбари борлигига ишора қилинган, дейдилар.

Шунингдек, анъанавий ислом биринчи навбатда яккахудодликка таяниб, инсонлар орасида ҳеч қандай фарқланиш кўрмай барчасини Худонинг қуллари сифатида қараса, Ислом миллати мафқурасига кўра, ер юзидаги миллат энг биринчи ҳақиқий қора ирқ бўлган оқ одамлар эса ақлдан озган олим Яъқубнинг яратган маҳлуқлари бўлиб алоқа қилишга нолойиқдир. Шунингдек, анъанавий ислом Яъқуб пайғамбарнинг ёвуз сеҳргар бўлгани ва Изекил филдиракларини бидъат сифатида рад қилади. Шунингдек, борлиқ ҳақидаги таълимот ҳам бутунлай фарқ қилади: Қуръони каримда: «**Дарҳақиқат, Раббингиз осмонлару Ерни олти кунда¹ яратган**»,

¹ Шайх Абдулазиз Мансур «Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири»да «олти кунда» жумласини қуйидагича тафсир қилганлар: Яъни Ер ва осмонлар ҳамда улар ўртасидаги мавжудотларни якшанбадан бошлаб

дейилса, Алижо Муҳаммад таълимотига кўра, ер ва ой ўнлаб миллиард йилдан бери мавжуд бўлиб, аввалда бир-бирига ўхшаш эди. Ислом миллатининг яна бир бидъати қадимги цивилизацияларнинг жумладан, Миср цивилизациясини яратган ва Макка шаҳрини барпо этган 13 та қадимий қора қабилалар мавжудлиги бўлгани ҳақидаги назариялар.

Бугунги кунда ташкилотнинг раҳбари Луис Фаррахан бўлиб, Ислом миллати ташкилотининг бош штаб квартираси Чикагода жойлашган Марям номли ибодатхона (масжид) биноти ҳисобланади. Ташкилот «The Final Call» деб номланган газета нашр қилишади. Ислом миллати ташкилоти ўз аъзолари сонини расмий эълон қилишмайди New York Times нашрининг хабар беришича, уларнинг сони йигирма мингдан эллик минг кишигача етади. Ташкилот аъзоларининг асосий қисми АҚШ ҳудудига тўғри келади. Канада, Буюк Британия, Франция, Ямайка, Тринидат ва Табаго давлатларида унча катта бўлмаган жамоалари мавжуд.

Таблиғчилар: Таблиғчилар¹ Ислом байроғи остида фаолият кўрсатадиган, аммо ислом дини асосларини бузадиган диний ҳаракат ҳисобланади. Ҳаракатга Муҳаммад Илёс Кандеҳлавий (1885–1944) исмли шахс томонидан 1927 йилда шимолий Ҳиндистоннинг Меват шаҳрида асос солинган.

Муҳаммад Илёс илк таълимини акаси Муҳаммад Яҳёдан олган. Сўнгра Ҳиндистоннинг Саҳорнафур шаҳридаги «Музоҳиру-л-улум» мадрасасида таҳсил олиб, шу ерда таълим бера бошлаган. Кейинчалик отаси Муҳаммад Исмоил ва акаси Муҳаммад Яҳё вафот этгач, уларнинг ўрнида Деҳли жанубидаги масжидда даъват ва таълим ишлари билан шуғулланган.

Таблиғчилар иддаоларига кўра, XX асрнинг бошида Ҳиндистондаги мусулмонларнинг қишлоқ хўжалиги юмушлари билан машғул бўлиб, диндан узоқлашиши, айниқса, исломни қабул қилган айрим қабилаларнинг яна ҳиндуийлик динига қайтишга уринишлари

жума кунигача яратган. Озгина муддатда яратишга қодир бўла туриб, олти кунга чўзганининг сабабларидан бири фаришталар кўриб, кузатиб, ганишиб боришлари учун шунча вақт ўтиши лозим бўлган ёки бандаларига сабр-қаноатли бўлишни таълим бериш мақсадида шундай қилган (Мд.).

¹ **Таблиғ** – [араб. – *етказиш*, яъни диний даъватни *етказиш*].

Муҳаммад Илёснинг «таблиғ»ни шакллантиришга ундаган сабаблардан бири бўлган. Илёс Кандехлавийнинг нурчилик ҳаракати ҳақида эшитиб таъсирлангани ҳам янги жамоани тузишига туртки бўлган.

Муҳаммад Илёс жамоа тузиш борасидаги илк амалий ҳаракатини масжидлар негизида исломий мактабларни шакллантириб, даъватчилар тайёрлашдан бошлаган. Тез орада, унинг мазкур мактаблар диний тарғиботчиларни етиштириб чиқармаётганидан хафсаласи пир бўлиб, ўз атрофига диний саводга эга бўлмаган, аммо одамларни ўзига эргаштира олувчи ўта ташаббускор кишиларни тўплаб, мустақил тарзда даъват ишларини бошлаб юборган. Муҳаммад Илёс ташкилотни давлат томонидан расмийлаштирилиши ва бошқа зарурий ҳужжатларни тўлдириб боришдан ўзини четроқ тутишга интилиб келган. Унинг фикрича, бундай ишлар даъват жараёнини сустлаштиришга сабаб бўлади. Аслида эса, бу ҳолат ташкилотнинг асл мақсади, ҳомийлари ва ҳамкорларини яширишнинг энг қулай йўллари билан бири ҳисобланган.

Муҳаммад Илёс «Таблиғчилар жамоаси»ни ҳаракат сифатида тўлиқ шакллантиргач, Ҳиндистондан бошқа давлатларда ҳам даъват ишларини йўлга қўйишга эришди. Унинг вафотидан сўнг ҳаракатга раҳбарлик қилган ўғли Муҳаммад Юсуф (1917–1965) ташкилот фаолиятини сезиларли равишда кенгайтиришга муваффақ бўлди.

Покистон Ҳиндистондан ажралиб чиққач, Муҳаммад Юсуф таблиғчилар қароргоҳини Деҳли яқинидаги «Низомиддин» марказидан Лоҳур шаҳридан (Покистон) 50 км узоқликдаги Райвинд шаҳрига кўчирди. Шундай бўлса-да, ҳаракат ғояларини ёйишда «Низомуддин» маркази илгариги мавқеини сақлаб қолди. Муҳаммад Юсуф ва ундан кейин ҳаракатга раҳбарлик қилган Инамулла Ҳасан (1965–1995) даврида таблиғчилар халқаро ташкилот сифатида эътироф этила бошланди ва дунёнинг кўплаб минтақаларида «даъват марказлари»га эга бўлди.

«Таблиғчилар жамоаси» ҳам бошқа диний-экстремистик гуруҳлар сингари ўта қаттиқ иерархик тузилишга эга экани билан тавсифланади. Ҳаракатнинг бошида кўрсатмалари барча

учун мажбурий бўлган амир (зиммадор ҳам дейилади) туради. Таблиғчиларнинг энг кичик гуруҳи 10 кишидан иборат бўлиб, унга ҳам амир раҳбарлик қилади. У кенгаш ёки тегишли гуруҳнинг тавсияси билан тайинланади. Халқаро миқёсдаги амир эса ҳаракатнинг етакчи аъзоларидан иборат бўлган Марказий кенгаш томонидан тайинланади. Ҳозирда кенгашнинг амири сифатида Зубайр Ҳасан эътироф этилади. Ҳаракатнинг бу тарзда тузилиши ҳар бир таблиғчининг кундалик фаолиятини қатъий назорат қилиш ва белгиланган вазифаларни ҳал этишга йўналтириш имконини беради.

Таблиғчилар фаолиятида ғоявий таъсир халққа даъватни изчил ва тизимли олиб боришга хизмат қиладиган тафриғул вақт, яъни вақтнинг сарфланиши тамойили муҳим ўринни эгаллайди. Унга кўра, ҳар бир таблиғчи даъват учун узоқ муддатли сафарга чиқиши шарт. Шунинг учун улар бир йилда 40, ойда 3, ҳафтада 2 кунни даъват учун сарфлайди ва чекка-чекка ҳудудларда уйма-уй юриб, ташвиқот ишларини амалга оширади. Ҳаракат вакиллари бундай сафарларни «хуруж» (арабча чиқиш, яъни даъват учун сафарга чиқиш) деб номлашади.

Шунингдек, уларда инсон умри давомида бир бор амалга ошириши зарур бўлган 4 ойлик хуруж ҳам мавжуд бўлиб, у анча узоқ бўлган ўлкаларга уюштирилади. Таблиғ намояндалари ҳар бир ҳаракат аъзосига Исломда фарз қилинган ҳаж ибодатидан кўра, ўзлари ўйлаб топган тўрт ойлик хуружни амалга ошириш зарур эканини кўпроқ уқтиришади. Улар хуружларни Куръони карим ва ҳадисларда улуғ савоблар берилиши ваъда қилинган Муҳаммад (с.а.в.) давридаги Маккадан Мадинага қилинган ҳижратга тенглаштиришади. Ваҳоланки, бу сафар натижасида ҳар бир меҳнатга қодир мусулмон эр учун фарз бўлган ҳалол касб қилиш, оила ва бола-чақасининг нафақасини таъмин этишдек масъулиятли бурчлар поймол этилади.

Таблиғчилар фақирона ҳаёт кечириш, дунёвий бойликларни охират неъматлари олдида арзимас ҳодиса, деб ҳисоблашини иддао қилишни ҳам хуш кўрадилар. Аммо ўз сафларида обрўли кишилар, бадавлат бизнесменлар ва тадбиркорлар бўлишини

жуда хоҳлашади. Шу сабабли бозорлар, турли тижорат дўконлари, кишилар тўпланадиган гузарларни мунтазам айланиб, бой-бадавлат инсонларни «таблиғ»га жалб этишга алоҳида эътибор беришади. Уларнинг фикрича, ҳаракатга кирган бундай инсонлар кўпчиликка ўз таъсирини ўткази олади ҳамда таблиғчилар сонининг ошишида катта роль ўйнайди.

Шунингдек, таблиғчилар бу тоифа кишилар жамиятда катта таъсирга эга бўлиш билан бирга, диний илмлардан узоқ бўлгани туфайли уларга таъсир кўрсатиш осон, деб ҳисоблашади. Айти пайтда, жамоа таркибида бундай кишиларнинг кўплиги ҳаракат молиявий имкониятларининг ортишига ҳам хизмат қилади.

Таблиғчилар фаолиятида масжидларда ва «даъват кечалари»да ташкил этиладиган тарғибот муҳим ўрин эгаллайди. Уларнинг инсонларни «таблиғ»га киритишга қаратилган масжиддаги даъватлари асосан шом ва хуфтон намозлари орасида амалга оширилади. Чунки бу вақтда кўпчилик инсонлар кундалик юмушларидан фориғ бўлади ва таблиғчилар даъват ишларини олиб боришлари учун қулай фурсат ҳисобланади. Шом намозидан сўнг таблиғчилардан бири масжидга йиғилганларга ваъз-насихат қилиб, дунё машғулотларидан узоқда бўлишга ва вақтни дин учун сарфлашга даъват қилади.

Таблиғчилар намозхонларни ўз сафларига қўшилишига ва улар билан бирга бор бойлиги, бўш вақти ва жамиятдаги мавқеидан келиб чиқиб, узоқ-яқин маҳаллалар, қишлоқлар ва шаҳарларга даъват учун чиқишга чақиради. Бундай даъват мажлисларини вазиётга қараб, бирор таблиғчига тегишли бўлган хонадонда ташкил этиш ҳолатлари ҳам кузатилади. Таблиғчилар даъват кечаларига ўзлари манфаатдор бўлган маҳаллий мусулмонлар, зарур бўлса, бошқа динга эътиқод қилувчи кишиларни ҳам таклиф қилишлари мумкин.

Олиб борилган тарғибот-ташвиқот натижасида таблиғчиларга қўшилиш истагини билдирган кишилар назорат остига олиниб, хуфтон намозидан кейин то тонггача давом этадиган тунги даъват кечаларига таклиф қилинади. Жамоа вакиллари қисқа ва оз фурсатда таблиғчилар сонини оширишга ҳаракат қилгани учун

«таблиғ»га киритилаётган шахс билан кўпи билан 1–2 марта даъват ишларини олиб боргач, қолган маълумогларни даъват асносида ўзи мустақил ўрганиб боришга йўналтиришади. Кейин бу шахс ҳам «таблиғ»дан бохабар қилиш учун ўзи каби инсонларни тунги даъват кечаларига тортиб келаверади. Шу тарзда занжирли тузоқ бошқаларни ҳам занжирбанд қилишда давом этади.

Даъват кечасида Муҳаммад Закариё Кондеҳлавийнинг «Фазойил ул-аъмол» («Амаллар фазилати») китобидан ҳаракатнинг ғаразли мақсадлари йўлида талқин этилган заиф (ишончли экани-да, шубҳа бўлган) ҳадислар ва ҳикоялар ўқилиб, ундаги маъноларни йиғилганлар онгига сингдиришга уринишади.

Шунингдек, улар «таблиғ»нинг иккинчи амири Муҳаммад Юсуфнинг «Саҳобалар ҳаёти» номли китобини ҳам кўп мутолаа қилишади. Бу китобда саҳобаларнинг ўз вақти ва бор мол-мулкани дин ривожига йўлида сарф этгани мадҳ этилган бўлиб, «таблиғ»га кирган да влатманд инсонлар ҳам даъватни кенгайтиришда ҳеч нарсани аямасликка чақирилади. Кечада хориждан келган даъватчилар иштирок этаётган бўлса, улар учун алоҳида даъват вақтлари белгиланади. Кўпинча хорижий таблиғчилар «ҳидоятлар» деб номланган маърузани амалга оширади.

Ҳаракат сафига киришни режалаштираётган шахсларга даъватнинг «моҳияти» батафсил тушунтирилиб, бир марта бўлса да, ўзлари билан сафарга чиқишга қизиқтиришади. Диний билимлари саёз, Исломнинг асл моҳиятини тушуниб етмаган ҳолда сафарга чиққан ёшлар тажрибали даъватчиларнинг ҳаракат домига илинтиришга қаратилган тизимли назорати остига тушиб қолади. «Таблиғ»га кирган янги аъзолар гуруҳ амирига байъат бергач, жамоага қабул қилинган эълон қилинади ва бу «муқаддас байъат»ни бузиш оғир гуноҳ экани тушунтирилади. Натижада даъватга чиққан тажрибасиз ғўр ёшлар аста-секин ўзини таблиғчи сифатида ҳис эта бошлайди.

Шунингдек, тарғиботчиларга даъват жараёнида илмий кишиларга дуч келиб қолса, улар билан тортишмаслик, мабодо, улар билан диний илмлар борасида баҳсли ҳолатга тушиб қолинганда вазиятни чигаллаштирамай чиқиб кетиш йўллари ҳам

ўргатилади. Чунки таблиғчиларга диний илмлар ўргатилмагани сабабли бундай вазиятдан ютиб чиқиши жуда мушкул бўлиб, бу ҳолат уларга эргашувчиларнинг ҳам ҳаракат сафидан чиқиб кетиш хавфини келтириб чиқаради.

Таблиғчилар биринчи босқичда кириб бораётган ҳудуддаги диний-конфессионал вазият, ҳукумат ва бошқа давлат органларининг диндорларга муносабатини ўрганадилар. Ўрганиш натижалари асосида кейинги босқичда мавжуд вазиятга мослашув режалари тузилиб, маҳаллий мусулмон етакчилари билан муносабатга киришишга ҳаракат қилинади. Бу жараёнда улар ўзларини сиёсатга аралашмайдиган, Қуръони карим ва ҳадиси шариф буйруқлари асосида фаолият олиб борувчи жамоа сифатида кўрсатишга уринишади. Учинчи босқичда эса, таблиғчиларнинг ҳақиқий фаолияти бошланиб, алоҳида гуруҳлар тузилади ва маҳаллий мусулмонларни ўз сафларига киритишга қаратилган ҳаракатлар бошланади.

Давлатлар ҳудудига кириб боришнинг босқичли тизими «таблиғ»нинг биринчи амири Муҳаммад Илёс даврида ишлаб чиқилган бўлиб, кейинги амирлар Муҳаммад Юсуф ва Иномулла Ҳасан даврларида янада такомиллаштирилган. Натижада ҳаракат қисқа вақт ичида кўплаб инсонларни ўзига эргаштира олди ва 1941 йил ноябрида бўлиб ўтган ҳаракатнинг биринчи йиллик конференциясида 25 мингга яқин даъватчи иштирок этди.

Ҳаракат таълимоти Муҳаммад Илёс томонидан ишлаб чиқилган «Олти устувор тамойил»да ўз ифодасини топган. Шундан келиб чиқиб, «таблиғ» вакиллари Ислонинг беш аркони ўрнига ўзлари ўйлаб топган олти арконга эргашишни даъват қилади. Бу тамойилларни ҳар бир инсон онгига бор ҳолича сингдириш лозим, деб ҳисоблашади. Бу олти аркон имон, намоз, илм ва зикр, ният ва ихлос, мусулмонларга ёрдам кўрсатиш, тафриғул вақт тамойилларидан иборат.

Таблиғчиларнинг фикрича, мазкур тамойилларга амал қилган кишилар бу дунёда ҳам, охиратда ҳам бахт-саодатга эришар эмиш. Юзаки қараганда бу тамойилларнинг ислом асосларига, шунингдек, ҳанафий мазҳаби таълимотига зидлиги кўзга ташланмайди. Аммо

улар «Саодат калити» деб биладиган тамойиллар теран нигоҳ ва соғлом ақида билан таҳлил этилса, таблиғчилар ислом асосларини зимдан емиришга уринаётганини англаш қийин эмас.

Таблиғчиларнинг ислом асосларига зарба беришга қаратилган асосий ғоялари ҳаракатнинг ғоявий етакчиларидан бири Муҳаммад Закариё Кондеҳлавий томонидан ёзилган «Фазойил ус-салот» («Намоз фазилати»), «Фазойил ул-ҳаж» («Ҳаж фазилати»), «Фазойил ур-рамазон» («Рамазон фазилати»), «Ҳикоёт ас-саҳоба» («Саҳобалар қиссалари») каби қисмлардан иборат «Фазойил ул-аъмол» («Амаллар фазилатлари») асариди баён этилган.

Таблиғчиларнинг мусулмонларга ёрдам кўрсатиш тамойили ҳам мақр ва алдов асосига қурилган. Айрим маълумотларга кўра, таблиғчилар бу тамойилни христиан миссионерларининг бошқа дин вакилларига ёрдам тажрибасидан келиб чиққан ҳолда жорий этишган. Бу масалада даъватчиларнинг христиан миссионерларидан фарқли жиҳати шундаки, миссионерлар маблағни бошқа дин вакиллари учун сарфласа, таблиғчилар асосан ислом дини вакилларига қаратади.

Кўпчилик мутахассислар «Таблиғчилар жамоаси» уларнинг фаолиятини дастлабки даврда ислом уйғониш ҳаракати, суннийлик оқимининг бир кўриниши сифатида баҳолаган бўлсалар, кейинчалик у терроризмнинг ҳаракатлантирувчи кучи деб, эътироф этила бошланди. Шундай бўлса-да, «Таблиғчилар жамоаси» ўзини тинчликпарвар, низоли ҳолатларга киришмайдиган ҳамда экстремистик ва террорчилик ҳаракатларидан йироқ бўлган жамоа сифатида кўрсатишга уринади.

Таблиғчилар ўз фаолияти давомида диний-экстремистик ғояларни очик-ошкора тарғиб қилмаса-да, ҳаракат экстремистик ва террорчи гуруҳлар учун кадр тайёрлайдиган ўзига хос «инкубатор»га айланган. «Мусулмон биродарлар» ташкилоти етакчиларидан бирининг «Мусулмон биродарларнинг махфий тарихи» китобида «Таблиғчилар жамоаси «Мусулмон биродарлар»га қўшилиш учун тайёр бўладиган кадрларни тайёрлаб берадиган манба экани»ни таъкидлаши ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди.

Ислом фидойилари¹: Мазкур гуруҳга XX асрнинг 40-йилларида 21 ёшли талаба Сайид Наввоб Сафавий томонидан асос солинган. Гуруҳни ташкил қилиш саъй-ҳаракатида бўлган раҳбар Нажаф шаҳрида бўлганида «Мусулмон биродарлар» ташкилотининг ғоялари билан танишган. У мазкур таълимотни Эрон ҳудудида тарқатишни бошлаган ва бу ишда тезлик билан анча кенг ҳудудни қамраб олишга эришган.

Хусусан, Эрон мустақиллиги ғояси кўтаринкилик билан кутиб олинади. Чунки собиқ Совет Иттифоқи ва Буюк Британия кўшинларининг Эрон ҳудудига киритилиши маҳаллий аҳоли ўртасида норозилик келтириб чиқаради. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Сайид Наввоб Сафавий ўз ҳамфикрларини бирлаштириб, улар ёрдамида «Ислом фидойилари иттифоқи»ни тузади. Ташкилот ғояси Жаъфарий мазҳаби фикҳига асосланиб, улар асосан ислом динини турли номақбул инсонлар, жумладан асоссиз, ўзига маънан доғ туширган кимсалардан тозалаш, шунингдек, алкоголь, тамаки, наркотик, кинофильмларни тақиқлаш, мамлакатга Ғарб ғояларини кириб келишини олдини олиш ва унга йўл қўймаслик талабини қўядилар. Ташкилот 1946 йилга келиб тўлиқ шаклланади.

Кўп ўтмай ташкилот томонидан бир қатор хунрезликлар амалга оширилади. Масалан, нефть ишлаб чиқаришни миллийлаштиришга қарши бўлган ҳукумат аъзолари ҳам ташкилот душманига айланади. 26 ёшли дурадгор Халил Тамасбий Эрон Бош Вазири Хожи Али Размарни отиб ўлдиради. Бироқ ташкилот тазйиқи остида Тамасбий ўлим жазосидан қутилиб қолади. Размарнинг ўлиmidан сўнг бир неча ҳафта ўтиб, Маориф ва маданият вазири Аҳмад Зангин ўлдирилади. Шундан сўнг 1951 йил 3 июндан Эрон ҳукумати «Ислом фидойилари» билан алоқаси бўлган инсонларни гумон қилиб, оммавий қамоққа олишни бошлайди. Қамоққа олингалар орасида Сайид Наввоб Сафавий ҳам бор эди. Мусодиқ иккинчи марта бош вазир этиб сайлангач, қўлга олинганнинг барчаси қўйиб юборилади. Мусодиқ тузуми қулагач, гуруҳ бир оз фурсат махфий иш олиб боришга ўтиб олади. Лекин мамлакатда Ғарб урф-одатларини қўллаш тарғиб қилина бошлангач, 1955 йил 2 ноябрда гуруҳ тарафдорлари Хусайн Алини ўлдиришга уринадилар. Аммо буни

¹ **Ислом фидойилари** – [форс. – *Ислом учун жон берувчилар иттифоқи*].

уддалай олмайдилар ва полиция томонидан қўлга олинадилар. Улар билан бирга ташкилот фаолиятига алоқадор ҳисобланган гумондорлар ҳам қўлга олинади. Наввоб Сафавий, Халил Тамасбий билан бирга отувга ҳукм қилинади. Савафий 1956 йил 18 январда ўлдирилади.

Мазкур ташкилот кўпроқ террористик гуруҳ сифатида фаолият олиб боради. Бироқ унинг таълимоти асосида ислом фундаментализми ғоялари ётади ҳамда гуруҳ ўзининг ҳар бир олиб борган террористик ҳаракати, актларида ва омма ўртасидаги тарғибот ва ташвиқот фаолиятида ислом фундаментализми ғояларидан устамонлик билан фойдаланади. Уларнинг бош идеологияси ислом дини асосида шариат қонунчилигига таянган ҳолда давлатни қайта қуришдан иборатдир. Бунинг учун эса улар террористик фаолият шаклидан фойдаланадилар.

Узун соқоллилар: Диний-экстремистик оқими аъзолари асосан 1950 йилларда пайдо бўлиб, Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти ва Қозоғистон давлатининг Чимкент вилояти ҳудудидаги аҳоли орасида ўз қарашларини сингдиришга уринганлар. Улар кишиларни моддий рағбатлантириш асосида жамиятни исломлаштиришни мақбул деб ҳисоблайдилар. Бу жиноий уюшманинг қилмишлари ҳам терговда тўла фош этилган.

Ҳизбут-таҳрир ал-исломий: Ҳизбут-таҳрир ташкилотига 1953 йил Исроилда Тақиюддин Набаҳоний (1909–1979) томонидан асос солинган. Дастлаб, «Ихвонул-муслимин»нинг Иорданиядаги бўлими раҳбарларидан бири сифатида фаолият кўрсатган Набаҳоний унинг раҳбари Саййид Қутб билан ўзаро қараш ва мулоқотларида қарама-қаршилиқлар кучайғач, «Ислом низоми», «Исломий оламга қайноқ нидолар», «Ҳизбут-таҳрир тушунчаси» каби рисолалари орқали Иордания, Ливан, Сурия каби давлатларда «Ҳизбут-таҳрир» қарашларини ёйишга киришади. Айтиш мумкинки, Набаҳоний «ихвонул-муслимин»нинг ислом давлатини қуриш ва халифалик бошқарувини жорий қилиш ғоясини қайта шакллантирган. Фақатгина Набаҳоний, ушбу ғояни кенгроқ талқин қилиб, барча мусулмон мамлакатларини бирлаштирувчи, «ягона халифалик» давлатини барпо қилиш назариясини илгари сурган.

Дастлаб, ташкилот Фаластинда араб миллатини қутқариш, мустақил Фаластин давлатига асос солиш шиори билан антисемитизм ҳаракатини олиб борди. Сўнгра, араб юртларида ислом давлатини вужудга келтириш ва барпо бўлган халифалик давлати орқали бошқа юртларга таъсир ўтказиш режалаштирилди. Унинг бу йўналишдаги уринишлари араб мамлакатларида қаттиқ танқид остига олинган, бу юртлардан кескин қувғинга ҳам учраб, Буюк Британияда бош қароргоҳини ташкиллаштиришга мажбур бўлди.

Ташкилотга 1953–1979 йилларда Тақиюддин Набахоний, 1979–2003 йилларда Абдулқадим Заллум раҳбарлик қилган. 2003 йилдан Ато Абу Рушта (Абу Ёсин) номли, асли фаластинлик бўлган шахс бошчилик қилмоқда.

Аввалги «тахрирчи»лар сафига кириш оддий бўлмаган, дастлаб бошланғич диний маълумотга (ҳужра, мадраса ва ҳоказоларда ўқиган) эга бўлган шахслар ташкил этган. 1997 йилнинг иккинчи ярми, 1998 йилда ўз сафларида бошланган парокандалик сабаб «қабул тартиби»ни бирмунча соддалаштиришга ўтишган.

Бу ташкилотнинг юртимизда тарқатилган адабиёт ва варақаларидаги қарашларида ислом динининг анъанавий фикҳий йўналишлари, хусусан ақидавий таълимотларига зид бўлган бир қатор фикрларни учратиш мумкин.

Бу борада тадқиқотчилар уни сиёсий, ақидавий ҳамда фикҳий масалаларга аралашиб қўпол хатоликларга йўл қўйгани, биринчи навбатда «ягона халифалик давлати»ни тиклаш борасидаги асосий даъволарини келтиришади. Қолаверса, «тахрирчи»лар ҳар қандай шароитда, ҳозир ҳам халифалик давом этиши керак, у фарзларнинг гултожиси, бошқа фарзлар усиз амалга ошмайди, дея жар солиши, бу – миллиарддан зиёд мусулмонларнинг ибодат (намоз, рўза, закот, ҳаж ва бошқа амалларини) беҳудага ҳукм қилишидир. Уларнинг даъвосича, «ягона халифалик давлати»ни тиклаш исломдаги муҳим фарз амаллардан ҳисобланиб, уч кундан ортиқ мусулмонларнинг халифасиз яшашлари ҳаромдир.

Маълумки, бирон нарса ёки ишни ҳаром деб, ҳукм чиқаришга ёлғиз Аллоҳ ва Унинг Пайғамбаригина ҳақли. Қолаверса, шариат қоидаларига кўра, фарз бу – далилида шак ва шубҳа

йўқ намоз, рўза, закот, ҳаж каби Аллоҳнинг амри ҳисобланади. «Таҳрирчи»ларнинг юқоридаги даъвоси эса, Куръон ва ҳадисларга зид. Чунки мусулмонларнинг ягона халифалик остида яшашлари ҳақида буйруқ ёки кўрсатма мавжуд эмас.

«Ҳизбут-таҳрир»нинг бу даъводан ташқари динимизга яна бир қанча янгиликлар киритгани маълум. Улар жумласига муқаллид (имонига далил келтира олмайдиган киши)нинг имони имон бўлмаслиги, ҳизбнинг фикрати ва тариқатига имон келтириш зарурлиги, шаръий манбалардан ақл ва тафаккурни устун қўйиши кабиларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Ташкилот ўз адабиёт ва варақаларида, зўравонлик ва бузғунчилик ғояларини мафкуравий ғоя билан ниқобланган тарзда баён қилганлиги кузатилган. «Ҳизбут-таҳрир» «ислом умматининг тақдирини ҳал қиладиган энг муҳим масала Исломни ҳаёт майдонида, давлат ишларида ва жамиятда татбиқ қилишни ўз ўрнига қайтариш ҳамда Исломни бутун оламга Рисолат сифатида даъват ва жиҳод йўли орқали ёйиш», деган фикрга мос келади.

Унинг юртимизда тарқатган варақаларида бузғунчилик ва зўравонлик шаклига эга бўлган «Ҳизб душманларини топган жойда ўлдириш ва уларни эгаллаб турган жойларидан қувиб чиқариш», «азизлик либосини кийиб, жиҳод йўлида моли ва жонини тикиб бўлса ҳам исломий давлатни қуришда кофирларга қарши қуролланган уруш» олиб бориш «халифаликни тиклашга қўзғалинг» каби даъватлари мавжуд.

Ҳозирда мутахассис ва тадқиқотчилар «Ҳизбут-таҳрир» ўз мақсадига эришиши учун ишлаб чиққан уч босқичли ҳаракатнинг сўнггиси бўлмиш «*давлат тепасига келиши*» (инқилоб босқичи), қуролли куч билан амалга ошириш мўлжалланганлигини таъкидлашмоқда. Қолаверса, унинг давлатларнинг конституцион ҳокимиятига салбий муносабати, асосий стратегик мақсад сифатида ҳар қандай воситалар орқали ҳокимиятга интилиши, халифалик давлати барпо этиш дастури, тактикаси ва кураш стратегиясининг мавжудлиги, ташкилот мафкурасини зўрлаб сингдиришга хизмат қилувчи ривожланган ташвиқот ва тарғибот воситаларига эгаллиги каби хусусиятлари мавжудлиги сабабли унинг фаолияти эътиборда турмоғи лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда буюк ислом уламолари «Ҳизбут-таҳрир»ни танқид қиладилар. Балки уларга нисбатан доимий равишда кескин, илмий асосланган раддиялар бериб бормоқдалар. Улар жумласига юртимиздаги йирик уламолардан тортиб, Муҳаммад Тантовий, Юсуф Қарзовий, Сулаймон Ашқор, Албоний каби уламоларни кўрсатиш мумкин.

«Ҳизбут-таҳрир»нинг таъсирига тушиб фикри чалғиган, охири оқибатда онги заҳарланиб, қулоғига ўз «рахнамолари»нинг таълимидан бошқа ҳеч қандай гап кор қилмайдиган ашаддий мутаассибга айланган ёшларнинг тақдири не кечаётгани ҳаммамизга аён. Халқимиз ичида унинг ташвиқотларидан оз бўлса-да таъсирланиб ёки иккиланиб турган айрим мусулмонлар ҳам йўқ эмас. Лекин виждон амри билан бу ҳолатга бефарқ қараб туришни гуноҳ деб билдик. Келинг, уларнинг хатоларини далиллар билан бирма-бир исботлаб чиқайлик.

Бу фирқага мансуб бўлган «Ҳизбут-таҳрир» номли китобда «Ҳизбут-таҳрир руҳий уюшма ҳам, илмий уюшма ҳам, таълим-тарбия билан шуғулланадиган уюшма ҳам эмас, балки у, Исломий фикрат асосига қурилган сиёсий уюшмадир» дейилади. Ушбу гаплардан маълум бўладики, Ҳизбут-таҳрир Ислом номини ўзига ниқоб қилиб олган, Исломнинг моҳиятидан узоқ бир фирқа. Чунки Исломнинг асосий моҳияти таълим-тарбия ва илму-маърифатдир. Бунга Қуръони каримнинг биринчи нозил бўлган оятининг «**Ўқинг**» сўзи билан бошланганлиги ёрқин далилдир.

Бу диний-сиёсий партияни таъсис этиш Ер юзидаги барча мусулмонлар зиммасига фарзи кифоя, яъни Аллоҳнинг буйруғидир, деб даъво қиладилар ва бунга Қуръони каримнинг: «**Сизлардан яхшиликка даъват этадиган, амри маъруф ва наҳий мункар ишларини олиб борадиган (бир) уммат бўлсин! Айнан улар толе топувчилардир**» (*Оли Имрон, 104*) оятини далил қилиб келтирадилар. Уларнинг таъбирига кўра оятдаги «уммат» сўзидан жамоат, гуруҳ, партия каби маънолар кўзда тутилган эмиш. Ваҳоланки, бундай тафсирини қўллаб-қувватлаган олимлар ислом тарихида жуда озчиликни ташкил этади. Уммат сўзидан дунё мусулмонларининг ҳаммаси мурод экани эса кўпчилик тафсирчи олимлар томонидан таъкид этилган.

Ҳанафий мазҳаби бўйича «амри маъруф, наҳий мункар» ишларини имкони борича бажариш ҳар бир мусулмон зиммасидаги «фарзи айн»дир. Ҳизбчилар мазкур оятни айнан «Ҳизбут-тахрир» партиясини тузиш фарз эканига далолат қилувчи ҳужжат деб иддао қилмоқдалар. Бу даъвонинг пучлигига жуда кўп далил келтириш мумкин. Агар улар ҳақ бўлса нега Пайғамбаримиз (а.с.) бу каби партияни тузмадилар ёки тузишга буюрмадилар? Нега саҳобалар, тобеинлар, ҳозиргача ўтган мужтаҳид уламолар уни тузиш ҳақида лом-мим демадилар? Ёки улар оятни ҳизбчиларчалик яхши фаҳмламаганларми?! «Уммат» сўзидан бир гуруҳ, партия ёки жамоат эмас, балки барча мусулмон уммати назарда тутилганига Қуръон оятларининг ўзидан ҳам кўпгига далиллар келтириш мумкин: **«Одамларга чиқарилган (маълум бўлган) умматнинг энг яхшиси бўлдингиз, (эй, мусулмонлар!) зеро, сиз амри маъруф, наҳий мункар қиласиз ва Аллоҳга имон келтирасиз»** (*Оли Имрон, 110*); **«(Яна улар) қилиб юрган мункар (ношаръий) ишлардан бир-бирларини қайтармас эдилар¹. Қилиб юрган ишлари нақадар ёмон!»** (*Моидда, 79*); **«Мўминлар ва мўминалар бир-бирларига дўстдирлар: (одамларни) яхшиликка буюрадилар, ёмонликдан қайтарадилар ...»** (*Тавба, 71*) оятларидаги илоҳий кўрсатмалар ҳизбчиларнинг мазкур даъвосини мутлақо пучга чиқаради.

«Ҳизбут-тахрир» партиясини қўллаб-қувватлайдиган уламолар ислом дунёсида жуда озчиликни ташкил этади. Аксинча, уни инкор этадиганлар сон-саноксиздир. Бу партиянинг ғояси ва дастури ҳанузгача дунёнинг бирорта мамлакатада маъқулланиб, расмий ташкилот сифатида тан олинмаган, балки илк таъсис топган масканидан тортиб дунё мамлакатларининг ҳаммасида

¹ Абу Мансур Мотуридий (рх.) «Оли Имрон» сурасининг 104-оятига қилган тафсирида амри маъруф ва наҳий мункарнинг фарзи айнлигига шу оятни ҳам далил қилиб келтирганлар. Ҳадиси шарифда: *«Аллоҳ таоло айрим кишиларнинг айби билан кўпчиликни жазоламайди. Лекин кўпчиликнинг кўз ўнгида қилинаётган гуноҳ ва жиноий ишларни тақиқлаб қўйишига қодир бўла туриб, наҳий мункар қилмасалар барчани оммавий равишда жазолайди»*, дейилган (Мс). Яна бир ҳадиси шарифда: *«Гуноҳ ёки жиноий иш қилаётган кишини кўрган одам аввало қўли билан, унга қодир бўлмаса, тили билан, унга ҳам қодир бўлмаса дили билан тўхта тсин. Охиргиси имони заиф кишидир»*, дейилган (Ах.).

унинг фаолияти тақиқланган. Исломда эса озчилик фикрига эмас, кўпчилик фикрига қўшилишга буюрилган. Далилимиз ушбу саҳиҳ ҳадис: «*Менинг умматим ёнпасига адашиб залолатга тушиб қолмайди. Қачонки улар орасида қарама-қаршилиқни кўрсаларингиз, сизлар кўпчилик томонда бўлингиз!*» (Сунани ибн Можа, 8-боб). Демак, Пайғамбаримиз (а.с.) нинг ушбу васиятларига қараганда замонимиз мусулмонлари озчилик овозга эга бўлиб келаётган ҳизбчиларга эмас, уларнинг фикри ва ғоясига қўшилмай келаётган кўпчилик уламоларнинг сафига қўшилишлари керак.

Ҳизбчилар ислом дини кўрсатмаларини ҳаётга татбиқ этиш ва одамлар онгига сингдиришга дағаллик, қаттиққўллик сиёсатини қўллаш, ўрни келганда жисмоний ва ҳарбий куч ишлатиш керак, ахлоқ-одоб қоидаларига риоя қилиш зарур эмас, деб чиқмоқдалар. Ваҳоланки, жаноб Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) Ислом равнақи бўйича қандай ютуқларга эришган бўлсалар, фақат гўзал ахлоқлари ва намунали одоблари ҳамда илиқ муомалалари туфайли эришганлар. Қуръони каримда: «**Раббингизнинг йўлига ҳикмат ва чиройли насиҳат билан даъват қилинг! Улар билан энг чиройли услубда мунозара қилинг! Албатта, Раббингизнинг ўзи Унинг йўлидан чалғиган кимсаларни яхши билувчи ва У ҳидоятга эришганларни ҳам билувчироқдир**» (*Наҳл, 125*), – дейилади. Демак, ислом дини барча аҳли муслимни юксак ахлоқли бўлишга чақиради.

Ҳизбчилар эса ахлоқ-одоб, хушмуомалали бўлиш, одамлар билан яхши муносабатда бўлиш каби инсоний фазилатлардан воз кечиб, мақсадларини амалга ошириш йўлида ҳар қандай ношаръий ва номақбул услубларини қўллаш мумкин, деб фатво беради. Бизнинг фикримизча, ҳозирги вақтда ислом ғояларини қурол ёки зўравонлик воситаси билан одамлар қалбида қарор топтириш мутлақо мумкин эмас.

Модомики, ислом дини ҳақ дин экан, унинг ғоялари турли халқлар томонидан маъқулланиб таҳсинга сазовор бўлиши учун шу дин вакиллари, яъни мусулмонлар ҳақиқий ислом таълимотига имкони борича тўла амал қилиб ҳаммага намуна кўрсатишлари керак. Яъни исломий ахлоқ ва инсоний

фазилатларни ўзларида мужассам этган ҳолда ислом дини илм-фанга, тараққиётга, маданиятга қарши эмаслигини, балки инсонпарвар, маърифатпарвар ва олижаноб илоҳий дин эканига қаноат ҳосил қилдиришга мусулмонларнинг ўзлари назарий ва амалий жиҳатдан ҳаракат қилишлари керак.

Бу диний-сиёсий партия вакиллари томонидан махфий равишда дуч келган жойга ташлаб кетилаётган варақаларда ғийбат, тухмат ва ҳақорат гаплар шунчалик кўп учрайдики, бу каби ифвогарона гаплар бошқа ҳеч қаерда учратилмайди. Айниқса, давлат раҳбарлари, обрў-эътиборли шахслар шаънига айтилаётган бўҳтонлар ҳар қандай одамнинг ғашига тегади. Улар хоҳлаган одамни кофир, мушрик, яҳудий ёки бошқача салбий сифатлар билан аташга одатланиб қолишган. Бу ислом кўрсатмаларининг қайси бандига тўғри келади?! «Ислом халифалигини тиклаш ёки Аллоҳнинг низоми асосида давлат барпо этиш» ғояси билан чиқаётган бу партия бундай маданиятсизлик билан ташвиқот олиб борадиган бўлса ким ҳам унга сидқидилдан ихлос қўйиб, уни қўллаб-қувватлар эди?! Аксинча, уларнинг бу каби ножоиз иборалари ўзларига нисбатан халқ орасида фақатгина нафрат туйғуларини уйғотишдан бошқа нарса эмас. Халифаликни тиклашнинг ақлан мумкин бўлмаслиги шуки, мободро халифа сайлашга тўғри келиб қолса, қайси мамлакат номзоди тасдиқланади, деган жумбоқнинг ечими йўқ. Зеро, иккита мусулмон араб давлатини бирлаштириш амри маҳол экани тарихда ўз исботини топди.

Маълумки, ҳизбчилар ўз фаолиятларини махфий тарзда олиб борадилар. Уларнинг раҳбарлари, ташкилотларининг манзиллари ва аъзоларининг кимлар экани сир тутилади. Шунинг учун ҳам улар тарқатган варақаларда бир ёқлама гаплар ёзилади. Яъни, муаллифнинг номи кўрсатилмаган, ёзган гапи учун ҳеч қандай масъулият ёки жавобгарлик бўлмагандан кейин хоҳлаган гапларни ёзиши, ҳар қандай одам устидан ифво, бўҳтон қилиши, турли номаъқул фикрларни ҳам бемалол ёзавериши мумкинлигини улар яхши билишади. Ўз йўли ва ғоясининг тўғрилигига ишонган одам нега очик-ошкора майдонга чиқмайди? Ақли расо, ёши улуғ, кўп ишларни бошидан кечирган, илм-маърифатли, тажрибали

кишилар билан ўз фикрларини нега ўртоқлашмайди? Жавоб аниқ. Бу партия намояндалари ўзларидан бошқа ҳеч кимни тан олмайди ва ўзгаларнинг фикрларини писанд қилмайди. Уларнинг фикрига кўра, Ер юзидаги барча уламолар адашган, чунки улар ҳизбчиларни қўллаб-қувватламайдилар. Уларнинг ғоя ва фаолиятини рад этган одам уларнинг наздида айниган, адашган, кофирлар малаги, сотқин, хоин ва ҳоказо. Фақат уларгина адашмаган, бирдан бир тўғри йўлдаги гуруҳ кишиларидир. Даъвонинг салобатини кўринг! Ўзларидан бошқа бунга ким ишонади?

Уларнинг ёзишича, гўёки Ўзбекистонда мусулмон бўлгани учун ёшларни қамоққа олинади, намоз ўқигани учун қийноққа солинади, жиноий жавобгарликка тортилган маҳбуслар Қуръони каримда ёзилганидек, фақат «Раббим- Аллоҳ», деганлари учун қамоқ жазосини ўтаётган эмиш. Бу ҳам асоссиз, қуруқ даъво. Чунки, «Раббим-Аллоҳ» деган, мусулмончиликнинг барча арконларини тўлиқ бажараётган, намозларини уйда ҳам, масжидда ҳам бемалол ўқиётган миллионлаб мусулмонлар Ўзбекистонда эмин-эркин, озодликда, хотиржам яшаётганликлари ҳаммага ойдек равшан. Фақат ҳизбчилар бу ҳақиқатни тан олмайдилар. Чунки, тан олсалар, ҳизбнинг фаолияти тўхтатилиши керак. Шунинг учун улар ўзларини оқлаш мақсадида турли сохта далилларни рўкач қилиб, мусулмонлар онгини чалғитишга ҳаракат қиладилар. Афсуски, иродаси мустаҳкам бўлмаган баъзи кимсалар уларнинг ташвиқотига лаққа тушиб, ўзларининг қилиб юрган савобли ишлари тўғрисида ҳам дилларида шак-шубҳа қилиш, ишончсизлик туйғулари пайдо бўлади. Қамоқхоналарда жазо муддатини ўтаётган маҳбусларга келсак, улар мусулмон бўлганликлари туфайли қамалган эмаслар, балки сиёсий ишларга араллашиб, давлат тўнтаришига олиб келадиган ҳаракатларда иштирок этганликлари ва бошқа жиддий сабабларга кўра ҳибсда сақланмоқдалар.

«Ҳизбут-тахрир» диний-сиёсий партиясининг асосий мақсади, ўзлари таъкидлаётганларидек, халифалик тузумидаги ислом давлатини барпо этиш, Аллоҳ нозил этган аҳкомлар билан ҳукм юритишни ўз ўрнига қайтариш, Исломни бутун оламга Рисолат сифатида даъват ва жиҳод йўли орқали ёйишдир. Бу шиор

ҳизбчиларнинг эмас, балки аслида ўтган барча пайғамбарларнинг шиори бўлган. Лекин, бирорта пайғамбар бу шиор остида кўзда тутилган Рисолат режаларини тўла амалга оширишга муваффақ бўлмаганлар. Шу билан бирга амалга оширишим шарт деб ҳизбчилардек диний таълимот чегарасидан чиқиб ҳам кетмаганлар. Имон келтирган умматлари жуда оз бўлишига қарамай, ҳақ даъватни имконият даражасида адо этганлар. Аллоҳнинг иродаси ҳам барча аҳли заминни бир динга бўйсундириб қўйиш эмаслиги Қуръони каримда ҳам қайд этилган: **«Сизлардан ҳар бир (уммат) учун (алоҳида) шариат ва йўл (таъйин) қилиб қўйдик. Агар Аллоҳ хоҳласа эди, сизларни бир уммат (бир хил шариатда) қилиб қўйган бўлур эди. Лекин Ўзи берган нарса (шариатлар) да сизларни синаш учун (бир хил қилмади)»** (*Моида, 48*); **«Агар Аллоҳ хоҳлаганида, албатта, сизларни бир уммат қилган бўлур эди»** (*Наҳл, 93*); **«Агар Аллоҳ хоҳлаганида, албатта, уларни (инсонларни) бир миллат (бир динда – Исломда) қилган бўлур эди»** (*Шўро, 8*) оятларига қараганда шундай хулосага келиш мумкинки, Аллоҳ таоло хоҳлаганда эди, олдинги-ю кейинги умматларни бир хил дин, бир хил эътиқод, бир хил шариатга бирлаштириб қўйган, ҳаммани ҳидоятга йўллаб қўйган бўлур эди. Лекин, Аллоҳ бундай қилишни ихтиёр этмади. Шунинг учун барча ўтган пайғамбарлар уммати шу жумладан, бизнинг Пайғамбаримиз (с.а.в.) уммати тақдирига ҳам кўпчилик қисми ҳидоятда эмас, балки залолатда бўлишлик ёзилгани маълум бўлади. Демак, ҳизбчиларнинг бутун дунё халқини ислом динига бўйсундирамиз, деб ишонч билан бонг ураётгани манманлик ва такаббурликдан бошқа нарса эмас. Зеро, бу амри маҳол нарса. Ҳатто жаноб Пайғамбаримизга ҳам Аллоҳ таоло: **«Сиз истаган кишингизни ҳидоятга солиб қўя олмайсиз, балки Аллоҳнинг ўзи хоҳлаган кишисига ҳидоят насиб этади»** (*Қасас, 56*), деб марҳамат қилган. Пайғамбарларнинг вазифаси эса Аллоҳнинг илоҳий кўрсатмаларини Унинг бандаларига етказиб қўйиш экани ҳам кўп ояти карималарда қайд этилган. Ислом динини зўрлаб қабул қилдириш шаръан тақиқланган. Демак, ҳизбчиларнинг тузган режалари бу ўзларининг шахсий фикрларидан юзага келган бир назария бўлиб, у ислом дини қонун қоидаларига тўла асосланган эмас.

Шунингдек, уларнинг ислом халифалигини тиклаш хусусидаги фикрлари ҳам амалга ошиши амри маҳол бўлган бир таклиф. Ислом дини арконлари халифаликсиз ҳам адо этилган, бундан кейин ҳам адо этилаверди. Мусулмонларнинг бошларини қотириб халифаликсиз ислом ҳам, мусулмонлар ҳам бўлиши мумкин эмас, деб фитна ва ихтилофларни келтириб чиқариш айни гуноҳ ишлардандир. Инсонлар дилига шубҳа солиб, хотиржам бажараётган ибодатларидан чалғитиш, ўз юртидан, ўз миллатидан, ўзлигидан ихлосини совутиб, қандайдир мавҳум гоёлар сари даъват қилиш жаҳолат ёки қасддан бўлса хиёнатдан ўзга нарса эмас. Биз мўътадил йўлни танлаган Ер юзидаги беҳисоб аҳли илм ва маърифатпарвар инсонлар номидан «Ҳизбут-таҳрир» партияси раҳбарияти ва аъзоларига бу йўлдан қайтишни, «Саводи аъзам»дан айрилмай, кўпчилик сафига қўшилиб, динимиз ва бутун инсоният учун манфаатли ишлар билан шуғулланишга ўтишларини тавсия этамиз.

Халифалик давлатида яшаш ҳар бир мусулмонга фарзидир, деган даъволарига далил сифатида келтирган ҳадисларига жавоб шулки, байъатсиз ўлим-жоҳилият ўлими, деган маънони улар ҳозирги халифасиз яшаётган мусулмонларга татбиқ этмоқчи бўладилар. Ваҳоланки, халифа ёки амир бўлатуриб, унга байъат қилмаслик жоиз эмас, деб тушуниш керак эди. Аммо имон ва Исломнинг барча арконларини ўзида мужассам этган мусулмонлар гарчи халифасиз яшасалар ҳам жоҳилият ўлими билан ўтмасликлари аниқдир.

Ҳизбчилар исломий даъватни оламга олиб чиқишга: **«Шунингдек, сизларни (мусулмонларни бошқа) одамларга (умматларга) гувоҳ бўлишингиз ва Пайғамбарнинг сизларга гувоҳ бўлиши учун «ўрта уммат» қилиб қўйдик...»** (Бақара, 143) оятини далил қилиб кўрсатадилар. Ваҳоланки, бу оят уларнинг таъвилидан узоқ бўлиб, гап у ерда қиёмат куни бериладиган гувоҳлик тўғрисида кетаётгани деярли ҳамма тафсир китобларида баён этилган. Пайғамбаримизни (с.а.в.) фақат арабларга ёки бир қавмга эмас, балки бутун олам халқларига умумий пайғамбар экани, ул кишининг исломий даъватлари ҳамма халқ учун баробарлиги ҳақида эса бу оят эмас, бошқа саҳих, аниқ оят мавжуд.

У «(Эй, Муҳаммад!) Биз Сизни, ҳақиқатан, барча одамларга хушxabар берувчи ва огоҳлантирувчи бўлган ҳолингизда (пайғамбар қилиб) юбордик. Лекин одамларнинг аксарияти (бу ҳақиқатни) билмаслар» (Сабаъ, 28) оятидир.

Улар ўз йўллари – тариқатларини Муҳаммад (а.с.)нинг Маккада тутган йўлларига таққослашади ва даъватларини уч босқичга бўлиб фаолият кўрсатажакларини ёзадилар. Бу билан улар ҳозирги бир миллиарддан ортиқ имон ва ислом билан яшаётган мусулмонлар асрини бундан 1423 йил бурунги жоҳилият даври билан баробар қўядилар. Бу инсофдан эмас. Зеро, бу дунё мусулмонларини ва раvнақ топиб бораётган ислом динини кўрмаслик, исломий ютуқлардан кўз юмишликдан бошқа нарса эмас.

Исломда бошқарув шакли фақат халифаликдир, бунга ҳадислар ва саҳобалар ижмосидир, деб далил келтиришади. Тўғри, Пайғамбаримиз (с.а.в.) ўзларининг вафотларидан кейин лоақал 30 йил халифалик давом этмаса муртадлиқ ва бошқа салбий ҳолатлар юз беришини яхши билганлар ва халифалар кўп бўлиши, улар мансаб таллашишларини ҳам олдиндан билганлар. Акс ҳолда бир вақтда икки халифа чиқса, биринчисига эргашиш, иккинчисини ўлдиришга буюрмаган бўлур эдилар. Лекин бу дегани то қиёматгача халифалик давом этиши керак, халифаликдан бошқа бошқарув тизимлари шариатда келган қонунларга зид, деб қатъий хулоса чиқаришга асос бўла олмайди.

Мусулмонларга Аллоҳ ва унинг расули тарафидан буюрилган амаллар бажарилиб келинар экан, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳолатлардан қатъий назар ислом ва мусулмонлар ўз мавқеини йўқотмайди ва улар ўзларини чин мусулмонлар деб ҳисоблашларига тўла ҳақлидирлар. Мўмин-мусулмонлик сиёсий тузум билан баҳоланмайди. Халифаликни тиклаш йўлида қилинаётган барча уринишлар ҳозирги даврда беҳуда ҳаракатдан бошқа нарса эмас. Халифалик муддати 30 йил эканига бизнинг яна бир далилимиз, Куръон ва Суннадан ҳукм истинбот¹ қилишни биздан яхшироқ билган Абу Мансур Мотуридий, Абу Ҳафс Умар Насафий каби кўплаб аҳли сунна уламоларининг ёзиб қолдирган ақоид китобларидаги кўрсагмалардир. Умар (р.а.) ҳам

¹ Истинбот – [араб. – хабардор бўлмоқ, текшириб билмоқ].

хулафои рошидинлардан кейингиларини молик ёки амирлар деб айтганлар. Халифада топилиши шарт бўлган сифатлар, яъни халифалик шартларидан олтитасини қайд этганлар. Аммо барча исломий манбаларда қайд этилган энг асосий шарт – халифанинг қурайшийлардан бўлиши керак, деган бандни олиб ташлаганлар. Балки бунинг сабаби, мабодо халифаликка номзод кўрсатиш зарурати туғилса, ўзларининг Абдулқадим Заллум каби қурайший бўлмаган номзодларини илгари суриш бўлса керак.

Биз байъатни инкор этмаймиз. Аммо уни мусулмончиликнинг асосий шартларидан деб билмаймиз. Зеро, Расулуллоҳ (с.а.в.) даврларида Исломга кирган мусулмонларнинг ҳаммаси келиб ул зот билан байъат қилмаганлар, балки диллари имон билан мунаввар бўлгани, узоқдан бўлса ҳам Пайғамбаримизни(с.а.в.) тасдиқ этгани кифоя саналган. Биз экстремистларнинг ҳозирги давримиздаги мусулмонларга қарата айтаётган сўзларига, яъни байъатсиз яшаш жоиз эмас, усиз ўлиш- жоҳилият ўлими, деб мусулмонларнинг дилига шубҳа ва изтироб солишларига қаршимиз. Ваҳоланки, халифа бўлган тақдирдагина байъат қилиш вожиб бўлади. Уларнинг сўзича, ҳар бир мусулмон халифанинг қўл остида яшаши зарур ва у билан байъат қилиши фарз. Бу билан улар ҳозирда йўқ бўлган байъат туфайли ҳамма мусулмонларни тарки фарз қилган гуноҳкорларга чиқариб қўймоқдалар. Биз шу фикрга қаршимиз.

Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг дафни ўрнига Абу Бакрга байъат қилиши билан машғул бўлганликларини сабаби улар каби байъат зотан зарур эканлиги эмас, балки Пайғамбаримиз (а.с.)нинг ишлари лоақал 30 йил давом этмаса «ҳадисул аҳд» бўлган мусулмонлар яна эски динларига қайтиб кетишлари эҳтимолининг борлиги деб биламиз. 30 йилдан кейин эса пайғамбарсиз ҳам ислом дини давом этиши мумкин эканига қаноат ҳосил бўлиши табиий эди.

Улар жиҳод масаласига жиддий эътибор бериб, унинг қатъий ҳукм деб санаш билан бирга яна ўз сўзларига хилоф равишда «ҳизбнинг вазифаси жиҳод билан эмас, балки ғоявий-фикрий ва сиёсий йўллар билан жисмоний куч ишлатмаган ҳолда Исломни ҳаётга тўла қайтаришдан иборат» деб иддао қиладилар. Уларнинг яна «учинчи босқичда инқилобий йўл билан жамиятда Исломни

тўла татбиқ этишга ўтилади», деган бандлари ҳам жиҳод йўлидан бормаймиз деган сўзлари билан мутаносиб эмаслигини қандай тушуниш мумкин?!

«Ҳизбут-тахрир» илгари жиҳод қилмасликка чақириб келар эди. Бироқ унинг хатти-ҳаракатлари, адабиёт ва нашрлари ўрганилганда бунинг аксини кўриш мумкин. «Ҳизбут-тахрир»нинг 2001 йил июнь ойида чоп этилган 170-сонли «Ал-Ваъй» («Онг») журналида «Шаҳид бўлиш амалиётлари» мақоласида айнан шаҳидликка тарғиб этилади. Ушбу мақолада Қуръони карим нотўғри талқин қилиниб, Исломга зид тарзда тавсифланган. «Ҳизбут-тахрир» ўз-ўзини портлатиш билан шаҳидлик мақомини олиш мумкин эканини исбоглашга уринган. Мақолада ўз-ўзини портлатишга мисол тарзида Пайғамбаримиз (с.а.в.) даврларидаги ғазавотлардаги ҳолатлардан мисол келтиришади. Аммо ушбу ривоятларда душман билан юзма-юз турган пайтда жангга киргандан кейин ҳалок бўлишини ривоятларнинг зоҳири кўрсатиб турибди. Яъни ривоятлардан бирортаси тинч аҳолининг устига портловчи модда билан кириб боришга қиёсий далил бўлолмайди. Чунки у ердаги ҳолат бу ерда жанг ҳолати каби эмас. Душман билан бўлаётган жангда ўлса шаҳид, тирик қолса ғозий бўлади. Бир сўз билан айтганда шаҳид бўлиши ҳам, ғозий бўлиши ҳам мумкин. Яъни шаҳид бўладими ёки тирик қолиб ғозий бўладими ўзи билмайди. Лекин ўзини ўзи портлатаётганлар аниқ биладик, портлатгандан кейин ўлади. Бу ҳолат шаҳидлик даражаси эмас, балки ўз жонига ва ўзга бегуноҳларнинг жонига қасд қилишдир. Бундай шахс шаҳидлик мартабасига эмас, балки гуноҳкор дўзахий бандалар қаторига қўшилиши аниқ ва муқаррардир.

Ҳизбут-тахрирнинг инсоният виждони қабул қилмайдиган, ниҳоятда разил, одамни нақадар жиркантирадиган ва бу тоифанинг бевафолик, мурувватсизлик, ака-ука, қўни-қўшни, жигар-бағирларга меҳрибончиликдан ниҳоятда узоқ, очикроқ қилиб айтганда кофирда ҳам топилмайдиган ёмон бир фикрати – ўз ватанидан ва ўз миллатидан тонишдир. «Ҳизбут-тахрир» рисоласининг 10-саҳифасида ватанпарварлик ва миллатпарварликдек олийжаноб бир сифатни капитализм, социализм, коммунизм, мосунизм ва тоифачиликларнинг қаторига қўшиб, ҳаром деб саналган. Бу тоифанинг китобларига эътибор

билан назар қилсак, жуда кўп хатоларни топамиз, ўзларининг зарарларига ҳужжат бўладиган сўзларни ҳам ёзиб қўйишган. Халқимизда бир мақол бор «Отолмаган таёғинг ҳам бошингга ҳам кетингга», деганларидек. Мазкур саҳифада тоифачиликни ҳаром деб баён қилинган. Ваҳоланки, ўша ҳаром бўлган тоифани ўзлари пайдо қиладилар.

Энди, миллат равнақи ва ватанпарварликка келсак. Луғатда миллатпарварлик деб ўз анъанавий динида собитқадамликни ҳам англатади. Чунончи: «...**Биз тўғри йўлдан тойилмаган, мушриклардан бўлмаган Иброҳим динига эргашамиз**» (Бақара, 135). Агар миллатпарварлик ҳаром деган киши шу маъно (диндорлик) ни ирода қилган бўлса, ошкора кофир бўлади. Миллатнинг яна бошқа бир маъноси бир тилда сўзлашадиган бир халқ, ўзбек, тожик, араб, ҳинд ва форсга ўхшаш. Энди миллатпарварликни бу маъно билан эътибор қилганда инсон ўз миллатини севган, ўз миллатига яхшиликни ирода қилган, ўз миллатини фидойи ҳомийси бўлиши керак. Бундан албатта бошқа миллатларга нисбатан ҳурматсизлик ва уларни камситиш чиқмайди. Балки, ҳар бир ўз ватанини севган миллатпарвар инсон ўз миллатининг обрўси учун бошқа миллатларга мурувватли бўлиши лозим.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтдилар: «*Бир-бирларингизга ҳадялар беринглар, дўстлашасизлар*». Шу сабабдан икки миллат подшоҳларининг бир-бирига қилган ҳадя ва совға-саломлари туфайли икки миллат ва икки мамлакат ўртасида дўстлик ришталари боғланади. Пайғамбаримиз (с.а.в.) бир муборак ҳадиси шарифларида: «*Бизнинг бозорларимизга серобгарчилик келтирувчи Аллоҳ йўлида жиҳод қилгувчидек, бозорларимизга тангчилик келтирувчи Аллоҳнинг китобини бузгувчи каби*», деб марҳамат қилганлар. Ушбу ҳадиси шариф ҳар бир мусулмонни ўз юртига ватанпарвар бўлишига тарғиб қилади. Миллатпарварлик ва ватанпарварлик бу меҳр-шафқат, оқибат ва ҳақиқий одамгарчиликдан келиб чиқадиган нарсасиз. Бунга эса покиза динимиз таъкидли равишда тарғиб қилади.

Умавийлар, аббосийлар ва усмонийлар сулола усулидаги дунёвий давлат раҳбарлари эди, деганимизни улар нотўғри тушунишади. Зеро, дунёвий давлат дегани динсиз давлат дегани эмас-ку! Уларни

халифа деб атаган бўлсалар ҳам аслида хулафои рошидинлардек шўро билан эмас, ҳокимиятга ингилиш, сулола, яъни отадан ўғилга қолдириш шаклида ва Пайғамбаримиз (с.а.в.) ва тўрт халифалардек оддий ҳаёт тарзи билан тахту саройсиз, шоҳона кийимларсиз бўлмаганини назарда тутганмиз. Шу жиҳагидан таъкидланганларни дунёвий тарзда бошқариладиган дунёвий давлат раҳбарлари дейишни жоиз деб биламиз. Аммо улар билан ҳозирги дунёвий давлатларнинг раҳбарлари орасида катта фарқ борлигини биз ҳам эътироф этамиз.

«Ҳизбут-тахрир» китобининг 26-саҳифасида «Даъватни олиб боришдаги фаолиятнинг тариқати шаръий ҳукмлар бўлиб, улар Расулulloҳнинг (с.а.в.) даъватни олиб боришдаги фаолият тариқатидан олингандир», дейилади. Ўйлаб кўрайлик, Расулulloҳнинг (с.а.в.) даъватлари ширкка кўмилиб кетган гумроҳ халқни Аллоҳни танишга, фақат унгагина ибодат қилишга чақириш бўлган. Уларнинг даъвати-чи?! Минг йиллардан буён мусулмон бўлиб яшаб келган, ҳозирда ҳам Ислом аҳкомларини бажариб келаётган халқни ўша мушриклар қаторига қўшиб, уларнинг «Алҳамдулиллоҳ мусулмонман», деб турган раҳбарларини кофирга чиқариб, халқни шундай раҳбарларга қарши исён қилишга чақиришдан ўзга нарса эмас. Ваҳоланки, ислом таълимоти Куръони каримдаги: **«Эй, имон келтирганлар! Аллоҳга итоат этингиз, Пайғамбарга ва ўзларингиздан (бўлмиш) бошлиқларга итоат этингиз!»** (Нисо, 59) ояти орқали масалага ўз муносабатини очиқ белгилаб берган. Бу оятдан Аллоҳ ва Унинг расулининг буйруқларига итоат қилиш билан бирга мусулмонлар ўзларидан бўлган дин ва давлат бошлиқларига ҳам итоат қилишнинг вожиблиги маълум бўлади. Модомики, раҳбар ёки ота-оналар гуноҳ ишларга буюрмас эканлар, уларга итоат этиш шаръан вожибдир. Бу борада Пайғамбаримиз (с.а.в.) ўзларининг муборак ҳадисларида шундай марҳамат қилганлар: *«Кимки менга итоат қилса, ҳақиқатда Аллоҳга итоат қилибди. Кимки менга осий бўлса, ҳақиқатда Аллоҳга осий бўлибди. Кимки амирга (яъни ўз давлат раҳбарига) итоат қилса, ҳақиқатда менга итоат қилибди ва кимки амирга осий бўлса, ҳақиқатда менга осий бўлибди».* (Имом Бухорий, Имом Муслим ривояти).

Ислом шариатида подшоҳга қарши бош кўтарган тоифаларни боғийлар деб аталиб, уларга қаттиқ жазолар тайин қилинган. Худди

шундай ҳокимиятни босиб олиш ёки конституциявий тузумни ағдариб ташлашга қаратилган жиноий ҳаракат содир этиш учун ўз кучларини бирлаштирган шахсларни ислом дини нуқтаи назаридан боғийлар деб аталади.

Шайхулислом Бурҳониддин Марғиновичнинг шогирди фақиҳ Маждуддин Уструшаний¹ подшоҳга қарши бош кўтариб чиққан гуруҳларни қоралаб, бундай тоифаларни Ислом нуқтаи назаридан боғий эканлиги, бундай кимсалар халқ ва динимизнинг ҳақиқий душманлари деб баҳо беради. Қуйида унинг «Китоб ал-фусул» номли асаридан парча берамиз:

«Мусулмонлар ҳақли равишда ҳукмдорлик қилаётган подшоҳ қўл остида тинч ва осойишта яшаб турганларида ўзлари ичидан унга қарши бош кўтарган кишилар тоифаси боғийларидир. Боғий тоифанинг хуружи зулм сабабли эмас, балки ўзларини ҳақ, подшоҳни ноҳақ деб билиш, ҳокимият таллашиш мақсадида бўлса, бундай тўдага қарши подшоҳга ёрдам беришга ҳар бир имкониятли киши ҳаракат қилиши зарур. Чунки бундай тоифани шариати мизнинг эгаси Муҳаммад (с.а.в.) лаънатлаб айтганларки, *«Фитна ухлаб ётган бир нарсадир. Кимки уни уйғотиб юборса, унга Аллоҳнинг лаънати бўлсин»*.

«Таҳзиб» китобининг муаллифи ёзишига кўра, машойихларимиз сўзига биноан агар Ҳазрат Али (р.а.) бўлмаганларида фитначилар билан қандай жанг қилишини билмаган бўлур эдик. У зот ўз тарафдорлари билан боғийларга қарши қандай кураш олиб борганликлари биз учун сабоқдир».

«Ҳизбут-таҳрир» китобининг 27-саҳифасида «Бугунги кунда мусулмонлар куфр диёрида яшамоқдалар, чунки улар Аллоҳ нозил қилган ваҳийдан ўзга ҳукм билан ҳукм қилмоқдалар, шунинг учун уларнинг диёрлари Расулуллоҳ (с.а.в.) пайғамбар қилиб юборилган вақтдаги Маккага ўхшайди. Шунинг учун даъват ёйишда Маккадаги давр бизга намуна ўрни бўлмоғи

¹ **Маждуддин Уструшаний** – унинг тўлиқ исми Абулфатҳ Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Ҳусайн ибн Аҳмад Уструшанийдир (577/1180-637/1240 йилдан кейин). Аллома Мовароуннаҳрда яшаб, юксак илмий салоҳияти билан фикҳ илмининг ривожига муносиб ҳисса қўшган ҳанафий фақиҳларидан биридир. Унинг «Китоб ал-фусул», «Жомий аҳком ас-сиғор», «ал-Фатово», «ал-Куруд ва-д-дуюн» ва «ал-Асъила ва-л-ажвиба» каби фикҳий асарлари бор.

лозим», дейилган. Улар бугунги кундаги мусулмонлар яшаб турган диёрларни куфр диёри дейишади ва бунга Қуръони каримнинг: «Аллоҳ нозил қилган нарса (оятлар) билан ҳукм қилмаганлар – ана ўшалар кофирлардир» (*Моида*, 44) ояти каримасининг зоҳирий маъносини далил қиладилар. Бу ояти карима тафсирларида муфассирлар оятдаги куфрдан мурод диндан чиқарадиган куфр эмас, балки Худо берган неъматга ношукрлик қилиш маъносидаги куфрдир, деб марҳамат қиладилар. Жумладан «Қуръон таржимони» деган ном соҳиблари бўлмиш улуғ саҳобий Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.): «Бу куфрдан мурод сизлар ўйлаган Исломдан чиқарадиган куфр эмас, балки ношукрлик, фосиқликдир», деб марҳамат қиладилар. Аҳли Сунна вал-Жамоа ақидасига кўра амал имондан эмас. Шунинг учун гуноҳи кабира қилиш билан инсон имондан чиқмайди, балки фосиқ (гуноҳқор) бўлади. Демак, Қуръон ҳукмлари билан ҳукм қилмаслик сабабли фосиқ бўлса-да, лекин имондан ажралмайди. Аммо ушбу фосиқлик Аллоҳнинг ҳукмларини юргизишга қодир бўла туриб, сусткашлик ва бепарволик билан юргизмаган ҳокимларга хос. Лекин ҳозирги кундаги ҳолатлар ва ташқи сиёсатларни эътиборга олган ҳолда Аллоҳ таоло нозил қилган ҳукмларни юрита олмаслик фосиқлик эмас. Шундай экан, ҳозирги кунда мусулмонлар яшаб турган диёрларни Ислом аҳкомлари юритилмаслиги боис куфр диёри деб айтиш, ҳамда бу диёрларни Пайғамбаримиз (с.а.в.) маъбус бўлган вақтдаги Маккага қиёс қилиш асло мумкин эмас.

«Ҳизбут-тахрир» рисоласининг 28-саҳифасида шундай деб ёзилган: «Ҳизб ўзининг фаолият тариқатини уч босқичда белгилайди: Биринчи босқич, Ҳизбий уюшма пайдо қилишда ҳизбнинг фикрати ва тариқатига имон келтирган шахсларни вужудга келтириш учун тарбиялаш босқичи». Бир куни Ваҳҳобий оқимининг асосчиси бўлган Муҳаммад ибн Абдулваҳҳобдан укаси Сулаймон ибн Абдулваҳҳоб шундай деб сўради: «ислом аркони нечадур?» Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб «бештадир» деб жавоб қайтарди, шунда Сулаймон ибн Абдулваҳҳоб акасига қараб, «Сен Ислом рукнларини олтига қилибсан-ку, чунки сенга эргашмаганларни куфрга нисбат бериб, сени йўлингга эргашмоқни ҳам Ислом рукнларидан бир рукн қилдинг», деб Муҳаммад ибн Абдулваҳҳобни мулзам қилди. Худди шунингдек, Ҳизбут-тахрир

фирқаси ҳам имон арконига яна бир рукн қўшдилар, яъни ҳизбнинг фикрати ва тариқатига имон келтириш. Ҳизбут-тахрирнинг бундай ишлари, яъни динда йўқ нарсани пайдо қилишлари Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) *«Кимки ушбу динимизда бўлмаган нарсани пайдо қилса, ул нарса мардуддир»* муборак ҳадислари билан рад қилинган.

Ҳизбут-тахрир китобининг 38-саҳифасида: «Агар тасдиқ далилсиз бўлса имон бўла олмайди», – дейилган. Бу гап ўз-ўзидан муқаллид (имонига далил келтира олмайдиган киши)нинг имони имон эмаслигини тақозо қилади. Мана шу гаплари билан ҳам Ҳизбут-тахрир жамоаси аҳли бидъат бўлиб, Аҳли Сунна вал Жамоадан ажралди, чунки Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) имонига далил келтиришдан ожиз бўлган арабларнинг шаҳодат калимасини айтишлари билан кифояланар эдилар ва улардан далил талаб қилмас эдилар. Шунинг ўзи муқаллиднинг имони имон эканлигига равшан далолат қилади.

«Исломда ижтимоъ низоми» китобининг 13-саҳифасида шундай ёзилади: «Аёл билан ҳаёт ўртасига тўсиқ қўйиб, Аллоҳнинг баъзи оятларини фақат эркакларни хослаб қўйдилар. Расулulloҳ билан байъат чоғида аёллар қўл билан кўришишганлари ҳақидаги, аврати ҳақидаги ҳадисларни шаръий ҳукм тақозо этадиган йўсинда эмас, аёлга нисбатан ўзлари хоҳлаётган қолипга мос тарзда тавил қилдилар».

Инсоф билан юқорида зикр қилинган сўзларга эътибор қилинса, ушбу сўзлар аввало саҳобалар, қолаверса, мужтаҳидлар ва муҳаддис олимларга таъна тошини отиш эмасми? Зероки бу зотларнинг барчалари Аллоҳнинг дўстлари эканлигида ҳеч шубҳа йўқдир, чунки валоят ҳам ижтиҳод шартларидан биридир. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадиси қудсийда марҳамат қиладиларки, *«Кимки менинг дўстларимдан бирига душманлик қилса, батаҳқиқ мен у кимсага жанг эълон қилдим»*. Аллоҳ жанг эълон қилган кимса мана шу дунёда ҳам, охиратда ҳам расво бўлиб, роҳи ростда адашади. Шоир айтганидек *«Эй баланд тоғни жароҳатлаш учун тош отгувчи киши, тоққа эмас ўз бошингга шавқат қилгин»*. Қуръони карим ва ҳадиси шарифларни ўз раъйлари билан талқин этдилар дейиш ул зотларга нисбатан очиқ бўҳтон ва тухматдир.

Ҳизбут-тахрир фирқасининг китобларини текшириб кўрганимизда, ушбу фикрлар уларнинг ўзларини ҳақларида ҳақиқат эканлигини кўраимиз. Оят ва ҳадис маъноларида бирор тафсирга эътимодсиз, улардан ҳукм олишда бирор бир мужтаҳиднинг ижтиҳодига суюнмасдан фикр юргизиш гўё уларнинг наздиларида ҳеч зарарсиз нарса. Ваҳоланки, жаноб Пайғамбаримиз (с.а.в.) марҳамат қилиб айтадилар: *«Кимки Қуръони карим ҳақида ўз фикри ила сўз юритса ўз жойини дўзахдан тайёрлаб олсин»*. Қуръони карим маъноларида ўз раъйлари билан сўз юритиб ва ҳадиси шарифлардан ҳавоий нафслари билан ҳум олаётган ушбу фирқаи золла аъзолари ўзларини жойларини дўзахнинг қайси жойидан тайёрлаб олган эканлар? Ҳолбуки улар таъна тошини отётган уламолар Тафсир қоидаларига комил риоя қилган ҳолда Қуръони каримга тафсир ёзганлар.

«Ҳизбут-тахрир идорий қонуни» китобининг 7-бетида шундай зикр қилинган. Ҳизбнинг қасами қуйидагича: «Буюк Аллоҳ номи билан Исло мни ҳимоя этувчи ва унга содиқ бўлишга, ушбу Ҳизбут-тахрир раъйлари, фикрлари ва дастурини сўз ва амалда қабул қилишга, унинг тўғри бошқаришга ишонишга, раъйимга зид келганда ҳам қарорларини бажаришга унга аъзо эканман, унинг гоясини рўёбга чиқариш йўлида бор кучимни сарф этишга қасамёд қиламан. Менинг бу сўзимга Аллоҳ гувоҳдир».

Ушбу залолатга кетган фирқа ўзига аъзо бўлган шахсларни ўзининг фосид ва ботил йўлидаги бузғунчи ишларни бажаришга ушбу қасамёд ила бўйсундирадидлар. Қасамёд қилгувчидан фақат ушбу фирқа дастурларига амал қилишга ваъда оладилар, ваҳоланки, унинг аксар раъйи, дастури, юқорида баён қилганимиздек, Аллоҳнинг китоби, Расулulloҳ (с.а.в.)нинг суннатларига ҳилофдир. Улар бу ишлари билан шариат бужурмаган, таклиф этмаган ишларга таклиф этмоқдалар.

Шариатда кишиларни савобли амалларга тарғиб этишда ёки чин мусулмон бўлишида унга ҳеч вақт қасамёд қилдирилмайди. Ислом динининг ҳимояси, ривож қасамёд қилган кишигагина хос эмас. Ёки қасамёд қилсагина унинг хизмати мақбул бўлади эмас, балки бу иш Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан бизгача келган уламоларнинг бирортасидан эшитилмаган бир тўқимадир. Бу тоифага адашиб

кириб қолган кишиларнинг кўплари ушбу тоифанинг хатоларини билганларидан сўнг ҳам бу йўлдан қайтмасликларини бир сабаби шу қасамдир. Улар биз қасам ичганмиз, қасамимизни бузсак, гуноҳкор бўламиз деб қўрқадилар. Аслида эса ислом эътиқоди нуқтаи назаридан қилинган мазкур қасамларнинг кучи бир пулдир. Аллоҳ ўз номидан ҳақиқат йўлида қасам ичишликни буюрмайди.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда марҳамат қилиб шундай дейди: **«Эзгу иш қилишингиз, тақвода бўлишингиз ва одамлар ўртасини ислоҳ этишингиз борасидаги қасамларингиз учун Аллоҳ (номи)ни кўндаланг қилавермангиз! Аллоҳ эшитувчи ва билувчи зотдир»** (Бақара, 224). Ушбу ояти кариманинг тафсирида Расулulloҳ (с.а.в.) шундай марҳамат қилганлар: *«Кимки бир ишга қасам ичса, сўнг қасам ичилган ишдан бошқасини яхши деб кўрса, бас ул киши қасамини бузсин, сўнгга ул яхши ишни қилсин»*. Демак, бир киши шариатда маъруф, яхши деб саналган ишни қилмайман деб қасам ичган бўлса, ёки мункар ишни қиламан деб қасам ичса ул инсонга қасамини бузишлик билан каффорот бериб яхши ишларни қилишлиги лозим бўлади. Ҳизбга аъзо бўлиб, унинг буюрганларини қиламан деб қасам ичиш, бу шариатдаги буйруқларга хилоф ишларни қиламан дейишдир.

АҚШ Давлат Департаментининг Марказий Осиё давлатлари билан ишлайдиган офиси томонидан 2002 йил 22 ноябрда «Ҳизбут-тахрир» – «Марказий Осиё ҳукуматларини ўзгартиришга интилувчи трансмиллий экстремистик ташкилотдир», деб баҳо берилган.

«Ҳизбут-тахрир»дан ажралиб чиққан экстремистик оқимлар ўзининг янада агрессивлиги билан ажралиб туради. Бўлинишнинг асосий сабаби, «Ҳизбут-тахрир» ўз олдига қўйган ҳокимиятни ағдариш режасининг муваффақиятсизлиги билан изоҳланади. Янги оқим ҳаракат дастурида ўз минтақаси хусусиятларини янада аниқроқ ифода этишни қайд этиш даркор. Бугунги кунда «Ҳизбут-тахрир»дан ажралиб чиққан оқимлар:

– Фаластин исломий жиҳод ташкилоти (1958 й.) – Ҳизбнинг собиқ аъзоси бўлган Асад Баюд Тамимий ушбу ташкилотнинг ғоявий раҳнамоси саналади. У 1998 йилда Уммон шаҳрида вафот этган.

– Ал-Муҳожирун (1996 й.) – Ҳизбнинг собиқ аъзоси Умар Бакрий томонидан асос солинган ашаддий мутаассиб гашкилот. 2004 йил 8 октябрда ташкилот ўз фаолиятини якунлаганини эълон қилган.

– Акромийлар (1996 й. қайта шакллантирилган) Ҳизбнинг собиқ аъзоси Акром Йўлдошев томонидан Андижон вилоятида ташкил этилган экстремистик ташкилот.

– Ҳизб ан-Нусра (1999 й.) ўз фаолиятини махфий тарзда олиб боради. Аъзолари асосан экстремистик ташкилотлардаги фаолияти учун жазони ўтаб чиққан шахслардан иборат. Улар Ҳизбут-таҳрирнинг «Ислом низоми» китоби асосида 6 ойлик тайёргарликдан ўтади.

Жамоати исломия: «Исломий жамоат» – Жануби-шарқий Осиё ҳудудида фаолият олиб бораётган диний-радикал ташкилот бўлиб, унинг штабквартираси Индонезияда жойлашган. Ташкилот филиаллари Малайзия, Филиппинда ҳам фаолият кўрсатади. Тайландда ҳам филиаллар мавжудлиги эҳтимолдан холи эмас. Ташкилотнинг бош сиёсий мақсади Жанубий-шарқий Осиёда ягона Нусантара ислом давлатини қуришдан иборатдир.

Мазкур жамоанинг умумий тарихи қуйидагича, 1969 йили икки имом, яъни Абдулла Сунгар ва Абу Бакр Башир авваллари фаолият олиб борган «Дорул ислом» ҳаракатини қайтадан тиклаб, унинг мутаассиб ғояларини яна бир бор кенг тарқатиш сай-ҳаракатида бўлишади. Абу Бакр Башир ҳозирги кунда ҳам «Исломий жамоат» ташкилотининг маънавий раҳбари саналади. Улар давлатнинг махсус органлари рўйхатидан белгиланган тартибда ўтмаган ҳолда ижтимоий муҳтож оилалар учун ташкил қилинган мактабларда, шу жумладан етим-есир, интернатлар ва бепул мактаблар ўқувчиларига имом Башир даъватлари асосидаги радиоэшиттиришларни кенг равишда узата бошлаганлар. Бунинг учун улар махсус радиостанция ташкил қилишиб, уни зарур асбоблар ва кадрлар билан таъминлашга ҳам эришмаган. Мана шундай тарғибот асосига қурилган мактабларнинг шиорини эса «Аллоҳ йўлидаги ўлим – бизнинг энг юксак интилишимиз» деб танлашди.

«Исломий жамоат» ташкилотига бирлашган индонезиялик ёшлар президент Сухарто томонидан 1970 йилларда олиб борилган

диний репрессия сиёсатига қарши чиқадилар ҳамда мамлакат ҳудудида вужудга келган турли исломий-диний ҳаракатларда кенг иштирок эта бошлайдилар. Исломий ғоялар асосида ташкил қилинган барча гуруҳлар давлат сиёсатига қарши ўзаро бирлашади. Улар аслида фундаменталист бўлиб, ислом шариатида биноан яшашни тарғиб қиладилар ва мазкур мақсадни амалга ошириш мақсадида черковлар, тунги клублар ва кинотеатрларга ўт қўя бошлайдилар. Бу қилмишлари учун ҳукумат томонидан таъқиб остига олиниб, уларга нисбатан қонуний жазо чоралари кўрилади.

Малайзияда «Исломий жамоат» ташкилоти Сухарто ҳукумати билан кураш олиб боришни бошлаш учун ташкилот аъзоларини қуроллантириш билан шуғулланадилар. Баъзилар ҳарбий-қўпорувчиликка ўргатилади, улар машқларни Афғонистонда ўтаб, собиқ совет армиясига қарши жангларда иштирок этадилар ва ҳарбий жиҳатдан тобланадилар. Ҳарбий тайёрғарликни кўрган жангариларни уруш майдонига етказиш ва жўнатиш ишлари билан «Бутун жаҳон ислом лигаси» ташкилоти шуғулланади. Мазкур ташкилот «Робита», номи кенг тарқалган бўлиб, унинг раҳбари Абдулла Аъзам бўлган. Келиб чиқиши малайзиялик бўлган бу шахс, кейинчалик 2001 йили 11 сентябрдаги АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган энг мудҳиш террористик актни амалга ошириш учун кўнгиллиларни жалб этиш билан шуғулланган. Шундай қилиб, XX асрнинг 80-йиллардаги турли жангларда тобланган мана шу жангарилар «Исломий жамоат»нинг жанговар қанотининг асосини ташкил қила бошлайди.

«Исломий жамоат» ташкилоти аъзолари Индонезия ва хориждаги асосан номусулмон бўлганларга қаратилган терактларни амалга оширишган. Улар кўпроқ турли ижтимоий объектлар, биноларни портлатишган. 2002 ва 2005 йилларда Балида, 2004 йилда Жакартадаги Австралия элчихонаси биносининг олдида терактларни амалга оширишган. Шу билан бирга, «Исломий жамоат» ташкилоти турли исломий радикал гуруҳларни молиявий қўллаб-қувватлаш билан ҳам фаол шуғулланади деб тахмин қилинади.

Мазкур ташкилотнинг асосчилари ва раҳнамолари фаолиятига оид баъзи фактлар куйидагилардан иборат:

• Абу Бакр Башир ўз ҳаёти давомида 3 марта қамалади, у 2005 йилдан Индонезия қамоқ жазосини ўтайди.

• Абдулла Сунгкар 1999 йилда вафот этган.

• Хамбали (Ридуан Исамуддин) 2003 йил 11 августда АҚШ ва Таиланд махсус хизматларининг ҳамкорликда тайёрлаб, ўтказган махсус операцияси жараёнида Банкок шаҳрида қўлга олинган.

• Азахари бен Хуссейн портлатувчи моддалар бўйича мутахассис бўлиб, 2005 йилнинг 9 ноябрида қўлга олиш жараёнида индонезиялик махсус хизмат ходимлари томонидан ўлдирилган.

• Нурдин Муҳаммед Топ 17 сентябрь 2009 йилда ўлдирилган.

• Дулматин 9 март 2010 йилда ўлдирилган.

Ат-такфир вал-ҳижра¹: 1971 йилда Шукрий Мустафо (1942–1978) томонидан Мисрда ташкил топган бу оқимнинг асосий ғояси бутун бир жамоаларни, ҳатто давлатларни имонсизликда (исломдан қайтишда) қоралашдан иборат бўлиб, шу асосда бу давлатларга зулм, куч ишлатиш маъқулланган. Шукрий Мустафо ва унинг сафдошлари Миср жамияти ислом қарашларига тўғри келмаслиги ва бундай давлатдан кетиш керак деган хулосага келганлар. Бу хулосадан кейин 1973 йилда «такфирчилар» Мисрнинг кам аҳолили тоғолди ҳудудига кўчиб кетганлар.

Бу гуруҳ 1976 йилда (ўзини «Жамоат ал-муслимин» – «Мусулмонлар жамоаси» деб номладилар ва улар фақат ўзларини мусулмон санаб қолганларни «динсизликда» айблашди) бир неча минг кишини ташкил қилар эди, аммо Миср ҳукумати бу жамоани жавфсиз деб ўйлади. Оила аъзолари билан жамоага қўшилмаганларни «такфир»да (имонсизликда) қоралаш жамиятда бир қанча норозиликни келтирди. 1976 йилда ҳаракатнинг 14 аъзоси гуруҳни тарк қилишди, бу ишлари учун Шукрий Мустафо уларни «имонсизликда» айблаб қатл қилиш кераклигини таъкидлади, аммо ҳуқуқтартибот органларининг аралашуви натижасида қон тўкилишининг олди олинди. Миср оммавий ахборот воситалари Шукрий Мустафо издошларини «Ат-такфир вал-ҳижра» деб номлади.

Миср Вақф ишлари бўйича собиқ вазир Шайх Ҳусайн аз-Заҳабий 1977 йилда гуруҳ аъзолари томонидан ўғирланиб, ўлдирилганидан

¹ **Ат-такфир вал-ҳижра** – [араб. – қуфрда айблаш ва ҳижрат].

сўнг мазкур гуруҳ фаолияти Миср ҳукумати томонидан тақиқланган. Бундан кўп ўтмай, «Ат-такфир»нинг барча аъзолари Миср хавфсизлик кучлари томонидан қўлга олинди. Ҳукумат 1977 йилда Шукрий Мустафони ҳибсга олди ва 1978 йилда қатл қилди. Гуруҳ аъзоларининг бир қисми, 1981 йилда МАР президенти Анвар Садатни ўлдирилишига алоқадор деб тахмин қилинган. Аммо гуруҳ сардори ўлдирилиши ҳар доим ҳам ғояни йўқолишига олиб келмайди. Шукрий Мустафо қатл этилди, унинг тарафдорлари эса узоқ муддатга қамоқ жазосига маҳкум этилди. Бундай гуруҳлар Кувайтда, Суданда, Ливанда ташкил топа бошлади. Совет иттифоқи парчалангандан кейин Россияга ҳам кириб келди. Мазкур гуруҳ фаолияти Мисрда тўхтатилганидан сўнг ўз фаолиятини бошқа араб мамлакатларида давом эттира бошлади.

Россия ислом уламолар ассоциацияси раиси Фарид Сулман ўз чиқишида «такфирчилар» имонсизликда христиан ёки яҳудийларни эмас балки уларни қарашларига қўшилмаган мусулмонларни айблашади дейди.

Россия стратегик институтининг диний элат тадқиқот маркази Волгабўйи ҳудудидаги Қоз он филиали илмий ходими Раис Сулейманов «Ат-такфир вал-ҳижра»ни Волгабўйи ҳудудида пайдо бўлишини тарихига тўхталиб ўтган. Мутахассис ушбу «Ат-такфир вал-ҳижра» (имонсизликда айблалаш) ҳаракатининг моҳияти ўз давлатини «кофирлар давлати» деб айблаб, бошқа шариат бошқарувидаги давлатларга бориб у ерда ҳарбий тажрибаларни ўрганиб ўз юртларига «жиход» қилгани келишларини таъкидлайди. Унинг сўзича биринчи Татаристон «такфирчилари» Ирек Хамидулин атрофида йиғилишган, унинг бошчилигида 17 кишидан иборат гуруҳ 1999 йилда Афғонистон гуруҳига бориб қўшилишган, у ерда улар толибонларга қўшилиб «Булғор жамоатини» ташкил қилишади («Булғор жамоати» номи ўрта асрлардаги мусулмон Волга болгарлари давлати хотирасига берилган бўлиб, улар IX–XIII асрларда Ўрта Волгабўйини бошқаришган. 310/922 йилда Бағдод халифалиги томонидан исломни қабул қилишган). Қисқа муддатда МДҲ давлатлари фуқаролар «Булғор жамоати» сафини тўлдирар бошладилар, келиб чиқиши кавказлик бўлган Исо Доғистоний «амир» бўлган, бундан ташқари жуда кўп уйғурлар жамоага келиб

қўшила бошлаган, шу сабабли улар «Уйгур – Булғор жамоати» деб номлана бошланган.

Америка ҳарбийларининг 2001 йилда Афғонистонга кириши ва «Булғор жамоати»га қарши ҳужуми натижасида жамоанинг маълум қисмлари ҳалок бўлди, айримлари асирга тушди ва ҳатто Гуантанамо қамоқхонаси маҳбусларига айланди (улардан Айрат Вахитов, собиқ «Тавба» масжиди имоми, Саман Болгорий номи билан танилган), гуруҳнинг қолган аъзолари Покистоннинг Дегон қишлоғига кўчиб ўтишди. Покистон махфий хизмати Ирек Ҳамидулинни қўлга олиб Россияга қайтарди. Аммо Москвада унга қарши ҳеч қандай айблов қўя олишмади, чунки унга қарши террористик гуруҳларда ҳаракат қилганлиги тўғрисида далиллар мавжуд эмас эди. Оқибатда уни озод қилишди ва у 2004 йилда ўз оиласи билан Суданга жўнаб кетди. Айрат Вахитов Гуантанамодан озод этилгандан кейин Россия ТИВ босими остида Россияга қайтиб келди. Лекин қайтгани билан у ўз ҳаракатларини тўхтатгани йўқ: экстремистик хусусиятли видео-мувожаатларини интернет сайтларига жойлаштира бошлади, оқибатда ҳамфикр гуруҳдошлари билан 2005 йилда Бугулма (Татаристоннинг жанубий-шарқдаги шаҳри) газ ўтказмасида теракт содир қилди. 2011 йилда Сурияда қонуний Башар Асад ҳукуматига қарши Россия фуқороларини жалб қилиш бўйича бош ёлловчи сифатида пайдо бўлгунча уни топишни имкони бўлмади.

Айни вақтда гуруҳ яширин террористик ҳаракати билан мусулмон жамияти етакчилари ва мусулмон руҳонийларига қарши машҳур ва оммавий терактларга ихтисослашган гуруҳ сифатида намоён бўлмоқда. МДХ худудида гуруҳ 2009 йилда Қирим мажлисининг етакчиси Мустафо Жамолни кофирликда айблаб, уни ўлдиришга ҳаракат қилган гуруҳ сифатида қайд этилган.

Волгабўйи ҳудудларида амалга оширилган ва оширилмоқчи бўлган Барча террористик хуружлар бу «такфирчилар» билан боғлиқ бўлиб, уларнинг таржимаи ҳоли Афғонистон ва Покистон билан узвий боғлиқ бўлиб, у ерда ҳарбий тайёрловдан ўтиб кайтишган.

Такфирчилар ўзларини радикал ғоялари билан Россия масжидларини «кофирларники» деб, у ерда намоз ўқимасдан ҳақиқий мусулмон у ерда намоз ўқмаслиги керак деб уқтирадилар. Шунинг

учун улар ўз шахсий хоналарида ва шахсий коттежларда намоз ўқийдилар. Такфирчилар учун масжид ва унинг ёнида теракт қилиш оддий ҳол ҳисобланади, чунки у ерда намоз ўқиётган мусулмонларга «такфир» тамғаси осилган деб таъкидлайди мутахассис. Яна шуни қўшимча қилдики, Татаристоннинг Високогорск туманидаги Инеш қишлоғида бир гуруҳ «такфирчилар» жойлашган бўлиб, лекин улар айна вақтда яширин иш олиб бормоқдалар.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, 2010 йил Россиянинг Олий суди томонидан «Ат-такфир вал-ҳижра» экстремистик ташкилот деб тан олиниб, унинг фаолияти Россия ҳудудида ман этилган.

Мужоҳидлар ҳаракати: Мазкур «Мужоҳидлар ҳаракати» номи билан машҳур бўлган ташкилот 1980 йилда Покистоннинг Райвинд вилоятида ташкил этилган ҳамда унинг кўпчилики аъзолари илгари «Таблиғчилар жамоаси»да фаолият олиб борган. «Мужоҳидлар ҳаракати» вакиллариининг эътирофи бўйича, бу икки ташкилот ҳамкорликда жиҳод олиб борувчи «соф мусулмонлар»нинг мустаҳкам ҳалқасини ташкил этади. Шунинг учун ҳам «Таблиғ»га аъзо бўлган шахслар кейинчалик «Мужоҳидлар ҳаракати»нинг турли давлатлардаги ҳарбий лагер-мактабларининг тингловчилари бўлишган. Оператив ахборотларга қараганда, ҳозирги кунда «Мужоҳидлар ҳаракати» таркибида олти мингдан зиёд жангари мавжуд бўлиб, уларнинг аксариятини турли давлатлардан келган таблиғчилар ташкил этади.

Ҳизбуллоҳ¹: Мазкур ташкилот диний-сиёсий ғоялар чапишмаси асосида вужудга келган ҳарбий-сиёсий ва ҳарбий-террористик ташкилотлардан бири саналади. Аслида шиалик йўналишидаги ҳарбийлашган ҳамда исломий давлат, яъни шариат асосидаги сиёсий тузумни қуришни ўзига мақсад қилиб олган сиёсий партиядир. Партиянинг номи Куръони каримнинг Моида сурасидаги: **«Кимки Аллоҳни, Расулни ва имон келтирганларни дўст тутса, албатта, Аллоҳнинг (бу) ҳизби²**

¹ Ҳизбуллоҳ – [араб. Аллоҳнинг партияс].

² Шайх Абдулазиз Мансур «Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири»да «ҳизб» сўзини қуйидагича тафсир қилганлар. «Ҳизб» сўзининг луғавий маъноси гуруҳ, партия, тобе кишилар демакдир. Оятдаги Аллоҳнинг ҳизбидан мурод Унинг пайғамбари ва имон келтирган барча мусулмонлардир (Мд.).

чинакам ғолиблардир», (*Моида*, 56) оятидан олинган. Штаб-квартираси Ливанда жойлашган.

«Ҳизбуллоҳ» идеологиясининг асосида Эрондаги ислом революцияси раҳнамоси Рухуллоҳ Хумайний идеологияси ётади. «Ҳизбуллоҳ» таълимоти ҳам худди Эрондаги каби ислом инқилоби экспорти ғояси асосига қурилган.

Ҳасан Насруллоҳ ўз нутқларида, АҚШ ни бош душман деб атайди. Чунки АҚШ бошқа мамлакатларнинг бойликлари, улардаги нефть захиралари ва ресурсларнинг ўғриси саналади. Шунинг учун ташкилотнинг бош шиори «Америкага ўлим!» деб белгиланган.

Канаданинг ташқи ишлар вазири Ҳизбуллоҳни Толибонларга тақлид деб атаган. Канада, АҚШ, Исроил, Форс кўрфази давлатлари, Европа Иттифоқи, Австралия ва Буюк Британия давлатларида Ҳизбуллоҳ террористик ташкилот сифатида баҳоланади. Ташкилот Эрон ва Суриядан молиявий ва ҳарбий ёрдам олади. Ташкилотнинг 1985 йилги манифестида партиянинг истиқболга доир уч бош сиёсий мақсадлари ифодаланган бўлиб, улар, энг аввало Ливандан барча мавжуд мустамлакачиларни ҳайдаб чиқариш, сўнг Фалангларни¹ жинояти учун жавоб беришга мажбурлаш ва Ливан давлатида ислом тузумини ўрнатишдан иборатдир. Баъзи олимларнинг таъкидлашига кўра, ҳозирда Ливанда ҳаракатда бўлган мазкур партия 1982 йилда Эроннинг мана шу номдаги ташкилоти филиали сифатида ташкил этилган.

Ҳизбуллоҳ ҳаракати, ҳақиқатан ҳам Америка ва Исроил ҳукуматларининг олиб борган сиёсатига қарши кайфият кенг тарқалган вақтда Жанубий Ливанни Исроил агрессиясидан муҳофаза қилиш мақсадида Эрондаги Ислом инқилобини ҳимоя қилиш корпуси кўмагида махсус тузилган. 1992 йилда Ҳизбуллоҳ партияси биринчи марта парламент сайловларида қатнашиб, жами 128 та ўриндан 12 та ўрин олган.

¹ **Фаланглар** – Ливан социал-демократик партияси, яъни «Катоиб»нинг номларидан бири. У асосан христиан-маронитлар манфаатларини ҳимоя қилади. 1036 йилда таъсис этилган. 1975–1990 йиллардаги фуқаролик урушида кучли мавқега эга бўлган. Урушдан кейин партия фаолиятида тушкунлик даври бошланган. 2011 йилдаги ахборотларга қараганда партия «14 март каолициясига» кирган. «Ҳизбуллоҳ» ҳам мана шу каолиция аъзоси саналади. «Фаланг» сўзи грек тилидан олинган бўлиб, ҳарбий қаторларни ташкил қилиш иборасига тўғри келади.

1996 йилда «Қаҳр-ғазаб шодалари» операциясидан кейин мазкур ҳудудда ҳарбий ҳаракатлар зонаси аниқланади. БМТ нинг Хавфсизлик Кенгаши резолюциясига мувофиқ 2000 йил майида Жанубий Ливандан Исроил қўшинларининг олиб чиқиб кетилиши зарурлиги қабул қилинди ҳамда мазкур ҳудудда Ливан армияси назорати ўрнатилиши даркор эди. Бироқ Ливан ҳукумати овоза қилмасдан мазкур ҳудуд назоратини «Ҳизбуллоҳ» ҳаракати қўлига топширди. Шундай қилиб, исроил давлати билан Ливан ўртасидаги чегараларни «Ҳизбуллоҳ» эгаллади ва чегара бўйича кучли муҳофаа истеҳкомларини бунёд қилди. Бунда улар Исроил томонидан қурилган истеҳкомлардан ҳам жуда унумли фойдаланишди. Бункерлар, қурол омборлари, блиндажлар, кузатув постлари, пулемёт ва снайпер ақоплари бир неча ўн километрларгача чўзилиб, улар ўзаро бир-бири билан ер ости тунеллари орқали уланиб кетган эди. Чегара бўйлаб бирваракайига кучли ўт очишга мўлжалланган реактив қуролларни жойлаштириш учун махсус қурилмалар бунёд қилинган эди. Кейинчалик, «Ҳизбуллоҳ» улардан Исроил шимолидаги аҳоли пунктларини ўққа тутишда фойдаланади. «Ҳизбуллоҳ»нинг бугунги кундаги етакчиси Ҳасан Насруллоҳ 2006 йил 23 майда Байрутдаги маърузаларидан бирида, «Ҳизбуллоҳ» ракеталари нишонидан бутун Исроил шимоли ётганлигини, мазкур ҳудудда жойлашган барча портлар, ҳарбий базалар, ишлаб чиқариш заводлари ва бошқа объектлар нишон остида эканлиги қайд этиб ўтади. Унинг таъкидлашига кўра, уларнинг ҳарбий кучи 12 мингтадан кўпроқ ракетадан иборат.

2005 йил парламент сайловларида «Ҳизбуллоҳ» қонун чиқарувчи органда ўз вакилларига эга бўлди (128 тадан 23 депутат) ва ҳукумат таркибига партиянинг аъзолари кирди (Муҳаммад Фнейш – энергетика ва сув ресурслари вазири). 2006 йил 12 июлда Ливан чегарасида «Ҳизбуллоҳ» жангарилари томонидан икки Исроил ҳарбий зобитларининг қўлга олиниши натижасида навбатдаги Яқин Шарқ урушига олиб келди. «Ҳизбуллоҳ» бошчилигида «8март» коалицияси (иттифоқи) 2009 йил июндаги парламент сайловларида 128 та ўриндан 57 тасига эгалик қилди. 2011 йилдан бошлаб «Ҳизбуллоҳ» Суриядаги фуқаролар урушида Башар Асад, яъни расмий ҳукумат тарафида туриб ҳарбий тўқнашувларда қурол-яроғ билан қатнаша бошлади.

«Ҳизбуллоҳ» АҚШ, Буюк Британия, Нидерландия, Канада, Исроил, Австралия ва Мисрда террорчи ташкилотлар рўйхатига киритилган. «Ҳизбуллоҳ»га тинч аҳоли ҳамда ҳарбийларга қарши террор усулини қўллаган ҳарбий-сиёсий ташкилот деб айб қўйилади. Россияда «Ҳизбуллоҳ» террор ташкилоти ҳисобланмайди.

Ливан армиясининг собиқ генерали Илёс Хоннинг фикрига кўра, «Ҳизбуллоҳ» ливанликлар тарихида биринчи бўлиб Ливан жанубини озод этиш билан араб олами номусини ҳимоя қилган.

Мисрда 2008–2009 йилларда Сами Шиҳоб бошчилигидаги «Ҳизбуллоҳ» тарафдорлари мамлакат ҳудудида бир қанча терактларни уюштираётгани маълум бўлгач, унинг аъзолари оммавий ҳибсга олинади. Миср Интерпол орқали «Ҳизбуллоҳ» раҳбарини халқаро қидирувга берди. «The Financial Times» газетаси хабарига кўра, Миср ОАВлари Насруллоҳни «ҳарбий жиноятчи» деб атади. Ливан собиқ бош вазири Рафиқ Ҳаририйнинг ҳалокати сабабларини ўрганиш бўйича БМТ Комиссияси вакилининг айтишича, бу қотилликда «Ҳизбуллоҳ» махсус операциялар ўтказиш ва ташкил қилиш бўлимининг қўли бор.

Бугунги кундаги Сурияда юзага келган ҳокимият учун курашда «Ҳизбуллоҳ» Б. Асад тарафдори бўлиб майдонга чиқди ҳамда мазкур масалада Эрон позициясини қўллаб-қуватлади. 2012 йил августда Now Lebanon газетасида таҳририят мақоласи эълон қилинди. Унда «Ҳизбуллоҳ» фаолияти аслида Ливан манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилганлиги масаласи шубҳага олинади. Таъкидланишига кўра, Исроил Ливан учун хавф туғдирмайди. Аслида Исроил «Ҳизбуллоҳ» ҳамда «Фаластинни Озод Қилиш ҳаракати»га қарши фаолият олиб борган. Исроил Ливан ҳудудларини босиб олиш истагидан йироқдир. «Ҳизбуллоҳ» эса Ливаннинг манфаатларини ҳимоя қилиш байроғи остида, аслида Исроилга қарши курашиш ниятидадир.

Баҳрайн 2013 йилда «Ҳизбуллоҳ»ни террорчилик ташкилоти деб эълон қилди. У «Ҳизбуллоҳ»ни баъзи Ғарб давлатлари каби ҳарбий ва сиёсий фракцияларга бўлмайди. Баҳрайн Ташқи ишлар вазири Холид ибн ал-Аҳмад ўз нутқларидан бирида «Ҳизбуллоҳ»нинг етакчиси Ҳасан Насруллоҳдан Ливанни халос этиш фикрини

ошкора эълон қилди. Унинг фикрига кўра, Ливанни Насруллоҳдан халос этиш миллий ва диний қарзидир.

«Ҳизбуллоҳ» расмий сиёсий ва ташкилий тузилишга эга. Ташкилот диний етакчилар бошқаруви тамойили асосида ўз фаолиятини олиб боради. Баъзи маълумотларга кўра, 2004 йил бошида «Ҳизбуллоҳ»нинг қуролланган гуруҳлари сони 10 та моторлаштирилган, 6 та пиёда аскар батальонидан иборат бўлган. Уларнинг ҳар бирида 250 та жангчи бўлиб, умумий жангчилар сони 4000 та бўлган. Шунингдек, 5 минг захирачи аскарлар тизими мавжуд.

Айрим маълумотларга кўра, 2006 йилда «Ҳизбуллоҳ»нинг мунтазам ҳарбий кучи сони минг кишидан иборат бўлган, захирадагилар билан эса 7 мингдан 11 минггача бўлган. Бошқа баҳоларга қараганда ташкилот таркибида 30 мингга яқин жангчилар мавжуд ва уларнинг учдан бир қисми жуда катта амалий жанговар тажрибага эга.

Ташкилот ҳарбий қисмларида мингдан ортиқ РСЗО русумидаги ўрнатмалар, унга тегишли юз мингдан ортиқ ракета, стволли артиллерия, учувчисиз учадиган мосламалар (безпилотник) ва Эронда ишлаб чиқарилган кемаларга қарши ракета, бундан ташқари танкларга қарши турли ракета комплексларига, шу жумладан Россиянинг РПГ–29 ва РПГ–78 мосламаларига эга. Тимес газетасининг 28 май 2010 йилда нашр қилган мақоласидаги маълумотларга кўра, «Ҳизбуллоҳ» Сурияда махфий қурол омборларига эга. БМТнинг хавфзилик кенгашининг 1701 резолюциясига асосан «Ҳизбуллоҳ» умуман ҳеч қандай қуролга эга бўлиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган.

«Ҳизбуллоҳ» таркибида Исроилга қарши фаолиятга йўналтирилган алоҳида бўлим ташкил қилинган. Ташкилотнинг хавфсизлик хизмати Исроил ҳудудида қуйидаги йўналишларда фаол ҳаракат олиб боради:

– Чет эл фуқароларни Исроил давлатининг турли тизимларига сингдириш ёки чет эллик ҳужжатига эга бўлганларни террористик актларни амалга ошириш учун тайёрлаш;

– Исроилда яшаётган араблардан фойланган ҳолда мамлакатнинг тарихий обидалари ҳудудида турли террористик актларни содир этиш;

– Исроил ҳудудига қурол ва портловчи воситаларини ноқонуний контрабанда йўли билан олиб кириш;

– Фаластинлик террористик гуруҳларни молиялаштириш.

Баъзи маълумотларга қараганда, фаластинлик жангариларга Исроилнинг ҳар бир ўлдирилган яҳудий фуқароси учун «Ҳизбуллоҳ» юзлаб доллар тўлайди. «Ҳизбуллоҳ» 2004 йил 29 январь ва 22 февралда Исроил ҳудудида террористик актларни махсус молиялаштирган, натижада 10 дан ортиқ одам ҳалок бўлган, 100 дан ортиқ одам эса жароҳат олган.

Американинг «West Point» номли ҳарбий академияси Терроризмга қарши кураш тадқиқот марказининг нашрга тайёрлаган ҳисоботига кўра, бугунги кунда «Ҳизбуллоҳ» Европа ҳудудида ислом инқилоби экспорти таълимоти асосида ҳар томонлама таъминланган ҳақиқий террористик фаолият юритмоқда.

Баъзи хабарларга кўра «Ҳизбуллоҳ» Куба ҳудудида махсус ташқи ҳарбий-сиёсий таянч база қурилишини бошлаган. Мазкур базани яратиш учун бир ярим миллион доллар миқдорда маблағ ажратилган. Мана шундай ташқи таянч базалар яратиш ҳаракатлари Парагвай, Бразилия, Венесуэла, Аргентинада ҳам олиб борилмоқда. Сўнгги йилларда, Аргентинада «Ҳизбуллоҳ» икки марта Исроил элчихонаси ва яҳудийлар ташкилотлари бинолари олдида террористик актларни амалга оширганлар.

2011 йил 30 июнда Ливан бўйича махсус трибунал вакиллари собиқ Бош вазир Рафиқ Харирийнинг 2005 йилда ўлдирилиши бўйича айблов ҳулосасини Ливан ҳукуматига юборишди. Унда айтилишича, «Ҳизбуллоҳ»нинг 4 та фаол аъзоси бевосита Бош вазирнинг ўлдирилишида иштирок этган. Улар Ливан контрразведкаси бошчилигида ҳаракат қилган.

«Ҳизбуллоҳ» ўзининг «Ал-нур» радиостанцияси ва «Ал-манор» (маёқ) йўлдошли телеканалига эга. Станция Эрон томонидан ажратилган маблағ асосида қурилган. Кўрсатувлар Байрутдан олиб борилади. Ал-манор ўзига нисбатан «қаршилиқ ҳаракати станцияси» деган номни ишлатади ва ўз фаолиятини «сионист душманларга қарши психологик уруш» сифатида баҳолайди. Кўрсатувларда ташкилот ғоялари асосида ўз-ўзини ўлдириш

орқали, яъни ўз жонига қасд қилиш террористик актлари тарғиб қилинади. АҚШ телеканални террористик ташкилотлар рўйхатига киритган.

Шу билан бирга, «Ҳизбуллоҳ» араб мамлакатлари аҳолиси ўртасида болалар учун ислом нормалари, урф-одатлари ва ислом дини қонун-қоидалари тарғиботчиси сифатида нуфузга эга. «Ҳизбуллоҳ» ташкилоти ҳар йили касалхона, алоқа хизмати ва таълим марказларига миллионлаб доллар ажратади. Улардан Эмдада ислом ҳайрия жамияти, марказий Пресс-офис, Ал-Жарга уюшмаси, Жиход ал-Бино Қурилиш бирлашмаси шулар жумласидандир. Масалан, Жиход ал-Бино Қурилиш бирлашмасининг қайта қуриш дастури кўплаб иқтисодий ва инфраструктура, яъни турли ижтимоий объектларни барпо қилиш проектларини ўзида мужассам этади. «Ҳизбуллоҳ» ижтимоий-таълимий дастурларга бағишланган Ал-Шаҳид ҳайрия институтини ташкил қилган бўлиб, институт ҳалок бўлган жангарилар, улар оилаларини моддий қўллаб-қувватлаш, уларнинг фарзандларини бепул ўқитиш билан шуғулланади. Табиий равишда, махсус ташкил қилинган бундай мактабларда болаларга асосан диний-террористик йўналишда таълим берилади.

Ҳамас¹: Мазкур ҳаракат аслида 1987 йилда Фаластинда рўй берган биринчи Озодлик ҳаракати, яъни Интифода ҳаракатидан кейин Мисрдаги «Мусулмон биродарлар» ташкилоти ҳамда «Фаластин ислом жиҳоди ҳаракатлари» каби ташкилотлар таркибидан мустақил ажралиб чиққан ташкилотдир. Ҳамас сиёсий партия сифатида 1988 йил август ойидан фаолият юрита бошлаган. Ҳамас 2007 йилдан бошлаб Ғазо секторида ўз ҳокимиятини ўрнатган бўлиб, аслида Фаластин ҳудудида ўз фаолиятини ташкил этган ислом ҳаракати ва сиёсий партиядир. Мазкур сиёсий, диний-ҳарбий тузилманинг бош мақсади, аввало, Исроил давлати ҳамда Фаластинга қарши кураш бўлиб, Ҳамас уларнинг йўқ қилиниши, улар негизида эса ислом давлати қурилиши тарафдоридир. Ҳамас таълимоти Исроилга қарши кураш асосига қурилган бўлиб, айнан Исроил ҳудудида унинг фуқароларига қарши кўплаб террористик актлар ташкил қилинган.

¹ **Ҳамас** – мазкур ташкилотнинг тўлиқ номланиши «Ҳаракат ал-муқовама ал-исломия» бўлиб, «Исломий қаршилик ҳаракати» маъносини англатади.

Ҳамас Евроиттифок, Исроил, Канада, АҚШ ва Япония каби давлатлар томонидан террор ташкилоти деб тан олинган. Шунингдек, Иорданияда ҳам тақиқланган. Австралия ва Буюк Британияда Ҳамаснинг фақат ҳарбий қаноти террористик деб тан олинади. Ҳамас ўз мафкурасини «Ал-Ақсо» телеканали орқали тарғиб қилади. Бу канал узатилиши Европа давлатлари, хусусан Францияда тақиқланган.

Исроилнинг Ғазодан чиқиб кетишидан сўнг Ҳамас ўз ҳарбий кучларини ўстиришга киришиб кетди. Ҳарбий соҳа бошқаруви Ҳамаснинг Суриядаги штаби томонидан амалга оширилиб, Эрон ва Суриянинг, Араб мусулмон мамлакатлари, ҳаттоки айрим Ғарб давлатларининг молиявий қўллаб-қувватлашига таянар эди.

Ҳаракатнинг маънавий раҳнамоси болалигидан ногиронлар аравачасига михланиб қолган шайх Аҳмад Ёсиндир. Дастлаб, Исроил томонидан ҳаракат Ёсир Арафотнинг «Фаластин озодлик ташкилоти»¹га (ФОТ) рақобатчи сифатида баҳоланган. Ташкилот фаолиятининг илк шаклланиш даврида босиб олинган территорияларда Аҳмад Ёсиннинг «Муъжама ал-исломия» ёрдам ташкилоти олиб борган кенг хайрия ҳаракатлари Исроил ҳарбийлари томонидан маъқулланган. Мазкур ташкилот Ҳамаснинг таянч бўлинмаси бўлиб, Исроил томонидан ҳам молиялаштириб турилган. Шунингдек, Исроил ҳукумати ташкилотга Форс кўрфази араб давлатларидан хайр-эҳсон маблағларини олишга

¹ **Фаластин озодлик ташкилоти** (ФОТ) — 1964 йил 28 майда тузилган. Қуддус шаҳрида ва араб мамлакатларида қувғинда бўлган барча фаластин арабларининг ваколатларини ифода этган ташкилот. Олий органи — Фаластин Миллий кенгаши ижроия қўмитаси. Ташкилот раҳбарлигига Аҳмад Шукейрий сайланган. ФОТ ижроия қўмитасининг кейинги раислари Ёсир Арафот (1969—2004), Маҳмуд Аббос (2004 йилдан). ФОТнинг асосий мақсади «Демократик ва дунёвий Фаластин давлати»ни тузишдир. 1974 йил октябрда араб давлатлари бошлиқларининг Работ шаҳри(Марокаш)даги анжуманида «ФОТ — Фаластин араб халқининг ягона қонуний вакили» деган қарор қабул қилинган. Ташкилотнинг асосий маскани Ливанда жойлашган бўлиб, 1982 йил Исроилнинг бу мамлакатга ҳужумидан сўнг қароргоҳи Тунис шаҳрига кўчирилди. Ҳозирда эса Рамаллоҳда. ФОТ қувғиндаги Фаластин арабларини азалий ерига қайтариш, уларнинг қонуний ҳуқуқларини тиклаш, мустақил Фаластин давлатини тузиш борасида кураш олиб бормоқда. 2012 йил 29 ноябрдаги БМТ Бош ассамблеяси мажлисининг қарорига кўра, Фаластинга БМТда «Кузатувчи давлат» мақоми берилди.

ҳам имконият яратиб берган. Ташкилот томонидан мактаблар, шифохоналар, болалар боғчалари қурилган ҳамда Ғазо ислом университети ташкил этилган.

Бошқа тарафдан, ФОТнинг нодиний чап қаноти томонидан амалга оширилган террористик ҳаракатлар Исроил томонидан шафқатсиз бостирилган. Ҷша вақтларда икки ташкилот, яъни бир томондан, ФОТ, иккинчи томондан Ҳамас ўртасида тез-тез зиддиятлар келиб чиқиб турган. Бироқ Исроил мазкур қарама-қаршиликка аралашмаслик позициясида турган. Қарама-қаршилик натижасида Исроил томонидан босиб олинган ҳудудларда мутаассиб кайфият кучайиб, жамиятда Ҳамаснинг мавқеи кучайиб борган.

Кейинчалик ФОТ 1988 йилдан бошлаб террорчилик усулларида воз кечгач, 1993 йилда Исроил ва ФОТ ўртасида Осло келишуви имзоланган. Ҳамас эса айнан шу йилдан бошлаб террорчилик ҳаракатларига киришган ва Осло келишувини инкор этган.

ФОТ 1984 йилда шайх Ёсин яширин тарзда қуроллар омборига эга эканини исроилликларга маълум қилади ҳамда ҳақиқатан ҳам масжидлардан бирида омбор топилади. Шу воқеадан сўнг шайх Ёсин ҳибсга олинади. Шайх Ёсин мазкур қуроллар Исроилга эмас балки ФОТ ҳаракатига қарши ишлатиш учун йиғилган эканлигини маълум қилади. Бир йилдан сўнг у озод қилинади ва ўз фаолиятини давом эттиради.

Исроил полицияси 1989 йилда Ҳамас етакчиси шайх Ёсинни ҳамда исён кўтарган ва қотилликлар қилган 250 та Ҳамас аъзоларини ҳибсга олади. Шайх Ёсин 1991 йил октябрь ойида умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинади. Бироқ 1997 йилда Исроил махсус хизмати Иорданияда Холид Машалга қарши суиқасд уюштирганда ҳибсга олинган иккита исроиллик агентлар кейинчалик шайх Ёсинга айирбошланади.

Фаластин мухторияти 1994 йилда тузилгач Ҳамас Фаластин қонунчилиқ кенгашининг биринчи бор ўтказган сайловларини инкор қилди. Фақатгина 2004 йилда Ёсир Арафотнинг ўлимида сўнг мухторият сиёсий ҳаётида фаол иштирок эта бошлади. Арафотнинг ўлимида сўнг ФОТнинг ҳудуддаги мавқеи кескин сустлашади Ҳамаснинг мавқеи эса мунтазам ошиб боради. Ҳамас

2005 йилдаги муниципал сайловларда кўплаб депутат ўринларини, жумладан, Ғазо, Каликия ва Ноблус шаҳарларида бошқарувни қўлга киритди.

Исроил ҳукумати 2007 йилнинг октябрь ойида Ғазо секторини душман ҳудуди деб эълон қилади ва маълум даражада иқтисодий босим ўтказиб, тизимли равишда электр энергиясини узиб қўяди. Миср ҳам ўз навбатида Ғазо блокадасини амалга оширади. Вақти-вақти билан Ғазо сектори аҳолиси Миср чегараларини бузиб ўтиш билан шуғулланади. Ғазо секторида ички сиёсий вазият беқарор бўлиб, у ерга ер ости туннеллари орқали қурол-яроғ ва портловчи моддалар олиб киритилади. Бир қатор давлатлар Ғазо секторига инсонпарварлик ёрдамларини ташкил қилган.

Ал-Қоида Ҳамасни Исроил билан ҳаддан ортиқ юмшоқ музокаралар олиб бориш ҳамда жиҳод тамойилларига тўлиқ амал қилмасликда айблайди. 2009 йил 14 августда Ал-Қоиданинг Ғазо секторидagi етакчиси ҳисобланган Абдуллатиф Мусо Ғазо сектори ислом амирлиги эканлигини, мазкур ҳудуд Ал-Қоидага тегишли эканлигини эълон қилади. Айбловлар ичида Ҳамаснинг дунёвий сиёсат олиб боришга ҳаракат қилаётганлиги, шариатга асосланган давлат қурилиши унинг эсидан чиққанлиги, Ал-Қоидага тегишли 120 минг долларлик қурол-яроғ Ҳамас томонидан мусодара қилинганлиги, ўзаро қонли тўқнашувларнинг келиб чиқаётганлиги уқтириб ўтилади. Мана шундай тўқнашувларнинг бирида Абдуллатиф Мусо ўзини ўзи портлатиб юборади.

Ҳамас қатъий тузулмага эга бўлиб, у ягона расмий етакчига эга эмас. Асос солинган кундан бошлаб шайх Аҳмад Ёсин 17 йил давомида, то 2004 йилда ҳалок бўлгунига қадар, ташкилотни бошқарган. Аҳмад Ёсин 1991 йилдан 1997 йилгача ҳибсда бўлганлиги сабабли доктор Абдулазиз Рантисий бошчилик қилди, бироқ у ке йинчалик ўлдирилди. Ҳозирги вақтда Ҳамас етакчилиги унинг сиёсий буюросига тегишли бўлиб, у бошқарув органи вазифасини бажармайди. Балки, ташқи алоқалар департаменти вазифасини бажаради. Дастлаб сиёсий буюрони Мусо Абумарзуқ, 1996 йилдан бошлаб эса, Холид Машал бошқариб келган. Иккови ҳам Дамашқда муҳожирликда яшади.

Фаластин ҳудудида Ҳамасдаги энг катта лавозимни эгаллаган шахс Маҳмуд аз-Заҳардир. Ғазо секторидa эса 2005 йилдаги вилоят

сайловларида ғолиб чиққан Исмоил Ҳония етакчи ҳисобланади. 2006 йилдаги парламент сайловларида Исмоил Ҳония сайланиш рўйхатининг биринчи ўрнidan жой олган. Маҳмуд аз-Заҳар эса фақат 9-ўринни эгаллаган. Сайловлардаги ғалабасидан кейин Исмоил Ҳония Фаластин мухториятининг бош вазири лавозимига кўтарилган.

Кузатувчилар ташкилотни уч асосий рақобатчи гуруҳларга бўладилар:

1. Холид Машал бошчилигидаги сиёсий мафкуравий гуруҳ бўлиб, Холид Машал Ҳамаснинг «Ижроия қўмитаси»га раҳбарлик қилади. Гуруҳ фаолияти ва раҳбариятини Мисрда «Мусулмон биродарлар», шунингдек, Қатар ва Туркия қўллаб-қувватлайдилар.

2. Бош вазир Исмоил Ҳония бошчилигидаги гуруҳ бўлиб, улар асосан ички муаммоларга эътибор қаратишади. Мисрда Муҳаммад Мурсий ҳокимияти ағдарилгандан сўнг, бу гуруҳ ўз ҳимоячиларидан айрилди, шунингдек, Эрон ва Сурия билан ҳам муносабатлари ёмонлашди.

3. Маҳмуд аз-Заҳар бошчилигидаги ҳамда Ҳамаснинг ҳарбий қаноти етакчиларидан иборат гуруҳ бўлиб, Эрон билан мустаҳкам алоқаларига эга.

Ҳамас таркибида Иззуддин ал-қассом бригадалари унинг ҳарбий қанотини ташкил этади. Ҳарбий қанот Абузакариё ал-Жамол каби ўз етакчиларига эга бўлиб, бевосита ҳарбий ҳаракатлар олиб боради. Ҳамаснинг ижроия кучлари Ғазо секторидаги полиция вазифасини бажарувчи махсус бўлим саналади. Шунингдек, асосан ҳомийлик билан шуғулланувчи махсус бўлинмалар бор. Улар фаластинлик муҳожирлар, Эрон, Саудия Арабистони ва бошқа араб мамалакатлари томонидан молиялаштирилади. Бир қисм маблағлар Ғарбий Европа ва Шимолий Америкадан ҳам келади.

Ҳамас ўз фаолияти давомида юзлаб террористик актларни ўтказган бўлиб, уларда минглаб бегуноҳ одамлар қурбон бўлган. 2004 йилда Ҳамас томонидан 555 та террористик акт, ҳарбий операциялар, ракета ва минамёт ҳужумлари амалга оширилган. Солиштириш учун шу йили «Ислом жиҳоди» гуруҳи 106 та, «Фатҳ»нинг ҳарбий қаноти бўлган «Танзим» эса 97 та террорчилик актларини амалга оширган. 2011 йилнинг 14

декабрда Ҳамаснинг ҳарбий қаноти ташкилот асос солинишининг 24 йиллигига бағишлаб сионист душманларга қарши курашда эришилган натижалар ҳақида ҳисобот материалларини чоп этади. Келтирилган маълумотларга қараганда, ташкилот фаолият олиб борган йиллар давомида 1117 та террористик ҳаракат амалга оширган бўлиб, улардан 87 таси ўз жонига қасд қилиш орқали амалга оширилган.

Ҳамаснинг жамиятдаги мавқеининг ошишига Ғазо секторидан Исроил қўшинларининг 2005 йилда олиб чиқиб кетилиши сабаб бўлди. 2006 йил февраль ойида Фаластин қонунчилик кенгашига ўтказилган сайловларда Ҳамас ҳаракати 133 та ўриндан 73 тасига эга бўлди. Бир ойдан сўнг Ҳамас томонидан тузилган Исмоил Ҳония бошчилигидаги ҳокимият қасамёд келтирди. Ўша ойнинг ўзида Холид Машал бошчилигидаги Ҳамас делегацияси Владимир Путин таклифига кўра Москвага ташриф буюради. Бу ҳолат террористик ташкилот сифатида танилган ташкилотнинг тан олинишига бўлган илк қадам сифатида баҳоланди.

Ал-Қоида: Ал-Қоида (пойдевор) — ислом ниқобидаги, ўта радикал халқаро террорчилик ташкилоти. Унинг фаолияти сохта салафийлик ғояларига асосланган бўлиб, дунёвий давлатни ағдарिश ҳамда халифаликни қайта тиклашни бош мақсад қилган. Бу ташкилот Покистондаги «Мақтаб ал-хидмат» муассасаси кўмаги билан Усома бин Лодин томонидан 1988 йили тузилган. Ташкилот XX асрнинг 80-йилларида Афғонистонда собиқ шўролар қўшинларига қарши курашга тайёр бўлган кўнгиллиларни ёллаш ва уларни қурол-аслаҳа билан таъминлаш мақсади билан шакллантирилган. Ўша даврда кўпчилик араб давлатлари, хусусан, Ғарб давлатлари, жумладан АҚШ ал-Қоидани маблағ билан таъминлашда фаол иштирок этган. Кейинчалик Совет қўшинлари Афғонистондан чиқиб кетгач, ал-Қоида фаолиятида туб ўзгариш вужудга келган, унинг саъй-ҳаракатлари Ғарб давлатлари, хусусан, АҚШга қарши йўналтирилган.

1998 йил февраль ойида ал-Қоида етакчилигида «ал-Жамоа ал-исломия», «ал-Жиход» (Миср), «Жамоати уламои Покистон», «Кашмир қўзғолончи ҳаракати», «Жиход» (Бангладеш) ва «Толибон» ҳаракати вакиллари иштирокида «Яҳудий ва

салбчиларга қарши халқаро ислом fronti» уюшмаси тузилади. Шундан сўнг ислом фронтга кирган ташкилотлар фаолияти Усома бин Лодин раислик қилган олий орган – «Мажлис ал-шўро» томонидан ривожлантирилди. Усома бин Лодин айнан мана шу уюшманинг олий органи бўлмиш «Мажлис ал-шўро» номидан Ғарб давлатларига жиҳод эълон қилди.

Шундан сўнг, жуда кўплаб фожиали террорчилик ҳаракатлари содир этилди. Жумладан, 1998 йил 25 июнда ал-Қоида Саудиянинг Дахрон шаҳрида амалга оширган портлаш натижасида 19 киши ҳалок бўлиб, 300 дан ортиқ киши жароҳатланди. Шу йилнинг 7 августидан жангарилар бир вақтнинг ўзидан Танзания ва Кениядаги АҚШ элчихоналари олдида машиналарни портлатиши оқибатида 242 киши ҳалок бўлди ва 5000 га яқин одам шикастланди.

2001 йил 11 сентябрда Нью-Йорк, Бостон ва Вашингтон шаҳарларидан учган тўртта самолёт ал-Қоиданинг 18та террорчиси томонидан эгаллаб олинди, иккитаси Нью-Йоркдаги халқаро савдо маркази жойлашган «Эгизак» биноларга, биттаси эса АҚШ қуролли кучлари штаби – Пентагонга йўналтирилиб, бинолар портлатилди. Яна бир самолёт Пенсильвания штатидаги Шанксвилл туманига қулаб тушди.

Ал-Қоида жангарилари Афғонистон, Сомали, Босния ва Герцеговина, Кашмир, Шимолий Кавказ, Косово, Марказий Осиё, Покистон ва Ироқ ҳудудларида террорчилик ҳаракатларини амалга оширди. Шу кунларда ҳам дунёнинг турли минтақаларида қўпоровчилик ҳаракатларини амалга ошириб келмоқда. Шунингдек, ал-Қоида турли бузғунчи, фанатик ва террорчилик экстремистик гуруҳларнинг муассиси, дунё бўйлаб қўпоровчилик ишларнинг молиялаштирувчиси ва ташаббускори экани ҳаммага маълум бўлди.

Ал-Қоида глобал фаолият юритаётган экстремистик ташкилотларнинг ўзига хос «мяси», яъни ташкилий маркази ҳисобланади. Ал-Қоида «Террорист №1» номини олган. Ал-Қоида дунё бўйича трансмиллий террорчилик тизимининг бош маркази, қуролли тўқнашувлар, террорчилик амалиётларини молиялаштириш, режалаштириш ҳамда бевосита амалга ошириш ишларига бошчилик қилувчи административ ва интеллектуал аппарат

саналади. «Ўргимчак уяси» номини олган ушбу ташкилот экстремистик ташкилотларни моделлаштириш билан шуғулланадиган малакали мутахассис ва жангариларни тайёрлаб, етказиб беради.

Мазкур террорчи ташкилот ғаразли мақсади йўлида ёш гўдаклардан иборат «Туйур ал-жанна» (жаннат қушлари) ва аёллардан ташкил топган «Ҳарим ал-Қоида» (ал-Қоида аёллари) гуруҳларини ғаразли мақсадларда ташкил қилиб, улардан террорчилик актларини амалга оширишда фойдаланади. Шунингдек, улар ёшларни баъзи хориж мамлакатларида жойлашган террорчилар лагерларига олиб бориб, ўз ота-онаси, оиласи, халқи ва Ватанига қарши қурол кўтарадиган манқуртларга, яъни қўпоровчилик ҳарбий тайёргарлигидан ўтган зобитларга айлантирмоқда.

Афғонистонда 2001 йилда ўтказилган аксилтеррор ҳаракати натижасида ал-Қоида жиддий талафот кўрган бўлса-да, у ўз фаолиятини янги шароитларга мослаштиришга эришди. Жумладан, Покистоннинг шимоли-ғарбий минтақаси ва Кашмирдаги баланд тоғли ҳудудларга ўз кучларини кўчирди. Ал-Қоида ташкилоти сезиларли даражада парчаланган ва кучсизланган бўлишига қарамай, ҳали ҳам хавф кўрсатиш имкониятини сақлаб келмоқда.

Ал-Қоида ташкилоти ўз аъзолари сафини ёшлар ҳисобидан кенгайтиришга уринаётгани барчани сергакликка, огоҳликка чақирадиган ҳолат саналади. Террорчиларга тегишли интернет саҳифаларида болаларга худкушлик амалиётини тарғиб этувчи махсус мультфильм яратилгани ва уни глобал тармоқ орқали тарқатилиши маълум қилинган. Фильмдан кўзланган асосий мақсад ёшларда террорчилар талқинидаги жиход ҳаракатларига нисбатан мойиллик туғдириш ва яқин келажакда ўз сафларини айна ана шу ёшлар ҳисобидан тўлдиришдир. Шунингдек, ал-Қоида ташкилотига тааллуқли бўлган веб саҳифаларнинг бирида фойдаланувчиларга юклаб олиш учун қизиқарли журнал таклиф этилган бўлиб, унинг саҳифаларидан оддий ошхона шароитида қўлбола бомба тайёрлашни ўргатувчи кўрсатмалар жой олган. Бундай қўлланмалар видео, аудио ва китоб шаклида интернетга жойлаштирилади. Мисол учун, ал-Қоида ўз сафдошларига

мўлжалланган 1000 бетдан ошиқ «Жиход энциклопедияси»ни интернет орқали тарқатган.

Эндиликда, ал-Қоида ўз тарғиботининг аксариятини интернет орқали амалга оширмоқда. Бунинг сабаби интернетга киришнинг осонлиги, фойдаланувчилар сони кўплиги, кетадиган сарф-харажатнинг камлиги ва қисқа вақтда дунёнинг барча жойларига ўзларининг ғаразли мақсадларини тарқатиш имкониятининг мавжудлигидир.

Бундай сайтлар 10 йил аввал юзга яқин бўлса, ҳозирги кунга келиб уларнинг сони 7000 дан ошиб кетган. Террорчилар интернетдан қуйидаги мақсадларда фойдаланишади:

- психологик кураш;
- тарғибот-ташвиқот;
- хайрия жамғариш;
- янги аъзоларни жалб қилиш;
- ўқув-малака ошириш;
- тармоқ ва шохобчалар ташкил этиш;
- разведка ва маълумот қидириш;
- янги террористик ҳаракатларни режалаштириш ва бошқариш.

Манбаларда ал-Қоида ташкилоти даромад орттириш мақсадида босқинчилик, товон ундириш, буюртма асосида қотиллик қилиш, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдоси, қимматбаҳо металл ва тошлар контрабандаси, сохта пул ва қимматли қоғозлар ишлаб чиқиш каби жиноий усуллардан ҳам кенг кўламда фойдаланади.

Ал-Қоиданинг молиявий қудрати асосини гиёҳванд моддалар савдоси ташкил этади. Ал-Қоида етакчилари турли террорчи ва эстремистик гуруҳларга «энагалик» вазифасини ўтайди, уларга беминнат молиявий кўмак беради, наркотраффик ва наркобизнес билан, қурол-яроғ савдоси билан шуғуллаанади. Ал-Қоиданинг оммавий қирғин келтирадиган кимёвий ва биологик ўта хавфли қуролларига ҳам эгалиги маълум.

Ал-Қоиданинг ҳарбий лагерлари Афғонистон, Покистон, Сомали, Яман, Бангладешнинг тоғли ҳудудларида жойлашган. Ташкилотнинг яширин ва махфий фаолият олиб борувчи гуруҳлари 88 та мамлакат ҳудудида зимдан фаолият юритади,

жангариларининг умумий сони эса 7000 тани ташкил этади. Ал-Қоида асосчиси Усома бин Лодин 2011 йил Покистонда АҚШ нинг махсус операцияси асосида ўлдирилганидан сўнг, Айман ал-Завоҳирий ўз зиммасига ташкилот етакчилигини олган.

Ал-Қоида ёки бошқа ҳар қандай бузғунчилар томонидан содир этилган террорни динимиз бутунлай қоралайди. Биринчидан, улар исломнинг энг улуғ ғояси бўлмиш тинчликка қарши чиқмоқда. Ислом тинчлик демакдир. Кишилар бир-бирлари билан ушбу сўз орқали саломлашади, намозда айтиладиган охирги калом, Аллоҳнинг исмларидан бири, Жаннат номларидан бири ҳам «ас-Салом»дир. Иккинчидан, Қуръони карим ҳар бир инсонга эътиқод эркинлигини кафолатлайди: **«Сизларнинг динингиз ўзларингиз учун, менинг диним ўзим учундир»** (Кофирун, 6). Учинчидан, эътиқодни ёйишда зўрлик тақиқланган. Бу ҳақда Қуръонда: **«Динда зўрлаш йўқ»** (Бақара, 256), дейилган. Тўртинчидан, бундай ғаламисларнинг бирортаси ислом билим юртларида таълим олмаган. Улар носоғлом муҳитнинг меваси бўлиб, уларга ислом таълимотлари бузиб тушунтирилган. Шунингдек, уларнинг асл мақсади сиёсий мақсад бўлиб, турли давлатларда иш олиб бораётган лигетив ҳукуматларни ағдаришга йўналтирилгандир.

Бундай жирканч ишлар оқибатида ёш болалар, аёллар ва тинч аҳоли жабр тортмоқда. Маълумки, жангда уришмаётган кишини ўлдириш жоиз эмас. Шундай экан, мусулмонни ўлдириш қандай жоиз бўлсин? Ҳадиси шарифда: **«Аллоҳнинг наздида дунёнинг йўқ бўлиб кетиши бир мусулмон кишининг ноҳақ ўлдирилишидан кўра енгилроқдир»**, – деб айтилган. Шунингдек, ҳукуматга қарашли муассасаларни хароб қилиш ҳам аслида халқ мулкини барбод қилиш, демакдир.

«Ал-Ирҳоб» (террор) сўзи қўрқитиш маъносини англатади. Банда Аллоҳдангина қўрқиши лозим. Қуръони каримда: **«...Мендангина қўрқингиз!»** (Бақара, 40), деб таъкидлаган. Маълум бир сабабсиз инсонга қўрқитиш ёки зулм қилиш ҳаром. Негаки, Ислом адоват ва хужумни биринчи бошламайди, ўзини хатарга қўйишдан кўра, муаммони тинч йўл билан ҳал қилишни афзал ҳисоблайди.

Қўлларига қурол олиб террорчилик қилиб, инсонларни қўрқитиш ҳақида Пайғамбар (с.а.в.) бундай деганлар: «*Бирон тангиз, зинҳор ўз дўстига қурол билан ўқталмасин, чунки, у билмайдики, шайтон унинг қўлини буриб юбориши мумкин (мусулмонга қарата оттириши мумкин). Оқибатда эса у одам дўзах чоҳига қулайди*».

Ислом бешта мақсадни кўзда тутуди. Яъни, инсон ҳаётини, ақлини, динини, наслини, мол-мулкни муҳофаза қилиш. Террор эса ушбу мақсадларнинг барчасига қарши қаратилган фаолиятдир.

Одамларнинг тинчлигини бузиб, қўрқувга солиш, уларни ноҳақ ўлдириш, вайронагарчилик билан шуғулланиш инсонийлик тамойилига зид, дин арконларида тақиқланган ишлардан эканини билиш учун юқоридаги далиллар кифоя қилади.

Ислом лашкарлари: Наманганлик Тоҳир Йўлдошев ХХ асрнинг тўқсонинчи йиллари бошида «Ислом лашкарлари» деб номланган норасмий диний-экстремистик ташкилотга асос солган. Бу ташкилот аъзолари «вахҳобийлар»нинг қарашларини қўллаб-қувватлаганлар. Улар ўта мутаассиб ва террорчилик хусусиятига эга бўлган экстремистлар саналади. Ўша пайт «Адолат» ҳаракати фаоллари дружиналар тузиб, кечки пайт ўз маҳалласидан ташқарида юрган эркак-аёлларни тўхтатди, ичкиликка қарши кураш учун айбдорларни масжид олдида устунларга боғлаб қўйишди. Улар ўзларини гўёки «халоскор» қилиб кўрсатиб, исломни кенг ёйиш орқали турмуш тарзини ўзгартирамиз «адолатли» тузум фақат шарият ўрнатилсагина таъмин этилади деб даъво қилганлар.

Уларнинг Ўзбекистон давлати ҳудудида содир этган қатор ўта оғир жиноятлари фош этилган. Жиноий уюшма аъзоларининг кўпчилиги жазоланган, Ўзбекистон ҳудудидаги фаолияти тугатилган. Аммо ташкилот раҳбарлари чет давлатларга чиқиб кетган. «Ислом лашкарлари» ҳам ноқонуний йўллар билан ҳокимиятни эгаллаш, давлат ва жамиятни исломлаштириш каби ғояларни илгари сурганлар.

Адолат уюшмаси: Наманган вилоятида 1991 йилнинг бошида фаолият кўрсата бошлаган. Ташкилотга ўша пайтда Наманган шаҳрида яшаган Ҳаким Сотимов раҳбарлик қилган. Наманган вилоятидаги динга эътиқод қилувчи қишлоқ аҳолисини ўзига

жалб қилиб, уларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимларига қарши қилиб қўйган. Турли-туман ноқонуний ҳаракатларни содир этиб, мавжуд конституциявий тузумни ағдариш ва исломлаштириш сиёсатини амалга ошириш илинжида юрган. Бу ташкилотнинг жиноятлари фош этилган ва у тугатилган.

Тавба: Мазкур экстремистик гуруҳ Фарғона водийсида фаолият кўрсатган. У аслида Боку шаҳрида ташкил этилган бўлиб, унинг тарафдорлари Ўзбекистонга четдан кириб келган. Улар ҳам «Ваҳҳобий» оқими тарафдорлари бўлган. Аҳоли орасида конституцион тузумга қарши кайфият уйғотиш, куч ишлатиб ҳокимиятни эгаллаш мақсадида жангариларни тайёрлаш, шу йўл билан террорчилик ҳаракатларини амалга ошириш каби ноқонуний ишлар улар фаолиятининг асосий мезони бўлган.

Тожикистон давлатидан келган жангарилар билан «тайёргарлик» машғулотлари олиб борилган. «Тавба»чилар Фарғона водийси ҳудудида босқинчилик, қасддан одам ўлдириш каби ўта оғир жиноятларни ҳам содир этганлар. Жиноят оқибатида қўлга киритилган маблағларни қурол-яроғ, наркотик моддаларни харид қилиш ва суд ҳукми билан жазоланган маҳкумларнинг оила аъзолари, чет давлатларда махсус лагерларда тайёргарликдан ўтаётган жиноятчи-жангарилар оила аъзоларининг моддий таъминотига сарф қилганлар.

Бу жинойий уюшма 1991 йилда Наманган шаҳрида «Отауллахон» масжидида қўним топган. Жинойий уюшма фаолиятини Абдували Йўлдошев, Исоқ Жабборов деган жиноятчилар йўналтириб турган. Бу уюшма таркибидаги жиноятчилар аниқланган ва кўпчилиги суд томонидан жазога тортилган. Экстремистик ва террорчилик ҳаракатининг фаол иштирокчиси Абдували Йўлдошев 1999 йилнинг ноябрида Қирғизистон давлати ҳудудини Тожикистондан бостириб кирган террорчилардан тозалаш жараёнида ўлдирилган.

Туркистон ислом ҳаракати: Таркибида минглаб жангарилар, ёлланган ажнабий жиноятчилар мавжуд. Ушбу ташкилот раҳбарлари халқаро террорчи ташкилотлар ҳисобланмиш «Ал-Қоида», «Толибон», «Ҳизбут-таҳрир», «Мусулмон биродарлар», Покистондаги «Ислом жамоаси», ХХР Уйғур автоном туманидаги

сепаратистик «Шарқий Туркистон ислом ҳаракати» ва бошқалар билан алоқа боғлаб, Афғонистон, Туркия, Саудия Арабистонида яширинча фаолият кўрсатаётган ташкилотларнинг маблағи ҳисобидан йилдан-йилга кенгайиб борган ҳамда 1997–2001 йиллар давомида мустақил Ўзбекистон Республикаси хавфсизлигига таҳдид солган.

Интернетдан олинган маълумотларда кўрсатилишича, «Туркистон ислом ҳаракати» раҳбарлари биринчи рақамли террорчи Усома бин Лоден билан учрашганида, уларга уч миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағ берилган. Бу ташкилот 1500 нафар қонхўр жангариларни тарбиялаган. Жиноятчилар энг янги қурол-яроғлар, жумладан, бир неча дона БМП ва БТР ракеталар, уриб туширишга мўлжалланган замонавий ўқотар қуролларига эга бўлган.

Уюшманинг аъзолари Афғонистон, Чеченистондаги жангарилар ҳарбий дала лагерларида, Ҳиндистоннинг Кашмир ва Яқин Шарқ давлатларидаги «ал-Қоида», «Ансорлар ҳаракати», «Ислом партияси», «Жиход ҳаракати», «Жамоат ат-таблиғ вад-даъва», Покистон давлати ҳудудидаги «Фави», «Саада», «Мирон-шоҳ», «Варсак» каби ҳарбийлаштирилган жойларда тайёргарлик кўрган. Ҳозирги кунда ҳам бу тўда дунёдаги энг хавфли террорчи жиноий уюшмалардан бири ҳисобланади.

Бу фирқа, яъни Туркистон ислом ҳаракати (собиқ Ўзбекистон ислом ҳаракати) 1996 йилда Наманган вилоятида вужудга келган. Унинг асосчилари Жума Ҳожиёв ва Тоҳир Йўлдошев бўлиб, ҳаракат таркибига 1992–93-йилларда Ўзбекистонда фаолиятига чек қўйилган «Ислом лашкарлари», «Адолат уюшмаси», «Ўзбекистон Ислом уйғониш партияси», «Одамийлик ва инсонпарварлик» каби диний экстремистик ташкилотларнинг фаол аъзолари кирган. Кейинчалик Тожикистондаги фуқаролар уруши даврида (1992–1997) Бирлашган тожик муҳолифати таркибида қатнашганлар ҳам Туркистон ислом ҳаракати (ТИҲ) сафига келиб кўшила бошлаган.

Ушбу террорчи ташкилотнинг шаклланишида Тоҳир Йўлдошев ва Жума Ҳожиёвнинг ҳиссалари катта. Тоҳир Йўлдошев 1967 йилда Наманган вилоятида туғилган. У 1991–1992 йилларда «салафий»ликнинг фаол тарафдори бўлган. Ана шу йилларда у

Ж.Хўжаев билан бирга «Тавба» гуруҳининг ташкилотчиларидан бири, сўнг унинг раҳбарига айланади. 1994–1997 йилларда бу ақидапараст гуруҳ бир қанча талончилик ҳужумларини амалга оширади, хусусан, ҳокимият вакиллари, ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар вакиллари ва бошқа фуқаролар ҳаётига суиқасд уюштиради. Кейинчалик Т.Йўлдошев ўзини собиқ «Ўзбекистон ислом ҳаракати»нинг амири деб эълон қилган. У Афғонистонда яшаб, бу мамлакат ва Чеченистондаги жангарилар тайёрлаш лагерларида таълим бериш, қўпоровчилик-террорчилик фаолиятига ёшларни тайёрлаш ишлари билан мунтазам шуғулланган.

Тоҳир Йўлдошевнинг разил шахс эканини содир этган қўпоровчилик ҳаракатлари исботлайди. Айниқса, 1999 йил 16майда Тожикистоннинг Гарм ва Хоит қишлоқларида амалга оширган қотиллиги очик гувоҳлик беради. Бунда Ж.Хўжаев гуруҳига кирувчи йигирма беш нафар ёшлар, қилмишларидан пушаймон бўлиб, она юртига қайтиб келаётганда, унинг буйруғига кўра ваҳшийларча саккиз нафари отиб ташлангани, қолган ўн еттитаси эса лагерга қайтарилиб бошларини таналаридан узиб, мусулмонларга хос бўлмаган тарзда тупроққа кўмишгани далил бўлади. Унинг 2009 йилда вафот этгани ҳақида маълумотлар бор. Ҳозир «Туркистон ислом ҳаракати»га Т.Юлдашевнинг куёви Усмон Одил етакчилик қилмоқда.

Жума Ҳожиев 1969 йилда Наманган вилоятида туғилган, ҳарбий хизматни Афғонистондаги совет қўшинлари таркибида ўтаган. Диний таълимни ашаддий мутаассиб Абдували Мирзаевдан олган. У 1991 йилдан бошлаб «салафий»ликни фаол қўллаб-қувватлайди ва Т.Йўлдошев билан бирга «Тавба» гуруҳини шакллантиради. Ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар томонидан фаолиятлари қаттиқ назоратга олингач, ўттиз кишидан иборат ҳамтовоқлари билан Тожикистоннинг Қўрғонтепа вилоятига ўтиб, тожик мухолифати томонида туриб фуқаролар урушида қатнашади. 1992 йили Афғонистонда ажнабий йўриқчилар раҳбарлигида махсус тайёгарликдан ўтгач, таркибида араб ва афғон жангарилари бўлган қуролли тузилмага қўмондонлик қилади. Сўнгра Тожикистондаги ёшлар, шу жумладан, Ўзбекистон

фуқароларини ҳам қўпоровчи-террорчилик амалиётига жалб этиш ишларига раҳбарлик қилади. У Тожикистоннинг Тавилдара тумани маҳаллий аҳолиси, айниқса, 1999 йилда Қирғизистон жанубида япон фуқароларини гаровга олганидан сўнг кенг жамоатчиликка танилди. Унинг 2001 йилда вафот этгани ҳақида маълумотлар бор.

Ҳаракатнинг асосий мақсади, Марказий Осиё минтақасида ягона ислом давлати – «Буюк ислом халифалиги»ни барпо этиш, бунда, аввало, минтақадаги етакчи давлатлардан бири бўлган Ўзбекистонда ички сиёсий барқарорликни турли террорчилик хуружлари содир этиш орқали издан чиқаришдан иборатдир. Шунингдек, ўз олдига «Буюк ислом халифалиги»ни қуриш, мазкур жараёнга Кавказ ва Россиянинг Волгабўйи республикаларини ҳам жалб қилишни кўзда тутган «Туркистон ислом ҳаракати» қатор халқаро экстремистик ва террорчи ташкилотлар бўлмиш «ал-Қоида», «Толибон», «ал-Жамоа ал-Исломия», «ал-Муҳожирун» тузилмалари билан бевосита алоқа ўрнатган. Ушбу террорчи ташкилот ўзининг асосий жанговар тузилмаларини Афғонистон, Покистон ва қатор бошқа мамлакатлар ҳудудида яширин жойлашиши, ушбу алоқаларни ўрнатиш ва мустаҳкамлашга қулай имконият яратган. Алоқалар хусусиятидан шуни очиқ айтиш мумкинки, «Туркистон ислом ҳаракати» ташкилий жиҳатдан шубҳасиз, «ал-Қоида»нинг таркибий бўлинмасига айланган.

Шунингдек, халқаро террорчи ташкилотлардан бўлмиш «Ихвонул-муслимин», «Ҳизбуллоҳ», «Лобнор йўлбарслари», «Ҳамас», «Толибон» кабиларни унинг ҳомийлари қаторига қўшиш мумкин. Хусусан, «ал-Жиход» тузилмаси 1998 йил бошларида Покистонда бўлиб ўтган қурултойда Марказий Осиёдан чиққан жангариларни қурол-яроғ, анжомлар ва пул билан таъминлашга мунтазам ёрдам бериши ҳақида эълон қилган. Буни «Даъватул-иршод» ва «Покистон ислом уламолари жамияти» қўллаб-қувватлаган.

«Толибон» ҳаракати Афғонистон ҳудудининг талайгина қисмини босиб олгач, «Туркистон ислом ҳаракати» етакчиларининг ҳам ҳомийсига айланди. Т.Йўлдошев 1997 йилдан «Толибон»ларнинг юқори мансабдор раҳбарияти вакиллари билан бир неча бор учрашган. Усома бин Лодин 1997 йил бошида Т.Йўлдошга Қундуз вилоятида Марказий Осиё давлатларидан келган

ислом жангариларини тайёрлаш бўйича янги ўқув маркази очишни таклиф қилган. Т.Йўлдошев 1998 йил баҳорида Саудия Арабистонида бўлган. Жидда, Макка, Мадина ва Тоиф шаҳарларидаги ўзбеклардан молиявий ёрдам олиш ва Саудия Арабистони Қироллигида доимий яшовчи ўзбек ёшларини ўз сафига тортиш мақсадини кўзлаган.

Шу билан бирга, «Ҳизби ҳаракати жиҳод», «Даъватул-иршод», «Покистон ислом уламолари жамияти» сингари ташкилотлар уларга террорчилик усулларини ўргатаётгани ҳамда мақсадли минтақага ташлаш учун махсус гуруҳлар тайёрлаганлиги маълум.

«Туркистон ислом ҳаракати» гуруҳлари (деярли 1000 киши атрофида) 1999 йил август ойида Тожикистон ҳудудидан Қирғизистоннинг жанубий туманларига бостириб киради. 2000 йилда эса, Афғонистон ҳудудидаги лагерларда ва Тожикистоннинг тоғли жойларида бир йил тайёргарлик кўриб, Ўзбекистоннинг Сариосиё ва Узун, Қирғизистоннинг Лайлак туманидаги ўтиш қийин бўлган тоғли жойларга бир вақтнинг ўзида бостириб киришди. Бундан «Туркистон ислом ҳаракати» жангарилари замонавий қуроллар билан таъминланган ҳолда замонавий информатик алоқа воситаларидан фойдаланишни, кичик ҳажмдаги, лекин катта портлаш, ўлдириш кучига эга бўлган портловчи мосламалар, тунда кўриш мосламаларидан ҳам фойдаланишди.

Ташқи кучларнинг бевосита раҳнамолигида Афғонистон ва Покистон давлатларининг расмий ҳукумати томонидан назорат қилинмайдиган ҳудудларида жойлашиб олган «Туркистон ислом ҳаракати», «Ҳизбут-таҳрир» ва унинг сўл оқими бўлган «Акримийлар» ўзаро тил бириктириб фитна уюштиришган. Қўшни Қирғизистон Республикасида ҳукм сураётган беқарор вазиятдан фойдаланиб, унинг ҳудудида террорчиларни тайёрлаш учун махсус полигон ва базаларни ташкил этиб, жиноий уюшма аъзоларини жанговар тайёргарликдан ўтказиш ҳамда олдиндан белгилаб олинган йўллар орқали Ўзбекистонга кириб келиш режалаштирилган. Махсус жанговар тайёргарлик ҳаракатлари чет элдан келган, асосан, чечен ва араб ҳарбий инструкторлари томонидан олиб борилган.

ТИХ террорчилик ҳаракатлари ва диний тарғибот олиб боришга мўлжалланган, ҳарбийлашган таркибий тузилишга эга. Шунинг учун ҳам ташкилот «Толибон», «ал-Қоида», чечен жангарилари билан яқиндан алоқада бўлиб, улар томонидан олиб борилаётган ҳарбий-қўпо рувчилик ҳаркатларида иштирок этган. Мазкур ҳаракат АҚШ, Россия, Марказий Осиё республикаларида террористик ташкилот сифатида қайд этилган.

Шунингдек, ТИХ фаолияти усуллари мунтазам равишда такомиллаштириб борилганини ҳам кузатиш мумкин. Масалан, 5–7 кишидан иборат кичик ҳалкалар (жамоат) тузиш, махфийликка қатъий амал қилиш, тарғибот ишларида миллий-маданий омилларга таянган ҳолда халқнинг ҳаёти ва фаолиятини қамраб олиш, «амри маъруфлар» мисолида ўзбек жамиятидаги маҳалла каби бошқаришнинг анъанавий механизмидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилишади.

2001 йилда Афғонистонда бошланган коалицион кучларнинг террорчиликка қарши олиб борган ҳарбий операцияларида ТИХнинг асосий базаси ва кучларига катта талафот етди. Шу билан бирга ТИХ етакчилари Ж.Ҳожиёвнинг ўлдирилиши ва Т.Йўлдошнинг яраланиши натижасида ТИХ алоҳида тарқоқ гуруҳларга бўлиниб кетди. Бироқ ҳаракат жангарилари Афғонистон ва Покистондаги «Толибон»лар сафида ўз фаолиятларини давом эттиришмоқда. Ўзбекистонга чегарадош бўлган Қирғизистон ва Тожикистон ҳудудида яширин ҳалқаларини ташкил этиш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, ТИХнинг турли давлатлардаги тарқоқ ҳолдаги гуруҳларини бирлаштирилиши кўзда тутилмоқда.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Туркия, Сурия, Саудия Арабистони Подшоҳлиги ва Миср ҳудудида ҳаракат сафига янги аъзоларни ёллаш ишлари фаол олиб борилмоқда. Ёлланган шахслар Покистон ҳудудидаги жангарилар тайёрлаш қароргоҳларида махсус ташкил этилган «Амали истишҳадия» («Шаҳидлар тайёрлаш») деб номланган курсда таълим олиб, Марказий Осиё минтақаси давлатларига жўнатилмоқда.

Жамоат ал-ансор: Жамоат ал-Ансор ёки Ҳаракат ал-Ансор исломий жангари ташкилот бўлиб, 1993 йилда Ҳаркат ал-жиход ал-исломия ва Ҳаракат ал-Мужоҳидин асосида ташкил топган.

Панадан чиқиб, қўққисдан қилинадиган ҳужумларини Ҳиндистон ҳудудида, асосан Жамму ва Кашмир штатларида амалга оширганлар. Вужудга келиши биланоқ, 1994 йили ташкилот аъзолари қўлга олинган ва раҳномоларини қатл қилинган. Унинг кўзга кўринган намояндаларини Сринагарда қўлга туширилган. 1997 йилда АҚШ томонидан террористик гуруҳлар рўйхатига киритилган.

Шарқий Туркистон ислом ҳаракати (ШТИХ): ШТИХ, Хитой Халқ Республикаси ҳудудида фаолият олиб бораётган сепаристик ва террористик ташкилот. Аслида расмий ҳокимиятга қарши курашувчи, ўзининг автоном ажралиб чиқиши таълимотини тарғиб қилишга асосланган уйғур ҳарбий-сиёсий тузилмадир. Унинг мақсади Шарқий Туркистонда мустақил ислом, яъни шариатга асосланган давлат ва ҳукумат тузиш, бутун Хитой халқини ислом миллатига айлантиришдан иборат. Шарқий Туркистон ислом ҳаракати Хўтандан чиққан иккита шахс томонидан 1993 йилда ташкил топган. 1997 йилда қайта тикланган ва ҳозирги кунгача шу кўринишда фаолият юритиб келмоқда.

«Толибонлар» ва «Ал-Қоида» гуруҳлари билан алоқаси борликда шубҳаланади. 2002 йилда Ҳасан Махсум буни инкор этган. БМТ, Европа иттифоқи, ХХР, АҚШнинг давлат департаменти, Қозоғистон, Қирғизистон ва Афғонистон «Шарқий Туркистон ислом ҳаракати»ни террористик ташкилот деб тан олади. Бунга сабаб, ташкилотнинг турли халқаро можароларда фаол равишда террористик гуруҳлар томонини олишида намоён бўлади. Масалан, Шарқий Туркистон мустақиллиги учун курашда – Синьцзян-Уйғур автоном тумани ҳудудида ХХРга қарши партизанлар урушида иштирок этган. Афғонистондаги фуқаролар уруши (1992–2001)да толибонлар тарафини олган. Афғонистонда 2001 йилдан кейинги жанглarda толибонлар томонида бўлган. Вазиристон урушида Вазиристон тарафда бўлган.

Шарқий Туркистон ислом ҳаракати 200 дан ортиқ террористик актларни ўз бўйнига олган. Урумчида 1998 йилнинг 23 майида темирйўл станцияси омборини портлатилган. Урумчида 1999 йилнинг 4 феврилида 247000 юан ўғирланган. Хўтанда 1999 йилнинг 25 мартада портлаш орқали террористик акт уюштирган.

Ташкилот Хитой ҳукуматининг полицияси ва махсус тузулмалари билан қуролли тўқнашувларга кирган. Масалан, Синьхе уездида 1999 йилнинг 18 июнида хитой полициясининг махсус конттеррористик операцияси ўтказилган ва қуролли тўқнашув юз берган. 2006 йилнинг 6 январида Акто уездида уруш, яъни хитой полициясининг конттеррористик операцияси ўтказилган. 2008 йилда таркиби асосан уйғурлардан иборат кўзғолон кўтарилган. 2008 йил 4 августда, 2012 йил 28 февралда Қашғарда террористик акт уюштирилган. 2010 йил 19 августда Аксудаги террористик акт ўтказилган. 2011 йил 18 июлда Хўтанда давлат органларига ҳужум уюштирилган. 2011 йил 30–31 июлда Қашғарда террористик акт ташкил қилинган. 2001 йил 28 декабрда Гумада таровдагиларни қўлга олиш акти ўтказилган.

Пекинда содир этилган террористик актда ҳам Шарқий Туркистон ислом ҳаракати айбланади, ундан кейин 50 нафар уйғур қўлга олинган. Пекиндаги Тяньаньмэнь ҳудудидаги терактни уюштириш ва амалга ошириш учун 40 минг юан (6,5 минг доллар) сарф қилинган. Agence France-Presse томонидан хабар берилишича, терактга тайёргарлик 2013 йил сентябрда бошланган. Октябрнинг ўрталарида Пекинда ўзи билан тибет пичоқлари ва 400 литр бензин олган 8 нафар террористдан иборат гуруҳ пойтахтга етиб келган. Террористлар Пекиннинг ғарбидаги меҳмонхоналардан бирида тўхтаган. Бевосита, терактдан олдин улардан 5 таси Урумчига қайтган, Пекинда 3 та бевосита ижрочи қолган. 28 октябрда терактнинг 3 та ижрочиси ўтирган автомашинаси Тяньаньмэнь ҳудудидаги туристлар жамоасига ёриб кириб, портлатилган ва ён-атрофдаги кимсалар ёниб ҳалок бўлган.

Тяньаньмэнь ҳудудида содир бўлган воқеадан бир қанча вақт ўтмай Хитой ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари исломни тарғибот қилаётган уйғур – туркий халқ вакиллари яшаётган Синьцзян-Уйғур автоном туманида истиқомат қилувчи аҳоли ўртасида можарога алоқаси бор гумон қилинаётган инсонларни қидиришни бошлаган. Кейинроқ эса Пекиндаги терактга алоқаси борликда гумон қилинган уйғур фамилия ва исмлик 5 нафар одам қўлга олингани хабар қилинди. Кейинчалик 50 дан ортиқ айнан автоном туман аҳолиси қўлга олинган.

2013 йил 1 ноябрда ХКП МҚ комиссиясининг сиёсий-ҳуқуқий ишлари бўйича секретари Мен Цзяньчжу Тошкентга қилган ташрифида ҳеч қандай тафсилотларсиз Тяньаньмэнь ҳудудидаги терактнинг «буюртмачилари» деб шарқий Туркистон ислом ҳаракати эканлигини эълон қилди.

Синьцзяндаги уйғур автоном туманида хитой ҳукумати ҳамда уйғур миллатига мансуб аҳоли ўртасида тез-тез тўқнашувлар юз беради. Уйғурлар Хитой ҳукуматини миллий анъаналарига ҳурматсизлик ҳамда улар маданиятига таъсир ўтказишга қаратилган ҳаракатларда айблайдилар. Хитой ҳукумати ўз навбатида уйғурларни жамоат хавфсизлигини бузишда ҳамда сепаратизмда айблайдилар.

Шарқий Туркистон ислом ҳаракати 2002 йили «ал-Қоида» ташкилоти, Усама бин Лоден ҳамда толибонлар, шунингдек, Туркистон ислом ҳаракати билан алоқаси бор ташкилотлар сафига киритилган. Ташкилот ал-Қоида билан молиявий алоқага эга. Моддий таъминотнинг асосий қисми Усома бин Лоден ҳамда ал-Қоидадан келган. Шарқий Туркистон ислом ҳаракатини молиялаштириш, террористик акт ва ҳаракатларни режалаштириш ва амалга оширишга кўмаклашиш ал-Қоиданинг иш йўналишларидан бири бўлган. ШТИХ ал-Қоида билан ҳамкорликда ишлашда айбланади. Улар ал-Қоида билан унинг номидан, унинг номи остида, унинг кўмагида ва унга кўмаклашган ҳолда фаолият олиб боришда шубҳаланадилар.

ШТИХ ташкилотига Покистон ҳарбийлари томонидан 2003 йилнинг октябрь ойида ўлдирилган Хитойнинг Синьцзян туманилик Ҳасан Махсум асос солган. Ҳозирда ташкилотнинг раҳбари Абдул Ҳақ бўлиб, у 2005 йилдаги маълумотларига кўра ал-Қоиданинг Шўро Кенгаши аъзоси бўлган.

ШТИХ ташкилоти 2007 йилнинг январь ойдан ўзининг фаолиятини «Толибон» ва «ал-Қоида» ташкилотлари ёрдамида жонлантиришга эришади. Ташкилот сафида уйғурлардан ташқари бошқа миллат вакиллари ҳам мавжуд.

Ҳозирги вақтда ШТИХ Жанубий Осиё, Марказий Осиё ва Хитойнинг Уйғур автоном туманида жадал фаолият юритиб келмоқда. Охирги йилларда ШТИХ Хитой ҳудудидан ташқарида террористларни ҳамда террористик актларни тайёрлаш мақсадида

махсус базалар ташкил қилинган. Ташкилот ўз аъзоларини Хитой ҳудудида автобуслар, кинотеатр, универмаг, бозор ҳамда меҳмонхоналарни портлатиш билан кечадиган террористик актларни амалга ошириш учун жўнатади. Бундан ташқари ШТИХ ташкилоти жангарилари Хитойдан ташқарида яшовчи хитой миллатига мансуб кишиларни ўлдириш, уларни ва уларга мансуб бўлган мол-мулкни ёқиб юбориш каби тажовуз ва террористик хужумларни содир этишда айбланадилар.

ШТИХ ташкилоти 2007 йилда ўзининг эътиборли аъзоларидан бир нечасини Хитойда террористларни тайёрлаш лагерини ташкиллаштириш учун тайёрлайди. 2007 йилнинг 5 январида полиция томонидан уларни қўлга олиш жараёнида полиция қуролли қаршилиққа дуч келади. Бир неча ташкилот аъзолари қўлга олинади, кўп сонли портловчи моддалар ва уларни тайёрлаш қўлланмалари қўлга туширилади. Бундан ташқари 2007 йилда ташкилот ўз тарафдорларининг сонини кўпайтириш мақсадида Хитойга даъватчиларини жўната бошлади. 2008 йил январида Хитой полицияси террористик бўлинмаларнинг бирини ҳамда унинг раҳнамосини қўлга олади. Бу жараёнда ташкилот аъзоларининг бир неча махфий жойлари аниқланди.

ШТИХ ташкилоти чет эл мухбирлари, спортсменлар ва туристларни ўғирлаш ҳамда шу орқали ўз ғояларини жаҳон бўйлаб кенг тарғиб этишда фойдаланадилар. Шунингдек, қўпоровчилик, инсон ўғирлаш, зўравонлик, қурол-аслаҳа билан савдо қилиш, наркотик моддаларини тарқатиш ишлари билан шуғулланадилар.

2008 йилнинг январь ойида Абул Ҳақ ШТИХ ташкилоти ҳарбий қўмондонига Хитой шаҳарларига хужум зарурлигини маълум қилади. Асосан Хитойда бўлиб ўтган Бутун жаҳон ёзги олимпиада ўйингоҳлари жойлашган 8 та шаҳарга хужум қилишни буюради. Абул Ҳақ террористик актларни содир этиш билан Хитой ёзги олимпияда ойинларини ўтказишни бузишни режалаштиришган.

ШТИХ ташкилоти АҚШга қарши, хусусан, Қирғизистоннинг Бишкек шаҳридаги АҚШнинг элчихонасига хужум қилишни режалаштирганлари ҳақида далиллар мавжуд. 2002 йил 22 майда ташкилот аъзолари деб гумон қилинган 2 шахсни қўпоровчиликни режалаштиришда айлаб Хитойга депортация қилиб юборилган. Қирғизистон ҳукуматининг хабар беришича, мазкур 2 шахс

Бишкекдаги элчихоналар, савдо марказлари, бозор, умуман одамлар гавжум бўлган жойларда қўпоровчилик ишларини содир этишни режалаштиришган. Тайёргарлик кўрган ШТИХ жангариларни Афғонистон, Чеченистон, Кашмир ва Хитой каби мамлакатларга террористик актларни ва бошқа куч ишлатиш актларни содир этиш учун жўнатилади. Бундан ташқари ташкилот ўз жангариларини Қирғизистон ва Қозоғистон орқали айланма ноқонуний йўллар билан Хитойга олиб кириш фаолиятини амалга оширади.

Бахшиллочилар: Ғайриисломий моҳиятга эга Бахшиллочилар жамоасига Бухоро вилоятида туғилган Алиев Бахшилло Козимович томонидан 1997 йилда асос солинган. Жамоа аъзоларининг аксарияти Бухоро шаҳри ва Когон туманида истиқомат қилган.

Бахшиллочилар ўзларини мусулмон эканликларини даъво қилсалар-да, аслида уларнинг диний-ақидавий қарашлари асл Ислом таълимотига буткул зид келади. Бунга Бахшилло Алиевнинг Маҳдий келиши, пайғамбарлик, ҳаж, намоз каби ақидавий масалаларга муносабати далил бўла олади.

Жумладан, Ислом таълимотида қиёматга яқин инсонларни яхшиликка чорловчи, уларни ягона ҳақ дин байроғи остида бирлаштирувчи «Маҳдий»нинг келиши ҳақида қарашлар мавжуд. Суннийлик ақидасига кўра, Маҳдийнинг қачон ва қаерда пайдо бўлишини фақат Аллоҳ гаоло билади. Ҳадисларда Маҳдийнинг имом Ҳасан авлодидан бўлиши ва у Расулуллоҳ (с.а.в.) суннатларига амал қилиши қайд этилган. Бироқ Бахшилло Алиев ақида ва ҳадисларни назар-писанд қилмай, асоссиз равишда ўзини мусулмонлар томонидан охирзамон арафасида пайдо бўлишига ишониладиган Маҳдий деб эълон қилган. Таъкидлаш жоизки, ақидага риоя этмаган ва ҳадисларни инкор этган кимсалар ислом таълимотига кўра, диндан чиқадилар.

Бундан ташқари, Бахшилло Алиев пайғамбарликни ҳам даъво қилиб, Исломнинг бу борадаги ақидасига зид ғояни илгари сурган. У ён-атрофдагиларга ўзини пайғамбар, турмуш ўртоғи Моҳира Алиевани «мусулмонлар онаси», фарзандлари Олим ва Фахриддинни «мусулмонлар амири», яқин издошларини «саҳобийлар», деб эълон қилган.

Маълумки, Қуръони каримда Муҳаммад (а.с.)нинг сўнгги пайғамбар экани ҳақида аниқ кўрсатмалар мавжуд. Умуман, бу масала ислом этикодининг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Қуръони каримда шундай марҳамат қилинган: **«Муҳаммад сизларнинг эркакларингиздан бирортасига ота эмасдир, балки у Аллоҳнинг элчиси ва пайғамбарларнинг муҳридир. Аллоҳ барча нарсани билувчи зотдир»** (Аҳзоб, 40), деган оятига мутлақо зиддир. Шайх Абдулазиз Мансур ушбу оятнинг тафсирида шундай дейди: *Аллоҳ таоло Муҳаммад (а.с.) ни «Пайғамбарларнинг муҳри» деб атади. Зеро, ҳар бир муҳим ёзма ҳужжат охирида муҳр босилгани каби охириги пайғамбар келгач, пайғамбарлар китобига ҳам муҳр босилгандек бўлди.*

Абу Ҳозимнинг Абу Хурайрадан ривоят қилган ҳадисда эса Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг шундай деганлари айтилади: *«Бани Исроилни пайғамбарлар бошқарарди. Бирор пайғамбар ҳалок бўлса, ўрнига бошқаси келарди. Мендан кейин эса пайғамбар йўқдир, фақат ҳукмдорлар бўлади».*

Ислом уламолари пайғамбарлик тугаганига ижмоъ қилган. Умуман, ислом таълимотига кўра, Муҳаммад (с.а.в.)дан сўнг ўзини пайғамбар, деб эълон қилган киши каззоб, дажжол ёки мажнун ҳисобланади.

Бахшилло Алиев 1990 йилларнинг охирида аҳоли ичида диний ва миллий асосда низо келтириб чиқаришга қаратилган жиноий хатти-ҳаракатлар содир этгани ва ноқонуний тарзда ўқотар қурол сақлагани учун қамоқ жазосига тортилган. У 2006 йили озодликка чиққач, Россия Федерациясига доимий яшаш учун кўчиб кетган. Лекин ўзга юртда ҳам ушбу фирибгар ўзининг сохта иддаоларидан воз кечмай, Бухоро шаҳридаги маслакдошлари орқали «Бахшиллочилар» жамоаси ғояларини фуқароларимиз ичида тарқатишга уриниб келмоқда. Бунинг устига Бахшилло Алиев яна бир сохта даъво билан чиқмоқда. Гўёки, уни зиёрат этган шахс ҳаж амалини бажарган одамнинг савобини олар эмиш.

Таъкидлаш жоизки, ҳаж Исломнинг бешта арконидан бири бўлиб, Қуръони каримда: **«Унда аниқ аломатлар – «Мақоми Иброҳим бордир. Унга (Каъбага) кирган киши омонда бўлур. Йўлга қодир бўлган одамлар зиммасида Аллоҳ учун Байтни ҳаж қилиш (фарзи) бордир. Кимда-ким (буни) инкор қилса,**

бас, албатта Аллоҳ оламларидан беҳожатдир» (Оли Имрон, 97), дейилган. Шунингдек, ҳадиси шарифда: «**Ҳаж – бу Арафотдир**», дейилган. (Имом Бухорий ривояти). Яъни, Арафот водийсида туриб ўтмоқ ҳажнинг энг асосий рукнидир. Ҳаж амали замон жиҳатидан зулҳижжа ойининг ўнинчи кунидан амалга оширилиши ва макон жиҳатидан Байтуллоҳ ҳамда Арафот водийсига хос этиб қўйилган. Қайд этилганлар динимизнинг ҳаж борасидаги кўрсатмаларини ўзининг тутуриқсиз даъволари билан рад этаётган Бахшилло ислом таълимотидан йироқ кимса эканини яна бир бор исботлайди.

Бахшилло Алиевнинг иддаосига кўра, намоз гўёки бир кеча-кундузга уч маҳал фарз қилингани, ўзининг издошлари орасида ўзига эргашганларга қиёматда савол-жавоб йўқлиги, улар қандай ҳолатда вафот этишдан қатъи назар, уларга шаҳидлик мақоми берилиши, ҳатто, барча эркак маслакдошларига пайғамбарлик даражаси берилиши ҳақида даъволар қилмоқда. Шариатга кўра, бундай ботил ғояларни тарқатиш ширк амал ҳисобланиб, мазкур кимса кофир ҳисобланади.

Мужтахид аждодимиз имом Насафий ўзининг «Мадорик ат-танзил ва ҳақоиқ ат-таъвил» китобида фарз қилинган намоз беш вақт эканига: «**Бас, тунга кириш пайтингизда ҳам, тонгга кириш пайтингизда ҳам Аллоҳга тасбеҳ айтингиз! Осмонлар ва Ердаги (айтилаётган барча) ҳамд Унга хосдир, кечки пайтда ҳам, кўёш заволи пайтига киришингизда ҳам (Унга тасбеҳ айтингиз)**» (Рум, 17–18) оятларини тафсир қилганларида айтиб ўтганлар.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)дан келтирилган ҳадисларда эса фарз намоз бир кеча-кундузда бешта экани очиқ айтилган:

1. Абу Маъсуд (р.а.)дан ривоят қилинади: «Набий (с.а.в.): *«Жаброил тушиб менга имом бўлди. Бас, у билан намоз ўқидим. Сўнгра у билан (яна) намоз ўқидим, сўнгра у билан (яна) намоз ўқидим, сўнгра у билан (яна) намоз ўқидим, сўнгра у билан (яна) намоз ўқидим, деб бармоқлари билан бешта намозни ҳисоб қилдилар»*. Бошқа бир ривоятда *«Сўнгра мана шунга амр қилиндим», дедилар»,* – деган зиёда бор (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

2. Анас (р.а.)дан ривоят қилинади: «*Набий (с.а.в.)га Исро кечасида эллик вақт намоз фарз қилинди. Сўнгра қисқартирилиб, беш вақтга келтирилди. Кейин эса: «Эй Муҳаммад, албатта, Менинг ҳузуримда*

гап ўзгартирилмайди. Албатта, сенга ушбу бештада элликтанинг (ажри) бор, деб нидо қилинди» (Имом Бухорий ривояти).

3. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинади: «Набий (с.а.в.): «Айтингларчи, агар бирингизнинг эшигингиз олдида анҳор бўлса, у ўшанда ҳар кун беш марта ювиниб турса, унинг киридан бирор нарса қоладими?», – дедилар. «Унинг киридан ҳеч нарса қолмайди», – дейишди. Узот (с.а.в.) «Ана шунга ўхшаб, Аллоҳ беш вақт намоз ила хатоларни ювади», – дедилар» (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Шу ўринда Бахшилло Алиевнинг пайғамбарлик, маҳдийлик, ҳаж масаласидаги иддаолари, турмуш ўртоғини «мусулмонлар онаси» деб эълон қилишлиги каби сохта даъволари Ҳиндистоннинг Панжоб вилоятида туғилган Мирзо Ғулом Қодиёний томонидан асос солинган «Аҳмадийлик» диний жамоасининг ғояларига ҳамоҳанг эканини таъкидлаш лозим.

Юқорида қайд этилганларга асосланиб, бахшиллочилар жамоасининг ботил ғоялари динимиз асосларига бутунлай зид экани ва мусулмонлар орасида ихтилоф келтириб чиқаришга сабаб бўлиши, шунингдек, кимки бахшиллочиларнинг сохта ғояларига эргашса, ислом динидан чиқиши ҳақида қатъий хулоса қилиш мумкин. Айни чоғда, ушбу жамоага аъзо бўлган баъзи шахсларнинг кейинги ҳаёти ташкилот шаклидаги жамоанинг таъсири оқибатида издан чиқиб, оилалари барбод бўлаётгани бахшиллочилар жамиятнинг тинчлик ва осойишталигига путур етказувчи ижтимоий иллат эканини кўрсатмоқда.

Исломбули бригадаси: «Холид ал-Исломбули бригадаси» Мисрда ташкил этилган ислом радикал гуруҳидир. Ташкилот ўз номини 1981 йилда мамлакат президенти бўлган Анвар Содатни ўлдиришни режалаштирган ва амалга оширган мисрлик зобит Холид Исломбули исмига монанд қилиб қўйган ва у ал-Қоиданинг ҳарбий жанговар бўлинмаларидан бири деб тахмин қилинади.

Ташкилот раҳнамоси Шайх Тохир Маҳмуд ал-Муршидийдир. Унинг жангарилари Чечнядаги 1999 йилги урушларда тобланган. Жангарилар Ливандаги махсус лагерларда тайёрланган. Гуруҳ Покистон бош вазири номзоди Шауката Азизага уюштирилган суиқасд, 2004 йилнинг августида Россияда, Ростов ва Тула вилоятларида, одам ташишга мўлжалланган 2 самолётнинг

қулатилиши каби террористик актларда масъулиятни ўз зиммасига олган. Россиядаги, Бесландаги воқеалардан кейинок Миср махсус хизмати томонидан «Бригада» вакиллари, хусусан, Маҳмуд исмли шахс қўлга олинган. Чунки у ташкилот номидан содир этилиши режалаштирилган Россия ҳудудидаги терактлар ҳақида маълумотни интернетга жойлаштирган.

Жамият ал-ислоҳ ал-ижтимоий: «Ижтимоий ислотхотлар жамияти» ташкилотининг штаб-квартираси Кувайтда жойлашган. Кувайтда нодавлат хайрия ташкилоти мақомига эга. Ташкилот ўзининг хайрия дастурлари орқали «Мусулмон биродарлари»нинг асосий мақсадлари, яъни ноисломий ҳукуматга барҳам бериш, «Ер шарида ислом халифалиги»ни тузиш, бутун дунёда исломий бошқарув тизимини жорий қилиш сиёсатини амалга ошириш таълимотини илгари суради. Улар энг аввало мусулмон аҳолиси кўп бўлган мамлакатлар, Россия ва МДХ ҳудудидаги мамлакатларга махсус равишда ўз эътиборини қаратади.

Ташкилот ўз мақсадларини бошқа дин вакилларига нисбатан адоватни уйғотишга қаратилган мақсадлаштирилган ноисломий даъват; халқ ичида бўлиниш, парокандаликка олиб келувчи, кучли моддий таъминот воситасида шакллантирилган марказлашган тарғибот ишлари; Шарқий Кавказдаги қуролли жиҳодни махфий-консператив равишда молиялаш каби шаклдаги фаолиятга йўналтиради.

Ташкилотнинг Россия Федерациясидаги бўлинимаси 1993 йилда Россия адлия Вазирлиги томонидан расман рўйхатидан ўтказилган эди. Кейинчалик, улар мақсадлари аён бўлгач, Россия олий судининг 2003 йил 14 февралдаги қарори билан «Жамият ал-ислоҳ ал-ижтимоий» террористик ташкилот сифатида тан олиниб, унинг фаолиятига чек қўйилган.

Лашкаре-Тойба¹: Ташкилот Жанубий Осиёдаги энг катта ва энг фаол террористик ташкилот саналади. Ташкилотга Ҳафиз Муҳаммад Зоид томонидан Афғонистоннинг Қунар қишлоғида асос солинган бўлиб, ҳозирги кунда унинг штаб-квартираси Покистоннинг Лаҳор шаҳрида жойлашган. Ташкилот Покистон назорати остида бўлган Кашмир шаҳридаги бир нечта машқ лагерларини бошқаради. Лашкаре-Тойба аъзоларининг бош мақсади Кашмирни Ҳиндистондан

¹ **Лашкаре-Тойба** – [урду. Аллоҳнинг лашкари ёки Ҳақиқат лашкари].

озод қилиш бўлиб, бу йўлда Ҳиндистонга қарши турли террористик актларни амалга оширади. Лашкар аъзолари баъзи терактларни Покистонда, асосан Карачи шаҳрида амалга оширади. Шу йўл билан улар президент Мушарраф олиб борган сиёсатга ўз қаршиликларини билдиради эдилар. Ташкилот террористик деб тан олиниб, Ҳиндистон, Покистон, АҚШ, Буюк Британия, Европа Иттифоқи, Россия ва Австралияда тақиқланган. Баъзи манбаларга кўра, Покистон ҳукумати тақиқидан қочиш мақсадида 2002 йил январидан «Лашкаре-Тойба» ўз номини «Жамоат ал-даъва» деб ўзгартирган.

Ислом армияси: Мазкур гуруҳ ўзини «Тавҳид ва Жиход биргадаси» деб атайди. Мазкур фаластинлик ҳарбийлашган группировка Дугмуш уруғи билан боғлиқ. «Ислом армияси» гуруҳи фаолияти 2000 йил бошларида Ғазо секторида ташкил бўлган, Ғазо ва Жебалия шаҳарларида жойлашган. Мафкурафий жиҳатидан ал-Қоида халқаро террористик тўрига оид ҳисобланади. 2009 йил Мисрда фуқароларга ҳужуми ва бир қатор қурбонларга сабаб бўлган. Исроилга қарши ракета ҳужумлари сабаб 2011 йил 19 майда АҚШ давлат департаменти тарафидан террорчилик ташкилотлар рўйхатига киритилган. Гуруҳга ҳамула урғига мансуб Мумтоз Догмуш бошчилик қилади.

Бир қатор жиноятларни ўз бўйнига олган, жумладан 2006 йил «Фокс ньюс» каналининг икки журналистини ўғирлашган, 2007 йил БиБиСи телекорпорацияси муҳбири Алан Жонстонни ўғирлашган. Босқинчилар Буюк Британиядан қамоқхоналардаги барча ислом террористларини, хусусан Ироқ қамоқхоналардаги аёл маҳбусларни ва американинг Гуантамо базасидаги маҳбусларни озод этишни талаб қилганлар. Жонстон 114 кун давомида қамоқда бўлган ва Ҳамас ташкилоти жангарилари Ғазодаги маҳбус сақланган бинони қамал қилиши натижасида озод қилинган.

Мазкур гуруҳ 2006–2007 йил Ғазо сектори автономиясини бошқариб турган Фатҳ ҳаракати ва муҳолиф ислом гуруҳи Ҳамас орасидаги тўқнашув вақтида бир қатор кўзга кўринган ҳарбий структура бошлиқларни йўқ қилишда айбланади. 2006 йил Ислом армияси Ҳамас ва Жалқ қаршилиги комитети жангарилари билан Ғазо сектори жанубий чегараларида исроиллик ЦАХАЛ га тегишли ҳарбийни, яъни Гилад Шалитни ўғирлашда қатнашган. Ҳамас

уни 5 йилдан ортиқ вақт мобайнида қамоқда сақлаган. Янги йил муносабати билан уюштирилган тантанали байрам маросими вақтида Искандариядаги қибтийлар черковидаги қўпоровчилик ҳаракати туфайли 2011 йил 1 январга ўтар кечаси 23 киши ҳалок бўлган ва 43 киши жароҳат олган. Муқаддас черков ёнида қолдирилган автомобилдаги бомба портлатилган.

Риёдус-Солиҳин: Мазкур гуруҳ 2001 йилдан маълум бир вақтгача ва кейинчалик 2009 йил апрелидан бошлаб Ичкерия, Чеченистон Республикаси ва Кавказда фаолият олиб борган. Гуруҳ иккинчи чечен уруши ва жанговар ҳаракатларда қатнашган. «Риёдус-Солиҳин»нинг машҳур бошлиқлари – Шамиль Басаев (2001 йил 10 июнь – 2006 йил), Саид Бурятский (апрель 2009 – 2март 2010), Аслан Бютукаев (2010 йил охиридан ҳозирги кунгача).

«Риёдус-Солиҳин» арабча «хақиқатгўйлар боғи» деганидир. У қўпоровчи-террористик гуруҳ ҳисобланади. Шамиль Басаев томонидан 2001 йил ташкил этилган ва у гуруҳни 2006 йилгача бошқарган. «Риёдус-Солиҳин» «Кавказ мужоҳидлари»нинг бирлашган кучлари «Олий ҳарбий Мажлис ул-шўро» террористик ташкилоти таркибига кирган. Гуруҳ террористларининг шиори – «Ғалаба ёки жаннат». «Риёдус-Солиҳин» Россия, АҚШ, БМТ томонидан террористик ташкилотлари рўйхатига киритилган.

«Риёдус-Солиҳин»нинг ҳаракат услуби аёллардан «шаҳидлик» учун фойдаланиб, қўлбола бомбаларни оммавий тадбирлар ўтказилаётган жойларда, йўловчи самолётларда портлатиш, аҳолини оммавий гаровга олишдан иборат. «Риёдус-Солиҳин» амалга оширган террористик ҳаракатлар бўйича масъулликни одатда Шамиль Басаевнинг ўзи эълон қилган. Баъзи кузатувчиларнинг тахмин қилишича, бошқа террористик гуруҳлар томонидан уюштирилган баъзи амалларни ҳам Шамиль Басаев «Риёдус-Солиҳин» томонидан амалга оширилган деб эълон қилиб юборган. Бу билан у ўзини янада кучлироқ қилиб кўрсатмоқчи бўлган.

«Риёдус-Солиҳин» тузилмаси тўртта йўналишдан иборат. Булар: ҳарбий, оператив-жанговар, сиёсий ва маънавий. Шамиль Басаев сиёсий ва ҳарбий йўналишларни қўшиб олиб борган. Мазкур гуруҳни амирлар жомалари мажлиси сифатида «Мажлис ал-Шўро» бошқаради. Мажлис ал-Шўро бош амир бошчилигидаги ижроия Шўрони сайлайди. Ижроия Шўро ишчи қўмиталарни

тузади. Қўмиталар сиёсий, ижтимоий, инфорацион ва жангари қўмиталарга бўлинади. Гуруҳнинг ҳарбий йўналиши батальон командирларидан иборат Олий ҳарбий амир ва Ҳарбий Шўрони ўз ичига олади. Батальон асосий ҳарбий бўлинма ҳисобланади. У йигирмадан эллик кишигача бўлиши мумкин. Унинг таркибига ҳарбий гуруҳлар киради.

Гуруҳнинг оператив-жанговар йўналиши ҳарбий операциялар бўйича Олий ҳарбий амир ўринбосаридан иборат. Бу амир Шариат хавфсизлик хизматини бошқаради. Асосий органи режалаштириш штаби ва бошқа бўлимлар ҳисобланади. Кейинги даражадаги бўлимларни амир бошқаради. Доғистон оператив йўналишига аухов (миллат номи) сектори, авар сектори, лезгин сектори, даргин сектори ва марказий сектор (Махачқала) киради.

Гуруҳнинг маънавий йўналиши суд ва маънавий раҳбарликдан иборат. Бу йўналишни Ижроия шўросининг Шариат қўмитаси бошқаради. Уламолар шўроси террористик ҳаракатларга фатво беради. Ҳар бир жамоада сайлов уламози бўлади. Бу ерда суд шартли тушунча ҳисобланади. Ташкилотда Шариат амири бошчилигидаги Шариат суди мавжуд. Ҳар бир жамоанинг қозиси бор.

Ислом жиҳодчилар ҳаракати: Таблиғчилардан ажралиб чиққан ва террорчилик билан шуғулланувчи яна бир ташкилот «Ислом жиҳодчилар ҳаракати» ҳисобланади. Бу ҳаракат собиқ совет қўшинлари Афғонистонга киритилган даврда ташкил этилган бўлиб, ҳозирда Ҳиндистоннинг Жамну ва Кашмир ўлкаларида терактларни содир этиб келмоқда.

«Ислом жиҳодчилар ҳаракати» Ҳиндистоннинг Гужарот штатида илгари суннийларга тегишли бўлган 80% масжидларда ўз таъсирини ўрнатишга эришган. 2001 йилда Ҳиндистоннинг Гужарот штатида поездни портлатишда айбланган Умаржи исмли шахс ҳам ҳинд «таблиғчилар»и сафидан чиққани аниқланган. Ушбу далиллар ҳам «таблиғ»нинг диний экстремизм ва терроризм билан бевосита алоқадор эканини яққол кўрсатади.

Ансор ал-ислом: Шимолий Курдистон ва «сунний учбурчаги» деб номланган, ашаддий тарзда фаолият олиб борадиган ҳарбий ислом ташкилот. Ташкилот Ироқдаги курдлар яшайдиган ҳудудда, яъни мамлакатнинг шимолида ташкил этилган террористик гуруҳ

саналади. Гуруҳга Жунд ал-Ислом (Ислом лашкарлари) ва Мулла Крекарнинг гуруҳлари бирлашиб кетгандан кейин 2001 йил декабрда асос солинган. Аслини олганда, Жунд ал-Ислом 1990 йилларнинг ўрталарида Курдистон ислом ҳаракатининг бўлиниб кетишидан ҳосил бўлган кичик гуруҳларнинг йиғиндисиدير. Ироқдаги ал-Қоида Ансор ал-ислом ташкилотининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган. Ансор ал-сунна Ироқда ал-Қоида ташкилотидан кейинги, иккинчи энг қудратли ҳарбий ташкилот саналади. «Ал-Қоида» ва Усома бин Лоден бевосита Ансор ал-ислом ташкилотининг шаклланиши ва молиялаштирилишида иштирок этган. Бин Лоден Ансор ал-ислом ташкилотининг ташкил этилиши учун тахминан 300 000 – 600 000 АҚШ доллари тақдим этган. Ташкилот Ироқнинг шимоли-шарқий қисмидаги ал-Қоида аъзолари учун бошпана вазифасини ўтаган.

Ансор ал-ислом ташкилоти Ироқдаги Эрон чегарасига яқин жойда жойлашган Халабжа шаҳри туманида 4500 нафар одамдан иборат тахминан 10 та қишлоқни назорат қилади. Унинг таркибида 4 та ўрнатилган «Град» ва 4 та 106-мм.ли тўп, 600–700 одамдан иборат жангарилар гуруҳи бўлган.

2001 йил февралда Ансор ал-ислом ташкилоти қўпоровчилари катта теракт уюштирганлар ва Курдистон Демократик партиясининг кўзга кўринган бошқарувчиси Франсо Харирини ўлдирганлар. 2001 йилнинг 23 сентябрида Ансор ал-ислом гуруҳи Қама қишлоғига бостириб кирган, 25 та жангчиларини қўлга тушириб, ўлдирган.

2003 йилда Америка авиацияси тоғларда жойлашган лагерь ва Ансор ал-ислом ташкилотига қарши кўплаб авиазарбалар берган. АҚШ ташкилотни Ироқдаги хавфнинг асосий манбаи деб ҳисоблайди. 2004 йилдан бошлаб ҳаракат Ироқнинг марказий туманлари ва барча шимолий қисмлари бўйлаб янги Ансор ал-сунна номи остида ёйила бошлаган.

Ансор ал-ислом ташкилоти ҳозирги кунда Эрон суннийларини жиҳодга чорламоқда. Ироқ суннийлари ва араб жиҳодчиларидан иборат Ансор ал-ислом гуруҳи Эрон суннийларини уларнинг шиа диний ҳокимиятига қарши жиҳод қилишда ўзлари билан бирлашишга чақирди. Уларнинг расмий сайтларида ёзилган хабарларда ва Facebook саҳифаларида, ташкилот Эрондаги барча суннийларнинг бир байроқ остида бир миллат – Эронни Куръон ва

қилишнинг ягона миллатига айланишга мажбур қилиш мақсадида жиҳод бошлаш учун жамланиши кераклигини эълон қилади.

Ансор ал-ислом ташкилоти Техрондаги ҳукуматга қарши бўлаётган жиҳоднинг сабаби мамлакатдаги шиалар таъсирининг ўсиб бораётганида, деб таъкидлайди. Шунингдек, Ансор ал-ислом ташкилотининг етакчилари: «Эрон шиалари пул ва ҳокимият билан банд ва улар ислом миллатини дунёга келтиришдан тўхтадилар», дея айбладилар.

«Шиалар бугунги кунда бутун дунё бўйлаб қарор қабул қилиш жараёнида иштирок этмоқдалар ва уларнинг таъсир доираси кенгайиб бормоқда», дея таъкидлайди гуруҳ. Уларнинг мақсадлари «суннийлик миллатини» дискредитация қилиш, яъни обрўсизлантиришдан иборат.

2003 йилда Ироқ суннийлари Бош вазир Нурий ал-Моликийни ҳокимиятдан ағдариш учун босим ўтказиш умидида шиалик туманларига ҳужум бошладилар. Суннийлар тинчлик норозилиги уюштиради. Бироқ Ироқ хавфсизлик кучлари Хавиджадаги тўқнашувда ўт очадилар. Қонли тўқнашув вужудга келади. Ироқдаги ўлимлар сони 3000 тага етади. Киркук ва Мосулдаги ҳужумлардан кўпчилиги Ансор ал-ислом ташкилоти томонидан амалга оширилган.

Ташкилот томонидан Ироқ ва Суриядаги исломий экстремистик ташкилотлар билан алоқалар ўрнатилган. Ташкилотнинг ал-Қоиданинг Ироқдаги бўлими билан алоқаси борлиги исботланган. Ансор ал-ислом ташкилоти 2003 йил 24 февралда Усома бин Лоден, ал-Қоида ташкилоти ва Толибонлар билан алоқадор ташкилот сифатида рўйхатга олинган.

Ансор ал-ислом ташкилоти аъзолари «ал-Қоида» ҳарбий мактабларида тайёргарлик ўташган. Ансор ал-ислом ташкилоти аъзолари «ал-Қоида» билан ҳамкорликда махсус ҳарбий тайёргарликдан ўтиш мақсадида Афғонистондаги жанглarda иштирок қилишган. Ташкилотнинг ироқлик бўлмаган аъзолари ўз навбатида Афғонистон ва Чеченистондаги низоларда иштирок этган тажрибали уруш қатнашчилари ҳисобланадилар.

Ансор ал-ислом ташкилоти, шунингдек, Абу Мусоба аз-Заркавий сифатида танилган «ал-Қоида»нинг катта бошлиғи марҳум Аҳмад Фозил Назал ал-Халил билан чуқур ҳамкорлик ўрнатган. Ансор

ал-ислом ташкилоти назорати остида заҳарли ва портловчи моддаларни қўллаш маҳоратини ўргатадиган махсус марказ ташкил этилган. Заркавийнинг қўл остидаги жангарилар рицин ва бошқа заҳарли моддаларни тайёрлаш усулларини ўргатадиган лагерларда тайёргарлик ўтайдилар.

Ансор ал-ислом ташкилоти Ироқнинг шимоли-шарқий қисмида бир қатор ҳужумларни содир этган. Уларнинг жангарилари асосан Ироқнинг шарқий қисмида жойлашганига ва ўша қисмида фаолият олиб боришига қарамай, Ироқнинг ғарбий ва марказий қисмларида ҳам гуруҳлари мавжуд.

Ансор ал-ислом ташкилоти таълимоти шариат қонунлари асосида курд теократиясини ярагишдан иборатдир. Ташкилот курд озодлик ҳаракати гуруҳларига қарши ташкил қилинган. 2003 йил февралда гуруҳ жангчилари курд депутати ва PUK (Patriotic Union of Kurdistan)нинг асосчиси Шавкат Хаджи Муширни ўлдиришган. 2002 йилда курд етакчиси Бархам Солихга нисбатан уюштирилган суиқасдда айбланган. 2003 йилда гуруҳларнинг қўнимгоҳлари бир неча марта бомбардимонга учраган, шу боис унинг кўпгина жангарилари Эронга қочганлар. 2004 йил январда гуруҳ етакчиси Мулла Крекар 12 йилдан зиёдроқ вақт мобайнида қочоқ сифатида яшаб келган Норвегияда қўлга олинган.

Боко ҳарам: Нигериялик радикал ислом ташкилоти. 2002 йилдан бери маълум. Боко ҳарам ташкилотига Муҳаммад Юсуф Майдугури шахрида асос солган. Ташкилотнинг асосий мақсади бутун Нигерияда ғарбона ҳаёт тарзига барҳам бериб, шариатни ўрнатишдан иборат. Ташкилот томонидан 2009 йил июлида Шимолий Нигерияда (ўчоғи Баучи штати) христиан черковларига ва полиция маҳкамасига ҳужум қилишни уюштирилган.

Мазкур гуруҳнинг расмий номи – Жамаату аҳли сунна ли-иддаъ даъвати вал-жиход¹ бўлиб, Боко ҳарам² номини Майдугури шахар аҳолиси номидан ўзлаштириб олганлар. У ерда гуруҳнинг ҳарбий

¹ **Жамаату аҳли сунна ли-иддаъ даъвати вал-жиход** – Бу гуруҳнинг номи араб тилидан олинган бўлиб, Пайғамбар (с.а.в.) таълимоти ва жиҳодни тарқатувчиларга тегишли жамоа маъносини англатади.

² **Боко ҳарам** – Боко ҳарам хауса тилидан «ғарб таълими тақиқланган» ёки «ғарб таълими – ҳаром» деб таржима қилинади. Боко сўзининг илк маъноси «ёлғон» бўлган, бироқ кейинчалик унинг семантикаси ўзгариб, «ғарб таълими» деган маънога эга бўлган.

базаси жойлашган. Боко ҳарам ғарб таълими ва маданияти, ҳарб илм-фанига қаршилиқ билдиради. Гуруҳ аъзолари фикрига кўра ғарб кадриятлари билан боғлиқ ҳар бир нарса ман этилиши лозим, хусусан сайловларда қатнашиш, шим ва кўйлак кийиш, дунёвий таълим. Боко ҳарам наздида Нигерия ҳукумати ғарб мафқураси таъсирида «айниган», улар «бузилган», шунинг учун улар «кофирлар»га айланган. Мамлакат Президенти ҳам фақат формал жиҳатдан мусулмондир. Шу боис, уни тахтдан ағдариш ва мамлакатни шариат қонунлари асосида бошқаришни тиклаш даркор.

2009 йилда ташкилот раҳбари Муҳаммад Юсуф ўзининг БиБиСига берган интервьюсида ғарб таълими таркибидаги баъзи ғоялар, масалан, табиатда сувнинг айланиш қонуни, дарвинизм, ер қуррасининг юмалоқлиги каби таълимотлар исломга батамом зид эканлигини гапириб ўтган.

Юсуф масжид ва мактабни ўз ичига олган диний мажмуа қурдиради. Улардан мақсад болаларга диний билим беришдан иборат. 2004 йил Муҳаммад Юсуф Йоба шататидаги Каннама шаҳар ёнидаги ноҳияга ўз тарафдорлари билан ўрнашади ва у ерда «Афғонистон» деб номланган база барпо этадилар. Кейинчалик улар маҳаллий полицияга ҳужум қилган.

Муҳаммад Юсуф 2009 йил 26 июлда Нигерия шимолида шариат қонунлари асосида бошқариладиган ислом давлатини қуриш учун исён қилишга ҳаракат қилиб кўради. Бу воқеадан сўнг 29 июлда полиция томонидан гуруҳнинг Майдугури базаси ишғол қилинади. Муҳаммад Юсуф полиция томонидан ҳибсга олинади ва бир оз вақт ўтгач, номаълум шароитда вафот этади.

Мазкур ташкилот томонидан бир неча террористик актлар амалга оширилган. Хусусан:

– 2010 йил 7 сентябрда Боко ҳарамнинг 50 яқин тарафдорлари Баучи шаҳридаги қамоқхонага ҳужум уюштирганлар. Бу вақтда бу ердаги маҳбуслар экстремистик ғалаёнчилар эдилар. 759 та маҳбуслардан 721 таси озод этилган. Кейинчалик 127 та маҳбус ўз ихтиёрига кўра қамоқхонага қайтган.

– 2010 йил 7 октябрда Халқ-демократик партияси раҳбари Аванна Нагла отиб ўлдирилган.

– 2010 йил 24 декабрда Жос ва Майдугури шаҳарларидаги черковларда қатор портлашлар ва ҳужумлар уюштирилган. Натижада

30 га яқин киши ҳалок бўлган. Таъкидланган хунрезликларни Жос шаҳридаги воқеа учун қасос деб Боко ҳарам ўз бўйнига олган.

– 2010 йил 31 декабрда Абужа ҳарбий казармасида бомба портлатилган.

– 2011 йил 14 мартда Боко ҳарамни танкид қилганликда машҳур бўлган диний мусулмон арбоби Иброҳим Аҳмед Абдулла Болори Майдугури шаҳрида отиб ўлдирилган.

– 2011 йил 29 майда Баучи шаҳридаги ҳарбий казарма портлатилган.

– 2011 йил 16 июнда Абужа шаҳридаги полиция штаб квартирасида «шаҳид» ўзини портлатиб юборган.

– 2011 йил 27 июнда Майдугури шаҳри пивахонасига Боко ҳарам жангарилари ҳужум уюштирган.

– 2011 йил 11 июнда Майдугури шаҳрида Боко ҳарам жангарилари томонидан 40 га яқин киши ўлдирилган, қолган аҳоли қочишга мажбур бўлган.

– 2011 йил 12 августда Майдугури шаҳрида мусулмонларнинг диний арбоби Лиман Бана отиб ўлдирилган.

– 2011 йил 26 августда «шаҳид» миналаштирилган автомобил ёраида БМТнинг Абужа шаҳридаги штаб квартирасини портлатишга ҳаракат қилган.

– 2011 йил 4 ва 5 ноябрда Даматуру шаҳрида бир неча портловчи ускуналар ишга туширилган. Кейинроқ эса Боко ҳарам жангарилари христианлар истиқомат қилаётган ноҳияларга ҳужум уюштирганлар. Шунингдек, ҳужум полиция ва ҳарбийларга ҳам бўлган. Умумлаштириб олганда 150 га яқин киши ҳалок бўлган. Мана шундай актлар юзлаб ташкил қилинган ва амалга оширилган.

– 2012 йил 20 июнда Даматуру шаҳрига ҳужум уюштирилган.

Нигерия ҳукумати 2011 йил 31 июлда ташкилот билан музокара олиб бориш зарурлигини эълон қилди. Президент Гудлак Жонатан ўз фармойиши билан 7 кишидан иборат музокара комитети тузди. Комитет таркибига мудофаа вазири, меҳнат вазирлари киритилди. 2011 йил 15 августда мазкур комитет хавфсизлиги таъминланган Барно штатида секта билан бўлиб ўтадиган музокара ҳисоботини тайёрладилар. Музокара сентябрь ойида бошланди. Воситачи ролида ҳуқуқ ҳимоячиси Шеху Сани хизмат қилди. Музокарани

Нигерия тарафидан собиқ президент Олусегун Обасанжо олиб борди. Музокара жараёнида секта томонидан тайинланган шахснинг навбатдаги учрашувдан кейин ўлдирилиши томонлар мулоқотининг бузилишига олиб келди.

Нигерия президенти Гудлак Жонатан 2012 йил январда Боко ҳарамга ўз талабларини аниқлаштиришни ва яна қайта музокара бошлашни таклиф этди. 2012 йил 28 январда Боко ҳарам вакили Абу Кака, Боко ҳарам музокарага фақат Нигерия ҳукуматини тиз чўктирилгандан сўнг киришади, деб эълон қилди. Бироқ 14 мартда Боко ҳарам ҳукумат билан музокара олиб боришга розилик билдирди ва воситачи сифатида Нигерия олий шариат кенгаши раиси Шейх Аҳмад Даттининг номзодини кўрсатди. Лекин 19 мартда музокара бўлмаслиги маълум бўлди.

Мутахассисларнинг фикрича, XX асрнинг 80-йилларида Нигериянинг бир неча шаҳарларида тартибсизликларни вужудга келтирган Боко ҳарам ва Ян Тацине радикал секталари ғоявий тузилиши жиҳатидан бир-бирига ўхшайди. Боко ҳарам ташкилотининг аъзоларидан бири Абдурашид Абубакар ўз вақтида Афғонистонда 3 ойлик махсус ҳарбий тайёргарликни ўтаганлигини тан олади. Унинг таъкидлашича, уни Афғонистонга Муҳаммад Юсуфнинг шахсан ўзи жўнатган.

2010 йил 3 февралда ал-Қоида ислом эътиқодидаги мағриб мамлакатлари, хусусан Нигерияда мусулмонларга уларнинг ҳукуматга қарши курашида моддий ёрдам беришга тайёрлигини эълон қилган. Нигерия ҳукуматининг маълумотларига қараганда, Абужа шаҳридаги БМТнинг штаб квартирасида содир этилган портлашни ал-Қоида томонидан қўллаб-қувватланган Сомали шаҳридаги ал-Шабаб лагеридида махсус тайёргарлик кўрган шахс амалга оширган.

2011 йилнинг августида Картер Хэм, АҚШ қуроли кучларининг Африкадаги қўмондони, Боко ҳарамнинг ал-Қоида филиаллари билан алоқаси борлигини эътироф этади. Мазкур фикр бошқа сиёсий раҳбарлар томонидан ҳам эътироф этилади. 2011 йилнинг ноябрь ойида Боко ҳарам ташкилотининг вакили Абу Кука ўз интервьюсида ал-Қоида билан Харам ўртасида алоқалар борлиги ҳақида гапирган. Бироқ айнан қайси жабҳада алоқа ўрнатилганига тўхталиб ўтмаган.

Нигерия газеталаридан бири «Daily Trust»нинг раҳбари Алхажии Белло Дамагумага нисбатан Боко ҳарам ташкилотини моддий қўллаб-қувваталашда айбланган ва унга нисбатан жиноий иш қўзғатилган. Терговнинг тахминига кўра, 2002 йили ал-Қоиданинг Судан тармоғи томонидан сектанинг фаолиятини моддий таъминлаш мақсадида 300 минг доллар маблағ юборилган. Барно штатининг сенатори Али Ндуме ташкилотни моддий таъминлашдаги иштироки учун қўлга олинган.

Африка қитъасидаги мана шундай диний-экстремистик гуруҳларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётга чуқур ва беписанд аралашуви оқибатида қитъадаги нотинч нуқталар кўпайган. Иккинчидан, қитъадаги турли гуруҳларнинг ал-Қоида билан алоқалари уларнинг террористик ва экстремистик гуруҳлар эканлигини тасдиқлайди ҳамда диний-экстремистик таълимотларнинг трансмиллий характерда эканлиги, уларнинг бутун дунёни ўз бузғунчилик тўрига тортганлигини исботлайди.

Ислом жиҳоди гуруҳи: Бу фирқа Туркистон ислом ҳаракати раҳбари Тоҳир Йўлдошевнинг фаолиятидан норози бўлиб, ажралиб чиққан, собиқ жангарилар Н.Жалолов ва С.Бўронов томонидан 2001 йилда тузилган. Бу икки шахс Покистондаги аксилтеррор операцияси давомида йўқ қилинган.

Ташкил топган куниданоқ, ўта радикал кайфиятда бўлган мазкур тўда раҳбарлари Ўзбекистонда қўпоровчилик ҳаракатларини режалаштира бошлаган. Хусусан, Ж.Боймирзаев ва А.Бекмирзаев бошчилигидаги гуруҳ Ўзбекистон ҳудудида террорчилик хуружларини ташкил этишга раҳбарлик қилган. Бу ишга, асосан, Қозоғистонда тайёргарлик кўрилган ва 2003 йил апрель ойидан бошлаб Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудларида бир неча жамоатлар яширин тарзда фаолият юрита бошлаган.

«Ислом жиҳоди гуруҳи» 2004 йилнинг март ойида Тошкент шаҳрида, Тошкент ва Бухоро вилоятларида бир неча террористик ҳаракатларни амалга оширган ва портлатишларда илк бор «жиҳодчи аёллар»дан фойдаланилган. Бундан ташқари, мазкур гуруҳнинг 2009 йилнинг май ойида Андижон шаҳрида ўз-ўзини қурбон қилиш йўли билан амалга оширилган террористик хуружларга алоқадорлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. «Ислом

жиҳод гуруҳи» Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон ҳудудларида жойлашиб олиб, Ўзбекистонга қарши кўпуровчилик амалларини ўтказишга ҳаракат қилган.

«Ислом жиҳоди гуруҳи» 2004 йилда Тошкентдаги АҚШ ва Исроил элчихоналари олдида ҳамда Ўзбекистон Бош прокуратураси фойесида белига портловчи моддалар боғлаб олган «шаҳидлар» ўзини портлатиши орқали террористик актларни амалга оширган. Бу жирканч ҳаракатлари оқибатида ўнлаб кишиларнинг ҳаётига зомин бўлган.

Жиҳодчилар каби бузғунчи фирқалар «шаҳид», «жиҳод» тушунчаларини ўзларининг ғаразли мақсади йўлида бузиб талқин этаётгани, айрим жоҳиллар эса ўзини портлатиб, айбсиз кишиларнинг ҳалок бўлишини «жиҳод» ёки «шаҳидлик» дейиши мусулмончиликка мутлақо ётдир.

Чиндан ҳам ўзини портлатиб, инсонлар умрига зомин бўлиш улкан гуноҳдир. Расулуллоҳ (с.а.в.) Вадо ҳажидида шундай марҳамат қилдилар: *«Эй одамлар, хоҳ ўзингиз ва хоҳ бир-бирларингизнинг қонини тўкишингизни Аллоҳ ҳаром қилди...»*.

«Ислом жиҳоди гуруҳи» ва шунга ўхшаш шахслар ўз жонига қасд қилишни шаҳидлик билан қориштириб талқин қиляпти. Шахснинг ўзини-ўзи ўлдиришини «шаҳидлик» дейиш катта хатодир.

Аслида «шаҳид» сўзи луғатда гувоҳ ёки кўрган-билгани ҳақида хабар берувчи киши маъноларини ифодалайди. Дин ёки она ватан ҳимояси йўлида жон фидо этган мусулмон «шаҳид» дейилади. Шунингдек, «Шаҳид» Аллоҳ таолонинг сифатларидан бўлиб, «гувоҳлиги ишончли, ҳар доим ҳозир Зот» деган маъноларни англатади. Шаҳидлик ислом динига кўра, Ватан озодлигини мустамлакачилардан ҳимоя қилиш ва юрт озодлигини сақлаш йўлида ҳалок бўлган кишиларга Аллоҳ томонидан бериладиган даражадир. Ички касалликлар хуружи билан ўлган инсон, жони, моли, ор-номуси ҳимояси йўлида ўлдирилган ва турли сабаблар билан фожиали ҳалокатга учраган кишиларга ҳам шаҳидлик ҳукми берилади, деб Пайғамбаримиз башорат қилганлар.

Кишининг ўзини-ўзи ўлдириши «ўз жонига қасд қилиш» деб баҳоланади. Шариат нуқтаи назаридан бу иш қаттиқ

қораланади. Аллоҳ таоло огоҳлантиради: «...ўз қўлларингиз билан ўзларингизни ҳалокатга ташламангиз!..» (Бақара, 195); «Кимда- ким қасддан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннамда абадий қолишдир. Яна унга Аллоҳ ғазаб қилгай, лаънатлагай ва унга улкан азобни тайёрлаб қўйгай» (Нисо, 93).

Ақоидга кўра, тақиқланган гуноҳ ишни ҳалол деб эътиқод қилса ёки фарзлардан бирини инкор этса, мусулмон кофир бўлиб қолади. Ушбу оятда ноҳақ қатл қилишни ҳалол деган эътиқодда қотиллик қилган киши тўғрисидаги ҳукм баён этилмоқда. Ҳадиси шарифда: «Қиёмат куни биринчи савол ноҳақ тўкилган қон тўғрисидаги бўлур», дейилган (Имом Бухорий ривояти).

Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбар (с.а.в.): «Ким тоғдан ташлаб ўзини ўлдирса, у жаҳаннам ўтида мана шундай ҳолатда абадий азобланади. Ким заҳар ичиб, ўзига суиқасд қилса, жаҳаннам ўтида қўлидаги заҳарни ичган ҳолда абадий азобланади. Ким ўзини темир билан ўлдирса, жаҳаннам ўтида темирини қорнига урган ҳолда абадий азобланади», деб марҳамат қилганлар. (Имом Бухорий ривояти).

Бу мудҳиш ҳолат, айни пайтда, Аллоҳ таолонинг қазои қадарига ҳам исён дир. Инсон ҳаёт неъматини авайлаши, унга хиёнат қилмаслиги лозим, акс ҳолда энг оғир жиноятга қўл урган, бўйнига катта гуноҳни орттирган бўлади.

Ўзларини портлатиб юбораётган кимсалар икки карра гуноҳи азимга қўл уришяпти, чунки улар бу қабиҳлик билан қанчадан-қанча айбсиз кишиларнинг умрига зомин бўлмоқда. Қуръони каримда: «...Бирор жонни ўлдирмаган ёки Ерда (бузғунчилик ва қароқчилик каби) фасод ишларни қилмаган инсонни ўлдирган одам худди ҳамма одамларни ўлдирган кабидир...» (Моида, 32), дейилган.

Маълумки, ислом манбаларида: «Ўз жонига қасд қилган кишига уламолар ва масжид имоми бошчилигида жаноза ўқиш дуруст эмас, балки оддий намозхон бошчилигида бу фарзи кифоя адо этилсин», дейилган. Демак, кўнгли кир кимсаларнинг «тўппа-тўғри жаннатга кириш» ҳақидаги ваъдаларига алданиб, худкушликка қўл

ураётганлар, аслида ўша бошлиқларининг манфур мақсадлари йўлида итдек ўлим топишдан бошқа нарсага эриша олмайди.

Ироқ ва Шомда ислом давлати ташкил қилиш ҳаракати: Ироқ ва Шомда ислом давлати ташкил қилиш ҳаракати 2006 йилда таъсис этилган. Муассиси Абу Умар ал-Бағдодийдир. Аъзолари сони 50000 дан 70000 га яқиндир.

Ислом халифалигини қайта тиклаш ва ислом шариатини амалга татбиқ этишни мақсад қилган сохта салафий ғоялари ва жиҳодга тарғиб қилишга асосланган қуролланган оқимдир. Бу оқим аъзолари Ироқ ва Сурияда кўп тарқалган бўлиб, Ироқ ва Шомдаги бир неча жойларга эгаллик қилмоқда. Унинг раҳбари мўминлар амири, яъни «амирул мўминин» деб номланади. Ҳозирги раҳбари Абу Бакр ал-Бағдодий 2006 йил 15 октябрда иттифоқдош жиҳодчи бўлинмалар иштирокида ўтказилган йиғилиш сўнггида, Ироқда ислом давлатини ташкил қилиш ҳаракатини бошлаган эди. 2010 йил 19 апрелда амир Абу Умар ал-Бағдодий ўлимидан сўнг, Ироқда бир қанча ҳарбий тўнтаришларни амалга оширди. Сўнгга ҳаракат аъзолари уни бир овоздан раҳбарликка сайлашди. Абу Бакр ал-Бағдодий раҳбарлигида бир қатор ҳарбий амалиётлар, шу жумладан, марказий банк, адлия вазирлиги биноти, Абу Ғариб ва ал-Хут қамоқхоналарини эгаллаш каби ҳарбий тўнтаришлар амалга оширилди. Араб ва ислом олами давлатларидан ёшлар бу ҳаракатга аъзо бўлмоқда.

«Ироқ ва Шомда ислом давлати ташкил қилиш» ҳаракати таркибида катта кучга эга бўлган ҳарбий қўшин мавжуд. Уларнинг ҳарбий тажрибалари етарли бўлиб, тажрибали жангарилар сони мингдан ортиқдир. Улардан айримлари Чеченистон ҳудудида рус қўшинларига қарши жанг қилган чечен жангарилари, Афғонистонда Америка қуролли кучларига қарши курашган жангарилар, 2003 йилда Америка-Ироқ урушида жанг қилган жангари қўшинлардан иборат. Мазкур ҳаракат бир қанча танклар, ракеталар, зирҳли машиналар ҳамда бир қанча қурол-аслаҳалар захирасига эга. Бу ҳарбий қуролларни улар Ироқ ва Сурия қуролли кучларига қарши олиб борилган уруш ҳаракатларида қўлга киритганлар.

Деккан Мужоҳидин: Хиндистонда фаолият юритаётган исломий террористик гуруҳ. Оммавий ахборат воситаларига электрон равишда жўнатилган хабарларга кўра 2008 йилнинг 26 ноярида Мумбайда содир этилган қўпоровчиликни ўз бўйнига олган. Унда 195 та одам вафот этган бўлса, 250 дан зиёдроқ аҳоли тан жароҳтини олган. Бироқ ташкилотнинг мазкур воқеага алоқадорлиги исботланмаган. Расмий хабарларга қараганда ташкилот аъзолари Покистондаги «Лашкаре-Тойба» номли исломий радикал гуруҳнинг махсус лагерларида террористик ва ҳарбий-қўпоровчилик, махфий иш олиб бориш бўйича тайёргарликни ўтаганлар.

Қорасаллалилар: Бу диний-ақидавий гуруҳ аъзолари, асосан, Тошкент шаҳри ва вилоятида тарқалган бўлиб, улар масжидларда соқолсиз ва сунъий (тилло ва сариқ) тишлар қўйган имом-хатиб ва ноиб имомлар фаолият кўрсатаётганлиги, бу ҳолат эса ислом динига зидлиги, аксинча улар ўрнига барча масжидларда соқол қўйган диндорларни сайлаш лозимлигини тарғиб қилиб, соқолсиз, сунъий тиш қўйган имом-хатиблар фаолият олиб боришаётган масжидларга боришмайди.

Қорасаллалилар диний-ақидавий гуруҳи томонидан телевизор кўриш ва радио тинглашни тақиқлаб қўйиш ҳолатлари учрамоқда. Мактаб ёшидаги фарзандларини жоме масжидларга жума намозларига оммавий тарзда жалб қилиш, фарзандларини эса 4–5 йиллик мактаб таълимотидан сунг ўрта мактабларга юбормасликка уриниш ҳамда мактаб таълим дастурларига ислом дини тушунчаси бўйича дастурлар ва таълимотларни мактаб ўқувчилари орасида ҳам кенг ёйишни қўллаб-қувватлашмоқда.

Қорасаллалилар анъанавий ислом дини удумларини қатъиян инкор этган ҳолда қабрларни зиёрат қилиш «мустаҳаб», яъни лозим эмас эканлиги, айрим ҳолатларда вафот этган яқин қариндошларининг дафн маросимини аҳолидан яширинча равишда қилиш, ҳаттоки кечаси шам ва чироқлар ёрдамида қабристонга дафн қилиш ҳолатлари кузатилган.

«Рамазон» ва «Қурбон» ҳайит байрамларини аҳолидан фарқли равишда бир кун олдин ёки бир кун кейин фақат гуруҳ аъзолари иштирокида нишонлашади.

Қорасаллалилар аъзолари ён-атрофида яшовчи, динга унчалик эътиқод қилмайдиган, намоз ўқимайдиган шахслар билан умуман алоқада бўлишмайди ва бундай тоифадаги шахсларни ўз уйларига киритишмайди. Маҳаллада ўтказиладиган диний маросим ва тадбирларда деярли қатнашишмайди. Ўзларининг диний тадбирларига эса фақат ўз «биродар»ларини таклиф этишади. Ушбу гуруҳ аъзолари ҳар ойда бир маротаба ўз йиғилишларини ўтказишиб, ушбу йиғилишда улар ўз гуруҳига янги номзодларни жалб қилиш, уюшманинг кейинги фаолиятини муҳокама қилиш билан шуғулланишади.

Ҳозирги кунда оқим аъзоларининг ақидапарастларча аҳоли орасида «... Исоқ домланинг ҳузурига зиёратга бормаган шахсларнинг ўқиган намозлари ва тутган рўзалари қабул қилинмайди», деб тарғибот ишлари олиб боришмоқда.

Қорасаллалилар диний гуруҳи аъзоларининг барчаси Умаров Исоққа «қўл» беришган бўлиб, уни илоҳий шахс даражасида ҳурмат қилишади ва у томондан берилган ҳар қандай топшириқни бажаришга тайёр. Исоқ Умаровни тез-тез бориб зиёрат қилиб келишади, унинг олдига сафларига қўшилмоқчи бўлган шахсларни олиб боришади.

Шунингдек, баъзи пайтларда гуруҳ аъзолари пул тўплашиб Исоқ Умаровга олиб бориб беришади. Гуруҳ аъзолари бошқа «пир»ларни умуман тан олишмайди. Уларнинг барчаси динга ўта берилган бўлиб, аҳолининг динга эътиқод қилмайдиган, намоз ўқимайдиган қатлами билан мулоқот қилмасликка, ҳатто улар билан қўл бериб сўрашмасликка ҳам ҳаракат қилишади, бундай шахсларнинг қўли теккан нарсаларни «ҳаром» деб ҳисоблашади.

Оқим тарафдорлари ёш бўлишларига қарамасдан барчаси узун соқол қўйишган. Уларнинг барча фарзандлари фақат диний таълим олаётганликлари сабабли, дунёвий илмлари суст бўлиб, ёшлигидан диний ақидапарастлик ғояларига ўта берилган ҳолда тарбияланмоқда.

Шунингдек, гуруҳ аъзолари томонидан ўз сафларини кенгайтириш мақсадида фақат ўзаро «қуда» бўлиш, фарзандларига ҳеч қандай тўй-маърака қилмасдан, маҳаллий аҳолига ҳам аён қилмасдан унаштириш ва уйлантириш, ФХДЁ бўлиmidан қонуний рўйхатдан ўтказмаслик ҳолатлари кузатилган.

Қорасаллалилар ўз ақидаларига кўра, намозни овоз чиқармасдан ўқийди. Намоздан сўнг «Ёсин» сурасининг оятларини ўқимайди, 33 марта айтиладиган такбирларни айтмайди. Бу ҳолат уларнинг таъкидлашича, «намоз махфий равишда ўқилса-да, уни Аллоҳ таоло эшитиб туради».

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг таваллудлари муносабати билан ўтказиладиган «Мавлиди шариф» тадбирларини қоралайди. Сабаби, ушбу тадбирларда мусулмонлар томонидан Пайғамбаримиз шаънига кўп мақтов ва салаотлар айтилади, лекин одамлар Пайғамбаримиз замонидаги тартибда яшамайдилар. «Қорасаллалилар» эса Пайғамбаримизни «Имоми Аъзам» мазҳабидагилар каби «Мавлиди шариф»дек тадбир қилиб мақтамасаларда, Пайғамбаримиз ўтитларини ичларидан хис этиб, Пайғамбаримиз даврларидаги ақидаларни тўлиқ бажарадилар.

Қорасаллалилар диний-ақидавий гуруҳларининг қуйидаги «реакцион» кўринишдаги хатти-ҳаракатлари аниқланган:

- оқим аъзолари доимо диний кийимлар кийиши;
- узун соқол қўйиб, жамоат жойларида гуруҳ-гуруҳ бўлиб юришлари;
- барча оила аъзоларини ҳам ўз «пир»ларига итоат этишга мажбур қилишлари;
- ўз пирларини муқаддаслаштириб, шариат пешволарини писанд қилмасликлари;
- телевизор, радио каби ахборот воситаларидан фойдаланишни ман қилишлари;
- дафн маросимларини анъанавий усулдан ўзгача шаклда ўтказишлари;
- ўз фарзандларини амалдаги қонун ҳужжатларини қўпол равишда бузган ҳолда, таълим муассасаларига бериш ўрнига, «пир»ларини қўлларида диний таълим олишга беришлари;
- яшаш жойларида оддий халқ билан умуман мулоқот қилмасликлари;
- намоз ўқимайдиган мусулмонлар билан алоқани мутлақо узишлари, фақат ўз гуруҳлари ўртасида алоқаларни йўлга қўйишлари;

– кечалари қўшимча равишда баланд овозда бир гуруҳ бўлиб намоз ўқиш;

– тилла тиш қўйган ёки соқолини қирдирган имомга иқтидо қилиш жоиз эмас дейиш.

Шунингдек, гуруҳ аъзолари аҳоли ўртасида диний тарғиботлар олиб бориш давомида республикамиз раҳбарияти томонидан олиб борилаётган сиёсатга қарши очиқча фикрлар билдиришмайди, аммо динни ҳамма нарсадан устун қўйган ҳолда, келажакда «ислом давлати» қонун-қоидаларини муҳокама қилишлари шулар жумласидандир.

Қорасаллалилар маҳалла аҳлининг тўй ва маъракаларида иштирок этишмайди. Фақат бир-бирларининг тўйларида қатнашишади. Улар томонидан Имоми Аъзам мазҳабидаги диний тадбирлар бажарилмайди.

Жиҳодчилар: Сўнгги йилларда амалга оширилган терроризмга қарши чораларни кучайтириши сабабли экстремистлар ҳам фаолият усулларини ўзгартиргани ва янада радикаллашиб кетаётгани маълум бўлди. Агар илгари улар сўнгги мақсадга эришиш учун уч босқич, яъни «даъват» – «ҳижрат» – «жиҳод» билан борган бўлса, ҳозир эса тўғридан-тўғри «даъват»дан «жиҳод»га ўтишмоқда. Яъни, «Жиҳодчилар» оқимида янги йўналиш пайдо бўлди. Бу гуруҳ тарафдорлари очиқдан-очиқ тажовуз йўли билан кўрқитишга ўтишди. Яҳудий миллатига мансуб шахслар, ғарб давлатлари фуқаролари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари уларнинг тажовуз объектига айланди.

Жиҳодчилар иддао қилаётган «жиҳод» сўзининг маъно-мазмунига ҳам тўхталиб ўтсак. «Жиҳод» сўзи луғатда киши ўзининг бор имкониятини ишга солиб, бирор ишни бажаришга ҳаракат қилиши маъносини англатади. Мисол, шаръий масалаларни ечишда бор имконини ишга солиб ҳаракат қилган йирик олимлар «мухтаҳид» деб аталган. Улар шаръий илмларда «жиҳод» қилишган. Алоҳида таъкидлаб айтиш лозимки, «жиҳод» сўзи луғатда уруш маъносини англатмайди. Уруш бошқа сўзлар билан ифода этилади. Асосан, уруш маъносини англатиш учун араб тилида «қитол» сўзи ишлатилади. «Жиҳод» сўзининг луғатдаги хусусиятидан келиб чиқиб, жиҳоднинг турлари ҳам кўпайган ва

улар орасида босқинчиларга қарши жон-жаҳди билан жанг қилиш ҳам жиҳод дейилган. Ушбу охирги маъно бошқаларидан устун келиб, кейинчалик «жиҳод» деганда айрим ғўр кимсалар фақат урушни тушунадиган бўлиб қолишди.

Ислом истилоҳи бўйича эса, жиҳод асосан уч хилдир. Биринчиси – нафс билан курашиш, яъни нафснинг измига юриб, гуноҳ ва жиноий ишларга қўл урмаслик. Иккинчиси – шайтон билан курашиш, яъни шайтоннинг васвасаларига учиб, ҳаром ва тақиқланган ишларга қўл уришдан сақланиш. Учинчиси – босқинчилар билан жанг қилишдир.

Пайғамбаримиз ота-онанинг хизматини қилиб, розилиklarини олиш ҳам жиҳод турларидан эканини таъкидлаганлар. Уламолар саводсизлик, қашшоқлик, айрим юқумли оғир касалликларга қарши жонбозлик билан курашишни ҳам жиҳод турларидан, деб ҳисоблаганлар. Мазкур мисоллардан хулоса қиладиган бўлсак, инсоният манфаати йўлида, ахлоқимизни яхшилаш йўлида қиладиган саъй-ҳаракатларимиз ҳам жиҳоднинг савобларига тенг солих амаллардан эканини англашимиз мумкин.

Бир ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз (с.а.в.): *«Жиҳоднинг энг афзали – кишининг ўз нафси ва ҳавосига қарши курашмоғидир»*, деганлар (Ибн Можа ривояти).

Ҳозир эса бузғунчи тоифалар ўзлари илгари сураётган ёвуз мақсадга эришиш учун янги «жиҳод» турларини ўйлаб топишган. Улар «жиҳод – муқаддас уруш» деган тушунчани тарғиб қилиб, айбсиз одамларнинг ноҳақ қони тўкилишига сабабчи бўлишмоқда. Бунга дунёнинг турли нуқталарида «жиҳод» ёки «шаҳидлик» ниқоби остидаги қўпоровчиликлар мисол бўлади. Айниқса, Афғонистон, Покистон, Сурия ва Ироқ давлатларидаги худкушлик оқибатида беғуноҳ кишилар ва ёш болаларнинг ҳалок бўлиши жуда ачинарли ҳолдир. Доғистонда имомнинг ҳаётига суиқасд уюштирилгани ва Сурия, Ироқдаги Аллоҳнинг уйи бўлган масжидларда қўпоровчилик содир этилганини, Суриядаги бир хунрезлик оқибатида 20 дан зиёд беғуноҳ гўдаклар ҳаётдан кўз юмгани жуда оғир мусибат эканини ифодалашга сўз ожиз.

Шу ўринда машҳур олим, марҳум Муҳаммад Саид Рамазон Бутийнинг қўйидаги сўзларини келтириш лозим: «Улар бир

вақтнинг ўзида бирор айби йўқ мусулмонларни кечаси бўғизлаб кетишни «шариат рухсат берган иш», дейдилар. Улар оддий йўловчилар тўла самолётни ичидаги айбсиз инсонлар билан қўшиб портлатиб юборишни ҳам «шариатда бор иш», дейдилар. Ҳар ким кўзларини юмиб, Расулulloҳ (с.а.в.) бугун орамизда юрибдилар, деб хаёл қилсин. Ул зот шундай разил ишларга рози бўлармидилар?»

Муборак ислом динида бегуноҳ инсон қонини тўкиш бузғунчиликнинг энг улкан кўриниши ҳисобланади. Динимиз ҳатто чумолига озор беришдан ҳам қайтаради. Бундай ваҳшийликни қилаётганлар динга эътиқод қўйгани ҳақида қанча лоф урмасин, қилган ёвузликлари бу даъволарининг сохта эканини фош этмоқда.

Сохта тариқатчилар: Сўнгги йилларда суннийликдаги Нақшбандия ва бошқа шу каби тариқатларни аҳоли орасида сохта шайхлар, эшонлар томонидан бузиб, тарғиб қилинаётгани кузатилмоқда. Баъзи сохта тариқатчилар томонидан тасаввуфнинг мазмуни бузиб, унинг таълимоти, шариат аҳкомлари ва ижтимоий ҳаётдан узоқлашган ҳолда талқин этилмоқда. Исломда бирор-бир шайхга мурид бўлиш ҳеч кимга фарз қилинмаган. Тариқатчиларнинг «Пири йўқнинг – пири шайтон», деган хато даъвоси ҳеч қандай шаръий далилга эга эмас. Кўр-кўрона маҳсикалиш кийиб юриш ва замонавий либосдаги фуқароларга нисбатан кибрли муносабатда бўлиш, пухта диний ва дунёвий илм олишга интилмаслик исломда риёкорлик ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш жоизки, аксарият ҳолларда шариат талабларининг нотўғри талқин қилиниши, анъанавий ислом тамойилларига қарама-қарши бўлган қоидалар ишлаб чиқирилиши ва тариқат тарафдори бўлмаганларга нисбатан камситиш аҳоли ўртасида норозиликлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Бугунги кунда тариқатчиларнинг фаоллиги асосан Андижон, Фарғона, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида кузатилмоқда.

Сўфийликни даъво қилаётган шахслар оиласини ойлаб маблағсиз, болаларини тарбиясиз қолдирган ҳолда «пири»нинг хизматини қилиб юриши ва бировнинг эҳсони билан кун кечириши ижтимоий иллат бўлиб, ислом таълимотига зиддир. Шунингдек, сохта тариқатчилар жамоа си аъзоларининг ясама тишли имом

орқасидан намоз ўқимаслиги, намоздан кейин Қуръон тиловатини макрух, қўлни ювгандан кейин артиш мумкин эмас, чап қўл билан синдирилган нонни ейиш мумкин эмас, деб асоссиз даъво қилиши мусулмонлар ичида ихтилофга сабаб бўлмоқда. Тарикатчиларнинг жамоа тадбирларида иштирок этмаслиги, фарзандларини мактабда дунёвий илм олишига монеълик қилиши жаҳолатга қайтиш бўлиб, бундай шахслар келажақда жамият учун фойдасиз унсурга айланиб қолади.

Сўфийлик бу – оилани, атрофни унутиб, таркидунё қилиш эмас, балки яхши хулқ касб этиб, эзгулик дастурида умр ўтамоқ деганидир. Расулulloҳ (с.а.в.)дан ривоят қилинган ҳадиси шарифда шундай дейилади: *«Исломда таркидунёчилик (роҳиблик) йўқ»*. Сўфи Оллоёрнинг: *«Шариатсиз киши учса ҳавога, Кўнгил берма ан ингдек худнамога»* мисралари эса бугун ўзини «пир» деб эълон қилган, суннатга юзаки муносабатда бўладиган, одамлар кўнглига қутқу солиш, мурид овлаш, давлату савлат илинжида тўрт томон изғишни одат қилган кимсалар ҳақида айтилгандек гўё. Бинобарин, жаноб Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтганларидек: *«Сизларнинг яхшиларингиз дунё ишини деб охира т ишини, охира тни деб дунё ишини тарк қилмайдиган ва одамларга малоллигини тушурмайдиганларингиздир»*.

Сохта шайхлар, жоҳил, илмсиз сўфилар ва ботил тариқатлар тасаввуфда қаттиқ танқид остига олинади. Уларга эргашмасликка даъват қилинади. Тариқат асосчилари ва улуғ валийлар Қуръон ва ҳадисга асосланмаган ҳар қандай тариқатни рад этади ва ботил санайди. Жоҳил, нодон ва такаббурлар ўзларини тариқат аҳли санасалар ҳам, унинг файзидан бебаҳрадирлар.

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, баъзи бир кимсалар тариқатга кирдим деб, кийим-бошларини, юриш-туришларини ўзгартиришади. Маҳалла-кўйдан ажраш, ҳатто оила ва фарзандларини қаровсиз қолдириш ҳоллари кузатилмоқда. Бинобарин, жаноб Пайғамбаримиз (с.а.в.): *«Аллоҳ таоло сизларнинг ташқи кўринишларинг ва мол-мулкларингга эмас, балки амалларингизга қарайди»*, деганлар. (Имом Муслим ривояти).

Ҳозирда тариқатдан сабоқ беришни даъво қилувчилар, шунингдек, пирга қўл бериб, ўзини сўфий санайдиган сохта тариқатчилар пайдо бўлмоқда. Сохта тариқатчилар бу сохани яхши ўқиб тушунмаган ҳолда нотўғри хатти-ҳаракатлар қилиб, савоб ўрнига гуноҳ, мартаба ўрнига ўзларига маломат орттирмоқда. Ваҳоланки, тариқат йўлига киришдан олдин шариат аҳкомларини пухта эгаллаш шарт. Сохта тариқатчиларнинг йўлларига бир назар солиб кўрайлик.

Улар пирга қўл бермаган кишини мусулмон деб ҳисоблашмайди. Таҳажжуд ва нафл намозларини фарз даражасига кўтаришади. Пирлари тўғрисида ғайбий сирларни ҳам билади, деган гапларни тарқатишади. Маҳалла-кўйдан ажраш, ҳатто оила ва фарзандларини қаровсиз қолдириш ҳоллари кузатилмоқда. Бундан ташқари, айрим сохта тариқатчилар қиблани ўз пирлари яшайдиган томонга ўзгартиришга ҳаракат қилмоқдалар. Яна бир тоифаси пирининг таҳорат қилганда оқиб тушган сувни табаррук деб билмоқда.

Ваҳоланки, нақшбандия тариқатининг шиори – қўл иш билан, дил эса Аллоҳ билан бўлсин, эди. Халқдан ажраш, оиладан воз кечиш бу тариқатга мутлақо ёт нарса. Нақшбандия тариқатининг тамойилларидан бири – «Хилват дар анжуман». Яъни, халқ ичида бўла туриб ҳам хилватда ибодат қилгандек савобли ишларни қилиш мумкин. Тамойиллардан яна бири – «Сафар дар ватан». Бу дегани, ўз уйида, ўз ватанида туриб, узоқ сафарларга чиқмасдан ҳам илм-маърифат, қурбат ва камолот ҳосил қилиш мумкин, дегани бўлади. Абу Мансур Мотуридий ҳазратлари шунча илму фанни Самарқанддан ташқарига чиқмасдан ҳосил қилганларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Тасаввуф тариқатлари ислом шариати аҳкомларини тўла эътироф этган ҳолда мўмин-мусулмонларнинг ахлоқий фазилатларини такомиллаштиришга хизмат қилади. Лекин баъзи бир чаласавод, сохта эшонлар фақат ҳозир эмас, балки илгари даврларда ҳам шариатга ўзларининг ножўя ҳаракат ва сохта кароматлари билан доғ тушириб келганлар. Шу каби эшонларнинг сони яна кўпайиб бораётгани бу, албатта барча мўмин-мусулмонлар учун катта офатдир.

Маърифатчилар: Фарғона вилояти Тошлоқ тумани ва Самарқанд вилояти Иштихон туманида мавжуд Маърифатчилар ҳадисларни ислом манбаси эканини инкор этади, имом ва масжидларнинг фаолиятини гуёки Қуръонда кўрсатилмаган деб тан олмайди, намоз вақти ва тартибини эътиборга олмайди, шунингдек, Муҳаммад (с.а.в.)нинг ислом динини тарқалишидаги ўрни ва аҳамиятини тан олмайди, уни фақат ваҳий олишдаги «воситачи» деб ҳисоблайди.

Бундан ташқари, «Маърифатчилар» Қуръон оятлари ва намозни ўзбек тилида ўқиб, араб тилида ўқиганларни мусулмон эмас, деб ҳисоблайди, наша чекишни тақиқламайди. Жамоа ақидасига кўра: а) исталган вақтда икки ракат намоз ўқийди, солиҳ амаллар намоз ҳисобига ўтади, б) ароқ ичишни ҳаром ҳисобламайди, в) фақат Маккадаги «Масжидул Ҳаром»да намоз ўқиш керак, бошқа масжидларда ўқиш мумкин эмас, г) жума намози фақат Макка аҳлига фарз этилган, д) маййитни кафанлаш ва «жаноза» ўқиш исломда йўқ амаллар, деб ҳисоблайди.

Шоҳидийлар: Андижон шаҳри ва Андижон туманида анъанавий ислом тамойилларига зид равишда Шоҳидийлар диний оқими фаолият юргизган. Уларнинг тарафдорлари 52 нафарни ташкил қилиб, Андижон шаҳрининг Шодлик, Фаробий ва Жалабек маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда Андижон туманининг Оқ-ёр ва Кўнжи қишлоқ фуқаролар йиғинларида фаол ҳаракат қилишган.

Таъкидлаш жоизки, Шоҳидийлар диний оқими тарафдорлари томонидан мавжуд конституциявий тузумга қарши фаол ҳаракатлар олиб борилмаётган бўлсада, лекин уларнинг ўз сафларини кенгайтириш мақсадида яқин ҳамфикрлари ва қариндошлари орасида яширин тарғибот-ташвиқот ҳамда атрофдагиларни ўз сафларига жалб қилиш билан шуғулланиб келганлар.

Хусусан, мазкур оқим тарафдорлари навбати билан даврий равишда (15 кунда бир) ўзларининг хонадонларида йиғилишлар ташкил қилиб, оқимнинг «Қуръондан маъруф» номли китоби асосида диний дарслар ўтказишган.

Йиғилиш давомида оқимнинг Андижон вилояти бўйича раҳбари, «Набий» лавозимида фаолият олиб борувчи шахс

оқим аъзоларига келгусида эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар юзасидан тегишли кўрсатмалар бериб, оқимга янги жалб қилинган шахслардан имтиҳон сифатида юқоридаги адабиёт мавзуларидан савол-жавоб шаклида баҳс-мунозара ўтказган. Шунингдек, «Набий» келгусидаги ташкилий ишлар, навбатдаги йиғилиш куни ва вақтини белгилаб бериб турган.

Оқимнинг ички қоидалари бўйича анъанавий ислом динига зид бўлган қуйидаги ҳолатларни алоҳида ажратиш мумкин:

— беш вақт намозни тан олмаслик (намозни умуман ўқимаслик ёки хоҳлаган вақтда, куннинг исталган пайтида бир марта икки ракат фарз намозини ўқиш билан чекланиш);

— куда-андачилик муносабатларининг оқим аъзолари орасида ўрнатилиши;

— оқимга янги аъзо бўлган шахснинг оқ матога ўнг қўлини қўйган ҳолда қасамёд қилиши ва 70 кун давомида рўза тутиши ёки кунига 800-1000 сўм (жамми 56-70 минг сўм) миқдорида аъзолик бадали тўлаши;

— Саудия Арабистонига бориб, Макка шаҳридаги Каъба атрофида 40 кун мобайнида чиллада бўлиш ибодати;

— масжидларга бормаслик ва уларнинг фаолиятларини қоралаш;

— спиртли ичимликларни маълум бир меъёрда (маст ҳолатга келтирмайдиган даражада) истеъмол қилишга рухсат бериш;

— марҳумни жаноза ва кафансиз дафн қилиш, вафот этган шахсга бағишлаб ўтказиладиган анъанавий диний маросимларни ўтказмаслик.

Жумладан, 2001 йилнинг 17 сентябрь куни «Шоҳидийлар» диний оқимининг Андижон вилояти бўйича собиқ раҳбари Каримов Ҳабиб ўзининг вафот этган онаси – 1926 йилда туғилган Эътиборхон Каримовани, укаси Абдумалик Каримов ҳамда ўғли Насибулло Каримовлар билан бирга тун вақтида, пинхона, марҳумнинг кийимлари билан ҳеч кимга билдирмаган ҳолда жанозасиз қабристонга дафн қилишиб, вафот этган шахсга нисбатан ўтказиладиган диний тадбирларни бажармай, яшаш хонадонларига фотиҳага келган шахсларни қабул қилишмаган.

Маълумки, Исломда ҳаром қилинган амал ёки нарсани ҳалол ҳисоблаш эътиқодий ширк ҳисобланади. «Маърифатчилар» ва

«Шоҳидийлар» жамоасига аъзо бўлган шахслар шариат ҳукмига кўра диндан чиққан ҳисобланади.

Жамоат ансор ал-сунна: Ироқдаги исломий ҳарбий-террористик гуруҳ бўлиб, «суннатга эргашувчилар кўшини» деб номланади. Ташкилот АҚШ ҳарбийларининг Ироқдаги контингенти фаолиятдан норози ва Ироқ ҳукумагига қарши кураш олиб боради. Ташкилот гуруҳлари Ироқнинг шарқи ва марказий ҳудудларида жойлашган. Улар ўз сафларига курд ва араб интернационалистларини ҳам қамраб олади.

Жайш ал-муҳожирин вал-ансор: Суриядаги исломий ёлланма-жангарилар бўлинмаси бўлиб, гуруҳнинг илк номи «Катоиб ал-Муҳожирин»дир. Ташкилот Башар Асад ҳукуматининг армиясига қарши курашади. Аввалига ташкилот аъзолари собиқ совет тузуми остида яшаган халқлардан (чечен, татар, шунингдек, турклардан) ташкил топган эди.

Россия махсус хизматининг (ФСБ) раиси ўринбосари Сергей Смирновнинг хабар беришича, Сурияда асли россиялик бўлган 300-400 киши ёлланма жангарилар сифатида жангларда иштирок этмоқда. Бироқ бир неча мутахассислар томонидан Шарқий Кавказ федератив округидан чиққан ёлланма жангарилар сони бошқача келтирилмоқда. 2013 йилнинг 18 ноябрида «Аргументы.ру» сайти Ливиянинг «Ал-Манор» телеканалига асосланган ҳолда Суриядаги 500 дан ортиқ Россия фуқаролари ўлдирилгани борасида хабар берган. Улардан 439 таси чеченлар ва 188 таси Шарқий Кавказ Республикасининг бошқа аҳолисидан иборатдир. Шарқий Кавказдан фуқароларининг жангларда иштирок этишлари сабаблари турлича эканлиги келтирилмоқда.

Туркиялик аналитик Фехим Таштекин фикрига кўра, Кавказ халқини Суриядаги оппозицияга ёрдам бераётганининг сабаби уларнинг дин масаласидаги бирдамлиги ва ҳамдарддигидир. Шарқшунос Рустам Қурбоновнинг таъкидлашича, Суриядаги кризис Россияда истиқомат қиладиган кавказликларга кўп тарафлама таъсир қилиши табиий, чунки минглаб кавказликлар Сурияда таҳсил олганлар.

2013 йилнинг май ойида «Катоиб ал-Муҳожирин» икки исломий гуруҳлар билан бирлашиб, ҳозирги номини қабул

қилади. Бўлинманинг раҳнамоси «Абу Умар аш-Шишаний», яъни арабчадан таржима қилинганда Умар Чечен номи билан машҳур бўлган шахс саналади. 2012 йилдан бошлаб «Жайш-ал-Муҳожирин вал-Ансор» бошқа ташкилот, яъни «ан-Нусра Фронти» билан бирга Алепподаги жангларда иштирок этганлар.

2013 йилнинг 3 август куни гуруҳ ичида бўлиниш юзага келади. Улар ўз таркибидан такфирчиларни ҳамда «Жайш ал-Муҳожирин»нинг ичида шаклланган Сейфуллаҳ аш-Шишаний бошчилигидаги гуруҳни ҳайдаб чиқаришади. Сейфуллаҳ аш-Шишани интернет сайтлар орқали жуда кенг оммавийлашади, у ўзини танитишга кенг урғу беради. Жами 27 кишидан ташкил топган такфирчилар ва Сейфуллаҳ аш-Шишаний тарафдорлари бир-бирларини қўллаб-қувватлаган ҳолда иш кўрганлар. Улардан қуроллар, транспорт ва алоқа воситалари тортиб олинган. «Жайш ал-Муҳожирин вал-Ансор» ташкилоти раҳбарияти улар ҳақидаги фикри ни ўзгартирмаган ва улар томонидан содир этиладиган ишларга жавоб бермаслиги ҳақида огоҳлантирган. Шундан сўнг Сейфуллаҳ аш-Шишаний ўзларини «Усуд аш-Шам» («Шом шерлари») деб номловчи гуруҳдан бошпана топган. Гуруҳ чет эллик ва кавказликлардан ташкил топган. Гуруҳ раҳбарлари ўзларини «Абу Руда ва Яхё» деб аташган. 2013 йилнинг 27 августида гуруҳ раҳнамолари Сейфуллаҳ аш-Шишаний билан байъат тузиб, унга бошпана берганликларини эълон қилган.

Нусра фронти: Нусра фронти – жиҳодга тарғиб қилувчи, сохта салафийлик таълимотларига асосланган, 2012 йил 23 январда ал-Қоида ташкилотидан ажраб чиққан ва ташкил этилган бузғунчи оқим. Жорий ҳукуматни ағдариб ташлаш мақсадида ҳукумат кучларига қарши «ал-Қоида» ташкилоти раҳбари буйруғига биноан тўғридан-тўғри фаолият олиб борувчи Нусра фронтидир. Бу ҳаракатга тегишли бўлган минглаб жангарилар мавжуд бўлиб, уларнинг сони борган сари ортиб бормоқда. Мазкур оқим жорий ҳукуматни ағдариш, ислом халифалигини ўрнатish ва террорга асосланган ҳолда минтақавий нотинчликни содир этишга ҳаракат қилади. Нусра фронти оқимининг тўлиқ номи «Шом аҳли учун ан-Нусра фронти» бўлиб, унинг рамзи тўлиной шаклидан иборат.

Бу ташкилот Ислом давлати қуриш даъвосини илгари суради. Ушбу оқимнинг таркибида Покистон давлати ҳудудидаги лагерларда «ал-Қоида» томонидан тайёрланган ва ундан ажралиб чиққан жангарилар жуда кўпчиликни ташкил этади. Шунингдек, Ироқдаги урушда тажриба ортирган ғаламисларнинг бир гуруҳи ҳам бу оқимга келиб қўшилган.

Унинг етакчиси Абу Муҳаммад ал-Жулоний номи билан машҳурдир. Нусра fronti жангарилари таркибининг аксариятини ироқлик, покистонлик, афғонистонлик ҳамда Ўрта Осиё ва Кавказ мамлакатларидан келган шахслар ташкил этади. Дастлаб бу оқим «Ироқ ва Шомда ислом давлатини ташкил этиш» жамоатининг бўлинмаси сифатида фаолият олиб борди.

Ироқдаги ал-Қоида ташкилоти раҳбари Абу Бакр ал-Бағдодий 2013 йил апрель ойида икки жамоани бирлаштириб, «Ироқ ва Шомда ислом давлати ташкил қилиш» жамоати деб эълон қилади. Лекин бу ном Нусра fronti ҳаракати тарафдорлари томонидан қўллаб-қувватланмайди. Шундан сўнг, ал-Қоида ташкилотининг раҳбари Айман Завоҳирий 2013 йил июнь ойида мазкур номни расман бекор қилиб, Нусра fronti ҳаракатининг «ал-Қоида» ташкилотининг бўлинмаси эканини таъкидлади. Шундан сўнг юқоридаги икки жамоат икки алоҳида оқимга ажралади. Нусра fronti ҳаракати ал-Қоида ташкилотининг жиҳодга тарғиб этувчи, салафий ақидасига асосланган бўлинмаси саналади. Ушбу ҳаракат Сурия, Ливан, Иордания, Исроил ва Фаластин давлатларини ўз ичига олган. Улар ислом шариатига асосланган ислом халифалигини ўрнатишга ҳаракат қилади. Шунингдек, мазкур ҳаракат алавийлар ва шиаларга қарши иш олиб боради, уларни куфр йўлини тутган оқимлар, деб санайди. Шунингдек, ал-Қоида ташкилотининг собиқ раҳбари Усома бин Лодиннинг ғоявий маслаҳатчиси доктор Абдуллоҳ Аъзам фикрларига таянган ҳолда, жиҳодга тарғиб қилишни ҳар бир мусулмон киши бажариши лозим, фарз бўлган афзал амал, деб ҳисоблайди.

Мазкур ҳаракат «Шом ва Ироқда ислом давлатини ташкил қилиш» ҳаракати билан ҳамкорликда салафий оқимдаги жиҳодий кучларни бирлаштиришга ҳам интилади. Ал-Қоида ташкилотига қарашли мазкур Нусра fronti Исроилга қарши террористик уруш

ҳаракатларини олиб боришни ҳам режалаштирмоқда. Шунингдек, у терроризм ҳаракатини Ғарб давлатлари ва бошқа давлатлар, хусусан Ғарбга бўйсунмаётган араб ва ислом давлатлари томон ёйишга интилади.

Бу ҳаракат раҳбари амир деб номланиб, у бир вақтнинг ўзида ҳам сиёсий ва ҳам диний раҳбар ҳисобланади. Минтақалардаги маҳаллий амирлар фронтнинг бош амирига бўйсунди. Фронтнинг бош ҳайъати «Мужоҳидлар шўро кенгаши» деб номланиб, унинг раҳбари, амири Абу Муҳаммад ал-Жулонийдир. У суриялик бўлиб, ҳарбий тажрибани Ироқда олган.

Шу кунга қадар Нусра фронтининг 70 га яқин аъзолари ўзини-ўзи ўлдириш орқали худкушлик жиноятларини содир этган. БМТ, АҚШ, Австралия ҳамда Буюк Британия каби мамлакатлар Нусра фронтини террористик ташкилот деб эълон қилган.

Мужоҳид ёшлар ҳаракати: Бу ташкилот «ал-Қоида» ташкилоти билан мунтазам ҳамкорликда ишлайди. Мужоҳид ёшлар ҳаракати тахминан 3000 кишини ташкил этади. Ҳаракат аъзолари ҳарбий қуроллар билан таъминланган. Мазкур оқимнинг Абу Анас лақабли раҳбари АҚШнинг Кения ва Танзаниядаги элчихоналарини портлатган, асл исми Нозиҳ ал-Нақирийдир. У 2013 йилдаги аксилтеррор операциялари натижасида қўлга олинган. Абу Анасга террористик ҳаракатларни ташкил этиш ва амалга оширганлик айблари қўйилган. Абу Анас 1964 йилда туғилган, унинг хунрезликлари оқибатида 224 киши қурбон бўлган. У «Жангари Ислом жамияти аъзоси»дир. У илгари имомлик қилган вақтида ҳам кишиларни бузғунчилик ҳаракатларини содир этишга даъват этган. Ушбу ҳаракат томонидан содир этилган 2011 йил 4 октябрь Мағодишдаги қўпурувчилик оқибатида 80 дан ортиқ одам ҳалок бўлган.

2011 йил 16 октябрда Мужоҳид ёшлар ҳаракатини йўқ қилиш операцияси ўтказилган. Бундан мақсад мужоҳидлар ҳаракатини тугатиш, Кения ҳудудини мужоҳидлардан тозалаш бўлган. 2012 йил 28 сентябрда Кения ва Сомали ҳукумат ҳарбийлари Мужоҳид ёшлар ҳаракати назоратида бўлган Кисмайо шаҳрини мужоҳидлардан тозалашга киришади.

Жангари ёшлар террористик ташкилоти: Бу оқимнинг раҳбари ал-Қоида ташкилотининг фаол ҳамкори 2013 йилдаги аксилтеррор операцияси натижасида ҳалок бўлган Иброҳим ал-Абдий бўлиб, у жуда кўплаб тинч аҳолининг қурбон бўлишига, бир неча қўпоровчилик ҳаракатлари ва тўс-тўполонларнинг содир этилишига сабабчи бўлган шахсдир.

Кўришиб турибдики, турли исломий-экстремистик ва террористик гуруҳлар ҳамда ташкилотлар ўз домига ғўр, ҳали тафаккури тўла шаклланиб улгурмаган ёшларни жалб этиш ҳаракатидадир. Улар ёшлар тафаккурини ёт ва бузғунчи ғоялар билан тўлдирадилар, уларни ўзларининг зобитларига айлантирадилар. Дин масаласида нотўғри тарғиботни ёшларга сингдириш орқали улар ўз сафларини кўпайтиришга, ўлганлар сонини тўлдиришга саъй-ҳаракат қиладилар. Аслида уларнинг ғоялари ва соф ислом дини қадриятлари ўртасида умуман ғоявий бирлик ва алоқа мавжуд эмас. Нима учун улар ёшлар билан махсус шуғулланади?! Чунки ёшларга дин омили асосида нотўғри фикрларни сингдириш осон кечади. Улар ёшларни «жиходчи» ва ёки «шаҳид» сифатида тайёрлайди. Аслида улар ёшларни ўз жонини қурбон қилишга тайёрлайди ва йўналтиради. Ёшлар турли террористик гуруҳ раҳбарлари учун «қурол» ролини ўйнайди. Бу ёшлардан фойдаланиб қолиш, уларни ўз ғаразли мақсадлари йўлида қурбон қилишдан ўзга нарса эмас.



ХУЛОСА

Мустақилликнинг дастлабки давриданоқ маънавий қадрият-ларимизни тиклаш ва миллий ўзликни англаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистоннинг бугунги ва келгуси тараққиёти, халқимизнинг маънавияти ва анъанавий урф-одатлари, азалий эътиқоди ва ишончи, шунингдек, Мовароуннахр тарихи муқаддас ислом дини билан чамбарчас боғлиқ эканлиги таъкидланади.

Ислом дини илоҳий таълимот бўлиб, у инсоний фазилатлар ва эзгу ғояларни ўзида мужассам этган диндир. Бироқ турли ақидапараст ва террорчи ташкилотлар ғаразли мақсадларидан келиб чиққан ҳолда Ислом таълимотининг айрим ғоя ва тамойиллари мазмун-моҳиятини бир ёқлама ва нотўғри талқин қилиб, одамларни тўғри йўлдан адаштиришга уринмоқдалар. Бунга мисол тариқасида «Туркистон ислом ҳаракати», «Ҳизбут-тахрир», «Акромиёлар», «Нурчилар», «Таблиғчилар» ва «Жиходчилар» каби диний-экстремистик оқимларининг илгари сурган ғоя ва қарашларини келтириш мумкин. Бундан кўзлаган мақсад жамиятдаги ижтимоий бирликка таҳдид солиш, давлатимизда ички парокандаликни келтириб чиқариш эканлиги ҳаётда ўз исботини топмоқда.

Зеро, Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ўз умматларини огоҳ-лантириб, уларни иттифоқ бўлишига чақиради ва ихтилофга бормасликка буюриб шундай деганлар: *«Сизлар бир кемага миниб, йўлга чиққан йўловчиларга ўхшайсизлар – ичларингиздан бир онгсиз, безори одам қўлига болтани олиб, кемани теша бошласа, сизлар лоқайдлик қилиб, уни бу ишдан қайтармасангиз, ҳаммангиз бирга ғарқ бўлурсиз. Қайтарсангиз ҳаммангиз омон қолурсиз»*. Шу ҳадиси шариф моҳиятидан келиб чиқсак, жамиятнинг ҳар бир аъзоси бир-бирининг тинчлиги ва осойишталиги учун масъул ва жавобгар эканини тўғри англамоғи керак.

Юқоридаги ҳадиси шарифдан ўзимизга сабоқ оладиган бўлсак, унда жуда теран маънога эга ҳикмат борлигини идрок этамиз. Зеро, юртимиз фуқаролари ҳам ўзлари ва келажак авлодларнинг бахт-саодати, фаровон ҳаёт кечириб, тинчлик ва хотиржам яшашларига ўз ҳиссаларини қўшиб, ҳозирдан юрт тақдири ҳақида қайғуришлари, унинг тараққиёти ва равнақи йўлида қўлларидан келганча хайрли ишларни амалга оширишлари керак бўлади.

Яхши ният ва холислик миллий ва диний қадриятларимизнинг теран илдишлари сирасига киради. Халқимиздаги «Яхши ният – ярим мол», деган мақол замирида ҳам миллий қадриятларимиз билан боғлиқ тушунча ўз аксини топгандир. Оддий халқ орасида муҳим бир ишни бошлаш олдидан яхши ният қилиш, тушкунликка тушмаслик, фақат яхшиликни ирода этиш керак, дейиш ҳам худди шу мақолнинг мазмуни билан уйғунлик касб этади. Бир ҳадиси шарифда: *«Барча ишлар ниятга қараб баҳоланади»*, дейилган. (Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари). Демак, пок ва холис ният ҳар бир ишда шарт эканлигини асло унутмаслик даркор.

Аммо диний-эстремистик оқимлар манфур ниятлари ва амалиётларини оқлаш ва омма эътиборини тортиш мақсадида муқаддас динимиз номидан иш тутиб, фатволар беришдан ҳам тоймаётганларига лоқайд қараш тўғри эмас. Масалан, аҳолисининг кўпчилиги мусулмон бўлган мамлакатимизда Исломнинг асосий беш аркони бажарилиб турган бўлса-да, мусулмонобод юртимизни «дорул-ҳарб», яъни «кофиристон» деб эълон қилиб, жамият кишилари ўртасида бузғунчилик, низо чиқариш, нифоқ солиш, давлат сиёсий бошқарувига аралаштириш, диний уламоларнинг жонига қасд қилиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Уларнинг иддао қилишларига қараганда ҳамма фақат ислом шариятига амал қилиши керак, конституцион қонун-қоидаларга амал қилишни кўфрга чиқариб, ўзларини ислом дини ва мусулмонларни ҳимоя қилувчи халоскор фирқа деб, одамларни жанговар кайфиятга ундамоқдалар. Энг ачинарлиси шундаки, бу оқимлар ҳали онги тўлақонли шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз ва ғўр ёшларни ўз тузоғига илинтириб, улардан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланмоқдалар.

Тарихга назар ташласак, Бузғунчилик доимо тараққиёт йўлига ғов бўлиб келганига гувоҳ бўламиз. Жумладан, XIII асрда мўғуллар истилоси натижасида юртимиз қандай мудҳиш ҳолатни бошдан кечирганини эслаш кифоя. Истилодан олдин Самарқандда 250 масжид ва 40 мадраса, Бухорода эса 400 масжид ва 30 мадраса бўлган. Бу даврда Мовароуннаҳрда аксарият аҳоли ислом дини арконларини маҳкам тутиб, эътиқодда қатъий бўлган. Мўғуллар юртимизда янги дин ташкил қилиш ёки ўз динларига киритиш орқали халқ билан чингизийлар ўртасида яна низо-жанжаллар чиқаришни хоҳламас эди.

Мусулмон уламолари олдида икки йўл бўлиб, биринчиси, истилочиларга қарши халқни оёққа турғазиб, душман билан жанг қилиш бўлса, иккинчиси, мўғуллар ҳукуматининг муайян талабларини бажариб, халқ билан мўғуллар ўртасидаги келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал қилиш турарди. Агар уламолар биринчи йўлни танлаганда, халқнинг қирилиб кетишига олиб келар эди. Уламолар бу борада оқилона йўл тутиб, ўз яшаш услуби ва эътиқодини сақлаган ҳолда, мўғулларга бўйсунушди ва халқнинг муайян эркинлигига эришишди.

Мўғул истилочилари Мовароуннаҳрга айнан баҳор фаслида кириб келиб, юз минглаб аскарлари ва от-уловлари экинзор ва боғ-роғларни харобага айлантириб, кўплаб масжид-мадрасаларни вайрон қилган ва бегуноҳ кишиларнинг ўлимига сабаб бўлган бўлсалар ҳам улар барпо этган давлатни ўша давр уламолари «дорул-ислом» («мусулмон мамлакат») деб қабул қилишлари учун қуйидаги фатволарга суянганлар:

1. Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайҳ) сўзига кўра, дорул-ҳарб бўлиши учун у мамлакатда ширк ҳукмлари жорий қилинган, дорул-ҳарб саналувчи мамлакатга бевосита қўшни бўлиб, ўртада бошқа мусулмонлар яшайдиган шаҳар бўлмаган, бирор мусулмон ёки зиммий¹ жонига омонлик берилмаган бўлиши керак. Мана шу

¹ **Зиммий** – Мусулмонлар диёрида йилига бир марта жизья солиғини тўлаш асосида яшайдиган ғайридин киши. Умар ибн Хаттоб (р.а.)нинг Байтул Мақдис насороларига берган аҳдлари ва улар билан қилган муомалалари Ислолда зиммийларга бўлган муносабатнинг юксак намунасидир. У киши Жобияда турганларида ҳузурларига Илия аҳли келиб омонлик сўрашди. Улар билан жизья бериш ҳақидаги сулҳ тузилди ва қуйидаги аҳднома ёзилди: «Бисмиллаҳир

шартлар топилмаса, «дорул-ислом дорул-ҳарб»га айланмайди. Бу ерда мусулмон ва зиммийларга мушриклар томонидан омонлик берилган ёки берилмагани назарда тутилган. Яна Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ айтади: Модомики, ислом аҳкомидан озгина миқдорда мавжуд бўлса ҳам, мамлакат дорул-ислом ҳукмида қолаверади.

Изоҳ: Абу Ҳанифанинг сўзига кўра, ширк ҳукмлари жорий бўлиши, яъни бутпарастлик ёки оташпарастлик ҳукмларига халқни зўрлаш куфр мамлакати деб ҳисобланаётган давлатга чегарадош бўлиши ёки истилочилар томонидан мусулмонлар ва зиммийларга тинч ҳаёт кечиришларига шароит бўлмаслигидир. Юқоридаги шарт-шароит мамлакатда бўлмаса, ислом ҳукмларидан озгинасига бўлса ҳам рухсат берилса, «дорул-ислом» мусулмон мамлакати «дорул-ҳарб» (куфр мамлакати)га айланмайди, гарчи унинг подшоси кофир бўлса ҳам.

Раҳмонир Раҳим. Ушбу Аллоҳнинг бандаси, мўминларнинг амири Умар Илия аҳлига берган омонликдир. У уларнинг жонларига, молларига, черковларига, хочларига, беморларига ва соғларига ҳамда барча миллатига омонлик берди. Уларнинг черкови маскан қилинмайди, бузулмайди ва черковлар, улардаги нарсалар, хочлар ҳамда уларнинг молу мулкларидан бирор нарса камситилмайди. Улардан бирор кишига зарар етказилмайди. Илияда улар билан бирга бирорта ҳам яҳудий маскан тутмайди. Аҳли Илия зиммасида худди аҳли Мадоин бергандек жизя бериш бордир. Румларни (византияликларни) ва ўғриларни чиқариш уларнинг зиммасидадир. У ердин ким чиқса, то омонлик ериги етиб олгунича жони ҳам, моли ҳам омонда бўлади. Улардан ким муқим қолса, у ҳам омондадир. Унинг зиммасига ҳам аҳли Илияга бўлган жизя лозим бўлади. Аҳли Илиядан ким жони ва моли ила Румлар билан кетишни ва ибодатхона ҳамда хочларини қолдиришни истаса, улар омонлик жойларига етиб олгунларича ўзларига ҳам, ибодатхона ҳамда хочларига ҳам омонлик бор. У ерда ер аҳлидан ким бўлган бўлса, улардан ким қолишни истаса қолаверади. У аҳли Илия ўтаган жизяни ўтайди. Ким истаса, аҳли Рум билан кетаверади. Ким истаса, аҳлига қайтиб кетаверади. Ҳосилларини йиғиб олмагунларича улардан ҳеч нарса олинмайди. Қачон улар зиммаларидаги жизяни берсалар, ушбу мактубдаги нарсаларда Аллоҳнинг аҳди, Унинг Расулининг зиммаси, халифаларнинг зиммаси ва мўминларнинг зиммаси бор». Ушбу аҳдномани Илиянинг аёнларига олиб боришганда улар чексиз қувондилар. Бунчалик кенгликлар ва ҳимоялар бўлиши уларнинг ҳаёлига ҳам келмаган эди. Шунинг учун ҳам уша пайтларда кўпгина ғайридин халқлар ва жамоалар ўз диндошлари ҳукмидан кўра мусулмонларнинг ҳукмини афзал кўрганлар.

2. Абу Юсуф¹ ва Муҳаммад² (раҳимаҳумаллоҳ)лар сўзига кўра, дорул-ҳарб бўлиши учун мамлакатда ширк ҳукмлари жорий қилинган бўлишининг ўзи кифоя. Дорул-ҳарбга туташ бўлиш-бўлмаслигининг фарқи йўқ. Яна дорул-исломга туташ бўлмасдан ўртада аҳли ҳарбларга қарашли шаҳар бўлиши ҳамда мусулмон ва зиммийларнинг омонда бўлиш-бўлмаслигидан қатъи назар, биз ижмоъ (иттифок) қилганмизки, ислом ҳукмлари жорий бўлиб турган мамлакат дорул-исломдир, гарчи у ерда кофирлар яшаётган бўлса ҳам, ёки дорул-исломга туташ бўлмаса ҳам. Шунда ҳар икки диёрнинг хусусиятлари эътиборга олинган бўлади.

3. Шайхулислом Абу Бакр³ (раҳимаҳуллоҳ) ҳам «Сияр ал-асл» китобининг шарҳида худди шу фикрни билдирган. Яна у ўша китобнинг бошқа жойида мамлакатда модомики, ислом аҳли амал қилаётган ислом аҳкомидан озгинаси қолган бўлса, гарчи аҳли исломлик аломати қолмаган бўлса ҳам, дорул-ҳарбга айланмайди, деган.

4. Садр ал-ислом Абу Юср⁴ (раҳимаҳуллоҳ) «Сиярул-асл» китобидаги муртадларга доир ҳукмлар бобида ёзишига кўра, дорул-ислом модомики, дорул-ислом аталишига сабаб бўладиган нарсалар йўқ бўлиб кетмагунча дорул-ҳарбга айланмайди.

5. Шайхулислом Исбижобий⁵ (раҳимаҳуллоҳ) ўзининг «Мабсут» номли китобида дорул-ислом деб аталиб келинаётган мамлакатда, гарчи битта ислом ҳукми жорий бўлиб турган бўлса ҳам, у дорул-ислом ҳукмида қолаверади. Ислом аломатлари йўқ бўлсагина у дорул-ҳарбга айланади. Шунингдек, дорул-ҳарб ширкнинг айрим аломатлари топилмай, улар ўрнига ислом аҳкомлари жорий бўлиб турган бўлса, у дорул-исломдир, деб айтган.

¹ Абу Юсуф – Яъқуб ибн Иброҳим ибн Хубайб (ваф. 182/799 й.).

² Муҳаммад – Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний (ваф. 189/805 й.).

³ Абу Бакр Хоҳарзода – Муҳаммад ибн Ҳусайн ибн Муҳаммад Абу Бакр Бухорий (ваф. 482/1090 й.).

⁴ Абу Юср – Али ибн Муҳаммад ибн Ҳусайн ибн Абдулкарим ибн Мусо ибн Исо ибн Мужоҳид Абу Ҳасан Баздавий (400–485/1010–1093 й.).

⁵ Шайхулислом Исбижобий – Али ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Исҳоқ Исбижобий (453/1062 й. таваллуд топган).

6. Имом Ломиший¹ (раҳимаҳуллоҳ) ўзининг «Воқиот» номли китобида ҳам модомики, мазкур учга аломат мавжуд экан, дорул-ислом дорул-ҳарбга айланмайди, деган.

7. Носириддин Самарқандий² (раҳимаҳуллоҳ) ўзининг «ал-Мултақат» асарида Ислом аҳкомларининг жорий қилиниши билан мамлакат дорул-исломга айланади. Модомики, кичкина бўлса-да, исломият аломатларидан қолган бўлса, ислом томони оғирлик (ғалаба) қилади. Кофирлар қўл остидаги мамлакатлар шаксиз дорул-ҳарб эмас, балки дорул-исломдир. Зеро, улар дорул-ҳарбга чегарадош эмас.

Шунингдек, улар у ерларда куфр ҳукмларини намоиш қилганлари йўқ. Балки, ўша мамлакатлардаги қозилар мусулмонлардан, зарурат юзасидан кофирларга итоат қилиб турган шохлар ҳам мусулмонлардандир. Борди-ю, зарурат юзасидан бўлмаган тақдирда ҳам худди шу ҳукмдир. Қайси шаҳарда кофирлар томонидан мусулмон бошлиқ тайинлаб қўйилган бўлса, ўша шаҳарда жума ва ҳайит намозларини ўқиш, закот, хирож, ушр йиғиш, қози сайлаш, тул ва беваларни оилали қилиш каби ишлар жоиз бўлади. Зеро, мусулмонлар бошлиғи қилиб мусулмон одам қўйилган. Кофирларга итоат қилиш эса, [зарурат юзасидан] мурса ёки ҳийла-тадбир ҳисобланади. Аммо мусулмонлар устидан кофир кишиларни ҳоким қилиб қўйилган бўлса, шунда ҳам жума ва ҳайит намозларини адо этиш жоиз. Мусулмонларнинг розилиги билан қози сайлаб олиниши ҳам мумкин, деган.

Юқорида Маждуддин Уструшанийнинг асаридан олинган фатволардан шуниси аён бўладики, мусулмон кишини бирор-бир гуноҳи ёки билмасдан йўл қўйган хатолари туфайли кофирга чиқариш ёки кўпчилик аҳолиси мусулмон бўлган ўлкаларни «куфр диёри» деб аташ ислом ақидасига мутлақо зиддир.

Буюк мазҳаббошимиз Имом Абу Ҳанифанинг ақидага оид «Фикҳи акбар» китобида баён этилган қўйидаги фикрларини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир: «Бирор мусулмонни қилган

¹ **Имом Ломиший** – Ҳусайн ибн Али Абулқосим Имоуддин Ломиший (ваф. 514/1121 й.даг кейин).

² **Носириддин Самарқандий** – Носириддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Юсуф Ҳусайний Самарқандий (ваф. 556/1161 й.).

гуноҳи туфайли кофирга чиқармаймиз, гарчи у гуноҳи кабира бўлса ҳам. Башарти уни ҳалол деб эътиқод қилмаган бўлса, ундан имон исмини ҳам олиб ташламаймиз, уни ҳақиқий мўмин деб атаймаймиз. Уни фосиқ мўмин деб аташ мумкин, фақат кофир деб эмас».

Мазҳабимизда мўътабар саналган «Дуррул мухтор» ва унинг шарҳи «Раддул мухтор»да шундай деб қайд этилган: «Ислом диёри фақат мана бу учта шарт тўпланганидан кейингина куфр диёрига айланади: 1) ширк аҳли ҳукмлари юритилиши билан (шу жойнинг хошиясида: «Мушрикларнинг ҳукми ошкор юритилиб, мусулмонларнинг бирон-бир ҳукми амал қилмаганидан кейин куфр мамлакати бўлади», дейилган). Демак, мусулмонларнинг ҳукми ҳам, кофирларнинг ҳукми ҳам юритилган диёр куфр юрти ҳисобланмайди; 2) Ислом диёри куфр мамлакатларига қўшилиб, бирлашиб қолса; 3) мамлакатда бирор тинч ва хавфсиз мусулмон қолмаса».

Ушбу уч шартнинг ҳаммаси бир мамлакатда мавжуд бўлса, у жой куфр мамлакатига айланади. Агар биттаси ёки иккитаси мавжуд бўлиб, ундан бошқаси мавжуд бўлмаса, ислом юрти бўлиб қолаверади. Ислом ҳукмлари деганда фақат сиёсий ҳукмлар эмас, жума ва ҳайит намозларига рухсат бериш, муфтий ва қози сайлаб, фатвосига эргашишни буюриш, ҳаж сафарига керакли шарт-шароит яратиб бериш каби ҳукмлар ҳам тушунилади. Чунончи, юқоридаги китобда қайд этилганидек, «Дорул ҳарб (куфр юрти) мусулмонларнинг жума ва ҳайитларига ўхшаган ҳукмлари юритилиши билан ислом юртига айланади, агар у ерда кофирлар бўлса ҳам ва ислом мамлакатига қўшни бўлмаса ҳам».

Шайх Юсуф Қарзовий бир мусулмонни кофирга чиқариш хусусидаги саволга қуйидаги жавобни берган: *«Ким Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига ва Муҳаммад Унинг расули эканига қалби билан тасдиқлаган ҳолда гувоҳлик берса, у мусулмондир. Унга мусулмонларга қилинадиган муомала тўлалигича қилиниши керак».*

Бу далилларга инсоф билан ёндашадиган бўлсак, мамлакатимиз ислом диёри бўлиб, мусулмонлар мусулмон раҳбарлар қўл остида эканига асло шак-шубҳа қолмайди.

Мамлакатимизда динимизнинг аксарият ҳукмларига амал қилинмоқда, юртимиз раҳбарлари мўмин-мусулмон эканларини ошқора билдириш билан бирга, ўзгаларни исломда собит туриш ва Исломдан бошқа динларга қўшилиб кетмасликка тарғиб қилиб туришибди. Демак, бу юртни жоҳилият даврига ўхшатиб, «куфр диёри» дея аташга ва халқини куфрда айблашга ҳеч қандай асос йўқлигини очиқ тан олиш керак.

Биз юқорида ҳанафий фақиҳларининг фатволарига суянган ҳолда юртимизни «дорул-ислом» (мусулмон мамлакат) дейишга тўла ҳақлимиз. Зеро, истиқлол туфайли халқимиз эркинлик неъматини англаб етди, юзлаб масжидлар очилди, аждод алломалар номи тикланди, ибодат учун керакли шарт-шароитлар яратилди. Давлат бошлиғи олиб бораётган сиёсатни, нафақат дин соҳасида, балки халқ маънавияти, иқтисодиёти, ёшлар камолоти, мамлакат турмушини юксалтириш бўйича тузилган кенг миқёсли дастурни бутун дунё ўрганиб, унинг аҳамиятини эътироф этмоқда. Саҳл ибн Абдуллоҳ ат-Тустарий айтадилар: *«Одамлар ўзларининг раҳбар ва олимларини ҳурмат қилишда бардавом бўлсалар, Аллоҳ уларга фаровонлик ва тинчлик ато этади. Акс ҳолда улар мазкур неъматлардан маҳрум қилинадилар».*

Хулоса қилиб айтганда, юқорида номлари тилга олинган оқим ва фирқаларнинг шаръан асоссиз даъволари ҳаётимизда ўз исботини топиб турибди. Биринчидан, юртимизнинг барча мўмин-мусулмонлари асрлар давомида ҳанафий мазҳабига оғишмай эргашиб, амал қилиб келганлар. Шунингдек, мусулмонларнинг ораларида ўзаро ғоявий курашлар кечаётган ҳозирги пайтда аҳолини, айниқса, ёшларни огоҳликка чақириб, муқаддас динимиз софлиги ва мусаффолигини асрашда Аллоҳ таолонинг: **«Аллоҳнинг «арқони»ни (Қуръонини) маҳкам тутинг ва фирқаларга бўлинманг..!»** (Оли Имрон, 103), деган ояти каримасига ва Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг *«Барча Ислом уммати бирдамлик, ўзаро тинч-тотув, дўстлик, ҳамкорлик руҳи асосида яшаши, барча билан ўзаро муносабатларда ўрнатилган бўлиши лозим»*, деган ҳадиси шарифларига мувофиқ иш тутсалар, мақсадга мувофиқ бўлади. Зеро, Расули акрам (с.а.в.) таъкидлаб айтганларки: *«Аллоҳнинг «қўли», яъни ризоси ва нусрати жамоат*

узра бўлур». Бу деганлари кўпчиликдан ажралиб Аллоҳнинг қаҳрига учрамаслик учун қилган васиятларидир.

Иккинчидан, динимиз душманлари катта маблағ сарфлаб, ҳамтовоқлари қўлларига қурол тутқазиб, қабих режаларини амалга оширишга ҳаракат қилмоқдалар. Улар Аллоҳ ҳақ томонида эканини ва Ўзи уни ҳимоя қилишини билмайдиларми? Аллоҳ таоло шундай дейди: **«Кимки ёмонлик қилса, ўша (ёмонлик) билан жазоланур. Ўзига Аллоҳдан ўзга на бирор дўст топади ва на бирор ёрдамчи»** (Нусо, 123). Яна бир оятда «... Аллоҳ бузғунчиларнинг ишини ислоҳ этмагай» (Юнус, 81), яна бир оятда: **«Гарчи жинойтчилар ёқтирмасалар-да, Аллоҳ ўз сўзлари (амрлари) билан ҳақиқатни рўёбга чиқарур»** (Юнус, 82), дейди. Одам ўлдириш динимизда улкан гуноҳ ҳисобланиб, гуноҳкор охиратда жаҳаннам азобига дучор бўлиши алоҳида таъкидланади. Ҳадиси шарифда пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.): **«Мўмин кишини ҳақорат қилиш гуноҳ, у билан жанг қилиш эса куфрдир»**, деб марҳамат қилганлар (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоятлари).

Учинчидан, динимизда фитна, фасод ва ғийбат тарқатиш ҳам улкан гуноҳлар сирасига киради. Аллоҳ таоло Ўзининг Каломида бандаларини ана шу фитна ва фасод ишлардан огоҳлантириб, шундай марҳамат қилган: **«...Фитна қотилликдан ҳам ашаддийроқ (жинойт)дир...»** (Бақара, 191). Абу Ҳурайра (р.а.) дан ривоят қилинади. Ҳазрати Расули акрам (с.а.в.): **«Охирзамонда дажжоллар, (фирибгарлар) ёлғончилар (жамоаси) бўлади. Улар сизлар ҳам, ота-боболарингиз ҳам эшитмаган гапларни гапирадилар. Бас, сизлар улардан ўзларингизни узоқ қилинглр ва ўзларингиздан ҳам уларни узоқ қилинглр. Сизларни адаштириб ва алдаб фитнага (ширкка) солиб қўймасин»**, дедилар (Имом Муслим ривояти).

Нофеъ (р.а.)дан ривоят қилинади: «Ибн Зубайр фитнаси пайтида икки киши Ибн Умар олдига келиб: **«Одамлар нима ишлар қилишяпти, сиз бўлсангиз Пайғамбаримизнинг яқин саҳобалари бўлатуриб индамай ўтирибсиз, уларга қарши курашишингизга нима моневлик қилади?»** дейишди. Ибн Умар: **«Аллоҳ таолонинг ўз биродарларим қонини тўкишдан қайтаргани моневлик қилади»**, дедилар. Боягилар: **«Ахир, Аллоҳ таоло: «Фитна босилиб,**

бутун дин Аллоҳгагина бўлмагунича улар билан урушинглар», демаганмиди?!» дейишди. Ибн Умар: «Биз фитна қолмагунича ва Аллоҳ таоло дини қоим бўлгунича урушидик. Нима, энди сизлар яна фитна содир бўлиб, Аллоҳ таолонинг дини барбод бўлгунича уруш қилмоқчимиз сизлар?!» дедилар» (Имом Бухорий ривояти).

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ҳаёт вақтларида асло вужудга келмаган, аммо келажакда пайдо бўлиши мумкин бўлган, халқлар ва миллатлар бирлиги ҳамда осойишталигига таҳдид солувчи фитна-фасод, бузғунчиликлар ҳақида хабар бериб: *«Умматимдан қайси бири умматимга қарши чиқса, унинг яхши ва ёмонини фарқига бормаса, мўминга зиён тегишидан ўзини тиймаса, берган вағдасига вафо қилмаса, у менинг умматим эмас!»* деб огоҳлантирган эдилар. (Имом Муслим ва бошқалар ривояти).

Тўртинчидан, динимиз одамларни зўрлаб динга киритишни ёқламайди. Куръони каримда: *«Динда зўрлаш йўқ, зеро, тўғри йўл янглиш йўлдан ажрим бўлди...»* (Бақара, 256), деб марҳамат қилинган. Дарҳақиқат, Конституциямизда ҳам бирон фуқарони бирон динга мажбурлаб киритиш тақиқланган, ҳар бир инсон ҳақ-ҳуқуқи, эркинлиги ва кафолатлангани хусусида шундай дейилган: *«Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди».* Диний бағрикенглик тамойили Конституциямизнинг барча моддаларида ўз аксини топган десак хато бўлмайди. Ўзбекистон ҳудудида яшовчи ҳар бир фуқаронинг манфаатлари, ҳақ-ҳуқуқ ва бурчлари қонунимиз доирасида аниқланиб, белгилаб қўйилган.

Бешинчидан, мўмин-мусулмон киши диний ибодат ва амалларида Аллоҳ ва расулига итоат этмоғи лозим. Чунки диний ибодат ва амаллар илоҳий таълимотга асосланган бўлиб, улар фақат пайғамбар орқали ворид бўлган аҳкомлар сифатида қаралади. Аммо инсонлар ҳаёт тарзи ва фаолиятини муайян асосга қуриш, келажак ишларини режалаштириб олишлари учун ўз ҳаётий тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда ўзаро келишувини низом ва қоидаларни жорий қилишлари ва унга амал қилиб яшашлари бу дунё ҳаётининг асосий тамойилларидан биридир.

Бу хусусида Муҳаммад (с.а.в.): «Мен сизларга фақат диний ишларингизни таълим бериш учун келганман, дунёвий ишларингизни ўзларингиз мендан кўра яхшироқ биласизлар», деганлар. Яна бир ҳадиси шарифларида: «Мен ҳам бир инсондирман, агар сизларга диний ишлар бўйича бирор нарсага буюрсам, олингиз, ўз фикрим ва раъйим билан буюрган бўлсам, инсон эканлигимни ҳисобга олингиз», деб марҳамат қилганлар.

Олтинчидан, «илдизига қараб – ҳосили», деган мақолга амал қиладиган бўлсак, зиммамизга жуда кўп вазифалар юкланиши табиий. Келажакда ақлли, маърифатли ва баркамол авлод шаклланиши учун ҳозирдан тарбия асосларига жиддий эътибор қаратиш, келажакда олийжаноб ва комил инсонларни вояга етказиш учун барча малака ва имкониятларимизни ишга солган ҳолда ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаб боришимиз зарур. Бизнинг илдизимиз жуда мустаҳкам ва теран. Зеро, бой тарихимизда илм-фан соҳасининг барча соҳалари бўйича қомусий олимлар ва буюк алломалар айнан бизнинг юртимиздан етишиб чиққанини бутун дунё эътироф этади ва илмий мерослари маънавий хазиналаримизнинг кўркига айланган. Эндиликда ёшлар уларни пухта ўрганиб, Ватан тараққиёти йўлида унумли фойдаланишлари керак, ҳолос. Шундагина унинг берадиган ҳосили ҳам ҳар қачонгидан мўл ва баракали бўлади.

Еттинчидан, ота-боболаримиз доимо дуо қилганларида, «Тинчлик-хотиржамлик, омонлик берсин», деб илтижо қилишлари хусусида чуқурроқ ўйлаб қаралса, бунинг ҳам ўзига яраша ҳикмати борлиги аён бўлади. Зеро, тинчлик неъмат қадрини нотинч ва беҳаловат одам яхши англайди. Хотиржамлик турли ташвиш ва хавотирдан холи бўлиш демакдир. Шундай вақтда илм-фан тараққиёти чўққилари забт этилади.

Мамлакатда фуқаролар ҳаёти учун тинчлик, хотиржамлик ва хавфсизлик кафолати берилса, бундан катта бахт бўлиши мумкин эмас. Бунинг учун эса мазкур неъматлар ўз-ўзидан муҳайё бўлмаслиги, уларга эришиш учун ҳар бир фуқаро онгли равишда имкон даражасида ҳаракат қилиши зарурлигини ҳам алоҳида таъкидлашга тўғри келади. Зеро, Аллоҳ таоло мўмин-мусулмонларни эзгулик ва тақво йўлида ўзаро ҳамкорлик қилишга

чақирган: «...Эзгулик ва тақво (йўли)да ҳамкорлик қилингиз, гуноҳ ва адоват (йўли)да ҳамкорлик қилмангиз! Аллоҳдан қўрқингиз! Албатта, Аллоҳ азоби қаттиқ зотдир» (Моида, 2).

Имом Ҳасан Басрий (р.а.) айтади: «Одам боласининг бир кунни ўтса, бу ҳақда фикр қилсин. Агар бугунги кунни яхшилик келтирган бўлса, бунга муваффақ қилгани учун Аллоҳга шукрлар айласин. Агар бунинг акси бўлса, тавба қилсин, кундузги нуқсон ва камчиликларини тунда бартараф этишга азму-қарор айласин. Зеро, яхшиликлар ёмонликларни ювиб кетказади. У соғ-саломат бўлгани учун Аллоҳга шукроналар айтсин! Қолган умрида камчиликларни тўлдириши мумкин бўлади».

Китобимиз аввалида Аллоҳ таолонинг берган неъматларига шукр қилмоқ неъматнинг барқарорлигига, балки у неъматнинг янада зиёда бўлмоғига сабаб эканини айтиб ўтган эдик. Бу борада Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Аллоҳ таоло бандага каттами, кичикми бир неъмат берса ва банда унинг шукронаси учун «Аллоҳга ҳамд бўлсин», деса, шунда у ўша неъматдан ҳам афзалроқ нарсага эришган бўлади», – деганлар.

Мазкур китобнинг хотима қисмда шуни таъкидлаймизки, шукрона асосан уч қисмдан иборат. Яъни фикрий шукрона, лафзий шукрона ва амалий шукрона.

1. Фикрий шукрона шундан иборатки, истиқлол неъматининг шарофати туфайли қўлга киритилган диний ва дунёвий ютуқлар хусусида мушоҳада юритиб, Ҳақ таолодан сидқидилдан миннатдор бўлмоқ.

2. Лафзий шукрона эса дилдан ўтказган неъматларни талаффуз қилмоқ, ма салан: «Қул эдик, озод бўлдик. Энди биз оталаримиз, аждодларимиз ва пешволаримизни қатағончилик билан қириб ташланган, миллатимизни оёқости қилган кимсаларга аризамизни кўтариб бориб, уларнинг олдиларида тиз чўкиб турмаймиз, «Алҳамдулиллаҳ мусулмонмиз», ўз миллатимиздан бўлган раҳбарлар билан ишимиз битади», деб айтмоқ.

3. Амалий шукрона эса Аллоҳ таолонинг берган бу улуғ неъматлари тажовуз қилмоқчи бўлган қора ниятли кучларга

иложи борича қарши курашмоқ. Қора кучлардан мурод ислом динини ниқоб қилиб, ҳар хил номлар остида пайдо бўлаётган аҳли бидъатлардир.

Демак, ҳар бир комил мўмин бўлган эркак ва аёл шукроналик моҳиятини чуқур англаб, ўзини шукр қилувчи бандалар қаторига қўшсин. Ҳаётда яхши из қолдириб ўтса, саодати абадияга эришган бўлур эди. Қўлидан келса бошқа инсонларни ҳам мана шундай покиза ҳаёт тарзига чақирсин.

Афсуски, тарихда ва ҳозирги замонамизда пайдо бўлган турли тоифаларнинг бузуқ эътиқодлари содда ва ишонувчан одамларни адаштирдилар. Олимларга эргашдик, энди ҳақ йўлни топдик деб ўйлаган ноқис ақл эгалари, уларга эргашиб бориб, бошларини тошларга уриб, жувонмарг бўлдилар. Бу каби динимиз моҳиятини чуқур тушуниб етмасдан чаламулла даъватчиларга эргашган ёш авлодга ачинмасдан иложимиз йўқ. Уларга қарата: «Сен яшашинг ва жамиятда ўз ўрнингни, оилангни ҳимоя қилишинг керак эди. Ёш хотинингни, шириндан-шакар фарзандларингни меҳр-шафқат қанотинг остида тарбия қилишинг керак эди. Биз сенинг гўдак болаларинг учун хафа бўламиз, уларга юрагимиз ачийди. Илоҳим, улар сенинг йўлингдан юриб, бахти қаро бўлмасин. Аллоҳ уларни бундай бузуқ йўллардан ўзи асрасин! Эй бечора инсон, жаннат йўли сен ўйлаганчалик қийин эмас. Жаннатга кириш «Ҳизбут-тахрир», «ваҳҳобий» ёки бошқа оқим ва гуруҳларга қўшилиб, тинч ва хотиржам яшаётган аҳолининг ҳаловатини бузиш орқали амалга ошириладими? деб айтишимиз лозим.

Булардан шу нарса аён бўладики, диний илми ва саводи асл таълимотдан узилган йиллари туғилиб, улғайган айрим ёшлар дин ва ақида хусусида шоша-пиша бир-икки рисола билан танишиб ёки интернет тизимидаги баъзи сайтлар келтирган маълумотлар руҳида ўзларини олим ҳисоблаб, ҳатто фатво беришга ҳам журъат қилишяпти. Натижада илгаридан бир мазҳаб доирасида ва соф ақида асосида аҳил яшаб келаётган юртимиз мусулмонлари, хусусан, тенгдошлари онгини заҳарлашга уринишяпти. Шунинг учун унутмаслик керакки, уларнинг асл мақсадлари яхшилик қилиш ёки динимизга жон куйдириш эмас, балки четдаги қўлловчи ҳомийлари ишончини

ва берган маблағини оқлаш йўлида фитна ва бузғунчилик қилишдан иборат. Шу боис ҳам ҳар бир мусулмон ақида илмини яхши ўзлаштириши, ақидада собит бўлиши зарур. Улуғ шоиримиз Сўфи Оллоёр бежиз бундай ёзмаганлар:

*Ақида билмаган шайтона элдур,
Агар минг йил амал деб қилса, елдур.*

Бир куни Пайғамбаримиз (с.а.в.) саҳобалар билан турган пайтларида узоқдан бир аъробий бақириб келаверди. Ровий айтадики, унинг овозини эшитар эдик, аммо нима деяётганини тушунмас эдик. Шундай ҳолда у етиб келди. Билсак, у Ислом ҳақида сўраётган экан.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) унга калимаи шаҳодатни ўргатдилар, сўнгра у сўради: «Ислом менга яна нимани буюради?». Жавоб бердилар: «Ҳар куни беш вақт намоз ўқийсан». У сўради: «Менга бу беш вақт намоздан бошқа намоз ҳам борми?». Жавоб бердилар: «Йўқ, агар хоҳласанг нафл ўқишинг мумкин». Аъробий сўради: «Ислом менга яна нимани буюради?». Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтдилар: «Агар бой бўлсанг бир йилда бир марта закот берасан». У сўради: «Менга бундан бошқа ҳам закот борми?». Жавоб бердилар: «Йўқ, магар ихтиёрий эҳсон қилишинг мумкин». У сўради: «Ислом менга яна нима буюради?». Жавоб бердилар: «Рамазон ойининг рўзасини тутасан». У сўради: «Менга ундан бошқа ҳам рўза борми?». Жавоб бердилар: «Йўқ, магар ихтиёрий ҳолда нафл рўза тутсанг тутаверасан». У сўради: «Ислом менга яна нима буюради?». Жавоб бердилар: «Агар қодир бўлсанг, умрингда бир марта ҳаж қиласан». У сўради: «Менга ундан бошқа ҳаж ҳам борми?». Жавоб бердилар: «Йўқ, агар хоҳласанг нафл ҳаж қилишинг мумкин».

Шунда у Исломдаги беш фарзни ўрганиб оргига қайтар экан, шундай деди: «Аллоҳга қасамки, бундан бирортасини камайтирмайман ҳам ва бунга бирорта нарсани қўшмайман ҳам». Шунда Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Кимники аҳли жаннатлардан бўлган кишига қарамоғи хурсанд қилса, шу кишига қарасин», дедилар». Демак, кимки аждодларимиздек Исломнинг беш арконини маҳкам тутган ҳолда халқпарварлик ва ватанпарварлик руҳида ҳаёт кечириб борса, ниятига етиши аниқ.

Юқоридаги мулоҳазалардан шундай хулоса қилиш мумкинки, турли ақидапараст оқим ва гуруҳларга қарши ғоявий курашда ёшларимизнинг диний-маърифий тушунчаларини ўстириш ва тўғри шакллантириш, уларни инсонпарварлик ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда мазкур асар эътиборли манба бўлиб хизмат қилади, деган умиддамиз.



МУАЛЛИФНИНГ МАҚОЛАЛАРИДАН НАМУНАЛАР

БИЛАДИГАНЛАР БИЛАН БИЛМАЙДИГАНЛАР ТЕНГ БЎЛУРМИ?!

Аллоҳ таоло Каломи шарифида илмнинг нақадар улуғлиги ҳақида кўп оятларни нозил қилган. Жумладан: «**Айтинг: «Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлурми?!»** (Зумар, 9) мазмунли ояти каримага чуқур назар ташласак, моҳиятини тафаккур қилсак, ҳозир жамият ҳаётида имом-хатибларнинг ўрни-мавқеи катта ва масъулиятли эканини ҳис этамиз. Дарҳақиқат, ислом дини имом-хатиблар зиммасига катта масъулият юклайди. Имом-хатиб Аллоҳ таолонинг марҳамати ила диний ва дунёвий илмлардан баҳраманд бўлиб, улуғ устоз, мударрис ва муаллимлардан етарли ва зарур билимларни олади. Шунингдек, ибодатларни адо этишда, маросимларни ўтказишда ва динимизнинг эзгу таълимотларини мўмин-мусулмонларга тўғри етказишда уларнинг муҳим ўрни бор. Лекин бу ута масъулиятли вазифаларни диний илми йўқ, чаласавод кишиларнинг бажаришга уринишлари салбий оқибатларни келтириб чиқармоқда.

Чаласаводлар етказаётган зарарлар

Ҳозирги кунда жойларда, айниқса, чекка худудларда одамлар орасида «мулла» ёки «домла» деб танилган чаласавод кимсалар зимдан фаолият олиб бораётгани кузатилмоқда. Масалани чуқурроқ ўрганиб, таҳлил қилсак, бу ишлар жуда хаго, зарарли эканига амин бўламиз.

Чаласавод, яъни диний ва дунёвий илмларни эгалламаган, тегишли ҳужжат – шаҳодатномаси йўқ, ўзини ўзи «домла» деб номлаб, шаръий ҳукмларни билмаган, ҳатто оддий шаръий

масалаларни ҳам англамайдиган ҳамда тафсир, ҳадис, фикҳдан хабарсиз киши қандай қилиб, мавъиза қилиши ёки шаръий масала айтиши мумкин? Фикҳ илмлари, унга доир манба ва қоидаларни билмаган киши қандай қилиб намоз, рўза, закот, никоҳ ва талоқ каби нозик масалалар хусусида сўз юритиши ёхуд фатво бериши мумкин? Бу нарсалар ақлга сиғмайдиган ишдир.

Албатта, бундай чаласавод кишилар, аввал турли жойларда ишлаган, энди узун соқол қўйиб, салла-чопон билан, бир-икки оят ёки ҳадисни ёдлаб ўзларича донолик қиладиган, ўзини «уламо» ёки «мулла» деб атайдиган кимсалар имомлик вазифаси қанчалик қийин ва масъулиятли эканини ҳис қилмайдилар.

Мўмин-мусулмонлар ҳаётига тааллуқли масалаларга чаласавод кимсаларнинг аралашуви қуйидаги жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Биринчидан, улар диёримиз мусулмонлари ҳанафий мазҳабига риоя этишларини инобатга олмай, ўзлари турли манбалардан ўқиган ёки эшитган бошқа мазҳабларга оид ёки динимиз таълимотларига зид фикрларни гапириб, мўмин-мусулмонлар орасида иккиланишларни келтириб чиқаришяпти. Ҳатто айрим масалаларда ихтилоф, низо ва фитна чиқишига ҳам сабаб бўлишмоқда. Ахир, Куръони каримда: **«Фитна қотилликдан ҳам ашаддийроқдир...»**, деб очиқ айтилган-ку (*Бақара, 191*)!

Иккинчидан, бундай чаласавод кимсалар турли маросимларда ваъз қилиб, диний ҳукмларни нотўғри талқин этиб, қўпол хатоларга йўл қўймоқдалар. Ҳатто бу борада бошқалар билан баҳс-мунозараларга ҳам киришадилар. Аллоҳ таоло бундай дейди: **«(Эй инсон!) Ўзинг (аниқ) билмаган нарсаларга эргашма! Чунки қулоқ, кўз, дил – буларнинг барчаси тўғрисида (ҳар бир инсон) масъул бўлур (жавоб берур)»** (*Исро, 36*).

Учинчидан, чаласавод кишиларнинг ўзбошимчалик билан никоҳ шартларини сўраб-суриштирмай, тиббий кўрик хулосаси ва ФХДЁ бўлимлари гувоҳномасини олмаган, энг ачинарлиси, белгиланган никоҳ ёшига ҳам тўлмаган ёшларнинг никоҳини ўқиши оқибатида турли салбий ҳолатлар юз бермоқда. Масалан,

она ва бола саломатлигига жиддий зиён етмоқда, улар бир умр ногирон ёки жуда заиф бўлиб қолмоқда. Агар, Аллоҳ асрасин, улар орасида ажрим бўлса, келин ўз ҳуқуқларини мутлақо ҳимоя қилолмай қолади.

Шаръий никоҳ шартларига фуқаролик ҳолатлари бўйича далолатнома ёзиш гувоҳномаси бўлишини ҳам асосий шартлардан бири деб эътироф қилиш жуда муҳимдир. Чаласавод кишиларнинг фуқаролик ҳолати бўйича далолатнома ёзиш гувоҳномасини суриштирмай, никоҳ ўқиши ёш оилаларнинг ижтимоий ҳуқуқларини камситиш бўлса, расмий имомларнинг фуқаролик ҳолати бўйича далолатнома ёзиш гувоҳномасини сўраб, сўнгра никоҳ ўқиш, ҳуқуқий жамиятда ёш оиланинг ижтимоий ҳуқуқини муҳофаза қилишдир. Эрта турмуш қурганлар, вояга етмаганларнинг аксарияти ё ота-онасининг қарамоғида яшайди ёки турмуши дарз кетади. Бу борада ёш қизларнинг турмушдан кейинги ҳаёти нисбатан оғир кечади. Эрта ҳомиладорлик, нимжон бола туғилиши, рўзғор юмушларидаги уқувсизлиги туфайли эшитадиган таънаю дашномлар охир-оқибатда унинг тинкасини қуритиб қўяди.

Тўртинчидан, чаласавод кимсалар талоқ масаласини палапартиш ҳал қилиши натижасида эр ва хотин ўртасида қайта ярашиш имконияти йўққа чиқмоқда. Шунингдек, улар бундай нозик масала диёримизда Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво ҳайъати томонидан ҳал этилишини инобатга олмай, моддий манфаат кетидан қувиб, ўзбошимчалик билан бундай қалтис ишга қўл урмоқда. Бундан ташқари, уларнинг юртимиздаги мавжуд тартиблар ва ислом дини талабларига амал қилмай, кўпхотинликка ҳам никоҳ ўқиши оқибатида оилалар пароканда бўлиб, болалар тирик етим қолмоқда. Бундай салбий ҳолатларни бартараф қилиш барчамизнинг вазифамиздир.

Имом-хатиб қандай бўлиши керак?

«Имом» арабча сўз бўлиб, тўғри йўлга бошловчи, пешво маъносини билдиради. Шунингдек, ўзида савоб ишларни мужассам қилган инсон маъносини ҳам англатади. Демак, бир сўз билан айтганда, имом кишиларни эзгу мақсадлар сари етакловчи

ва ҳидоятга йўлловчидир. Қуръони каримда айти шу маънони ифода этувчи бир қанча оятлар бор:

«Эсланг, Иброҳимни бир неча сўзлар билан Рабби имтиҳон қилганида, уларни мукамал адо этди. Шунда (Аллоҳ): «Албатта, Мен сени одамларга имом (пешво) қиламан», деди...» (Бақара, 124).

«Биз (Иброҳимга) Исҳоқни ҳадя этдик ва Яъқубни ҳам (набира қилиб) қўшиб бердик ҳамда барчаларини солиҳ кишилар қилдик. Яна уларни Бизнинг амримиз билан (Одамларни) ҳидоят этадиган пешволар қилдик ва уларга яхши амаллар қилишни, намозни баркамол адо этишни ва закот беришни ваҳий қилдик» (Анбиё, 72–73).

Оятлар мазмунидан шундай хулоса чиқариш мумкин, имомлик вазифаси юқори мартабадир. Иброҳим (а.с.) кўп имтиҳонлардан муваффақиятли ўтганларидан кейин Аллоҳ таоло иноят қилиб, имомлик вазифасини ато этган. Маълум бўладики, ҳар қандай кишига имом деб эргашиб бўлмайди. У катта синовлардан ўтган солиҳ киши бўлиши лозим. Имомнинг масъулияти ва вазифаси ҳам оғир бўлади. Имом одил, қалби пок, бутун вужуди билан кишиларга хизмат қилиши, одамлар эса унинг сўзига итоат этиши, илм соҳиби ҳамда молу дунёга ўч бўлмаслиги керак. Имомлик мансаб ҳам, лавозим ҳам эмас, у юксак мартабадир.

Қуръони карим оятларида имом яхшиликка бошловчи маъносида қўлланганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Шу боисдан кўп оятларда келтирилган «имом» сўзи расуллар ва пайғамбарларга йўналтирилган. Расуллар ва пайғамбарларнинг табиатида эса фақат ҳидоят, итоат, имон каби фазилатлар бор, холос.

Демак, имом ҳидоятга бошловчи ёки эзгу ишларга йўллайдиган шахсдир. Пайғамбарлар, уламолар ва солиҳ кишилар хайрли ишларнинг имоми ва пешвосидир.

Уламолар ўз китобларида имомлик масаласига махсус боблар бағишлаган. Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад Мовардий бундай деган: «Барча кишилар имомнинг фикрини қўллаб-қувватлайди. Шу тариқа, имомлик уларга бир пойдевор каби бўладики, элу

юрт ва дин қоидалари ўша пойдевор асосида барқарорликка эришади...». Фахриддин Розий имом кўп кишилар орасидан танланган бир шахс эканини уқтирган.

Ибн Халдун имомлар мўмин-мусулмонлар ибодатига раҳбарлик қилиш билан бирга дунё ишларида ҳам маданий ва ижтимоий жамиятнинг мазмун-моҳиятини тўла очиб беришда ҳам ўзига хос ўринга эга эканини баён қилган. Бу эса инсонларнинг икки дунё саодатига эришишида алоҳида аҳамият касб этади.

Аббосийлар даврида ибодатларга махсус диний таълим олган киши бошчилик қилиши белгилаб қўйилган. Шу тариқа, ушбу одат қоидага айланган.

Юқоридаги келтирилган оятлар ва фикр-мулоҳазалардан хулоса қилиб айтсақ, имом – диний ўқув юртларидан бирини тамомлаган, илми, диёнатли, яхши ахлоқли, адолатли, шариат аҳкомларига оғишмай амал қилувчи ва мамлакатдаги ислохотларни тўғри тушунган ҳамда диний раҳбарият тавсияси асосида тайинланган кишидир.

Шуни ҳам таъкидлаш жоиз, жамиятимизда «имом» ва «имомлик» тушунчалари кўп қўлланилади. Уларни айнан инсонларни Қуръони карим ва ҳадиси шарифда белгилаб берилган кўрсатмаларга оғишмай амал қилишга чорловчи, хайрли ишларга ундовчи ва юртда кечаётган ислохотларни онгли тушунувчи киши маъноларида ишлатамиз.

Юқорида айтилганлардан келиб чиққан ҳолда, имомлик нафақат диний, балки дунёвий, ижтимоий мазмунга ҳам эга эканини эътибордан чиқармаслик керак. Ҳақиқатан ҳам «имом» сўзи ижтимоий жараённинг бориши ва йўналишига ҳисса қўшувчи, халқ пешвоси деган маънони билдиради.

Мамлакатимизда имом-хатибларнинг ҳар томонлама намунали бўлишлари ва улар мўмин-мусулмонлар эҳтиёжини тўла қондиришлари борасида жуда кўп ишлар қилинмоқда. Аввало, улар диний ўқув юртларида ўқитилади. Сўнг билим-кўникмаларини мунтазам ошириб боришлари учун Президентимиз ташаббуслари билан Самарқанд вилоятида Имом Бухорий халқаро маркази ташкил этилган.

Юртбошимиз ушбу марказда имом-хатиблар билан учрашиб, жумладан, бундай деганлар: «Имомлар ҳар доим халқ ичида бўлиб, буюк аждодларимизнинг бой илмий ва маънавий меросларини, муборак ислом динининг асл мазмун-моҳиятини, Қуръони каримдаги юксак ғояларни, айниқса, ақидавий масалаларни чин маънода кенг халқ оммаси онги ва қалбига тўғри ҳолда етказадиган, уларни ҳидоят йўлларига бошлайдиган масъул кишилардир».

Ҳозирги давр имомлари нафақат диний, балки дунёвий билимларга ҳам эга бўлишлари лозим. Улар бундан ўн беш, йигирма йил аввалги имомлардан тубдан фарқ қилиши керак. Истиқлол ва замон талаби шуни тақозо этмоқда. Шунинг учун ҳам имом ўз устида мунтазам ишлаши, касб маҳорати, билим савиясини ошириб бориши зарур. Шунингдек, мамлакатимизда кечаётган турли ислохотлар, воқеа ва ҳодисалар, халқаро ҳаётдан доимий равишда хабардор бўлиши ҳамда буларни кенг халқ оммасига тўғри етказиши керак. Шундагина имом ҳақиқий пешво мақомини олади ва халқ ҳурматини қозонади.

Шайх Абдулазиз Мансур ҳазратлари имом-хатиблар ҳақида куйидаги фикрларни айтадилар: «Мўмин-мусулмонлар учун имом-хатибнинг ҳар бир сўзи ва иши ибратдир. Шунинг учун имомлар жамоат жойларида, халқ ичида намуна бўлишлари лозим. Ҳаёт шундай, оддий одамда ҳар қанча камчилик бўлса, бошқалар унга катта эътибор бермайди. Аммо элга панду насиҳат қиладиган имом-хатибларда андак нуқсон сезилса, халқ кўнглида, бу имом оммани бир ишга даъват қилар экан-у, ўзи бошқа ишни қиларкан, деган шубҳа пайдо бўлади. Шунинг учун имом-хатиблар барча яхши ишларда намуна, камтарлик, сахийлик каби фазилатларга эга бўлишлари лозим».

Ахборот ва глобаллашув замонида хизмат қиладиган барча имомлар халқ орасида янгиликлардан вақтида хабардор, кишиларнинг муаммо ва ташвишларига ҳамдард бўлган ҳолда ўзларининг маърифатлари, илму ирфонларини муттасил равишда бойитиб боришлари керак.

Масжид имоми вазифалари

Масжид имом-хатибининг руҳий-маънавий ҳаётда ўзига хос ўрни бор. Масжиддаги тартиб, файз, аҳил-иноқлик имом-хатибга боғлиқ. Имом масжид қавми маънавий тарбияси, одоб-ахлоқ, барча инсоний фазилатлар билан зийнатланишида уларга асосий кўмакчи ва холис хизматчидир. Имом бор вужуди, ихлоси билан икки дунёда саодат аҳлидан бўлишлари йўлида уларни юксак одоб-ахлоқ, чиройли амалларни қилишга, адолатли ишларга, фойдали илм-маърифат ўрганишга, инсоний маданият ютуқларидан ижобий суратда истифода этишга, ҳар бир кишини ота-она, оила, фарзанд, қавм-қариндош, жамият аъзолари ўртасида тинч-тотув, дўстлик, ўзаро ҳурмат ва муҳаббат руҳида яшашга чорлайди. Албатта, бу ишларни яхши адо этишда имомнинг малакаси, қобилияти, ўз устида мунтазам ишлаши ҳамда кечаётган воқеа-ҳодисалар, айниқса, дунёнинг глобаллашув жараёни натижасида вужудга келаётган ўзгаришларга муносабати, таҳлили ва ёндашуви ниҳоят даражада муҳим аҳамият касб этади.

Шунинг учун ҳам имомдан улуғ вазифа – минбар, меҳроб масъулиятини бор вужуди билан ҳис этиши талаб этилади.

Муҳтарам имом-хатибларимиз, меҳроб ва минбар меросхўрлари ўзларининг жамиятда тутган ўринларини ва масъулиятларини яхши билишлари керак. Улар диний ва дунёвий билимлари, маълумотларини узлуксиз янгилаб боришлари, ўқиш ва ўрганишдан асло тўхтамасликлари керак. Зеро, илму маърифат қирғоғи йўқ буюк уммондир.

Имом-хатибнинг ҳафталик жума мавъизасида уни эшитувчи намозхонлар савияси юқорилиги, уларнинг маданияти тараққий топгани нуқтаи назаридан ҳам кўп мутолаа қилиши, диний ва дунёвий, тарихий, инсоний ва бошқа маърифатлардан ҳам яхши маълумотга эга бўлиши талаб этилади. Имомга бу ишларни амалга оширишида, чуқур билим соҳиби бўлишида, албатта, унинг холис нияти ва ихлоси асосий таянч ҳисобланади. Имомнинг ҳар бир айтган сўзи эшитувчига етиб бориши ва унинг қалбида маҳкам ўрнашувида бу икки омил муҳимдир.

Имомнинг айтган гаги ўзининг сурати бўлиши, юксак одоб-ахлоқини акс эттириши керак. Бунинг акси бўлишидан Худо асрасин! Зеро, бу ҳақда Аллоҳ таоло бундай дейди: «**Эй имон келтирганлар! Сизлар нега ўзларингиз қилмайдиган нарсани (қилдик ёки қиламиз деб) айтурсизлар?**» (Саф, 2.)

Шундай экан, бугунги кун имомлари зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда диний маърифатни оммага етказишлари, ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этишлари, Ватан равнақи, юрт тинчлигини таъминлаш ва халқ фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшишлари зарур.

«Ислом нури» 2012, 11-сон.



МУҚАДДАС ДИНИМИЗ СОФЛИГИНИ АСРАЙЛИК

Диёримиз мусулмонлари неча асрлардан бери ислом дини кўрсатмаларига Имоми Аъзам Абу Ҳанифа Нўмон ибн Собит асос солган ҳанафий мазҳабига мувофиқ ҳолда амал қилиб келмоқдалар.

Бу мазҳабда барча фикҳий масалалар аниқ ва равшан баён қилинган. Ҳуқуқий муаммолар ўз ечимини топган. Ҳар бир масалага, унинг нозик жиҳатларигача эътибор қилинган.

Абу Ҳанифа Нўмон ибн Собит Қуръони каримни ёшлик давридаёқ тўлиқ ёд олдилар. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳадисларининг энг нозик қирраларигача пухта ўргандилар. Никоҳга оид жуда қийин ҳуқуқий муаммони ечганлари учун Имоми Аъзам, яъни Буюк Имом деган шарафли номга сазовор бўлдилар. Талабалик йилларида тўрт мингга яқин устоздан таълим олдилар. Улардан етти нафари Пайғамбаримиз саҳобалари, ўттиз тўққиз нафари тобеин эди. Сўнгги устозлари Ҳаммод ибн Сулаймондан ўн саккиз йил муттасил таҳсил кўрдилар. Қирқ ёшларида дарс беришни бошладилар. Кейинчалик ўз замонасининг машойихи даражасига етган саккиз юзга яқин шогирдларга таълим бердилар. Буларнинг ичида китоб ёзганлари қирқ нафар эди. Ўзлари ҳалол касб қилиб, савдогарчилик орқали кун кечирар, Аллоҳ ато этган бойликдан шогирдларига ва муҳтож кимсаларга эҳсон қилиб турар эдилар. Қирқ йил давомида кечалари ухламай ибодатда ҳамда илм излаш ва тарқатишда бардавом бўлдилар. Натижада минглаб ҳуқуқий муаммоларга жавоб топдилар.

Мана шундай буюк фаолият орқали ҳанафий мазҳаби таълимоти юзага келди. Ҳадиси шарифда: *«Кимга Аллоҳ яхшиликни ато этишни ирода қилса, уни дин илмини биладиган фақиҳ қилиб қўяди»*, – дейилган. Имоми Аъзамнинг фикҳ илми равнақига қўшган ҳиссасига назар ташласак, ҳамма ҳам эришавермайдиган яхшиликка ноил бўлганларини кўраимиз.

Буюк ватандошимиз Имом Мотуридий Имоми Аъзам ақидавий таълимотини қайта тиклаб, унинг тўғрилигини асослаб берган бўлсалар, ўз навбатида диёримиздан етишиб чиққан Абу Ҳафс Кабир Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний, Абул Лайс Самарқандий каби алломалар Имоми Аъзамнинг фикҳий таълимоти ва ҳанафий мазҳабининг ривожига буюк ҳисса қўшдиларки, ҳатто баъзилар ҳанафий мазҳабини «Мовароуннаҳр мазҳаби» дея номлаш фикрига борди.

Бугунги кунда нафақат диёримизда, балки бутун ислом олами бўйлаб ҳанафий мазҳаби кенг тарқалган. Ҳозирда ер юзи мусулмонларининг 47 фоизи ҳанафийлар эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Бу мазҳаб ўзининг мўътадиллиги, исломнинг асл мазмун-моҳиятини ифодалаб бериши билан асрлар оша диёримиз мусулмонларининг ўзаро ҳамжиҳатлигида, турли ҳуқуқий муаммоларни осон ҳал қилинишида, баъзида юзага келадиган ҳар хил зиддиятларнинг бартараф этилишида муҳим асос бўлиб келмокда.

Афсуски, мустақиллик йилларида динимизга берилган имкониятларни суистеъмол қилган баъзи ёт фирқалар кишилар ўртасида турли ихтилофларнинг авж олишига сабаб бўлдилар. Буни биринчи бўлиб, ўзини «соф ислом таълимоти ҳимоячиси» деб номлаган оқим бошлаб берди.

Бу оқим ўзининг илк фаолиятини ҳанафий мазҳаби кўрсатмаларига қарши курашишдан бошлади. Улар ўз домларига ҳали ҳаёт мазмунини англаб етмаган, ғўр ёшларни торта бошладилар. (Чунки умри давомида бир мазҳабда ибодат қилиб келган, кўп йиллик ҳаёт тажрибасига эга бўлган кексаларни йўлдан оздириш улар учун маҳол эди). Бу оқим динга эътиқод қилишда ҳеч қандай мазҳабга ёки имомга эргашишнинг кераги йўқ, Қуръон ва ҳадисдан ҳар ким ўзи мустақил фатво олиб эътиқод ва ибодат қилиши лозим, деган даъвони илгари сурди.

Лекин ўзлари қилаётган даъволарига зид тарзда, «рахнамо»ларининг фикри, фатвосига қараб иш тутардилар. Биринчи ихтилоф намоз ибодатини адо қилиш борасида юзага келди.

Оқим тарафдорлари ҳанафий мазҳабида қатъиян ман қилинган: намозда «Фотиҳа» сурасидан сўнг «омин»ни баланд овоз билан айтиш, «рафъул-ядайн», яъни рукудан олдин ва кейин икки қўлини кўтариш каби амалларни намозхонлар орасида ёйишга уриндилар.

Натижада мусулмонлар орасида гоъвий жиҳатдан ихтилоф юзага келди. Бу нарса соғлом эътиқодли мўмин-мусулмонларнинг қалбини ларзага солди. Улар ўз мазҳабларини ҳимоя қилишга киришдилар.

Аммо баъзи «аҳли илм»ларнинг масжидда ҳар ким хоҳлаганича намоз ўқиши мумкин, кексаларнинг ёшлар билан иши бўлмасин, асосийси, қанақа йўл билан бўлса ҳам намоз ўқияпти-ку, дея ихтилофларга лоқайд муносабатда бўлишлари оқим тарафдорлари тегирмонига сув қуйди. Улар янги-янги зиддиятларни авж олдиравердилар, намозда оёқни кериб туриш, суннат намозини ўқимаслик, фарз намозидан кейин бошқалар суннат намозини ўқиётган пайтларида ўтириб олиб тасбеҳ айтиш ва ҳоказо янгиликларни бирин-кетин киритавердилар. Ваҳоланки, ислом таълимоти Қуръони каримдаги Нисо сурасининг 59-оятига кўра, мусулмонларни ўзларининг ҳам диний, ҳам дунёвий раҳбарларига бўйсунушга чақиради. Яъни мусулмонлар «Аҳли Сунна вал-Жамоа» сифатида бирор-бир мазҳабга эргашишлари лозим. Аммо ихтилоф юқорида зикр қилинган «аҳли илм»лар ўйлаганидек, фақат намоз масаласида бўлиб қолмади, балки мафкуравий зиддиятга айланиб кетди. Оқим тарафдорлари ҳанафий мазҳабига зид тарзда, ўзгаларни кофирга чиқариш, Аллоҳга ширк келтиришда асосиз айблаш каби бузуқ ақидаларни тарқата бошладилар.

Хўш, оқим аъзоларининг бундан мақсадлари нима эди? Нима учун кофирликда айблаш улар учун керак бўлиб қолди? Шу ўринда дунёдаги қўпоровчи оқимлар учун хос бўлган ва бир-бирига боғлиқ икки иллат тўғрисида тўхталиш ўринли: 1. Кофирликда айблаш. 2. Кофирларга қарши кураш – уруш эълон қилиш. Бу иллат «Ҳизбут-тахрир»да, «Акримийлар», «Ихвонул-муслимин» каби деярли барча бузғунчи оқимларда учрайди.

Зеро, бузғунчилар ўз тарафдорларини гоъвий жиҳатдан бошқалардан ажратиш олиш учун ўзига эргашмаганларни кофир

деб айблайдилар. Ваҳоланки, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муборак ҳадисларида кофир деб ҳақоратлашдан қайтарганлар.

Шунинг учун биз мусулмонлар бундай бузғунчи оқимларнинг пуч ғояларига учмайлик. Фарзандларимизни уларнинг домига тушиб қолишидан сақлайлик. Аҳиллик, иттифоқлик бор жойда баракот бўлади. Шу боис бир тану бир жон бўлиб, қабих ниятли, ғаламис кимсаларнинг найрангларидан огоҳ ҳолда Имоми Аъзам мазҳабида мустаҳкам туриб, муқаддас динимиз софлигини кўз қорачиғидек асрайлик.

«Ислом нури» 2012, 22-сон.



ПУЧ ТАШВИҚОТЛАРНИНГ ЗАРАРЛИ ОҚИБАТЛАРИ

Бугунги тезкор ўзгаришлар давридаги энг мураккаб муаммо бу – ғоявий ва мафкуравий таҳдидлар ҳисобланади. Диннинг инсон ҳаётида қанчалик катта аҳамиятга эга экани, унинг кишини бошқаришдаги салоҳияти қай даражада кучли экани исбот талаб қилмас ҳақиқат. Буни жуда яхши англаган аксарият ғаразли кучлар ўзларининг қабих мақсадларини амалга оширишда динни ниқоб қилиб олмоқдалар. Бундай кучларнинг разил ишлари, аввало, юксак маънавиятимизга қарши қаратилгани, улар халқимизни ана шу бебаҳо бойликдан жудо қилиш учун ҳар хил усул ва воситалар билан зўр бериб уринаётгани барчамизни ташвишлантиради.

«Аллоҳ билан аҳд боғлаганларидан кейин уни бузадиган, Аллоҳ боғланишга буюрган нарсаларни узадиган ва Ер юзида бузгунчилик қилиб юрадиган кимсалар ҳам борки, улар учун (Аллоҳдан) ланъат бўлур ва улар учун нохуш диёр (жаханнам) бордир» (Раъд, 25).

Ҳақиқатан ҳам бугун жаҳон сиёсий жараёнларидаги асосий таъсир мафкуравий хуружлар орқали амалга оширилмоқда. Уларнинг шакли турли-туман бўлиб, айниқса, ҳозирги вақтда авж олаётган ижтимоий-сиёсий, маънавий-ғоявий муаммолардан бири бу, шубҳасиз, миссионерлик ҳаракатидир.

Маълумки, миссионерлик муайян бир диндаги кишилар ўртасида бошқа бир динни тарғиб этиш мақсадида амалга ошириладиган ҳаракат бўлиб, унинг жамият ҳаётига қанчалик аянчли таъсир кўрсатишига тарихдан кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Миссионерлик ҳаракатлари аслида узоқ ўтмишга эга бўлиб, унинг илдизлари эрамизнинг бошларига бориб тақалади.

Ўзбекистон истиқлолга эришгач, юртимизга турли ғоя ва мафкуралар кириб кела бошлади. Улар орасида ғаразли мақсадларни кўзлаган миссионерлар ҳаракати алоҳида ажралиб туради.

Бундай ҳаракатлар сабабли жамиятда ихтилоф, бўлиниш, фитна учун етарли омил пайдо бўлади. Ҳолбуки, фитна-фасод, бузғунчилик қилиш инсонларнинг ўзаро аҳил бўлиб яшаши тўғрисидаги илоҳий таълимотга мутлақо зиддир. Куръони каримда: «... **Фитна қотилликдан ҳам ашаддийроқдир...**» (Бақара, 191), деб очиқ айтилган.

Миссионерлар таълим ва хайрия жамиятлари, ташвиқот муассасалари орқали кишиларни ўз домларига илинтириш пайида бўлишади. Улар бу йўлда ҳар қандай имкониятдан фойдаланиб қолишга уринишади.

Шу зайдда миссионерлар халқаро хайрия ташкилотлари, молиявий-иқтисодий компаниялар, таълим муассасалари ва бошқа номлар билан ўзларини ниқоблаб, ҳаракатларини авж олдиришяпти.

Бугунги кунда ана шу хатарли кучлар ёшларимиз онги ва қалбини эгаллаш учун астойдил уриняпти. Дунёнинг бошқа жойлари каби юртимизда ҳам ўзларининг ғаразли мақсадларини амалга ошириш учун интилмоқда. Улар айрим ёшларнинг соддадиллиги, эътиқоди сустлигидан фойдаланиб, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш каби баҳоналар билан ўз тузоқларига илинтиришга ҳаракат қилишяпти.

Миссионерларнинг мақсадлари қандай қилиб бўлса ҳам мустақиллик йўлига ўтиб, порлоқ келажагини барпо этаётган юртимиздаги аҳилликка, барқарорликка, миллий ва диний қадриятларимизга путур етказишдир. Маълумки, миссионерлар худди шу йўл билан бир неча ўлкаларда ижтимоий-сиёсий ҳаётни издан чиқаришган, яхлит халқларни бир қанча гуруҳ ва табақаларга бўлиб юборишган. Масалан, матбуот хабарларига кўра, Индонезияда ҳаракат қилган миссионерлар йигирма беш йил мобайнида минглаб одамларни ўз томонларига оғдириб олишди ва улар яшаётган Шарқий Тиморни мамлакатдан ажратишди.

Халқларни тўғри йўлдан чалғитиш, ораларига нифоқ солишга улар кўплаб маблағ сарфлашяпти, минглаб нусхада турли нашрларни тарқатишяпти. Ҳозир жаҳоннинг турли бурчакларида вақти-вақти билан алангаланиб турадиган низолар ва динлараро тўқнашувларда ҳам миссионерларнинг қўли бор.

Шундай экан, халқимиз, айниқса, ёшларимизни турли ғаразли хуружлар ва ҳамлалардан ҳимоя қилиш шу кундаги энг долзарб вазифадир.

XX асрнинг охирида гувоҳ бўлганимиз дунёдаги туб ўзгаришлар натижасида вужудга келган мустақил давлатлар эса, миссионерлар фаолияти учун айна муддао бўлди. Бу каби ҳаракатлар ўз ғоялари орқали ўзга динларга эътиқод қилувчи шахсларни иқтисодий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан ғарб давлатлари таъсир доирасига тушириш, маълум халқлар ўртасида ўз эътиқодига нисбатан шубҳа пайдо қилиш ва аста-секин ишонч-эътиқодидан воз кечишга олиб келиш, ўз динидан воз кечиб, ўзга динни қабул қилган кишиларнинг эътиқодида собит туришини таъминлаб, шу орқали уларнинг сафини янада кенгайтириб боришни мақсад қилди. Миссионерлар ушбу мақсадларга эришишда ҳаётда бир оз моддий қийинчиликка учраган шахсларни топиб, уларга турли шаклдаги моддий ёрдамлар кўрсатади. Тиббий ёрдам уюштиради. Уларнинг кўнглини олишга уринади.

Бундай ҳаракатлар билан улар ислом динига эътиқод қилувчи маҳаллий аҳоли ўртасида ўзлари ҳақида ижобий фикрлар туғдиришга эришади. Бу йўлда атайлаб ислом аҳкомларини бузиб кўрсатиш, Қуръон оятларини бир-бирига қарама-қарши қўйиш, Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадисларини нотўғри талқин қилиш каби усуллардан фойдаланади. Баъзи кишиларимизнинг исломий илмлардан яхши хабардор эмасликлари уларга жуда қулай келади.

Миссионерлар қўллайдиган усуллар жуда кўп ва хилма-хил. Ҳозирги кунда миссионерлар одамларга таъсир ўтказиш, уларни ўз қарашларига ишонтириш учун турли услуб ва имкониятларни ишга солмоқда. Буларнинг биринчиси, «маданиятга мослашув услуби»дир. Бунда уларнинг таъсирига берилган киши ислом маданияти билан алоқасини узмайди, ўз жамоасининг миссияси вакили бўлиб қолади ва тарғиботчилик фаолиятини янада кучайтиради. У энди мусулмонлар орасида миссионерлик қилар экан, ваъз, ташвиқ ва дуоларда Қуръондан, ислом маданияти намуналаридан кўчирмалар ҳам қўллайди.

Миссионерлар, шунингдек, ўз таълимотини бошқаларга етказишда уч муҳим унсурга кагта аҳамият беришади. Булар:

вазиятни яхши англаш; масалага эҳтиёткорлик билан ёндашиш; мақсадларнинг аниқ бўлиши. Мазкур унсурларни амалга ошириш учун улар кишилар билан яқин муносабатда бўлишга ҳаракат қилади. Масалан, ёшлар давралари, тунги клублар, савдо ва спорт марказлари, маданият ва хайрия жамғармалари каби одамлар гавжум жойларда ёшлар билан алоқа ўрнатиш, дўстлар орттириш, аста-секин улар онгига таъсир ўтказиш пайида бўлади. Олдиндан танлаб олинган кишилар дунёнинг турли бурчакларида ташкил этилган сайёҳлик марказларига ҳам юборилади. Булардан мақсад, бошида асл ниятларини пинҳон тутиб, уларни чўчитиб юбормай дўстлашиш ва кейинчалик ўз таълимотини сингдириш. Бу муносабатларни шакллантириш учун улар тил ўргатиш курслари, дўстлик клублари ташкил этишади.

Миссионерлар ғаразли ниятларини амалга оширишда оммавий ахборот ва алоқа воситаларидан ҳам кенг фойдаланмоқда. Миссионерлик ғояларини тарғиб қилувчи рисола, журнал ва матнлар маҳаллий тилларга таржима қилиниб, аҳоли ўртасида текин тарқатилади. Сунъий йўлдош орқали узатиладиган айрим телевидение, радио, оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилиши натижасида дунёда миссионерлик ҳаракатлари кенгаймоқда. Улар интернет тармоғида ишлаб турган минглаб сайт ва саҳифалар орқали ҳам ўзларига «ҳамтовоқлар» қидиришяпти.

Юртимизга беғараз ёрдам қўлини чўзувчи мамлакатларнинг вакиллари қатори ғаразли мақсадларни кўзлаган, ўқитувчи, мутахассис ниқоблари ортига яширинган бир қанча «зиёлилар» ҳам пайдо бўлди. Улар миссионерлик вазифасини муаллимлик пардаси билан ўраб, ўзларини хокисор тутган ҳолда талабалар ётоқхоналарига жойлашишади. Тил ўрганиш ва ўргатиш баҳонасида улар даврасидан жой олиб, аста-секин ёшлар онгига таъсир ўтказишади.

Айрим ватандошларимиз киндик қони тўкилган юртларини ташлаб, олис ва нотаниш ўлкаларда мўмай даромад топаман, осонлик билан бойлик орттираман деб, ўз эътиқодларига жиддий путур етказмоқдалар. Бошқа эътиқод, бошқа менталитет вакиллари

орасига тушиб қолган ёшларимиз ўз миллий маънавиятларидан узилиб, ўзгаларнинг руҳий-маънавий таъсирига тушиб қолишяпти. Ҳали имон-эътиқоди шаклланиб улгурмаган ёшлар иш жойларида изғиб юрган турли миссионерлар тузоғига илинишмоқда. Хорижда ишлаб келган йигитлар ҳикоясига кўра, айрим ватандошларимиз у ерда ўзга дин вакиллариинг алдовларига учишган. Бунда диний эътиқод эмас, кўпроқ берилаётган пул ва яратилган шароитлар асосий омил бўлгани аниқ.

Миссионерлар ана шундай қабих йўллар билан ўзларининг нопок мақсадларини ёшлар ўртасида, айниқса, турли ёт таъсирларга берилувчан айрим содда фуқаролар орасида ёйишга уринишмоқда.

Шу боис барчани ҳушёрликка, ҳар қандай ёт ғоя ва фикрларга бефарқ бўлмасликка, мустақил она диёримиз халқига, унинг тинч турмуши ва фаровонлигига таҳдид соладиган турли хавфлардан огоҳ бўлишга чақиришимиз керак.

«Ислом нури» 2012, 8-сон.



МАЪРИФАТ ЖАҲОЛАТНИ ЕНГАДИ

Ҳозирги пайтда жаҳонда кечаётган глобал сиёсий жараёнлар, турли манфаатдор кучларнинг ўз мақсадлари йўлида олиб бораётган геосиёсий ўйинлари оқибатида мустақиллик йўлига ўтган ёш мамлакатларнинг тинчлиги ва хавфсизлиги катта хатар остида қоляпти. Айниқса, халқаро сиёсатда дин омилидан фойдаланишга урғу берилаётгани бу хатарни янада кучайтирмоқда. Мухолифларимизнинг динимиз асл моҳиятини бузиб кўрсатиш билан ундан ўз манфаатлари ва қабиҳ режалари йўлида фойдаланишга уринишлари тобора авж оляпти.

Ғарб давлатларининг оммавий ахборот машиналари тинимсиз равишда афкор оммага ислом динини бузғунчилик, қотиллик, ваҳшийлик, зўравонлик дини дея кўрсатишга ҳаракат қиляпти. Шу жиҳатдан ҳам жамият олдида одамларнинг динимиз қадриятлари билан «Исломни қайта тиклаш шиори» остида муайян кучлар кўзлаётган, динга алоқаси бўлмаган сиёсий ва бошқа тажовузкор мақсадлар ўртасидаги фарқни тушуниб олишларига эришиш зарурати туғилди.

Бу ғаразли ҳаракатлар таъсиридан минтақамиз ҳам четда қолаётгани йўқ. Кейинги пайтларда Марказий Осиё худудида ҳам айрим диний-сиёсий ва экстремистик кучлар динни сиёсийлаштиришга, шу йўл билан одамлар, хусусан, ёшлар онгига таъсир ўтказишга зўр бериб интилишмоқда. «Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда» китобида айтиб ўтилганидай, «бу ёвуз кимсалар ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз, ғўр ёшларни ўз тузоғига илинтириб, бош-кўзини айлантириб, улардан ўзларининг ифлос мақсадлари йўлида фойдаланмоқда. Бу эса исломнинг инсонпарварлик ғояларини обрўсизлантиришга сабаб бўлмоқда». Бундай қабиҳ хатти-ҳаракатларнинг мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигига раҳна солиши, миллатлараро ва динлараро бирдамликка путур етказиши, одамларни бир-бирига қарши турли гуруҳларга бўлиб ташлаши, улар орасида фитна ва бузғунчилик ғояларини ёйиши кундай равшан.

Бундай кенг миқёсли ва пухта ўйланган хуружларга қандай омилларни қарши қўйиш мумкин? Бунинг учун энг олдин одамларимизга ташқи бузғунчи кучларнинг дин омилидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш ҳаракатларининг моҳиятини соф диний манбалар асосида очиб бериш керак. Ислом дини зўравонлик, қон тўкиш ёки бузғунчиликка тарғиб қилмаслиги, аксинча, бу дин тинчлик, инсонпарварлик, бағрикенглик, эзгулик дини эканини кенг тушунтириш лозим бўлади. Аслида бу дин ҳар қандай зулм, қотиллик, бировга озор етказишдан бутунлай холи, энг гўзал ва эзгу амалларни бажаришга чақирувчи соф диндир.

Мана шу томондан олиб қарайдиган бўлсак, имон ва куфр масаласи ҳам исломдаги энг нозик, аҳамиятли масалалардандир. Бир инсоннинг мусулмонлик даъвосида қанчалик ростгўй экани ёлғиз Парвардигоргагина аён. Шунинг учун ҳам ўтмишдаги кўплаб буюк алломаларимиз, мутафаккирларимиз ўзларича қарор қилишдан сақланишган, муайян бир шахсни кофирга ҳукм қилиш борасида жуда эҳтиёткор бўлишган.

Аммо бугунга келиб буюк аждодларимиз анъаналари унутилди, бир-икки китобни ўқиб олиб, ўзини «мухтаҳид» санайдиган, кишиларни бўлар-бўлмасга кофирга чиқарадиган оқим ва фирқаларнинг вакиллари пайдо бўлди. Бундай оқим ва фирқалар (масалан, «Ат-такфир вал-ҳижра», «Ҳизбут-тахрир» каби) имон ва куфр масалаларида ўта журъатли бўлиб кетишган. Исломни ҳали чуқур ўрганмаган, етарли билим олмаган баъзи ёшларимиз уларга кўр-кўрона эргашиб, залолат ва жоҳиллик йўлига кириб қолишяпти. Шу ўринда «Нега шундай бўляпти? Уларнинг хатоси нимада? Муаммонинг ечими борми?» деган саволлар туғилиши табиий. Ушбу мақоламизда ана шу саволларга жавоб топишга ҳаракат қиламиз.

Аллоҳ таоло бандаларини сўзларнинг энг гўзалига, фойдалисига эргашишга чақиради: **«Бас, (эй Муҳаммад) Менинг шундай бандаларимга хушхабар беринг, улар гапни тинглаб, сўнг унинг энг гўзалига эргашадилар. Айнан ўшалар Аллоҳ хидоят этган зотлардир ва айнан ўшаларгина ақл эгаларидир»** (Зумар, 17–18).

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)дан ривоят қилинган ҳадиси шарифларда ҳам инсонлар яхши амаллар қилишга, ёмонликлардан

қочишга чақирилади: «Мусулмон – қўли ва тилидан ҳеч ким зиён кўрмаган киши. Мўмин – бошқаларнинг моли ва жонига тажовуз этмайдиган киши. Муҳожир – гуноҳ ва маъсиятларни тарк этган киши. Аллоҳ йўлида мужоҳид – нафсига қарши курашишга киришган киши»; «Умматим ҳеч қачон залолатда бирлашмайди»; «Инсонларга яхшиликни ўргатувчи кишига Аллоҳ таоло, Унинг фаришталари, осмон ва Ер аҳллари, ҳатто уялардаги чумолию денгиздаги балиқлар ҳам салавот айтади».

Динимизнинг бу кўрсатмаларидан чекиниб, адашган фирқаларга эргашиб кетган ёшларимиз жоҳилликлари, диннинг асл моҳиятини англаб етмаганлари оқибатида имон ва куфр масаласида бир неча хатоларга йўл қўйишади. Келинг, ана шу хатоларни кенгроқ кўриб чиқайлик:

Бизнингча, улар йўл қўяётган хатоларнинг биринчиси масалага енгил-елпи қараш, шошма-шошарлик қилишдир. Бирор шахс ёки бутун бошли жамиятни куфрда айблаш ёки кофирга чиқариш ўта қалтис иш бўлиб, бунга кўр-кўрона муносабатда бўлиш ярамайди. Чунки бунинг ортида куфрга чиқараётган ёки чиқарилаётганлардан бири учун даҳшатли оқибат ётибди. Имом Бухорий Абу Хурайрадан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ (с.а.в.) бундай деганлар: «Киши ўз биродарига: «Эй кофир!» деса, (куфр) иккисидан бирига қайтади». Ҳадисдан кўриниб турибди, ўзгани кофирга чиқариш оддий ҳақорат сўзи эмас, аксинча, ўз охиратини бой бериб қўйиш эҳтимолини туғдирадиган хатарли масаладир. Шунинг учун ҳам ҳанафий мазҳаби уламолари бошқа мазҳабларнинг олимларидан кўра такфир (куфрда айблаш, кофирга чиқариш) масаласига кўпроқ аҳамият беришган. Бу ҳақда ёзилган асарларнинг биринчиси мисрлик олим, 768/1367 йили вафот этган Муҳаммад ибн Исмоил ибн Маҳмуд Бадр Рашид Рашидий қаламига мансуб. Унинг «Куфр сўзлар» номли асарига биринчи бўлиб ҳанафий олимлардан аллома Алийу Қори муфассал шарҳ ёзган.

Хатоларнинг иккинчиси Аллоҳ буюрмаган ишларга вақтни беҳуда сарфлашдир. Мусулмон кишининг дунё ва охиратда ўзига наф берадиган амаллар билан шуғулланиши мақсадга мувофиқдир. Қироат илми олимларидан Имом Шотибий бундай дейди: «Шариатда эътироф этилган илм, яъни Аллоҳ ва Унинг расули

мақтаган илм – амал қилишга ундовчи илм бўлиб, у ўз эгасини хоҳиш ва истакларга эргашувчи эмас, балки илмига мувофик юрувчи қилади». «Такфир» эса ҳеч кимга фойда бермайдиган, аксинча, зарарига ҳужжат бўладиган манфаатсиз ишлардандир. Ахир, Аллоҳ таоло бизларни бирор шахс ёки жамиятнинг камчиликларини излашга, уни кофирга чиқариш учун умр бўйи ҳужжат тўплашга буюрмаган-ку! Бу ҳақиқатни ҳар ким ақида илми устозларидан аниқлаб олса бўлади. Ачинарлиси, бу каби ишлар билан шуғулланиб юрган ёшларнинг кўпи имоннинг энг муҳим масалалари, намоз, рўза, закот каби ибодатнинг асосий шартлари борасида етарли илмга эга эмаслар. Улар ҳатто Қуръоннинг энг қисқа сураларини тажвид қоидаларига биноан ўқиёлмайди, ҳадиснинг асл матнларига «тишлари ўтмайди».

Учинчи хато бундай нозик масалаларга ҳали уларнинг шартларини мукаммал равишда ўзлаштирмай туриб киришиб кетишдандир. «Куфр» сўзи, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, исталган пайтда, дуч келган одамга қарата айтиб юбориладиган сўз эмас. Буни имонли мусулмонга нисбатан қўллаш енгилтаклик, калтабинлик ва жоҳилликдан бошқа нарса эмас. Ислом тарихида бундай ишга илк бор қўл урган хаворижларни Ҳазрат Али (каррамаллоҳу ваҷҳаҳу): «Бундай нодон ёшлар Қуръон ўқиса, тиловатлари бўғзидан нарига ўтмайди», дея сифатлаганлар. Мана шу гап барча замонларда хаворижларга эргашувчиларнинг Қуръон оятлари ва ҳукмларини чуқур идрок эта олмасликларига ишорадир.

Исломда «Ал-яқину ла язулу биш-шак» (Аниқ нарса шак-шубҳа билан йўқ бўлмайди) деган қоида бор. Масалан, бир мусулмоннинг таҳорати шак-шубҳалар билан бузилмайди, шундай экан, қандай қилиб гумон-тахминлар билан унинг бутун имони ва мусулмонлик сифатига тил теккизиш мумкин? Бу қоидага кўра, унинг жони ҳам, моли ҳам бошқаларга ҳаромдир. Расулulloҳ вадо ҳажида: «Ушбу шаҳарда (Маккада), ушбу ойдаги (Зулҳижжа) бугунги кун (Арафа) ҳурматлангани (ҳаромлиги) каби қонларингиз, молларингиз ва ор-номусларингизга тажовуз қилиш ҳам бир-бирларингизга ҳаромдир. Эшитганлар эшитмаганларга етказсин», – деганлар

(Имом Муслим ривояти). Шундай бўлгач, «такфирчи алломалар» қайси ҳужжатга кўра мусулмонларни кофирга чиқариб, уларни қатл этишга фатво беришяпти экан?!

Биз бу мулоҳазаларимиз билан исломда умуман «куфр, такфир» деган тушунчалар йўқ, демоқчи эмасмиз. Чунки баъзи оят ва ҳадисларда у ёки бу амал куфр деб аталгани ислом ақидаларидан бир оз хабари бор кишига яхши маълум. Лекин мусулмонлар бу борада жиддий фарқли томонлар борлигини яхши англаб олишлари керак. Бу ҳам бўлса, бирор амални «куфр» дейиш билан ўша амални содир этган муайян шахсни кофирга чиқариш ўртасида катта фарқ бор. Фикримизни Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан ривоят қилинган ҳадислар билан далиллашимиз мумкин. Имом Бухорий Ҳазрат Умар (р.а.)дан ривоят қилган ҳадисда келтирилади: *«Расулulloҳ (с.а.в.) даврларида Абдуллоҳ исмли киши келтирилиб, ичкилик туфайли дарра урилди. Сўнг яна бир кун келтирилиб, яна дарра уришга буюрилди. Шунда тўпланганлар ичидан бир киши: «Эй Аллоҳ, уни даргоҳингдан (раҳматингдан) йироқ қил, жуда кўп келтирилди», – деди. Шунда Расулulloҳ (с.а.в.): «Уни лаънатлама, чунки мен унинг Аллоҳни ва Расулини севишини биламан», – дедилар».* Бошқа бир ҳадисда ичкилик туфайли жами ўн кишини лаънатлаган Пайғамбаримиз (с.а.в.) худди шу ишни қилган муайян бир кишини лаънаглашдан қайтардилар.

Мусулмон кишини бирор гуноҳи ёки билмасдан қилган хатолари учун кофирга чиқариш ёки кўпчилик аҳолиси мусулмон бўлган ўлкаларни «куфр диёри» деб аташ ислом ақидасига мутлақо зиддир. Буюк мазҳаббошимиз Имом Абу Ҳанифанинг ақидага оид «Фикҳи акбар» китобида баён этилган қуйидаги фикрларини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир: «Бирор мусулмонни қилган гуноҳи туфайли кофирга чиқармаймиз, гарчи у гуноҳи кабира бўлса ҳам. Башарти уни ҳалол деб эътиқод қилмаган бўлса, ундан имон исмини ҳам олиб ташламаймиз, уни ҳақиқий мўмин деб атайверамиз. Уни фосиқ мўмин деб аташ мумкин, фақат кофир деб эмас».

Мазҳабимизда мўътабар саналган «Дуррул муҳтор» ва унинг шарҳи «Раддул муҳтор»да бундай ёзилган: «Ислом диёри фақат мана бу учта шарт тўпланганидан кейингина куфр диёрига

айланади: 1) ширк аҳли ҳукмлари юритилиши билан (шу жойнинг ҳошиясида: «Мушрикларнинг ҳукми ошкор юритилиб, мусулмонларнинг ҳеч бир ҳукми юритилмаганидан кейин куфр мамлакати бўлади», дейилган). Демак, мусулмонларнинг ҳукми ҳам кофирларнинг ҳукми ҳам юритилган диёр куфр юрти саналмайди; 2) Ислом диёри куфр мамлакатларига қўшилиб, бирлашиб қолса; 3) мамлакатда бирор тинч ва хавфсиз мусулмон қолмаса».

Ушбу уч шартнинг ҳаммаси бир мамлакатда топилса, у жой куфр мамлакатига айланади. Агар биттаси ёки икkitаси топилиб, бошқаси топилмаса, ислом юрти бўлиб қолаверади. Ислом ҳукмлари деганда фақат сиёсий ҳукмлар эмас, жума ва ҳайит намозларини барпо қилиш, муфтий ва қози сайлаб, унга эргашишни буюриш, ҳаж сафарига шароит яратиб бериш каби ҳукмлар ҳам тушунилади. Чунончи, юқоридаги китобда ёзилганидай, «Дорул ҳарб (куфр юрти) мусулмонларнинг жума ва ҳайитларига ўхшаган ҳукмлари юритилиши билан ислом юртига айланади, гарчи у ерда кофирлар бўлса ҳам ва ислом мамлакатига қўшни бўлмаса ҳам».

Шайх Юсуф Қарзовий бир мусулмонни кофирга чиқариш хусусидаги саволга қуйидаги жавобни берган: *«Ким Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига ва Муҳаммад Унинг расули эканига қалби билан тасдиқлаган ҳолда гувоҳлик берса, у мусулмондир. Унга мусулмонларга қилинадиган муомала тўлалигича қилиниши керак».*

Бу далилларга инсоф билан ёндашадиган бўлсак, мамлакатимиз ислом диёри эканига, мусулмонларимизнинг бари мусулмон раҳбарлар қўл остида эканига асло шак-шубҳа қолмайди. Мамлакатимизда динимиз аксарият ҳукмларига амал қилинмоқда, юрт раҳбарлари ўзларининг мўмин эканларини баралла айтиш билан бирга, ўзгаларни исломда собит туришга, бошқа динларга қўшилиб кетмасликка тарғиб қилиб туришибди. Демак, бу юртни жоҳилият даврига ўхшатиб «куфр диёри» дея аташга, халқини куфрда айблашга ҳеч қандай асос йўқлиги очиқ аён бўлиб турибди.

Инсон илмни қанчалик чуқур эгалласа, дин асосларини теран англайдиган бўлса, бир масалага киришишда, воқеликка баҳо беришда ва хулоса чиқаришда шунчалик эҳтиёткор, эътиборли бўлади. Аксинча, илми қанчалик саёз ва юзаки бўлса, ўрганган

нарсаларини тўғри ва теран фаҳмламаса, бу каби хатарли масалаларда фатво беришга, хулоса чиқаришга журъатли бўлиши, ҳақ йўлдан адашиши, зал олатга юз буриши шунчалик осонлашиб қолар экан. Аллоҳ таоло бундай жоҳилларга қарата: «**Агар билмасанғиз, зикр аҳлидан сўранг**» (Наҳл, 43), деб буюрган.

Шу ўринда мана шундай хатоларга йўл қўймасликнинг муҳим шартларидан бўлмиш диний илм, хусусан ақида илмини ўрганишда устозни тўғри танлаш зарурати ҳақида ҳам тўхталиб ўтмоқчимиз. Бу борада энг яхши устоз умрини шу билимларга бағишлаган, ақида ва фикр илмларини чуқур эгаллаган, ислом таълимотлари ҳақида теран фикрловчи шайх ва уламолардир. Ўтмиш уламоларимизнинг айтишларича: «Олдинлари илм кишиларнинг зеҳнида бўлган, кейинчалик у китобларга кўчди, лекин калитлари ўзларида қолди». Яъни, инсон ўзи ўқиб-ўрганиши билангина илмни тўла эгаллай олмайди, у ҳамиша бир оқил устозга муҳтождир. Имом Шотибий «Мувофақот» китобида илмни устозлардан олиш баракоти ҳақида бундай ёзади: «Қанчадан-қанча масалалар бор, илм толиблари уларни китобдан ўқиб ёд олади ва доимо такрорлаб юради, аммо маъносига тушунмайди. Агар ўша масалаларни олим киши баён этиб – шарҳлаб берса, дарров тушунади. Бу тушуниш талабанинг ақли етмаган жойни шайх изоҳлаб бериши орқали ёки шунчаки устоз олдида турган талабага Аллоҳнинг марҳамати сабабидан ҳосил бўлиши мумкин». Бунга мисол қилиб саҳобаларнинг Қуръонни тушунишдаги ҳолатларини келтириш мумкин. Баъзи оятлар нозил бўлганида ўзича тушундим деб ҳисоблаган саҳобийлар кейинчалик Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ушбу оятда ирода қилинган маъно бошқача эканини билиб олганлари маълум ва машҳурдир.

Булардан шу нарса аён бўлади: дин илми асл таълимотларидан узилган йиллари туғилиб катта бўлган айрим ёшлар дин ва ақида хусусида шоша-пиша бир-икки рисолача билан танишиб ёки интернет тизимидаги баъзи сайтлар келтирган маълумотларга таяниб, у ёки бу масалада ўзларини олим санашга, ҳатто фатво беришга ҳам журъат қилишяпти. Натижада илгаридан бир мазҳаб доирасида ва соф ақидада аҳил яшаб келаётган юртимиз мусулмонлари, хусусан, тенгдошлари онгини заҳарлашга

уринишяпти. Уларнинг асл мақсадлари яхшилик қилиш ёки дин ҳақида жон қўйдириш эмас, балки четдаги ҳомийлари ишончини ва маблағини оқлаш йўлида фитна ва бузғунчилик қилишдир. Шу боис ҳам ҳар бир мусулмон ақида илмини яхши ўзлаштириши, ақидада собит бўлиши зарур. Улуғ шоиримиз Сўфи Оллоёр бежиз бундай ёзмаганлар:

*Ақида билмаган шайтона элдур,
Агар минг йил амал деб қилса, елдур.*

Хулоса сифатида шуни алоҳида таъкидлаш лозим, кейинги бир неча ўн йиллар мобайнида ислом уммати ўртасида фитна ва бузғунчилик уруғларини сепишга ҳаракат қилган «Ал-хижра ват-такфир» каби фирқаларнинг «дарға»лари ўзларининг бу фикрлари Аҳли Сунна вал-Жамоа эътиқодига асло тўғри келмаганини эътироф этиб, бу хато фикрларидан қайтганларини эълон қилишди. Уларнинг мусулмон кишини «кофир»га чиқариш, у яшаётган жамиятни «жоҳилият»га нисбат бериш ҳақиқатан исломнинг барҳаёт таълимотларига хилоф эканини кеч бўлса-да, охири тан олишлари ва буни барчага маълум қилишлари, ушбу хато ғоя ва фикрларнинг издошларига ҳам тўлалигича тааллуқли деб ўйлаймиз. Шундай бўлгач, ҳозирги ҳолатимизни жоҳилият даврига тенглаб, унга жиҳод қилиш фарз деб «фатво» чиқараётган кимсалар бу қилмишлари билан ислом уммати орасига фитна солаётганини, ислом бирдамлигига путур етказётганини, мусулмонлар тинчлиги ва осойишталигини бузиб, фасодга йўл қўяётганини бир ўйлаб кўрса, ёмон бўлмасди.

«Ҳидоят», 2012, 3-сон.



«ОЛОМОНЧА МАДАНИЯТ» – МАЪНАВИЯТ КУШАНДАСИ

«Табиийки «оммавий маданият» деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди».

ИСЛОМ КАРИМОВ

XXI асрда мафкуравий курашларнинг ақл бовар қилмайдиган турлари пайдо бўлмоқда. Айрим ғоявий тузоқлар кўринишидан аср янгилигига ёки «маданият»ига ўхшаса-да, улар кишиларга, айниқса, ёшларга мойдек ёқиши билан янада хатарлидир. Бугунги кунда ҳеч бир халқнинг миллий-маънавий анъаналарига асосланмаган, фақат шаҳватларга, инсоний ахлоққа терс ҳаёт тарзига чақирувчи «оммавий маданият» ёки салбий жиҳатини ҳисобга олиб айтганда «оломонча маданият»нинг ана шундай ташвишли томонлари жуда кўп. Булар «оммавий маданият» деб аталса-да, аслида, у бутун ер юзи, ҳатто ҳар бир киши онгига чанг солиб, маънавият кушандасига айланмоқда. Ачинарлиси, кўп инсонлар мазкур «маданият» таъсирига берилиб қолгани ёки унинг қурбонига айланаётганини ҳам сезмайди. Қуйида «оломонча маданият»нинг найранглари ва улардан ҳушёр, огоҳ бўлиш ҳақидаги фикр-мулоҳазалар баён қилинмоқда.

«Оломонча маданият»нинг салбий таъсири

Сўнгги пайтларда ҳар хил ғаразли кучларнинг маънавиятимизга зид бўлган ва «оммавий маданият» ниқоби остида хатарли иллатлар билан йўғрилган ғояларни ёшларимиз онгига сингдиришга уринишлари кучаймоқда. Бундай жирканч «маданият» таъсирига дучор бўлган ўсмир лоқайд, енгил-елпи ҳаётга ошно, юрт равнақи ва халқ тинчлигига бефарқ кимса бўлиб вояга етади. Шунингдек, «оломонча маданият» жамиятда бузғунчилик ва зўравонликни

таргиб этиш ҳамда болаларга гўё истаган ишини қилиш – «эркинлик бериш» каби бемаъни одатларни ёйиш билан уларни манқуртга айлантириб, маънавий ҳаётни оғир инқирозга дучор қилади.

Бугун мафкуравий курашлар, маънавий зиддиятлар ва зўравон ғояларнинг турли «ўйин»лари авж олди. Халқимиз бундай шароитда ҳар қачонгидан ҳам ҳушёр ва огоҳ бўлиши, дўсту душманни ажратиши, ғанимларфитнасига учмаслиги, ёвуз кучлар кўлида кўғирчоқ бўлмаслиги зарур. Чунки ҳар бир фасод иш ортида разил мақсадлар, манфаатдор кимсалар турганини бир лаҳза ҳам унутишга ҳаққимиз йўқ.

АҚШда жиноятчиларнинг ярмидан кўпи бузилган оилалар фарзандлари экани маълум бўлган. Уларга ота-онасининг ажрашгани туфайли етказилган кучли руҳий зарба ўрта ёш, ҳатто кексалик чоғида ҳам салбий таъсир ўтказиши аниқланган.

Жаҳонда кечаётган мураккаб жараёнлар ёшлар тарбиясига янада катта эътибор беришни талаб этмоқда. «Юксак маънавият-енгилмас куч» асарида таъкидланганидек, «Агарки биз бундай хатарларга қарши ўз вақтида қатъият ва изчиллик билан кураш олиб бормасак, турли зарарли оқимлар бизнинг юртимизга ҳам шиддат билан ёпирилиб кириши, ёшларимизни ўз гирдобига тортиб кетишини, оқибатда, уларнинг ота-она, эл-юрт олдидаги бурчи ва масъулиятини ўйламайдиган, фақат бир кунлик ҳаёт билан яшайдиган худписанд кимсаларга айланиб қолиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас».

Одоб-ахлоқ, ҳаё-ибо, ор-номус ва диёнат каби фазилатлар азалдан халқимиз маънавий оламининг ажралмас қисмига айланган. Бугунги глобаллашув шароитида «оммавий маданият» ниқоби остида ёшларимизга турли ёт ғояларни, маънавий тубанликларни тарғиб этишга уринаётган қабих ниятлилар айнан ана шундай қадриятларимизга болта уришга уринаётгани сир эмас.

Ғарбда дин ва одобга зид бўлган қарашларнинг кўпчиликлари сингдирилиши оқибатида «оммавий маданият» тушунчаси юзага келди. У гарчи «маданият» деб аталса-да, аслида, мазмун-моҳиятига кўра, «оломонча маданият» чинакам маънавиятнинг кушандасидир. У кўп шаклларда ўзини намоён этади. Масалан,

заррача бадий қимматга эга бўлмаган нарса ва буюмларга юксак андоза тусини бериш; тагига қисқа матн ёки луқмалар битилган ҳаёсиз матбаа-расм маҳсулотлари; эҳтиросларга берилувчан шоу-бизнес вакиллари ва бошқаларни асоссиз кўкларга кўтариш; тўсатдан уюштириладиган «кескин» томошалар ёхуд оммавий «кўнгил очиш»ларни ўтказиш ва ҳоказо.

Халқимиз, айниқса, ёшларнинг ахлоқи ва маънавиятига салбий таъсир кўрсатаётган «оломонча маданият»нинг баъзи кўринишлари қуйидагилар:

Биринчиси, ҳозир жаҳон медиа бозорининг тўртдан уч қисмини ғарб телевизион дастурлари эгаллаган. Уларнинг тумтароқ мусиқалари, маъносиз ва ғайритабiiй кўшиқларига бутун дунё тақлид қилаётгани ачинарли ҳол, албатта. Бундай кўринишлар ёшларни маҳлиё қилиб, ўз домига тортмоқда. Оқибатда, айрим ўсмирлар уйда, мактабда ва ҳатто йўлда ҳам ана шундай зарарли нарсалар билан банд бўлишяпти. Асосий вазифа бўлган ўқиш, илм-маърифат олиш ва касб-ҳунар эгаллашга рағбатлари суст.

Иккинчиси, бугун ғарбда аксарият ёшлар маънавияти таназзулга учраётгани аниқ. Шунга қарамай, айрим оммавий ахборот воситаларида уларнинг турмуш тарзи тарғиб этилаётгани ажабланарли. Гарчи бундай вазият мамлакатимизда кузатилмаса-да, хотиржам бўлишга асос йўқ. Ёшлар қалбида бундай хунук ҳолатларга вақтида нафрат туйғусини уйғотиш лозим.

Учинчиси, хорижда ишлаб чиқарилаётган андозасиз кийимлар ва уларда акс эттирилган маъносиз сўзлар ёки ёвузликка чорловчи суратлар ёшлар онги ва феълига билмаган ҳолда салбий таъсир ўтказди. Масалан, хорижда тайёрланган кийимлардаги «killer» (қотил), «danger» (дахшат) каби сўзлар ва ҳаёсизлик ёки ёвузликни ифода этувчи манзараларнинг туб моҳиятига эътибор қаратишимиз керак. Акс ҳолда, фарзандларда зулм, зўравонлик ва жонга қасд қилиш каби иллатлар оддий ҳолатга айланиб қолиши мумкин. Бундан ташқари, чет эл жангари фильмларидаги шафқатсизлик, ваҳшийлик лавҳалари ёки қотиллик туширилган видеотасмаларни болалар кўриши, улар онгига ножўя таъсир қилиб, уларда муаммоларни шундай аянчли ҳал этиш ҳисси уйғонади.

Тўртинчиси, ғарб ёшларида уюшган жиноятчилик ва зўравонликка берилиш ҳолатлари анча юқори. Бунга сабаб – болаларга меъёридан ортиқ эркинлик берилганидир. Бунинг устига, «оломонча маданият» эр-хотин ва болаларнинг оиладаги вазифалари, бурч ва масъулиятларидан «озод» этиб, оилавий бирлик, меҳр-мурувватни йўққа чиқаряпти, оилани таназзулга олиб келмоқда.

Бешинчиси, Ғарб турмуш тарзида ғурур-ор, эркаклик шаъни, аёллик иффати деган нозик тушунчалар емирила бошлаганига анча бўлди. «Эркин ҳаёт тарзи» сифатида тарғиб қилинаётган ахлоқсизлик, ҳаёсизлик, тажовузкорлик ва бошқа иллатлар инсон ҳаёти, оила мустақкамлиги ва ёшлар тарбиясига улкан хавф солаётгани барчамизни огоҳ этиши керак. Бундай хатарларга қарши тинмай курашишимиз кераклигини ҳаммага уқтиришимиз зарур.

Ер юзидаги ахборот алмашинуви мислсиз тезлашган ҳозирги шароитда, Ғарбдаги «марказлар» бундан фойдаланиб, бошқа давлатлар ва халқлар ўртасида Ғарб ҳаётининг бузғунчи «жозибалари»ни, жумладан, «оломонча маданият» таъсирини «эркинлик шабадалари» тарзида имкон қадар кенг ёйишга енг шимариб ҳаракат қилаётгани ҳеч кимга сир эмас. «Натижалари» эса яққол кўриниб турибди, масалан, АҚШнинг айрим мактабларида содир этилаётган портлашлар, болаларнинг савдойи, васвос кимсалар қўлида қурбон бўлаётгани, ёшлар феълида кучайиб бораётган тажовузкорлик ҳар бир оқил инсонни ўйга толдиради.

«Оломонча маданият» маҳсулотлари ёшлардан фикр юритишни талаб этмайди, аксинча, уларни ҳар хил ҳаёт ташвишларидан, турмуш муаммоларидан гўё «халос» этади. Ўқишга, билим олишга эмас, балки бир марта бериладиган ҳаётда «яйраб қолиш»га чақиради. Ҳолбуки, бунинг салбий натижалари – меҳр-оқибатнинг йўқолиб бораётгани, одоб-ахлоқ мезонларига путур етаётгани, беҳаёлик ва зўравонликнинг авж олаётгани бутун дунё аҳлини ташвишга солмоқда.

Муаммонинг ечими

Халқимизнинг миллий маънавияти, оилаларимизда амал қилинадиган тартиб-қоидалар ёшлар тарбиясида муҳим аҳамиятга

эгадир. Улар оила мустаҳкамлигини таъминлашга улкан пойдевор вазифасини ўтайди. Диёримизда миллий қадриятлар ва муборак динимизнинг эзгу таълимотлари асосида оилага доир қонун-қоидалар янада мукаммал қайта ишланди.

«Болаларингизга одоб беринглар ва одобларини чиройли қилинглар» (Ҳадиси шариф).

Жумладан, оилада эрнинг мавқеи баландлиги, хотин ҳам ўз ҳақ-хуқуқларига эгаллиги, фарзандларнинг ота-онани ҳурмат қилишларини олайлик. Кўп йиллар давомида ота-боболаримиз қалбига сингиб кетган ушбу қадриятларни бугун янада сайқаллаш кераклигини замон талаб этмоқда. Айниқса, шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замонда бемаъни хуружлар кўпайиб, уларнинг инсон ва жамият ҳаётига салбий таъсирлари мисли кўрилмаган даражада кучайиб бормоқда. Шунинг учун барчамиз кўзимизни каттароқ очиб, зийраклик ва огоҳлик билан бундай ҳамлаларга қарши курашмоғимиз лозим.

Бу борада муҳтарам Президентимиз «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобларида: «Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб етмоқда», дея маънавий таҳдидлардан ёш авлодни асрашимиз зарурлигини алоҳида таъкидлайдилар.

Тинимсиз ахборот оқими вужудга келтираётган муҳитда миллий қадриятлар, азалий анъаналар завоқ топишининг олдини олиш мақсадида ахборот хавфсизлигини таъминлаш керак. Хорижий телеканалларда нима намойиш этилса ёки интернетда нима тарғиб қилинса, барчасини қабул қилавериш асло мумкин эмас. Биз улар орасидан имон-эътиқодимиз, анъанаю қадриятларимизга мос келадиганларинигина саралаб олмоғимиз шарт. Бу мақсадга эса ёшларимизга телевидение ва интернетдан оқилона фойдаланиш йўллариини ўргатиш, уларнинг мазкур ахборот манбаларидан фойдаланишларини назорат қилиб бориш орқалигина эришиш

мумкин. Токи ҳали суяги қотиб улгурмаган ёшларимизнинг беғубор маънавиятига жиддий зарар етмасин.

Шайх Абдулазиз Мансур бу ҳақда шундай дейдилар: «Ислом дини руҳий-маънавий комилликка даъват этувчи дин ўлароқ нозил бўлган ва аввало, шу йўлдаги энг хавfli ғаним бўлиш нафсга қарши кураш руҳи билан йўғрилган. «Оломонча маданият» эса одамларда истеъмолчилик кайфиятини авж олдириб, нафсга салбий қувват беришдан ўзга нарса эмас. Шу жиҳатдан «оломонча маданият» исломнинг туб моҳиятига зид ҳодиса десак, сира янглишмаган бўламиз. Асосан Ғарбдан кириб келаётган «оломонча маданият» турфа усуллар билан инсон ақлини зойил этиб, унда нафсу шаҳватга меъёр ҳиссини сусайтиради. Нафсу шаҳватда меъёрни сақлаш асосан ҳар бир инсоннинг ўзига, унинг имон-этиқодига кўпроқ боғлиқ бўлгани каби, «оломонча маданият» домига тушиш ёки сақланиб қолиш ҳам кўпроқ унинг ўзига боғлиқдир. Шунинг учун ислом дини таълимотларидаги пурмаъно ибора билан айтганда, ҳар бир инсон «тазкиятул нафс», яъни нафсни поклаш билан машғул бўлмоғи лозим».

Халқимизнинг одоб-ахлоқи ислом динининг олийжаноб таълимотлари асосида шаклланган десак, муболаға бўлмайди. Фарзанднинг салом бериб, ҳол-аҳвол сўрашидан тортиб, ота-онага қандай мурожаат қилиш борасидаги таълимлари тарбиянинг муҳим қирраларидандир. Фарзандларга чиройли одоб-ахлоқни ўргатиш нафл ибодатдан афзал ва савоблироқ дейилади.

Ёшларни тўғри тарбиялашда имон-этиқод ва она ватанга садоқат масаласи муҳим ўринга эга. Шунинг учун тарбия бериш ўта нозик ҳисобланиб, у тўғри бўлса, фарзанд камолга етиб, эл-юртга фойда келтиради. Гўзал одоб охират неъматларига етказувчи асосий воситалардан биридир. Қуръони каримда ҳам Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳадисларида ҳам одоб-ахлоқ масаласига алоҳида эътибор берилган.

Фарзандлар миллий одобларимизга доир одатларини унутиши жуда аянчли ҳол. Ёшларимиз миллий ва диний урф-одатларимизга тўғри келмайдиган тақлидларни қабул қилмасликлари зарур.

Бир ҳадиси шарифда бундай дейилган: *«Икки мусулмон киши учрашиб, қўл бериб кўришса ва Аллоҳга ҳамд, истиғфор айтишса,*

уларни Аллоҳ таоло мағфират қилади». Пайгамбаримиз (а.с.) ушбу ҳадис орқали икки киши учрашганида, қандай кўришиш лозимлиги ҳақида ҳам таълим бердилар. Қуръони каримда Аллоҳ таоло ҳабиби, Сарвари кои нот Пайгамбаримиз Муҳаммад (а.с.) ни бутун инсониятга ахлоқ ва одобда намуна бўлишга лойиқ зот эканликлари тўғрисида хабар бериб, бундай марҳамат қилади: «Сиз, дарҳақиқат, буюк хулқ узрадирсиз» (Қалам, 4).

Жамиятнинг энг муҳим бўлаги ҳисобланган оила мустаҳкамлиги никоҳ воситасида юзага келиши, кўп асрлар мобайнида халқимиз орасида риоя қилиниб келинаётган никоҳ асли умуминсоний қадриятлар асосида оилани мустаҳкамлашга қаратилгани, никоҳ тўфайли оилада барқарорлик ва соғлом муҳит ҳукм суриши, бу эса жамият ва давлат тараққиётининг асоси эканига катта эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Албатта, халқимиз, жумладан, ёш авлод ғарб фан-техникаси, маданияти, адабиёту санъатининг илғор жиҳатларини инкор этмайди. Бироқ ғарб зиёлиларининг ўзи «ғарбнинг муаммоси» сифатида баҳолаётган «оломонча маданият»нинг маънавий-ахлоқий тубанликларини ёшларимиз қанча тез англаса, шунча яхши.

«Огоҳлик» сўзининг маъноларини бугунги замон шароитидан келиб чиқиб, янада кенг миқёсда тушунишимизга тўғри келади. Яъни, бугунги огоҳлик халқимиз, айниқса, ёшлар қалбини, руҳиятини, ақл-идроки ва умуман маънавиятини жаҳонда юз бераётган мафкуравий йўналишдаги ошкора ва яширин таҳдидларнинг хатарларидан ва «оломонча маданият»нинг емирувчи таъсиридан муҳофаза қилишни ҳам ўз ичига олади.

Кимнинг она-Ватанни севиш туйғуси кучли ва имон-эътиқоди мустаҳкам бўлса, ўзининг ўтмишини ҳурматлаб, яхши билса, «оломонча маданият» тузоғига тушиб қолмайди. Бунинг учун оилада ота-оналар фарзандлари билан миллий мусиқаларимизни эшитишса, биргаликда китоб ўқишса, уларни турли спорт тўғарақларига жалб этишса, ёшларнинг ёт ғоялар учун вақти ҳам, қизиқиши ҳам бўлмайди.

«Ислом нури», 2012, 14-сон.

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

«Мустақиллик» сўзининг туб мазмун-моҳиятини она ватан озодлигини орзу қилган ва бунинг учун курашганлар чуқур англайди. Шу боис оғир синовли даврларни бошидан кечирган ва ҳозирги дориломон кунларнинг қадрини биладиган юртдошларимиз ёш авлод онгига «Истиқлол» деган тушунчанинг нақадар залворли эканини ўтмиш ва бугунни қиёслаган ҳолда етказишлари муҳимдир.

Кеча ва бугун

Биз боболаримизнинг муқаддас дини бўлган Ислом динини қадрлаймиз, ҳурмат қиламиз, одамзод руҳий дунёсида имон-эътиқодни, инсоний фазилятларни мустаҳкамлашда унинг ўрни ва таъсири юксак баҳолаймиз.

ИСЛОМ КАРИМОВ

Мустақил Ўзбекистонимизнинг асрларга татигулик 21 йили давомида рўй берган ўзгаришлар ҳар бир кишининг ҳаётига дахлдордир. Мўмин-мусулмонлар диний ибодатларини эмин-эркин адо этмоқдалар, ёшларимиз олий ва ўрта махсус ислом билим юртларида таълим олишяпти ҳамда минглаб фуқароларимиз ҳаж ибодатини адо этиб, «ҳожидан» деган улуғ номга эга бўлишди. Давлатимиз томонидан бу эзгу ва олийжаноб ишларга ундовчи диннинг равнақи учун кенг имкониятлар берилди.

Асрлар давомида етук олимларни тарбиялаган мадрасалар эшигига шўро даврида қулф осилди, билим масканлари турли омборларга айлантирилди. Истиқлол неъматидан боис, алҳамдулиллоҳ, юртимизнинг ҳар бир гўшаси кундан-кунга ўзгача чирой очмоқда. Қад ростлаётган замонавий иншоотлар, обод этилаётган зиёратгоҳлар юртимиз гўзаллигига янада файз бахш этмоқда. Осори атиқаларни таъмирлаш жараёнида асосан

тарихий ёдгорликларнинг асл кўринишини сақлаб қолишга ҳаракат қилинди.

Имом Бухорий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Имом Мотуридий ва Бурҳониддин Марғиноний каби алломаларнинг юбилей тўйлари тантанали равишда нишонланди. Уларнинг ҳокипоклари қўним топган гўшалар обод этилиб, зиёратгоҳлар барпо қилинди. Улуғ бобакалонларимизнинг илмий мерослари тадқиқ этилиб, ёш авлод тарбиясида унумли фойдаланилмоқда.

Ёш авлодни ҳар томонлама билимли қилиб тарбиялаш, интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларни маънавий жиҳатдан баркамол инсон бўлиб етишишларини таъминлаш олиб борилаётган оқилона сиёсатнинг асосини ташкил этади.

Истиқлол илм масканлари эшикларини ёшларга кенг очиб берди. Мустабид тузум даврида фақатгина 2 та – Тошкент ислом институти ва Бухорода «Мир Араб» мадрасаси чекланган шароитларда фаолият юритишга рухсат этилганди.

Мустақилликкача 425 киши диний маълумотга эга бўлган бўлса, 1991–2012 йилларда ислом ўқув юртларини олти мингдан зиёд талабалар тамомлади. Ушбу соҳада ҳам диний, ҳам дунёвий билимларни мукамал эгаллаган етук кадрлар тайёрланди. Бугун ушбу диний таълим масканларида таҳсил олган талабалар турли соҳаларда, хусусан, масжидларда имомлик қилиб, ватандошларимизнинг диний маърифатини ошириш, уларга ислом динининг асл моҳиятини етказиш йўлида фидокорона хизмат қилмоқдалар.

Истиқлолдан аввал ҳаж сафарига санокли кишиларгина борган бўлса, ҳозир ҳар йили 11 мингдан зиёд фуқароларимиз умра ва ҳаж ибодатларини адо этиб келмоқдалар. Шу кунга қадар 145 мингдан ортиқ юртдошларимиз муборак сафарларга бориб қайтдилар.

Пойтахтимизда Тошкент ислом институти, «Кўкалдош» ва «Ҳадичаи Кубро», Китоб шаҳрида «Хожа Бухорий», Наманганда «Мулла Қирғиз», Андижонда «Саййид Муҳйиддин маҳдум», Урганчда «Имом Фахриддин Розий», Нукусда «Муҳаммад Беруний» билим юртлари фаолият кўрсатмоқда.

Шўро даврида харобага айланган масжидлар қайта тикланиб, фойдаланишга топширилди. Аввал ўлкамизда саксонга яқин масжид фаолият юритган бўлса, ҳозирга келиб уларнинг сони икки мингдан ошиб кетди.

Мустабид тузум даврида ҳаж сафарига бориш ҳам жуда қийин бўлиб, сафар ижозати ниҳоят даражада чекланган эди. Таассуфки, узоқ йиллар давомида диёримиз мусулмонларининг бу йўлдаги орзу-ниятларига эътибор берилмади. Натижада кўплаб уламолари миз ва бир қанча имон-эътиқодли кишиларимиз ҳажга боролмасдан, армон билан бу дунёдан ўтиб кетдилар.

Истиқлол шарофати билан юртдошларимиз қулай шароитларда ва бевосита давлатимиз кўмагида муборак Байтни зиёрат этиш бахтига муяссар бўлдилар. Ўтган йиллар мобайнида ҳукуратимиз томонидан ҳаж зиёратига борувчиларга мунтазам ёрдам кўрсатилиб келинмоқда. Ҳар йили минглаб фуқароларимиз ҳаж сафарига бориб, ислом динининг бешинчи аркони адо этиб қайтмоқдалар.

Ўзбекистонда истиқомат қилаётган турли дин ва миллатлар вакиллари ўртасида тотувлик таъминланди. Ўзбекистондаги диний конфессиялар ўртасидаги ҳамжиҳатлик ришталари тарихий анъаналар билан бир қаторда ҳуқуқий ва ижтимоий асослар билан ҳам мустаҳкамланди. Бу мамлакатимиз Конституциясининг 18-моддасида қуйидагича ақс этган: «Барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, диний эътиқоди, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар қонун олдида тенгдир».

Нурафшон кунлар қадрига етайлик!

Ислом оламидаги энг нуфузли ташкилотлардан бири – ISESCO томонидан пойтахтимиз – Тошкентга 2007 йилда Ислом маданиятининг пойтахти мақомининг берилиши ҳукуратимизнинг Ислом маданияти ва маънавиятини юксалтириш йўлида амалга ошираётган хайрли ишларининг жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилишидир.

Ҳар қандай эзгу ният ва мақсадни амалга ошириш, аввало, жамиятдаги мустаҳкам тинчлик ва хотиржамликка боғлиқ. Бу

барча замонларда ўз исботини топган ҳақиқатдир. Сир эмаски, ҳозир дунёнинг айрим мамлакатларида сиёсий беқарорлик ҳукм сураётган бўлса, бошқа бир ўлкада террорчилик, миллат танламас иллатлар халқаро хавфсизликка таҳдид солмоқда. Бу каби ҳолатлар эса бизнинг тинч ва фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам асоси бўлган истиқлолимизга шукрона қилиш, кадрига етиш ва уни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга ундайди.

Табиийки, киндик қони тўкилган жой инсон учун ҳамма нарсадан ҳам қимматлидир. Расули Акрам (с.а.в.) Мадинаи мунавварага жўнаб кетаётганларида туғилиб ўсган ватанлари Маккаи мукаррамага юзланиб: *«Агар қавмим мени Маккадан чиқиб кетишга мажбур қилмаганида, ҳеч ҳам ўз ихтиёрим билан уни ташлаб кетмаган бўлур эдим»*, деганлари сийрат китобларида баён этилган. Демак, ватанни севиш, ватанпарвар бўлиш, ундаги бор нарсаларни ардоқлаб яшаш инсон табиатида мавжуд бўлган ҳис-туйғудир.

Зеро, ватан, миллат, дин тушунчалари инсон учун азиз ва муқаддасдир. Буюк аллома Алихон тўра Соғунийнинг қуйидаги сўзларидаги она ватанни севган ва унинг йўлида жон фидо қилишга тайёр бўлган киши қалбида ғайрат ва шижоат уйғотади: *«Ҳар бир инсонга маълумдирки, дунё ҳаётида инсоннинг энг севган, қадри, қимматли тўрт нарсаси бордир. Бу тўрт нарсага эга бўлмаган кишилар инсонлик шарафидан маҳрум бўладилар. Улар: озодлик ва эркинлик, меҳнат билан топилган бойликка ўзи эгалик қилиши, туғилиб ўсган она ватани ҳамда асрлар бўйи эътиқод қилиб келаётган муқаддас динидир»*.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 17 июлдаги «Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида»ги Қарори ҳар бир фуқаро қалбини тоғдек кўтарди. Ундаги белгиланган мақсад ва вазифаларни тўла бажариш қай бир соҳада бўлишидан қатъи назар, ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Ҳамиша муборак Рамазон ойи юртимиз аҳлига катта қувонч бахш этади. Бу йил ҳам шундай бўлди. Қайси бир масжидга борманг, у ерда Рамазон шукуҳи акс этади. Қуръон хатмларига қатнашаётган кексалар билан суҳбат қилсангиз, кўзларида миннатдорлик ёши

балқиганини, Яратганга шукроналар айтишаётганининг гувоҳи бўласиз. Зеро, Пайғамбар (а.с.) ҳадисларининг бирида: «Аллоҳ таоло бандага каттами, кичикми бир неъмат берса ва банда унинг шукронаси учун «Аллоҳга ҳамд бўлсин» деса, шунда у ўша неъматидан ҳам афзалроқ нарсага эришган бўлади», – деганлар.

Демак, кечаю кундуз бу неъматларнинг шукронасини адо этиб бормоғимиз лозим бўлади. Зеро, Қуръони каримда шундай дейилади: «**Агар** (берган неъматларимга) **шукр қилсангиз, албатта, (уларни янада) зиёда қилурман**» (Иброҳим, 7).

Истиқлолнинг ҳар бир йили юртимиз тарихида ўзига хос ёрқин из қолдирмоқда. Бу даврда эришилган улкан муваффақиятларимиз тарих зарварақлариға зарҳал ҳарфлар билан муҳрланмоқда. Ватанимизни янада обод, турмушимизни бундан-да фаровон этиш – энг улуғ мақсадимиздир.

«Ислом нури», 2012, 15-сон.



ҲИДОЯТ ДЕБ ЗАЛОЛАТГА КЕТМАНГ

Бугунги кунда оилада, жамиятда ва ижтимоий ҳаётда аёлларнинг фаоллиги янада ошиб бормоқда. Айниқса, хотин-қизлар орасидаги маънавий-маърифий ишларда уларнинг ўрни катта бўлмоқда. Жумладан, диний маърифат ва ахлоқий тарбияни аёлларга етказишда отинойиларнинг ҳам муносиб ўрни бор. Бироқ маънавий муҳитга салбий таъсир этаётган ва бидъат-хурофотларга бошчилик қилаётган баъзи бир сохта отинойилар ҳам учраётгани ачинарлидир.

Куйида ана шундай сохта отинойилар тўғрисида ҳамда аслида отинойилар қандай бўлиши кераклиги ва уларнинг вазифалари нималардан иборат экани ҳақида фикр юритамиз.

Билмаган ишингга аралашма!

Замон жадал ривожланиб бораётган ҳозирги кунда илми йўқ, фақат бир-икки оят, ҳадисни чала ёдлаб олган, беҳуда гаплару, асоссиз ривоятлар билан одамларни чалғитаётган аёлларнинг борлиги кишини ранжитади. Бундайлар нафс истаги, бойлик орттириш, обрў-эътибор илинжида ўзлари билмайдиган ишларга қўл уришмоқда. Улар аёлларни ҳидоятга чорлаяпман, деб ўйлайди-ю, аммо ўзини ҳам, бошқаларни ҳам залолат ботқоғига тортаётганини сезмайди. Халқимизда бир гап бор: «Билмаган ишингга бурнингни суқма».

Куйида сохта отинойилар йўл қўяётган хатоликлар ҳақида сўз юритамиз.

Биринчи. Баъзи сохта отинойилар ўзининг етарли билими бўлмагани ҳолда диний расм-русумларга бошчилик қилиш билан бирга бидъат-хурофот ишларда ташаббускорлик ҳам кўрсатишяпти. Бу билан фақат ўзларини эмас, балки уларга эргашувчиларни ҳам залолатга бошлашмоқда.

Абу Ҳурайра (р.а.) ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «*Ким ҳидоятга чақирса, унга эргашувчининг савобидек ажр бўлади. Бу*

билан амал қилган кишининг савобидан бирор нарса камаймайди. Кимки залолатга чақирса, эргашувчи кишининг гуноҳидек унга гуноҳ ёзилади. Бу билан амал қилган кишининг гуноҳидан бирор нарса камаймайди», – дедилар.

Айрим аёл-қизлар онгига ўрнашиб қолган ирим-сиримлар ва Биби сешанба, Мушкул кушод каби бидъат-хурофотларга раддия билдириш ўрнига, отинойилар уларга бош-қош бўлмоқдалар. «Мушкул кушод» – мушкулларни осон қилиш мақсадида, масалан, совчи келмаганида, муносиб келин топилмаганида ёки иши юрилмаганида қилинадиган хурофот амалдир. Динда бундай амаллар йўқ.

Иккинчи. Балои нафс йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган баъзи отинойилар аёлларга хос ишонувчанлик, соддадиллик ва итоаткорлик каби хусусиятлардан фойдаланиб, уларни тўғри йўлдан чалғитишяпти. Ишончни суиистеъмол қилиб, соддадил аёлларни алдаш йўлига ўтишмоқда. Уларнинг найрангига учаётган софдил аёл-қизлар Яратганнинг «**Ўзинг (аниқ) билмаган нарсага эргашма**» (*Исро, 36*) деган хитобига амал қилмай, тўғри йўлдан чалғиётганлари ташвишли ҳолдир.

Учинчи. Баъзи отинойилар суҳбатларида фақат дўзах азоби, қабр ҳаёти ва қиёмат даҳшати ёки жаннат васфи ҳақида гапириб, қалбга ваҳима ёки ҳайрат соладилар. Аслида Яратганнинг муҳаббатига маърифат ва Ҳақ таоло рози бўладиган эзгу ишлар билан эришилади. Бу ҳақда тасаввуф олимаси Робия Адавия: «Жаннат орзуси ва дўзах азобидан қўрқув нажот воситаси бўла олмайди. Маърифат амалдан устун, Аллоҳни амаллар билан эмас, маърифат билан таниш муҳимдир», – деган эди.

Тўртинчи. Айрим отинойилар динни осон қилиб етказиш ўрнига амалларни мушкул қилиб изоҳлаш, қўрқитиш йўлини тутлади. Аслида, Ислом енгиллик динидир. Муҳаммад (с.а.в.) ҳам умматларга доимо енгиллик, осонлик истаганлар. Бир ҳадиси шарифда: «**Осонлаштиринг, қийинлаштирманг, қизиқтиринг, бездирманг**», – дейилган (Имом Бухорий ривояти). Зеро, ояти каримада ҳам «**Аллоҳ ҳеч бир жонга тоқатидан ташқари нарсани таклиф этмайди...**» (*Бақара, 286*), – дейилган.

Отинойилар ибодат масалаларини ҳаддан зиёд қийинлаштириб кўрсатишлари оқибатида, аёллар орасида Ислом динига нисбатан нотўғри тушунчалар пайдо бўляпти. Ваҳоланки, Куръони каримда: **«Аллоҳ сизларга енгилликни истайди, оғирликни хоҳламайди»** (Бақара, 185), – дейилган.

Бешинчи. Фолбинлик каби улкан гуноҳ ишлар билан шуғулланадиганлар орасида отинойиликни даъво қиладиганлари ҳам борлиги кишини қаттиқ ранжитади.

Турли иллатлар ҳозирга қадар сақланиб келмоқда. Масалан, ёмон кўздан асраш учун тикан, тақа, бўри тирноғини илиб қўйиш каби одатлар, чоршанба, шанба кунлари сафарга чиқилмаслик каби хурофотлар ва «етти», «йигирма», «қирқ», «йил» деган бидъат маросимлардан қайтариш ўрнига, баъзи отинойилар уларни қўллаб-қувватламоқда.

Олтинчи. Кўп отинойилар тўй, ақиқа, хотира маросимларининг фарқига бормаиди. Шунингдек, улар диёримиз мусулмонлари ҳанафий мазҳабига риоя этишларини инобатга олмай, ўзлари турли адабиётлардан ўқиган ёки эшитган фикрларни гапириб, кишилар орасида ихтилофларни келтириб чиқаришмоқда. Набий (а.с.): **«Банда бир калимани гапиради. Унда нима борлигини (маъносини) ажратмайди. Бу билан дўзахга, машриқ ва мағриб орасидан ҳам чуқурроқ қаърига қулайди»**, – деб огоҳлантирганлар (Имом Термизий ривояти).

Еттинчи. Шундай отинойилар ҳам борки, ҳижоб масаласига қаттиқ ёпишиб олиб, аёл бутун танасини, ҳатто кўзини ҳам беркитиши керак, деган фикрни илгари суради. Ваҳоланки, ҳанафий мазҳабида аёлнинг юзи, икки кафти ва оёқларининг тўпиғидан пасти аврат эм аслиги хусусида аниқ далиллар бор.

Баъзи мутаассиб аёллар «ҳижоб», деб бошдан-оёқ ўраниб юриши масаласида ҳамон баҳс-мунозаралар қилмоқда. Маълумки, бошдан-оёқ қора либосга ўраниб олиш, аслида араб саҳросида яшайдиган аёлларга хосдир. Чунки у ерлар ҳаддан ташқари иссиқ ёки шамол бўлгани учун эркак ҳам, аёл ҳам иссиқдан ўзини сақлаш мақсадида кўзи очик бўлиб, юзи ва баданини ўраб юради.

Қадимдан аёллар ўраб келган рўмол эса динимиз кўрсатмаларига тўғри келади. Шундан келиб чиқиб, юртимиз хотин-қизлари ҳам динимиз таълимотига мувофиқ, урф-одатларимизга мос ҳолда бошларига оқ ёки ёрқин рангли рўмол ўрашган.

Ҳар бир инсон миллий либосини кийишга ҳақли. Шундай экан, аёлларимиз миллий либосларини кийишсин. Либослар замон ўзгариши билан кўркамлашиб боради. Момоларимизнинг миллий либосларини моҳир тикувчиларимиз ҳозирги замонга хос, иқлимимизга мос, урф-одатларимизга тўғри келадиган шаклларда тикишса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Отинойи қандай бўлиши керак?

Энг аввал «отинойи» сўзининг истилоҳий маъносини англаш лозим. Отин – қизлар ўқитувчиси, дин ва шарият билимдони ҳамда аёллар ўртасидаги диний маросимларга бошчилик қиладиган, халқ орасида катта обрў-эътиборга сазовор бўлган кайвони аёл. Шунингдек, «отин» сўзи маърифатпарвар аёлларни ҳурматлаб, исмига қўшиб айтилган.

Илгари аждодларимиз хотин-қизлар қалбига аёл кишининг суҳбати чуқурроқ сингиб боришини яхши англаганлари учун отиноийлар фаолиятдан унумли фойдаланишган. Маҳалла ёки қишлоқлардаги таълим-тарбия ишларига жалб этишган. Айниқса, диний маърифатни ёйиш, қизларни турмушга тайёрлаш ва уларнинг руҳиятини бекаликка мослашда отиноийларнинг вазифаси катта бўлган. Отиноийлар фақат билим тарқатувчигина эмас, балки ёшлар тарбияси учун масъул, одоб-ахлоқда эса ҳаммага ўрнак бўлишган. Шунингдек, Қуръони карим қироати, унинг тафсири, пайғамбарлар тарихи, халқ оғзаки ижодини яхши билишган.

Улар ёшларга никоҳнинг илоҳий аҳдлиги, оиланинг муқаддаслигини уқтиришган ва ҳаётий мисоллар билан фарзандлар онгига сингдиришган. Зиё тарқатувчи, маърифатпарвар имом-хатиблар қанча эъзода бўлса, отиноийлар ҳам шунча ҳурмат қилинган.

Хотин-қизларни, болаларни комиллик сари етаклаш вазифаси тарихдан маълумки, аёл устозлар – отинлар зиммасида бўлган. Имом Бухорий, Термизий, фалакиёт илми билимдони Мирзо

Улуғбек, дунё тиббиётига устоз бўлган Абу Али ибн Синонинг улуғ олим бўлишларига маърифатли аёллар, мўътабар оналар сабабчи. Навоийдек шоирларни ҳам, Мирзо Бобурдек ҳукмдорларни ҳам ана шундай оналар тарбия қилишган. Ушбу илм дарғаларининг болалик йилларига назар солинса, бошланғич таълимни гўдаклик чоғларида оналаридан олишгани маълум бўлади.

Албатта, бундай шахслар камолоти замирида аёл меҳнати ётади. Масалан, Ҳаким ат-Термизий кўп аёл муҳаддислардан сабоқ олгани манбаларда келтирилган. Аллома Имом Ғаззолий ҳаёти ўрганилса, маърифатпарвар онанинг улкан хизмати кўзга ташланади.

Пайғамбаримизга (с.а.в.) ҳаммадан олдин аёллари Хадича (разияллоҳу анҳо) онамиз ёрдам кўрсатганлари маълум. Ҳазрат Оиша бу уммат аёлларининг олимаси ва Қуръон ҳофизаси эдилар. Абдуллоҳ ибн Масъуд энг етук фақиҳ бўлса, Оиша (разияллоҳу анҳо) энг етук фақиҳа эди. Зайд ибн Собит ҳофиз бўлса, Ҳафса бинти Умар ҳофиза бўлган. Ҳасан Басрий йирик машойих бўлса, Робия Адавия катта машойихлар мақомида эди.

Қадимдан отинойилар ҳалоллиги, тақвоси, меҳнаткашлиги, ҳаёси билан эл ҳурматини қозонишган. Чунки уларда шундай фазилатлар борки, уларни бошқа халқлар аёлларида кўриш мушкул. Шоиралар мураббийи Жаҳонотин Увайсий, маърифатпарвар шоира Нодирабегим ва доно маслаҳатчи Бибихоним каби оқила момоларимиз яхши тарбия кўрганлари боис, ўз даврининг машъали, хайрли ва улуғвор ишларнинг йўлбошчилари бўлишган. Ҳозирги отинойилар ана шулардан ибрат олишлари лозим.

Отинойиларнинг вазифалари

Ҳозирги замон отинойиси чуқур ҳаётий тажрибага эга, дунёвий ва диний билимлар соҳибаси, эл-юрт орасида обрў-эътиборли, миллий-диний кадриятларни асл ҳолида аҳолига еткази оладиган аёллар бўлиши керак. Шунингдек, отинойи Ислом дини моҳиятини тўлиқ тушуна билиши, тўрт мазҳаб ҳақида маълумотга эга бўлиши, Қуръони каримни тажвид билан ўқий олиши, дунёда юз бераётган ходисалардан хабардор бўлиши зарур.

Отинойилар халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида тинчлик ва барқарорликнинг қадрига етишни, дунёда кечаётган ўзгаришлар,

юз бераётган нохуш воқеаларнинг асл сабабларини тўғри тушунтириб, қалбларга етказа олишлари лозим.

Хотин-қизларга никоҳ ва оила масалалари ҳақида маълумотлар бериши керак. Айниқса, эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари ҳамда балоғат, камолот ва никоҳ ёшларининг бир-биридан фарқини билдиришлари жуда муҳим вазифадир. Шунингдек, оила муҳитини яхшилашда аёл кишининг ўрни катталигини эсдан чиқармаслик керак.

Аёллар ўртасидаги маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатаётган, ҳанафий мазҳаби таълимотига зид бўлган ҳолатларга қарши туриш зарур. Хусусан, хотин-қизлар орасида учрайдиган фолбинга бориш, сохта пирларга эргашиш каби бидъат-хурофотларга барҳам бериш йўлида отинойилар тинмай ташвиқот ишларини олиб боришлари бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Минг афсуски тўй ва маърака-маросимларда исрофгарчиликлар ҳамон учраб турибди. Айниқса, тўй арафасидаги олди-берди, зебу зийнатларни ортиқча талаб этиш катта исрофдир. Оқибатда, оилалар арзимаган «берди-бермади», деган гап-сўзлар билан бузилиб кетяпти. Демак, отинойилар тўйларни ихчам ўтказиб, тежалган маблағни ўша ёш оиланинг келажаги учун ишлатиш дуруст бўлиши ҳақида панду насиҳат қилишлари даркор. Расулуллоҳ (с.а.в.): «*Сени икки нарса – фихрланиш ва исроф хатога бошлайди. Шундан эҳтиёт бўл*», – деб огоҳлантирганлар (Имом Бухорий ривояти).

Отинойилар аёллар ўртасида учраётган муаммолар, айниқса, ўз жонига қасд қилиш, гиёҳхандлик ва тузалмас касалликларга мубтало бўлишнинг олдини олиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларда фаол қатнашишлари мақсадга мувофиқдир.

Инсонларни динимизнинг эзгу таълимотларига чиройли сўз ва гўзал насиҳат билан чорлаш тавсия этилади. Қуръони каримда: «(Эй Мухаммад,) **Раббингиз йўли (дини)га ҳикмат ва чиройли насиҳат билан даъват қилинг! Улар билан энг гўзал услубда мунозара қилинг!..**» (*Наҳл, 125*), дейилган. Қуръони карим оятлари кишиларни тўғри йўлга панду насиҳат ила чақирган.

Одамнинг кучи ва бардоши етмайдиган нарсаларга ундамаган. Отинойилар мана шунга алоҳида эътибор қаратишлари жуда зарур.

Аҳоли орасида маънавий-маърифий тарғибот ишларини олиб боришда маҳаллалардаги диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг алоҳида ўрни бор. Бугунги отинойилар ана шу маслаҳатчилар билан ҳамжиҳатликда фаолият олиб боришлари керак.

Ёшларимизни, айниқса, қиз болаларни соғлом руҳда тарбиялаш ва уларнинг замонавий билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, ҳаётда муносиб ўрнини топишига кўмаклашиш, шунингдек, урф-одат ҳамда диний маросимларни давр талаблари билан уйғунлаштириш маҳалла маслаҳатчилари ва отинойилар олдида турган энг муҳим вазифадир.

Ҳозирги кунда отинойилар фаолиятини тўғри йўналтириш ва улар билан ҳамжиҳатликда ишлаш мақсадида Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятида туман бош имом-хатибларининг хотин-қизлар масалалари бўйича ёрдамчилари фаолият кўрсатмоқда. Улар отинойилар билан бевосита ҳамкорликда ишлашмоқда. Келгусида бошқа ҳудудларда ҳам шундай вазифаларни ташкил этиш айни муддао бўлур эди.

Отинойилар юқорида айтилган талабларга жавоб бера олсалар, турли бидъат ва хурофотлардан халқимиз ва ёшларимиз онгини муҳофаза этсалар, динимизнинг асл моҳиятини тўғри етказиб бера олсалар, мамлакатимиз ривожига катта ҳисса қўшган бўладилар. Энг муҳими, халқ орасида ҳурматли инсонларга айланадилар.

«Ислом нури», 2013, 3-сон.



ҲИДО ЯТ ЙЎЛИГА НАСИҲАТ БИЛАН ЧАҚИРИНГ!

Бугун биз бошимиздан кечираётган нотинч ва таҳликали замонда турли минтақаларда, ён-атрофимизда қарама-қаршилик ва қонли тўқнашувлар тобора кучайиб бораётганини кўриб, кузатиб, беғамлик ва бепарволикка йўл қўймасдан, ҳушёрлик ва уйғоқлик билан яшашни ҳаётнинг ўзи барчамиздан талаб этмоқда.

Ислом КАРИМОВ

2013 йил 31 август куни Тошкентдаги «Шаҳидлар хотираси» хиёбонида уламолар ва жамоатчилик вакиллари билан бўлган суҳбатда Президентимиз бугунги кунда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, олдимизда турган долзарб вазифалар тўғрисида фикр-мулоҳазаларини билдириб, бу борадаги имом-хатибларнинг вазифалари ҳақида алоҳида тўхталдилар.

Давлатимиз раҳбарининг: «Сиз уламолар бошқалардан кўра, халққа динни тўғри тушунтиришингиз, унинг эзгу таълимотларини етказишингиз керак», деган чақириқлари шахсан мени янада жадал ва бор куч билан меҳнат қилишга ундади. Шу муносабат билан қуйидаги муҳим масалаларни баён қилиш ва имом-хатибларга зарур тавсиялар беришни лозим деб топдим.

Лоқайдлик ва бепарволик ёмон иллат

Шу кунларда Миср ва Суриядаги ғалаёнлар оқибагида минглаб беғуноҳ одамлар қурбон бўлаётгани, у ердаги тўс-тўполонларнинг асосий сабаби оқимлар ўртасидаги қарама-қаршиликлар эканини Юртбошимиз алоҳида таъкидладилар. Замонавий салафийлар, жиҳодчилар каби бузғунчи фирқалар «шаҳид», «жиҳод» тушунчаларини ўзларининг ғаразли мақсади йўлида бузиб талқин этаётгани, айрим жохиллар эса ўзини портлатиб, айбсиз кишиларнинг ҳалок бўлишини «жиҳод» ёки «шаҳидлик» дейиши мусулмончиликка мутлақо ётдир.

Чиндан ҳам ўзини портлатиб, инсонлар умрига зомин бўлиш улкан гуноҳдир. Расули акрам (с.а.в.) Вадо ҳажида: *«Эй одамлар, хоҳ ўзингиз ва хоҳ бир-бирларингизнинг қонингизни тўкишингизни Аллоҳ ҳаром қилди...»*, – деганлар.

Бузғунчи гуруҳлар ва баъзи шахслар ўз жонига қасд қилишни шаҳидлик билан қориштириб талқин қиляпти. Шахснинг ўзини ўзи ўлдиришини «шаҳидлик» дейиш катта хатодир.

«Шаҳид» сўзи луғатда гувоҳ ёки кўрган-билгани ҳақида хабар берувчи киши маъноларини ифодалайди. Дин ёки она ватан ҳимояси йўлида жон фидо этган мусулмон ҳам «шаҳид» дейилади. Шунингдек, «шаҳид» Аллоҳ таолонинг сифатларидан бўлиб, «гувоҳлиги ишончли, ҳар доим ҳозир Зот» деган маъноларни англатади.

Кишининг ўзини ўзи ўлдириши, «ўз жонига қасд қилиш», деб баҳоланади. Шариат нуқтаи назаридан бу иш қаттиқ қораланади. – Аллоҳ таоло огоҳлантиради: *«...ўз қўлларингиз билан ўзларингизни ҳалокатга ташламангиз!..»* (Бақара, 195). *«Кимдаким қасддан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннамда абадий қолишдир. Яна унга Аллоҳ ғазаб қилгай, лаънатлагай ва унга улкан азобни тайёрлаб қўйгай»* (Нисо, 93).

Ақоидга кўра, тақиқланган гуноҳ ишни ҳалол деб эътиқод қилса ёки фарзлардан бирини инкор этса, кофир бўлиб қолади. Ушбу оятда ноҳақ қатл қилишни ҳалол деган эътиқодда қотиллик қилган киши тўғрисидаги ҳукм баён этилмоқда. Ҳадиси шарифда: *«Қиёмат кунини биринчи савол ноҳақ тўкилган қон тўғрисида бўлур»*, – дейилган (Имом Бухорий ривояти).

Абу Хурайрадан (р.а.) ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбар (с.а.в.): *«Ким тоғдан ташлаб ўзини ўлдирса, у жаҳаннам ўтида мана шундай ҳолатда абадий азобланади. Ким заҳар ичиб, ўзига суиқасд қилса, жаҳаннам ўтида қўлидаги заҳарни ичган ҳолда абадий азобланади. Ким ўзини темир билан ўлдирса, жаҳаннам ўтида темирини қорнига урган ҳолда абадий азобланади»*, – деганлар. (Имом Бухорий ривояти).

Бу мудҳиш ҳолат, айти пайтда, Аллоҳ таолонинг қазои қадарига ҳам исёндр. Инсон ҳаёт неъматини авайлаши, унга хиёнат

қилмаслиги лозим, акс ҳолда энг оғир жиноятга қўл урган, бўйнига катта гуноҳни орттирган бўлади.

Ўзларини портлатиб юбораётган кимсалар икки карра гуноҳи азимга қўл уришяпти, чунки улар бу қабиҳлик билан қанчадан-қанча айбсиз кишиларнинг умрига зомин бўлмоқда. Қуръони каримда: «...**Бирор жонни ўлдирмаган ёки Ерда (бузғунчилик ва қароқчилик каби) фасод ишларни қилмаган инсонни ўлдирган одам худди ҳамма одамларни ўлдирган кабидир...**», – дейилган (Моуда, 32).

Маълумки, Ислом манбаларида: «Ўз жонига қасд қилган кишига уламолар ва масжид имоми бошчилигида жаноза ўқиш дуруст эмас, балки оддий намозхон бошчилигида бу фарзи кифоя адо этилсин», – дейилган. Демак, кўнгли кир кимсаларнинг «тўппа тўғри жаннатга кириш» ҳақидаги ваъдаларига алданиб, худкушликка қўл ураётганлар, аслида ўша бошлиқларининг манфур мақсадлари йўлида итдек ўлим топишдан бошқа нарсага эриша олмайдилар.

Кези келганда, айрим тоифалар иддао қилаётган «жиҳод» сўзининг маъно-мазмунига ҳам тўхталиб ўтсак. «Жиҳод» сўзи луғатда киши ўзининг бор имкониятини ишга солиб, бирор ишни бажаришга ҳаракат қилиши маъносини англатади. Мисол, шаръий масалаларни ечишда бор имконини ишга солиб ҳаракат қилган йирик олимлар мужтаҳид деб аталган. Улар шаръий илмларда «жиҳод» қилишган. Алоҳида таъкидлаб айтиш лозимки, жиҳод сўзи луғатда уруш маъносини англатмайди. Уруш бошқа сўзлар билан ифода этилади. Асосан, уруш маъносини англатиш учун араб тилида «қитол» сўзи ишлатилади. «Жиҳод» сўзининг луғатдаги хусусиятидан келиб чиқиб, унинг турлари ҳам кўпайган ва улар орасида босқинчиларга қарши жон-жаҳди билан жанг қилиш ҳам жиҳод дейилган. Ушбу охирги маъно бошқаларидан устун келиб, кейинчалик «жиҳод» деганда айрим гўр кимсалар фақат урушни тушунадиган бўлиб қолишди.

Бир ҳадиси шарифда Пайғамбар (с.а.в.): «*Жиҳоднинг энг афзали-кишининг ўз нафси ва ҳавосига қарши курашмоғидир*», – деганлар (Ибн Можа ривояти).

Ҳозир эса бузғунчи тоифалар ўзлари илгари сураётган ёвуз мақсадга эришиш учун янги «жиҳод» турларини ўйлаб топишган.

Улар «жиход – муқаддас уруш» деган тушунчани тарғиб қилиб, айбсиз одамларнинг ноҳақ қони тўкилишига сабабчи бўлишмоқда. Бунга дунёнинг турли нуқталарида «жиход» ёки «шаҳидлик» ниқоби остидаги қўпоровчиликлар мисол бўлади. Айниқса, Афғонистон, Покистон, Сурия ва Ироқ давлатларидаги худкушлик оқибатида бегуноҳ кишилар ва ёш болаларнинг ҳалок бўлиши жуда ачинарли ҳолдир. Яқинда Догистонда имомнинг ҳаётига суиқасд уюштирилгани ва Сурия, Ироқдаги Аллоҳнинг уйи бўлган масжидларда қўпоровчилик содир этилганини, Суриядаги бир хунрезлик оқибатида 20 дан зиёд бегуноҳ гўдаклар ҳаётдан кўз юмгани жуда оғир мусибат эканини ифодалашга сўз ожиз.

Шу ўринда машҳур олим, марҳум Муҳаммад Саид Рамазон Бутийнинг қуйидаги сўзларини келтириш лозим: «Улар бир вақтнинг ўзида бирор айби йўқ мусулмонларни кечаси бўғизлаб кетишни «шариат рухсат берган иш», дейдилар. Улар оддий йўловчилар тўла самолётни ичидаги айбсиз инсонлар билан қўшиб портлатиб юборишни ҳам «шариатда бор иш» дейдилар. Ҳар ким кўзларини юмиб, Расулуллоҳ (с.а.в.) бугун орамизда юрибдилар, деб ҳаёл қилсин. Ул зот шундай разил ишларга рози бўлармидилар?»

Муборак Ислом динида бегуноҳ инсон қонини тўкиш бузғунчиликнинг энг улкан кўриниши ҳисобланади. Динимиз ҳатто чумолига озор беришдан ҳам қайтаради. Бундай ваҳшийликни қилаётганлар динга эътиқод қўйгани ҳақида қанча лоф урмасин, қилган ёвузликлари бу даъволарининг сохта эканини фош этмоқда.

Имом-хатибларнинг долзарб вазифалари

«Шаҳидлар хотираси» жиёбонида Юртбошимиз динни тўғри тушунтириш, унинг эзгу таълимотларини халққа етказиш бошқалардан кўра, уламолар ва имом-хатибларнинг асосий вазифаси эканини қайта-қайта такрорладилар. Бу гаплари Қуръони каримдаги «(Эй Муҳаммад,) **Раббингиз йўли** (дини)га **ҳикмат ва чиройли насиҳат билан даъват қилинг!** Улар билан энг **гўзал услубда мунозара қилинг!..»** (Наҳл, 125) мазмунли ояти каримага мувофиқ келади. Шунингдек, Муҳаммаднинг (а.с.): «*Уламолар пайғамбарларнинг меросхўрларидир*», – деган

ҳадисларига мос, пайғамбарлар Аллоҳ таолонинг динини халққа етказувчи эканидан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, уламолар дин тарғиботчиларидир. Ҳақиқатан, дин ва шарият ҳақида гапириш уламолар ва имом-хатибларнинг ҳақи бўлса, бошқа томондан, уларнинг бурчи ҳамдир. Шу нуқтаи назардан, имом-хатибларга қуйидаги вазифаларни адо этиш тавсия қилинади:

– Имом-хатиб жума мавъизасида дунёнинг турли минтақаларида, хусусан, араб мамлакатларида бўлаётган ғалаёнлар ва бундай фитналарнинг ортида қандай ғаразли кучлар турганини, қонли тўқнашувлар қайси юртда бўлмасин, Ислом таълимотига бутунлай зид эканини мўмин-мусулмонларга етказиши зарур.

– «Бу тўс-тўполонлар бизнинг ҳудудимиздан четда, бизга даҳли йўқ», деб лоқайд қараш, бепарво бўлиб юриш асло ярамайди. Бундай бало бир мамлакат ёки минтақа доирасида чегараланиб қолмайди, вақтида бартараф этилмаса, тобора кучайиб, бошқа мамлакат ва минтақаларга ҳам ёйилиши мумкин. Шунинг учун ҳамиша огоҳ бўлиш, осойишта ҳаётнинг қадрига етиш учун ҳар бир инсон тинчликка ўз ҳиссасини қўшиши зарурлигини кенг халқ оммасига уқтириш даркор.

– Яқин Шарқдаги ур-йиқитлар кеча пайдо бўлгани йўқ, балки асрлар давомида илдириб отиб ётганини, бунинг асосий сабаби турли бузғунчи оқимлар ўртасидаги низо ва қарама-қаршилиқлар ҳамда четдаги разил кучларнинг фитнаси эканини халққа етказиш зарур.

– Имом-хатиб кишиларнинг юксак фазилатлар билан зийнатланишларида асосий кўмакчи ва холис хизматчидир. Шунинг учун, дунёда одоб-ахлоқ асосларига болта ураётган «оммавий маданият» ниқоби остидаги иллатлар тобора кенг тарқалиб бораётган бир вазиятда, аждодлар қолдирган маънавий мерос асосида ёшларни доимо огоҳликка чорлаб туриш лозим.

– Имом-этиқоди бақувват инсонгина турли қутқуларга учмайди, тўғри йўлдан адашмайди. Халқ пешвоси бўлган имом-хатибларни халқимиз этиқоди мустаҳкамлиги йўлида янада фаоллик кўрсатишлари замон талабидир;

– Барча имом-хатиблар пуч даъволарга ишониб ўзини ўзи ўлдиришни ва «шаҳидлик» деб залолат ботқоғига ботиш жуда

катта гуноҳ эканини оят ва ҳадислардан далил келтириб, исботлаб мусулмонларга тушунтиришлари лозим. Бундай мудҳиш ишлар Аллоҳ таолога кўфрони неъмат эканини батафсил изоҳлашлари шарт.

– Имом-домлаларимиз жамоатчилик орасида тинчлик неъматини ҳақида фақат одатий, қуруқ сўзларни такрорлайвермасдан, баъзи давлатларда юз бераётган нотинчликлар, у ерларда минглаб бегуноҳ кишилар ва болалар қурбон бўлаётгани, миллионлаб инсонлар ўзга юртларда сарсон кезишга мажбур бўлаётганини айтиб, жонли мисоллар орқали кишиларни огоҳликка чақирсинлар, шу йўл билан осойишталикнинг қадри нечоғлик улуғ экани ва бу неъматни кўз-қорачиғидай асрашга ҳар бир фуқаро масъул эканини аниқлашсинлар.

Ватанимиздаги барқарорликни кўра олмайдиганлар ҳали ҳануз қинғирликларини қилиш ниятидан қайтгани йўқ. Шу сабабли атрофимизда юз бераётган жараёнларга теран ва жиддий назар солиш зарур. Ғараз мақсадни ўз вақтида бартараф этилса, хунрезликнинг олди олинади.

Зеро, тинчлик-осойишталик бор жойдагина одамлар ҳаловат топади, хотиржам яшайди, келажакка ишонч бўлади. Тараққиёт ҳам, обод турмуш ҳам осуда ҳаёт асосида бунёд этилади.

«Ислом нури», 2013, 17-сон.



Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

Каримов И.А. *Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда.* –Т.: Ўзбекистон 1999.

Каримов И.А. *Озод ва обод ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз.* – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 528 б.

Каримов И.А. *Миллий истиқлол мафкураси. Халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир.* –Т.: Ўзбекистон, 2000.

Каримов И.А. *Ватан равнақи учун ҳаммамиз масъулмиз.* Т. 9. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 432 б.

Каримов И.А. *Мақсадимиз тинчлик-осойишталик ва бунёдкорлик.* // Халқ сўзи, 2001. 27 сентябрь.

Каримов И.А. *Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак.* – Т.: «Ўзбекистон», 2002.

Каримов И.А. *Юксак маънавият – енгилмас куч.* – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.

Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. – 617 б.

Абдулқодир Солиҳ. *Ал-ақоид вал-адян.* –Байрут: «Дар ал-маърифат», 2006.

Абулхасан Али Ҳусний. *Қодиёний ва қодиёнийлик: тадқиқот ва таҳлил.* – Жидда: «Ад-дор ас-саудийя», 1983.

Абу Муҳаммад Абдулқодир ибн Аби-л-Вафо Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Қураший ал-Мисрий. *Ал-Жавоҳир ал-мудиа фи табақот ал-ҳанафия / Абдулфаттоҳ Муҳаммад ал-Ҳалв таҳрири остида.* 5 жилдли – Ҳижр ли-т-тибоат ва-н-нашр ва-т-тавзи ва-л-илон, 1993.

Абу Мутиъ Макҳул ан-Насафий. *Бидъатчи, адашган ва адаштирувчи фирқаларга раддиялар китоби.* Таржима ва изоҳлар

муаллифи: А. Муҳиддинов. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2012.

Абдуллоҳ Сомирой. *Қодиёнийлик ва англиз истилоси*. – Байрут: «Ал-марказ ал-арабий лит-тибаға ван-нашр», 1997.

Абу Айба Ҳасан ибн Абду-л-Муҳсин. *Ар-Равдату-л-баҳия фима байна-л-ашғария вал-мотуридия* / Али Фарид Даҳруж нашрга тайёрлаган. – Байрут: Дор сабийли-л-иршод, 1996. – 204 б.

Алиев Жамшид. *Зулмат гирдоби*. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009.

Атаев М.Р. *Маждуддин ал-Уструшанийнинг Мовароуннаҳр фикҳ илми тарихида тутган ўрни*. Тар. фан. номз. ... дис. – Т.: ТИУ, 2011. – 215 б.

Атаев М.Р. *Ислом манбалари жаҳолатга қарши*. Шарқшунослар анжумани маърузалар тўплами. – № 3. – Т.: ТошДШИ, 2010. – Б. 144-150.

Ал-Бағдодий. А. *Ал-Фарқ байн-ал-фирақ*. – Байрут: Дорул-маърифа, 1986.

Ал-Мавсуъат ал-муяссара фил адян вал мазоҳиб вал аҳзоб ал-муосира. // Ишроф ва тахтит ва мурожаат доктор Мони ибн Ҳаммод ал-Жуханий. 5-нашр. 1–2-жилд. – Риёд: «Дор ан-надва ал-оламия», 2003.

Ал-Фаҳрий А. *Талхис ал-баён фий фирақи аҳлил-адён*. – М.: 1988.

Аш-Шаҳристоний. А. *Ал-милал ва-н-ниҳал*. – Қоҳира: 1961, 2 жилд.

Абу-л-Фатҳ Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Ҳусайн ал-Уструшаний. *Китоб ал-фусул*. – Тошкент. – ЎзРФАШИ. – Қўлёзмалар асосий фонди. – Қўлёзма. № 3245.

Али ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ. *«Китобу талхис ал-баён фи зикри аҳлил-адён»*. Нашрга тайёрловчи С. Прозоров. – Масква: 1988.

Атиф Шукрий Абу Авд. *Аз-зандақа ва аз-занадиқ*. – Уммон. Дор ал-фикр Уммон. 1938.

Аҳмад Абдулқодир Шозилий. *Ҳаракот ал-ғулув ват-татарруф фил-ислом* (Исломда чуқур кетиш ва муҳолифлик ҳаракатлари). – Қоҳир. «Ад-дор ал-мисрия лил-китоб» нашриёти.

Бабаджанов Б.М. *Кокандское ханство: власть, политика, религия*. –Ташкент; Токио. Yangi nashr, 2010.

Бахаи или бабиды // Малый энциклопедический словарь Брокгауза и Ефрона: В 4 томах. – СПб., 1907–1909.

Бехаизм / Оксфордская Иллюстрированная Энциклопедия Всемирная история (с 1800 г. и до наших дней).

Бутий, Мухаммад Саид Рамазон. *Ал-ламазхабия: ахтару бидъа таҳдид аш-шариати ал-исламия*. – Дамашқ: «Дор ал-Фарабий», 2005.

Ваҳба ибн Мустафо аз-Зухайлий. *Тафсирул мунир*. – Дамашқ: «Дар ал-фикр», 1998.

Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида (янги таҳрири). Ўзбекистон Республикасининг қонуни. – Т.: Адолат, 1998.

Грицанов А. А. *Бахай* // Новейший философский словарь / Сост. А.А. Грицанов. – Мн.: Изд. В.М. Скакун, 1998. – 896 с.

Доктор Аш-Шакъа М. *Ислом била мазоҳиб*. – Миср, 1991.

Жўзжоний А.Ш. *Ислом ҳуқуқшунослиги ва ҳанафий мазҳаби тараққиётида Ўрта Осиё фақиҳларининг ўрни*. Тар. фан. докт. ... дис. – Т.: ТИУ, 2005. – 268 б.

Жўраев Ш. *Бузғунчи даъватчилар*. –Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010.

Закурлаев А. *Ғоялар кураши*. –Т.: «Мовароуннаҳр», 2000.

Закурлаев А. *Ўзбекистон ривожига таҳдид солаётган ғайриқонуний диний оқим ва террорчилик ташкилотлари*. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ босмаҳонаси, 2010.

Зиёдов Ш. *Ал-Мотуридий ҳаёти ва мероси*. – Т.: «Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси» нашриёти, 2000.

Зиёдов Ш. *Абу Мансур Мотуридий ва унинг «Китоб ат-таъвилот» асари*. – Т.: «Фан», 2010.

Ибн Қутлубғо. *Тож ат-тарожим*. – Байрут: Дор ал-қалам. Нашр йили кўрсатилмаган.

Имом Мухаммад Абу Заҳра. *Абу Ҳанифа*. – Қоҳира: Дор ал-фикр ал-аробий.

Иоаннесян Ю. А. *Бахаи религия* // Православная Энциклопедия / Ред. Святейший Патриарх Московский и всея Руси Алексей II. – М.: Церковно-научный центр «Православная Энциклопедия», 2002. -Т. 4. -752 с.

Ислом энциклопедия. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2004. – 320 б.

Йўлдош Парда. *Халқаро террорчилар найранги*. // Хуррият, 1999. 17 ва 23 ноябрь.

Комилов К., Ҳасанбоев Ў., Ҳошимов Н. *Диний экстремизм ва халқаро терроризм – жамият тараққиётига таҳдид*. (Маърифий-услубий қўлланма). –Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009.

Мадкур Р.М. *Ат-Такфир вал-ҳижра: важҳан лил-важҳ*. –Қоҳира, 1985.

Маннанов А.М. *Рошанийская литература* (Источники и проблемы реконструкции). – Ташкент: Издательство «Фан» Академии наук Республики Узбекистан. – 2006. – 346 с.

Мансуров А., Шокир Б. *Мусулмончиликдан илк сабоқлар*. –Т.: «Мовароуннахр» нашриёти, 1992.

Матибоев Т., Матибоева Р. *Жаҳолат хуружи*. –Т.: «Akademnashr», 2013. – 104 б.

Мелиқўзиев Ж. *Ҳалокат тузоғи*. –Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010.

Мец А. *Мусулманский Ренессанс*. – М.: Наука, 1966. -458 с.

Муминов А.К. *Роль и место ханафитских ‘улама’ в жизни городов Центрального Мавараннахра (II-VII/VIII-XIII в)*. Дис. ... докт. ист. наук. – Т.: ТИУ, 2003. – 304 с.

Мустафо ибн Абдуллоҳ Ҳожи Халифа. *Кашф аз-зунун ан асом ал-кутуб ва-ал-фунун*. 2 жилдди. – Байрут. Дор ал-фикр, 1402–1982.

Муҳаммад Абдулхай ал-Ҳиндий ал-Лакнавий. *Ал-Фавоид ал-баҳия фи тарожим ал-ҳанафия*. – Байрут: Дор ал-марифа, 1972. – 632 б.

Муҳаммад Абдуссаттор ат-Тунисий. *Бутлону ақоиди-ш-шиа. Покистон*. (Нашр йили кўрсатилмаган).

Надавий. *Бузғунчи ҳаракатларга чизгилар*. –Кувайт: «Дор ал-баён».

Оқилов С. *Мотуридия таълимотида «имон» масаласи: «мўмин» тушунчасининг талқини // Фан ва инновация фаолиятини ривожлантиришда ёшларнинг роли*. – Т.: 2010.

Раманд А. *Жамаат ат-Такфир фи Миср*. –Қоҳира, 1995.

Сагдиев Ҳ. *Аҳли Сунна вал Жамоа эътиқодида «жиҳод» тушунчасининг талқини (экстремистик оқимларга раiddия)*. Имом ал-Бухорий сабоқлари. 1/2013. – Б. 54-56.

Салоҳ Абу ас-Сауд. *Ал-Маржаъ ал-комил фи-л-фирақ ва-л-жамаат ва-л-мазоҳиб ал-исламия*. Миср, «Мактабат ан-нафиза», 2005.

Салоҳиддин Тошкандий. *Темурнома: Амир Темур Кўрагон жангномаси*. Нашрга тайёрловчи П.Равшанов. – Т.: Чўлпон, 1991.

Сафо Забиҳулло. *Улуми тарихи исломий тамаддуни дар ақлий (Ислом маданиятида ақлий фанлар тарихи)*. Ж.1. –Техрон: Амири Кабир, Сипеҳр матбааси.

Сўфи Оллоёр. *Сабот ул-оҷизин*. – Т.: «Меҳнат» нашриёти, 1991.

Терроризмга қарши кураш тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2004. 5-сон.

Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги Шанхай конвенциясини ратификация қилиш ҳақида. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қарори. // Ўзбекистон Республикасининг Қонун ҳужжатлари тўплами, 2001. 17-сон.

Тўйчибоев А. *Исломга ёт жамоа*. –Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010.

Убайдуллаев У. *Халқаро терроризм: тарихи ва замонавий муаммолари*. –Т.: Академия, 2002.

Шайх Абдулазиз Мансур. *Ақоид матнлари*. –Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2006.

Шайх Абдулазиз Мансур. *Худолик даъво қилган бандалар*. Ислон нури. –Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2013 йил 18-сон.

Шермуҳаммедов К. *Жаҳолат тўри*. –Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010.

Шаҳобиддин Аҳмад ибн Абдулваҳҳоб ан-Нувайрий. *Ниҳоят ал-араб фи фунун ал-адаб*. Нашрга тайёрловчи Муҳаммад Жобир Абдулолий ас-Суҳайний. 1404-1984.

Хайруддин аз-Зириклий. *Ал-Аълом қомус тарожим ли-ш-шухур ар-рижол ва-н-нисо мин ал-араб вал-мустанибин вал-мустанриқин*. 10 жилдди. – Қоҳира: Дор ал-илм ли-л-малайин, 1998.

Эҳсон Илоҳий Зоҳид. *Аш-Шиа вас-Сунна*. Саудия Арабистони.

Юсуф Қарзовий. *Фатавои муъасира ҳудал ислам*. – Қоҳира. «Дор ал-қалам ли-н-нашр ва-т-тавзиъ», 1998.

Ўзбекистон миллий энциклопедияси. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, I-жилд. 2000 йил.

Adesoji, Abimbola. Africa Spectrum №45 (pdf). *The Boko Haram Uprising and Islamic Revivalism in Nigeria*. GIGA German Institute of Global and Area Studies, Institute of African Affairs in co-operation with the Dag Hammarskjöld Foundation Uppsala and Hamburg University Press (9 December 2011).

A. Yu. Yakubovskiy, Vosstan iye Mukanni – Dviženiye L'udey v. belikh odeždakh, in Sov. Vostok, v (1948).

B. Spuler, Iran in früh-islamischer Zeit, Wiesbaden 1952.

Bernand M. *Le Kitob al-Radd ala-l-Bida'd'Abi Muco Makhul al-Nasafi* // Annales Islamologiques. –Т. XVI. – Cairo: Institut Français d'Archmologie orientale, 1980. H. Laoust, Les schisms dans L'Islam, Paris 1965.

E.L. Daniel, *The political and social history of Khurasan under Abbasid rule 747-820*, Minneapolis and Chicago 1979.

Encyclopedia of Religion / Lindsay Jones. – USA: Thomson Gale, 2005. – Т.2.

Dr. M. Jawad Mashkour. *Dictionary of Islamic Sects*. (with an introduction by Professor Kazem Modir – Shanehchi). The Islamic Research Foundation Astan Quds Razavi. Mashhad – Iran, 1989.

Gh. H. Sadighi, *Les mouvements religieux iraniens aux II et III siècles de l'hégire*, Paris 1938.

Marius Deeb. *Syria's Terrorist War on Lebanon and the Peace Process*. – Palgrave Macmillan, 2003. – 288 p.

Moscatti S. *Studi storici sul califato di al-Mahdī*, in *Orientalia*, N.S., xiv (1945).

Muminov A. *Religionsgelehrte ('ulama') in Mittelasien: die Hanafiten (8. –13. Jh.)* // Istanbul: Istanbul Almanach, IV/2000.

Shaul Mishal, Avraham Sela. *The Palestinian Hamas: Vision, Violence, and Coexistence*. – Columbia University Press, 2000. – 244 p

Shaul Shay. «*The Shahids: Islam and Suicide Attacks*» (New Brunswick: Transaction Publishers, 2004).

Stockman Robert. *The Baha'i Faith and Syncretism // A Resource Guide for the Scholarly Study of the Bahá'í Faith*. 1997.

Tavit Tancî M. *Abu Mansur al-Maturîdî* // Ankara Üniversitesi İlahiyat Fakültesi Dergisi. IV жылдди. – Ankara: 1955.

Van Ess J. *The Logical Structure of Islamic Theology // Logic in Classical Culture / Edited by G.E. von Grunebaum*. – Wiesbaden: Otto Harrossowitz, 1970.

Yazicioglu M. S. *Maturidi kelam ekolu'nun iki buyuk simasi: Ebu Mansur Maturidi ve Ebu'l – Mu'in Nesefi* // Ankara universitesi basimevi. –Ankara: 1985.



ТАҚРИЗЛАР

Маълумки, ақидапарастлик деярли барча диний эътиқодларда мавжуддир. Пайғамбаримиз ҳадисларига кўра яҳудийларда 71, насронийларда 72 фирқа бўлгани каби исломда улар 73 та бўлажаги башорат қилинган. Бу ерда рақамлар, албатта, рамзий маънога эга, аммо ҳарқалай, балки ислом охириги дин бўлгани учунми, унда турфа оқимлар бошқаларга қараганда ҳам кўп бўлиши таъкидланаяпти.

Айдарбек Тулепов «Ислом ва ақидапараст оқимлар» номли рисоласида Пайғамбаримиз (а.с.) вафотидан сўнг VII асрнинг иккинчи ярмидан X асргача ислом дунёсида жиддий ғоявий ихтилофлар юз берганини объектив ҳол сифатида баҳолайди. Ислом таълимоти ривожланди, жуда катта ҳудуд шароитлари, у ерларда яшаган инсонларнинг одатлари ва анъаналарини ўзига қамраб олди.

Дарвоқе, классик илоҳий-шаръий тафаккур тўрт сунний мазҳабни шаръий деб баҳолаб, бундай турфаликни муносиб тақдирлади. Биринчи навбатда бундай толерант-плюралистик ёндашув Куръони карим ва Ҳадиси шариф орқали ўз тасдиғини топди. Куръонда қайта-қайта турли-туманлик Аллоҳнинг яратувчанлик режасига мувофиқ экани таъкидланади. Қолаверса, турфаликнинг ижобий аҳамияти Пайғамбаримизнинг ушбу ажойиб ҳадисларида ўз ифодасини топган: «*Ихтилофу умматий раҳматун*», яъни «*Умматим орасидаги турли-туманлик Аллоҳнинг марҳаматидир*».

Биз ҳозир глобаллашув, ғоялар кураши ўта фаоллашган, баъзи экстремистик кучлар ислом динини ўзларига ниқоб қилиб олиб, ғаразли мақсадларда фойдаланаётган даврда яшамоқдамиз. Бежиз эмаски, Президентимиз Ислом Каримов ўз асарларида ва маърузаларида биринчи навбатдаги вазифа – мусулмонларнинг ўзи ақидапарастликдан халос бўлмоқлари лозимлиги, акс ҳолда

дунёда тинчлик ва барқарорлик бўлмаслиги ҳақида такрор ва такрор таъкидлаб келадилар.

Шуларни ҳисобга олиб, «Диний билими саёз, турли фитна-фасод кўзгайдиган фикрларни, ғояларни содда халқ онгига сингдиришга уринаётган чаласавод кимсаларга эргашиб кетмасликлари учун ёшларни тўғри йўлга солиш ва ҳушёрликка чорлаш мақсадида ушбу асарни ёзишга азму қарор қилдим», – дейди муаллиф китобнинг кириш қисмида.

Шунингдек, асарда ислом экстремизмининг ғоявий илдизлари узоқ ўтмишга, ҳатто ислом тарихининг биринчи асрига бориб тақалиши, тақдир тақозоси билан Такийиддин ибн Таймия (1263–1328) унинг биринчи назариётчисига айлангани, унинг ғояларини кейинчалик бир неча диний-сиёсий ҳаракатлар, жумладан, ваҳҳобийлик ва сохта «салафийлар» кенгайтиргани ва Исломда энг радикал таълимотни барпо қилганлари, «Ислом давлатини тузиш» ғоясини ишлаб чиққан «Мусулмон биродарлар» ҳаракатининг раҳбари Ҳасан ал-Банно (1906–1949) ва шу ҳаракатдан етишиб чиққан Саййид Қутб (1906–1966)лар ҳозирги замон ислом экстремизмининг ғоявий асосчиси экани ишонарли тарзда баён этилган.

Айдарбек Тулепов ислом динига доғ тушираётган ҳар бир оқимнинг ақидасини содда-равон сўзлар, уларнинг далиллари билан келтиради. Муаллиф «Аҳли Сунна вал-Жамоа» наздида қандай эканини таъкидлаб, ўқувчини адашмасликка, огоҳликка чорлайди. Биринчи навбатда китоб ана шу хислати билан жуда қимматли ва долзарб. Китобнинг яна бир хислати принципааллик, қатъий мавқеда туриш. Маълумки, ёшларни насронийликка, хусусан, католикликка чорлаш учун Ватиканда «Жаз» ёки ёшларга манзур бўлган замонавий мусиқалар қўйилади. Бундан ярим аср аввал Ҳабиб Бурқибача давлат раҳбари бўлган пайтда Тунисда беш эмас, уч вақт намоз ўқиш тавсия этилган. Бундай ботил, сохта принципсизлик билан, албатта, ислом – имоннинг мустаҳкам лигига эришиб бўлмайди.

Бидъат аҳлидан бўлган тоифалар ҳақида батафсил баён қилиниб, уларнинг иддаолари шарҳлангач, муаллиф ҳақли равишда: «Кимки

Ўткир зехн и билан бу каби фирқалар ҳақида тафаккур қилиб, ушбу китобда ёзилганларга амал қилса, Аҳли Сунна вал-Жамоага таяниб, билдирилган фирқаларга биноан улардан сақланса, унинг тўғри йўл топиши, шунингдек, турли фирқаларга илмсиз ҳолда кириб қолмаслигига умид қиламиз», – деб хулоса қилади. Шу ўринда бир мулоҳаза билдириб ўтишни истардим. Китобда «ихтилоф, низо ва фитна» сўзлари гапнинг уюшиқ бўлаклари сифатида, яъни синоним маънода берилган ва далил этиб «Бақара» сураси 191-оятдаги «фитна» сўзи келтирилган.

Ватанни севиш, ватанпарвар бўлиш хусусида муаллиф Алихонтўра Соғунийнинг ажойиб сўзларини эсга олади. Мен ҳам ўз навбатида мусофирчиликда қолиб кетган ватандошимиз, Айн-Шамс университетининг профессори Насрулло Тирозийнинг 1969 йилда Мисрда тўрт йил хизматдан сўнг Ватанга қайтаётганимда айтган сўзларини келтирмоқчиман. «Бизга нима хизмат бор?» – деган саволимга жавобан у киши: «Сизга биргина хизмат бор: Она ватан ҳузурига бориб, унинг олдида тиз чўкиб, этагидан ўпиб, мен ғарибдан салом етказурсиз». Ўшанда биз бирга тўпланган ёш ватандош ёр-биродарлар учун бу чуқур сабоқ бўлган. Ватаннинг қадрни ғурбатда – мусофирчиликда янада теран билинишини бутун вужудимиз ила ҳис қилдик. Умуман олганда, биз таҳлил қилаётган китоб муаллифи ўз олдида қўйган мақсад ва вазифаларни тўла адо этган. Айдарбек Тулеповнинг «Ислом ва ақидапараст оқимлар» номли янги, тўлдирилган асари долзарб мавзуга бағишланган, замон талабига жавоб берадиган, илмий-назарий ва амалий-татбиқий аҳамиятга эга асар сифатида баҳолаган ҳолда унинг нашр этилиши нафақат Ўзбекистон мусулмонлари идораси фаолияти билан боғлиқ кишилар, балки кенг китобхон аҳли учун ҳам манзур ва манфаатли бўлади, деб ўйлаймиз.

Аҳаджон Ҳасанов

*тарих фанлари доктори,
Тошкент ислом университети
"Тарих" кафедраси профессори*

Эътиқод соғломлиги – халқ бойлиги, ақида тўғрилиги эса – халқ тинчлигидир. Ақида масаласида ёшлар тафаккурини тўғри шакллантириш – ёшлар, қолаверса, бутун жамиятнинг ҳаёти ва келажагини мафқуравий таҳдид таъсиридан сақлаб қолишдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакатимизда Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини нишонлаш маросимида қилган маърузасида: «...*Бутун дунё миқёсида инсон онги ва қалбини эгаллаш учун кураш кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб бир шароитда ёш авлодни...бизга ёт ва бегона бўлган турли бузғунчи ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этаётгани барчамизга яхши аён. ... Бугун замон талаб қилаётган дунёвий билимлар билан бирга, инсон ҳаётининг маъно ва мазмунини англадиган, эзгулик, меҳр-оқибат, бағрикенглик каби фазилатлардан сабоқ берадиган диний билимларни ҳам пухта ўзлаштирган одамгина давримизнинг кескин ва мураккаб саволларига жавоб топа олади. Ҳозирга вақтда дунёнинг узоқ ва яқин ҳудудларида, яқин Шарқ минтақасида юз бераётган қарама-қаршилик ва қонли тўқнашувлар, низо ва зиддиятларнинг туб илдизи ҳам айнан мана шундай кенг билим ва тушунчага эга бўлмаслик, жаҳолат ботқоғига ботиб қолиш, ақидапарастлик ва маҳдудлик билан боғлиқ, десак, янглишмаган бўламиз», – дейдилар.*

Юқорида таъкидланган мақсад асосида Айдарбек Тулепов томонидан таълиф этилган «Ислом ва ақидапараст оқимлар» номли асар ёшлар тафаккурини соғлом ғоялар ва гуманитар ахлоқий қадриятлар асосида, турли хил ёт ақидавий таҳдидларга қарши уйғоқ, сергак, огоҳ ва курашувчан қилиб тарбия қилиш ишига сидқидилдан хизмат қилади. Ёш авлодни ҳар томонлама комил қилиб ўстириш, уларни ахлоқий камол топтириш тарбиянинг бош мақсади саналади. Мазкур китобни айнан ёшларимиз тарбиясига оид муҳим манба ва замонавий ёт ғояларга қарши қурол воситаси сифатида баҳолаш ўринли бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Юксак маънавият – энгилмас куч» асарида: «*Манбаларнинг гувоҳ беришича, Имом ал-Бухорий вафот этган йили, яъни мелодий 870 йили тарихимиздаги яна бир мумтоз сиймо – Имом Мотурудий таваллуд топган экан...*

Имом Мотурудий бобомизнинг ўрта асрлардаги ғоят хатарли ва таҳликали бир вазиятда ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, авлодларга ибрат бўладиган маънавий жасорат намунасини кўрсатиб, ислом оламида «мусулмонларнинг эътиқодини тузатувчи» деган юксак шарафга созовор бўлгани бу нодир шахснинг улкан ақл-заковати ва матонатидан далолат беради», – дейилган.

Демак, Имом Мотуридий ўз ҳаёти давомида ислом эътиқодини нималардандир муҳофаза қилишга, эътиқод масалаларида ақидани «тузатишга» жиддий ҳаракат қилган. Демак, ўша даврларда ақидада «бузилиш» мавжуд бўлган экан-да! Жамиятда нима воқеалар содир бўлганки, ислом ақидасини тузатиш эҳтиёжи вужудга келган?! Ислому эътиқодини қайси гою ва қарашлардан тузатиш зарур бўлган?! Имом Мотуридий қандай амаллар орқали эътиқодимизни «тузатишга» эришган?! Мазкур китобда юқорида таъкидланган саволларнинг барчасига мос ва мутаносиб жавоблар баён қилинган.

Шунингдек, асарда ислом дини тарихида юз берган ақидавий кураш жараёнлари очиқ ва холислик билан рўйи рост ифодаланган. Чунки, энг довурак одам ҳам токи унда қатъий эътиқод йўқ экан, номардга айланиши муқаррар. Соғлом ақидагина инсонни баркамолликка йўналтирувчи омиллардан бўлиб, унинг йўқлиги инсонни кўп нарсадан маҳрум этиши мумкин.

Мазкур китобда таъкидланган тарихий факт ақидавий, яъни ғоявий, мафкуравий кураш ислом дини шаклланишининг илк даврларида кескин тус олганлигидан далолат беради. Ақидани бузилишдан сақлаб қолиш ислом ривожланишида энг зарур эҳтиёжга айланади. Бунинг ягона йўли эса – ақидапарастликнинг яширинган сохта мақсадларини очиқ кўрсатиб берувчи билимларни жамлаб, уларни назарий жиҳатдан умумлаштириб, халқ ичида тарқатишдан иборат қилиб белгиланган. Ўз вақтида мазкур ишни Мотурудий амалга оширган.

Ақидани соф сақлаб қолиш масаласи ўтган даврларда ҳам, ҳозирги замонда ҳам инсон тарбиясининг энг муҳим жабҳаси сифатида ардоқланади. Бироқ таълим тизимининг барча босқичларида, жумладан умум таълим мактаблари, ўрта махсус касб-хунар таълими ва олий таълимнинг барча муассасаларида

турли ақидапараст оқимларнинг сохта ғояларини очиқ таҳлил этиб, кўрсатиб берадиган, мана шу сохталик мазмунини тарихий фактлар асосида ёритиб берадиган ўқув қўлланмасига жуда кучли эҳтиёж мавжудлигини тан олиш даркор. Айдарбек Тулепов томонидан тайёрланган мазкур китоб мана шу мавжуд жуда катта ижтимоий эҳтиёжни қоплаб, ёшларимизни ислом ақидаси ва исломдаги ақидапараст оқимлар борасидаги зарур билимлар билан қуроллантириш вазифасини амалга оширади.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) айтиб ўтганларки, «*Олам тўрт унсурга таянади: бири – олимларнинг билими, иккинчиси – ҳукмдорларнинг адолати, учинчиси – бойларнинг ҳиммати ва охири – оддий фуқароларнинг дуоларидир*».

Шунга кўра, мазкур китоб бир неча асрлар давомида йиғилган ва чиғириқдан ўтказилган ақидага оид билимлар билан ёшлар тафаккурини бойитиш йўлидан боради. Асарда ҳанафий мазҳабининг асосчиси Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит Имоми Аъзам (р.а.)нинг «*Фиқҳи акбар*» китобининг ўзбекча матни келтирилади. Барча ақидавий масалалар чуқур таҳлил қилинади. Бу эса ёшларнинг ўз эътиқодини англаши учун кўмак беради, улар тафаккурида соф ақидавий қонуниятларнинг амал қилишини таъминлайди. Маълум бўлган нарса шуки, мазкур билимлар билан бугунги ёшларни қуроллантирсаккина, ёшлар ўз ақидасига нисбатан масъулиятли, тафаккурли шахсларга айланади.

Соғлом ақидани тарбия қилиш ва ёшлар онгида шакллантиришда уч муҳим омил иш кўради. Булар: – соғлом эътиқод муҳити; иккинчиси – соғлом ақида борасидаги ахборотларнинг етарли эканлиги; ва учинчи омил – соғлом тарбия тизимининг мавжудлиги. Мана шу учликда энг оқсаган йўналиш – соғлом ақида борасидаги ёшларга мос ишланган ахборот, яъни турли оммабоп китоб, ўқув қўлланмалари ва методик ишланмаларнинг тақчиллигидир. Бизда соғлом эътиқод муҳити мавжуд. Бизда соғлом тарбия тизими мавжуд. Бинобарин, Айдарбек Тулеповнинг «*Ислом ва ақидапараст оқимлар*» номли китоби мана шу мавжуд оқсоқликнинг олдини олади, тарбия тизимини зарур методик восита билан бойитади ва таълим-тарбия мазмунини такомиллаштириш ишига хизмат қилади.

Замонамизнинг энг улуғ вазифаси ёшларни фикрлашга ўргатишдир. Ёшлар тафаккурини шакллантиришдаги бош тарбиявий воситалардан бири китоб ҳисобланиб, унинг ёшлар тафаккурини тарбиялашдаги аҳамияти беқиёсдир. Ёш авлод китоб орқали дунё ва унинг мураккаблиklarини англайди. Чунки, эътиқод, маслак, ақида мазмун-моҳияти мутаносиб равишда тўлиқ анланган бўлсагина, тафаккур кучга киради. Тарбия – виждон масаласидир. Ақида тарбияси эса – жамият виждонидир. Таъкидланган асар айнан ақида орқали виждон тарбиясига асос бўлиб хизмат қилади. Чунки, тарбия орқали инсон ва жамият қисмати ҳал этилади.

Амир Темур ўғитларида: «Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр мингни», – деб айтилган. «Ислом ва ақидапараст оқимлар» номли асар мингларнинг тафаккурини шакллантиришга йўналтирилган бўлиб, мана шу минглаб ёшларни кучли қилиш учун ёзилган. Ёшларимизни ислом тарихи бўйича билимли, ақлли ва заковатли қилсаккина, ақида масалаларида ҳам адашмаслик учун уларга йўл очилган бўлади.

Алломалардан бири: «Сизни улуғликка ундайдиган ҳеч бир нарсага эътиборсиз бўлманг», – дейди. Ақида масалалари бугунги даврда бутун жамият, жумладан таълим тизимининг диққати ва эътиборини тақозо этадиган масалалардандир. Айдарбек Тулеповнинг «Ислом ва ақидапараст оқимлар» номли китоби бугунги замон ёшларига эътиқоддаги улуғлик йўлини кўрсатиб бериб, уларни соғлом ақида асосида буюк давлат ва кучли жамият қуришдек улуғ ишга доимий рағбатлантириши шак-шубҳасиздир.

Гулхумор Тўйчиева

филология фанлари номзоди,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг
«Истеъдод» фонди ўқитувчи тренери

Биз бугун глобаллашув асрида яшамоқдамиз. Жаҳонда тинчлик ўрнатишнинг энг муҳим тамойилларидан бири диний бағрикенгликдир. Бу ўз навбатида ҳар бир инсондан ўз эътиқолида мустақкам бўлган ҳолда бошқа динлар, бошқа эътиқод ва анъаналарни ҳам ўрганишни тақозо этади. Ҳозирги кунда кўпчилик ислом динининг ҳақиқий моҳиятини чуқур англаб етмай, унинг асл меҳваридан йироқлашиб кетмоқдалар. Бу эса юртбузар, хиёнаткор, диндан ғаразли мақсадлар йўлида фойдаланадиган кимсаларга жуда қўл келмоқда. Баъзи ҳолларда, таассуфки, ёшлар ва ҳатто кексалар миссионерларнинг домига тушиб, бошқа динга ўтиб кетиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг: *«Муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли хил ғаразли хуруж ва ҳамлалардан, туҳмат ва бўҳтонлардан ҳимоя қилиш, унинг асл моҳиятини униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга тўғри тушунтириш, ислом маданиятининг эзгу ғояларини кенг тарғиб этиш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда»*, – деган фикрларига эътибор қаратиш лозим. Ушбу пурҳикмат сўзлардан мухтасар қилиб қуйидаги тамойилларни хулоса қилиш мумкин:

Биринчидан, муқаддас динимизни пок сақлаш. Динимиз тинчлик ва эзгулик дини, уруш ва зўравонлик дини эмас ва уни асл ҳолида келажак авлодларга етказиш барчанинг бирдек бурчи.

Иккинчидан, уни турли хил ғаразли хуруж ва ҳамлалардан, туҳмат ва бўҳтонлардан ҳимоя қилиш. Аллоҳ таоло бандаларни холисликка, беғаразликка буюради: *«(Эй инсонлар!) Огоҳ бўлингизки, холис дин ёлғиз Аллоҳникидир»* (Зумар, 3). Пайғамбар алайҳиссалом умматларига тарбия бериб: *«Туҳмат сўздан сақланинг, туҳмат сўздан сақланинг, туҳмат сўздан сақланинг»*, – дедилар. Туҳматнинг ҳар қандай кўриниши гуноҳ. Динга туҳмат эса асло кечирилмайдиган гуноҳ. Демак, диндан нохолислик билан ўз мақсадларида фойдаланаётганлар кечирилмас гуноҳга фарқ бўлган кимсалардир.

Ва ниҳоят, учинчидан унинг асл моҳиятини униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга тўғри тушунтириш. Ислом дини эзгулик, маърифат, инсонпарварлик дини экан, буни билмаганларга билдириш керак. Диндан зўравонлик йўлида фойдаланаётганларнинг қилмишлари нотўғри эканини ёшларга тушунтириш керак бўлади. Исломшунос, тадқиқотчи олим Айдарбек Тулеповнинг «Ислом ва ақидапараст оқимлар» номли китоби айнан муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли хил ғаразли хуруж ва ҳамлалардан, тухмат ва бўҳтонлардан ҳимоя қилиш, унинг асл моҳиятини униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга тўғри тушунтириш мақсадида дунёга келган.

Китобнинг аввалги нашри оддий китобхонлар, талабалар ва мутахассислар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинган эди. Ўқувчиларга тақдим қилинаётган янги, тўлдирилган нашрдан ҳам умидимиз катта. Унда 300 дан зиёд турли фирқалар тўғрисида маълумот берилиб, уларнинг айро тушган, исломнинг асл ўзагидан узоқлашган, адашган нуқталари очиқ-ойдин баён этилган. Бу китобда келтирилган маълумотлар кўпчилик, асосан ёшларнинг ўз келажагини тўғри белгилаб олишида ёрдам беради, деб умид билдириб қоламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, муаллифнинг ижодларига барака, ишларида омадлар тилаймиз. Шунингдек, келажакда у кишидан яна янги-янги илмий изланишлар, халқимиз равнақи, юртимиз тинчлиги, ёшларимиз тарбияси учун аҳамиятли тадқиқотлар кутиб қоламиз.

Ҳайдархон Йўлдошхўжаев

*тарих фанлари номзоди,
Тошкент ислом институти ректори*

Инсон онги ва қалби учун кураш кескин тус олаётган бир пайтда диндан ғаразли мақсадларда фойдаланаётган турли оқимлар фаолиятига муносиб баҳо бериш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир.

Ўзбекистон Республикасида дин давлатдан ажратилган. Давлат турли динларга эътиқод қилувчи ёки уларга умуман эътиқод қилмайдиганлар ўртасида ўзаро мурося ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашади, диний мутаассиблик ҳамда экстремизмга, муносабатларни қарама-қарши қўйиш ва кескинлаштиришга, турли конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўймайди, диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб-қувватлайди. Дин давлатдан ажратилган бўлса-да, жамиятдан айри эмас. Зеро, ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган ислом дини билан боғлиқ қадриятлар, анъаналар, урф-одатлар маънавий ҳаётимизда ўзига хос ўрин тутади.

Аммо шуни алоҳида қайд этиш лозимки, айрим фирқалар асрлар давомида муқаддас динимиздан ўзларининг тор манфаатлари йўлида фойдаланганлар. Афсуски, бу каби фирқаларнинг аксарияти тарих саҳнасида чикиб кетганига қарамай, уларнинг сохта ғоялари янгидан пайдо бўлаётган оқимлар томонидан «қайта тирилтирилмоқда». Шу боисдан ҳам фуқароларимизда ғоявий иммунитет ҳосил қилиш мақсадида ислом тарихида мавжуд бўлган бундай фирқаларнинг пуч таълимотларини танқидий ўрганиш мақсадга мувофиқ. Айдарбек Тулеповнинг «Ислом ва ақидапараст оқимлар» китоби ҳам айнан шу мақсадларни кўзлаб таълиф этилган. Мазкур китобнинг тўлдирилган нашрида соҳага оид янада янгиланган маълумотлар, тадқиқот натижалари ва умумлашмалар ўрин олган.

Айдарбек Тулеповнинг «Ислом ва ақидапараст оқимлар» китобининг тўлдирилган нашри олдингисидан бирмунча фарқ қилади. Агар олдинги нашрда ислом ниқобидаги 200 га яқин оқимлар ҳақида сўз борган бўлса, янги нашрда эса 300 дан ортиқ оқим ҳақида фикр юритилади. Шу билан бирга биринчи нашрда қайд қилинган оқимлар ҳақида келтирилган

маълумотлар ҳам янги китобда тўлдирилган. Ақидага оид матнлар янги нашрда бойитилган. Чунончи, Абу Жаъфар Аҳмад ибн Муҳаммад Таҳовий (238/858 – 321/933 й.), Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад Насафий (ваф. 537/1143 й.), Сирожиддин ал-Ўший ал-Фарғоний (ваф. 569/1173 й.)ларнинг ақидага оид матнлари китобга киритилгани китобнинг қийматини янада ортишига хизмат қилган. Зеро, тадқиқотчи ёки оддий китобхон ҳам, мазҳабимиз уламоларининг ақидага оид қарашлари билан бир жойда жамланган ҳолда танишиш имкониятига эга бўлади. Олдинги нашрдан фарқли ўлароқ ўқувчига маълумот топиш жараёнини янада қулайлаштириш мақсадида «Изоҳталаб исм ва сўзлар мундарижаси», «Фирқаларнинг алфавит тартибидаги мундарижаси» киритилган. Шу билан бирга матноти изоҳлар ҳам кўпайтирилгани ўқувчида матн билан танишиш асносида махсус истилоҳлар, нотаниш тушунчалар ҳақида аниқ тасаввур пайдо бўлишига ёрдам беради. Бу нашрнинг афзалликларидан яна бири – ҳар бир оқимга нисбатан мазҳабимиз уламолари томонидан асосли раддиялар келтирилганидир. Масалан, муқаннаия оқими ва Муқанна шахсиятининг ўзига нисбатан ўзбек тилидаги мавжуд адабиётларда учрайдиган муносабатдан бирмунча фарқли бўлиб, муаллиф форс, араб, инглиз ва рус тилларидаги манбалар асосида ҳаққоний тарихий жараённи кўрсатиб беришга ҳаракат қилган.

Замонавий оқимлар бўйича келтирилган маълумотлар ҳам уларнинг янги қирраларини очиб бериши билан қимматлидир. Мазкур бўлимда муаллиф оқимларни хронологик тартибда жойлаштириб, биринчи нашрда ёзилган бобия, баҳоия ва равшания оқимлари ҳақидаги маълумотларни бойитиб, уларнинг ботил эътиқодлари соф ислом ақидасидан анча йироқлигини манбалар асосида таҳлил қилиб, исботлаб бера олган. Шунингдек, «Ҳизб ат-Таҳрир» оқимининг китоблари ҳам изчил таҳлил қилинган ва унга ҳам чуқур асосланган раддиялар берилган. Берилган раддиялар намунасида турли фирқаларнинг ислом динининг муқаддас манбалари – Қуръон ва ҳадислардан усталик билан фойдаланиб, етарли билимга эга бўлмаган ёшларни ўз домига тортишда қўллаётган манфур услублари китобда далиллар билан очиб берилган. Китобнинг тили раво ва маълумотлар оддий ўқувчига ҳам тушунарли услубда баён қилинган.

Айдарбек Тулеповнинг «Ислом ва ақидапараст оқимлар» китобининг тўлдирилган нашри ҳозирги кунда Ўзбекистонда оқимлар ҳақида яратилган кенг қамровли китоб сифатида ғоятда аҳамиятлидир. Унда жамланган маълумотлар ҳар бир ўқувчини огоҳ бўлиб яшашга ундаб, муқаддас ислом дини ҳақида бир ёқлама сохта тасаввурлар пайдо бўлишидан сақлашга, ақидапарастлик ва мутаассибликнинг вайронкор жиҳатларини теранроқ англаб етишга хизмат қилади.

Иброҳимжон Усмонов

*тарих фанлари номзоди, доцент,
Тошкент ислом университети
Исломишунослик илмий-тадқиқот
маркази директори*

Ўзбекистон Республикаси ўзига хос тараққиёт ва мустақиллик йўлини босиб ўтди. Аммо бу йўл ғоят мураккаб ва масъулиятли, машаққатли ва бир текис бўлмаган ривожланиш босқичларидан иборат бўлди. XX аср охири ва XXI аср боши турли маънавий, мафкуравий, ғоявий ва иқтисодий-молиявий таҳдидларга бой эканлигини намоён қилди. Ўзбекистонда ўз саъй-ҳаракатларини бошлаган турли диний ақидапараст оқимлар халқни танланган демократик жамият қуриш йўлидан оғдиришга, ҳуқуқий давлат асосларини бузиш ва давлат ҳокимиятини қўлга киритиш орқали миллий давлатчилик асосларини қўпоришга ҳамон ҳаракат қилмоқдалар.

Бу борада муҳтарам юртбошимиз Ислом Каримовнинг қуйидаги фикрлари ислом ақидасига боғлиқ муаммоларни ўйлаш, мулоҳаза қилишга мажбур этади: *«Диний экстремизм ва фундаментализм бизнинг минтақамиз учун туғдириши мумкин бўлган хавф-хатарларни бевосита таҳлил қилишга киришишдан олдин эътиборни одамларнинг диний эътиқодлари билан боғлиқ ҳар қандай муаммо ғоят нозик эканлигига, уларнинг диний, маънавий қадриятлари билан шиорлардан, хусусан, исломни қайта тиклаш шиоридан фойдаланаётган муайян кучлар кўзлаётган, динга алоқаси бўлмаган сиёсий ва бошқа тажовузкор мақсадлар ўртасидаги фарқни тушуниб олишларига эришиш зарурлигига қаратишни истардим».*

Мустақиллик халқ ва миллат озодлиги ва эркини таъминловчи неъмат бўлиб, уни сақлаб қолиш ва истиқболини таъминлаш бутун жамият ва ҳар бир фуқаро зиммасидаги муқаддас бурчдир. Мана шундай масъулиятли бурчни тўла-тўқис адо этиш учун энг аввало ғоявий ва мафкуравий жиҳатдан огоҳ бўлиб, ислом дини ниқобидаги ақидапараст оқимлар моҳиятини тўғри баҳолаш зарур. Бунинг учун эса халқимиз тафаккурини соф диний ақидалар билан куроллангиришимиз лозим.

Бу борада муҳтарам Юртбошимиз «Юксак маънавият – энгилмас куч» асарида таъкидлаганларидек: *«Таассуфки, баъзан ислом дини ва диний ақидапарастлик тушунчаларини бир-биридан фарқлай олмаслик ёки ғаразли мақсадда уларни тенг қўйиш каби ҳолатлар ҳам кўзга ташланмоқда. Шу билан бирга, ислом динини ниқоб*

қилиб, манфур ишларни амалга ошираётган мутаассиб кучлар ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз, ғўр ёшларни ўз тузоғига илантириб, бош-қўзини айлантириб, улардан ўзининг нопок мақсадлари йўлида фойдаланмоқда. Бундай ножўя ҳаракатлар аввало муқаддас динимизнинг шаънига доғ бўлишини, охир-оқибатда эса маънавий ҳаётимизга салбий таъсир кўрсатишини барчамиз чуқур англаб олишимиз ва шундан хулоса чиқаришимиз зарур».

Муаллиф Айдарбек Тулеповнинг «Ислом ва ақидапараст оқимлар» китоби ҳам мана шу савобли мақсадга йўналтирилган бўлиб, ўз олдига қўйилган илмий мақсадларни тўла ва холисона ҳал этиб берган. Китобда тарихий ақидапараст тоифалар ва улардан ажралиб чиққан фирқалар таҳлили, замонавий мутаассиб оқимлар кирдикорлари аниқ ва лўнда таҳлил остига олинган. Асарнинг бошланишида ислом динидаги ақидавий ва фикҳий мазҳаблар ёритилганлиги ўқувчида ақидапараст оқимларнинг сохта даъволарининг умуман Исломнинг соф ақидасига мутлақо тўғри келмаслигини тезда англаб олиш имконини беради. Бу эса муаллифнинг мазкур китобни таълиф этишдан кўзлаган энг асосий мақсадидир. Шунга кўра, китоб жуда долзарб муаммонинг ҳал этилишига бағишланган бўлиб, соҳада тўғри ва ислом ақидаларига мутаносиб қарашларнинг жорий бўлишига хизмат қилади.

Муаллиф «Ислом ва ақидапараст оқимлар» асарини ёзишда араб, форс, инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги мазкур мавзуга бағишланган эликдан ортиқ китоб ва бир неча диссертацияларда берилган оқим ва фирқаларга тааллуқли маълумотларни йиғиб, тизимлаштирган ва батартиб жамлаган. Асарда ёритилган турли ақидапараст оқим ва фирқалар тарихи ва улар тарғиб қилган бузуқ ақидаларни билиб олиш, ҳозирги кунда мавжуд замонавий бузғунчи ва мутаассиб кучларнинг пуч ғояларига қарши юртдошларимиз иммунитетини шакллантириш имконини беради. Шунингдек, «Ислом ва ақидапараст оқимлар» асари дунёга келиши учун Айдарбек Тулеповнинг ҳаётий ва меҳнат тажрибаси жуда юқори бўлганлиги, асарнинг бениҳоят даражада кучли, зарур ва фойдали бўлишини таъминлаб берган. Шу жиҳатлари билан «ислом дини билан ниқобланган ақидапараст оқимларга бағишланган» бу асар ҳозирги замон исломшунос ва ақидапарастлик тарихи билан

шугулланувчи мутахассислар учун муҳим манба ҳисобланиши билан бир қаторда ҳар бир юртдошимиз учун зарур ҳаётий қўлланмадир.

Хуллас, Айдарбек Тулеповнинг «Ислом ва ақидапараст оқимлар» асари исломшунос олимлар талабларига тўлиқ жавоб бериши билан бир қаторда, юртдошларимизнинг маънавий ва диний билимларини янада ошириб, ҳидоят йўлида янада собитқадам бўлишларида яқиндан ёрдам беради. Агарда келгусида бу асар рус, араб ва инглиз тилларига таржима қилинса, Марказий Осиё учунгина эмас, дунё тадқиқотчилари учун ҳам бир илмий янгилик бўлишига ишончим комил.

Муслим Атаев

*тарих фанлари номзоди,
Ўзбекистон муслмонлари идораси
Фатво бўлими ходими*



ИЗОҲТАЛАБ ИСМ ВА СЎЗЛАР МУНДАРИЖАСИ

Номи	Бети	Номи	Бети
Абдуллоҳ ибн Масъуд	88	Бадиуззамон	311
Абдулқоҳир Бағдодий	187	Баҳаулло	284
Абтар	116	Бидъат	22
Абу Бакр Хоҳарзода	431	Боб	280
Абу Муслим	246	Бувайхйлар	149
Абу Юср	431	Бурғус	188
Абу Юсуф	431	Дажжол	19
Абу Хурайра	88	Дайён	196
Абул Лайс Самарқандий	83	Даҳрийлик	177
Авлиё	300	Диний байрамлар	250
Адл	213	Дироят	48
Азилла	173	Жаъфар Содик	130
Акка	284	Жаҳм	203
Ал-Мийсоқ куни	191	Жоҳиз	88
Алавийлар	39	Залолат	22
Али авлодлари	117	Замима	247
Аллоҳ	21	Зиммий	429
Ансор	101	Зиндиқ	177
Анта расулуллоҳ	256	Иброҳим Нахайй	78
Асабийлар	169	Ижмоъ	6
Афтас	120	Ижтиҳод	6
Афтаҳ	106	Икки гувоҳлик	52
Афшин	142	Икки имом	52
Ахбор	110	Икки куёв	52
Аҳли байт	58	Икки маййит	52
Аҳли китоб	104	Икки подшоҳ	52

Изоҳталаб исм ва сўзлар мундарижаси

Номи	Бети	Номи	Бети
Икки тақдир	52	Муовия	55
Икки қибла	52	Мурдор	90
Илоҳий китоблар	24	Муртад	182
Имом Ломиший	432	Мусий	170
Имон	17	Мутаассиблик	58
Ислом фидойилари	341	Мутакаллим	176
Исноащрийлар	109	Мушаббиха	219
Исро ва Меърож	22	Мушрик	64
Истинбот	352	Муъаттила	203
Истиҳсон	40	Муқаллид	10
Кавзий	77	Муҳаммад	431
Карбало	170	Муҳдас	202
Куфр	10	Муҳожир	101
Ла ҳукма илло лиллаҳ	76	Муҳсин	170
Лавҳул-маҳфуз	16	Номаи аъмол	33
Маждуддин Уструшаний	357	Носириддин Самарқандий	432
Мажолис ал-муайяда	95	Носих	181
Мажусий	70	Насс	111
Маздакийлик	245	Нусус	9
Макхул Насафий	75	Осий	182
Мансух	181	Пайғамбарлар	20
Махлуқ	15	Пантеизм	157
Махдий	229	Пулсирот	10
Милодий йил	301	Раббоният	175
Монийлик	94	Ризқ	19
Мукаллим	176	Салаф	7
Мукно	253	Сафо Забиҳулло	103
Мункар ва Накир	20	Сиффин	139
Мунофиқ	62	Сохта пайғамбарлар	148

Айдарбек Тулепов. Ислом ва ақидапараст оқимлар

Номи	Бети	Номи	Бети
Таблиғ	334	Шайхулислом Исбижобий	431
Таваккул	20	Шаҳидлик	302
Тажсим	53	Шаҳристоний	195
Такфир	298	Ширк	73
Таносух	92	Шоккия	183
Тарвия куни	155	Яъжуж ва Маъжуж	22
Таркидунёчилик	144	Ғадир куни	111
Ташбиҳ	72	Ғайб	254
Тақво	217	Ғулот	232
Тақия	250	Қазо ва қадар	212
Увайс Қараний	127	Қибла	59
Уструшана	142	Қиёс	46
Фаланглар	368	Ҳавзи Кавсар	10
Фаластин озодлик ташкилоти	374	Ҳажарул асвад	155
		Ҳаробиза	182
Фисқ	254	Ҳарур	57
Фожир	18	Ҳасан Басрий	85
Фосиқ	86	Ҳашиш	158
Хондамир	136	Ҳижоб	283
Хуррамия	245	Ҳижрий йил	254
Чоғар	254	Ҳомилатул илм	61
Шайтон ибн Шайтон	165	Ҳотибу лайл	180
Шайхайн	52	Ҳулул	105

ФИРҚАЛАРНИНГ АЛФАВИТ ТАРТИБИДАГИ МУНДАРИЖАСИ

Номи	Бети	Номи	Бети
Аббодия	179	Асвория	90
Аббосия	126	Атрофия	66
Абдакия	82	Ат-такфир вал-хижра	364
Абдалия	69	Афтасия	120
Аблақия	138	Афтаҳия	106
Абгария	116	Ахбория	109
Абу Муслимия	248	Ахнасия	72
Абу Саройия	118	Аҳмадийлик	287
Абу Саъидия	154	Аҳмадия	169
Авния	66	Баёния	126
Адолат уюшмаси	383	Байҳасия	80
Ажзия	196	Бакрия	199
Ажорида	66	Бақлия	154
Азрақия	58	Бахшиллочилар	394
Алавия	99	Баҳойлик	284
Албоия	247	Баҳра	134
Алиилоҳия	125	Баҳшамия	91
Ал-Қоида	378	Башшория	165
Ам алия	218	Бектошия	165
Ам мория	131	Бидъия	224
Ам равия	86	Бишрия	175
Ансор ал-ислом	401	Бобакия	140
Анфолия	192	Бобия	278
Асария	221	Боко ҳарам	404

Номи	Бети	Номи	Бети
Боқирия	127	Жозимия	67
Ботиния	150	Жорудия	120
Бурғусия	188	Жохизия	179
Бутурия	123	Жуббоия	90
Ваҳмия	181	Зайдия	114
Ваҳҳобийлик	272	Заҳҳокия	81
Воқифия	208	Заъфарония	186
Воридия	205	Зиёдия	205
Восилия	85	Зиммия	189
Деккан Мужоҳидин	412	Зоргирия	163
Дини илоҳий	270	Зоҳирия	159
Дурузия	249	Зурория	147
Жабария тоифаси	190	Ибодия	60
Жаволиқия	147	Ибоҳия	145
Жаворбия	130	Иброҳимия	71
Жайш ал-Мужоҳирин вал-Ансор	422		118
			121
			122
Жамият ал-ислоҳ ал-ижтимоий	398	Имомия	108
Жамоат ал-Ансор	389	Ироқ ва Шомда ислом давлати ташкил қилиш ҳаракати	411
Жамоат Ансор ал-Сунна	422		
Жамоати исломия	362	Искофия	176
Жангари ёшлар террористик ташкилоти	426	Ислом армияси	399
		Исломбули бригадаси	397
Жаноҳия	229	Ислом жиҳоди гуруҳи	408
Жаҳмия тоифаси	202	Ислом жиҳодчилар ҳаракати	401
Жаъдия	187	Ислом лашкарлари	383
Жиҳодчилар	415	Ислом Миллати	314

Фирқаларнинг алфавит тартибидаги мундарижаси

Номи	Бети	Номи	Бети
Ислом фидойилари	341	Махлуқия	206
Исмоилия	131	Маҳкамия	79
Исноашария	110	Маъбадия	71
Исҳоқия	105	Маълумия ва Мажҳулия	68
Иттиҳодия	95	Маърифатчилар	420
Кавзия	77	Мозиёрия	143
Кайсония	170	Муаммария	173
Карбия	173	Муборақия	139
Карромия	159	Муғирия	188
Касария	78	Мужоҳид ёшлар ҳаракати	425
Касбия	196	Мужоҳидлар ҳаракати	367
Каъбия	96	Музтаррия	192
	180	Мукрамия	73
Комилия	247	Муқаннаия	233
Лафзия	210	Муқотилия	186
Лашкаре-Тойба	398	Мултазиқия	204
Лоиния	139	Муовия	172
Маймуния	87	Мурайсия	203
Маия	193	Мурдория	90
Манқусия	218	Муржиа	211
Маннония	195	Мусавия	137
Мансурия	243	Мустадрика	186
Марисия	216	Мустасния	219
Мароғия	151	Мусулмон биродарлар	305
Масаррия	178	Мутабаррия	182
Матбахия	66	Мутавассимия	97
Мафруғия	194	Мутаволия	165

Номи	Бети	Номи	Бети
Мутаносихия	128	Нўъмония	108
Мутаолия	70	Оғахония	274
Мутараббисия	144	Омурия	99
Мутрифия	116	Пасихония	160
Муфаввиза	189	Повал фақирия	166
Муфаззалия	251	Равшания	263
Мухтория	70	Ражъия	135
Муҳаккима	64	Разомия	248
Муҳаммадия	125	Риёдус-Солиҳин	400
Мушаббиха	219	Ровандия	94
Мушъашаъия	129		137
Муъаттилия	203	Рожия	216
Муъгазила	83	Росибия	81
Наждот	64	Рофизия	98
Нажжория	107	Рувайдия	181
	108	Рушайдия	72
	185		
	194	Сабаъия	228
Наззомия	88	Сабоия	157
Наззория	134	Сабоҳия	251
Намруд	225	Савбония	216
Насрия	105	Саврия	222
Новисия	107	Саккокия	109
Нокисия	184	Салтия	70
Нумайрия	233	Самития	114
Нурчилар	310	Санавия	170
Нусайрия	148	Саолиба	71
Нусра fronti	423	Сархубия	223

Фирқаларнинг алфавит тартибидаги мундарижаси

Номи	Бети	Номи	Бети
Синония	133	Фиръавн	227
Сифотия	93	Фония	207
Собиқия	197	Футия	176
Сойибия	214	Хавфия	198
Солимия	91	Хаддошия	95
Сохта салафийлик	296	Хайётия	180
Сохта тариқатчилар	417	Халафия	76
Сулаймония	122	Ханноқия	107
Сумомия	176	Ханфария	133
Суфастоя	189	Хаттобия	229
Суфрия	65	Хашабия	223
Таблиғчилар	334	Хорижийлар	55
Тавба	384	Хуррамия	245
Тавҳидия	250	Чароғкуш	252
Тағлибия	74	Шабибия	74
Тарифия	123	Шабошия	156
Товусия	244	Шайбония	72
Ториқия	213	Шайтония	175
Тумания	216	Шайхия	136
Туркистон ислом ҳаракати	384		277
Убайдия	252	Шалмағония	231
Узун соқоллилар	342	Шамрохия	79
Умайрия	251	Шария	189
Умария	124	Шарикия	180
Усулия	109	Шарқий Туркистон ислом ҳаракати	390
Фавотия	125		
Фидовия	137	Шаҳҳомия	179

Номи	Бети	Номи	Бети
Шиа	100	Ҳадасия	89
Шоккия	217	Ҳамас	373
Шоҳидийлар	420	Ҳамзия	70
Шуайбия	67	Ҳарбия	189
Шумайтия	130	Ҳарёния	171
Юнусия	148	Ҳарқия	205
	215	Ҳарурия	57
Язидия	69	Ҳасабия	200
Ямония	124	Ҳасания	123
Яҳёия	129	Ҳасбония	177
	245	Ҳафсия	73
Яъқубия	108	Ҳашвия	220
	124	Ҳашшошия	158
Яъфурия	150	Ҳизбуллоҳ	367
Ғайбия	128	Ҳизбут-таҳрир ал-исломий	342
Ғайрия	207	Ҳимория	92
Ғассония	215	Ҳишомия	146
Ғаффория	178	Ҳозимия	67
Ғуробия	247		75
Қабрия	209	Ҳорисия	73
Қадария тоифаси	168	Ҳуббия	198
Қарматия	152	Ҳузайлия	87
Қатъия	145	Ҳулмония	157
Қизилбошлар	113	Ҳулулия	228
Қорасаллалар	412	Ҳуруфия	232
Қосития	184	Ҳусайния	114
Ҳабибия	129		120

ИСЛОМ ДИНИДАГИ МАЗҲАБ ВА ФИРҚАЛАР МУНДАРИЖАСИ

Ислом динидаги ақидавий йўналишлар	5
Аҳли Сунна вал-Жамоа.....	5
Мотуридия йўналиши	5
Ашъария йўналиши	11
Ислом динида фикҳий мазҳаблар.....	34
Ҳанафий мазҳаби.....	38
Моликий мазҳаби	45
Шофий мазҳаби	46
Ҳанбалӣ мазҳаби	48
Ислом умматининг оқимларга бўлиниб кетиши.....	51
Хорижийлар тоифаси.....	55
Хорижийлар.....	55
Ҳарурия.....	57
Азрақия.....	58
Ибодия.....	60
Муҳаккима	64
Наждот.....	64
Суфрия.....	65
Авния	66
Ажорида	66
Атрофия	66
Матбахия	66
Жозимия.....	67
Шуайбия	67
Ҳозимия.....	67
Маълумия ва Мажхулия.....	68

Абдалия	69
Язидия	69
Мутаолия	70
Мухтория	70
Салтия	70
Ҳамзия	70
Иброҳимия	71
Маъбадия	71
Саолиба	71
Ахнасия	72
Рушайдия	72
Шайбония	72
Мукрамия	73
Ҳафсия	73
Ҳорисия	73
Тағлибия	74
Шабибия	74
Ҳозимия	75
Халафия	76
Кавзия	77
Касария	78
Маҳкамия	79
Шамрохия	79
Байҳасия	80
Заҳҳокия	81
Росибия	81
Абдакия	82
Муътазила тоифаси	83
Восилия	85

Амравия.....	86
Маймуния.....	87
Ҳузайлия.....	87
Наззомия.....	88
Ҳадасия.....	89
Асвория.....	90
Жуббоия.....	90
Мурдория.....	90
Баҳшамия.....	91
Солимия.....	91
Ҳимория.....	92
Сифотия.....	93
Ровандия.....	94
Иттиҳодия.....	95
Хаддошия.....	95
Каъбия.....	96
Мутавассимия.....	97
Рофизия тоифаси.....	98
Рофизия.....	98
Алавия.....	99
Омурия.....	99
Шиа.....	100
Исҳоқия.....	105
Насрия.....	105
Афтаҳия.....	106
Нажжория.....	107
Новисия.....	107
Ханноқия.....	107
Имомия.....	108

Нажжория	108
Нўъмония	108
Яъқубия	108
Ахбория	109
Саккокия.....	109
Усулия.....	109
Исноашария	110
Қизилбошлар	113
Зайдия	114
Самития.....	114
Ҳусайния.....	114
Абтария	116
Мутрифия	116
Абу Саройия	118
Иброҳимия	118
Афтасия.....	120
Жорудия.....	120
Ҳусайния.....	120
Иброҳимия	121
Иброҳимия	122
Сулаймония	122
Бутурия	123
Тарифия	123
Ҳасания.....	123
Умария	124
Ямония	124
Яъқубия	124
Алиилоҳия	125
Муҳаммадия.....	125

Фавотия	125
Аббосия.....	126
Баёния.....	126
Боқирия	127
Мутаносихия	128
Ғайбия.....	128
Мушъашаъия	129
Яҳёия.....	129
Ҳабибия	129
Жаворбия.....	130
Шумайтия	130
Аммория	131
Исмоилия	131
Синония.....	133
Ханфария	133
Бахра.....	134
Наззория.....	134
Ражъия	135
Шайхия	136
Мусавия	137
Ровандия.....	137
Фидовия.....	137
Аблақия.....	138
Лоиния.....	139
Муборақия.....	139
Бобақия.....	140
Мозиёрия.....	143
Мутараббисия	144
Ибоҳия	145

Қатъия	145
Ҳишомия	146
Жаволиқия.....	147
Зурория.....	147
Нусайрия	148
Юнусия	148
Ботиния	150
Яъфурия.....	150
Мароғия	151
Қарматия	152
Абу Саъидия	154
Бақлия.....	154
Шабошия	156
Сабоия.....	157
Ҳулмония.....	157
Ҳашшошия	158
Зоҳирия.....	159
Карромия.....	159
Пасихония	160
Зоргирия.....	163
Башшория.....	165
Бектошия	165
Мутаволия	165
Повал фақирия.....	166
Қадария тоифаси.....	168
Аҳмадия.....	169
Кайсония	170
Санавия.....	170
Ҳарёния	171
Муовия.....	172

Карбия	173
Муаммария.....	173
Бишрия	175
Шайтония	175
Искофия.....	176
Сумомия	176
Футия	176
Ҳасбония.....	177
Масаррия	178
Ғаффория.....	178
Аббодия	179
Жоҳизия.....	179
Шаҳҳомия	179
Каъбия	180
Хайётия.....	180
Шарикия	180
Ваҳмия	181
Рувайдия.....	181
Мутабаррия	182
Нокисия	184
Қосития.....	184
Нажжория.....	185
Заъфарония	186
Мустадрика	186
Муқотилия.....	186
Жаъдия	187
Бурғусия.....	188
Муғирия.....	188
Зиммия	189

Муфав виза	189
Суфастоия	189
Шария	189
Ҳарбия	189
Жабария тоифаси	190
Анфолия	192
Музтаррия	192
Маия	193
Мафруғия	194
Нажжория	194
Маннония	195
Ажзия	196
Касбия	196
Собиқия	197
Хавфия	198
Хуббия	198
Бакрия	199
Ҳасабия	200
Жаҳмия тоифаси	202
Мурайсия	203
Муъаттилия	203
Мултазиқия	204
Воридия	205
Зиёдия	205
Ҳарқия	205
Махлуқия	206
Фония	207
Ғайрия	207
Воқифия	208

Қабрия	209
Лафзия	210
Муржиа тоифаси	211
Торикия.....	213
Сойибия	214
Юнусия	215
Ғассония	215
Марисия.....	216
Рожия	216
Савбония	216
Тумания	216
Шоккия	217
Амалия.....	218
Манқусия	218
Мустасния.....	219
Мушаббиха	219
Ҳашвия	220
Асария.....	221
Саврия.....	222
Сарҳубия.....	223
Хашабия.....	223
Бидъия	224
Худолик даъво қилган шахслар.....	225
Намруд.....	225
Фиръавн.....	227
Сабаъия.....	228
Ҳулулия	228
Жаноҳия	229
Хаттобия	229

Шалмағония	231
Хуруфия	232
Муқаннаия.....	233
Нумайрия	233
Мансурия.....	243
Товусия	244
Хуррамия	245
Яхёия.....	245
Албоия	247
Комилия.....	247
Гуробия.....	247
Абу Муслимия	248
Разомия	248
Дурузия.....	249
Тавҳидия.....	250
Муфаззалия.....	251
Сабоҳия.....	251
Умайрия	251
Убайдия	252
Чароғкуш.....	252
Замонавий оқимлар.....	262
Равшания.....	263
Дини илоҳий	270
Ваҳҳоби йлик.....	272
Оғахония.....	274
Шайхия	277
Бобия	278
Баҳойлик	284
Аҳмадийлик	287

Сохта салафийлик	296
Мусулмон биродарлар	305
Нурчилар	310
Ислом Миллати	314
Таблиғчилар	334
Ислом фидойилари	341
Узун соқоллилар	342
Ҳизбут-тахрир ал-исломий	342
Жамоати исломия	362
Ат-такфир вал-ҳижра	364
Мужоҳидлар ҳаракати	367
Ҳизбуллоҳ	367
Ҳамас	373
Ал-Қоида	378
Адолат уюшмаси	383
Ислом лашкарлари	383
Тавба	384
Туркистон ислом ҳаракати	384
Жамоат ал-ансор	389
Шарқий Туркистон ислом ҳаракати	390
Бахшиллочилар	394
Исломбули бригадаси	397
Жамият ал-ислоҳ ал-ижтимоий	398
Лашкаре-Тойба	398
Ислом армияси	399
Риёдус-Солиҳин	400
Ислом жиҳодчилар ҳаракати	401
Ансор ал-ислом	401
Боко ҳарам	404

Ислом жиҳоди гуруҳи	408
Ироқ ва Шомда ислом давлати ташкил қилиш ҳаракати.....	411
Деккан Мужоҳидин.....	412
Қорасаллалилар	412
Жиҳодчилар	415
Сохта тариқатчилар	417
Маърифатчилар	420
Шоҳидийлар	420
Жамоат ансор ал-сунна	422
Жайш ал-муҳожирин вал-ансор	422
Нусра fronti	423
Мужоҳид ёшлар ҳаракати.....	425
Жангари ёшлар террористик ташкилоти	426

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Ислом динидаги ақидавий йўналишлар.....	5
«Фикҳи акбар» китоби.....	14
Ақоидга доир қўшимча масалалар.....	23
Ислом динидаги фикҳий мазҳаблар.....	34
Ислом умматининг оқимларга бўлиниб кетиши.....	51
Хулоса.....	427
Муаллифнинг мақолаларидан намуналар.....	442
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати.....	492
Тақризлар.....	499
Изоҳталаб исм ва сўзлар мундарижаси.....	514
Фирқаларнинг алфавит тартибидаги мундарижаси.....	517
Ислом динидаги мазҳаб ва фирқалар мундарижаси.....	523

АЙДАРБЕК МЕДЕТОВИЧ ТУЛЕПОВ
ИСЛОМ ВА АҚИДАПАРАСТ ОҚИМЛАР

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент – 2014

Нашр учун масъул:
Эркин Малик

Муҳаррир:
Бобомурод Эралиев

Техник муҳаррир:
Раъно Бобохонова

Дизайнер-саҳифаловчи:
Ильнур Караджаев

Мусахҳих:
Маъмура Зиямуҳаммедова

Компьютерда матн терувчилар:
Мариям Абдуллаева
Моҳира Зуфарова

Нашриёт лицензияси: АИ № 201, 28.08.2011 йил.

Босишга 10.01.2014 йилда рухсат этилди. Бичими 70×100 ¼.
Офсет босма. Шартли-босма табағи 43,22. Нашр-ҳисоб табағи 33,5.
Адади 5 000 нусха. Буюртма № 3249.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмаҳонасида чоп этилди.
100000, Тошкент ш., Буюк Турон, 41